

ҲАМИД ЗИЁЕВ



ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН
КУРАШЛАРНИНГ ТАРИХИ



*Ўзбекистон мустақиллигининг
10 йиллигига
багишлайман*

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2001 ЙИЛ**




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ҲАМИД ЗИЁЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН
КУРАШЛАРНИНГ
ТАРИХИ**

(Милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил
31 августгача)

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2001 ЙИЛ



Зиёев, Ҳамид.

Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи: (Милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача. — Т.: «Шарқ», 2001. — 448б.

Сарлавҳада: Узбекистон Республикаси ФА Тарих институти.

ББК 63.3(5У)+63.3(2)2

МУҚАДДИМА

Бу табаррук тупроққа милоддан олдинги VI асрда әроналик Кайхусрав, милоддан олдинги IV асрда юнонистанлик Искандар Зулқарнайн, милодий VII асрда араблар, XIII асрда Чингизхон, XIX асрда эса рус истилочиларининг тажсовузлари не-не кулфатлар келтирмади.

... Ёвуз босқинчиларга ва истилочиларга қарши озодлик байропгини күттарған Широқ, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Темур Хотун (Тұмарис), Малика Кабаж Хотун каби аждодларимиз жасорати авлодлар учун ватанпарварлык ва шижеат тимсолидір.

Ислом КАРИМОВ

Мұхтарам юртбошимизнинг мазкур сатрларда из-хор этган фикрлари тарихий қақиқатни акс эттириб, катта сиёсий ва илмий ақамият касб этади. Маълумки, ватан озодлиги учун жонни ҳам, молни ҳам фидо айлаш, мардлик, жасоратлик ва жанговарликни намойиш этиш ҳар бир кишининг орномуси ва муқаддас бурчидир. Шу боис ватанни севиши иймондандир, деган ибора бежиз айтилмаган. Бизning ота-бобо ва аждодларимиз бу нақлни юрагига түккан ҳолда ватанга содиқликни, мардлик, жасоратлик ва жанговарликни намойиш этиб келмоқда. Шунингдек, маданиятни ривожлантириб, жағон цивилизациясига муносиб ҳисса құшди. Машхұр олим Маҳмуд ибн Вали үзининг «Баҳр ал-асрар» китобида шундай деган: Туркистан кенг ва ҳавасни көлтирадиган ажайиб мамлакатдир. У үз ичига күп шаҳарлар, қишлоқтар, вилоятлар, тоғутошлар, чүл ва текис жойларни олади. Унинг ахолиси үзларини туркийлар ёки үзбеклар деб юритадилар. Бу халқ үзининг жасоратлилiği ва жанговарлиги билан шұхрат қозонған. Хоразмлик ва тошкентликтер ҳам шундай фазилатларнинг соҳибидирлар.

Унинг ахолиси үз ватанини ҳар жиҳатдан бошқа мамлакатлардан юқори үринга құяды. У ҳозирда ислом динининг соғлигини сақлаш, мадраса, масжид,

хонақо, талабаларнинг кўплиги, оби-ҳавосининг юмшоқлиги, ажойиб боф ва дараҳтзорлари, тоф ва дарёларининг гўзаллиги ва озиқ-овқатларининг мўллиги жиҳатидан бошқа мамлакатлардан устун туради. Туркистон заминида олим ва шоирлар шу даражада кўпки ҳисобига етиш амри маҳолдир. Унинг бойлиги «илм ва донишмандлик»дадир.¹

Ҳақиқатан ҳам Туркистон жаннатмакон мамлакат сифатида оламга маълум ва машҳурдир. Ўзбекистон эса бу минтақанинг юраги ва жавоҳиридир. Бу ердан инсон ҳаёти ва тараққиёти учун нимаики зарур бўлса барчаси мавжуд. Моддий ва маънавий бойликлар битмас-тугалланмасдир.

Ўзбекистоннинг бунчалик ажойиб ва гаройиб мамлакат бўлиши жаҳонгашта хукмдорларнинг диққатини жалб этмасдан қўймас эди, албатта. Зеро, Аҳмонийлар, Македониялик Александр, Араб халифалиги, Чингизхон, Чор Россияси ва Совет давлати ўлкага бостириб кирдилар. Улар мисли қўрилмаган қирғин-баротларни, талон-тарож ва вайронагарчиликларни қилиб, хукмронлиги бир неча юз йиллар давом этди.

Хусусан, Аҳмонийлар — 200 йил, Грек-македонияликлар — 180 йил, Араб халифалиги салкам — 200 йил, Чингизхон босқинчилари — 150 йил, Чор Россияси ва Совет давлати — 130 йил ўлкани ўз панжаларида ушлаб турдилар. Умумлаштирганда мазкур рақамлар 800 йилдан ошади. Бинобарин, Ўзбекистон ўзининг салкам уч минг йиллик тарихидан ўрта ҳисобда 800 йилини босқинчиларнинг қўли остида ўтказишга мажбур бўлди. Бу гоятда даҳшатли ва фожеали даврларда юз минглаб одамлар ўлдирилди ёки жароҳатлантирилди. Кўп бойликлар таланди, шаҳар ва қишлоқлар харобага айлантирилди. Бироқ ҳеч қандай қирғинлар ва вайронагарчиликлар қанчалик ваҳшийларча амалга оширилмасин, ўзбек халқининг ер юзидан супириб ташлай олмади. Чунки бу халқ Аллоҳнинг марҳамати илиа «оловда ёнмайдиган ва сувда чўкмайдиган» қилиб яратилганки, мисли қўрилмаган талафот ва азоб-уқубатлардан бутун чиқаверди. Ҳамда босқинчиларга қарши курашни давом эттираверди.

Хўш, шундай экан, нима учун озодлик курашлари

¹ Маҳмуд ибн Вали. Баҳр ал-асрап. Тошкент, 1977, 32, 44, 76-бетлар.

маглубиятга учраб босқинчиларнинг ҳукмронлиги ўрнатилган вақтлари бўлган?

Бунга биринчи навбатда таҳтнинг меросхўрлиги ва унинг учун олиб борилган ўзаро қонли урушлар сабаб бўлган. Маълумки ҳукмронлик қилаётган сулолада ҳамма вақт отаси ёки бувасига ўхшаган ақл идрокли ва истеъоддли фарзанд туғилавермаган. Шунга қарамай меросхўрлик қонуни бўйича ноқобил фарзанд ҳам таҳтни эгаллай берган. Бу хилдаги ҳукмдорлар ўзларининг ожизлиги туфайли шахсий манфаат ва ҳузур-ҳаловатни умумдавлат манфаатидан устун қўйиб иш юритган. Натижада мамлакатда инқироз ва қолоқлик юзага келган. Ҳукмдорлардаги кўпхотинлик ва серфарзандлик ҳам катта зиён келтирган. Уларнинг орасида ўнта ва ундан ортиқ хотинли ва 10—20 та фарзандли ҳукмдорларни учратиш мумкин. Бундай отаси бир ва онаси бошقا фарзандларнинг ҳар бири «таҳт менга тегишли» деган фикр билан яшаб, уни эгаллаш учун ака-укаларини улдиришдан тоймаганлар. Бундай таҳт талашиш шундай фожеали оқибатларга олиб келганки тасвирлашга қалам ожизлик қиласди. Авваламбор у мамлакатда парокандалик ва тарқоқликни, хавотирлик ва нотинчликни юзага келтириб, ҳокимият бошқаруви ва салоҳиятига қаттиқ зарба берди. Қўшин орасида эса тарафкашлик ва узбoshimchaliq ҳукм суриб, мамлакат мудофааси жуда заифлашган. Ҳатто таҳт учун курашлар қудратли темурйлар давлатини емирганлигини ким билмайди дейсиз.

Диний фанатизм ҳам мустақилликни қўлдан бой берилишига олиб келган эди.

Маълумки истеъоддли кишилар ҳар қадамда учрамай озчиликни ташкил этади. Шунга ўхшаш ақл-идрокли, фаросатли, жасоратли, ватанпарвар ва моҳир ташкилотчи ҳукмдорлар юз йилларда бир дунёга келган. Унга ишонч ҳосил қилиш учун кейинги минг йиллик тарихга назар ташланса бас. Бу кўп асрлик давр мобайнида юқорида кўрсатилган олий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, том маънодаги давлат арбобларининг хизматлари туфайли 900, 1370 ва 1991 йилларда уч маротаба ватан мустақиллигини тиклашга эришилди. Унинг биринчиси Исмоил Сомоний, иккинчиси Амир Темур ва учинчиси Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу табаррук

зотлар мустақилликни тиклаш билан бир қаторда мамлакатнинг куч-құдрати ва тараққиётини таъминладылар.

Амир Темурдан кейин 600 йил мобайнида озодлик курашларига бошчилик қилиб ғалабани таъминлашга қодир давлат арбоби күзге күрінмади. Ниҳоят, 1991 йилға келиб халқ орзиқиб кутган буюк давлат арбоби Ислом Каримов күз үнгимизда намоён бўлди. Унинг доно раҳбарлиги туфайли Ўзбекистон мустақиллиги тикланди. У шу даражада ўткир сиёsat юргиздики, мустақиллик ва озодлик бамисоли шернинг оғзидан «бир томчи қонсиз», яъни жангут-жадалсиз ва қурбонларсиз тортиб олинди.

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигидаги мустақиллик ва тараққиёт учун олиб борилган курашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу ҳақда кейинги саҳифаларда, яъни ўз ўринда сўз юритилади.

Юртбошимиз айтганидек Ўзбекистон мустақиллигининг тикланиши тасодифий ва фавқулоддаги ҳодиса бўлмай, унинг учун курашнинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мазкур асар мана шу нуқтаи-назардан ёзилиб, ўзбек халқининг милоддан олдинги асрларидан то 1991 йил 31 августча олиб борган қаҳрамонона курашларини ёритишга бағишлиланган. Унда бу курашларнинг сабаблари, моҳияти ва йўналишларини кўрсатишга ҳаракат қилинди. Шу нарса аниқландиди, миллий гоянинг асоси бўлмиш — мустақиллик, озодлик ва тараққиёт учун кураш чукур тарихий даврларда ёк шаклланиб, қанчалик вақтларнинг ўтиши билан шунчалик чукур илдиз отиб борган. Чет эл босқинчилари миллий гоянинг бекиёс катта куч-құдратини англаб қўпориб ташлаш учун аёвсиз курашдилар. Инсон кўзи кўрмаган ва қулоги эшитмаган жазоларни қўлладилар. Лекин миллий гоя ўзбек халқининг онги ва қалбига шу даражада чукур сингиб кетган эдики, ҳеч қандай даҳшатли куч уни йўқ қила олмади. Аксинча, бу гоя вақти келиб халқ қалбидан вулқон каби отилиб чиқиб, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллиги ва озодлиги тикланди. Шу тариқа бу тарихий воқеа ўтмишдаги кўп асрлик миллий озодлик курашларининг мантикий давоми сифатида намоён бўлди.

Бу билан ота-боболаримизни асрлар мобайнида

озодлик учун олиб борган курашлари голибона якунланди. Уларнинг курашларда дарё каби оқсан қонлари, мисли кўрилмаган талафотлар ва зулмлар пировардида беҳуда кетмади. Зеро, куллик занжирлари ва «тэмир қафас» парчаланиб, озод ва эркин халқ сифатида жаҳон даврасида муносиб ўринни эгалладик. Чоризм ва Совет даврида жаҳон харитасидан учирилган Ўзбекистонни билмаган ва сийламаган мамлакат қолмади. Куз ўнгимизда содир булаётган буюк ўзгаришлар ва улкан ютуқларни қўлга киритишда Президентимиз Ислом Каримов ҳал қилувчи ўринни эгаллаб келмоқда. У дунёга юз йилларда бир марта келадиган буюк давлат арбобидир.

Ҳозирги замон авлодлари баҳтлиларнинг баҳтлисидир. Зеро, Президентимиз билан замондош бўлиб яшаш ва озодликнинг гаштини суриш Аллоҳнинг олий неъматидир.

* * *

Кенг ўқувчилар оммасига ҳавола қилинаётган ушбу китоб маҳаллий манбалар, архив ҳужжатлари ва адабиёт маълумотлари асосида ёзилди.

Шубҳасиз, салкам уч минг йилларда содир бўлган мустақиллик учун курашлар тарихини бир асар ҳажмида янада чуқур ва атрофлича ёритишнинг имкони йўқ. Аммо, шунга қарамай, асар муҳтарам ўқувчиларда маълум даражада қониқиши ҳосил этса ўзимни баҳтиёр деб ҳисоблар эдим.

Милоддан аввалги асрларда мустақиллик ва озодлик учун олиб борилган курашлар

АҲМОНИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ БОСҚИНИГА ҚАРШИ КУРАШ

Милоддан аввалги VII асрда Хоразм воҳасида биринчи ўзбек давлати ташкил топган эди. Бу давлат кейинги салкам уч минг йил мобайнида бирин-кетин ҳукм сурган давлатларнинг асоси сифатида намоён бўлди. Афсуски унинг тарихига доир ёзма манбалар жуда оз ва қисқа сақланган бўлиб, чуқур' ва атрофлича таърифлашнинг иложи йўқ. Айрим маълумотларга кўра миңтақадаги подшоҳлардан бири унинг нафратига дучор бўлган 400 кишини Хоразмга сургун қилиган. У бир неча йиллардан кейин уларнинг аҳволини билиш мақсадида ўз одамларни юборган экан. Натижада шу нарса маълум бўладики, сургун қилинган кишилар сог-саломат ҳаёт кечирганлар. Подшоҳ бу хабарни олгач, 400 кишидан иборат туркий аёлларни уларнинг ихтиёрига жўнатган экан. Шундан кейин Хоразмда оиласлар юзага келиб одамларнинг сони қўпайиб борган. Шубҳасиз у ерга атроф-жойлардан бошқа одамлар ҳам келиб ўрнашганлар. Шу тариқа Хоразмда аҳоли қўпайиб, вақтларнинг ўтиши билан шаҳарлар ҳам пайдо бўлган. Воҳада Амударё туфайли сунъий сугориш ривожланиб, деҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ўсган. Давлат ва қўшиннинг куч-қудрати ошгандан кейин улуғ давлатчилик гоялари юзага келиб, узоқ жойларга ҳарбий юришлар уюштирилган. Натижада Хоразм давлати йирик империяга айланган. Хусусан, унинг чегараси Қора денгиз бўйлари ва Грузиягача бориб тақалган. Шуниси дикқатга сазоворки, 1944 йилда Камчаткада милоддан аввалги асрларда Хоразмда зарб этилган танга топилган. Эҳтимол, буюк Хоразм давлатининг чегараси ёки таъсир доirasasi Камчаткагача етгандир.

Хоразм давлати асосан сак номи билан аталувчи туркий аҳолини ўз ичига олган. Бу ҳалқ ўша қадимиий

даврларда гарбда Днепр дарёсидан тортиб, шарқда Тянь-Шань тогларигача чўзилган улкан ерларда ҳаёт кечиргандар. Аммо, уларнинг илгорлашган қисми ҳозирги Ўзбекистон худудида истиқомат қилганлар. Эрадан аввалги икки мингингич йилнинг иккинчи ярмида ёзилган ҳиндларнинг «Маҳобхарата» достонида кўрсатилишича, Туркистон заминида ўша даврда истиқомат қилган қадимий аҳоли юнг, ипак, пахта ва бошқа нарсалардан тўқилган газламалардан лиbosлар кийишган. Бу ҳолат ўша чуқур тарихий даврларда ёқ дехқончилик ривожланганлигидан далолат беради. Хунармандчиликда эса газламаларни тўқиши, тикувчилик ва бүёқчилик ўсган эди. Грек манбаларидан бирида қайд қилинишича аҳолининг кўйлаклари ўсимликлардан тайёрланган бүёқлар билан безатилган ола-була рангли газламалардан тикилган. Аҳоли чарм кийимларидан ҳам фойдаланганлар. Улар кийимларини қимматли тошлар билан безатиб турли хушбуй ҳидли атиrlарни ишлатганлар. Уларнинг ҳарбий қуроллари ҳам анча такомиллашган эди. Зеро, жангларда ўткир қилич, ханжар, болта, ўқ-ёй, қалқон ва темирдан ясалган қуроллардан кенг фойдаланилган.

Демак, минтақада маъданчилик ривожланган эди. Аҳоли узининг жасоратлилиги ва жанговарлиги билан шухрат қозонган. Қўшин отлиқ ва пиёда аскарлардан ташкил топган. Грек тарихчиси Клавдий Элланнинг ёзишича, сакларда кимки уйланмоқчи бўлса қиз билан кураш тушиши шарт бўлган. Мабода бу курашда қиз галабага эришса, у вақтда йигит унинг асири ҳисобланган. Борди-ю йигит устун келса, қизга уйланиш ҳуқуқини олган.¹ Бундай тартиб бежиз қўлланилмаган, албатта. Чунки у даврларда ички ўзаро курашлар ва чет эл босқинчиларининг ҳужумлари тез-тез бўлиб турадиган воқеа эди. Ш боис нафақат эркаклар балки хотин-қизларни ҳам жангларда қатнапшиши муқаддас бурч ҳисобланган. Ҳатто аёллардан маҳсус ҳарбий қисмлар ташкил этилиб, улардан моҳир лашкарбошилар етишиб чиқсан.


Курилаётган даврларда «ҳар бир сатрап қўл остида яхши қуролланган, ёлланма аскар тұдаси бўлар эди. Булардан ташқари сатрапликдаги ҳар бир уруг ёки қабила бошлиғи ҳамда қалъа бошлиқлари ўз қўл остидаги

¹ Древние авторы о Средней Азии. Ташкент, 1940, 23 с.

қуролли халқ оломонини бошлаб урушга чиқар эди. Ас-кар отлиқ ва пиёдаларга айрилар эди. Жангчилар ўқ-ей, найза ҳам шамшир (ханжарга ўхшаган түгри ва узун қилич) ишлатар эди. Ҳар қүшинда икки гилдиракли жанг араваси қисмлари ҳам бұлар эди. Ҳар бир жангчидеги әгніда ҳам бошида ўқ ва шамшир ўтмайдыган төмірсовут, құлида қалқон бұлар эди.

Елланған қисмлардан ташқары ҳар бир жангчи сафарға чиқища талқон, қурут, гүшт ва сув идишни олиб юришга мажбур эди¹.

Хавф-хатарлы шароит шаҳарларни қалин ва баланд деворлар билан қуршаб олинишига олиб келди. Буни бунёд этиш учун күп меңнат билан маблаг сарфланиб, азоб-үқубатлари халқнинг зиммасига тушган. Аммо, унинг ватанпарварлиги шу даражада кучли бұлғанки, мамлакат мустақиллиги ва озодлиги учун жонини ҳам, молини ҳам тиккан. Натижада шаҳарларни девор билан үраб олиш кең қулоч ёйган. «Бу даврда, — деб ёзади академик Яхё Гуломов, — шаҳарларнинг ҳаммаси девор билан үралған бўлиб, ҳар қандай душманга қарши бардош бера оладиган даражада мустаҳкам қилиб қурилған эди. Улар бир одам зўрга кўтара оларлик хом гиштлардан солинган. Шу даврда қурилған қалъалардан Жонбосқалъани олсак, унинг бўйи 200, эни 170 метр бўлиб, икки қатор девори орасида узун айланма йўлаги бор. Ташқари деворида 2000 га яқин ост-уст икки қатор тор-тор туйнуклар қўйилған. Бу туйнукларда қалъадагилар душманга ўқ отиб, унинг



1-расм. Милоддан олдинги асрларда қадимги Хоразмнинг Тешик-қалъа номли ҳарбий истеҳкоми.

¹ Я. Ф. Гуломов, Р. Н. Набиев, М. Ф. Вахобов. Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 1958, 48-бет.

хужумига қарши турғанлар. Қалъанинг ичи 400 хона-
дондан иборат уйлар билан лиқ тұлиб ўртада фақат
бір күчагина бўлган. Қалъанинг тўрида зардўштлар
ибодатхонаси — «оташ-када» бўлган. Үнда доимий ра-
вишда муқаддас олов ёниб турған. Қалъанинг гарбидаги
ёлғиз дарвозасидан ташқарида асосий аҳоли тура-
диган деворсиз шаҳар майдони бўлган».¹

Мазкур маълумотлар Хоразмдаги фақат бир қалъа-
га тегишли бўлса-да, лекин унга уҳшашлари кўп
бўлган. Чунончи амалда ҳарбий қалъага айлантирилган
шаҳарлар Туркистоннинг барча ерларини қамраб
олган. Хоразм давлатидан кейин Туркистон мин-
тақасида Бақтрия давлати юзага келган. Бу давлат-
нинг таркиби Амударёнинг ўрта оқимидаи ерлар,
ҳозирги Тожикистоннинг жанубий туманлари, Ўзбе-
кистоннинг Сурхондарё вилояти, Туркманистоннинг
шарқий қисми ва Афғонистоннинг шимолий томони
кирган. Унинг пойтахти Балхнинг атрофидаи Зарифа-
аспа шаҳри ҳисобланган. Бақтрия давлатида деҳқон-
чилик, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланганли-
ги ҳақида маълумотлар мавжуд. Унинг довруги узок
мамлакатларгача тараалган. Шу боис грек, ҳинд ва
эрон манбаларида тилга олинган. Милоддан аввали
III аср бошида Сирдарёнинг ўрта оқимида Қанға дав-
лати ташкил топди. Унинг аҳолисини негизини Тошкент
вилоятининг Оққургон туманидаги Қанға тепалигини
ўрнида эди. Унинг харобаси 150 гектардан ошиқроқ
ерни ташкил этган. «Қанғаликлар, — деб ёзади, —
грек олим Страбон, — энг яхши отлиқ ва пиёда ас-
карлар ҳисобланиб, ўқ-еъ, қилич, қалқон, мис болта-
лар билан куролланган. Улар жангларда олтин бел-
боғни бойлаб оладилар»².

Қанға давлати ҳозирги Ўзбекистон худудини эгал-
лаган эди.

¹ Уша жойда, 47—48-бетлар.

² Уша жойда.

Шундай қилиб, милоддан олдинги асрларда Туркестон заминида Хоразм, сүнгра Бақтрия ва Қанга давлатлари хукм сурган эди. Шунингдек Зарафшон водийисидан сўғд номида давлат юзага келганлиги маълумдир. Уларнинг орасида Хоразм давлати энг қадимийси ҳисобланади. Умуман, миңтақанинг туб аҳолиси — саклар кўплаб халқлар ҳамон ибтидоий жамиятда яшаётганларида узларининг қудратли давлатларни ташкил этиб, маданият соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритган эдилар. Шунинг учун ҳам қадимги грек манбаларида «қадимийликда улар (саклар) мисрликлар билан баҳслашадилар» — деб қайд қилинган.

Милоддан аввалги VIII асрнинг охирги — VII асрнинг биринчи чорагида Эронда Аҳмоний бошчилигига форс қабилаларининг иттифоқи юзага келган эди. Ундан кейин унинг ўғли Чишиши таҳтга ўтиради. Шу тариқа Аҳмонийлар давлатига замин ҳозирланган эди. Милоддан аввалги VI асрнинг ўрталарида Кир II қудратли Аҳмонийлар давлатини ташкил этади. Бу давлатдан олдин ҳозирги Эроннинг шимоли-гарбидаги Мидия давлати юзага келган. Милоддан аввалги 550 йилда Кир II уни эгаллаб Эронни бир мамлакатга бирлаштириди. Бу вақтларда Туркестонда, олдинги саҳифаларда кўрсатилганидек, «Катта Хоразм» ва Бақтрия давлатлари хукм сурмоқда эди. Кир II нинг шахсан ўзи катта қўшин билан бу давлатларга қарши ҳарбий юришларни уюштириди. Ватан ҳимоячилари душманга қарши қаҳрамонона жанг қилдилар. Шундай даҳшатли жангларнинг бирида Спаретра исмли аёл 200 минг эркак ва 200 минг хотин-қизлардан ташкил этилган аскарлар билан Кир II қўшинини мағлубиятга учратиб, эри Амаргани асирикдан қутқарган.

Демак, озодлик курашларида аёллар ҳам фаол қатнашиб, моҳир жангчилар сифатида намоён бўлганлар. Бу уларнинг ватанпарварлиги, ҳарбий жасорати ва мардлигидан далолат беради.

Кир II қаттиқ жанглардан кейин катта талафотлар эвазига Туркестонни бўйсундиради. Аммо ўлқада босқинчиларга қарши кураш тўхтамайди. Шу боис милоддан аввалги 530 йилда Кир II кўп сонли қўшин билан яна ҳужумни бошлайди. Бу вақтда Туркестонда сакларнинг ҳукмдори Тўмарис исмли аёл душманга



2-расм. Милоддан аввалги V асрда яшаган кишиларнинг кийимлари.

қарши урушга моҳирона бошчилик қиласди. Кир II Тўмариснинг куч-қудратини англаб аввал унга уйланмоқчилигини элчи орқали маълум қиласди. Бу билан у тинчлик билан Туркистонни қўлга киритишни кўзлаған. Тўмарис Кирнинг шум ниятини англаб, таклифи ни рад этади ҳамда урушишга тайёрлигини маълум қиласди.

Кир II қўшин билан Амударёдан кечиб ўтиб ҳарбий лагерь қуради. Аммо у бу ерда кўп вино ва нознеъматларни қолдириб, гуё чекингандек булиб орқага қайтади. Тўмарис бундан хабар топиб, ўғли бошчилигига ҳарбий қисмни жўнатади. Унинг ўғли бу ерга келгандан кейин ёшлиги ва тажрибасизлиги туфайли душман томонидан қолдирилган виноларни аскарлари билан меъеридан ортиқ ичишиб, ҳушёрликни йўқотадилар. Худди мана шундай ҳолатни кутган Кир тўсатдан ҳужум қилиб ватан ҳимоячиларини қириб ташлайди. Шу жумладан Тўмариснинг ўғли ҳам ўлдирилалар. Бундан қаттиқ газабланган Тўмарис душмага қарши жангни бошлаб юборади. Бу жанг шу даражада даҳшатли тус оладики, душманнинг 200 минглик аскари қириб ташланади. Бу оламшумул аҳамиятта молик галаба Аҳмонийлар давлатига берилган қаттиқ зарба булиб, Тўмариснинг давруғи грек дунёсигача тарқала-

ди. Айниңса құдратли империянинг подшохи Кирни аәл киши томонидан мағлубиятта учратилиши ўта шармандали воқеа сифатида тарих саҳифаларига битилди. Тұмарис Кир II нинг калласини қон тұлдирилған халтага солиб: «Сен бутун умринг бўйи қонга тўймадинг, мана энди уни тўйиб ич», — деб хитоб қылған. Аҳмоний давлати катта талафотта қарамай қандай бўлмасин Туркистонни бўйсингидириш учун ҳеч нарсадан тоймади. Ўнинг подшохи Доро I Туркистонга бостириб кириб Сирдарё бўйига жойлашади. Бу ерга Широқ исмли бир оддий отбоқар қулоқ-бурни кесилған ҳолда келиб шундай дейди: «Сак ҳукмдори менни ноҳақ шундай жазолади, агар мен сизларни яқин йўлдан улар устига бошлаб борсам, узимнинг учимни олиб берасизларми?» Доро подачининг сўровини бајонидил инобатта олиб, унинг кетидан йўлга чиқади. Улар етти кун юришгандан кейин сувсиз саҳрона келишади. Бу вактда душман аскарларининг ўзлари билан олиб юрган сувлари тугаган эди. Шунда Широқ уларни ҳалок этиш учун бу ерга олиб келганлигини курсандчилик билан айтади. Бундай оддий бир кишининг ватанга ўта содиклиги ва онгли равищда қулоқ-бурни кесиб, ўзини қурбон этиши тарихда учрамайди. Шу боис унинг номи мана икки минг йилдан ошадики кишиларнинг хотирасида ҳамон сақланмоқда. Широқнинг жасорати ва ватанпарварлиги умуммиллат ва давлат манфаати учун курашнинг энг ёрқин намунасидир. Доро ва унинг ўғли Сарахс (Ксеркс) қатор жанглардан сўнг Туркистонни босиб олдилар. Умумлаштирганда Аҳмоний босқинчилари 200 йилдан ортиқ ўлқада ҳукмронлик қилиб, бойликларни таладилар. Шу орада Туркистон халқи озодлик курашини тұхтатмади. Бу ҳақда подшоҳ Доро I ёзади: «Мен Бобил (Вавилон)да банд бўлиб, суст ҳаракат қилған пайтимда тубандаги мамлакатлар мендан бош тортиб, айрилиб кетдилар: Сүғдиёна, Мидия, Асур, Армения, Парфия, Маргиёна (Марв), Саттакидия ва саклар». Маргиёнадаги ва Парфиядаги кураш ҳақида шундай ёзади: «Маргиёна вилояти мендан бош торғди. Үнда Фираат (Фарҳод) деган киши бор эди; уни ўзларига ҳукмдор қилиб кутардилар. Мен унга қарши Бақтрия сатрапи бошлиқ аскар юбордим... Шундан кейин бу вилоят яна менга қарам бўлди. Парфияликлар ҳам Гиркания (Гугон)ликлар менга қарши бош кутариб,

Фираат (Фарҳод)нинг томонига ўтдилар, мен сакларга қарши юриш қилдим, душманни ўлдиридим ва асир олдим. Менга қарши бош кутарган (саклар бошлиғи Сакука номли киши эди...) мен уни енгдим».¹ Аммо, ўлкада Аҳмонийларнинг ҳукмронлигига қарши кураш тұхтамади. Милоддан олдинги IV асрда Бақтрия үз мустақиллігини тиклади, лекин у яна Аҳмонийлар томонидан босиб олинди. Шундан кейин Зарафшон, Қашқадарे ва Сурхондаре ҳавзаларидағи жойлар Бақтрия таркибига киритилди.² Айрим маълумотларга күра Хоразм, сұнгра Сирдаре атрофида яшовчи саклар мустақиллікка эришгандар. Хуллас Аҳмонийлар қирғин-барот ва вайронагарчиликлар ҳисобига ҳукмронликни үрнатып туб аҳолини қаттық зулм остида ушлаб турди. Бу ҳолат ўлканинг изчилилк билан ри-вожланишига йўл бермади.


Курилаётган даврда Аҳмонийлар империяси Греция ва Македонияда Александр бошлиқ юзага келган кучли давлат қаршилигига учрайди. Уларнинг ўртасида жаһонда яккажокимлик учун кураш қизғин тус олиб боради. Оқибатда ҳар икки томон ўртасида уруш бошланиб, македониялик Александр бирин-кетин Аҳмонийлар давлатига зарба бериб боради. Сұнгра у катта құшин билан Туркистанға ҳарбий юришни бошлайди.

МАКЕДОНИЯЛИК АЛЕКСАНДР ТАЖОВУЗИГА ҚАРШИ КУРАШ

Подшоҳ Александр милоддан аввалги 334 ва 333 йилларда Галлас-Понтдаги Граник дарёсининг буйида, сұнгра Иса шахрида Аҳмонийларнинг устидан галабага эришади. Шундан кейин у Кичик Осие, Сурия, Фаластин, Финикия ва Мисрни әгаллайди. Милоддан аввалги 331 йилда Месопотамияда Аҳмонийлар құшини яна маглубиятта учратилади. Шундан кейин Македониялик Александр томонидан Бобил, Сузи, Персеполь ва бошқа Аҳмонийлар құл остидағи жойлар босиб олинади. Подшоҳ Доро III эса қочишга мажбур бұлади. У нафақат катта бойликлардан, балки құшинининг талай қисмидан маҳрум

¹ Я. F. Ғуломов. Набиев Р.Н., Ваҳобов М.Ф. Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 45—46-бетлар.

² Уша жойда.



булади. Мана шундай ниҳоятда оғир вазиятда Доро ІІ құрқоқлик, ожизлиқда айбланиб, қариндоши Бесс томонидан үлдирилади.

Бесс ўзини Аҳмонийлар давлатининг ҳукмдори деб эълон қиласы. Милоддан аввалги 329 йилда Александр Бақтрияни әгаллаб, Бессни асир олади. У маҳсус йигин ташкил этиб, Бессни унга хизмат қилиши ҳақидағи сұровини айтиб: «Узининг ҳукмдорига хоинлик қилиб, уни үлдирған Бессга ишонмаслигини маълум қиласы ҳамда уни ўз ҳукмдорига хоинлиқда айблаб үлимга маҳкум этади». Бурни кесилиб икки оғи эгилган икки дараҳтнинг учига bogланади. Шу тариқа унинг танаси ўртадан иккиге ажратып ташланган.

Александр қаерни босиб олса, шу ернинг аҳолиси-ни қириб ташлади, бойликларини талади. Милоддан аввалги 329 йилда Александр Самарқандни босиб олади. Бу ерда у ҳарбий гарнizon ва атроф жойлардағи қишлоқларни ёндиради. Сунгра у ҳарбий юришни давом эттириб, Самарқанд билан Хужанд оралиғидаги Усрушанга келганда ватан ҳимоячилари билан тұқнашған. Бу ерда шундай қаттық жаңг бұлдықи, 30 минг кишиilik ватан ҳимоячиларидан 22 мингтаси ҳалок бұлды. Ҳатто бу жаңгда Александрнинг ўзи жароҳатланди. У Усрушанларни ваҳшайларча бўйсиндирғандан кейин Сирдаре бўйлаб юришни давом эттиради. Бу ерда жойлашған еттита шаҳарнинг аҳолиси Александрга қарши бош күтариб мустақиллик учун курашдилар. Айниқса Крипол шаҳрида ватан ҳимоячилари билан босқинчилар ўртасыда қаттық жаңг бўлиб туб аҳолидан 8 минг киши ҳалок бұлды. Кўп кишилар яраланди. Душман аскарлари катта талафот кўрди. Лекин улар ғалабага эришдилар. Бу ерда ҳам Александр жароҳатланган эди. У бундан газабга тўлиб тошиб аҳолининг кўпини қириб ташлади.

Бу вактда Бақтрия ва Самарқандда босқинчиларга қарши умумхалқ қўзголони күтарили. Унга Спитамен деган шахс бошчилик қилди. Милоддан аввал 329 йилда бошланган бу қўзголон шу даражада кучли бўлганки, ҳатто қудратли подшоҳ Александрни ҳам саросимага солиб қўйган. У қўзголончилар томонидан Самарқандни қамал қилингандигини эшитиб, уларга қарши қўшин жұнатади. Қўшин яқинлашганда Спитамен Самарқанддан чўл томонга чекинади. Қўшин қўзголончиларнинг орқасидан юриб жаңг қилишга

даъват этади. Аммо Спитамен қўшинни жўртага чўл ичкарисига яқинлаштиради. Сунгра унга ҳужум қилиб қириб ташлайди. Шундан кейин Спитамен Самарқанддаги душманнинг ҳарбий гарнizonини қайта қўршаб олади. Шу боис Александр катта қўшин билан Самарқандга йўл олади. Спитамен жанг қилишдан бош тортиб чўлга чекинган. Аммо Александр чўлнинг ичкарисига қириб урушишнинг хавфлилитиги ни англаб, Спитамен билан тўқнашишдан бош тортади. Бироқ у йўлдаги туб аҳолини қолдирмай қириб ташлаш ҳақида фармон беради. Шуниси дикқатга сазоворки, ўлимга ҳукм этилган 30 та нуфузли кишилар ўлим жазоси бажарилаётганда ашула айтганлар. Душманлар уларнинг бундай мардлиги ва жасоратидан ҳайратланганлар. Қўзголондан газабланган Александр Зарафшон водийсида кечасию кундузи билан одамларни қириш билан шугулланди. Унинг аскарлари 120 минг туб аҳолини бошини танасидан жудо этдилар. Кўп шаҳар ва қишлоқларнинг номигина қолиб, аҳолиси ҳалок этилди. Бундай қилишдан асосий мақсад озодлик курашларини илдизи билан кўпориб ташлаш ҳамда ўлкада грекларни жойлаштириш учун шароит яратиш эди. Шунинг учун ҳам миintaқада греклар яшайдиган қатор шаҳарлар бунёд этилган эди. Александр милоддан аввал 329—328 йилнинг қишини Бақтрияда ўтказади. Бу ерга Хоразм подшоҳи Фарасман номидан элчи ташриф буюриб Александр билан дўстлик алоқаларини ўрнатиш ва унга Қора денгиз тарафига ҳарбий юришда ёрдам бериш истагини билдириди. Александр бу таклифни мамнуниятлик билан қабул қилиб, Ҳиндистонга ҳарбий юришида Хоразм ёрдамидан фойдаланишини маълум қилди. Бу ерда шуни айтиш лозимки, Хоразм подшоҳи босқинчиларнинг куч-қудратини ҳисобга олиб муроса қилишни лозим топди. Натижада Хоразм ўз мустақиллигини сақлашга эриди.

Милоддан аввали 328 йилнинг баҳорида Александр яна Самарқандга келиб унинг атроф жойларида яширинган қўзголончиларга қарши курашди. Шундан сўнг у Спитаменни ушлаш учун ҳарбий қисмни жўнатади. Аммо Спитамен 600 отлиқ аскарлар билан тусатдан Бақтрияда пайдо бўлиб ҳарбий гарнizonга ҳужум қиласиди. У қўшимча душман аскарларини келаётганлигини эшитиб чўлга чекинади. Бу ердан у яна Са-



3-расм. Спитамен құзғолони.

марқандга хужум қиласы, лекин 800 кишини йүқотиб чекинишга мажбур бұлады.

Хуллас, ватан ҳимоячилари Спитамен бошчилигида мустақилликни тиклаш учун фидокорона жанг қилдилар. Аммо улар мунтазам ва яхши қуролланган қүшинга бардош беролмай пировардида тор-мор этилади. Ватан ҳимоячиларининг асосий қисмини эса ҳарбий маҳоратни яхши ўзлаштирумаган оддий кишилар ташкил этган эди. Бу озодлик курашини енгилишига олиб келган асосий омиллардан бири эди. Айрим маълумотларнинг кўрсатишича, Спитамен уйқудалигига хотини ўлдириб, калласини Александрга юборган. Бу ҳолат ҳам босқинчиларга қарши курашга қаттиқ зарба бўлиб тушган. Шунингдек айрим юқори табақа вакиллари шахсий манфаатларини кўзлаб душманга хизмат қилдилар. Бу хоинлик ҳам Александр галабасини таъминлашда муҳим ўрин эгаллади. Аммо ҳалқ оммавий равишида Александр тажовузига қарши қаҳрамонона курашиб ватанпарварлик намуналарини намойиш этди. Озодлик кураши шу даражада қизгин тус олдики, Александрга ўз ҳукмронлигини ўрнатиши учун уч йил (329—327) вақт сарфлади. У милоддан аввалги 323 йилда вафот этади. Шундан кейин унинг тузган империяси Македония, Миср ва Суриядан иборат уч қисмга бўлиниб кетади. Айни пайтда меросхур

булмаганлиги учун ҳокимият лашкарбошилар ўртасида тақсимланади. Улардан бири Селевка Бобил мамлакати (Бобил) ва унинг шарқига жойлашган мамлакатларга эга бўлади. У Эрон ва Туркистонни ҳам қўл остига олади. Шундан кейин бу ерда ҳам Селевкийлар сулоласи ҳукмронлик қилиб, халқни эзib, «суви»ни ичади.

Қангилар македониялик Александр ва Селевкийларнинг тажовузи ва ҳукмронлигига қарши қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. Улар жанговар халқ бўлганларни туфайли босқинчилар қанчалик ҳаракат қиласин барибир уларни бўйсиндира олмадилар. Аксинча Қанг қабилалари босқинчиларга қарши кураш жараёнида ўзларини мустақил давлатини ташкил этдилар. Милоддан аввалги учинчи асрнинг ўрталарида Грек-Бақтрия ва Парфия сингари мустақил давлатлар юзага келиб селевкийлар ҳукмронлиги тутатилди.

Грек-Бақтрия давлати Туркистон, Афғонистон, Ҳиндистон каби мамлакатларда ҳукмронлик қилди. Афғонистондаги Мозори Шариф атрофидаги Бақтрия шаҳри унинг пойтахти эди. Айтиш лозимки Грек-Бақтрия давлатини греклар бошқариб, уларнинг тили давлат тили ҳисобланган. Эрадан олдинги 70-йилларда Қанг давлати Суғд ва Амударёгача бўлган ерларни ҳамда Тошкент воҳасини Грек-Бақтриядан тортиб олган эди. Натижада грек ва македонияликларнинг ҳукмронлигига қақшатқич зарба берилади. Милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида сакларнинг қавмларини бир қисми — юэчжи қабилалари Грек-Бақтрия давлатини тамомила тор-мор этдилар. Эрадан аввалги I асрнинг охирида юэчжиларнинг Гуйшон (Кушон) хонадонига мансуб кишилар ҳокимиятни қўлга олиб Кушон империясини туздилар. Бу маҳаллий давлат Туркистоннинг кўп вилоятларини, шарқий Туркистонни, Афғонистонни ва шимолий Ҳиндистонни ўз ичига олган. Самарқанд вилоятига қарашли Каттақургон Кушон империясининг пойтахти эди. Аммо, кейин пойтахт шимоли-гарбий Ҳиндистондаги Пешовар шаҳрига кўчирилди. Империя I—IV асрларда, яъни тўрт аср ҳукм суреб, Туркистон тарихида салмоқли ўрин эгаллади.

Умуман айтганда грек ва македонияликлар Туркистонда озодлик курашларига зарба береб 180 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилдилар. Бу ҳисобга 100 йилдан

ортиқ ҳукм сурган Грек-Бақтрия давлатининг ҳукмронлиги ҳам киради. Гарчанд бу давлат селевкийларнинг сиртмогидан чиқиб, мустақилликни қўлга киритган бўлса-да, лекин ҳокимият грекларнинг қўлида эди. Грек тили давлат тили ҳисобланган.

Агар Аҳмоний давлатининг 200 йилдан ортиқ ҳукмронлигига юқорида келтирилган 180 йил рақами қўшилса, у вақтда умумлаштирганда Туркистон замини 400 йил атрофида хорижий босқинчиларнинг панжасида ҳаёт кечирган. Мана шу тўрт аср мобайнида ўлка сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан инқизозни бошидан кечирди. Бунга мустақиллик ва озодликнинг йўқотилиши, қаттиқ зулм ва бойликларнинг таланиши сабаб бўлди. Аммо ҳеч қандай қиргингарот, назорат ва таъзиблар халқнинг онги ва қалбидаги мустақиллик ва озодлик гояларини қўпориб ташлай олмади. Натижада озодлик курашлари сўнмай давом этаверди.

Араб халифалигига қарши олиб борилган жанглар

ХАЛИФАЛИКНИНГ ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ

632 йилда Пайгамбаримиз Мұхаммад саллоллоху алайхи вассалам вафотидан кейин унинг эң яхши сафдошларидан бири Абу Бакр халифалик тахтига үтиради. У 632—634 йилларда мамлакатни бошқаради. Үндән кейин Умар (634—644), Усмон (644—656), Али (656—661) тахтни эгаллаб ҳарбий юришларни қызитиб юборадилар. Халифа аскарлари 634 ва 642 йилларнинг орасида Мисрни эгалладилар. 633—634 йилларда Месопотамиядаги Хир шаҳри босиб олинди ҳамда Сурия га қарши ҳарбий юриш үштірилди. Ҳатто Византия құшинига зарба берилди. Сурия ва Фаластин ҳам бўйсиндирилди. Шу тариқа араб халифалиги борган сари кучайиб, жаҳон даврасида салоҳиятли ўринни эгаллаб борди. 651 йилда халифалик құшини бир қатор жанглардан кейин Эронни босиб олди. Бу ерга кўп араблар ўрнашиб ислом динини тарғибот қилдилар. Натижада мамлакатда асрлар мобайннида ҳукм сураёттан зардўшт (оташпаратлик) дини тобора сиқиб чиқарилди. Араб тили давлат ва илм-фан тили сифатида намоён бўлди. Пировардида Эрон ислом динини Туркистон ва бошқа мамлакатларга тарқалишида муҳим ўрин эгаллади.

Халифа ҳукмдорлари Эрондан кейин Туркистонни эгаллаш учун ҳаракатни бошлаб юбордилар. Араб құшини 651 йилда Марв шаҳрини эгаллади. Шундан кейин улар Амударёни кечиб үтиб, бир неча маротаба ўлканинг ички томонларига ҳарбий юришларни үштирғанлар. Бу вақтларда Эрondаги Хурасон вилоятидаги арабларнинг қароргоҳи ташкил этилиб, у ерга 50 минг араб кўчириб келтирилган эди. Булар құшиннинг асосини ташкил этиб, босқинчилик урушларини олиб борганлар. Хурасоннинг пойтахти Марв шаҳри эди. Ҳудди мана шу жойдан Туркистонга ҳужумлар үштірилиб турилган. Буларга Хурасон вилоятининг ҳокимлари бошчилик қилғанлар. Улардан бири — Убайдул-

лоҳ ибн Зиёд Бухорога хужум қилганда қаттиқ жанг бўлган. Бу Наршахий асарида қўйидагича таърифланган: «Араб қўшини Жайхун дарёсидан ўтиб Бухорога келган вақтда Бухоро подшоҳи, ўғли Тагшода кичик ёшли бўлганлиги туфайли, бир хотин киши эди. Убайдуллоҳ ибн Зиёд Пайканд ва Ромитанни олиб кўп кишиларни асир қилди. Турт минг бухоролик асирни шахсан ўзига олди. Бу воқеа эллик учинчи йилнинг охири ва эллик тўртингчи йилнинг бошида (ноябрь-декабрь 673) бўлган эди. У Бухоро шаҳрига етгач, аскарларини саф қилиб, палаҳмонларни шаҳарга тўгрилаб қўйди. Хотин туркларга одам юбориб, улардан ёрдам сўради ҳамда Убайдуллоҳ ибн Зиёдга ҳам одам юбориб етти кун муҳлат талаб қилди ва: «Мен сенинг итоатингдаман», — деб, кўп ҳадялар юборди. Шу етти кунда турклардан ёрдам келмагач, Убайдуллоҳ ибн Зиёдга қайтадан одам юбориб, яна етти кун муҳлат сўради. (Ниҳоят) турк лашкари етиб келди ва бошқалар ҳам йигилишиб лашкар кўпайди; кўп урушлар қилдилар ва охири кофири (ватан ҳимоячи)лари енгилиб қочдилар, мусулмонлар (араблар) уларнинг орқаларидан бориб кўпларини ўлдирдилар. Хотин қалъага кирди. У (йигилиб келган) лашкарлар ўз вилоятларига қайтдилар. Мусулмонлар қурол, кийим-кечак, тилла ва кумушдан ишланган нарсалар ва асирлардан иборат кўп ўлжани қўлга киритдилар. Улар Хотин (хукмдор)нинг бир пой этигини ҳам пайпоги билан топиб олдилар. Этиқ ва пайпоқ тилла ишлатиб тикилган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди, баҳо қилганларида икки юз минг дирҳам турди».¹

Куриниб турибдики, Бухорода босқинчилар билан ватан ҳимоячилари ўртасида урушлар бўлган. Шубҳасиз кўп одамлар ўлдирилган ёки жароҳатлантирилган. Уларнинг галаба қилишининг сабаби шундан иборат бўлганки, ўлкада тарқоқлик ва парокандалик ҳукм суриб, давлат анча заифлашиб, турк ҳоқонлиги инқизозни бошидан кечираётган эди. Аммо шунга қарамай араб истилочилари асосан турк ҳоқонлиги билан кўп йиллар мобайнида кураш олиб борди. Бухоро ҳукмдори — Хотин, яъни аёл киши жанг майдонларида бевосита қатнашганки, босқинчилар унинг қим-

¹ Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, 1991, 115-бет.



4-расм. VI—VIII асрлардаги Самарқанд жангчилари.

матбаҳо этигини ўлжага олғанлар. Түрт минг кишини асирга олинishi шу ҳақда гувохлик берадики, ватан химоячиларининг сони анча кўп бўлиб, она-юрт мустақиллигини сақлаш умумхалқ курашига айланган.

Убайдуллоҳ ибн Зиёд галаба қозонгандан кейин унинг «Фармони билан дарахтларни кесдилар, қишлоқларни вайрон қилдилар, шаҳар ҳам хатарда эди; Хотин одам юбориб омон тилади, бир миллион дирҳам барабарига сулҳ тузилди. (Хотин) мол юборди. Убайдуллоҳ ибн Зиёд молни олиб қайтди ва мазкур түрт минг бухоролик асирларни ҳам ўзи билан олиб кетди».¹

Афтидан Убайдуллоҳ ибн Зиёд гарчанд галабага эришган бўлсада, лекин шаҳар ичидағи Хотин яширган қалъани забт эта олмаган. Хотин бу ердан туриб у билан сулҳ тузган ва белгиланган бойликни юборган. Босқинчилар ярог-аслача, олтин, кумуш, кийим ва кўп асирларни олиб орқага қайтганлар. Хурросон вилоятининг ҳокими этиб тайинланган Сайд ибн Усмон ҳам Бухоро ва бошқа жойларга бостириб киради. У 676 йилда Бухорода Самарқанд, Шаҳрисабз

¹ Ўша асар, 116-бет.

ва Қаршидан келган 120 минг кишилик ватан ҳимоячилари билан жанг қиласы. Аммо самарқандликлар нима учундир жанг майдонини ташлаб кетгандар. Афтидан ўзаро чиқишмовчилик орқасидан самарқандликлар Бухородан чиқиб кетгандар. Натижада босқинчилар устун келиб, Хотин подшохни сулҳ тузишга ватован тұлашга мажбур этадилар. Гаров сифатида 80 бухоролик нуғузли кишилар Сайд ибн Усмон қўлига топширилади. Сайд ибн Усмон Бухорони босиб олгандан кейин Самарқандга бориб урушни давом эттиради. «Шундай қилиб, — дейилади Наршахий асариди, — Сайд Бухоро ишларидан фориг бўлгач, Самарқанд ва Сўғдга бориб кўп жанглар қиласи ва зафар унинг томонида бўлди. У вақтда Самарқандда бирор подшоҳ йўқ эди. Сайд Самарқанддан ўттиз минг кишини асир қилиб, кўп молни қўлга тушириб (қайтди). У Бухорога етиб келганида Хотин одам юбориб: «согсаломат қайтиб келдинг, энди гаров (80 киши)ни бизга қолдириб кет», — деди. Сайд эса «Ҳали сендан хотиржам бўлганим йўқ, токи Жайхундан ўтгунимча қўятур», — деди. Марвга етганида эса «Нишопурга етгунимча қўятур», — деди. Нишопурга етганида «Куфага етиб олай», — деди ва ундан Мадинага олиб кетди. Мадинага етганидан кейин, Сайд гулом (куллари)га буюриб (у гаровга берилган одамларнинг) қилич ва камарларини ечтирди ва уларда бор бўлган кимхоб кийимлар, тилла ва кумушларнинг ҳаммасини олдирди. Кийимлар эвазига уларга шолча (кийим)лар бериб экин экиш ишларига банд қилиб қўйдилар. Улар бундан жуда хафа бўлиб: «Бу киши бизга бермаган яна қандай хўрлик қолди? У бизни қул қилиб олиб оғир ишларни буюрмоқда, биз хўрлик билан ўлгандан кўра бир йўла фойдали иш қилиб үлайлик» — дедилар ва Сайднинг саройига кириб эшикларни маҳкам беркитдилар. Сайдни ўлдирдилар ва ўзларини ҳам ўлимга топширдилар. Бу (воқеа 680—683 йилларда) бўлган эди».¹

Бундан минг йил муқаддам битилган ушбу мисралар халифаликнинг ҳарбий юришларини асл мақсадини янада кенгроқ очиб беради. Авваламбор унинг вакиллари мол-мулк ва асиirlарни қўлга киритиш учун курашганлар. Шу боис уларнинг тажовузларини

¹ Уша асар, 117—118 бетлар.

қароқчилик деб баҳолашга барча асослар мавжуд. Ўша мисраларда бухороликларнинг эркесварлиги яхши баён этилган. Зеро, улар зулм ва ҳақсизликка қарши бош кутариб, онгли равишда ўзларини ўлимга маҳкум этиб, қаҳрамонлик намуналарини намойиш этганлар.

Хурросон вилоятига ҳоким этиб тайинланган Муслим ибн Зиёд ҳам Туркистонга кўз олайтириб катта бойликни қўлга киритишга аҳд қилди У 704 йилда урушга отланганда Бухоро, Самарқанд ва Туркистон шаҳарларининг ҳукмдорлари иттифоқ тузишиб, биргаликда курашдилар. Самарқанд подшоҳи Тархун 120 минг аскар билан, Туркистон шаҳридан Бидун бошчилигига жангчилар келдилар. Авваламбор халифаликнинг бир ҳарбий қисми Бидун қўшинининг ҳужумига йўлиқди. Бу жангда халифалик аскарларидан тўрт юз киши ўлдирилди, қолганлари қочишга улгурдилар. Кейинги тўқнашувда ҳам Бидунни қўли баланд келаётганда у ўлдирилди. Бу ҳолат ватан ҳимоячиларини сардорсиз қолишига олиб келиб уларнинг кучини заифлаштириди. Пировардида босқинчилар голиб келдилар. «Ўлжалар тақсимланганда ҳар бир отлиқ аскарга икки минг тўрт юз дирҳамдан тегди¹. Бундан ташқари Бухоро ҳукмдори Хотиндан сулҳ бўйича кўп моллар олинди. Шундан кейин Муслим ибн Зиёд «чўнтағи»ни тўлдириб Хурросонга жўнади.

Халифалик томонидан Туркистонни тамомила бўйсиндириш Хурросон ҳокими Қутайба ибн Муслим зиммасига тушди. Унинг ҳарбий юришларининг тафсилоти Наршахийнинг асарида анча яхши берилган. Унда кўрсатилишича, Қутайба ибн Муслим 706 йилда Амударёдан ўтиб Бухоронинг яқинидаги Пайканд шаҳри томон йўл олган. Бундан хабардор бўлган пайкандликлар қаттиқ тайёргарлик кўрдилар. «Қадимги вақтда Пайкандни, — дейди ўша муаллиф, — Шористон деганлар ва мустаҳкамлигидан уни «жез шаҳар» деб ҳам атаганлар. Қутайба жуда қаттиқ жанглар қилди; Мусулмонлар эллик кунгача (ҳисорни олиш учун) чора тополмай, заҳмат чекдилар ва (охири) ҳийла ишлатдилар. Бу гуруҳ (аскарлар) девор тагидан минорга ва ҳисорнинг ичкариси томон лаҳм қазиб, отхонадан чиқдилар, (сўнг) деворни кавлаб раҳна очдилар; му-

¹ Ўша асар, 119-бет.

сулмонлар ҳануз ҳам ҳисорга кела олмаётган эдилар, (энди) раҳна орқали ичкарига кирдилар. Қутайба: «ҳар ким шу раҳнадан ичкарига кирса унга хуни баҳосида (мукофот) бераман, агар у ўлдирилса (мукофотни) унинг фарзандларига бераман, — деб қичқирди. (Шундан кейин) ҳар ким ичкарига киришга қизиқди ва (ниҳоят) ҳисорни олдилар. Пайканд аҳолиси омон тилади. Қутайба сулҳ тузиб, мол олди ва Варқо ибн Наср Бохилийни уларга амир қилди-да, ўзи Бухорога қараб юрди... Қутайба Хунбун (қишилогига) келганида унга: «Ҳисорнинг кишилари қўзғолон қилиб амирни ўлдирди», — деган хабарни етказдилар. Қутайба лашкарига: «Боринглар, Пайкандни талон-тарож қилинглар. Уларнинг қонларини (тўкишни) ва молларини (олишни) ҳалол қилдим», — деб буйруқ берди... У қайтиб Пайкандга келди ва у ерда кимки урушга яроқли бўлса ҳаммасини ўлдирди, қолганларини асир қилиб олди. Шундай қилиб, Пайкандда ҳеч ким қолмади ва Пайканд ҳароб бўлди».¹

Пайканд шаҳрининг аҳолисини талай қисми савдо-гарчилик билан шугулланиб, Хитой, Каспий денгизи ва бошқа жойларга қатнаб турганлар. Шу боис шаҳар ўзининг беқиёс катта бойлиги билан арабларни жуда ҳайратлантирган. Олтин ва бошқа қимматбаҳо ўлжаларнинг ҳисобини қилиш анча қийинчилик туғдирган. Бошқачароқ айтганда араблар Пайкандни эгаллаб, «жиққа мой»га ботганлар. Зоро «Қутайба Пайкандни фатҳ қилганида бир бутхонада оғирлиги тўрт юз дирҳам келадиган битта қумуш бут топган. У яна бир қумуш жомлар топиб олган ва уларнинг ҳаммасини жамлаб тарозида тортганида бир юз эллик минг мисқол чиққан. У ҳар бири кабутар тухумидек келадиган иккита марварид ҳам топиб олган... Қутайба бу қимматбаҳо нарсаларни йиғиб ҳалиги иккита марварид билан биргаликда Ҳажжожга (халифаликнинг шарқий қисмининг ноibi)га юборди ва унга Пайканднинг фатҳ этилганлиги ҳақида хат ёзил, у икки дона марварид қиссанини ҳам қайд қилиб ўтди»².

Қутайба Пайкандни талон-тарож ва вайрон қилиб атроф-жойлардаги қишлоқларни эгаллашга киришди. У Хунбун, Тароб, Ромитан сингари қишлоқларида ва-

¹ Уша асар, 120—121-бетлар.

² Уша асар, 120-бет.

тан ҳимоячилари билан қаттиқ жанглар қилишга мажбур бўлди. Ҳамда бу ерларни ўзига бўйсингирди. Уша вақтларда араблар орасида «токи биз (араблар) бу ерда эканмиз бу турклар биз билан уруш қиласидилар», деган ибора юарди. Ҳақиқатан ҳам Бухоро, Самарқанд ва бошқа жойларнинг туб аҳолиси — туркийлар халифаликнинг ашаддий душманлари сифатида намоён бўлган эдилар.

Қутайба 708 ва 709 йилларда Бухорога қайта ҳужум қилганда қаттиқ жанг бўлиб икки томонидан кўп одамлар ўлдирилди. Аммо у шаҳарни сўнгги тўртинчи юришидагина эгаллашга муваффақ бўлди. «Қутайба ва унинг ёронлари, — дейди Наршахий, — яна Бухорога бордилар; Бу унинг Бухорога тўртинчи марта келиши эди. У жанг қилар, мол олар, айрим вилоятларни талар, баъзи кишиларни ўлдирап, баъзиларни асир ҳамда кўл қилиб олиб шу тарзда то Марвгача борар ва яна Бухоро вилоятига қайтиб келар эди... Қутайба тўртинчи марта келиб Бухорони олганида у (куйидаги) шартларга биноан сулҳ тузди; Бухороликлар ҳар йили юз минг дирҳам халифага, ўн минг дирҳам Хурсон амирига, уйлар ва экин ерларининг ярмини мусулмонлар (араблар)га берадиган бўлдилар. Яна шаҳардан ташқарида турувчи бухороликлар арабларнинг отлари учун беда, ўзлари учун ўтин ва (бошқа) зарур нарсаларни бериб турадиган бўлдилар».¹ Қутайба Бухорони ваҳшиёна равишда бўйсингирди ва талаб бўлғандан кейин 710 йилда Несеф (Қарши) ва Кеш (Шахрисабз)ни эгаллади. Қутайба Самарқандда подшоҳ Тархун билан сулҳ тузиб ўлпон тўлашни унинг бўйнига қўйган эди. У 710 йилда мана шу ўлпонни ундириш мақсадида укаси Абдураҳмонни юборган эди. Тархун ўлпонни тўлагандан жамоа аҳли нафратланаб норози бўлади. Натижада у тахтдан туширилади. У бунга чидай олмай ўзини ўзи ўлдиради. 710 йилда Гурек тахтга ўтириб халифаликнинг босқинига қарши курашни қизитиб юборади. У ёрдам сураб Тошкент ва Фарғона ҳукмдорларига хат жўнатади. Тошкент қўшини келаётганда йўлда пистирмада турган араб қўшини томонидан тор-мор этилади. Бундан ниҳоятда руҳланган араблар 712 йилда Самарқандга ҳужум қилиб қаттиқ жанглардан сўнг галабага эришадилар. Сўнгра ҳар

¹ Уша асар, 123—128-бетлар.

икки томон ўртасида самарқандликлар учун ниҳоятда катта талафот келтирувчи сулҳ тузилади. Бунга кўра подшоҳ Гурек ҳар йили 2 миллион 200 минг дирҳам тўлашни, 300 минг соглом кишиларни беришликни зиммасига олади. Шунингдек барча олтин ва кумушдан ясалган нарсалар бир жойга тўпланиб душманлар қулига топширилди. Улар оловда эритилиб қўйма ҳолига келтирилганда оғирлиги 50 минг мисқолни ташкил этган. Қутайба Гурекни халифаликнинг вассали сифатида таҳтда қолдириб ва ҳарбий қисмни ўрнаштириб Самарқанддан кетади. Аммо кўп ўтмай шаҳар аҳолиси қўзголон кўтаради, лекин Қутайба қўшин билан келиб уни ваҳшийларча бостиради.

712—713 йилларда Панжакент ҳукмдори Деваштичнинг ташаббуси билан Самарқанд, Тошкент ва Фаргона сингари шаҳарларнинг халифаликка қарши қаратилган иттифоқи тузилади. Бу қатор мағлубият ва катта талафотларга қарамай озодлик кураши тўхтамаганлиги ҳақида далолат беради. Қутайба қўшинининг катта қисмини Тошкентга, уни иккинчисини Хўжанд ва Фаргона томонга сафарбар этади. Гарчанд душман кучлари галабага эришган бўлсаларда, лекин озодлик курашини тўхтатолмади. Шу боис 714 йилда Қутайба Тошкентни эгаллайди. Сунгра у Сайрам ва Чимкентни бўйсндиради. 715 йилда яна Фаргонага бостириб кириб галабага эришади. У бу ерда қўрсатилган йили сафдошлари томонидан уюштирилган исён орқасида 55 ёшида ўлдирилган. Унинг қабри Фаргонадаги «Работи Сарҳанг» деган жойда, Коҳ номли қишлоқда жойлашган.

Қутайба ўн йил давомида қўшин билан Туркистон бўйлаб кезиб ўн минглаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлди. У кўп шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантириди. Наршахийнинг сўзи билан таърифлаганда: «У кўп жиду-жаҳид қилиб, ҳар кимниши шариат ҳукмларини бажаришда камчилик содир бўлса уни жазолар эди. У масжиди жоме бино қўлди ва одамларга жума намозини ўқишига буйруқ берди».¹

Дарҳақиқат Қутайба қўлини қонга белаб, ўлкада илк бор ислом динини илдиз отдириб ва масжид қуриб зардўшт динига зарба берди. Аммо ислом динини туб аҳолининг онгига сингдириш ва ривожлантириш

¹ Уша асар, 13-бет.

ниҳоятда қийин кечди. Чунончи «Бухоро аҳолиси ҳар сафар (ислом лашкари келганда) мусулмон бўлар, араблар қайтиб кетганида эса улар яна диндан қайтар эдилар. Қутайба ибн Муслим уларни уч марта мусулмон қилган, улар эса яна диндан қайтиб коғир бўлган эдилар. Бу тўртингчى марта (келганида) Қутайба жанг қилиб Бухоро шаҳрини олди, кўп қийинчиликлардан кейин (бу ерда) ислом динини юзага чиқарди ва ҳар турли йуллар билан уларга қийинчиликлар тугдирив дилларида мусулмончиликни ўрнаштириди».¹

Бу ерда шуни унутмаслик керакки, Туркистонда ислом динининг тарқалиши катта тарихий воқеа ҳисобланади. Чунки у зардўшт динига нисбатан такомиллашган ва илгор дин эди. Зардўшт дини эса ибтидоий жамият бузилиб, ҳандигина давлат пайдо бўлганда юзага келган эди. Ҳали сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ислом дини пайдо бўлган даврга нисбатан анча орқада эди. Шу боис зардўшт динининг ожиз томонлари кўп бўлиб, тобора ривожланаётган жамиятнинг эҳтиёжини қондира олмас эди. Шунинг учун ҳам у ҳар жиҳатдан замонавий ва келажаги порлоқ ислом динига қарши курашишга кучи етмади. Ҳатто араб халифалигига қарши курашнинг мағлубиятга учратилишига зардўшт динини ожизлиги ҳам сабаб бўлган эди. Эндиликда у «ошини ошаб, ёшини яшаб», жамият тараққиётини таъминлашга қодир бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам зардўшт дини қанчалик вақтларнинг ўтиши билан шунчалик кўп четга сурилди. Натижада VIII—IX асрларда ислом дини бутун Туркистон ўлкасини қамраб, маънавий ҳаётнинг таркибий қисмига айланди. Унинг ўлкада тарқалишининг ижобий томони шундан иборатки, у мамлакатда кўпдинликни бартараф этди. Маълумки мамлакатда зардўшт динидан ташқари христиан, будда, шомон динидаги кишилар бўлиб, турмуш ва маънавиятда «ола-булалик» ва тарқоқлик мавжуд эди.

Бу ҳолат урф-одат ва ҳис-туйгуларда хилма-хиллик тугдирив жамиятнинг бирдамлиги ва ҳамкорлигига птуртурсизмоқда эди. Ислом дини эса бу ҳолатни бартараф этиб бир хилдаги маънавият ва турмуш тарзини ҳаётга жорий этиб жамиятни илгорлаштиришга кенг имкониятларни яратди.

¹ Уша асар, ўша жойда.

Аммо ислом динини кириб келиши туб аҳолининг ватанга содиклиги ва эркесварлигига тамомила алоқаси йўқдир. У халифаликка қарши қаҳрамонона курашганда биринчи навбатда она юрт мустақиллиги ва озодлигини сақлашни асосий мақсад қилиб қўйган эди. Олдинги саҳифаларда кўрсатилганидек халифаликнинг қўшини илк бор 651 йилда Туркистонга бостириб кириб Марв шаҳрини эгаллади. Мана шу вақтдан то 715 йилгача, яъни 65 йил мобайнида халифалик үлкага бир неча бор ҳарбий юришларни уюштирганда туб аҳоли ислом дини ҳақида тўла тасаввурга эга ҳам эмас эди. Бундан ташқари арабларнинг ўзи ҳам то Қутайбагача ҳарбий юриш қўилганларида ислом динини тарқатиш эмас, балки кўпроқ бойлик ва асирларни қўлга киритишни назарда тутган эдилар. Шунинг учун ҳам улар бу ниятга эришишлари биланоқ Хуросонга қайтиб кетаверганлар.


Ватан ҳимоячилари мана шундай босқинчилик ва талончиликка қарши курашиб, мустақиллик ва озодликни қўлдан бой бермаслик учун ҳеч нарсадан тоймадилар. Ватан озодлиги учун курашларда минглаб кишиларнинг қони тўкилди. Шаҳар ва қишлоқлар харобага айлантирилди. Ҳатто 720—722 йилларда ҳам озодлик кураши давом этиб, жанглар қизгин тус олди. Пировардида босқинчилар голиб келиб, ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Бунга халқнинг қарши турмаслиги ёки жанг қўлмаганлиги эмас, балки озодлик курашларига мардлик, жасоратлик, билимонлик билан раҳбарлик қиласидиган кимсани йўқлиги асосий сабаб бўлди. Агар мана шундай фазилатларни ўзида мужассамлаштирган давлат арбоби ёки лашкарбоши бўлганда озодлик курашининг галабага эришиши турган гап эди. Шунингдек мамлакатда ҳукм суроёттан тарқоқлик ва парокандалик ҳам катта зиён келтириди.

СОМОНИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Халифалик Туркистонни Хуросон вилоятининг таркибига киритиб, у ерга тайниланган ҳоким орқали үлкани бошқариб турди. Аммо унга гоҳ Туркистонда, гоҳ Хуросоннинг ўзида кўтарилган қўзғолонларга қарши курашишга тўгри келди. Ҳатто баъзан Хуросоннинг ўз мустақиллигини тиклаган вақтлари ҳам бўлди.

Бироқ халифалик ўз ҳукмронлигини тиклашга муваффақ бўлган эди. Умуман айтганда оддий халқнинг ҳам, юқори табақа вакилларининг орасида ҳам халифалик ҳукмронлигига қарши кучлар мавжуд эди. Натижада қонли тўқнашувлар содир бўлган халифалик Хуросон вилоятининг ҳокими орқали Туркистондан ҳар йили катта ҳажмда маблаг олиб турган. Масалан, Самарқанд — 326 минг дирхам, Фарғона — 280 минг дирхам, Тошкент — 607 минг дирхам, Усрушана — 50 минг дирхамни солиқ тарзда халифа саройига юбориб турган. Бундай ҳажмдаги тўловлар ўз даври учун салмоқли маблаг ҳисобланган. Халифалик томонидан мустақиллик ва озодликни барбод этилиши, зулм ва адолатсизлик нафақат меҳнаткаш оммани, балки маҳаллий юқори табақанинг илғор вакилларини ҳам курашга отлантирган эди. Бундай кишилардан ташкил топган Сомонийлар сулоласининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Бу сулоланинг асосчиси Сомон қишлоғи бошлиғи Сомонхудот ҳисобланиб, Хуросон ҳокими Маъмуннинг ҳурматига сазовор бўлган. Ҳатто, ҳоким унинг невараларини Туркистон вилоятларига раҳбар этиб тайинлади. Хусусан, Нух — Самарқандни, Аҳмад — Фарғонани, Яхъе — Тошкент ва Усрушананинг ҳокими бўлди. Даставвал улар халифаликнинг хизматини сидқидиллик билан адо этиб катта ишонч қозондилар. Учта ака-укалар бамаслаҳат ўлкани бошқардилар. Уларнинг тепасида Аҳмад Сомоний турган эди. Бу вақтга келиб, халифалик анча заифлашиб кетганлиги туфайли Аҳмад Сомоний ўлка мустақиллигини тиклаш чораларини амалга ошириб борди. Бу сиёsatни унинг Фарғонада тугилган ўғли Наср янада кучайтириди. 874 йилда у укаси Исмоилни Бухорага ҳоким этиб тайинлади. Бу ҳоким 893 йилда акаси Насрнинг вафотидан кейин бутун Мовароуннаҳри ўз қўлига бирлаштириб мустақиллик сиёsatини юргизади. Бундан газабланган халифа Мұтазид (892—902) Исмоил Сомонийга қарши қўшин жўнатади. 900 йилда бўлган жангда Исмоил Сомоний душман қўшинини тор-мор этиб, Хурсонни ҳам эгаллаб, мустақилликни тиклайди. Бунда халқнинг қўллаб-куватлаши ва қатнашиши муҳим ўринни эгаллади. VIII асрнинг иккинчи ярмида мамлакатнинг мудофаасига катта аҳамият берилган эди. Хусусан Бухоро воҳаси «Кампирак» номли узундан узун ва баҳайбат девор билан

ураб олинди. «Бу девор Конимех районида Қоратоғдан бошланиб, Зарафшон дарёсининг унг бетида Конимех, Қизилтепа, Фиждувон, Шофиркон районларининг шимолидаги чўл чегарасини ўраб олган. Сунгра ҳозир кўм босиб қолган жойлардан ўтиб, Бухоро вилоятининг қадимги обод ерларини гарб ва жануб томондан ўрайди. Сунгра Қизилтепа районига чиқиб, Зарафшоннинг чап томони билан кетиб, Кармана билан Қизилтепа оралиғида дарё лабида тугайди. Деворнинг узунлиги тахминан 350 километрга яқин бўлиб кенглиги баъзи ерларда 2 метрдан ошиқроқ сақланган. Девор ҳам гишт ва пахсадан қурилган бўлиб, бир қанча жойларда дарвозалари бўлган. Текширишларга қараганда, бу девор ҳақиқатан ҳам VIII асрнинг иккинчи ярмидаги обод, сувли ерларни ўраб олган. Обод ерларнинг майдони ўша вақтларда ҳозиргига нисбатан бир мунча кенг бўлган. Чунки Бухоро вилоятининг ҳозирги сугориладиган ерлари билан «Кампирақ» девор чегараси ўтган оралиқдаги ерлар чўлга айланган катта майдонни ташкил қиласди. Бу ерларда хароб бўлиб қолган кўхна қишлоқ излари, уй-



5-расм. Сомонийлар давлатининг асосчиси
Исмоил Сомоний мақбараси.

жой қолдиклари ва рўзгор буюмларининг синиклари жуда кўп».¹

Бу ниҳоятда катта ва узун девор Исмоил Сомоний вақтида таъмирлашни талаб этган. Бу ҳақда унга гапирилганда: «Мени ўзим Бухоро девориман», — деб жавоб берган. Бу билан Исмоил Сомоний ўзининг кучқудратини англатиб, деворсиз ҳам Бухорони саклашини баён этган. Ҳақиқатан ҳам у ақл-идрокли, мард ва жасоратли давлат арбоби бўлган эди. Шунинг учун ҳам у мамлакат мустақилигини тиклашда ҳал қилувчи ўринни эгаллади.

Исмоил Сомоний 907 йилда вафот этган. Унинг даврида мамлакатда тараққиёт кўзга ташланиб, пойтахт сифатида Бухоро шаҳрининг мавқеи жуда ошди. «У, — дейди Наршахий, — йигирма йил Хуросон амири бўлди. Ҳукмронлик муддати ўттиз йил эди. Худойи таоло уни раҳмат қилсин, негаки уни даврида Бухоро пойтахт бўлди, Сомонийлар сулоласидан чиққан ҳамма амирлар Бухорода турадиган бўлдилар. Ундан олдин Хуросон амирларининг ҳеч бири Бухорода турган эмас. У Бухорода туришни ўзи учун муборак деб ҳисоблар, унинг кўнгли Бухородан бошқа ҳеч бир ерда ором топмас ва у қаерда бўлмасин: «бизнинг шаҳар, яъни Бухоро, ана бундай, — ана шундай дер эди».² Ҳуллас Исмоил Сомоний Мовароуннаҳр ва Эронни ўз ичига олган мустақил ва қудратли давлатни ташкил этиб, араб халифалигининг ҳукмронлигини тутатди.

¹ Гуломов Я. Ўша асар, 117-бет.

² Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаббар ан-Наршахий. Ўша асар, 159-бет.

Мўгулларнинг тажовузи ва хукмронлигига қарши курашлар

ХОРАЗМШОҲЛАР ИМПЕРИЯСИННИГ АҲВОЛИ

Қадимий ва ажойиб Хоразмнинг ватанимиз тарихида тутган ўрни бекиёс каттадир. Айниқса бу ерда милоддан аввалги VII асрда биринчи ўзбек давлатининг ташкил топиши муҳим тарихий воқеа ҳисобланади. Мана шу чуқур тарихий даврдан то XIII асрнинг бошларигача бўлган даврларда Туркистон заминида ўша қадимий Хоразм давлатининг мантиқий давоми сифатида кўп давлат ва империялар юзага келдилар. Масалан, қанга, кушонлар, эфталитлар, турк ҳоқонлиги, сомонийлар, қорахонийлар, газнавийлар, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар давлатлари шулар жумласидандир. Хоразмшоҳлар давлатининг асосчиси шимолий Хоразмнинг ҳокими Мамнун ибн Муҳаммад ҳисобланиб, 996 йилда Хоразмшоҳ унвонини олған эди. Унинг вафотидан кейин укаси Мамнун ибн Мамнун (997–1017) таҳтни эгаллайди. У ниҳоятда ақл-идроқли, тадбиркор ва билимдонлик билан иш юритиб, қудратли давлатни ташкил этишга қаттиқ ҳаракат қилган. Пойтаҳт Урганчда ҳашшаматли бинолар қурилиб, меъморчилик ва умуман санъатнинг юксак намуналари намойиш этилди. Айни пайтда Хоразмда Мамнун академияси ташкил этилиб, фаннинг турли соҳалари буйича илмий ишлар олиб борилди. Хусусан Беруний ва Абу Али Ибн Сино сингари машҳур олимлар ҳам Мамнун академиясида илм билан шугууландилар.

Аmmo Хоразмшоҳларнинг гуллаб-яшнаши узоққа чўзилмади. У 1017 йилда Газнавийлар давлати томонидан босиб олинди. 1043 йилда эса Хоразмни газнавийларга зарба берган салжуқийлар давлати эгаллайди. Шу тариқа Хоразм бир қўлдан иккинчи қўлга ўтказилиб мустақиллигини қўлдан беради. Бироқ мустақил Хоразмшоҳлар давлатини тиклаш гояси йўқолмади. Аксинча у эркесвар кишилар қалбida яшаб, вақти келиб у юзага чиқа бошлади. XI асрларнинг охирларида

салжуқий ҳукмдори томонидан тайинланган Хоразм ҳокими Ануштегин мустақил сиёсатни юргизишга дастлабки қадамни ташлади. У 1097 йилда вафот этгандан кейин Қутбиддин Мұхаммад (1097—1127) исмли ўғли отасининг изидан бориб мустақилликни тиклашга ҳаракатни давом эттириди. Бироқ у салжуқийлар сиртмогидан қутилолмай дунёдан күз юмди. Унинг ўрнига тахтни эгаллаган ўғли Жалолиддин Отсиз (1127—1156) ганимларга қарши ошкора сиёсат юргизиб, 1138 йилда Мангишлоқни ва Сирдарёнинг қуи ҳавзасидаги Жанд шаҳрини босиб олди. Кейинги йил Бухорони ҳам эгаллади. Шу равища Отсиз ўзининг давлатининг чегарасини салжуқийларга қарашли ерлар ҳисобига кенгайтиради. Шу орада Туркистон заминида Тунгусдан келган қорахитойлар (туркий тибли манжурлар)нинг тажовузи давом этаётган эди. Улар Хоразмшоқ давлатига ҳам, салжуқийларга ҳам катта хавф туғдирған. Шу боис Отсизни салжуқийларнинг султони Санжар билан муроса қылған шақтлари бўлган. Аммо 1141 йилда Санжарнинг қорахитойлар томонидан қақшатгич зарбага учратилиши салжуқийлар давлатининг тақдирини ҳал этади. Отсиз бу қулай вазиятдан фойдаланиб, Султон Санжарнинг пойтахти Марвни, сўнгра 1142 йилда Нишопурни эгаллайди. Бироқ, кўп ўтмай Санжар Марвни қайта қўлга киритишга эришади. Шундан кейин Отсиз ноиложликдан қорахитойларга товон тўлаб туришни бўйнига олиб у билан иттифоқ тузди. Султон Санжар ўзини ўнглаб тайёргарликни кўргандан кейин Хоразмга ҳужум қилиб Отсизни яна бўйсиндиради. Аммо Отсиз ундан бош ўгириб салжуқийларнинг марқидаги Жанд шаҳрини эгаллаб, мустақил сиёсатни давом этириади. У 1156 йилда Хоразмшоҳлар давлатининг тўла мустақиллигини таъминловчи заминни ҳозирлаб вафот этади. Отсиз ўзининг ватанпарварлиги ва тараққийпарварлиги билан донг чиқарган эди. У Хоразмни қудратли давлатга айлантиришга куч-гайратини аямади. Шунинг учун ҳам у халқнинг хурмати ва иззатини қозонади. «Алоиддин Отсиз, — деб ёзади муаллифлардан бири — тахтга ўтирганида 29 ёшда эди. У ҳам отасига ўхшаб Султон Санжарнинг пойтахти Марвда яхши таълим олган эди. Отсиз мусулмонлар подшоҳига хос ислом динига ва илоҳиёт олимларига ҳомийлик қилишдан ташқари, турли фанлар ва санъат

аҳлини қадрлар, ўзи ҳам форсча касида ва рубоийлар ёзар, жуда кўп буюк шоирларнинг байтларини ёддан билар эди. У Хоразм аҳолисига гамхур, адолатли подшоҳлик қилди». Бир манбада айтилишича фуқаролар Хоразмшоҳ Отсизни яхши кўтарар, унинг замонида фуқаролар хавф-хатардан мутлақо ҳоли, тинчлик ва осойишталиқда, адолатда яшади. Алоиддин Отсиз жасур саркарда эди, жангларда толеи кулиб боқарди.¹ Умумлаштирганда Отсиз 29 йил таҳтда ўтириб, шундан 16 йил мустақил ҳукмронлик қилди. Шу орада унга бир неча маротаба жанг қилишга тўгри келди. Отсизнинг ўғли Ил Арслон (1156—1172) ҳам Хоразм мустақиллигини таъминлашга ҳаракат қилди. Бу борада унинг ўғли Такиш (1172—1200) анча муваффақият қозониб, 1187 йилда Нишопурни, 1192 йилда Рейни, 1193 йилда Марвни, Эроннинг шарқий томонини кўлга киритди. Бу билан у Хоразмшоҳлар давлатининг мустақиллигини сақлади. «Урта асрлар муаллифларининг, — ёзишларича — Хоразмшоҳ Такиш ўз фуқароларига нисбатан адолатли бўлган, одатдан ташқари қобилиятга эга, буюк дипломат ва лашкарбоши эди. Ҳарбий кучдан ўринли фойдаланиб ва сиёсий аҳволни тўгри баҳолаб, Такиш ўз мулки қаторига Мозандарон ва Ироқни қўшиб олди. Унинг мусиқани севиши алоҳида эсга олинади. Ҳеч ким удни унингчалик қойил қилиб чалолмаган... Такиш ҳозиржавоблиги, чечанлиги билан ҳам ажralиб турарди... Хоразмшоҳлар давлатнинг кучайиши Алоиддин Такиш фаолиятининг натижаси бўлди. Бу эса узоқ давом этган оғир жанглар натижасида, шунингдек, яккаҳокимлик учун курашларда қўлга киритилди; Такиш мамлакат таҳтига даъвогар биродари Султоншоҳга қарши йигирма йилга яқин кураш олиб борди. Такиш йилдан йилга астасекинлик билан ўз мамлакат ҳудудини кенгайтириб, сарҳади халифа ан-Носир мулкига бориб тақалган йирик империя барпо қилмагунча кураш олиб борди. Манбаларнинг хабар беришича, Хоразмшоҳ қаерда бўлмасин, ўша ер аҳолиси унинг идора усули ва кўрган маъмурий чораларидан мамнун бўлган. Такиш давридаги ҳокимият марказлашуви ўлпон тўлайдиган халқ аҳволини анча енгиллаштирган кўринади.

¹ Зиё Буниёдов. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати. Тошкент, 1998, 10-бет.

Такиш даврида давлат маъмурий идора бошқаруви қатъиятлиги ва тартиб-интизоми билан ажралиб туради.¹ Шунингдек Такиш кучли қўшин тузиб шахсан ўзи ҳам жангларда фаол қатнашган. Уни 170 минг отлиқ аскарлари бор эди. Бундай кўп сонли қўшинни озиқ-овқат, ярог-аслача, от ва бошқа нарсалар билан таъминлашнинг ўзи бўлмаган, албатта. Аммо халқни ва шахсан Такишнинг мустақиллик ва озодликка қаратилган ҳоҳиш-иродаси қийин ва мураккаб масалаларни ҳал этиш имконини берган. Такиш ўз ватанинг тараққиётини ва халқаро мавқеини таъминлаш учун фақат уруш билангина эмас, балки дипломатик усулларни моҳирлик билан қўллаб, мақсадини изчиллик билан амалга ошириб борди. У 400 га яқин шаҳарларни қўлга киритиб, давлатни йирик империяга айлантириш заминини яратди. Такишнинг ватанпарварлик сиёсатини ўғли Султон Муҳаммад (1200—1220) юқори босқичга кутарди. Натижада Хоразмшоҳлар давлатининг чегараси янада кенгайиб, халқаро мавқеи ошди. Зоро, 1217 йилга келиб унинг таркибига Мовароуннаҳр, Хоразм, Исфахон, Мозандарон, Кармана, Мекран, Кеш, Фазна, Фур, Байман, Утрор, Озарбайжон, Арран, Ироқ, Сижистон, Форс, Табаристон, Журжон ва бошқа шаҳар ва ерлар кирган. Империя шаҳарларида ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ривожланди. Дехқончилик ҳам ўсган эди. Айниқса унинг пойтахти Кўхна Урганч энг йирик ва обод шаҳар сифатида шуҳрат қозонди. Бу хусусда ўрта аср муаллифи Ёқут шундай ёзган: «Хоразм ерларидаи кенг ва аҳоли кўп яшайдиган жой дунёning ҳеч бир ерида бўлмаса керак, деб уйлайман; бунинг устига аҳолиси машаққатли ҳаётга ва оз нарсага қаноат қилишга ўрганиб қолган. Хоразмнинг аҳоли урнашган аксари жойлари, бозорлари, гамлаб қўйилган нарсалари ва дўконлари бўлган шаҳарлардир. Аҳоли урнашган жойлар ичida бозори йўқлари камдан-кам топилади. Шу билан бирга бу ерларда умумий хавфсизлик ва тинчлик-хотиржамлик ҳукмрондир... Бойликларнинг мўллиги ва пойтахтнинг катталиги, аҳолисининг қўплиги, яхшиликка яқинлиги ҳамда дин ва мазҳаб буюрган нарсаларни бажариши жиҳатдан дунёда Хоразмнинг бош шаҳрига ўхшашиб ётказиб бўлмаса керак».

¹ Ўша жода, 83—84-бетлар

Хуллас, мустақиллик туфайли Хоразмшоҳлар давлати Шарқ оламининг энг йирик ва обод диёри сифатида учмас из қолдирди. Фан ва маданият ривожланиб ва ҳашаматли бинолар қурилиб, шуҳрати узок мамлакатларгача таралди.

Хоразм шоҳи саройида 27 ҳукмдор ёки уларнинг вакиллари итоат камарини белларига боғлаб, олтин ногора чалиб турганлар.

Аммо Хоразмшоҳлар давлатининг шон-шуҳрати саройдаги ички зиддият ва фитналар, гуруҳвозлик ва шахсий манфаатларнинг авжига миниши орқасидан сўниб борди. Бу фитнанинг асосий айбори Султон Муҳаммаднинг онаси Туркон хотун ҳисобланади. Бу мансабпаст ва ўзбошимча аёлнинг саройдаги таъсири шу даражада баланд эдики, ҳатто шоҳнинг фармонлари ва кўрсатмаларини бекор қилиб турган. У ўзининг қариндош-уругларини қобилият ва ташкилотчилигини суриштиrmай ута масъулиятли лавозимларга тайинлаган. Натижада давлат бошқарувида ўзбошимчалик ва тартибсизлик кенг қулоч ёйди. Султон Муҳаммад эса онасининг қилмишларига қарши чора кўришга ожизлик қилди. Чунки давлатнинг салоҳиятли лавозимлари онасининг қариндош ва тарафдорлари томонидан эгалланган эди. Туркон хотун фарзандларни орасига ҳам низо ва келишмовчилик уругини сепади. Натижада таҳт учун кураш харакати тобора кучайиб боради. Пойтаҳт Кўҳна Урганчда Туркон хотуннинг қилмишлари орқасидан сув шу даражада лойқалашиб кетадики, Султон Муҳаммад пойтаҳтни Самарқандга кўчиришга мажбур бўлади. Аммо, шунда ҳам унинг боши тинчимай жасоратлик, мардлик, тадбиркорлик ва сезгирилик сингари фазилатлари ниҳоятда заифлашиб кетади. Натижада катта қурбонлар ва қийинчиликлар ҳисобига бунёд этилган империя ичичидан чирий бошлади. Султон Муҳаммад эса давлатни бошқаришда изчилик ва мувозанатни йўқотади. Хоразмшоҳлар давлати оғир кунларни бошидан кечираётган пайтда Чингизхон бошлиқ мўгулларнинг тажовузи бошланди.

МЎГУЛЛАР БОСҚИНИНИНГ БОШЛАНИШИ

XII асрнинг охири — XIII асрнинг бошларида узок Мўгулиядда анча қудратли давлат ва жанговар қўшин

ташкил топган эди. Унинг асосчиси Чингизхон ҳисобланиб асли оти Темучин бўлган. У 1115 йилда туғилиб, ўн ёшида отаси вафот этади. Мирзо Улугбекнинг ёзишича у онадан туғиларкан, қўлу мушти қонли эди. Замон донолари: бу бола соҳибқирон бўлиб туғилган дейишиди. Яна шуки, муштида бир кафт қотиб қолган қон бор эди. Бу шундан далилки, вақт ўтиши билан замон аҳлини қатл этур; кўплаб подшоларни оёқ ости қиласди. Худодан бошқа ҳамма унинг кўл остида хор бўлади.¹ Темучин куч-кувватга тўлиб, балоғатга етгандан кейин атрофига 43 жасоратли йигитларни тўплаб ҳарбий гуруҳни тузади. Бу вақтларда Мўгулиядаги кўчманчи қабилалар ӯзаро урушиб ўлкада парокандалик ҳукм сурмоқда эди. Темучин ташкилотчилиги ва ҳарбий маҳорати туфайли қабилаларни ўз кўл остига бирлаштиришга эришади. 1206 йилда унга Мўгулиядаги юқори табақаларининг қатнашувида ўтказилган қурултойда Чингизхон номи берилиб, мамлакатнинг хоқони деб эълон қилинди. Чингизхон шоҳлар шоҳи маъносини англатади.² У ва унинг сафдошлари ўзларининг гоятда шавқатсизлиги билан она юртида ҳам ном чиқарган эдилар. Уларнинг қилмишларининг жонли гувоҳи ва ватандошларидан бири шундай деган: Чингизхоннинг атрофидаги кишилар одам гўшти бериб боқилган ва темир кишангага солиб қўйилган итлардир. Уларнинг пешоналари мисдан, тишлари қайрилган, тиллари бигиз сингари ўткир, юраклари темирдан ясалган. Буларда қамчи ўрнига қайрилган қилич бор. Улар шудринг ичади, шамолда учади, жангларда одам гўштини ейди. Ҳозирда улар занжирдан бушатиб юборилган.

Дарҳақиқат, Чингизхон бошлиқ мўгул газандалари одамлар қонини дарё каби оқизиб, 100 минглаб кишиларни ёстигини қуритган. Улар инсоний фазилатлардан маҳрум этилган ваҳший ҳайвонлар эди, холос. Зеро, улар ўз мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан тоймай кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган жазо усусларини кўллайдилар. Бу хусусда ўрта аср муаллифи Ибн ал-Асир шундай ёзган эди: «Тангри таоло одамни ато қилгандан бошлаб то ҳозиргача жаҳонда шу тариқа ходиса рўй бермаган», — деса, унинг гапи ҳақдир.

¹ Мирзо Улугбек. Тўйт улус тарихи. Тошкент, 1994, 81-бет.

² Ўша жойда, 100-бет.

Чиндан ҳам солномаларда баён қилинган воқеаларнинг энг даҳшатлиси Навуходоносорнинг исроилликларни қириб юборгани ва Қуддуси Шарифни вайрон қилганидир. Бу, лаънати мұғул лашкарлари ер билан яксон қилған мамлакатларга қиёс қилғанда Қуддуси Шариф ҳеч нарса бұлмай қолади, бу мамлакатларда мұғуллар қириб ташлаган одамлар үлдирилған исроилликларнинг сонидан күп марта ортиқдир. Улар ҳар қайси шаҳарда ҳамма исроилликлардан ҳам күпроқ кишини қириб юбордилар. Одамзод охираттагача яъжуж ва маъжуждан бұлған бундай даҳшатни асло күрмаса керак. Булар (мұғуллар) ҳеч кимга раҳм қылмайдилар, хотинларни, әркакларни, гұдак болаларни үлдиридилар, ҳомиладор хотинларнинг қоринларини чавақлад, она қорнидаги болаларни нобуд қылдилар. Шундай бир ҳодиса рўй бердики, унинг учқунлари (ҳар томонга) сочилиб кетди ва балоси ҳамманинг бошига тушди; у шамол қувган булатдек ҳаммаёқни босиб ўтди».

Ушбу сатрларда баён этилган даҳшатли фожеалар даставвал Туркистон заминида содир бўлган эди.

Чингизхон 1211 йилда Еттисувнинг гарбий томонига бостириб қириб, унинг бир қисмини эгаллади. 1215 йилда у Хитойга ҳужум қилиб Пекинни босиб олди. Бу ерда у ваҳшийларча жанг қилиб үлдирилған одамларнинг суюклари тог сингари уйилиб ётди. Мұғулларнинг қонхўрлиги шу даражада даҳшатли бўлганки, уларнинг қўлига тушмаслик учун 60 минг қизлар ўзларини ҳалок этганлар. Чингизхоннинг Хитойдаги галабаси ва қўлга туширган катта бойликлари номини тарқалишига олиб келди. Бундан хабар топган Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳақиқий аҳволни билиш мақсадида Мұгулияга, Чингизхон ҳузурига Баҳовиддин Розий бошчилигида элчиларни жўнатади. У билан катта савдо карвони ҳам йўлга чиқсан эди. Бу вақтларда Туркистон савдогарлари ип ва ипак газламалар, кийим-бош ва бошқа моллар билан Мұгулияда савдо билан шугулланмоқда эдилар. Чингизхон Хоразм элчиларини ҳурмат ва иззат билан қарши олиб Султон Муҳаммад билан тинчлик ва дўстлик алоқаларини ўрнатиши зарурлигини баён этган. Чингизхон жавоб тариқасида хоразмлик Маҳмуд Ялавоч, бухоролик Алихўжа ва ўтрорлик Юсуф Канқга сингари кишилардан иборат ўз эчиларини юборади. Улар савдо карвони билан йўлга чиқиб Хоразмга етиб келадилар. Элчи-

лар Чингизхон томонидан юборилган бир катта булак олтин құймаси, қимматли тошлар, түя юнгидан ишланған нафис газмоллар ва бошқа совғаларни Султон Мұҳаммадға топширишади. Бу ерда айтиш лозимки, Чингизхон Мұгулия билан савдо қилаёттан хоразмлик, бухоролик ва бошқа шаҳарлық савдогарларнинг айримларини үз тарафига оғдириб олган эди. Улар Чингизхонга Хоразмшоҳлар давлати ҳақидағи маълумотларни етказиб турғанлар. Бу хусусда айниқса юқорида қайд қилингандың элчиларнинг бошлиғи Маҳмуд Ялавоч жонбозлик күрсатған. У үз ватанига хиёнат қилиб, ошкора Чингизхонга сотилған эди. Султон Мұҳаммад тунда Маҳмуд Ялавочни ҳузурига чақиририб үз ватанига хизмат қилишга даьеват этди. Зеро, унга Чингизхон даргоҳида айғоқчилік қилиш топширилғанда, үлдирилишдан құрқиб розилик билдириди. Аммо у умранинг охиригача Чингизхонга со-диқлигича қолаверди. Султон Мұҳаммад унинг қуруқ вайдағына ишониб Чингизхон ҳузурига қайтишига рухсат берди. Ҳамда унга үзининг Чингизхон билан тинчтотувликда алоқада булиш ҳақидағи ёзма хужжатни топширади. Бу аҳдномага күра Чингизхон 1218 йилда Умархұжа Утрори Ҳаммол Марачи Фахриддин Дизаки Бухорий ва Аминаддин Ҳарави бошчилигида 450 киши ва 500 туялардан иборат карвонни Утроргача жұнатади. Туяларга олгин, кумуш, хитой ипак газламаси ва турли қимматли мүйналар ортилған эди. Карвон Утрор (хозирги Туркестон шаҳри атрофи)га келганды фожеа рүй беради. Бир манбада күрсатилишича Утрор қокими Файирхон карвондаги молларни үзлаштириш мақсадида савдогарларни үлдирирган. Бошқа манбада эса бу иш Султон Мұҳаммаднинг күрсатмасына биноан амалға оширилған. Карвон фожеаси Чингизхоннинг газаби ва нафратини құзитиб Туркестон заминига ҳарбий юриш бошлашға катта баҳона бұлған. Буни англаған Султон Мұҳаммад саройда кенгаш үтказғанда қүшинни бир жойға түплаб, душманга зарба бериш ҳақида фикр билдириған. Бунға қарши үлароқ ҳарбий кучларни вилоятларға тақсимлаб булинған ҳолда жанг қилиш таклифи ўртага ташланған. Мирзо Улугбекнинг асарида күрсатилишича «Султон Мұҳаммад Хоразмшоҳ ихтиёрида саноқсиз аскар, күпгина лашкар бұлған. Мұхосиблар унинг соны 400 мингдан кам бўлмаганини айтганлар. Аммо,

мұғул лашкари юришидан кейин Қорача Ҳожибни үн минг киши билан Үтрорга Гайирхонга мадад учун жұнатди. Токи, у Үтрор муҳофазасини уюштиргай. 30 минг кишини Бухоро мудофааси учун тайинлади. 110 минг кишини Самарқандга қолдирди. Шу жумлада, 60 минги турклар эди. Уларнинг сардори Султон ашрофу аъёнларидан бўлган хонлар бўлиб, ҳар бири ўз даври асфандиёрларидан эди. 40 минг кишига қалъалар ва ҳисорлар қуришга фармон берди¹. Аммо бундай чоралар ўзини окламади. Чунки Султон Мұҳаммад империянинг ҳали у, ҳали бу жойида кезиб юриб жанг тақдирини ҳар вилоятнинг ҳокимларининг ўзига топшириш билан чегараланди. Мамлакат тақдир иштада турган бир пайтда душманга қарши курашни бошқарадиган марказ ташкил этилмади. Бунинг устида-устак Султон Маҳмуддинг онаси Туркон хотуннинг сиёсатга аралашуви оғир вазиятни янада кескинлаштируди. Давлат бошқарувидаги парокандалик авжига минди. Минг афсуслар бўлсинки, агар саройда ахиллик ва бирдамлик ҳукм суреб, оқилона иш юритилганда душман кучларини голиб келиши ҳеч мумкин эмас эди. Чунки Чингизхон давлатининг ҳарбий кучлари ва салоҳияти Хоразмшоҳлар давлатига солиштирганда анча паст эди.

Чингизхон Хоразмшоҳлар давлатининг заиф томонларини ҳисобга олган ҳолда устун келишига қаттиқ ишониб, даставвал Үтрорни босиб олишни режалаштируди. 1220 йилнинг кеч кузида унинг бошчилигидаги қўшин у ерга бостириб кирганда ватан ҳимоячиларининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. У бу ердаги урушни чўзилишини англаб, Чигатай ва Угатай сингари ўғилларини ҳарбий қисм билан Үтрорда қолдирди. Қушиннинг қолганини уч қисмга тақсимлаб, биринчисини Үтрор атрофидаги Жанд ва Барчинлиғентни, иккинчисини Банокат билан Хўжандни босиб олип учун жұнатди. Унинг ўзи ўғли Тулуй билан Бухорога йўл олди. Мұгуллар Үтрорни беш ой мобайнида қамалда ушлаб турди. Шу орада ҳар икки томон ўртасида қаттиқ жанглар бўлиб утди. Аммо лашкарбошлилардан бири — Қорача Ҳожиб қўл остидаги 10 минг кишилик ҳарбий қисм билан шаҳар дарвозасидан чиқиб мұгулларга таслим бўлиши ватан ҳимоячилари-

¹ Мирзо Улугбек. Ўша асар, 135-бет.

га қаттық зарба булиб түшди. Душман күчлари мана шу очилған дарвозадан шаҳарға бостириб кирадилар. Бу ерда даҳшатли жанглардан сұнг шаҳар босқинчилар томонидан эгалланади. Бу тұгрисида Абулғози ёзади: «Мұгуллар дарвозаи Сұфийдан кириб Үтрорнинг ичига кирдилар ва Үтрорнинг жами халқини саҳрга чиқарып, шаҳид қылдилар. Ул ҳолда Файирхон йигирма минг киши билан аркка қамалди. Ҳар кунда чиқиб урушур әрди. Яхши мардоналиклар қылди ва мұғул аскарларидан күп кишиларни үлдирди. Үзининг құшинидаги кишилар тамом шаҳид бўлди. Мұгуллар Аркнинг қалъасини тақи олди. Аҳирул амр Файирхон икки киши билан қочиб бир томнинг устига чиқди. Ул икки навкари ҳам шаҳид бўлди. Ахир уруша-уруша Файирхоннинг үқи тугади. Оқибат канизлари девордан гиштларни олиб бера бошладилар. Ул гиштларни отиб урушди».¹ Пировардида Файирхон асирикка олиниб үлдирилади. Демак амир Файирхон бошчилигидаги ватан ҳимоячилари шу даражада қаҳрамонона жанг қылдиларки, у беш ой давом этди. Шунинг учун ҳам босқинчилар шаҳар халқини қириб ташлади. «Үтрорнинг бутун аҳолисини, — дейди Мирзо Улугбек — (мұгуллар) саҳрга ҳайдаб чиқдилар ва қатли ом қылдилар. Файирхон йигирма минг киши билан қалъага кириб олишди. Барчаси жонидан умид узиб, үлим юзига тик боқиб, қарию ёш үлимни замирлари лавҳига чекиб жанг қылдилар. Бу орада мұғул лашкарининг күпчилиги қалъага кириб олишди. От, ярог, сипоҳи қолмаганидан уйи ва томидан бўлак паноҳи қолмади. Мұғул сипоҳи уларни қўлга олди. Бу гулдек нозикларни от ёлига босдилар Үтрор ҳисорни қўлга киритиб, ер билан баробар қылдилар. Тирик қолганлардан, раъият ва ҳунармандларнинг баъзиларини ҳибсга олдилар, баъзиларини эса қўл қилиб ҳайдадилар».² Бинобарин үтрорликлар «бир томчи» қонлари қолгунча мустақилликни сақлаш учун жанг қылган эдилар. Мұгулларнинг қирғин-баротидан кейин салоҳиятли савдо-хунарманд шаҳри Үтрор харобага айлантирилди. Бу вақтда мұгулларнинг Жўжи бошчилигидаги қўшини Сирдарёнинг қўйи оқимидағи Сифноқ шаҳри ёнига келиб хоин савдогар Ҳасан хожини тас-

¹ Абулғози. Шажараи Турк. Тошкент, 1992, 65-бет.

² Мирзо Улугбек. Уша асар, 142-бет.

лим бўлишликни сўраб элчи сифатида жўнатди. Аммо шаҳарликларнинг газаби ва нафрати қўзиб элчини ўлдирадилар. Шундан кейин мўгуллар билан ватан ҳимоячилари ўртасида етти кун давомида жанг бўлиб пировардида улар галабага эришадилар. Шаҳарликларнинг барчаси қириб ташланади. Мўгуллар 1219—1220 йилларда Узганд, Барчин, Лигкент, Ашносни ва Жанд шаҳарларини эгаллаб кўп кишиларни улдирадилар, асирикка оладилар. Банокат ҳам ваҳшийларча босиб олинади. Бу ерда бойликлар таланди, одамлар ўлдирилди ёки асирикка олинди.

Мўгуллар қўлга киритилган жойлардаги аҳолини маълум қисмини асирикка олиб, уларни турли ишларда қул каби меҳнат қилдирган. Хусусан асиirlарни ҳарбий юриш вақтида қалқон сифатида олдинги сафга турғизганлар. Шунингдек, улардан қамал қилинган шаҳарларга ҳужум қилишда фойдаланганлар. Натижада жантлар пайтида биринчи ўқлар ва зарбалар асиirlарга тегарди. Бундан ташқари улар душманларнинг отларини оёғи остида ҳам қолиб ҳалок бўлганлар. Асиirlарни олдинги сафларда турғизилиши ватан ҳимоячиларининг ҳужумини даф этиш мақсадида қилинган, албатта. Худди мана шундай усулни қўлла ниши мўгулларнинг галабаларини таъминлаган омиллардан бири эди.

ТЕМУР МАЛИК БОШЧИЛИГИДАГИ ЖАНГ

Мўгуллар Банокатни босиб олганларидан кейин 50 минг кишидан иборат асиirlарни олдига солиб ҳарбий юришни давом эттирадилар. Улар Алак-нўён бошчилигида Хўжанд шаҳрига яқинлашдилар. Бу вақтда ўзбек ўғлони Темур Малик шаҳарнинг ҳокими эди. У табиатан паҳлавон ва жасоратли киши бўлиб ватанпарвар ва моҳир жангчи ҳисобланган. «Шаҳар валийси, — дейди Мирзо Улуғбек, — Темур Малик эди. Шижоатда шундай мартабада эдикি, Рустаму Зол тирик бўлганда унинг савлатидан фахрланган бўларди. Агар Соми Сувар ҳаётдан баҳрадор бўлганда, унга бўлган бандалиги ҳалқасидан боши осмонга етарди. Лекин давр толеъи инқилобидан ночору ноилож қолди ва Сайхун номи билан маълум Хўжанд дарёси ўртасидаги Ҳисорда сув икки шохга бўлиниб оқадиган жода, бир олий қалъа бино қилган эдилар. Мұтамид ул-ис-

төйдөд минг нафар киши билан у ерда ўрнашиб олиб, тезлик билан ҳисорни мустаҳкамлаш ва жангга тайёргарлик билан машғул бўлди».¹

Аммо, Темур Малик қанчалик пухта тайёргарлик кўрмасин барибир душман кучлари кўп бўлиб жантоварлиги ҳам баланд эди. Шунга қарамай ватанпарварлик ва жасоратлик туйғулари билан тўлиб тошган халқ ва Темур Малик имкони борича босқинчиларга қарши курашишни муқаддас бурч деб билдилар. Мўгулларнинг 20 минглик аскарлари Хўжандни куршаб олдилар. Улар 50 минг кишидан иборат асиirlарни ҳам ўзлари билан олиб келиб ҳарбий ишларда фойдаландилар. Шиддатли жанглардан сунг Темур Малик мингта аскар билан Сирдарёдаги оролларнинг бирига чекинишга мажбур бўлди. Абулғозининг маълумотига кўра «Темур Малик ўн икки кема ясатиб эрди. Усти сарпўшлиқ.² Анга ўқ отмоқ ва тўпанг учун даричалар тортиб бериб эрди. Ул кемаларга бир амал қилиб эрдиким, ўқ ва тўпанг ва ҳеч нимарса анга ўтмас эрди. Ул кемаларни миниб кунда андоғ урушлар ва мардоналиклар қилдиким, тамом мўгуллар таҳсинлар қилдилар ва ҳеч бобда ани олабилмадилар. Оқибат мўгуллар эллик минг хашарий (асиirlар)ни олдига солиб тош ва кесак ташитдилар, ўзлари тошни ва кесакни сувга солур эдилар. Ахирул Амр мўғул лашкари голиб бўлган сабабдин Темур Малик етмиш кемага, қўш ва асбоб юклаб, ул мазкур бўлган ўн икки кемасига минг йигити билан миниб кеча бўлгач, рудхонасининг ичи билан юрийберди. Алак нўён бирлан Сукату Бўка мўгулларга сизлар ҳам дарё лаби бирлан Темур Маликнинг ортидан юрунг, деб ҳукм қилди. Мўгуллар тики рудхонанинг кемасига ёнашиб уруша-уруша юрур эрдилар».³

Куриниб турибдики, Темур Малик душманинг Сирдарёнинг икки қиргогидан ёғдирган ўқлари остида жанг қилган. Мўгуллар кўп минглик асиirlарни тошларни келтиришга мажбур этиб оролга ташитирган. Бу билан ўзларига йўл қуриб ватан ҳимоячилари билан юзма-юз жанг қилишга ҳаракат қилганлар.

¹ Мирзо Улугбек. Ўша асар, 145-бет

² Бу ерда гап кемаларни лой суртилган намат билан ўрашиб ва сирка септириб ўқ ўтмайдиган қилинганилиги ҳақида гап кетаяпти.

³ Абулғози. Ўшар асар, 67-бет.

Аммо, Темур Малик душман режаларини барбод этиб уларни яқинлаштиргмаган, шу тариқа уруш узоқ давом этиб ватан ҳимоячиларининг қуроллари ва озиқ-овқатларида етишмовчилик қаттик сезилди. Четдан эса ҳеч қандай ёрдам берилмади. Натижада ватан ҳимоячилари Темур Малик бошчилигида 70 кемада Сирдарёning қўйи оқими бўйлаб суздилар. Улар Банокат шахрига яқинлашгандаридан кўрдиларки мўгуллар дарёning бир қирғогидан иккинчи томонига темир занжирни тортиб қўйишган экан. Бироқ Темур Малик кемалари билан занжирни ёриб ўтиб йўлни давом эттиради. У Ўтрор, Сигноқ ва Жанд шаҳарларини босиб ўтиб Барчинлигга келганда душманларнинг қайиқларидан ясалган тўсиққа дуч келади. Темур Малик уни ёриб ўтишни иложи йўқлигини англаб ва кемаларини соҳилга яқинлаштириб ташқарига чиқадилар. Бу ерда «Темур Малик ҳар соатда ўз дўстлари билан елкама-елка туриб жанг қиласарди, токи дўстлари узоқроқ кетгайлар. Яна ўз дўстлари ортидан югуришарди. Бир ке-чаю кундузда шу тарзда лашкарининг аксари нобуд бўлди, баъзилари ярадор бўлдилар. Молу мулкларини душманлар талаб олди. Темур Малик бир гуруҳ барқарор одамлари билан шошилмай душман йўлини тўсди. Енидагилар ҳам нобуд бўлгандан кейин, унинг курол-яроги қолмади. Фақат уч ўқи қолганди. Уларнинг ҳам бири синган ва пайконсиз эди. Уч мўгул не-комиши билан елиб келарди. Темур Малик ҳалиги си-ник пайконсиз ўқ билан бир мўгулнинг кўзини чоғлаб отди. У кўр бўлиб қолди. Қолган иккисига деди: «Бу ўқ бирла сизларга жавоб бера олурман десам бўлади; қайtingларки, сизнинг тақдирингиз шу ўқларда. Ул икки мўгул Темур Малик қўлидан келган, кўз ўнгиларида бўлган ишларни кўриб, уни сўзини тасдиқладилар ва қайтиб кетдилар. Темур Малик сог-саломат қолди. У Хоразмга жўнади ва халқ ишига аралашди».¹

Ушбу сатрларда баён этилган воқеалар шу ҳақда гувоҳлик берадики, Ҳужандда шиддатли жанглар бўлиб Темур Маликнинг моҳир лашкарбошилиги туфайли кўп сонли босқинчиларга қарши узоқ ва мардонавор курашилган. Бунда шахсан Темур Маликнинг ўзи ниҳоятда билимдонлик билан иш юритиб душманга қақшатғич зарбаларни бериб турган. Мўгуллар Тे-

¹ Мирзо Улугбек. Ўша асар, 146-бет.

мур Маликни ўта хавфли душман ҳисоблаб, уни қандай бўлмасин қўлга туширишга қаттиқ ҳаракат қиладилар. Бунга эришмак учун барча чораларни кўришиди, лекин уддасидан чиқа олмадилар.

Темур Малик ўзининг ватанпарварлигини, моҳир жангчилигини шу даражада намойиш этдики унга душманларининг ўzlари тан беришга мажбур бўлдилар. У ҳақиқатан ҳам халқ қаҳрамони, мустақиллик ва озодлик учун жонини тиккан шахс эди. У охирги ўқи қолгунча жанг майдонидан кетмади. Темур Малик Хоразмга боргандан кейин ҳам курашни давом эттиради. У ҳарбий қисм билан Катга бориб, бу ерга тайинланган мўғул ҳокимини ўлдириб қайтади. Шундан кейин Урганч мудофаасида қатнашади, сунгра Жалолиддин билан биргалиқда курашни давом эттиради.

БУХОРО, САМАРҚАНД ВА КЎҲНА УРГАНЧДАГИ ЖАНГЛАР

Чингизхон ўғиллари Тулуй, Жеба нуён ва Субутой билан биргалиқда Қизилқум чўллари бўйлаб ҳарбий юришни давом эттирадилар. Улар Зарнуқ ва Нури Бухоро сингари кичик шаҳарларни эгаллаб бир неча юз ёшларни асирилкка олдилар. Шундан кейин босқинчи галалар 1220 йил 7 февралда Бухоро шаҳринингostonасига жойлашиб урушни бошлаб юбордилар. Бу вақтларда Бухоро ҳар жиҳатдан обод ва ривожланган шаҳар сифатида шуҳрат қозониб, «Ислом қуббаси» деган юксак баҳога сазовор бўлган эди. Бухороликлар мустақиллик ва озодликни сақлаш учун жон-жаҳдлари билан жанг қилдилар. Ватан ҳимоячилари Иҳтиёридин Қушну, Инанчхон Үғил Хожиб, Ҳамид Пура, Суюнчхон ва Гурхон сингари лашкарбошилар раҳбарлигига шаҳарни қаттиқ туриб ҳимоя қилганлар. Ҳар иккни томондан кўп кишилар ўлдирилди. Кечқурун Қўкхон, Ҳамид ва Севинчхон қўмондошлиги остида уч минг кишилик аскарлар шаҳардан чиқиб душманлар билан тўқнашди. Қаттиқ жантлардан кейин душман галаба қилиб шаҳарга бостириб кирди. Шаҳарнинг нуғузли кишилари тўпланишиб таслим бўлишликка розилик билдирилар. Чунки кўп аскарлар ва оддий кишилар қирилиб, урушни давом эттиришнинг иложи қолмади. Мўгуллар шаҳар аҳолисини дўппослаб ва аёлларни зўрлаб, қулоқ эшитмаган азоб-уқубатларни

намойиш этдилар. Улар масжид ва хонадонларни талаб ва Куръони каримни отларининг оёғи остига ташлаб талон-тарожни уччига чиқардилар. Бунга чидай олмаган дин пешволари Рукиаддин Имомзода ва ўғли, қози Садриддинхон ва Садр Мажиддин мўгуллар билан жанг қилиб ҳалок бўлдилар. Чингизхоннинг шахсан ўзи шаҳарнинг бойликларини талаш ва уни вайронага айлантириш ҳақида кўрсатма бериб турди. У буйруқ берди: «Шаҳарда нимаики зоҳирда турган бўлса, келтиришнинг ҳожати йўқ. Махфий сақланаётган нарсаларни бизга топширишларингиз зарур». Бунга жавобан, — деб ёзади Мирзо Улугбек, — бойлар ва амалдорлар иттифоқ булишиб, ўз бошларини олтин эвазига сотиб олдилар.

Бухоронинг барча давлатманд кишилари тотор (мўгуллар) сипоҳи дастидан омбордаги моли, харвор-харвор тиллаларини бериб, Чингизхондан ўз бошларини сотиб олдилар. Хоразмшоҳ сипоҳидан башарти ўз уйларида ўтиrmай, шаҳардан ташқари чиққанлари бўлса, қаҳрдан бошқа нарсани топмадилар... Қазою қадар амри билан тоторлар Бухорода ажаб қотилликлар қилдилар... Хоқон (Чингизхон)нинг газаби қайнади. Шоҳ қаҳридан оташ чиқарди. Шаҳар аҳолиси ундан ёниб адо бўлди. Бир кунда ҳўлу қуруқ ёниб битди: на жонсиз нарса қолди, на жонли. Шаҳарда бирорта ҳам сипоҳ қолмади. Уларни ўрнида фақат қора тутун бурқсириди.

Шаҳар батамом ёниб бўлгандан сўнг, атроф-тевракда яшайдиганларни тўплаб, қалъя пойига ҳайдаб келдилар, қалъя ҳандақининг тўлдирилмаган жойларини кўмдирдилар. Тез кунда қалъани ҳам қўлга киритиб, ут қўйдилар. Унинг ҳокими Куюкхонни, уша қалъадагилар билан бирга сиёsatга етказдилар. Ҳисорни ер билан яксон қилдилар.

Шаҳру бору, дарвозадан қолмади нишон; Бундан ин дардга ким топар дармон»¹. Шаҳар аҳолиси суяги-гача шилингандан кейин фақат эгниларидағи кийим билан шаҳардан ташқарига чиқарилди. Бақувват эр-каклар асирликка олинди, аёллар мўгулларнинг аскарлари ўртасида бўлинди. Аскарлар ва шаҳарликлар душман бостириб кирганидан кейин қалъага киришиб курашни давом эттирган эдилар. Улар ҳам тор-мор этилиб, битта қолдирмай ўлдирилди.

¹ Уша жойда, 141—142-бетлар.

Хуллас, Бухоро босқинчилар томонидан мисли күрилмаган даражада вайрон этилди.

«Бу шаҳар, — деб ёзади Ибн Баттута, — бир вақтлар Жайхуннинг соҳилидаги шаҳарларнинг энг улуги эди. Лаънати Мӯгул Тенгиз (Чингиз)... уни шу қадар хароб қилганки, масжиду мадрасалар, бозорлар деярлик бари вайрона бўлиб ётибди. Ҳозир улар орасида билим — фандан хабардор ё унга қизиқувчи бирон кимса йўқ»¹

Мазкур маълумотлар XIV асрнинг биринчи ярмида Бухорода шахсан бўлган Ибн Баттутанинг қаламига мансубдир. Унга кўра Бухоро мӯгуллар томонидан шу даражада қаттиқ вайрон этилганки, 100 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлсада ҳамон ўзига келмаган. Ваҳоланки, Бухоро мӯгулларнинг босқинидан олдин киши ҳавасини келтирадиган обод шаҳар ҳисобланган. Бу хусусда аллома Ёкут ал-Хамавий шундай ёзган: «Шубҳасизки, бу жуда қадимий шаҳар, унда боғлар, сархил мевалар кўп. Мен борганимда Бухоро мевалари ўн саккиз кун йўл босиб Марвга, ўн беш кун йўл юриб Хоразмга ҳам элтиб сотилар эди». «Китоб ас-сувар» асарининг муаллифи ёзади: Мовароуннаҳр ерларининг гўзаллигига келсак, (айтиш керакки) мен ислом мамлакатларининг бирортасида Бухородан кўркамроқ шаҳарни кўрган эмасман. Унинг аркига чиқсанг, атрофида зангори осмон туташ кўм-кўк масофаларни кўрасан... Мовароуннаҳр ва Хурросон юртларида ўз ерларини буҳороликларчалик яхши парвариш қиласидиган аҳоли йўқдир... Бухоро текис ерларга жойлашган шаҳар, бинно синчлари ёғочдан. Ҳамма турар жойлар, кўргонлар, боғлар, расталар, тош йўллар ҳамда беҳисоб туташ маҳаллалар, 12 фарсах узунликдаги девор билан ураб олинганки, бу девор барча ўша кўргон, уй-жой ҳам аҳоли яшайдиган жойларни шаҳар маркази билан бириктириб туради. Бўш қолган тақир жой ёки бирон вайронани кўрмайсиз. Ҳалиги девордан ташқари... Унга туташ солинган, қишин-ёзин аҳоли яшайдиган шаҳар уй-жойлари, сарой, дўкон ва боғларини қуршаб турувчи бошқа девор ҳам бор... Бутун Мовароуннаҳрда Бухорочалик зич ва гавжум шаҳар йўқ».²

¹ Иброҳимов Н. Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Тошкент, 1993, 23-бет.

² Ўша жойда, 22—23-бетлар.

Аммо мұгуллар Бухорони «култепа»га айлантирган әдилар.

Чингизхон Бухородан олинган бир неча минг асирларни қүшиннинг олдига солиб Самарқанд томон йұналди. Бу шаҳар ҳам шарқнинг эңг сұлым ва обод масканларидан бири бұлған. Бу ерда Султон Мұҳаммаднинг 110 минг аскари шайланиб турған әди. Бундан ташқари ақолининг талай қисми мудофаага жалб этилған. Құшин тепасида Тогайхон, Алп Эрхон, Шайххон, Болахон ва бошқа лашкарбошилар турған. Душман қамалидаги шаҳарда хоҳ аскар, хоҳ оддий кишилар бұлсın барыбер барчани фикри-зикри мустақиллік ва озодликни сақлашта қаратылған. Бунга әришишга етарли имконият ва ҳарбий күчлар мавжуд әди. Аммо уларни билимдонлық билан бошқарадиган раҳбар топилмади. Аввалимбор лашкарбошилар ҳарбий тактика ва стратегия соңасида хатога йүл қўйдилар. Зеро, Чингизхон ўз қүшинининг оз қисмини ҳужумга ташлади, катта қисмини пистирмага қўйди. Лашкарбошилар душман күчларининг сонини оз деб ҳисоблаб катта құшин билан дарвоза ташқарисига чиқишиб жангни бошладилар. Шу онда пистирмадаги мұгуллар уларни құршаб қириб ташлаганлар. Бу фожеали мағлубият шаҳар ақолисини анча ваҳимага солиб қўйди. Бир гурух нуғузли кишилар гүё халқни оммавий қирилишидан қутқазишины үйлаб таслим булиш ҳақидаги таклиф билан Чингизхонга мурожаат қиласылар. Бу таклиф қабул қилиниб босқинчилар шаҳарға «намоз вақтида кирдилар. Шу куни ва кечаси шаҳарни хароб қилиб, барча халойиқни — эру аәлни... шаҳардан саҳрода ҳайдаб чиқардилар. Одамлари горат бұлған лашкар шаҳарни горат ва талаш билан шугулландилар. Бурчак ва мағоратлардан кимни топсалар қатл этдилар....

Қоронғу түшганды мұгул лашкари шаҳардан чиқди. Қалъа ахли ваҳмда, шикаста дил, на бошини күтәради, на ерга қарайди. Эртаси тонг отиши билан Олашжон — Султон Мұҳаммад Хоразмшоҳ сардорларидан бири жасорат күргузиб, жонидан умид узиб, минг йигити билан мұгул лашкари миёнасига зарба беріб, бадар кетди. Кейинги куни мұгул лашкари Самарқанд ҳисорига қараб йұналды. Девори, боруларини вайрон қилиб, саловотлар оралиғида дарвозаны күлға киритдилар. Шаҳарға кирдилар... 20 мингдан

ортиқ Султон Мұхаммад Хоразмшоқ сардорларидан бұлган амирни, у ерда турған барча лашкари билан қатл этдилар. Самарқанд аҳлидан үттис минг әркакни ажратиб олиб, үз фарзандлари ва қариндошларига бұлиб берди».¹

Куриниб турибиди мүгүл аскарлари шаҳарга би-ринчи маротаба киргандарида қалъада Султон Мұхаммад аскарлари мудофаада турғанлар. Мүгүллар кечаси уларнинг ҳужум қилишидан чүчіб шаҳардан чиқиб кетишга мажбур бұлғанлар. Эртасига эрта тонгда шаҳарға қайтадан киришиб қалъадаги аскарларға ҳужумни уюштирган. Бу жаңгда ватан ҳимоячилари, хусусан 20 минг киши тамомила қирилгунча жаңгни давом эттирган. Мүгүллар яна бир бор Самарқандни вайронага айлантириб ва халқнинг бойликларини талаб, үз ҳукмронлигини үрнатади. Бу даҳшатли воқеа 1220 йыл 17 мартда содир бұлған эди. Бундан олдин Самарқандда 100 минг оила яшаган, урушдан кейин эса унинг тұртдан бир қисми қолған эди, холос. Вайронага айлантирилған шаҳарда қаҳатчилик ва очлик ҳукм сурған. Шубҳасиз бу ҳолатдан ҳам күп одамларнинг ёстиғи қуриған. Мана шундай ниҳоятда даҳшатли ва фожеали шароит юзага келиб ватан ҳимоячилари катта талафот күраётган кезларда Султон Мұхаммад ваҳимага тушиб аллақачон Туркистан заминини ташлаб қочади. Ваҳоланки шахсан унинг үзи душманға қарши курашларни тепасида бош-қош бұлиб туриши шарт эди. У мүгүллар томонидан Бухорони босиб олғанлигини эшитиб, күп міндердегі олтин ва бошқа қимматли хазина молларини олиб йўлга чиқади. Аммо бу моллар Амударёдан утилаётганда сувга гарқ бұлади. Чингизхон Султон Мұхаммадни тутиш мақсадыда Жеба ва Субутой бошчилигида 20 минг аскарни орқасидан жұнатди. Буни эшилган Султон Мұхаммад Нишопурга, сұнгра Бисом деган жойға кетади. Бу ердан йўлни давом эттириб пировардиде Каспий денгизидаги Ашур оролига үрнашади. Бу ерда у қаттиқ қасалға чалиниб, 1220 йыл декабрда оламдан үтди. У жон бериш олдидан угли Жалолиддинни таҳтта мөрсөхүр деб эълон қылды. Султон Мұхаммаднинг қочишидан кейин Хоразмшоҳлар давлатини алғов-далғов қилиб турған Султон Мұхаммаднинг онаси Туркон хо-

¹ Мирзо Улугбек. Ўша асар, 148-бет.

тун 1220 йил марта 22 кишидан иборат Султон Мұҳаммаднинг хотинлари ва ёш болаларини, хазина бойликларини олиб Хоразмни тарк этади. У ўзи билан бирга кетаётган катта-кичик қариндошларининг барчасини ўлдиририб мурдасини Амударёга чўктиради. Афтидан улар душман кўлига тушмасликлари учун қатл этилган бўлса керак. Туркон хотун йўл юриб Мозандарондаги Илал қалъасига жойлашди. Бу ерда мўгуллар томонидан асирикка олиниб Мўгулияга Чингизхон ҳузурига юборилди. Бу ерда 1233 йилда Чингизхон дастурхонидан ортган овқатлардан озиқлашиб хор-зорликда вафот этди.

Шундай қилиб Султон Мұҳаммад ва онаси Туркон хотун биргалиқда яқиндагина шарқ дунёсини ларзага солиб турган Хоразмшоҳлар давлатини ўзларининг нодонлиги орқасидан душман оёғи тагига ташлаб бердилар. Уларнинг касрига юз минглаб одамларнинг қони тўкилиб, шаҳарлар харобага айлантирилди. Бу борада Кўҳна Урганч шаҳри ҳам четда қолмади. Ўз ҳолича ташланган Хоразмда тартибсизлик ва ўзбошимчалик ҳукм суриб ҳокимиятни бошқарадиган етук одам то-пилмади. Шу орада Жалолиддин укалари Ўзлиғшоҳ ва Оқшоҳлар билан биргалиқда отасини дафи этишгандан кейин Хоразмга келишади. Туркон хотуннинг қариндошлари — амирлар Жалолиддинни таҳтга меросхўрлигини тан олмай Туркон хотуннинг укаси Хумор тегинни Султон деб эълон қилдилар ҳамда Жалолиддинга қарши суиқасд уюштиришга киришдилар. Шу боис Жалолиддин ва Темур Малик биргалиқда 300 аскар билан пойтахтни тарк этишга мажбур бўлади. Уларнинг орқасидан йўлга чиқсан Жалолиддиннинг юқорида кўрсатилган укалари мўгуллар томонидан ўлдирилади. Чингизхоннинг ўғиллари — Угадай, Чигатой бошчилигидаги аскарлар Кўҳна Урганчни босиб олиш ҳаракатини қизитиб юборадилар. Қаттиқ жангларда кўп одамлар ҳалок этилгандан кейин мўгуллар шаҳар ичига бостириб киришга эришдилар. Душманнинг шаҳарни етти ой мобайнида қамалда ушлаб туриши орқасидан аҳолининг ҳаёти жуда оғирлашган эди. Шунга қарамай ҳалқ оммаси ёппасига босқинчиларга қарши жангни давом эттираберди. Абулғозининг асарида кўрсатилишича мўгулларнинг бир гурӯҳи шаҳар дарвозасининг олдида турганда 100 минг кишилилк ватан ҳимоячилари у ердан чиқиб, улар ке-

тидан қувган. Пойтахтдан бир чақирим наридаги боғда күп сонли душман аскарларига дуч келишиб, шундай қаттиқ жанг бұлғанки, 100 минг кишидан беш-үн киши тирик қолиб шаҳарға қочиб келган. Бу ерда худи Самарқанддаги воқеа юз берган. У ердан ҳам мұтул лашкарбошилар оз сонли аскарларини девор өнига яқынлаштириб ва бу билан рақибларини жангга дағват этиб пистирмадаги күп сонли аскарларининг ҳужумига мубтало этилған әдилар. Афтидан душман томонидан 100 минг кишилик ватан ҳимоячиларини үлдирилиши шаҳар ақолисини қаттиқ ваҳимага солған, албатта. Аммо, улар қандай бұлмасин онаюртини муҳофаза қилишга жонларини аямадилар. «Мұгуллар, — дейди Абулгози. — Урганчға әлчи юбордилар. Айтдиларким, бизга тобеъ бұлиб әл бұлсанғиз, үзингиз омон бұлиб, үғлон ва ушоқингиз үлжа ва асир бұлмас. Урганч халқи ани қабул құлмадилар ва итоатта буюн әғмадилар. Андин сұнг етти ой-кунда Хоразм лашкари әртадан оқшомгача урушур әрдилар. Мұгуллар Урганч атрофинда манжаниқға (тош отадиган дастгоҳға) тош топмай тутнинг кундаларини кесиб манжаниқға солиб отор әдилар. Ул вақтда мұгуллар хоҳладиларким Жайхұнни боғлагайлар, то Урганчға сув бормағай. Жайхұнни боғламоқ учун уч минг мұғул боғлар ерга келдилар. Ул иштін Урганч халқи хабардор бұлиб, келиб уч минг мұғулни үртага олиб андог урушдиларким, у уч минг мұғулдан бир киши құтумади ва ҳеч важқ бирлан мұгуллар Урганчни ола билмадилар.

...(Мұгуллар) лашкарни хоразмийларға рубару қилиб қаттиқ урушдилар. Ахирул (мұгуллар) Урганчни олиб маҳалла-маҳаллага үт құюб тамом халқни саҳрона чиқардилар. Токи юз минг эвлик кишини аҳли ҳунар турур деб олдилар. Жувон-хатун ва өш үглонларни тақи банда қылмаклик учун олдилар. Андин үзға халқни лашкарига хизмат қилди. Ҳар бир киши (мұғул)га йигирма түрт киши тегди ва ҳукм құлдиларким, үлдиринглар. Мұгуллар үлдиридилар»¹.

Демак, мұғуллар үн минглаб кишиларни жангларда үлдириш билан бир қаторда минглаб ҳунарманд ва бошқа касб әгаларини хизматларидан фойдаланиш мақсадида асирикка олғанлар. Аәлларни зүрлаб ва

¹ Абулгози. Ыша асар, 69-бет.

ўзаро тақсимлаб ваҳшийларча муносабатда бўлганлар. Ҳар бир мўгул аскарига ўлдириш шарти билан ватан ҳимоячиларидан 24 киши биркитилган. Буларнинг ҳаммаси ўлдирилди. Урганч учун курашларда ўзбек хотин-қизлари жасорат ва мардликни кўрсатдилар. Бу хусусда таниқли олим Зиё Буниёдов шундай ёзади: «Мўгуллар Кабилон дарвозаси орқали Гурганжнинг ташки деморининг ичига кирдилар. Лекин улар аскарлардан ташқари шаҳар аҳолиси — эркаклар ва хотинлар томонидан ташкил қилинган шундай қаршиликка дуч келдиларки, кечга томон улар Танур маҳалласига етиб боргандарига қарамай, шаҳардан бутунлай ҳайдаб чиқарилдилар.

Кейинги куни мўгуллар яна ўша шикастланган Кабилон дарвозаси орқали шаҳарга ёриб киришга уриндилар, лекин улар Фурий гуруҳининг аскарлари томонидан улоқтириб ташландилар».¹

Демак, ўзбек аёллари ҳарбий қуроллардан фойдаланишни ўзлаштирганларки жанг майдонида босқинчиларга зарба беришга қодир бўлганлар. Уларнинг ватанга содиклиги ва қаҳрамонлиги мўгул газандаларининг қаҳр-ғазабини қайнатган. Чунончи улар 1220 йил декабрда шаҳарга бостириб кирганларидан кейин аёллардан ҳам уч олишга киришиб қулоқ эшитмаган жазо усуllibарини қўлладилар. Улар «Урганчнинг асир аёлларига қип-ялангоч бўлиб утишини буюрдилар ва уларни икки гуруҳга бўлиб, бундай буйрук бердилар: «Сизнинг шаҳрингиз аёллари жуда яхши мушткаш жангчилар эканлар. Шунинг учун буюрамиз: иккала гуруҳ аёллари бир-бирлари билан муштлашиб урушсинлар. Бу разил томоша билан күнгил очишиб, мўгуллар аёлларни бурдалаб ташладилар».²

Шундан кейин мўгул жаллодлари Амударё суви билан Урганчни чўктириб ҳашаматли бинолар, обод кўчалар, нодир асарларни ўз ичига олган кутубхонани ҳаммасини барбод этдилар. Яқиндагина Шарқнинг порлоқ юлдузи бўлиб турган машҳур Урганч шаҳари ҳаробага айлантирилди. Унинг ўн минглаб аҳолиси ўлдирилди, асир олинди ва бойликлар таланди. Ур-

¹ Зиё Буниёдов. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати, Тошкент, 1998, 192-бет.

² Ўша жойда, 194-бет.

ганчдаги жангларда таниқли дин пешвоси, аллома Шайх Нажмиддин Кубронинг кўрсатган жасорат ва қаҳрамонлиги тилларда достон бўлди. У 1145 йилда Хива шаҳрида туғилиб умрини охиригача она юргига сидқидиллик билан хизмат қилди. У ёшлик йилларида ёки Эрон, Миср, Шому Ироқ каби мамлакатларга бориб билими ва тажрибасини оширди. У Кубравия тариқатининг асосчиси ҳисобланниб тариқати ва таълимотида ҳалоллик, поклик, инсонпарварлик, муруватлик ва ватанпарварлик сингари фазилатлар ўз ифодасини топган. У қатор асарларнинг муаллифи ёди. Чингизхон Шайхнинг обрўйини инобатга олиб шаҳар қамалидан ихтиёрий равишда чиқиб кетишини ва унга ҳеч қандай зиён етказмаслиги ҳақида хабар қиласди. Аммо Шайхнинг онги ва қалбида она юрг ва ҳалқига муҳаббат ва содиклик шу даражада барқ уриб турган эдики, таклифни рад этди. Ватан учун жонини тикканлигини ҳам маълум қиласди. «Ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубронинг овозаси, — дейди Абулғози, — оламга машҳур эди. Ул сабабдин шаҳзодалар (Чингизхон ўғиллари) ҳазрати Шайхга киши юбордилар. Шайх оёқ остида қолмасунлар, ўғлон ва ушоқлари бирлан қалъадан чиқиб келсунлар» деб. Ҳазрати Шайх айтиб юбордиларким, мен якка эмасман. Менинг қариндошим ва хизматкорларим бор туур. Шаҳзодалар айтиб юбордиларким, ўн киши бирлан келсунлар. Шайх айтдиларким, ўндин кўп туур. Шаҳзодалар айтдиларким, юз киши бирлан келсунлар. Шайх айтдилар, юздан кўп туур. Шаҳзодалар айтдилар, минг киши бирлан келсунлар. Ҳазрати Шайх айтиб юбордиларким, яхши кунда мен бу ҳалқнинг тамоми бирлан ошно ва дуст эрдим. Эмди ёмон кунда нечук буларни ташлаб борайин, мен бора билмасмен, деди. У маҳалла мӯгуллар ҳазрат Шайхнинг маҳалласига қуюлиб келдилар. Ҳазрат Шайх бир неча мӯгулларни ўз қўллари бирлан дарҳол жаҳаннамга юбордилар (узлари ҳам) шаҳид бўлдилар».¹

Бинобарин Шайх ўз жавобида ҳалқ билан бир тан бир жон эканлигини англатиб ватан манфаатини шахсий манфаатдан юқори қўйган. Шубҳасиз у ўзининг ҳаётини уйлаб иш юритганида омон-эсон қолиши мумкин эди. Аммо у ҳалқининг бошига ёмон кунлар

¹ Абулғози. Ўша асар, 69—70-бет.

тушган вақтларда хиёнат қилишликни виждони қабул құлмай душманга қарши курашды.

Буюк давлат арбоби ва олим Улугбек ҳам Шайх Нажмиддин Кубронинг ватанпарварлиги ва жасоратига юқори баҳо берган эди. У шундай Ѽзган: «Муршиди Аъзам Шайх Нажмиддин Кубро худо амри билан Хоразм учун бошини тикди. Бошини топширишда қотил яловига Ѽпишди. Дини ҳақ, иқлимининг шоҳи ул пийр сарпанжасидан ун забардаст йигит яловни чиқариб ололмадилар. Сайидлар шайхи сарпанжасида коғир яловини күриб ҳайратда қолган оқиллар бу ҳолни шарҳладилар: ялов учини Шайх тугиб, таърих айтдики, вафотим санаси «Шоҳи Шухудо» («Шаҳидлар шоҳи»)дир»¹ Шайх Нажмиддин Кубронинг бундай жасорати ва қаҳрамонлиги унинг қалбидаги ватанпарварликтининг ёрқин намунасиidir.

Чингизхон ўзининг ваҳшийлигини Термизда ва бошқа жойларда ҳам намойиш этади. У қүшин билан Термизга келганды маҳаллий аҳоли қаттиқ жанг қилдилар. Аммо, пировардида, душман ғалаба қилиб, күп одамларни қиличдан үтказади. Шу орада мұғуллар «бир хотунни ўлдиришга олиб келдилар. Ул хотун айтди: «Мени ўлдирманглар. Мен сизларга бир яхши дур берайин», деди. Алар дедилар: «Дуринг қайда туур?» Ул хотун айтди: «Дурни юткан туурман, дур қорнимда туур». Мұғуллар ул хотуннинг қорнини ёриб дурни олдилар. Ул сабабдин ҳеч ўлук қолмади, тамомининг қорнини ёрдилар»².

Куриниб турибдики, босқинчилар бир дона дур баҳонасида қанчадан-қанча аёлларнинг ичак-чавогини ағдар-тұнтар қилиб ташлаганлар. Улар Термизни вайрон этиб, күп одамларни қирғандан сұнг Балхга боришиб, обод ва күркам шаҳарни ҳам ер билан яксон қилдилар. Улар Марв шаҳрини босиб олишда ҳам ваҳшийларча ҳаракат қилдилар. Тулихон бошлиқ мұғуллар шаҳарға кирганларида одатдагидек бойликларни талаб қилдилар. Улар аҳолини шаҳардан ҳайдаб мол-мұлкни таладилар, сұнгра одамларни Ѽппасига қирдилар. Ҳар бир аскарға 40—50 кишини ўлдириш вазифаси юклатылди. Бу топшириқ дархол бажарылди.

¹ Мирзо Улугбек. Ўша асар, 165-бет.

² Абулғози. Ўша асар, 70-бет.

ВАТАН УЧУН ЖОНИНИ ТИККАН ЖАЛОЛИДДИН

Жалолиддин 300 киши билан Урганчдан чиққандан кейин Газна шаҳарига боришни ва бу ерда куч тўплашни режалаштиради. Аммо у Нисо шаҳрининг атрофига келганда 700 кишилик мўгул аскарлари билан тўқнашади. Икки томон ўртасидаги жангда душман кучлари тор-мор этилади. Жалолиддин кўп ярогаслача ва бошقا нарсаларни ўлжага олади. У Нишопурга келиб атроф жойлардаги ҳокимларга биргаликда мўгулларга қарши курашишни сўраб мактубларни тарқатади. Аммо унга Нишопурда туришлик хавфли бўлиб қолди. Чунки у мўгул аскарлари уни излаб келаётганлиги ҳақидаги хабарни олади. Шу боис у 1221 йил февраль ойида Газнага йўл олди. Қандаҳор атрофида отасининг қариндоши Ҳирот ҳокими Амин Малик 10 минг қўшини билан келиб Жалолиддинга катта ёрдам кўрсатади. Шунингдек Ҳалаж қабиласининг бошлиғи Сайфиддин Бўғроқ, Балх ҳокими Аъзам Малик, афғон лашкарбошиси Музффар Малик, қарлуқларнинг сардори ал-Ҳасан билан Жалолиддинга кўшиладилар. Булардан ташқари Амин Малик деган кимса ҳам ўз қўшини билан келган.¹

Хужанд жангининг қаҳрамони Темур Малик ҳам Жалолиддиннинг энг ишончли кишиси сифатида фаолият кўрсатмоқда эди.

1221 йил баҳорида Жалолиддин Қобул дарёсининг атрофидаги Валиён қалъасини қуршаб турган мўгул аскарларига ҳужум қилиб ва минг кишини ўлдириб галаба қозонди. Маглубият хабарини олган Чингизхон «ўзининг тажрибали саркардаларидан бири — Шики Ҳутҳу деган кишини 45 минг қўшин билан Жалолиддинга қарши юборади. Мўгуллар Жалолиддин қўшини билан Парвон деган мавзеда учрашади. Жалолиддин ўз аскарларига отдан тушиб, от жиловини белларига боғлаган ҳолда пиёда бўлиб жанг қилишга фармон беради. Икки кун жанг бўлади. Мўгуллар чарчаганидан сўнг Жалолиддин ўз аскарларига отга миниб жанг қилишга буйруқ беради. Мўгуллар бардош беролмай қоча бошлайдилар. Жалолиддин бу жангда аскарнинг ўнг қанотини Темур Маликка, чап қанотини Сайфид-

¹ Шихоб ад-дин Мухаммад ан-Насави. Жизнеописание Султана Джалаиддина Манкбурнк. Баку, 1973, С.124—125.



6-расм. Жалолиддин Мангуберди жанг майдонида.

дин Аърақга топшириб, узи марказда турган. Энди мұғуллар ҳийла-найранг ишлатишга ҳаракат қилиб, ҳар бир жангчи үзини захирада етаклаб юрган оти-нинг устига кигиздан одам шаклида құғирчоқ ясаб, отта миндириб жангта кирсинг деган буйруқ берилади. Эртасига жангда мұғуллар сафи күпайиб, хоразмликтарни ваҳимага солади. Мұғулларнинг ҳийласини сезган Жалолиддин үз аскарларига далда бериб, душман ҳийласини фош қиласы да үз аскарларини жангта олиб киради. Жалолиддин ҳарбий маҳорат күрсатиб, мұғулларни үраб ҳалқа ичига олади. Ҳутху нүён душманга бардош беролмаслигига күзи етгач, қолган аскарни сақлаб қолиш учун жанг майдонини ташлаб қочади. Жалолиддин жуда күп үлжага эга бұлади.¹

Жалолиддиннинг душман устидан құлға кириттан ажойиб галабаси шуни күрсатадики, агар росмана ахиллик ва бирдамлик билан ҳаракат қилинса күзланған мақсадға эришиш мумкин. Аммо, шунга қарамай галабадан кейин лашкарбошилар үргасида үлжаларни тақсимланишида үзаро жанжал күтарилиди. Оқибатда ёрдамға келган афгонлар, ҳалажлар ва қарлуқлар Жалолиддинни ташлаб кетдилар. У уларни тинччиши вә

¹ Файзиев Т. Султон Жалолиддин Мұхаммад бин Ховандшоҳ Мирхонд талқинида. «Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди». Тошкент, 1999, 69-бет.

яраштиришга күп ҳаракат қилди, лекин шахсий ман-фаатлар ва жоҳиллик устун келиб фойдаси бўлмади. Шундан кейин Жалолиддиннинг ҳарбий кучи жуда за-ифлашиб душманга қарши курашни давом эттириш-нинг имкони қолмади. Бу вақтда Парвондаги мағлу-биятдан газабланган Чингизхон Жалолиддинга қарши шахсан ўзи катта қўшин билан йўлга чиқди. Бундан хабар топган Жалолиддин Фазнадан чиқиб Ҳиндистон томонга йўл олади. Орадан икки ҳафта ўтгандан ке-йин Чингизхон Фазнани босиб олди. Сунгра Жалолид-диндан ажralиб кетган афғонлар, ҳалажлар ва қар-лукларнинг барчасини қириб ташлади. Чингизхон ҳарбий қисмни Жалолиддинни излаб топиш учун юборади. Бу ҳарбий қисм Фазнанинг атрофидаги Фар-диз деган жойга келганда унга Жалолиддин хужум қилиб, тор-мор этади. У Чингизхонни катта куч билан келишини англаб, Синд дарёси орқали Ҳиндистонга ўтиш мақсадида у томонга кетади. У бу ерга етиб кел-ганда Чингизхон катта қўшин билан пайдо бўлади. Шу тариқа Жалолиддин дарё билан душман ўртасида қолади. Бу шиддатли жанг уч кун давом этади. У бир маълумотда 1221 йил 23—25 ноябрда, иккинчисида 1223 йилнинг августида бўлган. Уни Мирзо Улугбек қўйидагича таърифлайди: «Жалолиддин баҳодирлик отини кураш майдонига солиб, тотор коғирларидан кўпини ҳалокат тупрогига қоради ва ҳеч бир кулфат-сиз жанг қилдики, агар Рустами достон тирик бўлга-нида, унга бўлган муҳаббат ёлигини ўз елкасига сол-ган бўларди. Агар кумуштан Исфандиёр бу жангни мушоҳада қилганда, унинг хизматида қуллик лавози-мини жону дили билан қабул қилган бўларди... Сул-тон Жалолиддин лашкарининг қалбида етти юзта мард билан бирга мардоналик оёғини ерга маҳкам қўйиб, тонгдан то туш пайтигача қаршилик кўрсатиб, уларни чапдан ўнгта, ўнгдан чапга қувди ва ҳар бир ҳамлада қанчалаб томонга от чоптирмасин, тупроқни қонга бўяр эди. Агар бу жангни Золнинг ўғли кўрса эди, у Султон Жалолиддиннинг қўлини ўпган бўларди.

Чингизхоннинг лашкари беҳисоб эди, улар соатма-соат кўпайиб боришарди ва гоҳ-гоҳ кураш майдонини Жалолиддин учун танг қилар эдилар».¹

¹ Мирзо Улугбек. Ўша асар, 182-бет.

Ушбу сатрларда Жалолиддин қүшинининг анча озлигига қарамай қаҳрамонларча жанг қилиб мұғулларнинг талай қисмини үлдирғанлиги баён этилган. Бошқа тарихий манбаларда ҳам Жалолиддиннинг жасорати ва ҳарбий маҳоратига юқори баҳо берилген. Агар унга қүшимча ёрдам күчлари келганды бу гал ҳам ғалабага эришиши турған гап эди. Ҳа, у ёлгиз эди, фақат бир неча минг содик аскарлари бўлиб улар «бир томчи» қон қолгунча курашдилар. Бу жанг хусусида Мирзо Улугбек сўзини давом этириб: «Мұғуллар Султон Жалолиддинни (жанг майдонида) қўлга туширай деб қолганларидан кейин Хон Султоннинг ўғли Ахос Малик Султон Жалолиддин отининг жиловидан тутиб, орқага олиб чиқди. Султон юраги гирён, кўзлари нигорон бўлиб, болалари ва ўғиллари билан минглаб дарду фирог ила видолашиб, қора тўриқ отини миниб, мұғулларнинг беҳисоб қүшинига яна ҳамла қилди. Уларни орқага суриб ташлаб, сўнг жиловни орқага тортди. Совутини елкадан ташлаб, чатрини қўлга олди, чўбини ерга отиб, отига қамчи босди. Синд дарёси қирғонидан то узан (сув)гача ўн газдан ортиқроқ эди. У отни дарёга ҳайдади. Лашкардан бир тўдаси унга эргашган эди, мұғулларнинг ўқидан, йўқлик денгизига гарқ бўлди... Айтишларича, сувда қатл этилган мурдаларнинг кўпчилигига шу даражада ўқ теккан эдики, сув ўликларнинг қони билан қипқизил бўлиб кетган эди».¹ Жалолиддин дарёдан соғ-саломат сузиб нариги қиргокда дам олаётганда одамларидан етти киши сувдан чиқиб, унга қўшилади. Жалолиддиннинг моҳир лашкарбошилиги, жасорати ва мардлиги шахсан Чингизхонни лол қолдирған эди. У унинг шаънига мақтov сўзларини изҳор этиб: «Отадан дунёда ҳали бундай ўғил тугилмаган. У саҳрода шер каби ғолиб жангчи, дарёда эса наҳанг (акула) каби ботир. Қандай қисинки, ҳали ҳеч ким тақдир билан ҳеч бир можарода тенг келолмаган. Лекин у мардликнинг додини берди. Қазои қадар қаршисида қудрат қулини (мардона) очди. Мардлик билан ундан (қазо) кутулиб бўлмайди». У ўғилларига юзланди ва деди: «Отага шундай ўғил зарурки, у икки гирдоб — олов ва сув гирдобидан озодлик майдонига чиқа олди».²

¹ Уша асар, 183-бет.

² Уша жойда, 183—184-бетлар.

Шуни айтиш лозимки, Жалолиддиннинг оила аъзлари ҳам жасорат ва мардлик, ватанга содиқлик на- муналарини кўрсатди. Ўша Синд дарёсининг қиргогидаги жангда Султон Жалолиддиннинг 7—8 яшар ўғли асирикка олиниб Чингизхон ҳузурида улдирилган эди. Унинг онаси, хотини ва бошқа аеъллар душман қўлига тушгандан кўра ўлганимиз яхши дейишиб, дод-фарёд билан ўзларини дарёга чўктирилишини Жалолиддиндан ёлвориб сўрашди. Ҳақиқатан ҳам уларни душман қўлида ўлишлари турган гап эди. Буни яхши билган Жалолиддин қатъй талабларга биноан дарёга қайгу-алам билан чўктиради. Маълум вақтдан кейин дарёдан омон-эсон сузиб чиқсан 4 минг аскарлари Жалолиддинга қўшилди. Шунингдек жангда тирик қолиб, дарёдан ўтган лашкарбошилар — Қулбарс Баҳодир, Кабкух, Сайдаддин Али аш-Шаробдорлар келишади. Бу катта хурсандчиликни уйготиб, бамисоли онадан янги туғилгандек булишган. Жалолиддиннинг кейинги фаолияти Ҳиндистонда кечди. У бу ерда уч йил мобайнида унга қарши бош кутарган айрим маҳаллий ҳокимлар бошчилигидаги аскарларга зарба беради. Ҳамда ўз мавқенини анча мустаҳкамлаб олади. Бироқ унга қарши кучларнинг зўрайиши орқасидан Эронга йўл олади. Бу ерда у Хоразмшоҳлар давлати номидан хукмдорлик қилаётган укаси Фиёсиддин Пиршоҳни қаршилигини енгиб, ўзига бўйсндиради. Қарийб бутун Эронни эгаллаган Жалолиддин Озарбайжонни ҳам қўлга олишга ҳаракат қилди. Натижада у бу мамлакатни бўйсндириб, Хоразмшоҳлар давлатининг бу ердаги илгариги хукмронлигини тиклайди. Табриз шаҳари бу давлатнинг пойтахтига айлантирилади. Шунингдек Жалолиддин тўрт йил мобайнида Тифлисда хукмронлик қилиб Хоразмшоҳлар давлатининг мавқенини анча оширади. Бутун умри хавф-хатар ва жангларда ўтиб, тинчлик ва хотиржамликни билмаган Жалолиддин 1231 йил 16 августда Курдистон тогида бир курд кишиси томонидан улдирилади. Бу хусусда таниқли Туркия олими Ойдин Тонарий шундай ёзади: «Султоннинг ўлими тўғрисида тарихчилар берган маълумотлар аксарият бир-бирига ўхшашидир. Фикримизча бу масалада Насавий билан Жувайнининг маълумотлари энг тўғрисидир.

Мўгулларнинг 15 суворийси Султонни таъқиб

қилишга тушди. Улардан иккитаси унга етиб олди. Султон бир ҳамлада уларнинг икковини ҳам ўлдирди ва яна қочди. У баланд тоқقا тирмашди ва қароқчи курдларга дуч келди. Курдлар уни ўлдирмоқчи бўлганларида Султон уларнинг бошлигига: «Мен Султонман. Мени ўлдиришга шошилманг. Мени ё Малик Музаффар Шаҳобиддин ҳузурига ёки мени улкаларимдан бирiga олиб бор, сени амир қилиб тайинлайман», деди. Қароқчилар бошлиги иккинчи таклифни қабул қилди ва Султонни ўз овулига олиб кетди. Сунг у Султонни хотинига топшириб, от топиб келиш учун кетди. Бироқ кўп ўтмай найза кутарган бошқа бир курд кириб келди ва хотиндан: «Бу хоразмлик ким? Уни нега ўлдирмаяпсизлар?» деб сўради. Хотин: «Хўжайним унга омонлик берди. Чунки у Султон эканинин сўзлади», деди. Курд: «Бу гапга қандай ишониш мумкин? Улар Охлатда бундан ҳам азизроқ укамни ўлдирдилар», деди ва бир найза зарби билан Жалолиддинни ўлдирди.

Орадан бир оз фурсат ўтгач, Майафориқин ҳокими Малик Музаффар тоқقا одам юбориб Султонга тегишили нарсаларни, оти, эгари, машхур қиличи ва бошидаги кокили (тилсимли)ни олдириди. Жалолиддиннинг яқинлари бу нарсалар Султонники эканлигини тасдиқлади. Малик Музаффар Жалолиддиннинг жасадини Майафориқинга келтириб дағн қилдирди. Бироқ бу ерга кўмилган бошқа кўпгина улуг одамлар сингари Жалолиддиннинг қабри қаерда эканлигини аниқлашни иложи бўлмади.

Жувайнининг ёзиича, Жалолиддин Амид тогларига чиқиб олгач, тунаш учун чодир тиклаган. Курдлардан ташкил топган бир гурӯҳ кишиларнинг қимматбаҳо кийимларини тортиб олиш учун «нима қилаётганларини ва қандай инсон эканлигини билмасдан» Султоннинг кўксига ханжар уриб ўлдирдилар.¹

Жалолиддин вафоти Туркистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Кавказдаги барча мўгулларга қарши халқлар учун ниҳоятда катта йўқотиш ҳисобланди. Чунки унинг асосий мақсади уларни ва мусулмон динини мўгуллардан химоя этишдан иборат эди. Шунинг учун у кўрсатилган мамлакатларда кўп мингли

¹ Ойдин Тонарий. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. Тошкент, 1999, 57-58-бетлар (Бобохон Муҳаммад Шариф таржимаси).

қүшинни ва курашни ташкил этишга эришади. Ваҳоланки у Хоразмдан бор-йўғи 300 киши билан чиқиб кетган эди. Аммо Жалолиддин хорижий мамла-катларда икки томонлама, яъни мӯгулларга ва муҳолифатдаги кучларга қарши тинимсиз жанг қилди. Бу кучлар кўпроқ шахсий манфаатларини уйлаб ва но-донлик қилиб Жалолиддин олиб бораётган озодлик курашларига катта зиён келтириди. Жалолиддин бу ута заарли ҳаракатларни бартараф қилиш йўлида кўп ас-карлари ва маблагини йўқотди. Бу ҳолат мӯгулларга қарши курашга салбий таъсир этиб уларни галабаси учун кенг имкониятларни яратди. Жалолиддин ўлимидан кейин мӯгулларга қарши курашни моҳирлик билан бошқарадиган ҳукмдор ёки лашкарбоши кўринмади. Натижада 1258 йилда халифаликнинг пойтахти Багдод мӯгуллар томонидан эгалланиб вайронага айлантирилди. Кўп ёшу-қари кишилар ҳалок этилди. Ваҳоланки, халифалик ўз вақтида Чингизхонга хат юбориб, Хоразмшоҳлар давлатига қарши уруш очишга чақирган эди.

Жалолиддиннинг замондошлари унинг озодлик курашига юқори баҳо берган. Чунончи, Зиё Буниёдовнинг маълумотларига кура қотил курдлар Жалолиддиннинг қимматли безаклари ва эгар-жабдуқларини олишган. Улардан бири унинг либосини кийиб ва қуролларини ўзига осиб Амид деган жойда гердайиб юрганда Жалолиддиннинг яқинларидан бири Майафориқиннинг ҳокими Ал-Малик ал-Ашрафга маълум қиласди. Бу кишини Жалолиддинга нисбатан душманчилиги бор эди. Аммо, у адолат юзасидан унинг бевақт ўлимидан қаттиқ қайғуради. У қотил курдни ўлдириш, у яшаётган қишлоқ аҳолисининг барчасини қириб ташлаш ҳақида кўрсатма беради.¹ Жалолиддиннинг либослари ва қуролларини топтиради. У хузуридаги кишиларга дейди: «Сиз мени уни ўлими билан табриклияпсизларми? Бироқ сиз бунинг самарасини йигасиз, чунки Аллоҳ номи билан қасам ичаманки, унинг ҳалокати мӯгулларнинг ислом ерларини истило қилишларини англатади. Энди биз билан йаъжуҷ ва маъжуҷ ўртасида девор бўлиб турган Хоразмшоҳлардек бирор кимса йўқ.»²

¹ Зиё Буниёдов. Ўша асар, 235-бет.

² Ўша жойда, 236-бет.

Дарҳақиқат мүгул босқинчилариға қарши курашишда Жалолиддинга тенглашадиган күзга ташланмади. Шунинг учун ҳам унинг вафотидан сўнг шоншуҳрати сўнмади. Ҳатто уни үлдирилмаганлиги ҳақида овозалар кенг тарқалди. У ҳақда афсоналар тұқылди. Ойдин Тонарийнинг кўрсатишича, Жалолиддиннинг дарвешлар орасида сўфий кийимида турли мамлакатларда юрганлиги ҳақида сўзлар тарқалган. Ироқи ажам ҳокими эса бу гапларни инобатта олиб Жалолиддинни қидиртирган. 1236 йилда Мозандарон минтақасида бир киши ўзини Жалолиддин деб қўзголон кўтаради. У Жалолиддиннинг озодликни рамзи ҳисоблаб мўгулларга қарши қўзголон уюштирган, албатта. Аммо у фош этилиб, мўгуллар томонидан осиб үлдирилди. 1254 йилда Амударё бўйида бир киши ўзини Султон Жалолиддин эканлиги ҳақида гап тарқатади. У қўлга олинади, лекин умрини охиригача ўз сўзидан қайтмади.¹

Шундай қилиб Султон Жалолиддиннинг мустақиллик ва озодлик рамзи сифатида донги олам узра таралди. Бу йўлда унинг ҳаёти ва жўшқин фаолияти ғоятда хавф-хатарли, мураккаб ва ўзаро зиддият ва курашлар шароитида кечди. У хотиржамлик ва осойишталикни кўрмай у мамлакатдан бу мамлакатга, у шаҳардан бу шаҳарга, чўлу, тогу-тошлар бўйлаб кезиб юришга мажбур бўлди. У барча қийинчиликлар ва азоб-уқубатларни, ҳатто ўлимни бўйнига олиб турли халқларни Хоразмшоҳлар давлатининг байроби остига бирлаштириш учун тинимсиз курашди. Бундан кўзланган асосий мақсад уларни мўгулларнинг тажовузи ва хукмронлигидан холи этиб, мустақиллик ва озодликни таъминлашдан иборат эди. Зоро, у ўзбеклар, эронликлар, хиндлар, озарбайжонлар, афғонлар ва бошқа халқларнинг умум манфаатлари учун курашган буюк давлат арбоби ва машҳур лашқарбоши эди. У ўзининг олий фазилатлари билан ҳам ҳурмат ва иззатга сазовор бўлган. Шаҳобиддин Насавий уни шундай таърифлайди: «Қорачадан келган, ўрта бўйли, тили бўйича турк, лекин форсча ҳам сўйлар эди. Унинг жасоратига келганда, у шерларнинг шери эди ва отлиқ йигитлар ичидаги энг довюраги эди. У юмшоқ эди, жаҳли чиқмас эди ва сўкинмасди ҳам. У жиддий эди, ҳеч қачон кулмасди, фақат жилмаярди ва

¹ Ойдин Тонарий. Ўша асар, 60-бет.

камгап эди. У адолатни севарди, бироқ, у дүч келган суронли йиллар унинг устидан галаба қылди ва унинг фельини ўзгартирди. У фуқароларнинг ҳәётини осонлаштиришни ёқтиради, лекин таназзул пайтида бошқаргани учун жабр қилишга борди. Жалолиддин оғир ҳолатларда матонатли эди ва мاشақатли синовларда совукқон эди».¹

Демак Жалолиддин юз йилларда бир келдиган том маънодаги давлат арбоби ҳисобланиб, ўзида олий фазилатларни мужассамлаштирган тарихий шахс бўлган. У барча эркесвар халқларнинг қалбида учмас из қолдирган эди. У билан бир тан, бир жон бўлиб озодлик йўлида жанг қилган минглаб ўзбекларнинг катта хизматларини ҳам кўрсатиш айни муддаодир. Улар уй-жойлари ва бола-чақаларини ташлаб мўгулларга қарши 11 йил мобайнида мардонавор курашдилар. Жалолиддиннинг вафотидан кейин улар ўз она юритига қайта олмадилар. Чунки бу ерда мўгуллар ҳукмронлик қилмоқда эдилар. Шу боис улар хоразмликлар номида хорижий мамлакатларда яшашга мажбур бўлдилар. Ватан ва оиласларининг дийдорини куролмай қайгу-аламда дунёдан ўтдилар.

Жалолиддин вафотидан кейин лашкарбошилари амир Ҳисомиддин Қирхон Маликни таҳтга ўтқаздилар. Бироқ у ўзининг қобилиятсизлиги орқасидан ҳокимиятни ушлаб туролмади. Бебош қолган хоразмликлар Туркиядаги у ёки бу вилоят ҳокимларининг хизматида бўлишга мажбур бўлдилар. Улар Миср ва Сурияда ҳам ҳарбий юришларда қатнашдилар. Умуман айтганда вақтлар ўтиши билан хоразмликларнинг ҳарбий салоҳияти заифлашиб турли жойларга тарқалиб кетишиди. Натижада хоразмликларнинг қолдиқлари Мисрда, Сурия шимолида, Йроқда ва Анадўлининг жануби-тарбига ўтроқ бўлиб қолдилар. Хоразмликларнинг авлодлари ҳозирги кунда ҳам Йроқнинг шимолида Мосул ва Қиркўк атрофидаги қишлоқларда яшайдилар, улар ўзларини туркман дейдилар. Анадўлида улар ҳурзумлу деб аталадилар ва ҳозирги кунда ҳурзум (Хоразм) деб аталадиган қишлоқларда яшайдилар. Шундай қишлоқлардан саккизтаси Эгей дентизи соҳилида Маниса (Туркия) вилоятида жойлашган.

¹ Зиё Буниёдов. Ўша асар, 237-бет.

Ибн Бибининг хабар қилишича, Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг улемидан сўнг унинг амирларидан бири — Сарухон Қунё Султони Аловиддин Қайкубод I нинг хизматига ўтади. Турк олимларининг тахмин қилишича шу Сарухон Маниса вилоятида ҳукм сурган Сарухонийлар сулоласига асос соглан. Бу сулола 815 (1412) йилгача ҳукм сурган. Хоразмликлар Шарқий Анадўлидаги Кушаҳия ва Алашеҳр вилоятларида ўтроқлашиб қолган. Уларнинг авлодлари энди Ҳурзум ашираи Ўвачик, Ҳурзум Алаяка, Ҳурзум Саздаре, Ҳурзум Кесерлар, Ҳурзум Энбелли қишлоқларида яшайдилар.

Булардан ташқари Урфа вилоятида Хоразм деб аталадиган уч қишлоқ бўлиб уларда Суриядан қочган хоразмликларниң авлодлари яшайди.¹

Шундай қилиб, Жалолиддин бошлиқ минглаб узбеклар мустақиллик ва озодлик учун жонларини фидо айлаб бегона мамлакатларда қолиб кетдилар. Бундай ватанга ўта содиқликни тарих ҳеч қачон унутмайди.

МАҲМУД ТАРОБИЙ – ОЗОДЛИК КУРАШЧИСИ

Мўгул қўшинлари уч йил мобайнида Туркистон заминини қонга белаб ва вайронага айлантириб ўзларининг ҳукмронлигини ўрнатдилар. Йиллар ўтиб бора берди, лекин қирғин-баротларни ва вайронагарчиликларнинг даҳшатли оқибатлари ҳамон кўзга ташланиб турди. Шу боис бу гоятда фожеали воқеанинг тилга олмаган бирорта тарихчини топиш амри маҳол. XIII асрнинг иккинчи ярми — XIV асрнинг бошларида яшаган Рашидиддин шундай ёзган эди: «Солномаларни ақл-идрок билан ўрганиш шу ҳақда гувоҳлик берадики инсон зоти дунёга келгандан буён мўгул қўшинлари томонидан қилинган вайроналар ҳеч бир мамлакатда бўлган эмас. Чингизхон ва унинг авлодларига ўхшаб одамларни кўп қирган ва кўп мамлакатларни босиб олган ҳукмдорлар ҳеч қачон бўлмаган. Ҳатто, номи чиққан жаҳонгашта македониялик Александр ҳам Чингизхонга тентглаша олмайди. Чингизхон шошмай ҳаракат қилиб кўп халқларни буйсиндирди. Унинг ўғиллари ва сўнгра авлодлари урушиб олинган

¹ Ўша жойда 249—250-бетлар.

ерларни сақлаш билан бир вақтда бошқа мамлакатларни ҳам босиб олдилаар. Босқинчиларнинг уруши жараённида йирик шаҳар ва вилоятларнинг аҳолиси шу даражада кўп ўлдирилди, тирик қолғанлар озчиликни ташкил этди. Масалан, Туркистон, Балх, Шабурган, Таликан, Марв, Сарахс, Хирот, Рай, Ҳамадон, Қум, Исфаҳон, Мараг, Ардабил, Барда, Гянджа, Багдод, Мавсил, Ирбил ва бошқа бу шаҳарларга тегишли вилоятларда шундай фожеа содир бўлган эди.¹ Мўгул қўшинлари кўп ўтиб турган вилоятларда эса одамлар кўп ўлдирилди ёки улар қочиб жон сақладилар. Туар жойлари эса култепага айлантирилди. Ҳозирда фақат ундан бир қисм жойлардагина ободончилик ва бунёдкорлик кўзга ташланмоқда. Тўгри айрим жойларда сунъий сугориш, бозорларни ва шаҳарларни тиклашга ҳаракат қилинмоқда, лекин бу ишларнинг охирига етказилмаганлиги гувоҳи бўлиб турибмиз. Бордию кўрсатилган ишлар ниҳоясига етказилганда ҳам вайронна бўлиб ётган жойларда солиширилса ҳеч нарсага арзимайди.² Дарҳақиқат Туркистон ҳудудида шаҳар ва қишлоқлар ўзларининг зулми ва талон-тарожи тобора кучайиб бора берди. Мальумки улар кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлганликлари учун давлат бошқаруви бўйича билимга ва тажрибага эга бўлмаганлар. Шунинг учун улар маҳаллий юқори табақанинг сотқин гуруҳларига таянган ҳолда иш юритдилар. Хусусан, Чингизхонга катта ёрдам берган Маҳмуд Ялавоч Мовароуннаҳрининг бошқарувчиси этиб тайинланди. Бу киши Хўжанд шаҳрини ўзига пойттахт этиб, босқинчиларга сидқидиллик билан хизмат қиласиди. У шу даражада бойиб кетган эдики, ўлкадан олинадиган солиқ ва бошқа тўловларни олдиндан босқинчиларга ўз ҳисобидан тулаган. Сунгра йил давомида солиқларни ошиги билан ўз фойдасига йиғиб ола берган.

Маҳмуд Ялавочнинг ихтиёрида мўгуллардан ташкил топган ҳарбий қисмлар бўлиб, улар бутун ўлка халқини ўз сиртмогида ушлаб турганлар. Уша ҳарбий қисмларнинг таъминоти халқнинг зиммасига юклатилган эди.

¹ Рашидиддин. Сборник летописей, том 3. М., 1946, С.308—309.

² Уша жойда.

Хуллас, мұғулларнинг ҳукмронлиги моддий ва маънавий қашшоқликни, адолатсизлик ва зұравонлики келтиреди, холос. Агар халқ мана шундай мисли күрилмаган оғир ҳаётга қарши бош күтарса юқорида таъкидланған фожеаларнинг такрорланиши турған гап эди. Аммо халқнинг әркесеварлиги устун келиб құзғолон күтарди. Бунга Бухоро яқинидаги Тароб қишлоғида әлакчилик касби билан шуғулланувчи Маҳмуд Таробий бөшчилик қилди. У жамоа ахлига шундай деди: «Эй адолат ҳимоячилари! Нима учун курашни кутишимиз ва кечиктиришимиз керак, мамлекатни гайридинлар (мұғуллар)дан озод этиш зарур. Ҳар ким дарҳол қуролланиб ишга киришсін!» Халқ оломони бу чақириқни тұла құвватлаб құлларига нима түшса шулар билан қуролланиб, шаҳарға бостириб кирдилар. Улар бу ерда ҳокимият саройини әгалладылар. Құзғолонни уюштиришда танықлы олим Шамсиддин Маҳбуби фаол қатнашади. У мазлум халқни курашга дағыят этиб Маҳмуд Таробий билан бирга құзғолонга бөшчилик қилади. Күн сайин құзғолонға құшилған деңқон ва ҳунарманндарни сони ошиб борди. Улар босқынчилар хизматини қилиб бойиган кишиларни үлдирдилар ва мол-мұлкини таладилар. Шаҳар маъмуриятининг вакиллари құзғолон ҳақида Хұжанддаги Маҳмуд Ялавочға ёрдам сұраб чопарни юбордилар. Шунингдек Маҳмуд Таробийни яширинча үлдириш режасини түздилар. У бундан хабар топиб, хавфсизликни таъминлаш мақсадида шаҳарнинг биқинидаги Абу Хафас номли тепаликка үрнашади. Бу ерда унинг атрофига узоқ-яқын жойлардан келган күп одамлар жипслашади. Сұнгра у катта күч билан шаҳарға келиб ҳокимият саройига үрнашиб нұфузли кишиларни ҳузурига таклиф этади. Бу вақтда унинг мавқеи шу даражада кучайиб кетген әдіки, руҳонийларнинг сардори Бурхониддин Маҳмуд Таробийга халифалик ҳокимияти ваколатини беради. Бу билан унинг ҳокимияти расмийлаштирилған эди. Шундан кейин Маҳмуд Таробий мұғулларнинг хизматидаги нұфузли кишиларни үлдиртиради, мол-мұлкини талатади. Ҳамда халқнинг, хусусан камбагалларнинг манфатини күзлаб иш юритади.

Маҳмуд Таробийнинг жазосидан қочиб қутылған маҳаллий юқори табақа вакиллари Карманага боришиб, мұғуллар билан бирғаликда ҳарбий тайёр гарларлық-

ни күрадилар. Ўз навбатида Маҳмуд Таробий ҳам душманга қарши жангта тайёрланмоқда эди. Шу орада шаҳар атрофидаги қишлоқларнинг аҳолиси болта, кетмон ва бошқа нарсалар билан қуролланиб, қўзғолончиларга қўшилдилар. Кўп ўтмай қўзғолончилар билан мўгуллар қўшинларининг ўртасида қаттиқ жанг бўлиб 10 минг киши ўлдирилди. Аммо жангда Маҳмуд Таробий ва Шамсиддин Маҳбуби ҳалок бўлдилар. Натижада қўзғолончилар ўзларининг моҳир бошлиқларидан жудо булишиб оғир аҳволга тушиб қолдилар. Маҳмуд Таробийнинг укалари — Муҳаммад ва Али қўзғолон раҳбарлигига ўтказилди. Бироқ улар қобилиятсиз кишилар бўлиб чиқдилар. Бу қўзғолончиларга салбий таъсир кўрсатди. Ўша кўрсатилган жангдан бир ҳафта ўтгандан кейин Илдиз нуён ва Чақан кўрчи бошчилигида катта қўшин Бухорога келиб қўзғолончиларга қарши ҳужум қиласди. Ҳар икки томон ўртасида даҳшатли жанг бўлиб қўзғолончилардан 20 минг киши ўлдирилди. Бунчалик кўп сонли кишиларнинг ўлдирилиши қўзғолонни ғоятда кенг қулоч ёйғанлигидан далолат беради. Бу ерда фавқулодда ўлдирилмай қолған ёки қочган кишиларни ҳисобга олсанк у вақтда қўзғолончиларнинг сони яна бир неча мингта кўпаяди. Уруш пайтида Маҳмуд Таробийнинг иккита укаси ҳам ўлдирилади.

Қўзғолоннинг кўтарилиши ва душманга қарши олиб борилган қаттиқ жанглар ўзбек ҳалқининг мустақиллик ва озодлик ғоясининг маҳсули ҳисобланди. Бу ғоя мўгул хукмдорларининг ваҳшиёна қиргини ва вайроналарига қарамай ўзининг куч-кудратини намоъиш этган эди.

АМИР ТЕМУР – ХАЛҚ ҲАЛОСКОРИ

XIV асрнинг 50—60 йилларида үлкәда парокандалик авж олиб кенг меңнаткаш омманиң ақволи янада ёмонлашди. Шундай шароитда Темур сиёсий майдонга чиқди ҳамда ватан мустақиллигини тиклаш учун у ниҳоятда мاشаққатли ва хавф-хатарлы йўлни босиб ўтди. Шуниси дикқатта сазоворки, Темур ёшлигиданоқ ақл-идрокли, жасоратли ва келажаги порлоқ сиймо сифатида танилди. Ўрта аср муаллифи Мавлоно Лутфиллоҳ Нишабурий сўзига кўра Темур 7 ёшлигига отаси Тарагай билан қариндошлариникига борган. Бу киши кўпдан-кўп молларга ва қулларга эга булиб, доимо хавотирликда яшар экан. У Тарагайга дебди: «Худо менга кўп молу давлат берди, лекин уни сақлашга охизман, қулларим сабр-тоқатли эмаслар, фарзандларим салоҳиятсиз. Шу сабабдан молу-дунёйимга нуқсон етмасин деб қўрқаман». Темур гапга аралашиб дебди: «Эй ота, фарзандларингга молларингни булиб бер ва ундан сўнг уларни ўз мол-мулкларига даҳл қилгилким, улар ўз-узи билан овора бўлсин. Сўнг турк қулларини ҳинд қулларининг тепасига қўйгилким, ҳиндларни ўз амр-фармонларига бўйсундирсинглар. Кейин ҳар уч қулни улардан ақллироқ бу қулнинг ихтиёрига топшир. Сўнг уларни ҳар бирини еттитадан амири қил. Кейин етмиш қулга бош бўлган ана шу етти қулни бир-бирининг таъзим ва тасрифига буюр. Уларни кўздан қочирма, чунки бир-бирлари билан кўп суҳбатлашади. Уша киши Темурнинг ақл-заковатига қойил қолиб унинг отасига дебди: «...Сенинг бу фарзандинг жаҳонга подшоҳ бўлади, чунки буни унинг шу гапларидан фаҳмлаб турибман...» Сўнг сиёҳдон ва қалам ҳозирлаб уша суҳбатда Темурдан хат ёздириб олдики, бунда «унинг фарзандлари, зурриёди ва яқинларидан хирож олмасин: уларнинг гуноҳларидан ўтсиналар: унинг қавми тархон қилинсин».¹

¹ Тархон — солик ва жарималардан тамоман озод этилган киши, йирик, мансабдор тархонлар хоннинг олдига сўроқсиз кира олар ва уни устидан тўққиз марта жиноят содир бўлмагунча жазога тортилмас эдилар.

Буни қарангки Темур таҳтга чиққандан кейин ваддага мувофиқ уша бадавлат кишининг авлодлариға тархон унвонини беради. Умуман айтганда Амир Темурниң ақл-идроқи, фаросати, мардлиги ва жасорати юксак адаб-аҳлоқи болалик кезларида ёқ жамоа аҳлига аён булган эди.

Мұгуллар узоқ вақт давомида оғир солиқлар солиб аҳолини тинкасини қурилганлар. Темур ажнабий босқинчиларниң шафқатсиз зулми ва азоб-үқубатларининг жонли гувоҳи бўлиб қандай бўлмасин ватанинн улардан озод қилишга аҳд қилган. Буни «Темур тузуклари»да келтирилган маълумотлар яққол курслаб турибди. Мұгул хони Қазагон ўлгандан кейин (1358 й.) Мовароуннаҳрда ўзаро чиқишимовчилик ва тарқоқлик зўрайди. У ёки бу вилоятдаги мұгул ҳокимлари як-каҳокимлик учун ўзаро кураш олиб бордилар.

1360 йилда Еттисув ва Шарқий Туркистон ҳокимиятининг тепасида турган мұгул хони Туглуқ-Темур Мовароуннаҳри буйсундириш учун ҳарбий юриш бошлаганлиги маълум бўлди. Бу тўғрисида Темур шундай дейди: «Туглуқ-Темурхон (саркардалари) Бекчик ва Хожибек Эркинит ва улуг Тўқтемир Керайт ва Жетенинг бошқа амирлардан уч фавж (қисм) қўшин тузиб, уларни Мовароуннаҳр мамлакатини талон-тарож қилиш учун юборганлиги, уша уч фавж қўшин Ҳузор деган жойга келиб тушганлиги хабари қулогимга етди. Шунда Туглуқ-Темурхонни бориб кўришдан илгари бу очкўз амирларни мол-дуне билан алдаб Мовароуннаҳр вилоятини қатлу горатдан қутқариб қолишга қарор қилдим. Тилга олинган амирларни курганимда уларни ҳайбатим босди шекилли, кўп хурмат курслабиб, мени ортиқча сийладилар... Совға-соврин йўсинда уларга берилган ҳар турли тансиқ моллар кўзларига кўп кўринди ва Мовароуннаҳри босиб олиш ва талон-тарож қилиш нијатидан қайтдилар. Сунг тўгри бориб Туглуқ-Темурхон билан кўришдим. Хон келишимни яхшиликка йўйиб, (салтанат ишларида) мендан кенгаш сўради. Курслган кенгашларимни тўгри деб топиб қабул қилди. Шу аснода Туглуқ-Темурхонга хабар келтирдиларким, (юқорида айтилган) уч фавж қўшин амирлари, ерлик халқдан нақд пул совринлар олиб, улар билан келишишлар. Хон шу онда ёқ мол-мулк ва нақд пулларни қайтариб олиш учун одам тайин қил-

ди ва амирларни бундан бўён Мовароуннахрга боришлирини ман этди. Мансабларидан бўшатди. Уринларига Хожи Маҳмудшоҳ Ясавурийни тайин қилди.

Бу ҳақда амирлар хабар топгач, душманлик байрогини кўтариб, юртларига қайтиб келдилар. Йўлда хоннинг девон бегиси ва бош маслаҳатчиси Уғлонхўжани учратдилар. Уни ҳам ўзларига оғдириб олиб Жете томон юзландилар.

Айнан шу вақтда Туглуқ-Темурхоннинг Даشتி Қипчоқдаги амирлари ҳам исён тигини кўтаргани ҳақида хабар олинди. Бундан хон ташвишга тушди. У мендан маслаҳат сўради ва Жете тарафига қараб йул олди. Мовароуннахрни эса менга қолдирди ва бу хусусида ёрлиги аҳднома ёзib берди. Амир Қорочор нуённинг Мовароуннахрдаги туманини ҳам менга топширди. Мен бутун Мовароуннахр вилоятига, то Жайхун дарёсининг соҳилларигача ерга ҳукмрон бўлдим. Давлат, ва салтанатимнинг бошланишида энг олдин қилган кенгашим шул эди».¹

Куриниб турибдики, Темур мўгулларни очкўзликада ва бағритошлиқда айблаб, аҳолини уларнинг талон-тарожидан озод қилишни мақсад қилиб қўйган. У билимдонлик ва тадбиркорлик билан иш юритиб ўз мақсадига эришган ва ҳокимиятни қўлга киритган. У бу вақтда 26 ёшда эди. Бироқ, Темурнинг ҳокимлиги узоққа чўзилмади. 1361 йилда Туглуқ Темур Мовароуннахрга қўшин тортиб келиб, ҳокимиятни Темурдан олиб ўз ўғли Иллесхўжага берди. Темур эса бош қўмон-донлик вазифасига тайинланди. Шундан кейин мўгулларнинг зулми ва зўравонлиги янада кучайиб кетди. Улар ислом динини ҳам оёқости қилдилар.

Уларнинг ҳукмдорларини талай қисми сиртданги на динга ўзларини мойиллигини намойиш этиб, амалда будда динига содик бўлиб қолавердилар. «Темурнома»да ёзилишича Амир Қазагон (1346—1358) 40 кун ичида юзлаб муллаларни улдириб дин пешволарини жазолаган. Уни мактаб ва мадрасаларни харобага айлантириши орқасидан ўқувчилар тарқалиб кетганлар. Манбада динни ачинарли ҳолати ҳақида қуйидаги байт келтирилади.²

¹ Темур тузуклари. Тошкент, 1991, 18-бет.

² Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Тошкент, 1991, 106-бет.

*Қизил қон бўлуб мавжи тўғонлар,
Шаҳид ўлдиларким азиз жонлар.
Кетуб арбоби дин, чу исломдин,
Алар ичра тушиб ажаб кибру кин.
Жалойи ватан бўлди устодлар,
Дин аҳли хафадур, куффор шодлар.
Калисою бутхоналар зеб илан,
Бериг неча оройу тортиб илан,
Бўлуб мадрасаю масжид хароб,
Мусулмон паришону ҳайрон соб,
Шариат чироги қолибдур ўчиб,*

*Шариатнинг талаби ҳар ён қочиб,
Мусулмон бариси ғаму қайгуда,*

Қазагоннинг ислом динига нисбатан душманлиги халқнинг нафратини қўзгатган. Хусусан, Бухоро аҳли «бизлар ярог ва аслаҳа олиб, жонимиздан кечдук, золим ила жанг қўлтурмиз» — дейишиб бош кўтаргандар. Оломон орасидан Иноқ исмли киши Қазагонга тош отиб бошини ёрган. Буни орқасидан у ўлганлиги ҳақида маълумот мавжуд. Босқинчилар мол-мулкларни талаш ва одамларни ўлдиришдан ташқари нуфузли кишиларни асирилкка олган. Масалан, улар томонидан етмишга сайид ва сайидзодалар олиб кетилган эди.

Темур уларнинг зулмига қарши курашиб, сайидларни, мазлумларни золимлардан халос қилган. Унинг бундай ҳаракатлари аҳолининг барча тоифаларини фикри-зикрини ифода этарди. Шунинг учун ҳам улар озодлик курашида Темурга катта умид ва ишонч билан қарадилар.

«Мовароуннаҳр аҳолиси менинг бу ишимидан хабар топиши биланоқ, — деб ёзади Темур, — тезда (мўгулларга) хужум қилишим кераклиги ҳақида истак билдирилар. Чунки уларнинг қалби золим (мўгуллар) тоифасидан бутунлай безиган эди. Мовароуннаҳрнинг аҳолисининг каттаю-кичиги менга бирлашди. Мамлакатнинг уламо ва машойихлари эса (Мўгулия) тоифасини даф қилиб йўқотиш ҳақида фатво ёзиб бердилар. Улус амирлари ва қўшин бошлиқларининг баъзилари ҳам бу ишга қўшилиб, бизга бирлашдилар. Бу тўғрида ёзган аҳднома ва фатволарнинг нусхаси бу эди: «Тўғри йўллик халифалар, Аллоҳ таоло уларнинг жамисидан

мамнун бўлсин, тутган йўлларига ва қилган ишларига мувофиқ Мовароуннардаги бутун аҳоли ислом, си-поху раият ёхуд уламо-ю машойих бўлсин, Амир Темурга иззату-икром кўрсатиб, уни Амир Темур Қутби салтанати Олий деб атасинлар ва уни Аллоҳнинг (ердаги) қудрати — салтанат таҳтига лойиқ кўрсинар. Мусулмонларнинг ери, номуси, мол-мулки ҳамда жонига зулм-ситам қўлини чўзган (мўгуллар) тоифасини даф қилишда ва умуман йўқотишда Темурга (ёрдамлашиш учун) ўз мол ва жонларини (аямай), тиришиб ҳаракат қилсинар. Биз ўз аҳду-байъатимизга содик қолурмиз. Агар берган аҳд-паймонимиздан қайтсан Аллоҳнинг қудратию-қуввати ва ёрдамидан чиқиб, шайтон қудрати ва ёрдами йўлига кирган бўлайлик». Бу фатвони менга кўрсатгандаридан кейин жангу-жадал байробини кўтариб, (мўгуллар) устига лашкар тортишга қарор қилдим ва мазлумлар ҳақини золимлардан олмоқчи бўлдим. Лекин бир неча разил кишилар бу сирни фош қилиб қўйдилар».¹

Бинобарин, Темур аҳолининг барча тоифалари томонидан ажнабийларга қарши курашнинг рамзи ва сардори сифатида тан олинган эди. Шунинг учун ҳам Туглуқ-Темурхон уни яширинча ўлдириш ҳақида кўрсатма берган эди. Натижада Темур ҳаёти хавф остида қолди. Шу боис у Самарқанддан кетишдан бошқа иложи қолмади.

1361—1366 йилларда Амир Темур айрим мўгул ҳукмдорлари билан муроса қилишга мажбур бўлади. Хусусан у даставвал Туглуқ Темур, сўнгра Амир Ҳусайнлар билан ҳамкорликда иш юритади. Айниқса Амир Ҳусайн билан алоқаси қизгин тус олган. Маълумки, у Амир Ҳусайннинг синглиси — Үлжаой Турканга уйланиб, қариндошлик юзага келган эди. Мўгулистон хонлари Амир Темурни ҳам, Амир Ҳусайнни ҳам умумий душмани ҳисоблаган. Бу ҳолат ҳам уларни бир-бирларига яқинлаштирган. Аммо уларнинг мақсадлари бир-бирларига зид эди. Чунончи Амир Темур ҳали етарли ҳарбий кучга эга бўлмаганлиги учун Амир Ҳусайндан фойдаланиб, ашаддий душман Мўгулистонга, хусусан Илесхўжага зарба беришин ўйлаган. Амир Ҳусайн ҳам унга таянган ҳолда ўлкада яккаҳокимликни қўлга киритишни мақсад

¹ Ўша жойда, 20—21-бетлар.

қилиб құйған. Шу тариқа Амир Темур шароит тақозосында күра душманлар билан вақтингчалик муроса қилишни лозим топган.

Ё ОЗОДЛИК, Ё ЎЛИМ!

Мазкур ватанпарварлық рухи билан сугорилған сұздар 1365 йилда Самарқандда бош күттарған құзғолончиларнинг шиори сифатида жаранглаган әди. Құзғолончилар Сарбадорлар номи билан аталған әди. «Сарбадор» сүзи «бош дорға» демекдір. Бунинг маңындағы галаба насиб этса озодликка чиқишиликни, бордию мағлубиятта дучор бұлинса дорға осилишга тайёрликни англатған. Сарбадорлар құзғолоннининг арағасыда мамлакатда мұғул шаҳзодаларининг яқ-яқақимликтің учун кураши қызығын тус олиб, ҳаёт гоятда оғирлашған. Айниқса Амир Ҳусайн ва Илесхұжа ўртасидагы кураш катта талафот ва парокандаликни юзага келтиirmоқда әди.

1365 йилда улар ўртасыда Тошкент билан Чиноз ўртасыда лойгарчылық пайтида жаңг бұлды. Натижада Амир Ҳусайн енгилади. Бу галабадан руҳланған Илесхұжа Самарқандни әгаллаш мақсадыда йүлға чиқады. Бундан хабар топған Самарқанд шахрининг ақолиси үзининг күчи билан душманға зарба берішлікка ақт қиласы. Аммо Самарқанднинг мудофаа де-вори Чингизхон томонидан бузиб ташланиб ҳамон хароба ҳолатда әди. Душман күчи яқынлашиб келеттегінде қақида хабар олиниши билан шаҳар майдонига минглаб кишилар тұпланади. Бу ерда мадраса талабаси Мавлонзода, пахта титувчилар маҳаллалық Абу Бакр Калавий ва Хурдак Бухорийлар халқни босқынчиларға курашишта дағытады. Мавлонзода сұзға чиқиб деди: Мусулмон ахли! Ҳозирда гайридинлар — мұғуллар кучли құшин билан бизларнинг мол-мұлкимизни талон-тарож этиш учун келмоқдалар. Халқдан турли солиқларни үндираеттегін ва ўзларыннан қохшларына сарфлаеттегін ҳокимият вакиллари оғир кунда мусулмонларни ташлаб қочдилар. Айтингларчы, ким ислом динини ҳимоя қилиш учун раҳбарлық ва масъулиятни зыммасыга олади?

Жамоа ахли яқдиллик билан Мавлонзоданы ўзларига сардор этиб сайладылар. Шундан кейин у халқни душманға қарши жаңг қилишта чақириб қарбий



7- расм. Сарбадорларнинг мұгулларга қарши жанги.

тайёргарликни бошлаб юборди. «Ҳаракатнинг раҳнамолари, — деб тұгри ёзади инглиз олими Хильда Хукхэм, — мадраса талабаси Мавлонзода, Надоф (пахта титувчи) Абу Бакр барча шаҳар ахлиға мурожаат қилиб, үз ҳимоялари учун жантта отланишга даьеват этишиди. Масжид ёнидаги майдонда умумشاҳар мажлиси чақирилиб түрли табақаларга мансуб бұлған үн мингтacha одам йигилди. Мажлисда Мавлонзода шаҳар ҳокимларини құрқоқлик ва очкүзликда айблаб, бошиға оғир күн келганида халқни үз ҳолига ташлаб, қочиб кетгандарини айтди. «Қанчалик катта товон тұламайлик, — деди у — барибир Самарқандни қутқарыб қола олмаймиз. Шаҳарни омон сақлашнинг ёлгиз йўли үз ҳаётимизни ҳимоя қилиб, жантта отланмақдир». Шундан сўнг у аслзодаларга мурожаат қилиб, «Қай бирингиз дини ислом ҳимоясига бошчилик қилишиниз мумкин?» — деб сўради. Бироқ улар «чурқ» этиб оғиз очишмади. Шундан сўнг у халққа мурожаат қилиб, шаҳар мудофаасини үзи ташкил этажагини айтиб, бу ишда уни құллаб-қувватлашлари лозимлигини илтинос қилди...»¹

Халқ Мавлонзодани құллаб унинг бошчилигидә мұгулларга қарши қурашишларини баён этдилар. Шаҳарнинг катта-кичик ахолисининг барчаси күтапинки руҳ ва гайрат билан шаҳар мудофаасини мустаҳкамлашга нима зарур бұлса барласини амалға

¹ Хильда Хукхэм. Етти иқлім сұлтони. Тошкент, 1999, 49—50-бетлар.

оширилар. Чунончи тор кўчаларнинг очиқ томонига тўсиқлар қурилди. Бақувват ва жасоратли йигитлар қуроллантирилиб вазифалари белгиланди. Уларнинг сони 10 минг кишини ташкил этган. Мавлонзода уч кечаю уч кундуз ухламай қўл остидаги ватан ҳимоячиларининг жанговарлигини таъминлашга қартилган муҳим чораларни кўрди. Илёсхўжа ва қўшинлари шаҳарни қамал қилиб жангни бошладилар. Мавлонзода уларни тузоққа тушириш учун шаҳарга кирадиган бир кўчани очиқ қолдириб, ўзи 2000 кишилик қуролланган одамлари билан пистирмада турди. Мўгуллар хотиржамлик билан ўша кўчага кирганида пистирмадаги шаҳарликларнинг тўсатдан қилган ҳужумига бардош беролмай минг кишини йўқотиб чекинадилар. Бошқа маълумот бўйича мўгуллардан икки минг киши ўлдирилган.¹ Эртаси кунида ҳам мўгуллар ҳужумни эҳтиётлик билан қайтардилар. Бироқ галабага эриша олмай, қамални ташлаб кетишга мажбур бўлдилар.² Сарбадорларнинг бу галабаси катта аҳамият касб этиб, овозаси мамлакат бўйлаб тарқалди. Шуниси кишиларни ҳайратга солдики, яқиндагина Амир Ҳусайннинг кучли қўшинини тормор этган Илёсхўжа, оддий халқ томонидан шармандаларча мағлубиятга учратилди. Ҳатто самарқандликларнинг галабаси ҳақида хабарни Амир Ҳусайн ҳам, Амир Темур ҳам мамнуниятлик билан қарши олдилар. Бу вақтда Амир Темур Балхдан Қаршига келиб ҳарбий тайёргарлик кўрмоқда эди. Сарбадорлар ҳокимиятни қўлга олиб бир йил мобайнида шаҳарни бошқариб туришди. Бу вақтда «Сарбадорлардан чиқсан раҳнамолар шаҳарда ўз ҳокимиятларини мустаҳкам ўрнатиб феодал ҳукмдорлар ва шуҳратпараст амирларни бир четга суриб қўя бошлаган эдилар».³ Ҳақиқатан ҳам улар мўгулларга таяниб бойлик ортирган ва зулмни кучайтирган айрим юқори табақа вакилларини жазолаганлар.

Сарбадорлар динни ниқоб қилиб ҳаддидан ошган нуфузли кишиларни ҳам жазолаган бўлсалар керакки, уларни «динсиз»ликда айбловчи түхмат сўзлари тарқатилди. Афтидан Амир Ҳусайн ўзининг ашаддий

¹ Бартольд В. В. Соч. том 2, часть 2, С.372.

² Ўша жойда, ўша бет.

³ Хильда Ҳукхэм. Ўша асар, 50-бет.

дүшмани Илөсхұжаны мағлубиятидан хұрсанდ бұлған бұлса керакки, Самарқандға әлчилар билан тұн ва белбоглар, қилич ва ҳокимиятни бошқаришга ваколат берувчи ёрлиқни жұнатған. Бу әлчи ва совгалар Сарбадорлар томонидан мамнуниятлик билан қабул қылған. Улар Қаршида истиқомат қилаётгап Амир Темурға совгалар юбориши. Ұз навбатида Соҳибқирон Сарбадорларға әлчисини юбориб маслаҳатларини етказған.¹

Амир Ҳусайн 1366 йил баҳорида Самарқандға юриши олдидан Сарбадорлар ҳузурига әлчи юбориб уларға тұла ишониши ва ҳұрмат қилишини маълум қилади. У Самарқанд ән бағридаги Конигил деган сұлым жойға үрнашғанда сарбадор бошлиқлари совгалар билан күтиб олади. Аммо Сарбадорлар әртасиға Амир Ҳусайн ҳузурига келишаётгандарыда унинг одамлари ҳибсіга оладилар. Сұнгра улар осиб үлдирилади. Шундай қилиб Амир Ҳусайн Сарбадорларға күрсатған ҳұрмати ва юборған совгалари шум ният билан қылған сиёсат бўлиб чиқди. У Сарбадорларнинг куч-қудратидан хавфсираб кўзбўямачилик билан уларда ишонч ҳосил қилиш ва тұқнашишни олдини олиш режасини тузган. Унинг бундай қилиши бежиз бўлмаган, албатта. Зоро, Сарбадорлар шахсан Илөсхұжага эмас балки умуман мўгулларнинг ҳукмронлигига қарши курашған. Буни яхши тушунған Амир Ҳусайн пировардида Сарбадорларнинг унинг ўзига ҳам қарши курашини олдини олиш учун ҳийла-найранг ишлатиб, Сарбадорларнинг талай қисмини үлдиради.

Айрим олимлар бу ҳодисаларнинг рўй беришида Амир Ҳусайн Амир Темур билан биргаликда қатнашған деб ҳисоблайдилар. Аммо, аслида Амир Темурнинг бундай қилишига ишониш қийин. Чунки барча ўрта аср манбаларыда унинг Мавлонзодани үлемдан сақлаб қолғанлиги уқдириб ўтилған.² Соҳибқироннинг бу ишни қилиши табиий ҳол эди. Чунки уни ўзи ҳам мўгулларнинг ҳукмронлиги ва зулмига қарши бўлиб ошкора курашга фурсатни кутмоқда эди. Шунинг учун ҳам Сарбадорлар ўзларининг галабаси ҳақида даставвал әлчи орқали Амир Темурға маълум

¹ Бартольд В. В. Үша асар, 374-бет.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент, 1996, 50-бет.

қылган эдилар. Юқорида кўрсатилганидек унга совгалар ҳам юборилган.

Кўриниб турибдики, Амир Темур Сарбадорлар курашига хайрихоҳлик билан қараб, уларнинг бош сардорини ўлимдан қутқариб қолган. «Сарбадорларнинг айрим бошлиқлари билан, — дейди И. Мўминов, — олдин ҳам алоқада бўлганлиги ривоят қилинади... Аммо Темур билан Сарбадорларнинг айрим раҳбарлари ўртасидаги бу алоқа қайси сабабларга қўра келиб чиққанлиги ҳали тўла аниқланган эмас. Бизнинг фикримизча, мўгул зулми асоратига қарши кураш ва Мовароуннахрда мустақил давлат тузиш учун олиб борилган ҳаракатлар Сарбадорларнинг айрим раҳбарларини, биринчи навбатда, уларнинг илҳомчиси ва идеологи Мавлонзодани ва Темурни бир-бирларига яқинлаштирган, кўмакдош этган; худди шу сабабдан Сарбадорлар бошлиқлари Темур фаолиятининг асосан биринчи даврида юқоридағи мақсадни амалга ошириш учун Темурни қўллаб-қувватлаганлар, унга ёрдам берганлар».¹

Мазкур сатрларда баён этилган фикрларга тўла кўшилиш мумкин. Буни қуйидаги маълумот ҳам тасдиқлайди. Чунончи, Амир Темурнинг мўгулларга қарши қаратилган фаолияти уни Эронда юзага келган Сарбадорлар давлати билан дўстлашишга олиб келган. Бу ерда 1337 йилда Сарбадорлар мўгулларнинг ҳукмронлигини агдариб, ўзларининг давлатини ташкил этган эди. Бу давлат 1381 йилгача, яъни салкам 45 йил ҳукм сурган эди. «Хожа Али Муайяд таҳтда ўтирган вақтда, — дейилади манбада, — Сарбадорлар мамлакати зиёд бўлди: Туршиз, Кўҳистон, Табс ва Киликини босиб олди ва Домғондан то Сарахсгача (бўлган ерларни) ўзининг ҳукмронлиги даврида улуг Амир, буюк Соҳибқирон Темур Кўрагон жаноблари билан ҳамжиҳат ва садоқатли бўлди; (Унга) дўст ва хушмуомала да бўлди. Хожа Али Муайяд бир неча бор Амир Вали билан тўқнашди ва уларнинг бир-бирларига душманлиги бениҳоя кучайиб кетди. Амир Вали Сабзавор шаҳрини қамал қилди ва Хожа Али Муайяд улуг Амир Темур Кўрагондан ёрдам, мадад сўради ва Тоту

¹ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент, 1980, 11-бет.

номли кишини Самарқандга, Соҳибқирон ҳузурига юборди. Тўрт ойдан сўнг буюк Соҳибқирон Амир Темур Хурросонга лашкар тортди. Хожа Али Муайяд Сарахсга улуг Амир Темур Кўрагоннинг истиқболига борди, султонлик марҳаматига мушарраф бўлди. Улуг Амир Темурнинг... унга садоқати воқеъ бўлди ва Хожа Али Муайяд Хурсон мамлакатини Амир Темурнинг тасарруфига топширди. Узи Соҳибқироннинг мулоzиматига машгул бўлди.

Ҳикоят қиласидиларки... Хожа Али Муайяд етти йил Соҳибқирон билан ҳамсуҳбат ва унга мулоzим бўлди. Унинг жиянлари ва бошқа қариндошлари ҳам ўша мулоzиматда унга ҳамроҳ эдилар».¹ Бинобарин Амир Темурнинг Сарбадорларни қўллаб-қувватлашига шубҳа йўқ. Шундай экан, нима учун у Самарқандда Амир Ҳусайн Сарбадорларни жазолаётганда унга қарши курашмади деган савол туғилади. Соҳибқирон шароит тақозосига кура бу ишни қила олмас эди. Чунки Амир Ҳусайн катта куч ва салоҳиятга эга бўлиб, ҳали унга қарши ошкора курашиши учун Соҳибқиронда етарли имконият бўлмаган. Шу боис у Амир Ҳусайн билан муроса қилишдан бошқа иложи бўлмаган. Шунга қарамай у имкони борича ҳаракат қилиб Мавлонзодани ўлимдан сақлашга эришади.

Айрим маълумотларга қараганда Соҳибқирон Сарбадорларни жазоламаслик хусусида Амир Ҳусайн билан баҳслашган. Шунинг учун ҳам Соҳибқирон билан Амир Ҳусайн ўртасида ўша масала бўйича низо пайдо бўлган, деган фикрлар мавжуд. «Ҳусайн Сарбадорларнинг бошлиқларини, — деб ёзди инглиз олими, — мудҳиш жиноятларда айблади. Абу Бакр Сарбадорларнинг бошқа раҳнамолари қатори қатли этилибди. Фақат Мавлонзодага шафқат қилишибди — Сарбадорларни дор остига олиб келишганда Темур унинг гуноҳидан ўтишни сўрабди. Шу иши туфайли Темурга бутун Самарқанд аҳлининг меҳри товланибди. Ҳусайнга эса, аксинча, золим сифатида лаънат ўқишибди... Эҳтимол Темур Сарбадорлар билан, айниқса, уларнинг орасидаги аслзода кимсалар билан яқин алоқа ўрнатгандир. Ҳусайн билан унинг ўртасида ана шу Сарбадорларга нисбатан тутилган сиёsat юзасидан

¹ Аҳмедов Б. Давлатшоҳ Самарқандий. Тошкент, 1968, 45-бет.

ихтилоф келиб чиққандир».¹ Бундай фикр шарқшунос олим А. Якубовский томонидан күтарилигтан эди.²

Хуллас, мустақиллик ва озодликни тиклашга қартилган Сарбадорлар қўзғолони ваҳшийларча бостирилди. Бироқ у мўгулларнинг куч-қудрати ва салоҳиятига қаттиқ зарба берди. Улар ўзларининг иродаси ва билак кучларига қаттиқ таянган ҳолда кишини ҳайратга соладирган даражада қаҳрамонона жанг қилдилар. «Маълум муддат раият (Сарбадорлар), — дейилади манбада, — ҳеч бир подшоҳнинг шон-шукуҳисиз бошоёқ қуролланган гаддор ёв билан адолат ва ҳақиқат учун мардларча курашдилар. Душманга ҳужум қилишда ва мудофаада шундай матонат кўрсатдиларки, ганимларнинг ҳукмронлиги ва истило қўли ул шаҳар аҳолисининг номус ва моли этагига етмади».³

Демак Сарбадорлар мўгулларни тор-мор этиб она юртни улардан халос этганлар. Амир Ҳусайн уларнинг галабасидан чўчиб ва ҳокимиятни қўлдан кетишидан хавфсираб, Сарбадорларнинг фаол қатнашчиларини ўлдириб, Самарқандни эгаллайди.

АМИР ТЕМУР ТОМОНИДАН ВАТАН МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТИКЛАНИШИ

Сарбадорлар томонидан Илесхўжанинг қўшинларини тор-мор этилиши озодлик курашини жадаллашибди. Бу вақтга келиб Амир Темурнинг мамлакатдаги мавқеи юқори даражага кўтарилиб, мўгул ҳукмдорларини талвасага солиб қўйган эди. Айниқса унинг ўлкада яккаҳокимлик учун курашаётган Амир Ҳусайн билан алоқаси қизгин тус олди. Эндиликда таҳт учун кураш асосан ўша икки амирлар ўртасида авжига мениб борди. Айниқса Амир Ҳусайн Соҳибқироннинг мамлакатдаги обруси ва салоҳияти ошганлигини англаб қандай бўлмасин унга зиён етказиш учун ҳеч нарсадан тоймади. Чунончи, 1366 йилда Амир Ҳусайн Амир Темурнинг энг яқин амирларининг мол-мулкига кўз олайтириб куч-қудратини намойиш этмоқчи бўлади. Шарафуддин Али Яздийнинг сўзига қараганда у чегараси йўқ очкўз ва молпараст бўлган. «Амир

¹ Хильда Ҳукхэм. Ўша асар, 50-бет.

² Якубовский А. Ю. Тамерлан: эпоха, личность, деяния. «Тамерлан», Москва 1992, С.25.

³ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома, Тошкент, 1994, 113—114-бет.



8-расм. Соҳибқирон Амир Темур.

Хусайнда, — дейди у, — омадсизлик ва баҳтсизлик-нинг белгилари тобора қулоч ёзид борарди. Чунончи, магур подшоҳлар шаънига лойиқ бўлмаган хирс ва баҳиллик, ваҳшийлик ва очкӯзлик унинг вужудини қамраб олди, ҳамда мол-дунё йигиш ва заҳира тўплашга муккаси билан шўнгиб кетди. Аҳвол шу даражага етдики, ҳазрат Соҳибқирон амирлари ва мулоғимлари (молига ҳам) таъма кўзини тикди. Яъни, Амри Жоку, Амир Сайфиддин, Оқбуго, Элчи-баҳодир Давлатшоҳ баҳши номига анчагина (тўлов) маблагини белгилаб, уни ундириб олиш учун солиқ йигувчи тайинлади. Бироқ, улар яқинда (Тошқандаги) «лой жанг» воқеасини бошидан кечирганликлари ва мол заҳиранинг кўп қисми талон-тарож бўлиб кетганлиги учун у таъма қопини тўлдириш учун мўлжалланган маблагни буткул йигиб беришга имкониятсиз эдилар.

Ҳазрат Соҳибқироннинг хусравона ҳимматиё ёрдам қўлини чўзмоққа тақозо этди ва олтину кумушдан иборат катта (миқдордаги) маблагни, жумладан Маҳди Аъло Улжой Туркан-огонинг билагузук ва исирғасини ҳам, уларнинг тўлов маблағи ҳисобига бериб юборди. Амир Ҳусайн уни кўриб, ўзининг синглисиники эканлигини таниди. Аммо очкӯзлик хирси шу даражада ёмон бўлиб кетган эдики, ҳатто ака-сингиллик қадр-қимматини ҳам кўзга илмади ва уларни олишдан ҳайиқмади».¹

Бу ҳужжат шу ҳақда гувоҳлик берадики, икки амирнинг дунёқарashi ва одоб-ахлоқида осмон билан ерчалик фарқ мавжуд. Амир Ҳусайндаги ноинсофлик ва очкӯзлик бобоси Чингизхоннинг қонидан ўтган иллат эди. У ўзининг шум ниятларини ниқоблаш мақсадида Амир Темур билан бир неча маротаба дўстлик ва ҳамкорлик аҳдномасини тузди. Ҳатто у Қуръони каримни ўртага қўйиб ўзининг чинакам дўстлигини изҳор этди. Аммо «ойни этак билан ёпиб» бўлмайди, дейилганидек унинг душманлиги борган сари юзага чиқиб бораверди. «Амир Ҳусайн, — деб ёзади Соҳибқирон, — салтанатим азимати ва шон-шавкатини кучайғанлигини кўргач, унда ҳасад томирлари ура бошлиди. Қасам билан қилган аҳд-паймонарини бузиб, менга исен туғини кўтарди. Мен унинг олдига кўп марта (лутф-марҳаматлар кўрсатиб) бордим, у

¹ Шарафуддин Али Яздий. Ӯша асар, 117—118-бетлар.

бўлса асло қошимга келмади. Бунинг устига сиртдан такаллуфлар билдириб, аслида хийла-найранг ишлатиб, мендан Қарши қалъасини олиб қўйди. Қарши қалъасини қўриқлаб туриш учун қўргонбеги амир Мусо бошчилигида етти минг отлиқ аскар тайинлади. Кейинроқ у ерга яна қўшимча беш минг отлиқ аскар юборди. Бу билан кифояланмай мени ўлдирмоқчи бўлди».¹ Бу ерда сўз фақат икки салоҳиятли амирларнинг тор шахсий манфаатлари доирасидагина кетаётгани йўқ, албатта. Аксинча илдизи муҳим сиёсий масалага бориб тақалади. Агар Амир Ҳусайн қандай бўлмасин мўгулларнинг ҳукмронлигини ҳалокатдан қутқаришни ўйлаган бўлса, Соҳибқирон ватан мустақилигини тиклаш учун курашаётган эди. Буни яхши англаган Амир Ҳусайн, аввалам бор Қарши қалъасини эгаллади. Маълумки Қарши Самарқанд ва умуман Мовароуиннаҳрга кирадиган дарвоза сифатида муҳим стратегик аҳамиятга молик эди. Шунинг учун ҳам уни Амир Темур кўлидан тортиб олиб унинг резжаларига зарба бермоқчи бўлган. У буни яхши тушуниб, қандай бўлмасин уни қайта эгаллашга қаттиқ киришди. Бунга эришмок учун жонини тикди дейилса асло муболага бўлмайди. Бу вақтда Қаршида Амир Ҳусайннинг 12 минг кишидан иборат қўшини бўлган бўлса Соҳибқиронда бор йўғи 243 аскари бор эди. У фурсатни бой бермаслик учун мана шу жуда оз аскарлар билан жанг қилишга қарор қилди. Низомиддин Али Яздий унинг бу жасоратига юксак баҳо бериб: «Бу паҳлавонликдан ортиқ даражадаги шижаот белгиси бўлган хатти-ҳаракат ва баҳодирликдан ўтадиган довюраклик нишонаси бўлмиш тадбирдир. (Амир Соҳибқирон)... Омуя сувининг бўйига етиб келгандан сўнг, ўша туннинг ўзидаёқ шахсан ўзи қирқ киши билан дарёга от солиб сузиб ўтдилар. Бирор киши бирор жойга хабар етказмасин, деган мақсадда Хастор қишилогини ўраб олдилар. У ердан кемалар олиб дарёнинг нарига томонига юборди ва лашкарнинг қолган қисми кемада ўтиб олишди. Ўша зафаркирдор юришда хос баҳодирлардан Суюргатмиш-ўғлон, дуглат ўмокидан Амир Довуд, у ҳазрат Соҳибқироннинг опаси Қутлук Туркан-огони ўз никоҳига олган эди, амир Жоку барлос, амир Муайяд Орлот, Улҳазратнинг синглиси

¹ Темур тузуклари, 36-бет.

Ширинбек-оғо унинг никоҳида эди, Амир Сорбуғай Жалайир, Ҳусайн-баҳодир, Амир Сайфуддин Нукуз, Аббос-баҳодир қипчоқ, Оқбуюг баҳодир Найман, Маҳмудшоҳ Бухорий мулозимлиқда ҳозир эдилар».¹

Демак Амир Темур иккита поччаси ва бир гуруҳ атоқли амирлари билан душман эгаллаб турган қалъага яширинча киришга ҳаракат қилганлар. У ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги Фазли (Фазд) қишлоғига келганлар. Сунгра Қарши туманинг маркази Бешкент (Ширкент)га бордилар. Шундан кейин у иккита сафдоши билан Қарши қалъасининг сув билан тўлдирилган зовурига яқинлашди. Бу ерда у зовур устига қурилган тарновидан тизза бўйи келадиган сувни кечиб Гузор томонидаги дарвозасигача борди. Бу ерда у девори настроқ жойни кўриб нарвонни шу ерга қўйишни кўрсатди. Шундан кейин орқага қайтди. Сунгра аскарлари билан ўша ўзи юрган йўл бўйича қалъага тўсатдан хужум қилди. Улар «ҳазрат Соҳибқирон фармони билан бурғу (карнай) чалдилар. Ўша ондаёқ сипоҳ билан қалъага ёпирилиб кирдилар ва оломон бақириқ-чақириқлар қилиб ул қўргонни ларзага солдилар. Қарши аҳолиси карнай-сурнай (овози)дан кўзидан уйқу учуб, бошини ҳайрат тутуни қоплади ва ўлкани забт айлагучи Соҳибқироннинг ўқи зафар нишонига тегди...

Ҳазрат Соҳибқирон шаҳар дарвозаси муҳофазасига шахсан ўзи бошчилик қилди ва Амир Сари-Буго унинг мулозимлигига эди; Амир Довуд, Амир Муайяд, Амир Сайфиддинларни Хузор (Гузор) дарвозасини эгаллашга буюрди; Суюрг Отмиш-үглон, Амир Аббос, Ҳусайн баҳодир, Оқбуюг ва бошқа амирларни бору ва буржларда² қолдирди. Амир Муайяд Орлот ўттиз киши билан дарвозадан чиқиб, ул интиқом олгучи сипоҳ устига ташланди ва ўт ёндирувчи обдор қилич билан мардликлар намойиш этди». ³ Шу тариқа Амир Темур ўзининг аскарлари билан қалъанинг ичкарисига ўрнашиб олдилар ҳамда душманларни ташқаридан қилинган хужумларига зарба бериб турдилар. Амир Мусо бошчилигидаги етти минглик аскарлар биринкетин мағлубиятга учраб ҳар томонга қочишга мажбур

¹ Ўша асар, 134-бет.

² Қалъа девори тулашган ғинора.

³ Шарафиддин Али Яздий. Ўша асар, 136—137-бетлар.

бүлдилар. Аммо, Малик-баҳодир бошчилигига беш минглик құшин Гузор дарвозаси томонида турған. Амир Темур 60 киши билан уларга қарши ташланганда вахимага тушиб қочдилар. Шарафуддин Али Яздий жаңгта яқун ясаб өзади: «Бу Аллоҳнинг чексиз инояти ва поёңсиз марҳамати эрурки, бир киши (Амир Темур)ни үз лутфи ила сарафroz айлаб, унга шу қадар қувват ва шижаат ҳадия этади, у (киши) икки юз қирқ уч сипоҳ билан, мажбурий әмас, балки үз ихтиёрича, үн икки минг қонхұр ва қасоскор душман отлиқларга қарши чиқиб жаңг қылмоқчи бұлади; етиб келгач, икки кечә-кундуз ичидә улардан құргонни тортиб олади, ахли ағлини асир қиласы, барчасини үқ өгдірүвчи обдор шамшир кучи билан тарқатиб, түзитиб юборди; үзи эса от солиб уларни таъқиб қиласы, баҳодирларини қулатади ва асир олади».¹

Амир Темурнинг ниҳоятда оз сонли аскарлар билан күп мингли душман құшинига қарши ҳужум қилиб тор-мор этиши жаһон тарихида учрамайды. Галаба шу ҳақда гувоҳлик берадики, шахсан Амир Темурнинг үзи бир неча минг құшинни тор-мор этиш ҷорасини құрган эди. Бундай мисли құрилмаган ҳарбий маҳоратта эга бұлған давлат арбоби ва лашкарбoshi ҳали дунёга келгани йўқ. У шонли галабани күлга киритгандан кейин бутун қиши бўйи Қаршида яшади. Кейинги вақтларда ҳам Амир Темур билан Амир Ҳусайн құшинлари уртасида тўқнашувлар булиб турди. У тиниб-тинчимай Бухоро, Тошкент ва бошқа жойларда ҳам душманга қарши курашни тұхтатмади.

Умуман айтганда Амир Темур 1366—1370 йилларда Илесхұжа ва Амир Ҳусайнга қарши икки томонлама жаңг билан машғул бўлди. Шу орада Амир Темур биринчи навбатда Мұгулистон хони Илесхұжага ҳал қилувчи зарба беришини зарур ҳисоблаб, Амир Ҳусайн билан ярашган ва учрашган вақтлари бўлган. Аммо, Амир Ҳусайнда ҳасадгүйлик ва кўра олмаслик устун келиб қандай бўлмасин Соҳибқиронни йўқотишига ҳаракат қиласерди. Шунинг учун ҳам Амир Темур унга қуйидаги шеърни юборган:

*Ерга еткур сабо, ким макр қылмишdir манғo,
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анғo.*

¹ Уша асар, 141-бет.

Аммо Амир Ҳусайннинг Амир Темурга нисбатан душманчилиги тобора кучайиб борди. Чунки Амир Темур туфайлигина озодлик курашининг узил-кесил галабаси кутилмоқда эди.

«Амир Ҳусайн, — дейди Соҳибқирон, — мен қўлга киригтан галаба ва ютуқларимни кўролмай, ҳасад ичи-ни емириб, менга ва ҳарамимдаги ўз синглисига кўп озор берди. У Мовароуннаҳни мендан тортиб олишига, мени ўлдириб, тахтга ўзи ўлтиришга бел боллади. Уртамиизда бир неча бор урушлар бўлиб турган бўлсада барчасида енгили. Унинг адолатсизлиги, инсофизлиги чегарадан ошган, мени енгиш ва ўлдиришга оз қолган вақт ҳам бўлди. Айнан шу вақтда қўрслиги, ёмон йўл тутиши туфайли амирлари ундан юз ўгириши!»¹

Шундай қилиб, Амир Ҳусайн Амир Темурга қарши курашларда галабага эришолмай борган сари ўз мавқеи ва салоҳиятини йўқотиб борди. Ҳатто, ундан энг яқин сафдошлари бўйсинишидан бош тортдилар. Низомиддин Шомийнинг сўзи билан айтганда «халқнинг ундан кўнгли совиди. Давлат ва мамлакат аҳолиси ундан юз ўтириди.»² Амир Ҳусайннинг адолатсизлиги ва зулми халқнинг барча тоифаларини аллақачонлар нафрати ва ғазабини уйғотган эди. У фақат найрангбозлик ва зўравонлик билан тахтда ўтирган. Уз-ўзидан маълумки бундай ҳолатни узоқ давом этиши мумкин эмас эди, албатта. Уни айниқса Амир Темурга нисбатан гирромлиги ва хоинлиги халқнинг газабига қазаб қўшган.

Муҳаммад пайгамбарнинг авлодларидан бири Сайид Барака Амир Темурни буюк зафарлар кутаётганини башорат қилиб, улуг ҳукмдорлик тимсоли ҳисобланган ногора ва байроқни ҳадя этади. Бу түгрида Шарафуддин Али Яздий ёзади: «Маккаи муazzамнинг буюк шарифларидан бири, ўз асрида ер юзи сайидларининг пешвоси, зоти шариф Тоҳа ва Ёсин сараланганд шодасининг воситаси бўлмиш нақблар пешвоси, муртазои аъзам, улуғлиги сифат ва унвонларини келтиришга ҳожатсиз олижаноб Сайид Барака ҳеч қандай ваъда ва олдиндан келишувсиз, кутилмаганда ул ҳумоюндин манзилда пешвоз чиқди ҳамда

¹ Темур тузуклари, 39-бет.

² Низомиддин Шомий. Ўша асар, 79-бет.

салтанат ва подшолик белгиларини англатувчи ногора ва алам (байроқ) келтириб, ҳазрат Соҳибқиронга совга қилди. (Сұнгра Аллоҳ) күмагидан илҳомланган ҳолда баҳт-саодат сұзларини айтиб башорат қүшигини каромат пардасида чала бошлади:

*Аллоҳ ҳимояси сенга эрур посбон,
У бошдан бу бошгача сеники жаҳон.
Давлат ногорасин чал, майдон сенингдур,
Бу олам тангрисининг истаги эрур».¹*

Сайид Бараканинг Амир Темур шаънига айтган сұздари ва башорати фақат унинг үзини эмас, балки бутун мазлум халқнинг фикри-зикрини изҳор этган эди. Бу вақтга келиб Амир Темур озодлик рамзи сифатида олиму фозилларни, дин пешволарини, амирларни ва халқ оммасининг диққат марказидан үрин эгаллади. Бундан руҳланган Амир Темур узоқ йиллар кутиб келған қулай фурсатни құлдан бой бермаслика ахд қилиб, ҳал қылувчи жангни бошлаб юборади. У Термиздан уч чақирим наридаги Буә деган жойта келиб үрнашади. Бу ерда Сайид Барака билан учрашғандан кейин Сурхондарёнинг юқори оқимида жойлашған Чагониён (Денов яқини)га келиб қүшинни тайёрлаш билан шуғулланди. Сұнгра Амир Темур Кофарниҳон дарёсининг Амударёга қуйилиш жойидағи ҳозирги Айваж қишлоғига құнади. Күрсатилған ерларда турли жойлардан амирлар қүшин билан келишиб Соҳибқиронга қүшилдилар. Амир Темур Хатлонга, сұнгра Амударёдан утиб Афғонистоннинг шимолидаги Хулм мавзесига келиб үрнашади. Амир Темур юқорида күрсатилған жойларда кучли қүшинни ташкил этиб Балхни эгаллаш учун йұлни давом эттиради. Унинг қүшинини бир қисми Амир Ҳусайн томонидан юборилған аскарлар билан тұқнашиб қаттық жанг қилинди. Душман кучлари маглубиятта учратылды. Шундан кейин Амир Темур қүшинлари Ҳиндүвон номли Балх қалъасини құршаб олдилар. Бу ердаги даҳшатли жангни Шарафуддин Али Яздий шундай тасвирлайди.²

¹ Шарафуддин Али Яздий. Үша асар, 201—202-бетлар.

² Шарафуддин Али Яздий. Үша асар, 207—208-бет.

**Жаҳонгир ҳамда гардун ҳайбатли шоҳ,
 Тенадан пастга бошлаб келди сипоҳ.
 Чумоли чигирткадек сонсиз эди,
 Шаҳару қўргон сари ётирилди.
 Туронгуруҳдан кўтарилои сурон,
 Кўрқувдан титрар тог ва дашт ўшал он.
 Отлиқлар от суриб роса жанг қилди,
 Пиёдалар бир-бирига ташланди.
 Ер торайдию, қора бўлди жаҳон,
 Куёш титради ва ой қўрқди чунон.
 Найзалар қонидан ер ёзиб борар,
 Пистирма камондан ўлим юборар.
 Коронгу тушгунча уруши тинмади,
 Бирор киши жангдан қўлин тиймади.**

Ҳақиқатан ҳам Балх қалъаси учун кураш шу дара-
 жада даҳшатли тус олдики, қонлар бамисоли сув каби
 окди. Шуниси диққатга сазоворки, Амир Темур ўзи-
 нинг ёш угли Умаршайхни ҳам жангта жалб қилган.
 Уша жанг куни «амирзода Умаршайх бор-йуги ўн олти



9-расм. Темурийлар давридаги жангчилар.

ёшда эканлигига қарамай баҳодирлик бедовини жанг майдонида чоптириб шижаат ва жасорат кўрсатди. (Тусатдан), тақдир майдонида бир ўқ келиб аёғининг орқасига тегиб тагидан тешиб чиқди. Ул довюрак шаҳзода, ёши кичик бўлишига қарамай, изтироб чекаётганлигини ҳеч сездирмади».¹

Жанг охирида душманнинг бир ҳарбиј ќисми қалъани ичидан чиқиб урушни давом эттирилар. Жанг майдони қонга беланиб уликлар уйилиб кетди. Амир Ҳусайн маглубиятни бўйнига олиб ва тунда қалъадан яширинча чиқиб жомеъ масжид ўртасидаги минорага кўтарилиб бекинади. Аммо, у қўлга туширилиб ўлдирилади. Унинг уй-жойлари ва қалья яксон қилиб ташланди. Иккита ўғли ҳам қатл қилинди.

Балхда қўлга киритилган шонли галабадан сўнг 1370 йил 9 апрелда қурултой чақирилди. Унда Амир Шайх Муҳаммад Сулдуз, Амир Кайхусрав Хатлоний, Амир Ўлжоту Апардий, Амир Довуд Дағлот, Амир Сарбуғой қипчоқ, Амир Жоку барлос, Амир Муайяд Орлот, Бадахшон валийси Шайх Муҳаммад, Ҳусайн-баҳодир, Сайид Барака, Термиз хонзодалари — хонзода Абул Маолий ва унинг биродари хонзода Али Акбар ва бошقا кўп нуфузли кишилар қатнашувида Амир Темур Туркистон заминининг ҳукмдори этиб тайинланди.² Шу тариқа буюк Амир Темурнинг кўп йиллар мобайнида жанг майдонларида мазлум ҳалққа таянган ҳолда олиб борган қаҳрамонона курашлари туфайли мўгуллар ҳукмронлиги қўпориб ташланди. Ўша пайтда у 34 ёшли навқирон йигит эди. Мустақиллик ва озодликнинг тикланиши бутун минтақа ҳалқининг умумий байрамига айланиб кетди. Шарафуддин Али Яздий Соҳибқироннинг хизматларини қўйидагича ифодалайди: «У олам юзини ваҳшат ва ғам-андуҳ губоридан тозалаб, унинг салтанат ва улугворлик чодирини рубъи маскуннинг гир атрофини қўршаб тики; буюклик ва шон-шұҳрат баргоҳининг куббасини эса осмон соябонидан (ҳам баландга) ўтказиб, тинчлик ва омонлик гиламини ёйди; салтанат асосини тўртта асос — давомийлик, барқарорлик, ҳашамат ва ифтихор узра ўрнатиб мустаҳкамлади; шоҳлик тожини иззату шавкат жавоҳирларию ва ҳашамату улугворлик ёқутлари ила қадаб ясатди.

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда, 218-бет.

*Соҳибқирон кўтарди тилла тожни,
Чарақлатди шоҳликнинг қиличини.
Шаҳанишоҳлик шукуҳи ила боғлади камар,
Бутун жаҳон унга бўлди хизматкор.
Ёмонларнинг ёмонликдан қисқа қилди қўлини,
Ҳаётнинг ёруғлик сари очди йўлини,
Темур Тарагай — арслон каби султон,
Оlamни кезиб чиқсан шоҳи жаҳон.
Шундан сўнг шарқий наасаб бўлди ҳукмрон,
Жаҳонни адл ила қилди навқирон.
Ер юзини зулмдан бошдин-аёқ,
Қиличининг суви ювганда мутлақ.
Шамшири безарар жаҳон боғидан,
Офат илдизини қўпорди тубдан.»¹*

Ушбу байтда Амир Темурнинг мўгул босқинчиларининг ҳукмронлигини қўпориб, халқни ва ватанини зулм ва хўрланишдан озод этганлиги билан яхши ифода этилган. Унда Амир Темурнинг хизмати жаҳон аҳамиятига молик эканлиги таъкидланиб, унинг оламини яшартирганлиги уқдириб ўтилган. Шунингдек байтда халқнинг Амир Темурга самимий муҳаббати, ишончи ва умиди изҳор этилган.

Дарҳақиқат Амир Темур кўп мамлакат ва халқларни ваҳшиёна мўгуллар ҳукмронлиги зулмидан озод этган эди. Шарафуддин Али Яздийнинг сўзи билан айтганда «Ҳеч бир такаллуфсиз ва мақтовсиз (айтиш мумкинки), бу кутлуг воқеадан олам ва олам аҳлиниңг ушбу давлат айёмининг давомлилигига ва бул салтанатнинг барқарорлигига бошқа давр ва замонга қараганда, умиди жуда кўп эрур. Шундайки: мұътабар оиланинг (пайгамбар авлодлари)нинг ҳимояси ер юзининг ва замоннинг бошқа диёр ва маконига нисбатан тинчлик ва омонлик палоси билан безатилмиш; аҳоли ва шаҳарлар аҳволининг боғлари бузгунчи ва бебош кишилар босқинчилиги ва алдови тиконидан қайчилаб чиқилмиш; ҳалойиқнинг умид ниҳолиadolat ва эҳсон томчиларидан мақсад меваси тутмиш ва тинчлик-хотиржамлик қўланкасини ёймиш; катта-кичикнинг тинчлик ва омонлик экинзорида инъом булутидан (томган) қатралардан орзу шоҳчасида мурод мева-

¹ Ўша жойда, 219-бет.

си ўсиш; гўзаллар қош ва зулфидан ўзга жойда эгрилик ва нотўғриликдан асар қолгани йўқ».¹

Демак, Амир Темур тинчлик, барқарорлик рамзи сифатида машҳур бўлган эди.

У Балхдан Самарқандга йўлга чиқиб, Шаҳрисабзга келиб ўрнашади. Бу ерда икки ой туриб, янги давлатнинг бошқарув тизимини тузишга киришади. У биринчи навбатда садоқатли ва жангларда фаол қатнашган сафдошларини олий мансабларга тайинлади, қадриқимматини ўрнига қўйди. Чунончи Довудбекка Самарқанд ҳокимлиги ва девон мансабини берди. Амир Жоку, Амир Сайфиддин, Амир Аббос, Искандар, Олам-шайх, Алка қавчин, Ардашер қавчин, Кимори Ийноққа лашкар амирлиги ва тавочилик мансабини топширди; Амир Сари-Буго, Ҳусайн барлос, Амир Оқбуго, Хожи Маҳмудшоҳ, Элчи-баҳодир, Давлатшоҳ баҳшиларни девон мири этиб тайинлади; Хитой-баҳодир, Шайх Али-баҳодир, Оқ-Темир-баҳодир, Тобон-баҳодир, Дукана, Баҳшишоҳ, Қора-Ҳинду, Тақанақ Алочий-калта, Қирон-Буго-Арслон, Шайх Али ва Оқ-Темурлар баҳодирларнинг сардори вазифасига қўйилди.²

Амир Темур Шаҳрисабздан Самарқандга келиб уни давлатининг пойтахтига айлантиришга қаратилган чораларни изчилилк билан ошириб борди.

Амир Темур беш маротаба ҳарбий юришларни ўюштириб, Хоразмни ҳам эгаллади. Бу билан у Олтин Ўрданинг Туркистон заминидаги энг муҳим таянчи Хоразмни унинг қўлидан озод этди. Ҳамда уни қаттиқ кучсизлантириб, мўгулларнинг ҳукмронлигига яна бир бор зарба берди.

Шундай қилиб, Амир Темурнинг бир неча йиллар давомида олиб борган қаҳрамонона курашлари туфайли 150 йиллик мўгулларнинг ҳукмронлиги қўпориб ташланди. У мазлум халқнинг озодлик курашига билимдонлик билан бошчилик қилиб ватан мустақиллиги ва озодлигини тиклади. Миллий давлат ва миллий кўшин тузилиб халқ озодлик ва фаровон ҳаёт юзини кўришга мұяссар бўлди. Буюк давлат арбоби ва машҳур лашкарбоши Амир Темур ўзининг бутун ҳаётини ўзбек халқининг озодлиги ва тараққиёти учун

¹ Ўша жойда, 220—221-бетлар.

² Ўша жойда, 225-бет.

курашга багишилди. У бу йўлда 12 ёшидан бошлиб то умрининг охиригача мисли кўрилмаган қийинчилик ва азоб-уқубатларни мардонавор бошидан кечирди. Ҳатто бир неча бор ўлим ёқасида турди. Бироқ ҳеч қандай куч уни хоҳиш-иродасини, ватанга ва ҳалқига содиқлигини сўндира олмади. У ҳамиша ватан ишқи ва ҳалқ дарди билан яшаб, жанг майдонларида қаҳрамонлик намуналарини намойиш этди. «Бошимга, — дейди Амир Темур, — пўлат дубулга, эгнимга довудий совут кийдим, белимга миср қиличини боғлаб, баҳодирлигу кураш тахтига ўтиредим... Салтанат тўни ни кийгач, тинчлигу соғлигим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш, ҳузур-ҳаловатдан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим. Ҳар хил тадбирлар қўллаб (ганим) фавжларини синдиридим. Амирлар ва сипоҳларнинг исёнларини кўрдим, улардан аччиқ сўзлар эшиздим. Лекин сабру бардош билан ўзимни эшизмаган ва кўрмаганга солиб, уларни тинчитдим. Қилич кўтариб жанг майдонига отилдим ва шу тариқа дунёда ном чиқардим.¹ Дарҳақиқат Амир Темур мустақиллик ва озодликни тиклаш ва тараққиётни таъминлаш, қандай бўлмасин Туркистон заминини жаҳон даврига олиб чиқиш учун тинимсиз курашди. У юз йилларда бир дунёга келадиган буюк давлат арбоби ва тенги йўқ лашкарбоши сифатида тарихда учмас из қолдирди.

¹ Темур тузуклари, 49, 54-бетлар.

Чор Россияси ҳарбий юришларининг бошланиши ва ривожланиши

ОЛТИН ЎРДА ВА РУС ДАВЛАТИ

Олтин Ўрда давлати Рус князликлари билан Туркистон замини ўргасидаги бамисоли кўпприк ҳисобланган. Туркий дунёсининг таркибий қисми ҳисобланган бу улкан ерлар Россия томонидан босиб олингандан кейингина уни ҳозирги Ўзбекистонга бостириб кириш имконини туғдирди. Шу боис Олтин Ўрда ва Россия ҳақида тушунча бериш мақсадга мувофиқdir.

Олтин Ўрда давлати Днепр дарёсидан бошланиб, Волгадан ўтиб, Шарққа томон чўзилиб кетган «Дашти Қипчоқ»да юзага келган эди. Мазкур беноён ерлар «Туркий дунёси»нинг таркибий қисми ҳисобланган. Бу жойларда туркий давлатлар ташкил топиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди билан жуда яқин алоқалар ўрнатилган.

IX—XI асрларда Дашти Қипчоқдан икки савдо йули булиб, бири — Волга орқали Булғордан Ўрта Осиё, Кавказ, Эрон ва Узоқ Шарққа, иккинчиси — Дашти Қипчоқдан Кримга, ундан эса Кичик Осиёдағи Трапезунд, Константинополга борган. Айни бир пайтда рус князликлари борилган.

Шунинг учун ҳам Дашти Қипчоқни эгаллашни сиёсий жиҳатдангина эмас, балки иқтисодий нуқтаи на-зардан ҳам фойдаси беқиёс катта эди. Шуни ҳисобга олган ҳолда мўғул қўшинлари, Чингизхоннинг невараси, Боту бошчилигига 1236—1239 ва 1239—1242 йилларда бутун Дашти Қипчоқни ва Рус князликларини босиб олиб «Олтин Ўрда» номида давлатни ташкил этдилар. Бу давлатни таркибига шимоли-шарқда Булғор вилояти, шимолда унинг чегараси рус князликларидан ўтган, жанубда Олтин Ўрдага бир томондан Қрим ва унинг денгиз бўйидаги шаҳарлари, иккинчи томондан Дарбандгача чўзилиб борган Кавказ ва баъзан эса Бокугача кирган. Шунингдек, шимолий Хоразм ва унинг Урганч шаҳри кирган, гарбда Днепрдан бошланган даштлик-

лар, шарқда эса гарбий Сибирь ва Сирдарё этакларига-ча борадиган ерлар кирган.¹

Волганинг қуи оқимида ҳозирги Астрахань яқинидаги Селитреннов деган жойда Сарой шаҳри бунёд этилиб, Олтин Ўрда давлатининг пойтахтига айлантирилди. У Сарой Берка шаҳри номида ҳам юритилди. Боту меросхўри Беркахон (1257—1266) ҳозирги Царицин яқинида Берка Сарой шаҳрини қурдирди. Бу шаҳар Олтин Ўрда ҳукмдори Узбекхон даврида (1312—1340) пойтахтга айлантирилди. Олтин Ўрда давлатининг юзага келиши ва унга рус князликларини буйсундирилиши Даشت Қипчоқда қадимдан давом этиб келаётган туркистонликларни фаолиятига янада қулай шароит яратилди. Шуниси диққатга сазоворки мӯгул ҳукмдорлари давлатни мустаҳкамлашда ислом лини ва туркистонликларни муҳим ўрнини ҳисобга олган ҳолда уларга кенг йўл очиб берди.

Олтин Ўрда давлатининг асосчиси Боту даврида ёк ислом динига эътибор берилиб масҷит ва мадрасалар очилғанлиги маълумdir. Даствабки вақтларда мӯгул ҳукмдорлари ислом динига кирмаган бўлсада, лекин қанчалик вақтларнинг ўтиши билан улар шунчалик кўп ислом таъсирига тортилди. Ботунинг вориси бўлмиш Беркахон машҳур бухоролик шайх ал-Бахарзийнинг бошчилигида ислом динига кирди. Айниқса, юқорида қайд қилинган Узбекхон вақтида Олтин Ўрдада ислом дини анча ривож топди. Бу ишда Бухоро ва Хоразм дин пешволари жонбозлик курсатдилар.

Мӯгуллар гарчи ҳукмрон доира ҳисоблансада, лекин улар сон жиҳатидан қипчоқларга нисбатан озчиликни ташкил этган. Шу боис вақтни ўтиши билан келгинди мӯгуллар ислом динини қабул қилиб ва турклашиб қипчоқларга сингиб кетди. Пировардида туркий тил давлат тилига айланди.

Туркистонликлар Олтин Ўрданинг ички ва ташки савдосида ҳам салмоқли ўринни эгалладилар. Олтин Ўрдада ислом дини ва туркистонликларни савдо фаолиятини кучайиши, унинг маданий ҳаётига таъсир курсатди. Бунда Сарой Берка ва Сарой Ботудаги хоразмликлар яшайдиган маҳаллаларни ҳиссаси катта бўлди. Бу ерларда савдогарлар, ҳунармандлар, дин ва

¹ Греков В. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. Тошкент, 1956 й., 53-бет.

маданият намояндалари яшаб мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳаётида фаол қатнашганлар.

Хоразмликларни курилиш ва меъморчиликка ҳам таъсири салмоқли бўлган. Бу тўгрида олим А. Якубовский шундай ёзади: «Бир томондан Сарой Берка билан Сарой Ботунинг ва иккинчи томондан, Урганчнинг, гарчи кошинкорлик материиллари юзасидангина бўлса ҳам архитектура ёдгорликларини таққослаб ўрганиш шуни кўрсатадики, хоразмлик усталар ўзларига хос бўлган ранг-баранг нақш безакларини жило бериб ишлаш хусусиятларини кошинкорлик мозайкаларида такрорлаганлар. Бу ранг-баранг нақшин безаклар Кўхна Урганчдаги Тўрабек хоним мақбараси каби ажойиб бинони ҳозиргача безаб турибди. Шу билан бирга хоразмлик усталар аввалги ишларини такрорлаб қолмай, балки бу янги жойда янги-янги усусларни ҳам яратганлар.

Сарой Беркада XIII—XIV асрларда қурилган турли туман бинолардаги хилма-хил кошинлар коллекцияси бу типик мусулмон саноати бўлганлигини кўрсатади. Гулларни расмини тўр-тўр чизиқлар ва безак ҳарфлардан ёзилган арабча хат билан бирга қўшиб ишлаш кўк, феруза, оқ, яшил, сариқ сирларни Урганч учун жуда ҳам характерли бўлган қизил ранг (анчаб буёв) билан бирга қўшиб тасвирлаш, буларнинг ҳаммаси Ўрта Осиё ва Эрон шаҳарларининг халқлари учун хос бўлган архитектура формалари билан биргаликда Волга бўйи шаҳарларига кўчган.»¹

Туркистонликлар тўкувчилик, кулолчилик, сиркор керамика ва бошقا ҳунарлар билан шугулланганлар. Хуллас, улар Сарой Боту билан Сарой Берка сингари йирик шаҳарларни барпо этилиши ва ривожланишида кучли булганки, Миср сultonи Олтин Ўрда билан алоқада хоразмликлардан фойдаланган. Масалан, Миср сultonининг Олтин Ўрдадаги Алоуддин Ойтўғди номли элчиси хоразмлик бўлган. Ўзбекхон даврида Сарой Беркадаги хоразмликлар маҳалласида яшовчи шайх Нумониддин ал-Хоразмий катта обруға эга бўлган. Ўзбекхон бу киши билан тез-тез сухбатда бўлган. Бу шайх асли Урганчли бўлиб, манттик, фалсафа ва тил илмини яхши биларди. Хоразмликлар орасида Олтин Ўрдага қарашли жойларда йирик мансаб-

¹ Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Ўша асар. 144—145-бет.

дорлар ҳам бүлган. Жумладан, XIV асрнинг 30-йилларида Мұхаммадхұжа ал-Хоразмий Азов деган вилоятнинг (Азоқтана) амири бүлган. «Олтин Үрданинг адабий тили ва адабиётини яратиша ҳам, — деб ёзган А. Ю. Якубовский, — Хоразм катта роль ўйнаган. Олтин Үрдада чиқсан бир неча бадиий асарларнинг тили Хоразм ва Сирдарёning қуи оқимидағи шаҳарлар, яни Оқ Үрда ерлари тил элементлари билан бевосита болганици бүлганини күрсатади. Ҳар иккала үлка (Хоразм ва Сирдарёning қуи оқимидағи шаҳарлар) Олтин Үрданинг сұзлашув тилигагина эмас, балки майдонга келаётган Олтин Үрда ёзувиға айниқса, унинг бадиий адабиётiga ҳам доимо таъсир күрсатыб келган. Волга буйи шаҳарларида хусусан иккала Саройда бу соҳада анча иш олиб борилган.»¹

Шубҳасиз Хоразм маҳалласыда хоразмликларгина эмас, балки бухороликлар, самарқандликлар, тошкентликлар ва фарғоналиклар ҳам бүлган. Бироқ хоразмликлар күпчиликни ташкил этганликлари туфайли маҳаллалар улар номида юритилған.

Олтин Үрда вақтида туркистонликлар билан рус князликлари ўртасидаги алоқа анча жонланған. XIV асрни биринчи ярмида Нижний Новгородда күп сонда Хоразм ва Бухоро савдогарлари бүлганилиги түгрисида маълумотлар мавжуд.² Шуни күрсатыб үтиш лозимки, Олтин Үрда пойтахти — Саройда русларнинг ҳам турар жойлари бүлган. Шунинг учун 1261 йилда Саройда маҳсус православ епархияси ташкил қилинған бўлиб, бу епархияга саройдан ташқари Перяслав Киевский шаҳри ҳам кирган. Бу ҳолат Саройда яшовчи туркистонликлар билан руслар ўртасида яқиндан алоқа ўрнатишга олиб келган. Туркистонликлар Олтин Үрдани рус князларидан олинадиган солиқларнинг ялписига сотиб олганлар.³ Шубҳасиз, улар рус ерларида солиқларни ундириш билан бир қаторда савдо-сотиқ билан ҳам шуғулланғанлар.

Айрим маълумотларга кўра рус ҳунармандлари Урганчга келиб ўрнашган вақтларда бүлган.⁴ Кўп рус князликлари «ёрлиқ олиш учун фақат Олтин Үрда-

¹ Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Ўша асар. 147-бет.

² МИУТТ ССР, 61-бет.

³ Журнал МВД. 1939, № 100, С. 357.

⁴ Первые русские научные исследования Уст-Юрта, 1963, С. 6.

нинг пойтахти — Саройга эмас, балки Мұғилистонга буюк хон қароргоҳыга Туркистан орқали борардилар.»¹

Шуни айтиб ўтиш лозимки дастлабки вақтларда Олтин Ўрда ҳукмдорлари рус князликларида ўз вакиларини (босқоқларни) тайинлаб иш юритган бўлсалар кейинчалик солиқ ва ўлпонларни тўплаш ва топшириш рус князларини зиммасига юкланди. Улар рус князликларини ички ишларига деярлик аралашмади. Натижада рус князликлари ўртасида яккаҳокимлик учун курашлар давом эта берди. Айни бир пайтда Швед, Немис рицарлари ва Литва княzlари билан уруш олиб борилаверди.

Рус князликларидан солиқ олиш билан чегараланиб уларни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қаттиқ назорат остига олмаслик уларни пировардида қаддини ростлаш ва кучайиб боришига замин ҳозирлайди. Бунда Олтин Ўрда ҳукмдорларининг таҳт учун олиб борган даҳшатли урушлари ҳам русларга жуда қўл келди. Бу борада Амир Темурни Олтин Ўрдага қарши ҳарбий юришларда рус князликларига мустақилликка эришишида катта имкониятларни туғдирди.

АМИР ТЕМУРНИНГ ОЛТИН ЎРДАГА ЗАРБАСИ

Амир Темур давлатини кучига куч қўшилиб жаҳон даврасидаги мавқенини ошиши Олтин Ўрда манфаатларига путур етказадиган бўлиб қолди. Айниқса, унинг таркибидаги Шимолий Хоразмнинг Амир Темур томонидан босиб олиниши катта зиён келтирди. Бундан ташқари Амир Темурнинг ўзи Олтин Ўрдани келажакда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан хавфлилигини яхши биларди. У Олтин Ўрдада ўз таъсирини ўрнатиш учун у ердан кечиб келган таҳт дъявогари Тухтамишни ҳарбий куч билан таъминлаб 1376 йилда икки маротаба Ўрдага қўшин жўнатди. Тухтамиш 1379 йилдагина Темурни ёрдами билан Олтин Ўрдани бир қисми бўлмиш Оқ Ўрда таҳтини эгаллади. Шундан кейин у Олтин Ўрда таҳтини қўлга киритиш учун Мамайхонга қарши юриш қилиб маглубиятга учратди. Шу равишда Тухтамиш бутун Олтин Ўрдани яккаҳокимлигига эришди. Шундан кейин у Амир Темурни барча яхши-

¹ Уша жойда.

ликлари ва ёрдамини назар-писанд қилмай Туркистон-ини эгаллаш ҳаракатига тушди. У 1387—1388 йилларда Амир Темур Эрондалигида Туркистонга ҳужум қилди. Бундан хабар топган Амир Темур дарҳол ватанига қайтишга мажбур бўлди. Аммо Тұхтамиш қўрқиб қочади. Хоразм ҳукмдори Сулаймон Суфи Тұхтамиш билан тил бириктириб Амир Темурга қарши бош кутарган эди. Шунинг учун Амир Темур 1386 йилда Хоразмга ҳарбий юриш қилиб уни қайта бўйсундирди. Тұхтамиш эса Амир Темурга қарши ҳаракатни давом эттиради. Шунинг учун Амир Темур Олтин Үрдага 1389, 1391 ва 1394—1395 йилларда катта ҳарбий юриш қилиб Олтин Үрда тинкасини қурилди. Айниқса, 1391 йилда ҳозирги Самара шаҳри ва Чистопол оралигига жойлашган Қуңдузча деган жойдаги урушда Тұхтамиш қўшинларини қаттиқ зарбага учраши муҳим аҳамиятта эга бўлди. Кейинги 1395 йилдаги Амир Темур ва Тұхтамиш қўшинлари ўртасидаги жанг шимолий Кавказдаги Тероқ дарёсини ёқасида содир бўлди. Бу жангда Тұхтамиш кучлари шу даражада қаттиқ зарбага учрадики, у шундан кейин узини ўнглай олмади. Амир Темур бу галабадан сўнг Олтин Үрдани Сарой Берка, Астрахан, Крим ва Қора дентиз бўйларидаги шаҳарларини, Азовни ва шимолий Кавказни эгаллаб қолди. Шу равишда Олтин Үрда Амир Темур давлатига қўшиб олинди.

Едигей, Темур Қутлуг ва бошқа Олтин Үрданинг амирлари Амир Темур ҳузурига қочиб келиб Тұхтамишга қарши урушларда фаол қатнашган эдилар. Амир Темур галабадан кейин Едигей Чингизхон хона-донидан бўлмаганлиги учун Олтин Үрда таҳтига Темур Қутлугни, сўнгра унинг авлодларини ўтказди. (1397—1419). Бу хон Олтин Үрдани қаддини бир мунча ростлашга эришди. Аммо Амир Темур Олтин Үрда шаҳарларини остин-устин қилиб қўшинларини шу даражада мажақлаб ташладики, бамисоли бели букчайтирилиб қўйилди. Бу ҳолат Амир Темур давлатига нисбатан кучли рақобатни ва хавфни бартараф қилиши билан бир қаторда рус князликларини мустақилликка эришишини таъминлашда муҳим омиллардан ҳисобланади.

«1395 йилда, — деб ёзган эди А. Якубовский, — Темурнинг Тұхтамиш устидан қозонган галабаси, Астрахон ва айниқса Олтин Үрда пойтахти Сарой Берка-

нинг хароб қилиниши ва ёндириб юборилиши фақат Ўрта Осиё ва ўша вақтдаги жанубий-шарқий Европа учунгина эмас, балки рус учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди... Тұхтамишни енгис билан рус ерига объектив суратда хизмат күрсатган. Лекин шундай булиб чиқишини уни ўзи мутлақо пайқамаган».¹ Иккинчи бир рус тарихчиси Соловьев ҳам шунга ўхшаш баҳони берган: «Темур Олтин Ўрдани тор-мор қилғандан кейин Москва князи учун у узоқ вақтгача хавф-хатарсиз булиб қолди».²

Дарҳақиқат, Амир Темур рус князликларини олдини түсіб турған тұғонни — Олтин Ўрдага қақшатғич зарба бериб, келажақда құдратли рус давлатини юзага келишига мутлақо ўзи ўйламаган ҳолда бекиес катта шароитни яратди. Тұхтамишнинг мағлубияти Олтин Ўрдани ҳалокатта олиб келган эди.

Тұхтамишонни Мовароуннахрни эгаллаш учун уюштирган ҳарбий юришининг заминида фақат иқтисодий манфаат мақсад ётмаган эди. Зоро, у ҳокимиятни Амир Темурдан тортиб олиб, унинг құли остидаги мамлакатларда мұғулларнинг ҳукмронлигини қайта тиклашни күзлаган эди. Буни яхши англаған Соҳибқирон мұғулларнинг энг құдратли ва хавфли таянчи бўлмиш Олтин Ўрдани таг-томири билан қўпариб ташлади. Шундай қилинмагандан вақти келиб мұғуллар ўзларининг собиқ ҳукмронлигини тиклаши ҳеч гап эмас эди.

XV асрнинг биринчи ярмида Олтин Ўрда харобаларида Қрим ва Қозон, кейинчалик Астрахон ва Сибирь хонликлари пайдо бўлди. 1480 йилда эса рус князликлари ҳам Олтин Ўрда қарамлигидан қутилди. 1502 йилда Қрим хони Олтин Ўрданинг охирги ҳукмдорини тор-мор этиб, уни тамомила тутатди. Ўша вақтларда Оқ Ўрданинг³ ҳукмдори Шайбонихон Туркистонга бостириб кириб Темурийлар давлатини ағдариб, уз ҳокимиятини ўрнатди. У билан ўлкага күчіб келган қабилалар тили ва дини бир маҳаллий туркий аҳоли билан аралашиб кетди. Шуни эслатиб ўтиш лозимки,

¹ Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Ўша асар, 317—318-бетлар.

² Ўша жойда.

³ XV аср бошларидан Олтин Ўрда Кўк Ўрда ва Оқ Ўрдага бўлинниб, Оқ Ўрда Кўк Ўрдага қарам эди. Оқ Ўрдани таркибиға Сирдарё ҳавzasи, Қозофистон, гарбий Сибирнинг шаҳарлари ва бошқа аҳоли туар жойлари ҳамда даштлари ва ўрмонлари кирган.

Амир Темур Тұхтамишни тор-мор этиб, тақдирини ҳал этган бұлса вақти келиб Олтин Үрда ҳукмдорларининг авлодлари, хусусан Шайбонихон Темурийлар давлатини ағдариб, ҳисобни баробар қылдилар. Шайбонилар ва у билан күчиб келган қабилалар Туркистондаги туб аҳоли билан аралашиб кетдилар. Уларни ҳукмронлик вақтида Темурийлар даврида не мاشаққатлар ва қурбонлар эвазига құлға киритилған марказлашган давлат, тараққиёт совурилди. Үлка Бухоро, Хива ва Қуқон хонликларидан иборат уч қисмга парчаланды.

XVI асрнинг урталарида рус давлати Қозон (1552) ва Астрахон (1556) хонликларини босиб олди. Сұнгра Сибирь хонлиги ҳам урушыб олинди. Шу равищда Волга бұйларыда, Уралда, Қора денгиз қырғоқларыда ва Сибирда иккى минг йилдан ортиқ даврда славянларга, шу жумладан русларга түсік булып турған туркий давлатлар үрнини рус давлати әгаллаб, олтин, кумуш, темир, күмир, ўрмонлар, унумли ерлар ва бошқа табиий бойликларни ҳамда оламшумул аҳамиятта молик карвон йұллари сингари битмас-тұганмас хазина-ни құлға киритди. Бу билан рус давлати «ғижжа мойға ботди» ва тобора кучайиб барча имкониятларга эга бўлди.

Олтин Үрдани парчаланиши ва қулаши у ерда күп асрлар мобайнида ўз мавқеини сақлаб келаётган Туркистон ўлкасининг манбаатларига катта зиён келтирди. Чунки у жойлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқалар Туркистонда, айниқса, Хоразм воҳасида ишлаб чиқариш кучларининг ўсишида ва тараққиётида муҳим үринни әгаллаган эди.

XIV асрнинг охирлари — XVI асрлар мобайнида рус князликларини бирлаштирилиши асосида марказлашган Рус давлати ташкил топди. Қанчалик вақтларнинг ўтиши билан собиқ Олтин Үрда ерларыда рус шаҳарларини, ҳарбий истеҳкомларини, тоғ конларини ва заводларини сони шунчалик күпайиб борди. Кұрсатылған жойларда рус давлати ўз мавқеини мустаҳкамлаб олганидан кейин Туркистонни ҳам бўйсундириш ҳаракатига тушди.

1717 ЙИЛДА ЧОР РОССИЯСИННИГ ХИВА ХОНЛИГИГА ҚАРШИ ҲАРБИЙ ЮРИШИ

Русларнинг бу хонликка бостириб киришга уринишлари XVII асрнинг бошларига түгри келади. Ёйик (Урал) дарёсини атрофларида жойлашган рус казаклари Урганч шаҳри томон йўлга чиқадилар.¹ Хоразмда улар кўп бойликларни қўлга киритадилар. Бу хусусда Абулғози ўз асарида шундай ёзади «Ёйик (Урал) теганда юругон урусларнинг (руснинг) қозоқиндин минг кипни саратоннинг аввалги куни ғофил келиб Урганчнинг қальясига кирди. Шаҳарда равияттин ўзга киши йўқ эди. Хоннинг ўрдаси ва сипоҳ халқи Аму сувининг лабида эрдилар. Хевакда хонга киши чоптурдилар. Етти кунда хон келди.

(Казаклар) Урганчда равиятдин минг кипни улдирди ва минг қиз билан жувонни олди. Минг арабага яхши моллардан юклиди. Бўз ва бўёғли палос ва тўн, тушак-ястуқ, мундог нарсаларнинг барчасини утга ёқди. Буларни саранжом қилгунча етти кун бўлди. Андин сўнг (казаклар) Урганчдин чиқиб дарё лабига юруди. Араб Мұҳаммадхон олдига бориб урқазди ва жанг қилди. Икки кун урушдилар, учинчи куни жибни, зўр қилиб олиб, таки босиб утди. Урус пиёда, бизнинг отни илғоб икки фарсанг ер юзунда яна урқазиб жанг қилдилар. Бизнинг халқнинг арази бу ким, иссиқ кунда чўлда ола кўради; сувга боргандин тугайди урус бир кунда қалъя солур. Андин сўнг урусларни қиши юборурлар. Андан кўмак келур. Ушбу ерда барчамиз қирилади деб, зўр қилдилар. Урус юклаган сувини тамом қилди. Урушдилар, урус қон ича бошлиди.² Бешинчи куни қонни ҳам тавосутти. Ўзбек ҳар ердан тўп-тўп бўлиб чопти. Урусни ўлтуриб-ўлтуриб қайтди. Ул аробадан чиқиб урушар эдилар. Ахир арабанинг ичиндан чиқа билмади. Ожиз бўлди. Еттиланчи куни барча иттифоқ бирлан чоптилар. Арабага келгандан сўнг отдин тушиб куран ичига кириб қилични куя бердилар. Халқ ўлжага бўлғонда юз урус кечиб дарё лабига бориб тўқ қаълисининг қуйисида ягочдин қалъя солиб балиқ олиб еди-да ултурди. Араб Мұҳам-

¹ Центральный государственный военный исторический архив России (ЦГВИА).

² Бу ерда ярадор казакларни қонини ичиш назарда тутилган.

мадшоҳ бориб қабади. Таки ўн беш кунда олди.»¹ Абулгозининг мазкур ноёб маълумоти шу ҳақда гувоҳлик берадики рус казаклари Урганчда қароқчилик билан шугуланиб аҳолига қаттиқ азоб берган. Улар яхши қуролланганларки тамомила қириб ташлаш учун 15 кун кетган. Кейинги вақтларда ҳам рус казаклари нинг атаман Нечаев бошчилигидага Урганчга бостириб кирганликлари маълумдир. Улар бу ердан кўп бойликларни олиб кетаётганларида хон аскарлари томонидан қириб ташланган. Бу маълумот Абулгози асарида шундай таърифланган. «Мен дунёга келган йилнинг аввал баҳорида ўн етти киши уруслага савдога кетар. Куш Ейик (Урал) теганда минг казак урус бор эканди. Йулда анча учрай қолур, иккинчиси ултурур, сақлаган кишиларидин Урганчнинг хабарин сурар. Аниг бириси Туркистонлик экандур. У айтур, Урганчнинг шаҳринда сипоҳдин бир киши йўқ. Сипоҳнинг яқин ултургани отлиққа бир кунлик йўл. Шаҳарда танҳо раъвият турур. Бир тарафи чўл йўлиндин юз минг лашкар борса, шаҳарга кирганда қурав. Андин илгари кўрмас. Ёт юртли киши анча қулиндан ва тилиндан келган сайи бирлан хушомадим қилди, урус бунинг сўзина фирифта булиб туркистонлини бошчи қилиб, минг киши келиб Урганчнинг мирзо дарвозасиндин кирибди...»

Отамиз (араб Мұҳаммадшоҳ) уруслан бир киши қўймай кириби эркандур. Бу воқеадин қирқ кун ўтгандан кейин биз (Абулгози) дунёга келибмиз. Отамиз айтибди: «Бизга бир газот муяссар бўлди. Шунинг йули ва қадами муборак бўлди ва таки мунинг онасининг жамоатини гозиглар дерлар, ул нисбати ҳам бор деб, отимни Абулгози қуюб турарлар.»² Бинобарин, мазкур сатрлардан биз русларни бостириб киришларига қарши кураш ва галаба шарафига унинг исмига «гози» сўзи қўйилганлигини биламиз. Бу у тугилганда қўйилган эди.

Рус казаклари икки маротаба қириб ташланганларига қарамай яна бир бор атаман Нечай бошчилигидага Урганч томон отланганлар. Аммо, улар йулда қаттиқ совуқ ва бўронга учраб очликка ва дардга чалинадилар. Ҳатто ўз шерикларининг ўлик гўштини ейишга

¹ Абулгозий. Шажарайи турк. Тошкент, 1992, 158—159-бетлар.

² Уша асар, 167-бет.

мажбур бўлганлар. Шу равишда улар йўлларда қирилиб кетганлар. Пётр I замонида рус давлати фақат Оврупадагина эмас, балки ўзбек хонликларини кўз ўнгидан ҳам қудратли мамлакат сифатида гавдаланиб турарди. Шунинг учун ҳам хонликлардаги айрим юқори табақа вакиллари таҳт учун курашларда ватанига хонлик қилиб рус давлатига таянишга уринганлар. Масалан, рақиблари ва душманлари устидан юрагини ҳовучлаб таҳтда ўтирган Хива хони Исҳоқ оға Шониёз (1694—1701) 1700 йилда Дустбек Баҳодирни Россияга юбориб савдо-сотиқни ривожлантириш таклифи билан бир қаторда хонликни рус давлати тобелигига олишни Пётр I дан суради. Шундан кейин Пётр I бу таклифни бажонидил қабул қилиб ўша йилнинг 30 июнида Хива хонлигини Россия тобелигига олиш ҳақида фармон чиқарди. Бу тўғрида Дустбек Баҳодир орқали махсус ёрлиқ юборди. Ерликда Хива хонлигининг рус давлати тобелигига ўтганлиги уқтириб ўтилган. Бу билан бир қаторда Исҳоқ оға Шониёзниг Рус давлатига содик бўлиши кўрсатиб ўтилган. Аммо Хива хонлигини Россия тобелигига олиниши ҳақидаги таклиф бир гурӯҳ ватан хониларини истагини ифода этганлиги учун қоғоздагина қолди холос. Бунинг устига йўлнинг узоқлиги ва азоб-уқубатлари Россияни хонлик устидан назоратни ўрнатиш имконини бермади. Буни устига Пётр I кўпроқ Швеция ва Туркия уруши билан банд эди.

1703 йилда Хива хони Араб Мұҳаммад II (1701—1712) номидан юқорида қайд қилинган Дустбек Баҳодир Астрахан орқали Москвага элчи сифатида келди. У бу гал ҳам савдони ривожлантиришни ва Хива хонлигини рус давлати тобелигига олинишини қайта суради.¹

Натижада Пётр I Хива хонлигини рус давлати тобелигига олиш ҳақидаги иккинчи маротаба фармон чиқарди.² Бу ҳақдаки, шунингдек ўзаро элчилик ва савдо алоқаларини самарали давом этириш сингари масалаларни ўз ичига олган Пётр I ёрлиги элчи орқали Хива хони Араб Мұҳаммад II га юборилди.³

¹ Полное собрание Российской законов. Спб. 1830. С. 216.

² «Московские ведомости», 1703, апрель.

³ Центральный государственный архив Древних актов России (ЦГАДА). Ф. 109, «Бухарское дело», Кн. I., ч. I, Л. С. 109.

Юқорида күрсатылған сабабларга кұра Хива хонлигини Рус давлати төбелегига олиш тұғрисидаги фармона бу гал ҳам амалға ошмади. Пётр I томонидан урушларни узлуксиз давом эттирилиши давлат хазинасига сезиларлы путур етказмоқда эди. Натижада олтинга бұлған мұхтожлик күпайиб борди. Шуннинг учун Пётр I уруш харажатларини қоплаш ва армияни таъминлаш мақсадыда ҳукумат сенатига «Олтин давлатнинг қон томиридир» деб хат ёзіб, олтинг күмуш конларини қидириб топиш зарурлигини үқдириб үтди. Худди шу вақтда, яғни 1713 йылда Насасхұжа номлы туркман Астраханга бориб, Амударёдан олтин құм олингандығы ва үтмиш замонларда уни Каспий деңгизиге қойилғанлығы ҳақида рус ҳукуматига маълумот берди. Шу билан бирга Амударёни Каспийға буриш мүмкінлігіни ва бу ишга туркманларнинг ёрдам беришларини айттан. Айни бир вақтда Сибирь генерал-губернатори Гагарин Шарқий Туркистаннинг Еркент шаҳридаги дарёда ҳам олтин құми борлиғи ҳақида Пётр I га маълумот берди. Бундай хабарлар Пётр I ни шошилтириб қўйди. У 1714 йылда Сибирь орқали Ёркентга ҳарбий юришни уюштириш ҳақида Сибирь генерал-губернаторига фармон берди. Шунга биноан тайёргарлигидан кейин 1715 йылда Бухгольц бошчилигидә 1500 кишилик қўшин Ямишев кўлиға бориб қалъа қурди. У бу ердан Ёркентга юриши лозим эди. Бироқ Шарқий Туркистанда ва атроф жойларда ҳукмронлик қилаётган қалмоқлар Ямишевда қалъа курилишига қаттиқ қаршилик күрсатдилар. Узоқ қамалдан сұнг Бухгольц қалъани ташлаб Ом даресини қирғогига қайтди. Бу ерда у Сибирь генерал-губернатори Гагариннинг буйруги билан Омск қалъасини барпо этади. Шу тарзда Пётр I нинг барча ҳаракати бекінде кетади. Аммо у Хива хонлигини босиб олишга қаттиқ киришган эди. 1714 йылнинг 19 майида Пётр I Хива хонлигини забт этиш ҳақидағы фармона ҳукумат сенатига юборди.¹ 1716 йылни 14 февраля Пётр ҳарбий юришни бошлиғи қилиб тайинланған Бекович-Черкасский билан шахсан сұхбатлашиб амалға ошириладыған вазифаларни белгилаб беради. У бу ҳақда ҳукумат сенатига хабар беріб тайёргар-

¹ ЦГВИА России, д.35., л.57.

лик ишларини диққат ва пухталик билан күришни буюради.¹ Ўша кўрсатилган куни давлат қанцлери Г. Головкин ҳам Пётр I нинг фармонини йўналишини сенатга махсус хат орқали тушунтирди. Бунда подшоҳ олий хазратларини Бекович-Черкасский бошчилигига Хива хонлигига қарши ҳарбий қушин юборишига қарор қилинганилиги эслатиб Хива, Бухоро ва Ҳиндистон ҳукмдорлари номига, рус давлатини расмий ёрлиғларини (грамоталарини) юборилиши ҳамда у томонларга савдогарларни ҳам жўнатилиши лозимлиги баён этилган.² Шахсан Пётр I нинг қўли билан ёзилган кўрсатмада Бекович-Черкасскийни зиммасига юклатилган вазифалар қўйидагилардан иборат:

1. Бир вақтлар Амударё Каспий денгизига қўйиладиган жойда 1000 киши сигадиган ҳарбий истеҳком қурилсин. Амударёни оқимини ва тўғонларини синчковлик билан ўрганиб, имкони бўлса, эски йўлига буриб юборилсин. Орол денгизига сувни йўналтирадиган тўғонлар бузилсин. Бу ишларни бажаришга қанча кишилар керак бўлиши аниқлансин.

2. Хива хонлигининг Рус давлати тобелигига ўтишига эришилсин ҳамда бизни манфаатларимизга хизмат қилиши шарти билан ҳарбий қисм қолдирилсин. Агар хон рози бўлса ва шароити кўтарса, ҳарбий қисмни бир йил давомида таъминлаш кафолати олинсин, кейинги йиллардаги харажатлар эса унинг зиммасига юклатилсин.

3. Агар Хива хони розилик билдирса у вақтда ундан ўз кишиларига икки русни қушиб Сирдарё суви буйлаб олтин борлигини аниқлаш учун Ёркентта жўнатилсин. Шунингдек, савдогарларимизни Амударё буйлаб Ҳиндистонга боришлари учун кемалар берилиши хондан сўралсин. Савдогарлар кетаётганларида қуруқлик ва сув йўлларини, дарё ва кўлларни, айниқса, Ҳиндистонга борадиган сув йўлини яхши ўргансинлар ва маълумотлар тўпласинлар. Агар савдогарлар Ҳиндистонга Каспий денгизига борадиган йўл борлигини эшитсалар у вақтда шу йўл билан орқага қайтсинглар ва кўрганларини қоғозга туширсинлар.

4. Хива хонлигига Бухоро хонлигини рус давлати

¹ Уша жойда, ўша бет.

² Уша жойда, 57-бет.

тобелигига ўтишга хоҳиши борлиги ёки йүқлиги билинсин. Бордию бундай истак булмаса дүстлик муносабатлари ўрнатилсисн.

5. Курсатилган топширикәларни амалга ошириш учун 4000 кишидан иборат мунтазам қүшин ва кераклигича кемалар ажратилсисн. Бундан ташқари Ейик казакларидан 1500, эшкакчилардан 500 ва отлиқлардан 100 киши берилсисн. Улар савдо карвонларини муҳофаза қилиш ниқобида Астрахандан ҳарбий қальва шаҳар қуриладиган жойга, яъни Каспийнинг шарқий қирғогига юборилсисн. Қүшин командирлари барча жойлардаги туб аҳолига нисбатан хушмуомалада бўлсинлар. Шаҳарни қуриш учун зарур бўлган бел ва чўкичлар берилсисн.

6. Денгиз офицерларидан поручик Кожин ва навигаторлардан 5 ёки кўпроқ кишилар ҳарбий қисмга қўшилсисн. Кожин савдогарлар ниқобида иш юритиши, навигаторлар эса Ёркентга юборилиши даркор. Кулюмов ўқув юрти талабаларидан икки инженер олинсин. Кожин зиммасига борган жойида молларни турларини ва умуман савдо-сотиқни яхши ўрганиш юклатилсисн. Унга савдогарлардан икки киши биркитилсисн. Булар кекса бўлмасинлар.»¹

Куриниб турибдики, Пётр I Каспий денгизининг шарқий қирғоқлари ва Хива хонлигини ҳамда иложи то-пилса Бухоро хонлигини ҳам ўз таъсир доирасига тортишга қаттиқ киришган. Бу ҳол Рус давлатининг чегарасини кенгайиши ва манфаатларини таъминлаши турган гап эди. Пётр I кучли флотга эга бўлганлигини ҳисобга олиб Амударёни Каспийга буриб, сув йўли орқали Хива ва Бухоро хонликларига, Ҳиндистонгача боришни ўйланган. Аммо, у Амударёни йўлини ўзгартиришни ўта қийинлигини, катта куч ва маблағ сарфланишини ҳисобга олмай хом-хаёл билан иш юритган.

1717 йилни 14 марта Бекович-Черкасский Пётр I фармонини амалга оширишга қаратилган талабларни ҳукумат сенатига қўйидаги тарзда маълум қиласди:

1. Мунтазам қўшиндан — 400, драгунлардан (отлиқлардан) — 1500, пиёда аскарларни офицерлари билан биргаликда — 2500, казаклардан 2000 кишини кийим-кечаклари билан, озиқ-овқатлари ва маошлари билан биргаликда берилсисн.

¹ Уша жойда, 58-бет.

2. Каспийнинг шарқий қирғогига қуруқ йўл билан бориши учун белгиланган 2000 кишидан иборат аскарларга камидан бир йилга етадиган озиқ-овқатлар, аравалар ва бошқа нарсалар ажратилсин. Шунингдек, Каспий денгизини қирғогида ҳарбий қалъа қуриш учун жұнатыладиган аскарларга тегишли озиқ-овқат ва бошқа нарсаларни олиб боришига кемалар берилсин.

3. Савдогарлар ниқобида Сирдаре бўйлаб Ёркентга олтин қидиришга ва Амударе бўйлаб Ҳиндистонга борувчи кишиларга маблағ ажратилсин. Улар шу даражада кўп ва яхши моллар билан таъминлансанларки, у жойларда ҳеч қандай шубҳа уйғотмасин.

4. Агар Хива хони 500 кишилик гвардияни сураб қолса у вақтда уларни бир йил муддат билан таъминлашга маош ажратилсин.

5. Хива, Бухоро ва Ҳиндистон ҳукмдорларига давлат ёрликлари (грамоталари) тайёрлансан.

6. 24 та тўпчилар, 2 та инженер, 3 та даволовчи ва кўп дори-дармонлар берилсин.¹

Демак Хива хонлигига қолдирилган рус аскарларини сони 500 киши ҳисобидан белгиланган. Ҳиндистон ва Ёркентга борувчи кишилар аслида савдогарлар бўлмай айгоқчи эдилар. Уларга сиёсий ва иқтисодий маълумотларни қўлга киритиш топширилган. 1717 йилни 14 марта ҳукумат сенати Бекович-Черкасскийни талабларини тўла қондириш ҳақида қарор қабул қилди. Жумладан, Ҳиндистонга борувчи «savdogarlariga» Москва ва Астраханда турли моллар сотиб олишлари учун ўша вақт учун салмоқли ҳисобланган 5000 сўм ажратилди. Ёркент шахрига 5 киши юбориш ва уларни маблағ билан таъминлаш ҳақида кўрсатма берилди.² Ҳарбий қисмни Қозон, Астрахан, Саратов, Дмитриев, Царицин, Красний Яр, Чёрний Яр, Самара ва Азов губернияларидан жамлаш буюрилди. Унинг умумий сони бир ҳужжатда 6344³, иккинчисида эса 6100⁴ киши кўрсатилган. Икки ҳолда ҳам у 6000 кишидан оз бўлмаган. Қўшин билан олиб кетиладиган тўплар учун 481 пуд порох, 1230 пуд қўргошин ва бошқа нарсалар ажратилди.⁵ Аскарларни ва офицер-

¹ Уша жойда, 61-бет.

² Уша жойда, 64-бет.

³ Уша жойда, 177-бет.

⁴ Уша жойда, 99-бет.

⁵ Уша жойда, 177-бет.

ларни ичишлари учун 4000 чөлак вино, 597 чөлак пи-во бериладиган бўлди. Хуллас, ҳарбий қисм ипдан-иг-нагача тўла таъминланиши, қанчадан-қанча яроғ-ас-лаҳалар ажратилиши назарда тутилди.

Астрахан ва бошқа жойларда олиб борилаётган тайёргарликлар ҳақидаги овозалар Туркистон ўлкаси-га етиб борган эди. Чунончи, 1716 йилда Астрахан орқали Россияга борган Хива хонлигининг элчиси уни ўз кузи билан кўрган ва эшитган эди. У ватани-га қайтгач бу ҳақда ўз хонига маълумот берган. Шун-дан кейин Шергозихон ўз қули остидаги ерларга ҳар-бий тайёргарликни кўриб тахт булиб туришни буюр-ган.¹ Бекович-Черкасский бундан жуда ташвишланган, албатта. Шунинг учун у гўё Хива хонлигига дўстлик ва тинчлик элчиси сифатида бораётганлигини ишон-тириш учун Иван Воронин ва Максим Святой ном-ли ўз кишиларини махсус хат билан Шергозихон ҳузурига юборган. Бу рус элчилари Хивада даставвал қаттиқ назорат остида яшаган бўлсалар, лекин қаёқладир кетган Шергозихоннинг келиши билан уларга бир оз эркинлик берилган. Улар хонликда ҳар-бий тайёргарлик кўрилаётганлигига ишонч ҳосил қилиб, буни маҳфий хат орқали Бекович-Черкасский-га етказганлар.²

Хива хонлигига рус қўшинларининг бўлажак тажо-вузига қарши тайёргарлик кўрилаётганини қалмоқ хо-ни Аюқхон ҳам хабар қилган. У 1717 йил 16 майида рус маъмуриятига ёзган хатида шундай деган: Менинг Хива хонлигига бориб келган одамим гувоҳлигига кўра 2000 кишидан иборат хиваликлар, қорақал-поқлар ва қозоқлар бирлашиб чегара жойларда тури-шибдилар. Улар йўллардаги қудуқларни кўмганлар, ҳамда жанг қилиш ниятидалар. Йўллардаги иссиқ жа-зира маънавиатида ўтлар йўқ, тагин рус аскарлари оғир аҳволга тушиб қолмасинлар. Вазиятни батафсил ту-шунтириш учун 7 кишини юбормоқдаман.³ Хуллас, ҳар иккала тарафда келажакдаги ўзаро тўқнашувга тайёргарлик олиб борилган. Манбаларга кўра Беко-вич-Черкасский биринчи навбатда Амударёни Каспий денгизига буришга доир маълумотларни қўлга кири-

¹ Уша жойда, 138-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 131—132-бетлар.

тишга ҳаракат қилган. У 1715 йилда Астрахандан Каспий бүйлаб туркманлар яшайдиган жойларга бориб Сайдмамад, Салмон, Бегенч, Пұлат Бахши, Манглай, Қашқа (манбада исмлар бузыб Ѽзилган) ва бошқа нұғузли кишилар билан Амударө хусусида суҳбатлашған.¹ Туркман вакиллари үтмишда Амударёни Каспийға құйилғанligини тасдиқлаб, 20 чақирим масофадаги ер қазилса уни эски йұлға оқизиш мүмкінligини айтғанлар. Бекович-Черкасский бу масаланы аниқлаш учун биладиган одамни беришни сұраганда улар Нафасхұжа деган туркманни тавсия эттәнләр.² У бу кишига Астрахан дворянни Иван Звонский ва Николай Фёдоров деган кишиларни құшиб Амударёни эски үзанини аниқлашни буюрган. Улар Нафасхұжа бошлигидә йұлға чиқиб Хива хонligига 17 қунлик масофадаги Қарагоч деган жойға келғанлар. Бунинг атрофида баландлығи бир метр чорак, узунлиғи беш чақирим, эни уч метр келадиган тепалик күзға ташланған. Нафасхұжа мана шу тепалик олиниб ариқ қазиб борилса Амударёни Каспийға бурса бұлади, деган фикрни айтған.³

Бекович-Черкасский қанчалик ҳаракат құлмасин барыбір Амударө ҳақида етарли маълумот ололмади. Бекович-Черкасский Пётр I нинг ҳарбий истеҳкомлар қуриш ва бу билан Каспий деңгизининг шарқий Қырғоқларида Рус давлатининг таъсирини үрнатыш ҳақидағи күрсатмасини адо этишга киришді. У 1716 йилни 15 сентябрьда 69 кемада Каспий деңгизи бүйлаб Астрахандан 290 чақирим масофада жойлашған Тюрккараган деган жойға — Мангишлоқға келди.⁴ У бу ерда құшин билан үрнашиб Святой Пётр I номида ҳарбий истеҳкомини қурдирди. У бу ердан Бухоро хонligига әлчи этиб тайинланған Кожин ва Пётр Давидовни Астррабодға жүннатади. Чунки бу ер орқали Бухорога бориш режалаштирилған эди.

1716 йилни 23 октябрьда Бекович-Черкасский иккінчи ҳарбий қалъани қуриш учун иккі полқдан иборат құшин билан Красноводскка йўл олди. Күп үтмай бу ерга Эрон маъмурология рухсат бермаганligи орқасида Бухорога юборилған Кожин ва Пётр Давидовлар

¹ ЦГВИА России д, 35, л. 356.

² Үша жойда.

³ Үша жойда.

⁴ Үша жойда, 342-бет.

қайтиб келдилар¹. Манбада Пётр Давидов «Морской подпоручик» дейилган.² Афтидан, бу элчига сув йўла-рини ўрганиш ва маълумотлар тўплаш топширилган.

1717 йилни 20 февралида Бекович-Черкасский Красноводскда қалъа қуришни йўлга қўйгандан кейин қуруқ йўл билан Астраханга қайтади. Бу ерда у Хивага қарши ҳарбий юришни охирги тайёргарлиги билан шугулланади. Бу вақтда Хива хонлигининг куч-кудра-ти анча кучайиб, Марвдан то Астрободгача бўлган ер-лар (тоғ этаклари) бўйлаб Атрек, Гургон соҳилларида яшовчи форс ва туркманлар бўйсундирилган эди.

1717 йилни баҳор кезларида Бекович-Черкасский қўшиннинг бир қисмини қуруқ йўл бўйича, ўзи эса аскарлари билан кемада Каспий денгизи билан Гурьевга келди. Гурьевга 60 та рус аскарлари балиқ ови билан шугуланаётганларида қорақалпоклар қўққисдан ҳужум қилиб уларни асири олиб отларини ҳайдаб кет-ганлар. Бекович-Черкасский дарҳол уларни орқасидан қувиб асиirlарни ва отларни кутқарган. Бекович-Черкасский сўровига мувофиқ, қалмоқ хони Аюқхон Манглай Қашқа бошлиқ 10 кишини йўл кўрсатувчи сифатида юборган. Шунингдек унга юқорида қайд қилинган Нафасхўжа ҳам кузатувчи тарзида қўшилган. Бекович-Черкасский 3000 дан ортиқ қўшин ва хизматчиilar билан 1717 йил май охири ёки июнь бошларида Гурьевдан чиқиб, Хива томон юради. У билан бирга Астрахан татарларини (70 кишилик) савдо карвонлари ҳам йўлга отланади. Бекович-Черкасский Ёмба аригини кечиб ўтиб, ҳамда юқори қисми томон юриб икки кундан кейин Багачат деган жойга қўнди. Шундан кейин қўшин Дучкон, Мансулмас, Чилдоп, Сан Дурали, Янгисув сингари қудуқларни босиб ўтган. Бу вақтларда жазира маҳалла илари иссиқ барча ўтларни қуритиб юборганлиги орқасида қўшинга тегишли от ва туяларни боқиши анча қийинлашган. Бекович-Черкасский ўзини босқинчилик юришини ниқоблаш мақсадида Янгисувга келганда Михаил Коретовни тинчлик ва дўстлик элчиси сифатида бораётганлигини маълум қилиш учун Шерозихон ҳузурига жўнатган.³ Шундан кейин қўшин йўлни давом эттириб Шершик

¹ Уша жойда, 342-бет.

² Уша жойда, 347-бет.

³ ЦГВИА России д., 35, л. 305.

қудуги ва Қоракумобод ариги орқали Оққұл аригига келган. Күп үтмай Хива хони Шергози номидан икки киши ва юқорида қайд қилинган Коретовни бир одами Бекович-Черкасский ҳузурига келғанлар.¹ Хива элчилари хон номидан от, түя ва моллардан иборат совғаларни Бекович-Черкасскийга топширган.² Шу рационалда Шергозихон душманни ёвуз ниятини яхши билсада, лекин сир бой бермай иш юритади.

Бекович-Черкасский Хива элчиларига үзини элчи сифатида келаёттанини такрорлади. Рус қүшини Оққұлдан чиқиб Қораоғоч деган ариққа құндилар. Бу ердан Хивагача түрт кунлик йүл қолған эди. Бундан хабар топған Хива қүшинлари рус аскарларига ҳужум қылдилар. Вокеа гувоҳларининг сўзига кўра, ватан ҳимоячилари пилтали оддий милтиқ, қилич, найза, ойболта, уқ-ёй ва бошқа оддий аслаҳалар билан қуролланғанлар. Русларда эса тўп, милтиқ ва бошқа такомиллашган қуроллар бор эди. Манбаларда Хива қүшининг сони турлича, яъни 100 минг ёки 60 минг кўрсатилган.³ Жанг уч кун давом этгандан кейин тўртингчи куни Хива хони Шергозихон Эшонхўжа исмли элчисини юбориб ярашишини таклиф этди. Элчи Бекович-Черкасскийга шундай деди: Хиваликлар узбошимчалик билан рус аскарларига ҳужум қылғанлар, хон эса билмай қолған. Хоннинг сўрови шундан иборатки, агар Бекович-Черкасский ҳақиқатан ҳам элчи сифатида келған бўлса у вақтда ишонч ҳосил қилдирсин.⁴

Бунга жавобан Бекович-Черкасский: Мен рус императори Пётр I номидан ёрлиқ ва оғзаки топшириқлар билан элчи сифатида келдим, деган. У астраханлик татар Олтин Ҳусаинов деган кишисини Эшонхўжа билан бирга Шергозихон ҳузурига юқоридаги гапларни етказиши учун юборди. Олтин Ҳусаиновни Шергози эмас, балки лашкарбоши Қулунбай қабул қилиб унга айтганки, агар Бекович-Черкасский ҳақиқатан ҳам элчи сифатида келған бўлса, у вақтда хон ҳузурига узи ташриф буюрсин. У бу сўзларни

¹ Уша жойда, 304-бет.

² Отларни толиқиб қолиши орқасида Янгисувда минг кишилик рус аскарлари қолдирилган эди. Оққұлда туялар топилиб уларга юборилган эди. Шундан кейин улар ҳам Оққұлга келғанлар. Афтидан туялар туркманлар ёки қозоқлардан сотиб олинган.

³ ЦГВИА России д., 35, л, 307.

⁴ Уша жойда.

Эшонхұја билан орқага қайтиб Бекович-Черкасский-га етказған.¹

Хива қүшини рус аскарларини атрофини үраб: агар Бекович-Черкасский ҳақиқатан ҳам әлчи сифатида келған бұлса, у вақтда буни үзи ўртага чиқиб айтсін ёки урушадиган бұлса жаңгга түшсин деб бақиришған.² Бунга жавобан Бекович-Черкасский хиваликлар узокроқ жойга тисланса ва Шергозихонни үзи келса чиқиши мүмкінligини билдирган. Шунингдек у олдинги жаңғда руслардан олти киши үлдирилғанligини айтиб ишончсизлик билдирган.³ Бошқа ҳужжатда үлғанларнинг сони 10 киши дейилған.⁴ Бекович-Черкасский буйруги билан иккі кун давомида ватан ҳимоячиларига қарши тұп ва мильтиқлардан үқ узилди. Шундан кейин хиваликлар бир қақирем орқага чекинділар.

Шу тахлитта ватан ҳимоячилари билан рус қүшинлари ўртасида иккі маротаба қонли тұқнашув содир бұлды. Ағсуски, бу жаңглар ҳақида маҳаллій манбаларда маълумотлар топилғани йўқ. Улар күпроқ рус архивларида сақланған. Булар асосан Бекович-Черкасскийнинг ҳарбий юришида бевосита қатнашған туркман Нафасхұја, Олтин Хусаинов, Ёйиқ казаки Федор Емельянов, Михаил Спиридонов, Уразмат Аҳметов сингари кишиларни хотираларини үз ичига олади. Уларни күрсатишича айтилған жаңғдан кейин үша хивалик Эшонхұја яна қелиб оролликлар ва туркманлар хонни рухсатисиз үzlарича ҳужум қылғанларини баён этган. Шунингдек, у ҳеч нарсадан хавфсирамай хон олдига боришга даъват этган.⁵

Бекович-Черкасский бунга жавобан астраханлик татар Исмоил Мирза ва Худойқул Мирзани Шергозихон ҳұзурига юбориб, рус давлатини әлчиси эканлигини ва қорақалпоктарни ҳужумларидан сақланиш учун қүшин билан келғанligини билдирган.⁶ Маълум вақтдан кейин рус әлчилари хоннинг лашкарбошиси Құлунбек ва Назархұја исмли киши билан келған. Шундан кейин ҳар иккі томон бир-бирларига ҳужум

¹ Үша жойда, 308-бет.

² Үша жойда, үша бет.

³ Үша жойда, үша бет.

⁴ Үша жойда, үша бет.

⁵ Үша жойда, 311-бет.

⁶ Үша жойда, үша бет.

қилмасликка келишдилар. Сұнгра Шергозихон Эшонхұжаны юбориб Бекович-Черкасскийни үз ҳузурига таклиф этади. Бунга розилик билдириб Бекович-Черкасский, княз Михаил Замонов, бригада комиссари Григорий Волков, 700 аскар ва бошқа бир нечта кишилар билан хон ҳузурига йүл олди. Қүшинга унинг орқасидан юриш буюрилди.¹ Кейинги воқеа қай тарзда борганлигини жонли гувоҳ Олтин Ҳусайнов шундай таърифлайди: Бекович-Черкасский ва Михаил Замонов Шергозихон үрнашған чодирга киритилди. У Пётр I Олий ҳазратларининг ёрлигини, ясантирилған от, мовут, 5 газдан газламалар, каллақанд, кумуш идишаридан иборат совғаларни хонға топширди. Улар чодирда икки соат сұхбатлашдилар ва овқатландилар. Үз навбатида хон ҳам Бекович-Черкасскийга безатилған энг яхши отни ҳадя қилди. Шундан кейин Бекович-Черкасский унинг учун белгиланған чодирға келиб үрнашды. Күп үтмай хон олган совғаларни, хусусан газламаларни чириғанлиги учун Бекович-Черкасскийга қайтариб юборған. Бу Бекович-Черкасскийни шу даражада хижолатта ва ҳаяжонға солғанки, күз ёшлари билан «Нима учун шундай қылдинг?» — деб Михаил Замоновни қоралаган. Бунга Замонов: «Мабода орқага қайтишимизга тұғри келса, бир кунимизга ярап, деб қылдим», деб жавоб берган. Кейинги куни Шергозихон ва Бекович-Черкасский биргаликда Хива томонға йүл олдилар. Кечқурун улар тұрт соат мобайнида сұхбатлашиб овқатландилар. Сұнгра йүл давом эттирилиб Хива қүшини Бекович-Черкасский орқасидан келаётган рус аскарларини унға яқынлаштирмади. Хивага икки күнлик йүл қолғанда Порсунгүл деган дарәга келишдилар. Рус аскарлари бу ердан икки чақирим нарида тұхтадилар. Эрталаб Шергозихон Бекович-Черкасский ҳузурига тұрт үзбекни юбориб рус құшинларини барчасини Хивада жойлаштиришни ва таъминлашни имкони йүқлигини ва уларни беш қисмда тақсимлаб, турли шаҳарларға үрнаштиришни таклиф қилди. Шунингдек, Бекович-Черкасскийга үз ёнидаги 700 қишини ҳам тарқатиб 200 одам билан келишни таклиф этди. Бу сұровлар қабул қилиниб беш қисмға ажратылған рус аскарлари хон амаддорларини кузатувида беш тарафға олиб кетилди. Шундан

¹ Уша жойда, 339-бет.

кейин,— деб сүзини давом эттиради Олтин Хусаинов,— Шергозихон буйруги билан княз Михаил Замонов, астраханлик дворянин Кирьяк Экономов, сұнгра Бекович-Черкасский ечинтирилиб бошлари қиличдан угказилди. Бу воқеа 1717 йил 29 августда содир бўлди. Рус аскарлари ҳам йўлларда қириб ташланди, маълум қисмигина асирикка олиниб, қулга айлантирилди. Курсатилган уч кишини бошлари Хивадаги бозорда осиб қўйилиб жамоа аҳлига намойиш этилган.

Шу тарзда Шергозихоннинг (1715—1728) ута эҳтиёткорлик ва билимдонлик билан юритган сиёсати бир неча баробар кўп кучга ва яроғ-аслаҳага эга бўлган уч минг кишилик рус қўшинларини мағлубиятга учратди.¹ Ватан ҳимоячилари тўп, милтиқ, қилич ва бошқа яроғ-аслаҳаларни улжага олдилар. Шергозихон уз галабасини намойиш этиш учун Бекович-Черкасскийни калласининг терисини шилиб ва ичига сомон тиқиб Бухоро хонига жўнатди. Аммо, бу ерда хон Россия билан алоқани ёмонлашишидан кўркиб «совгани» нафрат билан қарши олди ва дарҳол қайтариб юборди.² Шунингдек Шергозихон рус асиридан олти кишини Бухоро хонига ва 10 кишини қалмоқ хонига «совга» сифатида жўнатган.

Бекович-Черкасскийни тор-мор этилиши бутун Россияни ларзага соглан, десак муболага бўлмайди. Чунки бу нохуш хабарни биринчи навбатда Пётр I қаттиқ ҳаяжон ва алам билан қарши олди. Оврупадаги энг йирик ва қудратли Россия империясининг кичик бир хонлиқдан енгилиши жаҳон даврасида Пётр I ни ноқулай ҳолатга солиб қўйиши турган гап эди.

Гарчанд, Шергозихон катта зафарни қўлга киритган бўлса-да, рус давлати билан дипломатик ва савдо алоқаларини тиклаш йўлларини қидирди. Чунончи, у 1720 йилда Ваисмаматни элчи сифатида Россияга юборди. Бу элчи олиб келган ёрлигида хонликни Эрон билан уруш олиб бораётганлиги хабар қилиниб Бекович-Черкасский муносабати билан узилиб қолган алоқаларни тиклаш зарурлиги Пётр I га маълум қилинган. Бу билан баробар Бекович-Черкасский кўп

¹ Бу вактларда Хива хонлигини Эрон билан алоқаси кескин тус олган. Шунинг учун ҳам Эрон шоҳи Бекович-Черкасскийга ёрдам бериш учун Астрабодда 60 минг аскарни тайёрлаган. Аммо, Бекович-Черкасскийдан ҳеч қандай сурʼов булмаганлигидан ният амалка ошмаган.

² ЦГВИА России, д., 35, л. I.

сонлик құшын билан келиб хонликни босиб олмоқчи бұлғанлиги учун унинг құшинларига зарба берилғанлиги үқтириб үтилған.¹ Гарчанд, Шергозихон үз ватанига бостириб кирған босқинчини тор-мор этиб халқ олдидаги муқаддас бурчини адо этиб, яхши ният билан Россияга әлчи юборған бұлса-да, лекин Петр I нинг алами ва нафрати шу даражада күчли бұлғанки, у дипломатиянинг оддий қонун қоидаларини онгли равищда бузади. Чунончы, ұша Хива әлчисини 5 та ҳамроҳи билан Астрахандан соқчиларнинг қаттиқ назорати остида Петербургга келтириб Петрапавловск қамоқхонасига ташлайди.²

Бундай шармандали иш дипломатия тарихида камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Кейин Ваисмамат ташқи ишлар коллегиясига чақирилиб сұхбат үтказилған. Элчи сұхбатда Хива хони савдони тиклашни сұрағанлигини маълум қилған. Коллегия бошлиқлари савдони кучайтириш ва Тюпкараган қалъасини қуриш учун юборилған Бекович-Черкасскийни үлдирилишини қоралаганлар. Коллегияда Бекович-Черкасскийни хуни учун әлчини үлдириш лозим дейилганда, әлчи «Бу сизларнинг ишиңгиз», — деб мардонавор жавоб берган.³ Элчи Ваисмамат 1721 йилнинг 10 марта қамоқхонада вафот этган. Шубҳасиз, у қасос олиш мақсадида ҳукумат томонидан үлдирилған. Унинг ҳамроҳларидан бири Күчак номли кишигина рус ҳуқуматининг рус асиrlарини озод қилиш қақидаги хати билан Хивага жұнатылған.⁴ Қолған учта Хивалик 1724 йилда қамоқхонада учтыйлғандан кейин катортага ҳукм қилинған.

Шергозихон рус давлатининг әлчига нисбатан гайриқонуний муносабатига қарамай алоқаны тиклашдан воз кечмади. У 1721 йилни бошида Бухорога рус әлчи-си Флорид Беневенини келғанлигини эшитиб уни Хивага келишини ва бу ерда зёр ҳурмат билан қабул қилинишини маълум қилди. Ҳақиқатан ҳам Ф. Беневени Хивага келғанда ҳурмат билан кутиб олинди. Қабул маросимида Шергозихон Россия билан савдо алоқаларини тиклашни ва душманлықдан фойда йүқлигини Ф. Беневенига айтган. У Бекович-Черкас-

¹ Архив внешней политики России., Ф. Сношения России с Хивой (АВПР) д. 1. л. 85.

² Ұша жойда, ұша бет.

³ Ұша жойда, 86-бет.

⁴ Ұша жойда, 88-бет.

кий воқеасига тұхтаб, әлчи тарзида әмас, балки күп аскарлар билан Хива хонлигини босиб олиш учун келганилигини баён этди. Шергозихон рус әлчиси билан бирга Субхонкули номли кишисини әлчи сифатида Россияга юборган. Аммо Хива әлчиси 1725 йилда Пётр I үлгандан кейин Петербургга келди.¹ Бу ерда у Шергозихоннинг савдо алоқаларини тиклаш ҳақидаги ёрлигини рус ҳукуматига топширди. Натижада, Хива хонлиги билан рус давлати үртасида савдо алоқаларини тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди.² Бунда алоқаны узилиши орқасида Каспий-Волга йўлидаги савдога путур етганлиги ва бож йигишнинг камайиб кетганлиги кўрсатилиб хонлик билан савдони қайта йўлга қўйиш зарурлиги уқдирилган.³ Рус подшоҳлари Хива хонлиги билан савдо алоқасини тикланиши муносабати билан Туркистон ўлкасида маҳсус савдо карвонларини юбориш тўғрисида фармон чиқарди. Карвонбоши лавозимига Астраханда яшовчи самарқандлик ўзбек савдогари Ёдгор Олимов тайинланди.

Олдинги саҳифаларда Бухоро хони Абулфайзхон Бекович-Черкасскийни ўлдирилишига қарши ўз нафратини билдирган эди. У бу билан чегараланмай ўша Ф. Беневени орқали Пётр I номига хат юбориб ўзаро әлчилик ва савдо алоқаларини кучайтириш таклифи билан бир қаторда Шергозихоннинг Бекович-Черкасскийга нисбатан бўлган муносабатини қоралаган. Ҳатто, хон Хива хонлигига қарши қўшин юборганилиги маълум қилиган.⁴ Хуллас Абулфайзхон Рус давлатини Хива хонлиги билан алоқасини ёмонлаштиришга уриниб, ўзини унга дўстлигини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Шунингдек, Абулфайзхон тобора кучайиб бораётган Хива хонлигини ишларига аралашиб оролликларни Шергозихонга қарши бош кўтартирди. Оролликлар уни ўрнига Бухорода яшовчи шаҳзода Темур Султонни тахтга ўтказиш учун ҳаракат қилганлар.

Бекович-Черкасскийнинг маглубияти Пётр I нинг Каспий денгизини шарқий қирғоқларини эгаллашга қаратилган ҳаракатларига ҳам зарба берди. Архив хужжатларига кўра, Тюлкараган ва Красноводскидаги ҳар-

¹ АВПР, Ф. д. 1, л. 3.

² Ўша жойда. 26-бет.

³ Ўша жойда. 98-бет.

⁴ Ўша жойда, д. 18250, л. 1.

бий истеҳкомларда шароитни оғирлиги орқасида Бекович-Черкасский қолдирган аскарларни кўпчилиги дардга чалинган ёки ўлган.¹

Буни устига туркман қабилалари қалъаларга ҳужум қилиб, ўнлаб рус аскарларини асирилкка олганлар. Уларни орасида ўлдирилганлар ҳам бўлган. Ҳатто, Хива хони бу ерга ҳужум қиласмиш деган овозалар тарқалган. Пётр I ўлимидан кейин қанчалик вақтларнинг ўтиши билан кўрсатилган қалъаларга эътибор шунчалик пасайиб борди. 1717 йилни охирида қолган оз сонли рус аскарлари қалъаларни ташлаб Астрахангга қайтишга мажбур бўлдилар. Туркистон ўлкасини рус давлатини таркибига киритишга қаттиқ бел боғлаган Пётр I Бекович-Черкасскийнинг тор-мор этилишидан шу даражада аламга тушганки, ҳатто, ўлим тӯшагида ётганида ҳам Хива хонлигидан «қонга — қон» тарзида хун олинишини васият қилган.² Рус шоири А. С. Пушкин сўзича «Пётр I икки армон билан кетди: бири Прут соҳилидаги маглубияти учун Туркиядан, иккинчи Бековични қатли учун Хивадан ўч ололмаган эди».

Пётр I Каспий қирғоқларини Эрондан урушиб олгандан кейин «улугдавлатчилик гоялари» янада жўш уриб, шундай деган экан: «Астрободдан Балхга ва Бадахшонга фақат 12 кунлик йўлдир. Бухоро барча Шарқ савдосининг марказидир. У томонларга борадиган йўлларга ҳеч ким тўсиқ бўла олмайди».

Бинобарин, у Эрон орқали ҳам Туркистонни ўз таъсир доирасига олишни режалаштирган. Пётр I нинг энг яқин одамларидан бири Волинскийнинг эсадалигига кўра, Пётр I фақат Эронни эмас, балки то Ҳиндистон ва Хитойгача бўлган ерларни ўз қўл остига олиш ниятида бўлган. Уни таъкидлашича, Пётр I тирик бўлганда бу ишларни амалга оширилиши турган гап эди.

Хуллас, Хива хонлиги томонидан Бекович-Черкасскийнинг тор-мор этилиши рус давлатининг босқинчилик сиёсатига қаттиқ зарба берди. Шундан кейин рус ҳукумати узоқ вақтгача Туркистон ўлкасига ҳарбий юриш уюштиришни лозим кўрмади. Бироқ унга зимдан ва аста-секин тайёргарлик ишларини амалга ошириб борди.

¹ Ўша жойда, д.5, л.141.

² АВПР.Ф.д.1, л.1.

ҚОЗОФИСТОНДА РУС ДАВЛАТИ ХЎКМРОНЛИГИНИНГ ЎРНАТИШИ

Афтидан, Пётр I Каспий денгизи ва Устюрг орқали Хива хонлиги ва умуман ўзбек хонликларини эгаллашни мушкуллигини англаган бўлса керакки, Россияни биринчи навбатда Қозогистон ерларида эгалигини таъминлашга даъват этган. «Шарқ билан алоқада, — деган у, — Қозогистон тасарруфи калит ва дарвозадир. Шунинг учун миллионлаб пул сарфланса ҳам Қозогистонни бўйсундириш ёки ҳеч бўлмаса у ерда Россия таъсирини ўрнатиш зарурдир». Пётр I нинг бу орзузи ўлемидан кўп ўтмай замон тақозосига кўра жуда осонлик билан амалга ошиб борди. Чунончи, XVIII асрнинг биринчи чорагида ва кейинги йилларда қозоқ сultonларининг ўзаро урушлари, айниқса, қалмоқларнинг тажовузлари аҳволни гоятда ёмонлашишига олиб келди. Шу боис қозоқларнинг айрим юқори табақа вакиллари Рус давлати тобелигига ўтишга ва бу билан ўзларини хавфсизлигини таъминлашга қаттиқ ҳаракат қилдилар. 1730 йилнинг 30 сентябрида Абулхайрхоннинг Сайқул Қайдагулов ва Қутлумбет Кашкаев бошчилигидаги элчилари Уфага келиб, рус маъмуриятига Ўрта ва Кичик Жуз қозоқларини Рус давлати тобелигига олиш ҳақидаги сўровини топширди. Рус ҳуқумати буни бажонидил қабул қилиб, шуни таъкидлаб ўтдики, қозоқларни тобеликка олиниши Хива хонлиги ва бошқа жойларни бўйсундирилишини осонлаштиради.¹ Айни пайтда у савдони ривожланишида муҳим ўрин эгаллаши уқдириб ўтилди.

1731 йил 19 февралда император Анна Ивановна Кичик Жуз қозоқларии ихтиёрий равища рус давлати тобелигига ўтказилиши ҳақидаги ёрлиқقا имзo чекди. 1731—1740 йилларда Ўрта Жуз қозоқлари ҳам Рус давлати тобелигига олинди. Бу вақтларда Хива хонлигига таҳт учун курашлар шу даражада қизиб фожеали оқибатларга олиб келдики, пировардида ўзбеклардан хонликка номзод тополмай қозоқ сultonларидан бири бўлмиш Элбарс (1728—1740) таҳтга ўтқазилди. Юқорида қайд қилинган Абулхайрхон

¹ Книга Азиатского департамента. № 21, л. 76.— «Красный Архив», 1938. Т.2, (87), С.134.

бундан фойдаланмоқчи бўлиб Хива хонлигини ҳам Рус давлати тобелигига ўтказишга қаттиқ киришиди. Бунга эришмоқ учун ўз угли Нуриллахонни Элбарс ҳузурига юборди. Аммо, хонликдаги Россияга қарши кучлар бунга йўл қўймади. Хива қўшинларини Элбарс бошлигидаги Хурсонга қилган тажовузига жавобан Эрон шоҳи Нодир Хивага қарши йўлга отланди. Хонқада Эрон аскарлари қамалга олинган Элбарсни ўлдириб галабага эришдилар. Бу ерда уруш кетаётганда юқори табақа вакиллари Абулхайрхонни олиб келишиб хонлик тахтига ўтказдилар. У Нодиршоҳни келаётганлигини эшитиб Хивадан қочишига ултурди.

Шу тариқа Рус давлати қозоқ жузлари орасида салмоқли ўринни эгаллаган Абулхайрхоннинг ташаббуси ва ҳаракатлари натижасида Кичик ва Урта Жузларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш имконига эга бўлди. Натижада Рус давлати нодир табиий бойликларни, белоён ерларни, карвон йўлларини ва бошқа кўп даромад манбаларини қўлга киритди. Шундан кейин у жойларда рус шаҳарлари ва бошқа турар жойлар, саноат корхоналари ва турли конлар юзага келди. Булар Рус давлатини ҳар жиҳатдан қудратини ошиб боришини таъминлади. Бу борада Оренбург шаҳрини барпо этилиши муҳим ўрин эгаллади. XVIII асрни 30-йилларида Қозогистон ерларини ўзлаштириш ва савдони ривожлантириш учун Ейиқ (Урал) дарёсига қўйиладиган Ор дарёси бўйида ҳарбий қалъя қуришилди. 1734 йилни баҳорида ҳукумат К. К. Криллов бошчилигидаги Оренбург экспедициясини ташкил қилди. К. К. Крилловга ҳарбий қалъани қуриш билан бир қаторда ўзбек хонликлари билан алоқаларни ривожлантириш ҳамда ўзбек савдогарларига имтиёзлар бериш сингари вазифалар юклатилди. Хуллас, рус ҳукумати Оренбург шаҳрини Туркистон ўлкаси билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларини кўприги сифатида бунёд этадиган бўлди. У ўзининг кўрсатмасида Тошкент, Туркистон, Хўжанд, Хива ва Бухоро билан алоқани юқори даражага кўтаришга алоҳида аҳамият берган.¹

Биринчи навбатда у ердан Бухорога савдо карвони-

¹ ЦГАДА России, ф. 19., Финансы, д.5, л.4.

ни юбориши режалаштирилди.¹ Ҳатто ўзбекларга Оренбургда доимий яшаш учун рухсат берилди.²

1735 йилни 15 августидаги Оренбургнинг биринчи пойдевори қўйилди. Бу воқеада тошкентлик савдогарлар ҳам қатнашганлиги маълумдир.³

Оренбургнинг табиий шароити ва жойланишини ноқулайлиги туфайли уни Красная Гора деган жойга кўчиришга қарор қилинди. Бу иш 1739—1741 йилларда амалга оширилди. Шунингдек Оренбургнинг яқин ва узоқ атрофларида Губерлин, Озер, Бузулук, Барс, Красно-Самарск, Тобин, Чеборкул, Красно-Уфим, Елдяц, Кубов, Миасск, Кивилтон, Қалмоқ-борди, Серднати, Берд, Крылов, Карапул, Верхний, Сорочий, Тоцкий, Воззвиженский, Танальц, Илецк, Ёйик ва Троицк каби қалъалар пайдо бўлди.

1744 йилга келиб Оренбург губернияси ташкил топиб у Кама дарёси, Каспий денгизи, Фарбий Сибирь ва қозоқ даштлари ўртасидаги бепоён ерларни қамради. Бу жойларда юзага келган шаҳарлар ва ҳарбий истеҳкомлар Туркистонни келажакда босиб олинишида муҳим таянч бўлди. Айни бир пайтда Оренбург Россиянинг Туркистон ва бошقا Шарқ мамлакатлари билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ривожланишида муҳим марказлардан бири ҳисобланди. Рус давлати фақат Ёйик эмас, балки Сибирь томонидан ҳам Қозогистонда ўз мавқенини мустаҳкамлайдиган ва ҳарбий юришларни уюштиришни таъминлайдиган таянч нуқталари бунёд этди. Масалан, Омск (1715), Железинск, Петропавловск, Семипалатинск (1718), Устькаменогорск (1720) ва бошقا қалъалар ва шаҳарлар қурилди. Жами 60 дан ортиқ катта-кичик ҳарбий истеҳкомлар юзага келган. Хуллас, Рус давлати қанчалик вақтларнинг ўтиши билан Қозогистонда шунчалик кўп ўз мавқенини мустаҳкамлаб ўзбек хонликларга хавф тугдериб борди.

¹ Ўша жойда, ўша бет.

² Ўша жойда, ўша бет.

³ Ўша жойда, 77-бет.

1839 ЙИЛДА ХИВА ХОНЛИГИГА ҚИЛИНГАН ТАЖОВУЗ

Бу даврга келиб Рус давлатини ҳукмрон доиралари орасида үзбек хонликларини босиб олиш ҳаракатлари кучайтган эди. Чунончи, 1835 йилда Оренбург генерал-губернатори В. А. Перовский император Николай I га маҳсус ҳат билан мурожаат қилиб, унда Хива хонлигига қарши нафрат уйготишга қаттиқ уринади. У Хива хонлари узоқ вақтлардан буён душманчилик қилиб келаётганлигини, гүё савдо карвонларини талаётганлигини ва рус асиirlарига ёввойиларча муносабатда бўлинаётганлигини кўпиртириб таърифлади. Шунингдек, Хива хонлиги аҳолисини маданиятсизликда, қолоқликда ва ҳатто ваҳшийликда айблади. Ҳатто, у Бекович-Черкасскийни қийнаб ўлдирилганлигини ҳам эслатиб қўйди. Шу равишда генерал Перовский қандай бўлмасин императордан Хива хонлигига қарши ҳарбий юришга рухсат олиш учун ҳеч нарсадан тоймади. У ўз ҳатини қўйидаги тарзда тугаллаган: «Франция Жазоирни урушиб олиши учун миллионлаб сўмларни сарфлади, лекин бу харажатларни доимий равишда бир неча марта кўпайтириб қоплаб турадиган мамлакатга эга бўлди. Россиянинг Хива хонлигини босиб олиши эса ўша харажатларнинг ўндан бирига ҳам арзимайди. Аммо, урушиб олинса Урта Осиё бизни маданиятимиз, савдо ва саноатимиз, бошқарув тизимимиз киришида тараққиётга эришиб асрлар мобайнида давом этиб келаётган зулм ва азоб-уқубатдан халос бўлади»¹. Бинобарин рус ҳарбий саркардаси Хива хонлигини эгаллаш катта бойлик беришига эътиборни қаратаркан, Россия гүё тараққийпарварлик вазифасини бажаришини писандади. Бу сиёsat учун ёзилган гап эди, албатта.

1837 йилда рус императори Николай I (1825—1855) Хива хонлигини босиб олиш ҳақида В. А. Перовскийга фармон берди. Шунга мувофиқ бу генерал рус императорига 4000 кишилик аскар ва 12 тўп ажратилишини тавсия этди. Юришга сарфланадиган маблағни ҳажми 1.689 минг қофоз пул ва 575 минг кумуш сўм миқдорида бўлиши кўрсатилди. 1839 йилда 4250 та аскар, 18 та тўп, 2090 кишидан иборат қўшин жамланди. Сунгра, ўша йилни 14 ноябрида Хивага қарши

¹ ЦГВИА России., ф. ВУА.д. 18250., л. 8.

йулга чиқилди. Генерал Перовский бошчилигидаги қүшин 19 декабрда Эмба қалъасига үрнашди. Шу орада қаттиқ совуқ ва буронни туриши рус аскарларни оғир ахволга солиб қўйди. Ҳатто уларни орасида улганлар кўзга ташланди. Туя ва отларни боқиши қийинлашиб бирин-кетин ўла бошладилар. Рус қүшинларини келаётганлигидан хабар топган Хива хони Оллоқулихон уларга қарши аскарларини юборди. Булар йулда Бухорога элчи сифатида келаётган русларни, хусусан капитан Ковалевскийни ва штабс капитани Григасни асир олдилар. Аммо, асирлар қочиб кутилишга эришдилар. Бу вақтларда генерал Перовскийнинг қүшинини бир гуруҳи олдинроқ келиб «Чўчқа кўл» деган жойга үрнашиб олган эдилар. Бу воқеа маҳалий манбада шундай таърифланган: — руслар «Чўчқа кўлга» келиб қалъа қуришидан мақсад Хива хонлигини босиб олишга тайёргарлик қуриш эди. Оллоқулихон бундан хабар топиб Отамурод қушбегини 18 сардор ва 8 минг киши билан ўша жойга жўнатди. Хива қўшини Хивадан чиқиб Урганч, Қизилгунбанд деган жойлар орқали қозоқ йўлларига утдилар. Сўнгра улар «Ёмон минг йилқи» деган жойга келишганда сардорлардан бири — Муҳаммад ясовулбоши вафот этди. Унинг мурдаси Хивага юборилди. Шундан кейин Хива қўшинлари бир неча манзил йўл юриб «Чўчқа кўлга» келишди. Сўнгра душманга ҳужум қилинди. Асирикка олинган бир рус кишиси кўп сонли рус қўшинларини эрта-индин бу ерга етиб келишини, қалъада ярог-аслача кўплиги ҳақида маълумот берган. Шунга қарамай ватан ҳимоячилари русларга қарши ҳужум бошладилар. Аммо, об-ҳаво айниб қаттиқ совуқ ва буронни тутиши ҳамда қалин қори ёгиши жангни давом эттиришга йўл бермади. Жангда ватан ҳимоячиларидан 4 киши ҳалок бўлиб 5 киши жароҳатланди. Об-ҳавонинг ёмонлиги урушни давом эттиришга йўл бермай, аскарлар Хивага қайтдилар.¹

Бу воқеадан сўнг «Чўчқа кўлга» етиб келган генерал Перовский ва қўшини ҳам қаттиқ совуқ ва бурон остида қолиб одамлар бирин-кетин ўла бошладилар. От ва туяларни боқиши ҳам жуда қийинлашди. Қўшин орасида турли касалликлар кўпайиб борди. Об-ҳаво-

¹ Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажаран Хоразмшоҳий. Ўз ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, инв. № 9596, 302-бет.

нинг ўта нокулайлиги ва оғир шароит йўлни давом эттиришга йўл қўймади. Шунинг учун генерал Перовский 1840 йил февраль ойини бошларида қўшинни Оренбургга қайтаришга мажбур бўлди. Бу муваффақиятсизлик катта талофат ва йўқотишга олиб келди. Чунончи, 1054 киши ҳалок бўлди, 10000 тую ва 8000 от йўқотилди. Кўп руслар йўлларда адашиб ёки толиқишидан юра олмай хиваликлар томонидан асирликка олинди.

1839 йилги ҳарбий юришда давлат хазинасидан 1700 минг сўм беҳудага кетди. Бундан ташқари унда 23 минг отлар қўшилган 7500 аравалар бор эди. Уларни таннархи 2 млн сўмни ташкил этган. Шунингдек туяларни сотиб олинишига 1 млн сўм сарфланган.¹ Бу ерда кўп аскарлар ва бошқа кишиларнинг ҳалок бўлганлигини ҳамда озиқ-овқатларни, кийим-кечакларни сарфланганлигини ҳисобга олсан кўрилган зиён ниҳоятда катта бўлганлиги кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам рус императори Николай I генерал Перовскийнинг қўшинни орқага қайтарилиши ҳақида рапортига: — «Афсус, жуда афсус, лекин на чора худо-таолонинг хоҳишига бўйсунмасликни ҳеч иложи йўқ», — деб имзо чеккан.²

Хива тарихчиси Мұҳаммад Юсуф Баёнийнинг курсатишича, ўша 1840 йилда Ҳиндистондан Ҳайбат Соҳиб отлиг деган кимса Англия ҳукумати номидан элчи сифатида келиб куйидаги мазмундаги номани хонга берган: «Кўп замонлардан бери руслар сиз тарафга ҳаракат этиб вилоятингиз эгалламоқ ниятидадир. Уларнинг мақсади Мовароуннахрни, Хоразмни, Ҳурросонни эгаллаб Сеистон усти билан Ҳиндистонга ўтишдир. Русия бир улуг ҳукумат ва подшоҳликдир-ким уни лашкари саноқсиз ва яроғ-аслаҳаси жуда кўпдир. Унинг озгина лашкарига ҳам қарши турарлик кучингиз йўқдир. Гап шуки, яна 50 йилдан кейин (руслар) сизларни ерларингизга эга бўлур. Агар вилоятингизни мудом қўлингизда туришини ва ҳеч кимни унга тажовуз этмаслигини хоҳласангиз уни бизга беринг. Хоразмни Англия қўли остида деган сўз сизларни хавф-хатардан холи этади. Бизнинг мақсадимиз нафсониятдан бўлмай, дўстликдадир, ҳамда русларни

¹ Уша асар, 130-бет.

² Уша жойда, уша бет.

Хинди斯顿гача йүлини түсишдир. Биздан сизга фойда етар асло заарар етмасдир. Хоҳиш-истангизни ёздириб шартнома тузинглар, бизлар эса қабул қиласмиш».

Бунга жавобан хон деган: ҳозир руслар устимизга бостириб келганича йўқ. 50 йилгача ким бору, ким йўқ, биз 50 йилдан келадиган ишни деб юртимизни қулимидан ҳеч кимга бермаймиз. Биздан кейинги авлодлар нимани хоҳласалар шуни қилсинлар.¹ Бу жавоб элчини қониқтирамай шундай деган: «Таклифими ни қабул қилганларингизда кўп фойда берарди, вақти келиб пушаймон бўлишни фойдаси йўқдир». Шундан кейин элчи ўз мақсадига эриша олмай ўз юртига қайтган.²

Менинг фикримча Оллоқулихон узоқни кўра олмайдиган давлат арбоби ҳисобланган. У фавқулоддаги воқеаларда бир-бирларига ҳарбий ва маънавий ёрдам бериш хусусида Англия вакили билан шартнома тузганда яхши бўлиши турган гап эди. Бундан рус давлати бироз бўлса-да ҳайиқиши мумкин эди. Оллоқулихон эса буни аҳамиятини тушунишга ожизлик қилди.

Бу вақтда Англияning Ҳиротдаги элчихонаси аъзоларидан бири капитан Шекспир ҳам келиб Ҳирот ҳокими номидан Оллоқулихонга хат олиб келган. Бунда Россия билан алоқани яхшилаш ва рус асиirlарини озод этиш сўралган. Афтидан, Ҳирот ҳокими Рус давлатини бостириб киришини Афғонистон учун хавф тугдеришини ўйлаган бўлса керак. Шунингдек англиялик капитан Аббатни келганлиги таъкидланади.³

ХИВА ХОНЛИГИГА ҚАРШИ ҚАЙТА ҲАРБИЙ ЮРИШНИ УЮШТИРИШ ҲАРАКАТИ

Рус императори Николай I 1839 йилги муваффақиятсизликни эшитиши биланоқ хонликни босиб олиш учун қайта ҳарбий тайёргарликни дарҳол бошлаш ҳақида фармон берди. Бу хусусда ҳарбий вазир генерал-адъютант граф Чернышев ўзининг генерал Перовскийга юборган кўрсатмасида 1839 йил 30 январда император ҳарбий юришини зудлик билан амалга оширилишини буюрганлигини баён этган. Унда «ҳарбий

¹ Уша жойда, 202-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ ЦГВИА России, ф. ВУД, д. 1172, л. 1.

юришни ўтказиб рус ҳукуматини ўз мақсадини амалга оширишдаги қатъийлигини ҳамда давлатнинг куч-қудратини букилмаслигини намойиш этиш» даркор де-йилган.¹ Ҳарбий вазир кўрсатмасида императорни ҳарбий юришни ёзда ёки кузда Каспий денгизи ёки қуруқлик орқали уюштиришни яхшилаб ўрганиш ҳақидаги фикрлари ҳам қайд қилинган. Шунингдек қўшинни ҳар жиҳатдан яхши қуроллантириш ва пухта тайёргарлик кўриш уқтириб ўтилган.²

Ҳарбий вазирнинг 1840 йил 17 марта ҳукуматга ёзган ахборотида Хива хонлигига қарши юбориладиган қўшин битта генерални, 140 та офицерни, 6668 та аскар хизматчиларни ўз ичига олиши керак эди, ҳамда 300 кишилик кўчма касалхона ташкил этиш режалаштирилди.³

Генерал Перовскийнинг таъкидлашича, навбатдаги ҳарбий юришни кўлами 1839 йилдагига нисбатан 3—4 маротаба ошиқ бўлади.⁴ Шунингдек 17000 тую, 6000 от ва бошқа кўп нарсалар олиниши керак эди. Шунинг учун ҳам генерал Перовский ўзининг ҳукуматга юборган рапортларида ҳарбий юришни тезлик билан уюштиришни иложи йўқлигини тушунтиришга ҳаракат қилди. Биринчи ҳарбий юриш Оренбург губерниясининг хазинасига катта путур етказганлиги, кийимбошларни, озиқ-овқатларни етишмаслиги таъкидланди. Айниқса туяларни топиш мушкуллиги кўрсатиб ўтилган. Умуман, генерал Перовский янги ҳарбий юришни тарафдори бўлса-да, лекин юзага келган оғир шароит уни тез орада амалга ошириш имконини бермаслигини ҳукумат вакилларини ишонтиришга ҳаракат қилди. Дўппи тор келганлиги императорга ҳам равшан бўлган бўлса керакки, у ҳарбий вазирнинг 1840 йил 19 майдаги ахборотига кура ҳарбий юришни маълум вақтгача қолдириши ҳақида фармон берган.⁵ Шу тариқа Хива хонлигини босиб олишга қилинган иккинчи ҳаракат рўёбга чиқмади.

Ҳарбий юриш муносабати билан Оренбургда Хива хонлиги ҳақида маълумотлар тўпланди. Буларга кура хонлик ерлари Амударё, Оролнинг жанубий қирғоқла-

¹ Уша жойда, 14-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 75-бет.

⁴ ЦГВИА России, ф. ВУД, д. 1172, л. 130.

⁵ Уша жойда, 148-бет.

ридаги ва Устюртнинг жануби-шарқий қисмидаги во-
дийларни ўз ичига олган. Унинг шимоли Аму-
дарёнинг ҳар йилги тошиши орқасидан қўп жабрлан-
ган. Бу ерда кўллар ва зовурлар мавжуд. Жануби қум-
тупроқли ерлар ва каналлар билан қопланган. Хон-
ликда ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар, асирик-
ка олинган руслар ва эронликлар яшайдилар, 30—40
минг атрофида кўшин жамлаш мумкин.

Хонликда 16 та тўп бўлган. Аҳолининг сони ярим
миллионга боради. Шаҳарларда том маънодаги ҳарбий
истеҳкомлар бўлмай, пахса деворлар ва зовурлар би-
лан қуршалган. Халқ устидаги солиқлар жуда оғир,
аммо амалдорларнинг очқўзлиги орқасида хон ҳазина-
сига кўп маблаг тушмайди. Хива хони Оллоқулихон
ожиз табиатли киши ҳисобланиб, атрофдаги кишилар-
нинг таъсирига берилган. Укаси билан чиқишмайди.
Уни Бухоро ва Эрон билан алоқаси ёмон, негаки
уларга қарши ҳужумлар қилган. Шуни айтиб ўтиш ло-
зимки, рус ҳукумати ўзининг ҳарбий юришларини
уюштиришда ва ҳарбий истеҳкомларни барпо этишда
карвон йўлларини хавфсизлигини таъминлашни ва
ўзбек хонликларида рус асиirlарини озод этишни
ҳамиша рукач қилиб келган. Бу масалалар 1717 ва
1839 йилларда Хива хонлигига қарши ҳарбий юриш-
лар уюштирилганда ҳам олдинга сурилган эди. У
вақтларда туркманлар, қалмоқлар ва қорақалпоқлар-
нинг қароқчи гурӯҳлари Россия чегараларида руслар-
ни асирикка олиб Хива, Бухоро ва хонликларни
бошқа шаҳарларида сотар эдилар. Руслар турли ҳужа-
лик ишларида ишлатилган. Уларнинг орасидан лаш-
карбошилар, жангчилар, элчилар ва бошқа масъулият-
ли ишларни бажарувчи кишилар чиққанлиги маълум-
дир. Аммо уларнинг кўпчилиги ўз ихтиёрида бўлмай
кул каби ишлатилган.

Гарчан, 1839 йилги генерал Перовский бошчилигидаги ҳарбий юриш муваффақиятсизлик билан тугаган бўлсада, лекин Хива хони Оллоқулихон уни яна қайтарилишини ҳамда савдони ривожлантириш ўта зарурлигини англаб рус ҳукуматининг рус асиirlари бўйича даъвосини инобатта олиш ва алоқани яхшилаш мақсадида 1840 йилда махсус фармон эълон қилди. Бунда шундай дейилган: «Биз Хоразм шоҳи жанговор аскарларни ва зафарларнинг бош бўгини барча ёвмут ва човдур қабилаларига, қозоқ ва қирғиз ботирларига ва

бошлиқларига, умуман бизга содик барча фуқаролари мизга шуни маълум қиласизки, шу 1840 йилдан бошлаб Умум Русия императори олий ҳазратлари билан тинчлик ва дўстликда яшашга қарор қилдим. Шунинг учун биз мазкур олий фармонимиз бўйича ўзимизни содик фуқароларимизга бундан буён Россия чегараларига ҳужум қиласинлар, рус асиirlарини сотиб олмасинлар, бунга бўйсунмовчилар жазога тортилади».¹ Шуниси диққатга сазоворки, Оллоқулихон рус ҳукуматининг рус асиirlари ҳақидага даъвоси «хонликни босиб олиш учун бир баҳона эканлигини» яхши англаған. Аммо, у сир бой бермай иш юритган.

Шу мазмундаги хатни Хива шаҳрини ҳокими мулла Муҳаммад Шариф ҳам Оренбург генерал-губернатори Перовский номига йўллаган.² Бунда Отаниёзхўжа Раис бошчилигида озод қилинган руслар ўз ватанига қайтарилаётганлиги билдирилган.

1840 йил 18 октябрда Хива элчиси 418 кишидан иборат асиirlикдаги русларни Оренбургга олиб келди. Шундан кейин у Петербургга бориб ўзаро тинчлик ва савдо алоқаларини тиклаш хусусида аҳд қилинди.³ Бу алоқалар 1839 йилдаги ҳарбий юриш вақтида рус ҳукумати томонидан Оренбургда ва Астраханда ўзбек хивалик савдогарларни ушлаб қолиши орқасида ишдан чиққан эди. Петербургда Оллоқулихон томонидан рус асиirlарини ўз ватанига қайтарилиши ўзаро савдо алоқалари йўлга қўйилишида ижобий ўрин эгаллади. 1841 йилни 13 январида Хива хонлиги элчиси Эшбой Бобоев ҳам 5 та рус асиirlари билан Оренбургга келган.⁴ Архив маълумотларини қурсатишича ўз ватанига қайтган русларнинг 317 таси Каспий денгизи қирғоцларида, 55 таси Оренбург линиясида, 21 таси Царицинда асиirlикка олинган.

¹ ЦГВИА России, ф.ВУД, д.1172, л.7.

² Ўша жойда, ўша бет.

³ Государственный архив Астраханской области, ф.2, оп.2, д.91, л.1.

⁴ ЦГВИА России, ф.ВУД, д.1172, л.15.

Ўзбек хонликларининг чор Россияси томонидан забт этилиши

ОҚМАЧИТДАГИ ЖАНГ

XIX асрнинг 40-йилларида ўзбек хонликларига қарши юриш бошлаб юборилди. Бу вақтларда қозоқ халқининг содиқ фарзанди Султон Кенисар бошчилигига Чоризм ҳукмронлигига қарши ҳаракат кучайди. 1843 йилда ҳарбий кучлар бу қўзғолонни бостириш учун юборилди. Натижада, ватан ҳимоячиси Султон Кенисар қўлга олинди ва ўлдирилди. Шу равища Чор ҳукумати ўзбек хонликлари томонга юришда йўлда учрайдиган барча тўсиқларни бартараф қилиб борди ва айни бир пайтда ҳарбий истеҳкомларни қурди. Масалан, 1845 йилда Тургай дарёси бўйидаги Оренбург истеҳкоми қайта қурилди, Мангишлюқ ярим оролида эса Новопетровск (кейинчалик Александровск) истеҳкоми барпо қилинди. 1848 йилда эса Сирдарёнинг Оролга қўйилиш жойида Раим (Казалинск) ҳарбий истеҳкоми бунёд этилди. Бу ишни генерал Обручев қўмондонлигидаги 4 рота, 3 юзлик ва 4 замбаракли аскарлар амалга оширди. Уша йили 23 августда полковник Ерафеев бошчилигидаги 2 замбарак билан қуролланган 200 рус қўшини Хива аскарларини маглубиятга учратиб Хон хўжа қалъасини босиб олди. Шундан кейин «Николай» ва «Константин» кемаларидан иборат Орол флотиляси юзага келтирилди. Кейин 1848 йилда Хива хонлигига қарашли Хўжа Ниёз қалъаси рус қўшини томонидан эгалланди ва остин-устин қилиб ташланди. 1850 йилда 50 пиёда, 175 казак ва 2 замбаракдан ташкил топган рус қўшини Қўқон хонлигини Туйчибек қалъасини босиб олиб бузиб ташлади. Уша йили душман кучлари Қўшқўргон номли Қўқон қалъасини эгаллади.

1851 йилда полковник Корабошев бошчилигига 5 та рота, 5 юзлик, 6 замбарак ва 1 та ракета станогига эга аскарлар Оқбулоқ деган жой яқинида Ёқуббек бошчилигидаги Қўқон қўшинига зарба берди. Бу

вақтларда Туркистан, Чимкент, Авлиє ота, Пишикек, Түкмөк, Оқмачит ва уларнинг атрофидаги бепоён ерлар Қўқон хонлигининг қўл остида эди. Шу боисдан рус қўшинлари биринчи навбатда хонликнинг кучлари билан тўқнашди. Оқмачит (ҳозирги Қизил Ўрда) хонликнинг энг муҳим ҳарбий қалъаларидан бири ҳисобланган.

1852 йилда унга рус қўшинлари ҳужум қилди, лекин 72 кишини йўқотиб ололмадилар. Ўша йили полковник Бларамберг ҳарбий отряди (1,2 рота, 2 юзлик ва 5 замбарак) билан Қўшқурғон, Чимқурғон, Кумушқурғон сингари Қўқон қалъаларини босиб олди. Кейинги 1853 йилда шахсан генерал Перовский бошлигигида 12 та тўплар билан икки мингдан ортиқ аскарлар Оқмачитни қамал қилдилар. Генерал Перовскийни таслим бўлиш ҳақидаги таклифларига ватан ҳимоячилари: «Бизлар бир дона порох ва кучада бир кесак қолгунча, ҳамма қуролларимиз тамоман синиб битгунча курашамиз», деб жавоб қайтардилар.

Қалъада бор йўги 250 киши мудофаада эди. Лекин шунга қарамай улар жасорат ва қаҳрамонлик на муналарини намойиш этиб, душманни ҳайрон қолдирди. Бунга тан берган генерал-губернатор Перовский бошликларга ёзган ахборотида мудофаачилар «қалъанинг деворларида ва ички томонидан қўмондон Муҳаммад Алихоннинг ҳалок бўлишига қарамай юзбоши Лафас бошчилигигида ниҳоятда катта жасорат ва матонат билан жанг қилдилар. Ҳамда ўзлари қасам ичганидек, охирги дақиқагача имкони борича курашдилар» деган эди. Шуниси диққатга сазоворки, қалъанинг ҳимоясидаги жангда узбек аёллари ҳам қатнашиб душманни лол қолдирган. Рус қўшини қалъа деворининг устига порох қўйиб портлатиб ичкарига бостириб киргандан сўнг эркаклар ва аёллар қўлларидаги қуролларини ва ўқларини ташлаб қилич жангига ўтиб, шу даражада урушдиларки, бундай манзарани осмону фалак ҳали ҳеч кўрмаган ва эшитмаган эди. Қалъадаги эркак ва аёллар асир тушишни ор билиб, ўзларини ўлимга маҳкум этганликлари русларни жуда ҳайратлантирган.

1853 йил 28 июлда 22 кунлик жангдан кейин Оқмачит қалъаси тормор этилди. Бу ердаги 250 ҳимоячидан 74 киши тирик қолган, 35 таси ярадор ҳисобланган, ўлганларнинг орасида аёллар ҳам бўлган. Рус

аскарларидан 25 киши ҳалок булди ва 46 киши ярадор қилинди. Қалъадан 80 та аёл ва 25 та болалар асир олинди.

Оқмачитнинг ўрнида «Форт Перовский» рус қалъаси барпо этилди. Оқмачитнинг қўлдан кетиши бутун Қўқон хонлигини ларзага солди. У ерга бир неча ма-ротаба Қўқон қўшини ва кўнгиллилар юборилиб жанг қилинди. Бундай жангларнинг бирида, 1853 йилнинг 18 декабрида ватан ҳимоячиларидан икки минг киши ҳалок бўлган. Лекин ҳар бир уриниш маглубият билан тугалланди.

1854 йилда Олма Отада Верний номида рус ҳарбий истеҳкоми қурилди ҳамда Или водийси қўлга кири-тилди. Бу ерда Заилийск бўлими ташкил этилди. 1856 йилда полковник Харментавский бошчилигидаги 1 ро-та, 1 юзлик ва 1 ракета станогли рус қўшинлари қозоқларни Катта Жузига тегишли тапай қабиласини буйсундирди. Шунингдек, 320 пиёда, 300 казак, 3 зам-барак ва 2 та ракета станогидан ташкил топган гене-рал-майор граф фон Фитин қўмондонлигидаги қўшин Хўжа ҳарбий истеҳкомини босиб олдилар. 1857 йили эса бу генерал 200 пиёда, 300 казак ва 2 та замбарак билан Хива қўшинини маглубиятга учратди ҳамда уларнинг тарафини олган бир гурӯх қозоқларни жазо-лади.

Рус давлати томонидан бирин-кетин хонлик ерларни босиб олишга қарши Тошкентда катта куч тўпланди ва Илиорти томонга юборилди. Бу ерларда 1858 йилда 5000 кишилик Тошкент ва Қўқон ҳарбий кучла-ри билан подполковник Перемешмелский бошлиқ қўшин уртасида жанг бўлиб ватан ҳимоячилари Чуй дарёси водийсига суриб ташланди.

1860 йилда 6 та рота, 600 та казак, 12 та оғир зам-барак, 4 та ракета мосламасидан ташкил топган рус аскарлари Пишпак ва Тўқмоқ сингари Қўқон ис-теҳкомларига ҳужум қилиб, қўли баланд келди. Под-полковник Перемешмелский Пишпекни эгаллаш учун 954 та снаряд ва 13 мингта яқин ўқ ишлатди. Ҳимоя-чилардан кўп кишилар ўлди ва ярадор бўлди. Шу-нингдек, Тўқмоқ қалъаси ҳам душман томонидан эгалланиб, бу ҳол бутун хонликни катта ташвишга солди. Узбек, қозоқ ва қиргизлар биргаликда Тош-кент ҳокими бошчилигига Рус давлати тажовузига қарши бош кутариб 1860 йил 21 октябрда Қоракузтоғ

дарёси буйидаги Узунёгочда босқинчилар билан тұқнашди. Бу ерда 20 минг кишилик ватан ҳимоячилари билан подполковник Калпаковский бошчилигидеги құшин (3 рота, 2 юзлик, 6 замбарак ва 2 та ракета мосламаси) үртасида Пишпек останасида жаңгда душман галабага әришди. Рус құшини томонидан 2051 снаряд, 31879 та тұп отилди. Бу жаңгда ватан ҳимоячиларидан 1500 киши үлдирилди ва күпі яраланди. Душман аскарларидан 13 киши үлдирилди ва 29 киши жароҳатланди. 574 ҳимоячи асирга олинди. Асиrlар орасида, 82 савдогар, 92 та аёл ва болалар бор эди. Душман Пишпек ва Тұқмоқ истеңкомларини ер билан яксон қылды.

Гарчан, ватан ҳимоячилари бирин-кетин маглубиятта учраган бұлсаларда, лекин озодлик учун ҳеч нарасадан тоймадилар.

АВЛИЁТА, ТУРКИСТОННИ ВА ЧИМКЕНТНИНГ БОСИБ ОЛИНИШИ

1861 йилнинг 25 октябридә генерал-лейтенант Дебу бошчилигидеги рус құшини хонликнинг Янгиқұрғон қалъасини вайрон қилиб ташлади. Кейинчалик 1862 йилда полковник Калпоковский 4 та рота, 2 юзлик ва 4 замбарак құшин билан Марки номидаги Құқон истеңкомини эгаллади. Генерал-лейтенант Дебу 550 пиёда, 300 казак ва 10 замбарак билан Динқұрғон қалъасини босиб олди. 1863 йил 4 июня полковник Черняев үз құл остидаги 87-Сибирь батальонининг 5-ротаси, ҳарбий Сибирь батальонининг 3,5 үқчи роталари, 9-гарбий Сибирь казаклари артиллериясининг 1-взводи пиёда тог батарияси ва Сибирь казаклари полки билан Авлиётани урушиб олди.

Уша йили 18 июнядан 1 июляча подполковник Лерхни 2 та ротаси 1,2 юзлик, 2 та тог замбарак ва 1 ракета мосламаси билан Қорабура довонидан ошиб Құқон аскарларини қириб ташлади ва қора-қирғиз қабилаларини бүйсундирди. 1864 йилнинг 12 июняда 412 рота, 10 замбарак, 6 мортира ва 2 ракета мосламаси билан полковник Веревский Туркестонга ҳужум қылды. Бу жаңгда маҳаллий халқ вакилларидан күп кишилар ҳалок бұлды. Баъзи маълумотларға күра, чор құмандони агар шаҳар таслим бўлмаса, Аҳмад Яссавий мақбарасига тұп отилиши ва вайрон қилинишини

маълум қилган. Шундан кейингина ҳимоячилар урушни тұхтатиши мажбур бўлганлар.

Туркистанни Рус давлати томонидан эгалланиши Тошкент ва умуман Құқон хонлиги учун катта хавф туғдирди. Құлдан кетган жойларни қайтариб олиш ва Чор ҳукумати аскарларининг юришини тұхтатиши учун Құқонда тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Чунончи, хонликнинг ҳамма жойларидаги құшин тұпланиб, ҳарбий қуроллар билан таъминланди. Сұнгра Құқон хони Сайдхон ва лашкарбоши Алимқұл аскарлар билан Тошкентта жүнади. Бу ерда ҳам ҳарбий тайёргарликка зур әзтибор берилиб, Алимқұл күп құшин билан Чимкентта йўл олади. Чунки бу вақтда Черняев бошчилигидаги рус отрядининг Авлиётадан Чимкент томон йўлга чиққанлиги ҳақида хабар олинган эди. Шундан кейин құшинлар ва аскарлар тонг отар пайтида йўлга отланиб, ҳар бир маҳалла олдида халқдан «дуои фотиҳа» олиб шаҳардан чиқиб кетган. Буларни халқ яхши ният ва йиги-сиги билан кузатиб қолган.

Хон құшинларидан ҳар бир шаҳарнинг аскари алоҳида қисмни ташкил этиб ўз бошлигига эга бўлган. Масалан, тошкентликларга Мирза Давлат, қипчоқларга Мингбой, маргилонликларга Юсупбой, хұжандикларга Мирзааҳмад қушбеги бошчилик қилган. Шунга үхаш андижонликлар, наманганликлар, ўшликлар ва бошқа жойларнинг ҳарбий қисмлари мавжуд бўлган. Шунингдек, эшони Калон хўжа, Мўминхўжа Судур, Мирбобо понсадбоши ва Авазмуҳаммадий сингари саркардалар ҳам құшинга раҳбарлик қилганлар. Қўшинга шахсан Алимқұлнинг ўзи бошчилик қилган.

Чимкентдаги жангни қипчоқлар бошлаб кейин тошкентликлар ва бошқа шаҳар отрядлари давом эттирганлар. Даставвал бир кеча-кундуз давомида иккала томон ўртасида тұплардан отишув бўлган.

«Сұнгра тўрт томондан, — деб ёзади Солиҳ Тошкандий, — аскарлар отдан тушди ва тўрт томондан карнайлар чалиниб, рус құшинларига қарши ҳужумга ўтилди. Үша онда ҳозир бўлган кишиларни сўзича хон құшинлари 2—3 минг қадамгача тұхтовсиз олға қараб чоптилар. Икки ўртада бир ярим минг қадамча масофа қолганда рус аскарлари томонидан бирданига тўп ва милтиқлардан ёмғирдек ўқ бўрон қилдиларки, майдонда бирданига 12 минг киши ўлдирилди, уларнинг оҳ, нола ва

фарәдлари осмонга тарапалди. Ҳатто бу фожеали манзара-дан русларни үzlари ҳам ҳайратда қолиб бармоқларини тишлаб баланд овоз билан бақирдиларки, эй мусулмон-лар, биз урушни тұхтатдик, үлук ва ярадорларни майдондан олинглар, дедилар».

Шундан кейин Құқон лашкарбоши Алимқұл хузурига Н. А. Северцев номли рус әлчиси келиб сұлқ тузишни таклиф этади. Бу таклиф хон томонидан сардор ва амалдорлар мұхокамасига қойилиб фикр алма-шув үтказилды.

Айрим амалдорлар сұлқ тузишни қувватлаган бұлсада, бошқа бир гурұқ кишилар, шу жумладан Тошкент амалдорлари үнга қарши чиқиб, сұлқ тузиш алдашлик нұқтаи назаридан таклиф этилаётганлити-ни үқтириб үтдилар. Пировардіда рус отрядларини Туркистонға қайтиб кетиши ҳақида рус әлчиси би-лан келишилди. Шунга биноан рус құшинлари Тур-кистонға йўл олди. Бу шундан гувохлик берадики, рус құшинлари Чимкентни әгаллашға қурбилари ет-май орқага қайтишга мажбур бўлган. Лекин рус құшинлари йўлда Туркистондан қўшимча кучнинг келиб қўшилиши натижасида Черняев бошчилигига Чимкентга қайта ҳужум қилдилар. Бу жойнинг қаль-асининг ташқарисида жойлашган «Жанан» қабристо-нини бир томонида қаттиқ жанг бўлиб Құқон құшинлари галаба қозонди. Рус құшинлари эса Тур-кистонға қайтиб кетдилар.

Шундан кейин Алимқұл Авлиёта мудофаасини үддалай олмаган ва уни рус құшинларига бериб қўйиб, Чимкентга қочиб келган ҳоким Ниәзали пон-садбошининг оёқ-құлларини болграб тұп оғзига қўйиб оттирди. Худди шу хилда Дуглат қабиласининг бош-лиқларидан бири рус құшинларига жосус сифатида хизмат қилган Бойзокбай номли киши ҳам жазолан-ди. Лашкарбоши Алимқұл Чимкент мудофаасини мус-таҳкамлаш ва Чор ҳукуматига қарши урушни давом эттириш тадбирларини күраётганда Бухоро хонининг Құқонға қарши отланғанлити ҳақида хабар олди. Шу муносабат билан Алимқұл Чимкентда құшиннинг бир қисмини қолдириб Құқонға жүнади. Бу ҳолат Чим-кентда рус аскарларига қарши ҳаракатта салбий таъ-сир кўрсатди. Буни яхши англаган Черняев отряди полковник Лерх бошчилигига қўшин билан биргалик-да Чимкентта ҳужум қилиб, 1864 йилнинг 21 сентябр-

рида уни эгаллади. Бу ерда рус қүшинлари томонидан күп одамлар үлдирилди. Құқон қүшинларининг бир қисми Тошкенттегі қочиб кетди. Генерал Черняев Россия тарафдорларидан бири Сиддик Назарни Чимкенттегі мингбошиси қилиб тайинлади..

ТОШКЕНТНИНГ УРУШИБ ОЛИНИШИ

Генерал Черняев бу шаҳарни эгаллаш учун тайёргарлик ишларини құриб озиқ-овқат, курол-аслаха ва бошқа нарсаларни Тошкенттегі олиб боришни уюштириш вазифасини Алимкули томонидан үлдирилған Бойқозоқбайнинг үгли Оқмуллага топширди. Құқон қүшинлари артиллерияси ҳам анча яхши уюштирилған булыб, уннинг тұпларини узоқта отилиши ва нишонга тегиши мақтоворға сазовор бұлған. Шунинг учун ҳам генерал Черняев қандай бұлмасын, тезрок Құқон хонлигига зарба берилмаса, кейин енгиш оғирлашишини рус ҳукуматининг тегишли вакилларига маълум қылди. Генерал Черняев Чимкенттегі тайёргарлик куриб, 1864 йилнинг сентябрьда Тошкенттегі эгаллаш мақсадида йўлга чиқди. Бу вақтда Тошкент мудофааси меҳнаткаш омманинг умумий ҳаракатига айланиб, шаҳар атрофидаги деворларда аскарлар ва халқ күнгиллари жойлашған эди. Шаҳар ахолиси она юртитиң ҳимоя қилишни үзининг муқаддас бурчи ҳисоблаб, мудофаачиларга тинмай гамхұрлик қылғанлар. «Шаҳар гариблари, фуқаролари ва қариялари, — деб гувохлик беради Солиҳ Тошкандий — ибодату номоздан кура құлидан келганича ёрдам бериш афзалроқ ва савоб, деб аскарларга, гозиларга сув, озиқ-овқат ташиб турдилар». Рус аскарлари 1865 йил 1 октябридә Юнус Обод томонидан шаҳарға яқынлашиб уни тұплардан үққа тутди. Рус аскарларидан бир гурұхи шаҳар қалъасининг атрофида қазилған зовурлар ичига тушиб олдилар. Буларға қүшилиш учун бир гурұх рус аскарлари чопиб келаётгандан уларға қарши тұп отилади. Натижада, душман отрядлари орқага чекинди. Шундан кейин шаҳар мудофаачиларидан бир қисми зовурға душман устига шиддатли ҳужум қилиб, рус аскарларидан 72 кишини үлдирилдилар. Шу равищда тошкентликтар галаба қозондилар. Генерал Черняев урушни тұхтатишиша ва Чимкенттегі қайтишиша мажбур бұлған. Шундан кейин Алимкул қүшин билан Тошкенттегі ке-

либ, булажак урушга тайёргарлик ишларини амалга ошириб, сунгра Құқонға қайтади. Хон күрсатмасига күра, Тошкент хокими номидан Ҳофизқұхаки маҳаллалик Мұхаммад Сайд номли савдогарни тинчлик сұлқи тузиш мақсадида әлчи сифатида генерал Черняев ҳузурига юборилди. Бироқ генерал Черняев сұлқ тузишдан бош тортади ва әлчи Тошкентта қайтиб кела-ди. Бу ерда әлчи генерал Черняев Бухоро хони Музаффархон билан гүё иттифоқ тузилғанлығы ҳақида гапи-риб шағардаги айрим кишиларни ваяхимага солиб құйған. Тошкентда урушга тайёргарлик кундалиқ ҳаётнинг бириңчи вазифаси ҳисобланған. Бу ерда лашкарбоши Алимқұл бошчилігіда Туркистанни рус құшинларидан озод қилиш учун тайёргарлик құрылғандан сұнг, аскарлар Шайхонтоқурдан үтиб Сағбон күчаси орқали Сағбон дарвозасидан «Сарогоч» йулиға чиқдилар. Бу юриш 1864 йил ноябрь ойи охирида юз бериб, ҳаво жуда совук ва қор ёғиб турған пайт эди. Аскарлар Туркистанга яқын жойға үрнашған ва Россия тобелигига үтган «Иқон» деган қишлоғида рус отрядини тор-мор этдилар. Бу ердаги халқнинг русларга буйсунғанлығы учун Алимқұл буйруғига биноан мол-мұлки билан Тошкент томонға ҳайдаб олиб кетилди. Алимқұл гарчанд ғалаба қозонған бұлса ҳам, Туркистанға қараб юрмай, «Иқон»дан Тошкентта қайтишга мажбур бұлади. Бунга хонликдаги ички зиддият ва құшимча ҳарбий күчларни тұплаш сабаб бұлған, ал-батта. Алимқұл Тошкентта келған пайтда Черняев томонидан юборилған жосус ушланади. Бу жосус Тошкентнинг амалдорларидан бири Абдурахмонбек Шодмонбековнинг (асли Шахрисабзлик) Черняев номига ёзилған хати билан құлға тушған. Бинобарин, Черняев маълум кишилар орқали Тошкент ҳақида зарур маълу-мотларни олиб турған. Абдурахмонбек Тошкентдан қочишиға улгурив, Чимкентта Черняев ҳузурига бора-ди.

Бу вақтда генерал Черняев Тошкентта қайта ҳужум қилиш тадбирларини тамомлаб, 1865 йил 28 апрелде Чирчик ёнидаги «Ниёзбек» қалъасини жанг билан әгаллади. Юқорида қайд қилинған Абдурахмонбек-нинг маслаҳати буйича, шағарни сув билан таъмин-лайдиган «Кайковус» ариғи тұғонини бузиб уни Чирчиқ даресига буриб юборилади. Бу билан шағарни сувдан маҳрум этиб, уни таслым этиш эди. Бироқ

шаҳар ҳалқи мудофаани мустаҳкамлаб жангта тайёр турди. 1865 йилни май ойида Қўқон хони Султон Сайд лашкарбоши Алимқул билан Тошкентта етиб келди. Бу ҳолат тошкентликларни руҳини кўтариб юборган. Бу тўғрида Солих Тошкандий шундай ёзган: «Тошкент ҳокимлари, амалдор, сардор, уламо, фуқаро, шайхлар, гарнблар, гадолар, эркак-хотинлар аралаш шодликларидан (қўқонликларни — X.3.) истиқболларига чиқиб, кутиб олдилар».

Алимқул шаҳар саройида йигин утказиб, маҳаллий ҳокимият вакиллари ва қўшин бошлиқларига қарата нутқ сўзлади. Бу йигинда қатнашган Алимқул «Катта-кичик, бой камбагал фуқародан ёрдам сўраб бу тўғрида Тошкент аҳлининг фуқароларини кўрсатган гайрат, шижаат ва қаҳрамонликларини айтиб, уларга ўз миннатдорчилигини ва хурсандчилигини изҳор қилиб бир томчи қони қолгунча душманга қарши курашишга даъват этди». Алимқул Бухоро амир Музаффархонни қоралаб рус қўшинларига қарши кураш ишига катта птурт етказаётганлигини ҳам гапирган.

Тошкентда хонликнинг Андижон, Қўқон, Наманган, Марғилон ва бошқа жойларидан келган қўшинлар Алимқул бошчилигида шаҳар мудофаа линиясини эгалладилар. Сиддик Тўра бошлиқ Қўқон қўшинининг разведка булими душманнинг отлиқ ва пиёда отряди бир тўп билан Шуратепадан чиқиб, «Олтин тепа» орқали Салор суви бўйлаб келаётганлиги ҳақида Алимқулга хабар келтирган. Шундан кейин Алимқул ўз қўшинларини маълум қисми билан кўрсатилган томонга жўнади. Душман қўшинлари Салор сувидан ўтиб Қўқон қўшинларига қарата тўплардан ўқ уздилар, натижада икки томон ўртасида қаттиқ жанг бошланиб қўқонликлар хужумга утдилар. Бунда Алимқулнинг шахсан ўзи қатнашиб жангта раҳбарлик қилган.

Рус отряди ҳужумга бардош бера олмай, Шуртепага чекинишган. Бу ғалаба шаҳарда катта шод-хуррамлик билан қарши олинниб карнай-сурнай садолари янграган. «Шаҳар ҳалқи 7 ёшдан 70 ёшгача эркак-хотин, ёш-қари хизмат камарини белларига боғлаб пишган таомларни бошлирига кўтариб, қатиқ, сут, шарбат, иссиқ нонлар, ширин меваларни саватга солиб аскарлар турган жойларга олиб келиб илтижо, тавалло ва дилдорлик қилишиб кўзларидан ҳасрат ёшларини оқизиб,

күз ёшлари суви билан аскарларни юзларидаги чанг-губорларни ювиб артиб күзгудай тозалаб овқатларини еб битиришларини илтижо қылдилар». Бу халқнинг ватанпарварлик ҳаракатларини жуда жонли ва ёрқин намунасини акс эттиради. Лашкарбоши Алимқул ҳокимият вакиллари ва ҳарбий бошчиликларни тұплаб урушни қандай давом эттириш масаласини ўртага ташлаганда тошкентликтер рус құшинлари устидан қозонилған галаба хужумга үтишга даъват қилишини ва ака-ука Сиддик Тұра ва Арслон Тұра бошчилигіда аскарларни Чимкентни босиб олинғандан сұнг, бу ердан аскарларнинг бир қисмими Туркистан ва Оқмачитни, иккінчи қисмими эса Авлиёта, Тұқмоқ ва Фулжагача бұлған жойларни руслардан қайтариб олишга жұнатилишини гапирдилар. Аммо, Құқон амалдорларидан Отабек номли киши Алимқулға пи-чирлаб: агарда тошкентликтер рус құшинларини тор-мор қилиб, күрсатылған жойларни олса, у вактда улар мустақиллікни истаб Құқонға бўйсунмай қолиши мумкин деган. Шу нуқтаи назардан Отабек тошкентликтер таклифини рад қилишни Алимқулға маслаҳат қылған. Алимқул бу маслаҳатта кўниб мудофаа билан чегараланиб туришни буюрди.

Шуртепа томонда ҳар икки томон уруш линиясими эгаллаб даставвал тұплардан отищув бошлаган. Сунгра Құқон құшинлари хужумга үтиб Алимқул уруш майдонида жангчиларни рухлантирган ва урушга жалб қылған. Алимқул ва сардор Абдуллабек душман құшинлари билан юзма-юз келиб, уларни қиличдан үтказған. Аммо душман ўқи Алимқулни чап биқинидан кириб қорнини тешиб, киндиги устидан чиқиб кетади. У от устидан ерга йиқилиш олдидан от бўйнидан маҳкам ушлаб тұп турған жойга борди. Сунгра Алимқул Тошкент фуқароларини аста-секин орқага қайтиб, үзларини шаҳар ичига олишлари ва бошқа жангчиларни урушни давом эттиришлари ҳақида фармон берган.

Икки томон ўртасида тұплардан яна отищув бошланғандан кейин хон аскарлари хужумга үтиб, сунгра аста-секин рус аскарлари хужуми остида Салор бўйига чекиндилар. Натижада, биринчі галда себзорлик жангчилар Ҳакимхўжа Қалон бошчилигіда қочишни бошлайды. Уларни кетидан қипчоқлар, қирғизлар ва андижонликлар құлға тушган нарсаларни олиб Фаргона

томонга қочдилар. Бошқа кишилар ҳам шаҳар ичига қочиб кела бошладилар. Лашкарбоши Алимқұлнинг ярадор булиши аскарларнинг, халқ оламонининг рухини тушириб, пировардида уларнинг чекинишига сабаб булган омиллардан бири бўлди. У оғир аҳволда шаҳар ичига келтирилди ва бу ерда ўлди. У катта иззатикром билан ва чуқур қайгу билан Шайҳонтохур қабристонига дағн этилди. Чекинищдаги уюшқоқсизлик ва ҳарбий бошлиқларнинг ваҳимага тушиши шаҳар мудофаасига салбий таъсир кўрсатади, албатта. Кунлар ўтиши билан қўқонликларнинг руҳсизланиши кучайиб, улар тўда-тўда булиб, ўз ватанига қайтишга ҳаракат қилинлар. Ҳатто Алимқул билан биргаликда рус қўшинларига қарши курашда фаол қатнашган Қўқон хони Султон Сайд бир гуруҳ амалдорлари билан шаҳарни ташлаб кетмоқчи бўлган. Бироқ Тошкент амалдорларининг сиқуви остида ўз фикридан қайтганлар. Шундан кейин амалдорлар ва ҳарбий бошлиқлар ўзаро келишиб душманга қарши тадбирларни белгилаш ҳақида фикр алмашув ўтказди. Бунда бир гуруҳ кишилар Қўқонга қочиб кетган аскарларни орқага қайтиб келишларини сўраб, у ерга элчи юборилишини айтдилар. Бошқа бир гуруҳ кишилар Бухоро амирида хузурига элчи юбориб ёрдам сўрашлик ҳақида ўз фикрини изҳор қилдилар. Маслаҳатчилар орасида ҳатто Хоразмга ёрдам сўраб му рожаат қилиш зарурлигини баён этган кишилар ҳам бўлди.

Бухоро ва Қўқон хонликларига рус отрядлари га қарши биргаликда кураш ҳақидағи хат билан элчилар жўнатилди. Қўқонга юборилган элчи йўлда Тошкентдан қочиб бораётганда қўқонликларни орқасидан етиб бориб уларга хатни топширади. Бироқ, қўқонликлар Тошкентга қайтиш ўрнига, аксинча Султон Сайдхонни Қўқонга олиб кетиш ва тахтни бегоналарга ўтиб кетишига йўл қўймаслик зарурлигини баён этадилар. Бухоро амири ҳам Тошкентга ёрдам беришдан бош тортиб, аввало Султон Сайдхонни Бухорога келиши зарурлиги ҳақида жавоб хатни юборди. Бу билан амир Султон Сайдхон Бухорога буйсунган тақдирдагина ёрдам берилишини маълум қилган эди. Бухорога келган жавоб хатини амалдор ва ҳарбий бошлиқлар муҳокамасига қўйганда айрим қўқонликлар амир таклифини қабул қилиш кераклигини айтдилар. Бу муҳокамада Солиҳ Тошкандий ҳам қатнашиб,

юқоридаги масала бүйіча үз фикрини билдирған. У Султон Сайдхонни Бухорога кетишига қарши чиқиб, ҳар бир ҳукмдор үз бурчини бажармаса, у вақтда фуқаролар душман құлиға асир бўлиб қолиши мумкинлигини баён этган. Бу фикрга бошқа кишилар ҳам қўшилиб, «биз ёрдам сўраб ҳар томонга мурожаат қилдик. Эндиликда ёрдамни хоҳ берсинлар, хоҳ бермасинлар бари бир урушни давом эттирамиз деб аҳд қилдилар. Тошкентликлар Султон Сайдхонга шундай дедиларким шаҳар ҳалқи бутун уруш ҳаракатларини үз зиммасига олиб нимайки зарур бўлса, ҳаммасини етказиб берадилар». Куриниб турибдики, тошкентликлар қандай бўлмасин, шаҳарни душмандан ҳимоя қилишга қаттиқ бел боғлаган эдилар.

Кунларнинг бирида рус қўшинлари шаҳар қалъасини тўпга тутиб ҳужум қила бошлигдан вақтда уларга қарши усталик билан тўплардан шундай жавоб ўқи отилдики, натижада душман орқага чекинишга мажбур бўлган. Шундан сўнг Султон Сайдхонни Бухорога юриши ҳақидаги масала яна кўтарилиб, пировардида уни жўнатиш ва Бухородан ёрдам олишга қарор қилинди. Афтидан Султон Сайдхонни ўзи ҳам Бухорга бориши истагида бўлган. Шунинг учун у 500 кишилик аскар ва бир тўп билан шаҳардан чиқиб кетди. Шундай қилиб, Қўкон амалдорлари ва аскарлари урушни охиригача етказмасдан шаҳар мудофаасини үз хоҳишиларига ташлаб кетган эдилар. Шунга қарамай шаҳар аҳолиси душманга қарши курашни давом эттириди. 1865 йил 14 июнида рус аскарлари эрта саҳарда шаҳар қалъасини тўплардан ўққа тутди. Натижада улар Камалак дарвозаси орқали шаҳар ичига ёриб кириб, мудофаачиларнинг отрядлари билан тўқнашдилар. Бундай тўқнашувлар Шайхонтоҳур, Бешёғоч, Қашқар маҳаллаларида ва бошқа жойларда бўлган эди. Ҳатто, айrim жойларда душманга қарши баррикадалар ҳам қурилди. Масалан, Анҳор кўпригининг гарб томони аравалар билан тўсилиб мустаҳкамланди. Айни бир вақтда Анҳор ёнидаги дўконлар ичига мудофаачилар кириб олиб деворлар тешигидан душманга ўқ уздилар. Бир ярим соатлик оғир жангдан сўнг рус аскарлари чекиниб, Шайх Шибли ариги орқали қалъа деворининг шимол томонига ўрнашди. Улар чекинаётганида Урдадаги дўконларга ўт қўйиб қочганлар. «Чуқур кўприқда» ҳамма қўчаларни ҳам оғзиbekитi-

либ рус отрядига қарши күчлар қўйилган. Айрим рус отрядлари мачитлар ичига кириб олиб урушганлар. Бироқ улар ўраб олинниб тор-мор этилган. Шайх Шибли ариғи орқали чекинган рус отряди яна Ўрдага бостириб киришга ҳаракат қилди. Буларга қарши Қиёт маҳалласининг аҳолиси Абдураҳим ясовулбоши бошлигига деворларнинг орқасига ва пастқам жойларга ўрнашиб мудофаа линиясини эгалладилар. Булар орасида Мирюсуп боғбон ўғли, Умархон Тұрахон ўғли, Мирсадик Миршоди ўғли, Нормуҳаммад ва Мулламир сингари мерғанлар, Муллажон Мусомуҳаммад Али бобо подачининг ўғли ва бошқа мард йигитлар бор эди. Халқ күнгиллилари шаҳар мудофаасининг асосий кучини ташкил этган эди. Абдураҳмон ясовулбоши бошлигидаги күнгиллилар отряди ёмгир ёғишига қарамай, кун бўйи душман ҳужумини қайтариб турдилар. Охири рус отряди шаҳар четига чиқиб кетишга мажбур бўлди. Бундан кейин ҳам Қиёт маҳалласининг күнгиллилари Анҳорга қайта келган рус отряди билан қаттиқ жанг қилган. Бу вақтларда шаҳар аҳолисининг аҳволи оғирлашиб сувсизлик ва ташналиқдан азоб чекмоқда эди. Тошкентликлар аҳвол оғирлигига қарамай, шаҳарни қўлдан бермасликка қаттиқ ҳаракат қилдилар. Бироқ рус отряди айрим хоин кишилар орқали шаҳардаги ўқ-дори омборини топиб уни портлатишга муваффақ бўлдилар. Бу шаҳар мудофаа тақдирини ҳал қилган омиллардан бири ҳисобланади. Сувсизлик, йўқчилик ва ўқ-дорилар етишмаслиги пировардида шаҳар халқининг тинкаси ни қуритди. Натижада 1865 йил 17 июнда тошкентликлар душман ҳужумига бардош бера олмай, таслим булишга мажбур бўлдилар. Генерал Черняев Шайхонтоҳур, Бешёғоч ва бошқа аҳоли гавжум яшайдиган жойларга тўпларни ўрнатиб дарҳол тинчлик сулҳи тузилемаса, шаҳарни ёндириб ва бузиб ташлаш ҳақида эълон тарқатди. Шундан кейин генерал Черняев Ҳакимхўжа қозикалон, Абулқосимжон эшон, Домулла Солиҳбек, Охун дадҳо ва бошқа шаҳар катталари билан махсус мажлис ўtkазди. Бунда савдогарлар ва сардорлар ҳам қатнашган эди. Музокара натижасида тинчлик сулҳи тузилиб ҳар икки томон аҳдномага имзо чекди. Аҳднома шаҳар халқининг ўз динида ва барча ишлар шариат асосида олиб борилиши курсатилган. Закот ва хирожлар ҳам шариат бўйича ҳар йилда

эмас, балки ҳар ойда олиниши лозим эди. Шунингдек, ҳовли, боф ва майдонлар аввалгидек ўз эгалари қўлида қолдирилди. Аҳолидан йиллик солиқ олиниши таъқиқланди. Чакалак, ўтлоқ ва қамишзорлардан солиқларни мутглақо олмаслик аҳдномада кўрсатилган эди. Шунингдек, ерли халқдан рус қўшинига одамларни жалб қилмасликка келишилди. Аҳдномага ҳар бир тўрт даҳанинг муҳри босилди. Сунгра генерал Черняев шаҳар катталарига духоба ва зар ёқали чакмонлар кийдирди. Шу равишда Тошкентнинг рус давлатига таслим булиши ҳақидаги ҳужжат расмий равишда қабул қилинди. Аҳднома тузилгандан кейин генерал Черняев шаҳар катталарини ўз томонига жалб этиш ва уларга таяниш мақсадида Ҳакимхўжа қозикалон уйига бориб унга қимматли совғалар ва олтин медаль берди. Сунгра генерал Черняев Регистон растасига бориб камбагал ва гадолар орасига тангалар сочди. Урушда яраланган кишиларга тиббий ёрдам кўрсатилди.

Генерал Черняев шаҳар мудофаасида қатнашган кишиларни жазоламай, уларни қўйиб юборди. У мадрасаларга бориб ўқишларни давом эттиришни таклиф этди. Уруш вақтида бузилган уй-ҳовлиларни ва дўконларни тиклаш учун генерал Черняев томонидан мабллаг ажратилди.

Шубҳасиз, генерал Черняев ўз таъсирини ўрнатиш мақсадида кўрсатилган тадбирларни амалга оширган. Шуни айтиб ўтиш лозимки, генерал Черняев юқори раҳбар доиралари рухсатисиз, ўзбошимчалик билан Тошкентга юриш қилиб, уни эгаллади. Бу ғалаба Петербурғда зўр мамнуниятлик билан қабул қилинган бўлса-да, лекин давлат ишларида қилинган ўзбошимчалик айрим йирик ҳукумат вакиллари норозилигининг келиб чиқишига сабаб бўлган. Бунинг устига Тошкентнинг босиб олиниши халқаро матбуотда катта шовқин-сурон кўтарилишига олиб келган. Шунинг учун ҳам генерал Черняев ўз ҳаракатини оклаш мақсадида гуё Тошкент ихтиёрий равишда рус қўшинларига буйсунганилиги ҳақида ҳужжат уюштиришга киришди. У шаҳар катталарини тўплаб аҳоли номидан куйидаги мазмунда хат тайёрлашни буюрди: «Неча замонлар ва йиллардан бери Туркистонда Фаргона хонлари ҳукмронлик қилиб фуқароларга кўп жабр-зулм ўтказган... Улар закот хирожларни шариат асосида олмасдан ортиқча олганлар ва ҳеч қачон марҳамат қилмаганлар.

Қадимги урф-одат, таомилдан воз кечиб, күп йиллар мансаб учун катта кишиларни ўлдириб фитначи ва иғвогарлар сұзига амал қылғанлар. Үртада нохақ қонлар тұқилиб, улар шариатга ва уламолар сұзларига амал қилишдан бош тортдилар. Фарғона ва Туркистон заминида күп вақtlар ва күпинча қыпчоқ, қозоқ ва қирғиз авбошлари ва бебошлари хукмронлик қилиб келдилар. Шунинг учун фуқаро ва мамлакат тинчлиги учун тамоми ихтиёrimiz ва рағбатимиз билан рус аскарларини олиб келиб уларға шаҳарни топширдик». Күриниб турибдики, тошкентликлар булиб үтган ҳамма жанг ва воқеаларни инкор қилиб ихтиёрий равище да рус аскарларига бўйсунгандикларини тан олишлари лозим эди. Кўрсатилган хатнинг мазмуни баён этилгандан кейин шаҳар катталари ҳайрон булиб турган пайтда домла Солиҳбек охун додҳо шундай жавоб қылган: «Бизлар воқеа ва ҳодисаларни бекитмасдан маълум қиласизки, Тошкентдан Оқмачиттагача ва бу ердан Гулжагача бўлган шаҳар ва қалъалар Тошкентга қарар эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан қўлларига киргиздилар. Уруш тусатдан, муҳлатсиз ва сувсиз олиб борилди. Тошкент шаҳри зулҳижжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг 12 число сигача, яъни 42 кун давомида сувсиз, озиқ-овқатсиз қолдирилди. Мулла Алимқул лашкарбоши шаҳид бўлгандан кейин сардорсиз қолди. Бухоро, Хоразм ва фарғоналиклар ёрдам бермадилар. Тошкент фуқароси ватанлари ва дин учун қаттиқ туриб, уруш-талашни давом эттириб сешанба куни ярим кеча үтгандан кейин саҳарга яқин рус аскарлари хиёбон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан фуқаро уйқудалиги чоқда кирди. Шундан кейин яна урушга киришиб пайшанба кунигача кечаю-кундуз урушиб булиб охираша ярапшин сулҳи тузилди». Бу ҳақиқий ахволни акс эттирувчи жавоб генерал Черняевни газабга келтирди. У домла мулла Солиҳ охун додҳо сұзига күшилувчи кишиларни бир тарафга ўтишларини буюрди. Шундан кейин шаҳар катталаридан олти киши жумладан, Халимбой, Бердибой, Азимбой, Фозилбачча, Мулла Мирзялам охун, Мулла Музаффархужа ва Мулла Файзилар домла Солиҳбек охун додҳонинг сұзини қувватлаб кўрсатилган томонга үтдилар. Бу кишилар ва Со-

лиҳбек охун додҳо дарҳол рус аскарлари томонидан үраб олиниб қамоққа жўнатилди. Бу ҳолат тўпланган шаҳар катталарига таъсир этган бўлса керак, улар генерал Черняевнинг айтган аҳдномасига у кўрсатган мазмунда тайёрлаб беришни зиммаларига олдилар. Чунончи, Ҳакимхўжа қозикалон аҳдномани безаш ва тузишни Абдусаттор Қорабоши ўғлига топшириди. Аҳднома тайёланганидан сўнг унга шаҳар катталари ва савдогарлари кўл қўйиб ва муҳр босиб генерал Черняевга топширилди. Генерал Черняев Солиҳ охун додҳо ва унинг хамроҳларини Томскига сургун қилди.

Генерал Черняев аҳдномани Абдусаид ва Ҳодижуха номли савдогарларнинг қулига бериб, Петербургга, подшоҳга олиб бориб беришни буюрган. Рус ҳукумати бу аҳдномани босқинчилик сиёсатини бўяш ва ҳалқаро матбуотда шовқин-сурони бартараф қилиш мақсадида чет мамлакатларга тарқатади. Жумладан, Туркиядаги рус элчихонаси аҳднома нусхаларини кўпайтириб Истанбулдаги кўчаларга, бозорларга, дўконларга умуман кўзга ташланадиган жойларга ёпиштириб қўйилди. Шундай қилиб, генерал Черняев Тошкентга бостириб киргандан сўнг икки аҳдномани, яъни сулҳ шартлари ва ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатувчи ҳамда мустамлакачилик сиёсатига хос бўлган қалбаки ҳужжат тузишга эришди.

Генерал Черняев Тошкентда юқори табақа вакиларининг ихтиёридаги қулларни бушатиш ҳақида фармон чиқарди. Натижада, бир вақтлар уруш пайтларида асирикка олинган ёки кўчманчилар томонидан келтириб сотилган турли миллатдаги уччалик кўп бўлмаган қуллар озод қилинди. Генерал Черняев маҳаллий яҳудийларни камситишга қаратилган айrim одатларни бекор қилди. Жумладан, яҳудийларнинг белларини ип билан боялаб юриши ва белгиланган хилдаги телпакни кийишлари тўгрисидаги талаб бекор қилинди.

1866 йил август ойида Рус императорининг Тошкентни Рус давлати — тобелигига олганлиги ҳақидаги расмий фармонни эълон қилинди. 1867 йилда эса Сирдарё ва Семиреченск (Еттисув) областларини ўз ичига олган Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиб бу мансабга генерал К. П. Кауфман тайинланди. Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази булиб қолди.

Шу равища Тошкент Рус давлати территориясини бир қисмiga ва Чор ҳукуматининг Урта Осиёда тўлиқ ҳукмронлигини ўрнатилишида муҳим таянчга айлантирилди.

БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ БЎЙСУНДИРИЛИШИ

Бухоро хонлигининг ҳукмдори Музаффархоннинг бутун минтаقا тақдири қил устида турган бир пайтда Чор ҳукуматини тажовузига қарши кескин чораларни кўрмаслиги халқнинг газабини уйғотди. У шу даражада калтафаҳм бўлганки тошкентликлар умум душманга қарши ҳарбий ёрдам сураганларида сарой аҳли ҳузурида шундай деган: «Мен бир оддий рус лашкарбошиси билан урушни узимга ор деб биламан. Агар урушмоқчи бўлсан, у вақтда тўппа-тўгри Москвага ёки Петербургга бориб жанг қилурман». Хоннинг бу мантиқсиз сўzlари Бухоро жамоасининг қонини қайнатиб юборди. Бу ҳолат айниқса рус қўшинлари томонидан Тошкентни босиб олингандан кейин авжига минди. Ҳусусан руҳоний ва зиёли вакиллари хонни қўрқоқликда айбладилар. Аҳоли хон саройини қуршаб тошбўрон қилдилар. Ҳатто, Музаффархон хоинликда айбланиб ўлдирилиши маълум қилинди. Ниҳоят, халқнинг қаттиқ сиқуви ва талаби орқасида Музаффархон айрим чораларни куришга мажбур бўлди. Масалан, Жиззах қалъасини мустаҳкамлашга маблағ ажратилиб қўшин ҳарбий салоҳияти кучайтирилди. Ва шаҳар мудофаа қобилияти анча мустаҳкамланди.

1866 йил январь ойини охирида генерал Черняев 15 та пиёда ротаси, 100 казак ва 16 тўплар билан Жиззахга ҳужум қилди. Бироқ рус қўшинлари ватан ҳимоячиларининг қаҳрамона жангти туфайли Жиззахни ололмай Тошкентга қайтишга мажбур бўлди. Бу галаба барча қатори Музаффархонни ҳам руҳлантирди. Шундан кейин Музаффархон умумий «газот» эълон қилиб 100 минг одам тўплади. Уларни орасида қўшиндан ташқари қулига нима тушса шу билан қуролланган халқ оломони кўпчиликни ташкил қилган. Улар амир Музаффар бошлиқ Жиззахга ва бу ердан Сирдарёнинг чап қирғогидаги «Сассиқ кўл» деган жойга келдилар. Буни қарангки, Музаффар бўлажак жангга пухта тайёргарлик кўриш ўрнига ички кийимида ўти-

риб шахмат үйнаш ва ашула эшитиш билан вақтини үткәзди. Шу онда рус қүшинлари бирданига ҳужум қылганда у дархол ялангоч ҳолда отта миниб қочади. Халқ оломони ва қүшин ҳам турли томонга қочиб, түзіб кетади. Бу воқеа 1866 йил 8 майда «Сассик күл»ни яқинида жойлашған Иржар деган жойда содир бўлди. Бу ерда рус қүшинлари генерал Романовский бошчилигида урушдилар. Аҳмад Донишнинг сўзича қанчадан-қанча одамлар ҳалок бўлдилар ва жароҳатландилар. Кўп одамлар орқага қайтишда йўлларда мисли кўрилмаган азоб-уқубатларни бошидан кечирганлар. Музаффархон бир жойда тўхтаганда маълум бўлдики, у қўрқанидан иштонини булғаб қўйган экан. Мана, хоҳласам Москвага бориб урушаман деб чиранган ҳукмдорни асли башараси қандай бўлган. Рус қүшинлари кўп микдорда ҳарбий қуролларни, шу жумладан 26 тўпни, 670 пуддан ортиқ порохни ва 220 минг патронни ўлжага олдилар. Улар 1868 йил 19 майдан 20 майга ўтар кечаси 18 та тўплардан ўқ узиб Ҳужандга ҳужум қилдилар. Бу ерда халқ шу даражада қаттиқ жанг қилдики, бундан газабланган душман қўшини шаҳарни ялписига ўққа тутишни орқасида 20 мингдан ортиқ кишилар ўлдирилди ва уй-жойлар вайронага айлантирилди. 1866 йилнинг 11 октябрида Чор қўшини генерал Крижановский бошчилигида Жиззахни куршаб олади. Жиззахдаги жанг шу даражада даҳшатли бўлганки, одам қони бамисоли ариқ сувига ўхшаб оқкан. Ҳимоячиларнинг қаҳрамонлиги ва жасоратини ҳатто Чор қўшинлари ҳам тан олган. Бу жангда ҳимоячилардан 2 ярим минг киши ўлади ва кўплаб кишилар ярадор бўлади. Пировардида Жиззах душман томонидан эгалланди. 1867 йилнинг 7 июняиде душман қўшини Жиззах ва Самарқанд ўртасида жойлашган Янгиқўргонда 45 минг кишилик Бухоро қўшини ва халқ кўнгиллиларини қаттиқ жанг билан маглубиятта учратди. 1868 йил майда эса Самарқанд шаҳри остонасидаги Чупонота тепалигигида уруш бўлади. Бу ерда ҳимоячилардан кўп киши қирилди, ярадор қилинади. Чор аскарлари эртасига Самарқанд шаҳрига бостириб кирадилар. Ваҳимага тушган ерлик аҳоли душманга қарши тура олмайди. Бундан хабар топган амир Музаффар қаттиқ даҳшатга тушиб, хабарчини «шум сўzlари» учун дархол осиб ўлдиришга фармон беради. Унинг васвасаси аста-секин йигига айланиб: «Худо ма-

ни Самарқанддан маҳрум қилгандан кўра жонимни олгани яхши эди» деб нола чекади. Амирнинг ношудлиги ва мағлубияти халқнинг норозилиги ва газабини янада кучайтирди. Айниқса, унинг Чор ҳукумати билан сулҳ тузишга мойиллиги вазиятни ўта кескинлаштириди. Натижада Бухоро атрофидаги аҳоли қандай булмасин урушни давом эттиришни талаб қилиб қўзголон кўтардилар. Аммо Музaffer ҳалқ қўзголонининг бутун Зарафшон водийсига тарқалиб кетишидан қўрқиб, дарҳол чоризмга қарши ҳарбий юриш ўюсттирди. Чули Малиқ деган жой қўзголон марказига айланди. Бу ерда ойболта, сўйил, найза ва шунга ўхшаш нарсалар билан қуролланган қўзголончиларнинг асосий кучлари тўпланган эди. Бироқ қўзголон бостирилди.

Талвасага тушган амир нима қилишини билмай ўз атрофидаги беклар билан кенгаш ўтказиб сулҳ тузиш ёки урушни давом эттириш масаласини муҳокамага қўйди. Кенгащда биринчи бўлиб сўз олган лашкарбoshi Усмонбек шундай деди: «Хонлик ҳалқи урушни давом эттиришни талаб этаётган бир пайтда кофирлар контрибуция (товон) тўлашдан кўра бир томчи қон қолгунча курашиш афзалроқдир». Бу фикрни кенгаш қатнашчилари қўллаб-кувватладилар. Шундан кейин 15 минг отлиқ, 6 минг пиёда ва 14 та тўпдан иборат Бухоро қўшини Зирабулоқ тепалигига келиб ўрнашди. Қўшинни руҳлантириш ва галабага чорлаш ниятида амир Музaffer уларга қуйидаги тарзда мурожаат қилди: «Содик мусулмон фуқаролари, сизларнинг заҳматларингиз учун раҳмат, сизларни ишонтираманки, галаба биз томонда бўлгай. Самарқанд ва Каттақўргоннинг қўлдан кетиши биз учун унчалик йўқотиш эмас. Биз темурийлар авлодимиз, биз ўз еримизни қандай қайтариб олишни кўрсатиб қўямиз. Мусулмонлар, мен динимиз ва ватанимиз учун мусулмон аҳлининг қаҳрамонона жанг қилишига, кофирларга кўз ўнгидан намойиш қилишингизга умид қиласман. Халқ биздан галаба кутяпти, у жангдан сўнг сизларни қарши олганида дин ва Ватан ҳимояси учун курашиб еримизни кофирлардан тозалаганлар деб айтишсин. Зирабулоқ жанг майдонида ҳалок бўлганлар шарафига шонли ёдгорлик ўрнатилади. Мусулмонлар, Туркистон генерал-губернатори талаб қилаётган 125 минг тилда (500 минг сўм) товонни сизларга совга сифати-

да берилади. Ишончим комилки, сизлар менинг умидларимни рүёбга чиқарып самарқандликлар тұнидаги қора дөгни юvasизлар. Мусулмонлар, сизларга зафар әр бұлсин». Ушбу мурожаат тұп үқлари овози остида үқиб әшиттирилади. 1868 йил 2 майда генерал К. П. Кауфман құмандонлигидеги құшин ва ҳимоячилар уртасыда жаңг бошланди. Бухоролик мудофаачилар «Олинглар, олинглар ахир...» дейишиб душманга қарши ҳужум құлдилар. Аммо күп талофат күриб маглубиятта учрайдилар. Бу ҳақдаги хабар бутун Бухоро халқи газабини янада кучайтиради. Амир құрқиб Қизилқұм тарағға қочиб кетади. Зира булоқдаги жаңг вақтыда Самарқандда чоризмға қарши халқ құзғолони бошланади. Она юрт ҳимоясига шаҳар атрофидаги қишлоқ ва овуллардан минглаб кишилар келиб қүшилдилар. Генерал-губернатор К. П. Кауфманнинг ёзишича, Каттақұргондан то Самарқандгача бұлған ерларда кишиларни кам учраттан. Бунға сабаб найманлар, қорақалпоқлар, хитой, қипчоқлар, қирқ құзлар ва бошқа қабилалар Жұрабек ва Бобобек бошчилигіда Шахрисабздан келаёттан 20 минг кишилик құшин ва қасоскорларға құшилиб, Самарқанддаги құзғолончилар сафини тұлдирған әди. Натижада, Самарқанд чоризмға қарши умумхалқ курашининг үчогига айланади. Бир неча минг кишилик құзғолончилар шаҳар қалъасыда үрнашған чор құшинини құршаб олиб жаңғта киришдилар. Аммо Шахрисабз беклари чор құшинларига әрдамчи күчлар келаёттанлигидан хабар топиб, Самарқандни ташлаб чиқадилар. «Шундан кейин, — деб ёзади К. П. Кауфман, — шаҳар ахли қишлоқлардан келаёттан халқ құнгиллилари билан биргаликда қалъага ҳужум қилишни давом эттирадилар». Бу вақт ичиде ҳар иккى томондан күпілаб киши қурбон бұлади ва ярадор қилинади. 8 июня генерал К. П. Кауфман бошчилигіда құшинлар шаҳарға бостириб кириб, құзғолонни шафқатсизлик билан бостиради. Улар шаҳар бозорини үққа тутадилар. Құзғолон қатнашчиларидан 19 киши үлімға ва 19 киши Сибирга умрбод сургунга ҳукм қилинади. Бунинг устига құзғолончиларнинг аксарияти жаңғда ҳалокатта учраган. Чор құшинларидан эса 275 киши үлдирилди ва ярадор қилинди. Бошқа жойларда босқинчилардан бунчалик күп кишилик талофат күрмаган әди. Шунинг учун генерал К. П. Кауфман «Самарқанд қалъа-

сидаги талофатни жуда катта йўқотиши», деб баҳолайди. Бу вақтда Амир Музаффарнинг обруси ва мавқеи тобора тушиб, тахтда зўрга илиниб турарди. Амир Карманага келиб, уз амалдорлари иштирокидаги кенгаши Чор ҳукумати билан сулҳ тузишдан бўлак чора келмаганини маълум қилиб: «Эндиликда барча қўшин ва қурол аслаҳаларни, тўпларни оқ подшоҳга топшириб мен Маккага ҳажта боришга рухсат беришини ундан сўрайман. Сезиб турибманки, менинг ўлимим яқин, тақдирим ва ҳаётим халқнинг қўлида».

1868 йилнинг 28 июнида амир Музаффарнинг элчилари Самарқандга К. П. Кауфман ҳузурига келиб, сулҳ тузишга розилик билдирадилар. Сулҳга кўра Самарқанд, Каттақўргон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисми хонликдан ажратиб олиниб, Россия таркибиға киритилди. Амир товон сифатида 500 минг сўм тилла пул тўлашга ва хорижий мамлакатлар билан мустақил равишда алоқа ўрнатмасликка розилик беради. Шунингдек, Россия савдогарларига хонлик тасаруфида бемалол савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланишга ҳамда карвонсаройлар қуришга ижозат этилди. Улар тўлайдиган савдо божлари миқдори бухороликлар тўлайдиган божлардан ошмаслиги керак эди. Хуллас, шартнома тузилгандан сўнг Бухоро амири урушни расман тўхтатиб, рус давлатига тобелигини тан олади. Бу эса ватанпарвар ва ҳур фикрли одамларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлади. Ҳатто амирнинг ўғли Катта Тура ва бир неча нуфузли беклар бирлашиб, Музаффархон ва чоризм истилочиларига қарши курашни давом эттирадилар. Улар амирнинг тахтдан маҳрум этилганлигини эълон қилиб, Шаҳрисабз ва Китобда катта куч тўпладилар. Шаҳрисабз беклари Катта Турани хон деб эълон қиласидар. Натижада, амир Музаффарнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашади. Ота-бала қўшинлари ўртасида Самарқанд яқинидаги Хом қишлоғида содир бўлган жангда амир сарбозлари енгилади. Шундан сўнг амир Чор маъмуриятига ҳарбий ёрдам сўраб мурожаат қиласиди. Буни инобатга олган генерал Абрамов 1870 йилида Шаҳрисабз ва Китобда Журабек ва Бобобек бошчилигидаги қўшин ва оломонни енгилаб, у жойларни амир Музаффар ихтиёрига топширади. Бундан илгари, яъни 1868 йилда Чор қўшинлари томонидан босиб олинган Қарши шаҳри ҳам амирга қайтарилади. Бу билан Чор ҳукума-

ти Музаффарнинг Рус давлатига янада итоат этишини мустаҳкамлаб борган. Амир эса сулҳ шартларини оғишмай бажараверади.

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Чор ҳукумати Хива хонлигини босиб олиш учун катта тайёргарлик кўрди. Ваҳоланки, Хива хонлигига 1869 йилги маълумотларга кўра, бир ярим минг кишидан иборат мунтазам армия бўлиб, ҳарбий техникаси ниҳоятда паст даражада эди. Шунга қарамай, чор ҳукумати хонликка қарши уч тарафдан, яъни Туркистон генерал-губернаторлиги, Оренбург ва Каспий денгизи томонидан ўз ҳарбий кучларини ташлайди. Қушини яхши қуролланган 12 минг кишидан иборат эди. Ҳатто қўшинга император хонадонидан буюк князь Константин Константинович Романовский ва князь Евгений Максимилянович Романовский ҳам қўшилди. Афтидан, бу билан ҳарбий юриш мавқеини янада ошириш мўлжалланган бўлса керак. Қўшинга генерал К. П. Кауфман умумий қўмондонлик қиласи. Чор қўшинлари узоқ ва машаққатли йўлни босиб утиб, Хива хонлиги чегарасига етиб келадилар. 1873 йилнинг май ойида йўлма-йўл хиваликлар қаршилиги ни енгиг борган чор истилочилари 28 майда Хива



10-расм. Иchan қалъя. Мудофаа девори.

шаҳри остонасига келиб тұхтайдилар. Бу вақтда Саид Мұҳаммад Раҳимхон қочишига улгурған. Қүшин генерал Верёвкин бошчилигида Хива шаҳрига хужум бошлайды. Пировардида уруш тұхтатилади ва генерал К. П. Кауфман Саид Мұҳаммад Раҳимхон Хивага келиб Рус давлатининг вассали сифатида үз тахтини эгаллайди. 1873 йил 12 августда ұзаро сұлқ тузилиб, Хива хонлиги үз сиёсий мустақиллігини йүқотади. Шунингдек товон тұлашни ва Россия савдогарлари хонликда бемалол иш юритиши учун шароит яратып беришни буйнита олади. Амударёнинг үнг қиргоги Россия ихтиёрига ұтказилиб, у ерда генерал губернаторликнинг Амударе бўлими ташкил этилади.

Шундай қилиб, Бухоро ва Хива хонликлари үз мустақиллікларини құлдан бой берип, Россия таркибиға киради. Гарчанд хонлик сақланиб қолған бўлсада, улар Рус давлати манфаатлари доирасида иш юриттганлар. Чор ҳукумати минглаб кишиларнинг ёстигини қуриттани ва ногирон қылғани етмагандек, уруш ҳаракатларини ундириш учун Бухоро хонлигини 500 минг сўм, Хива хонлигини эса 2 млн. 200 минг сўм товон тұлашга мажбур этади. Бу оғир жарима меҳнаткаш омманинг мушкул ҳаётини янада оғирлаштиради.

ҚҮҚОН ХОНЛИГИНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Чор истилочиларининг галдаги нияти Қўқон хонлигини тугатиши эди. Улар Туркистон, Чимкент, Тошкент ва бошқа жойларни босиб олиб, Қўқон хонлигига қаттиқ зарба берган эди. Қўқон хони Худоёрхон қўрқоқ ва тадбирсиз бўлғанлиги учун ватан ҳимояси йўлида бирон арзугулик иш қилмади. Аксинча, Чор ҳукумати нигоҳида үз тахтида ўтиришни ўйларди, холос. У 1868 йили чоризм билан сұлқ тузиб, амалда Россияга қарам бўлиб қолади.

Бунга кўра хонлик ерларида рус савдо саноат вакилларига катта имтиёзлар берилди. Худоёрхоннинг итоаткорлигини тақдирлаган Чор ҳукумати уни Россия давлати ордени билан мукофотлади ва унга «Аслзода» деган фахрий унвон берилди. Худоёрхоннинг мазкур сиёсати аҳолининг газабини тошириб юборди. Бунинг устига хоннинг зулми тобора кучайиб борди. Натижада 1873 йилда Пўлатхон бошчилигида Россия тажовузи ва унга сотилган Худоёрхонга қарши

халқ қўзголони кўтарилди. Халқ нафратига учраган Худоёрхон ўзининг бой хазинасини 40 та аравага юклаб Хўжандга қочиб кетади. Бу ердан Тошкентга юборилади. Генерал Кауфман унинг бойликларини ҳукумат фойдасига мусодара қилиб, ўзини Оренбургга сургун қиласди. Рус архив манбааларига кўра, у бу ердан қочиб Афғонистон орқали Ҳиндистонга ва сўнгра Саудия Арабистонига бориб ҳаж қиласган. Шундан кейин яна Афғонистонга қайтиб кўп ўтмай вафот этган.

Қўзголончиларга хонликдаги ҳукмрон доираларнинг вакиллари Абдураҳмон Офтобачи, Мулла Исо Авлиё, Султон Муродбек ва бошқалар ҳам қўшилиб Чор ҳукуматига қарши кураш олиб бордилар. Бу ҳаракат шу даражада кенг ёйдик, бутун Фарғона водийсиги қамраб олди. Қулай фурсатни кутаётган Чор ҳукумати 1875 йил 6 августидаги Фарғона водийсига бостириб киради. Қўзголончилар босқинчиликларга қарши қаттиқ жанг қиласдилар. Шафқатсиз душман қўшинлари билан бир неча аҳоли турар жойларини ер билан яксон этади ва минглаб одамларни қириб ташлайди. Биргина Андижондаги жангда қўзголончилардан 20 минг киши ёвузларча ер билан яксон этилди. Бу фожеа генерал Скобелевнинг буйруги ва бевосита иштирокида рўй беради.

Халқ қўзголони шафқатсизлик билан бостирилиб, 1876 йил 16 февралда Қўқон хонлиги тутатилади.

Шундай қилиб Чор ҳукумати 1853—1876 йилларда, узбек хонликларига қарашли шаҳар ва қишлоқларни бирин-кетин босиб олиб, Ўрта Осиёни ҳукмдори бўлиб қолади. Минглаб оддий халқ вакиллари болта, таёқ билан қуролланиб, ўзидан ҳар жиҳатдан бир неча баробар кучли ва яхши қуролланган чор қўшинларига қарши мардонавор курашади. Улар аскарларнинг тўплар ва милтиқлардан отилган ўт-ёмгиirlарига кўкракларини тутадилар. Хонлар эса мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш ва ҳарбий техникани такомиллаштириш ўрнига ўзаро курашларни давом эттиравердилар. Айниқса Бухоро хонлигининг Қўқонга нисбатан олиб борган душманлик сиёсати Чор ҳукумати учун катта фойда келтиради. Уруш ҳаракатлари шуни кўрсатадики, учала хонликнинг ҳукмдорлари ҳарбий жиҳатдан мутлақо саводсиз кимса булиб чиқди. Бундан Қўқон лашкарбошиси Алимхон мустаснодир. У Чор ҳукуматига қарши курашда қўшинга ва халқ

қасоскорларига жасорат билан бошчилик қилди. У жүшқин ватанпарвар ва қаҳрамон шахс сифатида жанг майдонида ҳалок бўлади.

Ўзбек хонликларининг ерларининг босиб олиниши Чор Россиясининг юқори табақаси томонидан зур хурсандчилик билан қарши олинди. Россия молия вазири Вишнегородский бу жойларни «рус тожидаги энг қимматбаҳо дур» деб баҳолади.

Туркистон генерал-губернаторлигининг чегараси вақт ўтиши билан кенгайиб борди. Пировардида Сирдаре, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспий орти ерларини ўз қарамогига киритди.

Бухоро амирлигида 28 беклик: Чоржўй, Кармана, Зиёвуддин, Нурота, Китоб, Шахрисабз, Чироқчи, Яккабоғ, Фузор, Бойсун, Қоратегин, Денов, Ҳисор, Дарвоз, Болжуван, Шугнон, Рушон, Қулоб, Қурғонтепа, Шеробод, Ҳалиф, Кирки, Бурдалик, Қарши ва Ноизм сингари жойларни ўз ичига олган эди.

Хива хонлиги эса Питнак, Ҳазарасп, Ҳонқа, Урганч, Қўшкўприқ, Ғазовот, Қиёт, Шоҳобод (Шовот), Тошқовуз, Омбор, Маноқ, Ғурлан, Мангит, Қилич Ниёзбой, Қипчоқ, Порсу, Илёли, Қўхна Урганч, Ҳужайли, Шуманай ва Қўнғирот деган жойларини қамраб олган.

Куриниб турибдики, икки хонликларнинг ерлари илгари вақтларгача жуда қисқарган. Бундан, айниқса Бухоро амирлиги катта талофат кўрди. Қўқон хонлиги эса бутунлай таг-томири билан қўпориб ташланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Туркистон ҳалқларининг ўта ватанпарварлиги ва эркесварлиги орқасида Рус давлати уни тезкорлик билан босиб ололмади. Натижада, уруш ўрта ҳисобда 25 йил давом этди. Ҳалқ оммасида миллатпарварлик туйғулари шу даражада кучли эдик, агар ҳарбий маҳорат ва техника талабга жавоб берарли даражада бўлганда Рус давлатини ёвуз ниятини юзага чиқмаслиги турган гап эди. Начора, ўлка ҳукмдорларининг нодонлиги ва ожизлиги ҳамда бир гурӯҳ кишиларнинг хоинлиги Туркистон ўлкаси ни Россия панжасига тушишига сабаб бўлди. Чор ҳукумати туб аҳоли вакилларини Олий ва ўрта мансаблардан маҳрум қилиб ўлкани-бошқариш рус генералларини ва офицерларини қўлига ўтди. Шу равишда миллий давлат тутатилиб рус тили давлат тили ҳисобланади. Миллий тилни ва миллий маданиятни ривож-

ланишига йўл берилмай «улуг миллатчилик» сиёсати амалга оширилди. Бутун ўлкада мустамлакачилик ва миллий зулм ҳукм сурди. Туркистон Россиянинг хомаше манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиб ҳалқнинг бошига сон-саноқсиз азоб-уқубатлар тушди. Шунинг учун ҳам ҳалқ оммасининг миллий-озодлик курашлари давом этди. Масалан, 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги ҳалқ ҳаракатлари шулар жумласидандир.

Чор Россиясининг ҳукмронлигига қарши курашлар

МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ ВА МИЛЛИЙ ЗУЛМ

Чор ҳукумати бутун Туркистонни қонга белаб, шаҳар, қишлоқ ва овулларни вайрон этиб уни босиб олгандан кейин миллий давлат ва қўшинни йўқ қилди. Маҳаллий бошқарув тизими қўпориб ташланди. У минтақани Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ва Хива хонликларидан иборат уч қисмга парчалаб бошқаради.

Ўлканинг энг унумдор ва обод ерлари Туркистон генерал-губернаторлиги таркибиға киритилди. Масалан, у Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспий орти вилоятларини ўз ичига олган эди. Тошкент губернаторликнинг пойтахти ҳисобланди.

Губернаторликнинг олий ва ўрга бўгин лавозимларига рус генераллари ва офицерлари тайинланиб қуий мансабларга маҳаллий аҳоли вакиллари қўйилди. Булар рус маъмуриятининг кўрсатмаларини сўзсиз адo этувчи кишилар эди, холос. Бухоро ва Хива хонликлари сиртдангина мустақил кўриниб амалда уларнинг ҳукмдорлари рус маъмуриятининг хизматкорлари бўлган. Чор ҳукумат иқтисодиёт бўйича ҳам мустамлакачилик сиёсатини изчиллик билан амалга оширди. У минтақадаги ерсув ва табиий бойликларнинг эгаси сифатида иш юритиб, кўпдан-кўп маблаглар ҳукумат хазинаси ва капиталистларнинг чўнтағига дарё суви каби оқиб бораберди. Айниқса пахта уларга катта даромад келтирди. Гарчан пахтацилил ривожлантирилган бўлса-да, лекин ундан дехқонлар фойда кўрмай қашшоқлашди. Бундан ташқари мустамлакачилар ўлкага тайёр саноат моллари ни келтириб сотиш орқали ҳам бойлик ортирадилар.

Шу тариқа ўлкани Россиянинг хом-ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилган эди. Бундай ҳолат ўзбек ва бошқа туб аҳолининг маънавий ҳаётини ҳам қашшоқланишига олиб келди. Рус маъмурияти онгли равишда миллий маданият ва миллий

тилни ривожланишига йўл бермай халқни ўрта аср қолоқлигига сақлашга ҳаракат қилди. Рус тилига давлат тили мақоми берилди. Айниқса, халқ маорифига маблаг ажратилмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилиши ёмон оқибатларга олиб келди. Натижада, халқнинг деярлик ҳаммаси саводсиз бўлиб қолди. Улкада маҳаллий аҳоли учун бирорта олий ва ўрта ўқув ёки хунар билим юрти очилмади. Аксинча миллий ҳис-туйғу ва сиёсий уйгонишга қарши чоралар кўрилди. Таъқиб ва назоратлар авжига чиқиб, ислом дини бурчакка сиқиб қўйилди. Халқ оммаси оғир ва хилма-хил солиқ ва мажбуриятларнинг ҳам азобини бошидан кечирди.

Улкада кўплаб рус посёлкаларини ташкил этилиши фожиали оқибатларни юзага келтирди. Халқ унумдор ер-сувларидан маҳрум бўлиб, тирикчиликни ўтказиши жуда қийинлашиб кетди.

Биринчи жаҳон уруши даврида (1914—1918) аҳвол янада ёмонлашиб қашшоқлик кенг қулоч ёйди. Умуман айтганда, мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм, сиёсий ва инсоний ҳукуқларнинг йўқлиги, адолатсизлик ва зўравонлик мазлум халқнинг озодлик курашларига замин ҳозирлади.¹

1892 ЙИЛ ҚЎЗГОЛОНИ

Улкадаги ниҳоятда оғир ҳаёт, чор ҳукуматининг ободончилик ва соглиқни сақлашга эътибор бермаслиги орқасида турли касалликлар кучайиб бораверди. Айниқса, вабо касалини пайдо бўлиши фожеали бўлди. Айрим маълумотларга кўра, 1892 йил 1 июнда Жizzах уездидаги вабо касали пайдо бўлган. Шу муносабат билан вилоят ҳарбий губернаторининг фармони билан Сирдарёнинг чап қирғогидаги Чинозда, яъни Тошкентдан 65—70 км. узоқлиқдаги жойда тиббиёт пункти очилди. Бу ерда вабога чалингган бир нечта кишилар касалхонага ётқизила бошланди. Уша йилнинг 7 июнда эса Тошкент шаҳрида вабо касали борлиги маълум бўлди.² Чор маъмурияти унга қарши чораларни, ҳаётга татбиқ этиб борди. Бунга кўра, вабодан ўлган кишиларнинг мурдасини врачнинг рухсатисиз кўммаслик лозим эди. Шунингдек, мурдаларни шаҳар

¹ Мазкур масалага доир архив ҳужжатларини тўплаган Тарих институтидаги бир гурӯҳ илмий ходимларга ўз миннадорчилигимни изҳор этаман.

² Ўз РМДА.ФИ-1, 32-рўйхат, 30-иш, 165-бет.

ицидаги эски мозорларга эмас, унинг чеккароқ жойида очилган янги қабристонларга күмиш тавсия этилди. Аммо врачларни ва ҳамшираларнинг етишмаслиги орқасида мурдалар 3—4 кун мобайнида қолиб, ҳавонинг иссиқлиги туфайли сасий бошлаган. Аёлларнинг мурдасини рус эркак врачлар кўздан кечирган. «Туб аҳолининг сўзларига кўра, — деб ёзади муаллифлардан бири, — санитарларнинг орасида турли касбдаги ва офицерлар кийимини кийган ёшлар полициячилар билан биргаликда «пўшт» дейишиб, маҳаллий аҳолининг уйларидағи аёллар яшайдиган хоналарга киришган. Улар тозаликни назорат қилиш баҳонасида отоналарини ҳузурида аёлларга ва қизларга нисбатан турли ўринсиз қиликларни қилишган».¹

Мурдаларни ювиш ва уларни кўпчилик билан қабристонга олиб бориш тақиқланади. Гарчанд, кўрсатилган маъмурият чоралари вабони имкон борича даф этишга қаратилган бўлсада, лекин уларни амалга оширишда қатор қўполликларга ва зўравонликларга йўл қўйилди. Ҳаётда дин ҳукм суринбурган бир пайтда мурдаларни ювмаслик ва бир неча кун сақлашлик, ҳамда ота-боболар мозорларини бекитиш ўша давр шароитига жуда зид ва гуноҳдай бўлиб кўринарди.

Хуллас, ҳукуматнинг вабога қарши чоралари зулм ва адолатсизликдан сабр-косаси тўлиб тошган шаҳарликларни бош кутаришига туртки бўлди. Айни бир пайтда гўё врачлар сувга оқ порошок ташлаб халқни заҳарлаётган ва касалларга ҳам бериб улдираётганликлари ҳақида миш-мишлар аҳволни янада кескинлаштиргди. Бу хусусда манбада шундай дейилади: «Доктор Чинозда касални суриштиромай беморларга дори бериб, одамларни дарҳол улдирмоқда, деган сўзлар Тошкентда эшитилмоқда. Шаҳар миршаби савдогарларга мурдаларни кафанга ўрамаслик ва ҳеч қандай диний расмларсиз кўмиш ҳақида кўрсатма берган».²

Умуман айтганда, вабо касалининг ваҳимаси ва турли хил миш-мишлар шаҳар ва атроф қишлоқларига тарқалиб, кишиларни газабини қўзғотди. Мурдани кўпчилик билан қабристонга олиб боришнинг тақиқлашини ҳам қаттиқ норозиликни уйғотди. 20 июня

¹ Терентьев М. История завоевания Средней Азии. Санкт-Петербург, 1906, С.73.

² ЎзР МДА, ФИ-1, 31-рўйхат, 30-иш, 170-бет.

шаҳарнинг Себзор даҳасидаги Хонақо масжидида кўпчилик тўпланиб, ораларидан З вакилни сайлашиб норозиликни шаҳар бошлиғига маълум қилишни топширилди. 22 июнда шаҳар оқсоқоли Муҳаммад Яқуб вакилларни чақириб, миш-мишларга ишонмасликка даъват этди. Ўша куни Шайҳонтоҳур даҳасидаги Таллак масжидида кишилар йиғилишиб шаҳар бошлиғи номига хат ёздилар: «Бизлар мурдаларни янги мозорларга дафн этишга қаршилигимизни ва эски мозорлардан фойдаланишни давом эттиришимизни шаҳар бошлиғига маълум қилишликни мингбошидан ва катта оқсоқолдан сўраган эдик, чунки мурдани янги қабристонларга олиб бориш қийинчиликларни тугдиради. Хусусан, шароитга кўра мурдалар елкаларда кўтариб борилиши шарт. Аммо, шу пайттacha хатта жавоб берилмади».¹ Шаҳар аёллари ҳам Туркистон генерал-губернаторига хат ёзишиб, ўз норозилигини изҳор этган эдилар. Шайҳонтахур даҳасига қарашли ўқчи маҳалласидаги масжидларни бирида ҳам 150 киши чор маъмуриятига ёзилган норозилик хатни муҳокама қилган, унда Элликбошилар Юнус Муҳаммад ва Мулла Мирсадик, Муҳаммад Алимхон, Абдулқосим Домуллаев сингари нуфузли кишилар қатнашган.²

Бутун воқеани жонли гувоҳи ва шаҳар бошлиғи С. Р. Путинцевни тергов вақтида берган кўрсатмаси масалани янада ойдинлаштиради: «Июн ойини бошларида, — деган у, — вабо касалини тарқалишга қарши қаратилган чоралар турли мулоҳазаларни юзага келтириб, ҳалқда уларга ишонч қолмади. Ҳатто врачлар вабо касалига йўлиққанларнинг азоб-уқубатларидан тезроқ ҳоли қилиш мақсадида маҳсус порошок бериб одамларни ўлдирмоқдалар деган овозалар тарқалди. Шунингдек, руслар анҳор ариғидаги сувни заҳарлаб туб аҳолини қирмоқчи деган сўзлар эшитилиб турилди. Бундан ташқари маҳаллий ҳалқ вабо касали билан ўлганларни шаҳар ичидаги мозорларга кўмиш тақиқланганига қаршиидирлар. Шаҳар чеккаларида очилган мозорларда мурдаларни маҳсус белгиланган киши томонидан ювилиши, жаноза ўқилиши ва дарҳол дафн этилиши кўрсатилган эди. Аммо, мурдани кўпчилик билан мозорга олиб боришга рухсат берилмади».³

¹ ЦГВИА России, ф.400, оп-1, д. 1569. л. 32.

² Ўша жойда, 4-иш, 83-бет.

³ ЎЗР МДА.ФИ-723, 1-рўйхат, 3-иш, 12-бет.

Хуллас чор маъмуриятининг вабога қарши чораларини диний ақидаларини ва умуман маҳаллий шароитни ҳисобга олмай амалга оширишни фойдадан кура зиёни кўпроқ бўлди. Айрим маълумотларга кўра ҳар куни 100 атрофида одамлар ўлган.¹

Расмий маълумотда эса 7—24 июнь давомида вабога 64 киши чалиниб 43 таси ўлганлиги қайд қилинади.² Вабо касалига қарши қаратилган чоралар халқнинг оғир сиёсий ва иқтисодий шароитини янада кескинлаштириб, бамисоли «оловга керосин» қўйгандай бўлди. Натижада қўзголон бошланди. Аммо, чор маъмурияти вакиллари диққатини қўзголонни асосий сабабларидан чалғитиш мақсадида маҳаллий юқори табақа вакилларининг мансабни эгаллаш учун олиб борган курашларининг маҳсули деб тушунтиришга ҳаракат қилди. Шу муносабат билан бу масалаларга тўхташ айни муддаодир. Қурилаётган вақтларда Тошкент шаҳри Себзор, Шайхонтохур, Беш-Ёғоч ва Кўкчадан иборат тўрт даҳадан иборат бўлган. Ҳар бир даҳада биттадан оқсоқол, қози, мингбоши, юзбоши ва йигитлардан иборат миршаблар хизмат қилган. Улар халқ томонидан «сайланган».³ Вилоят ҳарбий губернатори катта оқсоқолни тайинлаган ва бунга барча даҳанинг оқсоқоллари бўйсундирилган.

Уз навбатида катта оқсоқол шаҳар бошлиги бўлмиш С. Р. Путинцевга бўйсунган. Катта оқсоқоллик лавозими 1884 йилда жорий этилиб, унга ўша йили Иногомхўжа Умархўжаев тайинланган. Иногомхўжа Умархўжаев С. Р. Путинцевнинг ишончини қозониб, ўлка раҳбариятининг бир неча маротаба мукофотларига сазовор бўлган. «У туб аҳоли орасида обру ва нуфузга эга бўлган киши эди. Буни исботи учун шуни далил қилиб ўтиш лозимки, одатда бошлиқлар устидан шикоят қилишга мойил халқдан унга қарши икки маротабагина ариза тушган халос. Улардан бири Иногомхўжани ўзи фош этган ва сургун қилинган жиноятчидан ва иккинчиси Чимкент уездидаги бир қозоқдан олинган эди. Бу қозоқнинг ёзишича, 1891 йилда Иногомхўжа Писта кўмири билан савдо қилувчилардан пора олган экан. Вилоят ҳарбий губернатори Гродеков бу шикоятни текшириш ва

¹ Ўша жойда, ўша бетда.

² Ўша жойда, ФИ-1.3-рўйхат, 30-иш, 167-бет.

³ Ўша жойда, 169-бет.

тұғрилигини аниқламай, 1892 йил 21 майда Иногомхұжаны мансабдан четлатиб, үрнига Шайхонтохур оқсоқоли Мұхаммад Яқубни тайинлаган».¹

Натижада Иногомхұжа ва унинг тарафдорлари үзларини мавқеини йүқотғанликлари учун халқни Мұхаммад Яқубга қарши құзғолон күтаришта даьеват этган әмиш. Шу равиша құзғолон сабаблари икки гурхнинг мансаб учун курашига йүйиб юборилган. Бу ҳақда сүз яна кейинги сақиfalарда үз үрнида бўлишини таъкидлаб айтиб ўтиш лозимки, құзғолон юқоридағи қайд қилинганидек сиёсий ва ижтимоий-иктисодий асосларга эга эди. Аммо бундан қатын назар маҳаллий юқори табақа вакиллари орасида үз ватанини мустақиллигини тиклаш тарафдорлари йуқ эмас эди. Уларнинг кўпчилиги құзғолонда бевосита қатнашишмаган бўлмасаларда, лекин унга ҳайриҳоҳлик билан қараганлари бор эди.

Шаҳарнинг катта оқсоқоли Мұхаммад Якуб вабога қарши қаратилган чораларни амалга ошириш ишига бошчилик қилиб, халқнинг газабига учраган. Чунки, у кўполлик билан ҳаракат қилган. Унинг сузига қаранды 23 июнда Ҳайит байрамининг биринчи кунида шаҳарнинг жами масжидида эрта соат 5 да номоз ўқилгандан кейин С. Р. Путинцев келиб халққа мурожаат қилган: «Халқ орасида, — деган у — вабога қарши кўрилаётган чоралар хусусида нотўғри фикрлар юрибди. Ҳозирда унга шаҳар катта маблаг сарфламоқда. Айтилган чоралар вабони тарқалиб кетмаслиги ва халқни фойдаси учун қилинаётир».²

Бу сўзлар тобора кескинлашиб бораётган вазиятни юмшатиши мақсадида айтилган, албатта. С. Р. Путинцевни ўзи жомеъ масчитидаги учрашувни шундай тасвирлайди: «23 июнда эрта соат 5 дан кейин жомеъ масчитига келдим. Бу ерда мен ниҳоятда куп тўпланган одамларни кўрдим. Менимча, масчитда ва атрофдаги кўчаларда ўн минг киши тўпланган эди. Мени хузуримда ҳайит намоз ўқилди. Шундан кейин мен халққа қарата рус тилида сўзладим. Мени гапларимни рус тилини яхши биладиган Кўкча даҳасининг оқсоқоли Иброҳимбек таржима қилиб турди. Бу кипи илгари менинг таржимоним эди. Мени ўзим ўзбекча

¹ Ўша жойда, ўша бетда.

² Ўз РМДА.ФИ-723, 1-рўйхат, 3-иш, 12-бет.

ни билғанлигим учун таржимани аниқ қилинаётганлигини сезиб турдим. Аҳолини байрами билан табриклиб, турли миш-мишларнинг асоссизлиги ва барча ишлар халқни фойдаси учун қилинаётганлигини таъкидладим. Шунингдек кўрилаётган чоралар туфайли қасаллар камаяётганлиги, агар рус ҳукумати ёмон ниятда бўлса, 27 йил илгари ўлкани босиб олаётганда барча ерли халқни қириб ташлаши мумкинлигини айтдим».¹

Шайхонтоҳур қозиси Шарифхўжа халққа қаратада: «кўриб турибсизларки, вабога қарши қандай чоралар кўрилмоқда, шунинг учун барча миш-мишлар нотўғридир», — деган. Шундан кейин Шарифхўжа жомеъ масҷитида С. Р. Путинцевни, Муҳаммад Яқубни, тўрт даҳанинг оқсоқолларини меҳмон қилган. Бу ерда Муҳаммад Яқуб чақимчилик қилиб маҳаллаларда, хусусан Себзор даҳасида норозиликлар бўлаётганлигини С. Р. Путинцевга маълум қилди. Бу киши кетгандан кейин Себзор даҳасининг оқсоқоли Комилбек шаҳар бошлиги олдида айтган сўзлари учун ноқулай аҳволда қолганлигини хафа бўлиб, Муҳаммад Яқубга билдириган. Бунга жавобан Муҳаммад Яқуб маҳаллаларда мурдалар текширилмасдан ва бекитилган ҳолда шаҳар ичидағи мозорларга кўмилаётганлигини айблаб, бошлиқларга маълумот бериб турган. Унинг бу хатти-ҳаракатлари халқнинг нафратини қўзгатиб, обруйини тўккан.

Бундан ташқари Муҳаммад Яқуб шаҳар атрофидан, яъни қишлоқлардан келган мардикорларни ва «қора ишлар» билан шугулланувчи кишиларни суриштирмай қасалхонага ётқизаверганидан ёки ушлаб турганидан улар шаҳардан қочиб кетаверган. Бу ҳолат ҳам мардикорларни Муҳаммад Яқубга нисбатан нафратини уйготган. Шу орада Иноғомхўжани ишдан олинишидан норози бўлган кишилар Муҳаммад Яқубни қоралашга ўтган. Умуман айтганда, эзилган ва таланган халқ оломони биринчи навбатда Муҳаммад Яқубдан уч олишга аҳд қилди ва бош кўтарди. Қўзғолон Себзор даҳасида бошланди. Муҳаммад Яқубнинг сўзига қараганда аввало 2000 кишилик халқ оломони уни уйига борганда бу ерда оломон уни тополмагандан кейин уйини остин-устин қилиб, тўрт минг

¹ Ўша жойда.

сүмлик мол-мулкини талаганлар. Ҳатто уйга үт күй-моқчи бўлиб турганларида қўшин келиб қолган.¹

Бу оломон тепасида Эшон Азизлар (Зайниддинхон), Одил Қосимхўжа, бозор оқсоқоли Зиё Исамуҳамедовлар турганлар.²

Кўзғолончилар Мұҳаммад Яқубни уйидан тополмаганларидан кейин янги шаҳарга, маҳкама томон йул олдилар. Қўзғолон ҳақида унинг қатнашчиси Мулла Саримсоқов терговда деган: — «Халойиқ, шу жумладан мен вабога қарши чораларни бекор қилинишини сўраб галаён кутардик. Бу ҳаракат мансабдорларни ўлдириши, Мұҳаммад Яқубни уйини ёндиришга қаратилган чақириклар билан бошланди. Шаҳар аҳли мурдаларни эски мозорларга дағн этишга рухсат бермаётган ва бошқа адолатсизликларни қилаётган катта оқсоқол Мұҳаммад Яқубни ёмон кўрадилар. Бизнинг эгарчи маҳалламиизда Шамси Мұҳаммад деган киши вабодан эмас, балки оддий касалдан вафот этди. Аммо Мұҳаммад Яқуб рухсат бермагандан кейин уни Шайхонтоҳур мозорига яширинча кўмдик. Катта оқсоқол буни текширишга ўз одамини юборди. Рухсатсиз дағн этиш Себзор даҳасида ҳам содир бўлган экан. Шу пайтда бизнинг маҳалламиз орқали Себзор даҳасининг кишилари ўтиб қолди. Бизлар ҳам уларга қўшилдик. Уларни орасида мен, Ҳасанхўжа Эшон, Абдурашидхўжа, Тожихон Абдураҳмонов, Назир Мұҳаммад ва бошқалар бор эди. Йўлда бизларга кўп одамлар қўшилди. Уларни орасида четдан келган кишилар кўп эди. Чунки катта оқсоқол уларни суриштирмай бекордан-бекорга касалхонага ётқиздирди. Кимнинг боши бойланган бўлса, ушани ушлаб касалхонага жўнатаверди. Мардикорлар ва улгурчи ишлар билан шугууланувчилар шаҳардан қочишига мажбур бўлдилар. Оломоннинг сони 2—3 минг кишига етди. Ҳеч ким одамларни чақирмади, аксинча улар тамоми-ла ихтиёрий равишда кутарилдилар. Бизлар маҳкамага борганимизда, шаҳар бошлиги С. Р. Путинцев пайдо бўлди. Халойиқ бақиришиб, Мұҳаммад Яқубни ўлдиришларини баён этдилар. Мен оломонни тинчланишга чақирганимда кўкрагимдан ушлаб силтадилар».³

¹ Ўша жойда, ўша бетда.

² Ўша жойда, ўша бетда.

³ Ўша жойда, 188—189-бетлар.

С. Р. Путинцев Мұхаммад Яқуб билан маҳкамага Воронцев күчасидан келаётгандың күп сөнли оломонға дүйнен келген. Бу ерда уларга қарши тошлар отирилди, Мұхаммад Яқубнинг боши, елкаси ва бели жароҳатланды. Құзғолончилар унга: — «Бизларни янги қабристонға жұнатмоқчисан, лекин биз сени ўзингни ўлдириб, у ерга жұнатамиз» — деб бақиришган. Мұхаммад Яқуб қочиб, маҳкамага яширинаади. Құзғолончилар кетма-кет маҳкамага келишиб: «Оқсоқолни беринглар, ўлдирамиз» — деб бақиришди. Шу пайтда икки-уч минг кишидан иборат оломон маҳкама ҳовлисига бостириб кира бошлаганды Мұхаммад Яқуб шу ердаги маҳкама котибини уйига кириб яширинаади. Таşқаридан «оқсоқолни бер!, Уни ўлдирамиз» — деган сұзлар доимо әшитилганды. Котибнинг хотини Мұхаммад Яқубни шкафни ичига, ва уни соқчиси Сайфулланы столни тағига яширган эди. Шу вақтда құзғолончилардан бир гурух кишилар котиб уйига кириб оқсоқолни ўлдиришларини айтғанлар. Аммо улар оқсоқолни топа олмаганлар.

Маҳкамада құзғолончилар С. Р. Путинцевга ҳам ұжум құлғанлар. Уни ўзини күрсатишича воқеа қуидеги тарзда содир бўлған: — Собор күчасида, — дейди у, — менга Мұхаммад Яқуб ва соқчилар қўшилишди. Шунда миршаблар оломонни рус (янги) шаҳарига келаётганилиги ҳақида хабарни келтирдилар. Икон кўчаси бўйлаб, Воронцов күчасига чиққанимда, — дейди Путинцев, — оломонни Самарқанд күчасига келаётганини кўрдим. Мен оломонға яқынлашдим, лекин улар Воронцов ва Самарқанд кўчаларини кесадиган жойда мени қуршаб Мұхаммад Яқуб оломонни тұхтатишига күп ҳаракат қылди. Шунда унга оломон томонидан тошлар отирилди ва у отга миниб қочди. Орқасидан бир гурух құзғолончилар қувиб кетдилар. Мен қуршаб олган бир гурух құзғолончилар билан Ўрда бозори томонга юрдим, лекин оломонни шаҳар маҳкамасининг ҳовлисига бостириб кирганилигини әшитиб, орқага қайтдим. Бу ерда Мұхаммад Яқубнинг борлигини англаб оломонни түсіш мақсадида дарвозаны олдига туриб олдим. Сұнгра, мен оломондан Мұхаммад Яқубни айби нимада деб сұрадим. Улар қичқирған ҳолда оқсоқол мурдаларни дағн әтишга рухсат бермаёттир ва

¹ Ўша жойда.

ариқлардаги сувларни заҳарлашда врачларга күмаклашмоқда, деб жавоб бердилар. Айни бир пайтда: «Бизга оқсоқолни беринг, уни урамиз» — деб бақирдилар. Мен оломонни тинчлантиришга ҳаракат қилдим, лекин шовқин-сурон туфайли сұзларимни эшитишни иложи бұлмади. Бу орада маңкама ҳовлисига бошқа тарафдан одамлар киришиб, орқамдан тортди, олди тарафға оломон сиқиб келаверди. Шу равища мени орқага, ҳовли томонға итариб киришди. Мен маңкама хонасининг эшиги олдидаги айвонга чиқдим. Бу ерда оломонни тинчтишга ҳаракат қилдим, лекин «оқсоқолни беринг, үлдирамиз» — деб бақиришди. Бу талабға оқсоқолни бера олмаслигимни, чунки у ҳукумат фармонини ижро этган деб жавоб бердим. Шунда оломон тарафидан, агар «оқсоқолни бермасаң, у вақтда үзингни үлдирамиз» — деган овозлар эшитилиб турилди.¹ Шу пайтда оломон мени ҳовлини ўртасига итариб юборди ва дүппослади, сүнгра тошбүрон қилишди. Мен йиқилганимда құзголончилардан тұрткиси устимга ётишиб, ҳимоя қилишди. Аммо танимни бекитилмаган жойларидан уравердилар. Натижада, бошим, үн құлым ва қовургаларим жароқатланды.²

Шундан кейин бир муддат ҳушидан кетған С. Р. Путинцев үзига келганды тепасида оломон турарди. Улар ундан дархол врачларни шаҳардан олиб чиқиб кетиши ва сувларни заҳарламаслик ҳамда, мурдаларни дағн этишга рухсат бериш ҳақида тилхат беринин қатый талаб қилдилар.³ С. Р. Путинцев бунград жавобини бергандан кейин оломон уни исқанжага олди. «Айникса менга, — дейди С. Р. Путинцев, — қаттық тиқилинч қилиб, урмоқчи бұлған уч киши бўлди. Улар бирини лабида тиритиғи бор 20 ёшли йигит эди, иккинчиси ўша ёшдаги ва энди соқоли униб чиқаётган қотма ўспириң ва учинчиси қизғиши рангли кўйлакдаги, бақувват одам эди. Бу ўспириң менга: «Агар бизни талабларимизни қабул қилмасаң сени үлдирамиз» — деб муштумини кўтарди. Бошқа бир новча одам «Ўртага чик, халқ талабларига розилигингни айт» — деб бақирди».⁴ Шундан кейин оломон яна шовқин-сурон кўтариб, С. Путинцевга ёпишди, лекин

¹ ЎЗР МДА.ФИ-723, 1-рўйхат, 3-иш, 78-бет.

² Ўша жойда, 12-бет.

³ Ўша жойда, 13-бет.


⁴ Ўша жойда, 20-бет.

уни қўзғолончилардан тўрт киши ҳимоя қилиб, маҳкамадаги хонасига киритиб қўйиши. Бу хонага ташқаридан тошлар отилди ва улардан бири С. Путинцевни биқинига тегди. У хонадан айвончага чиқиб, оломонни тинчтишга ҳаракат қилиб кўрди. Кўп ўтмай солдатлар ва маҳкамама атрофида истиқомат қилувчи руслар келишган.

Маҳкамадан оломон кетгандан кейин Муҳаммад Яқуб хонадаги шкафдан чиққан.

Бир гурӯҳ қўзғолончилар кечқурун Муҳаммад Яқубнинг Қорасув ариғининг ёнидаги кўргончасини ёндириб ташлашди.¹ Шунингдек, улар Муҳаммад Яқубнинг акасининг уйини талашга ва ёндиришга ҳаракат қилдилар, лекин солдатлар келиб қолиб бу иш амалга ошмади.²

Шаҳар маҳкамасидаги оломоннинг фаолияти хусусида унтер-офицер П. П. Алексеевнинг маълумоти масалани янада ойдинлаштиради: — Мен Воронцов кўчасида Романов кўчасидан чиқаётган оломонни шаҳар бошлиги С. Р. Путинцевнинг орқасидан қувлаб кетаётганини кўрдим. Оломон орқасидан маҳкамага келганимизда С. Р. Путинцевни ва маҳкамама аъзоси Новогородскийни оломон ўраб олганлигининг гувоҳи



11-расм. Қўзғолон қатнашчиларининг қуроллари.

¹ Ўз РМДА, ФИ-1, 1-рўйхат, 3-иш, 81-бет.

² Ўша жойда, ўша бетда.

бўлдик. Улар оломон билан ўзбек тилида муомала қилмоқда эдилар. Оломоннинг олдинги сафида оқ соқолли ва салласиз бир кекса одам кўпроқ гапирмоқда эди. Бу кекса киши Путинцевни кўкрагидан итариб маҳкама ҳовлисига киритишга ҳаракат қилмоқда эди. Оломоннинг бошқа қатнашчилари ҳам Путинцев ва Новогородскийни ҳовлига итардилар. Мен оломонга яқинлашаётганимда бир ўзбек таёқ билан оёғимга уриб ерга йиқитди ва ўзи кўздан гойиб бўлди. Оломон Путинцевни ҳовли ичига киритган вақтда мен бошқа томондан у ерга кирганимда ўзбекларни маҳкама идорасига тош отиб синдираётганиларини кўрдим. Менинг кўз ўнгимда улар Путинцевни урдилар ва йиқитдилар. Аммо у маҳкама хонасига қочиб киришга муваффақ булди. Унинг боши қонга беланган бўлиб, шапкаси йўқ эди. Ўзбеклар очиқ ойнадан Путинцевга тош отардилар. Мен очиқ ойнадан Путинцевнинг қилич ялангочлатиб орқасидан кирган ўзбекларни қўрқитаётганигини кўрдим.¹

Куриниб турибдики, қўзголончилар шаҳар бошлиқларини ва бинони тошбўрон қилганлар. Агар, қўзголончиларни орасидаги айрим кишилар ўртага тушиб, С. Р. Путинцевни ўраб ҳимоя қилмагандан унинг ўлдирилиши турган гап эди. Ўша кишилар унинг қатл этилишини фожиали оқибатларини ўйлаб, шундай қилганлар. Ҳақиқатдан ҳам, бордию руслардан бирор киши ҳалокатга учраганда борми, у вақтда бунинг баҳонасида қўзголончилардан излаб, кишиларни солдатлар томонидан қириб ташланиши турган гап эди. С. Р. Путинцевни ҳимоя қилганлардан бири Турк-янги шаҳар маҳалласида яшовчи мардикор Муса Мұҳаммад Рустамбоев деган киши бўлган. У маҳкамадаги воқеани шундай таърифлайди: — Мен келган пайтда оломон шаҳар маҳкамасининг ҳовлисида С. Путинцевни тошбўрон қилмоқда эди. У ерга йиқилганда, мен уни гавдам билан тўсиб — «мусулмонлар, нима қиляпсизлар, эҳтиёт бўлинглар, сизларни деб бутун Тошкент ҳалок бўлади» — деб бақирдим. С. Путинцев ўрнидан туриб маҳкамага юраётганда оломон ва мен ҳам орқасидан бордик. У хонага яқинлашганда эшикка суюниб ҳеч кимни ўтказмасликка ҳаракат қилди. У мени яхши одам экансан, исминг нима ва қайси маҳаллада турасан, деб сўра-

¹ Ўша жойда, ФИ-723, 1-рўйхат, 1-иш, 44-бет.

ди. Мен оломондан қўрқиб исмимни айтмадим. Шу вақтда хонада Халтай деган киши ҳам одамларни тушиб турарди. Оломон мени ҳам ура бошладилар, сиёҳдонни отдилар ва С. Путинцев хонасига қочдим. Бу ерда мени стол атрофида кишилар қувлаб юришди. Ниҳоят уларнинг орасидан қочиб кўчада турган руслар орасига яшириндим. Солдатлар келиб оломонни ура бошладилар, мен қўрқиб уйга кетдим.¹

М. Рустамбоевнинг гувоҳлик беришича, М. Исабойвачча Калмуса, Муҳаммаджон, Юнусбойвачча ва Тошбола деган кишилар катта гайрат билан ҳаракат қилишиб С. Р. Путинцевни тошбурон қилишда қатнашганлар.²

Гувоҳ сифатида тергов қилинган Н. Галкиннинг сўзига қараганда оломоннинг олдинги сафида от мингани қора соқолли 22—23 ёшли бир йигит юриб, қўзғолоннинг бошлиғи сифатида гавдаланиб турган.³ Биринчи ўқчи батальоннинг солдати ва гувоҳ С. Мальцевнинг терговда айтган сўzlари ҳам қўзғолон ҳақидаги тасаввурни тўлдиради. Унинг кўрсатишича, 24 июнь соат 9 да минг кишилик оломон маҳкамам томон юрган. Улар тош, темир-терсак, пичоқ ва таёқлар билан қуролланган эдилар. У дўконда савдо қилувчи Гиёсиддин Содикдиновдан нима бўлаяпти деб сўраганда «халқни шаҳар бошлиғида иши бор» деб жавоб берган. Шундан кейин С. Мальцев анҷор бозорининг оқсоқоли Қиёт маҳаллалик Алимат Каримбоев билан учрашганда у «халқ шаҳар оқсоқолини ўлдиришмоқчи, уни яшириш керак» — деган. У оломон томонидан маҳкаманинг дेразаси, девори, жиҳозларини тошбурон қилаёттандиларини кўрган. Шу онда маҳкамама идораси ичидан чиққан Себзор даҳасининг полицейсияси Абдуҳолиқ калтакланган. Оломон орасида извошчик ҳайдовчиси қўлида таёқ ва тош ушлаган ҳолда «Биз ҳаммангизни ўлдирашимиз» — деб, солдатларга бақирган. Қўзғолонда бозорда темир савдоси билан шугулланувчи Нурмамат Муллаҳайитов ҳам фаол қатнашган.⁴

Солдатлар томонидан оломон маҳкамама ҳовлисидан суреб чиқарилгандан кейин «руслар ўзбекларни кал-

¹ Ўша жойда, 118-бет.

² Ўша жойда, 187-бет.

³ Ўша жойда, 119-бет.

⁴ Ўша жойда, 37-бет.

таклашни давом эттирдилар, губернатор уларга тег-
масликни буюрди. Аммо ўзбеклар унинг ўзига ҳам
тош отганликлардан кейин у русларга ўзбекларни
уринглар деб бақири. Шундан кейин руслар ўзбек-
ларга ташландилар ва уравердилар. Шу вақтларда ай-
рим ўзбеклар ушланиб маҳкамага олиб борилди. Руслар
ўзбекларни Ўрда бозоригача қувиб бордилар.
Улар бу ердан тарқалиб кетдилар¹. Бинобарин
қўзғолончилар вилоят ҳарбий губернаторининг кўр-
сатмасига биноан оддий рус кишилари томонидан
калтакланди. Н. Галкин ҳам оломонни руслар томо-
нидан калтаклаганлигини тасдиқлади.² Менинг 100
ёшдан ошган раҳматли бувамнинг хотирасига кўра,
руслар ва солдатлар оломоннинг орқасидан қувлаб
келаётганда, одамлар шошиб ва ўзини йўқотиб, ўзла-
рини Ўрда сувига ташлашга мажбур бўлганлар. На-
тижада, вилоят ҳарбий губернатори Гротековнинг кўз
ўнгида кўп кишилар ҳалок бўлганлар. Қўзғолончилар-
нинг орасида калтак ва тошлар зарбидан жароҳатлан-
ганлар ҳам кўп бўлган.

А. И. Добромусловнинг ёзишича қўзғолончилар
маҳкамадан сурис чиқарилгандан кейин орқасидан
солдатлар ва янги шаҳарнинг аҳолиси қувлаганлар.
«Шаҳар бошлигининг ўринбосари Н. С. Лыкошин ва
шаҳар бошқармасининг аъзоси В. П. Новгородский
(маҳкамада) оломонни тинчлантиришга ҳаракат қил-
дилар. Аммо кўп ўтмай қуролланган солдатларнинг
келишлари биланоқ ўзбеклар қочдилар. Солдатлар ва
руслар уларни қувлаб, қўлга тушганларини шафқат-
сизларча калтакладилар. Охирида улар қўзғолончилар-
ни Анҳор бўйида ушлаб, баланд жойдан сувга итарди-
лар. Айрим кишилар калтакланишдан қўрқиб ўзларни
сувга отдилар. Нечта кишилар ҳалок бўлганлиги
расмий суратда ҳисобланмади. Хусусий санашга кўра,
сувдан 80 та ўлик олинган. Қўзғолон вақтида ўлган-
ларнинг сони 100 кишига борган».³

Вилоят прокурорининг кўрсатишича қўзғолоннинг
олдинги сафларидағи кишилар «Қашшоқлашган ёш
йигитлардан» ташкил топган.⁴

¹ Ўша жойда, 43-бет.

² Ўша жойда, 43-бет.

³ Добромуслов А. И. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1912, С.488.

⁴ Ўша жойда, 44-бет.

Құзғолонга боғлиқ кейинги воқеалар ҳам фожеали кечди. «Үрдадан, — дейди П. Алексеев, — ҳарбий қисм губернатор бошчилигидаги эски шаҳар томонға йүл олдилар. Шундан кейин Үрдада яна үша халқ оломонидан одамлар тұпланди. Бу ерда мен башқа руслар билан күча буйлаб кетаётганимда бизга хонадонлардан тошлар отилди. Биз күча атрофидаги хонадонларни текширдик. Бир полиция тамба билан бекитилган эшикни бузиб очғанда уйнинг томида 4 киши турған экан. Улардан 3 таси томдан сакраб қочдилар. Бири пичоқ билан полицияга ташланди. Бир солдат унинг құлиға уриб пичоқни туширди ва үзини томдан пастға ташлаб юборди».² Шу равища солдатлар күча ва хонадонларда құзғолон қатнашчиларини ушлаб ва калтаклаб ҳібсіга олдилар. Бутун шаҳар йиги-сиги ва мотамга айланди. Миршаблар құзғолончиларни қидириб изгиб қолдилар.

Вилоят ҳарбий губернатор Гродеков, С. Путинцев ва башқа шаҳар катталари солдатлар билан Эски Жува бозорига келдилар. Бу ерда, у солдатларга Жомеъ масжиди билан Хұжа Аҳрор мадрасаси үртасидаги күчага жойлашишларини буюрди. Чunksи, бу құчага халқ оломони яқынлашаётгани ҳақида хабар олинган эди. Ҳақиқатдан ҳам оломон масжидға үша кучалардан яқынлашиб келди. С. Путинцев солдатлар борлигини билдириб оломонға тарқалишларини сұрапанида бежирим соқолли ва мүйловли бир йигит уларнинг орасидан чиқиб: — «Бизни заҳарлаётгандың қандай қилиб тарқаламиз, — деб гапира бошлади. С. Путинцев бу йигитни маҳкамадаги галаёнда ҳам фаол ташкилотчилариданлыгыни таниб, солдатта уни ушлашни буюрди. Солдат бу йигитни ушлаб олғанда, оломон чекина бошлади. Шу онда үша йигит: — «Мусулмонлар, мени ёлғыз ташлаб қаёққа қочяпсизлар» — деб бақырди. Шундан кейин оломоннинг күпчилиги қайтиб, солдатларға тошларни оттілар. Сүнгра улар ушланған йигитни озод қилиш мақсадида солдатта ташландилар. Бу вақтда губернатор ва команздыр Федоров солдатларнинг орқасида турардилар. Шу онда солдатларға «Тайёрланинг» деган бүйрүк берилди, йигит эса оломондан рұпарадағы күчага қочишиға улгурди. Худди шу пайтда солдатлар оломонға қарши үқ уздилар ва

² Үз Р МДА.ФИ-1, 31-рүйхат, 30-иш, 170-бет.

улар қоча бошладилар. Булардан 5 киши йиқилди, улар жароҳатланди ёки ўлдирилди. Иккинчи маротаба ҳам ўқлар отилди. Ҳаммаси булиб 7 ёки 9 киши ерда ётарди.¹ Қўзголонда аёллардан бири «Одамларни заҳарлаб ўлдирмоқдалар» деб бақирган. Бу қўзголон ўз бағрига аёлларни ҳам тортганлиги ҳақида далолат беради.²

Бозордаги қўзголончилар билан тўқнашувни Туркистон генерал-губернатори А. Б. Вревский үзининг ҳарбий вазирга юборган ахборотида шундай ифодалайди: «Ҳарбий қисм Эски Шаҳар бозорига келганда тарқатилган қўзголончилар яна тўпланиб, солдатларга тошларни отдилар. Ҳарбий губернаторнинг бир неча маротаба «тарқалинглар» деган мурожаатига оломон бақириш билан жавоб бердилар. Уларнинг орасидан айрим фанатиклар олдинга чиқиб ва муштлари билан кўкракларига уриб «руслардан қўрқмаймиз», деб бақирдилар. Оломон ҳарбий қисмни орқа тарафидан яқинлашиб келаверди. Шу боис уларга қарши ўқ отилиб, бир неча киши ўлдирилди... Соат 11 да келган казаклар бозор ичига юборилди. Кейин келган пиёда аскарлар гурухларга ажратилиб турли томонларга жўнатилди».³ Демак эски шаҳар бозорида содир бўлган мазкур воқеа қўзголонни давом этганлигини кўрсатди. Буни ҳарбий қисм бошлиғи Ш. Малинин терговда берган маълумоти ҳам тасдиқлайди. Уни сўзича ўша бозорда ҳарбий қисм бошлиғи қўзголончиларга тарқалишлари ҳақида мурожаат қилган. Акс ҳолда отамиз деган. Бунга қўзголончилар мана отинглар деб кўкракларини тутганлар.

Шу равишда оддий халқ оломони ваҳшийларча ўқса тутилди. Иккинчи ёппасига ўқ узишдан кейин яна алоҳида ўқлар отилди, сўнгра ҳарбий губернаторнинг буйруги билан тўхтатилди. Оломон қатнашчилари қочдилар. Кейин қўзголончилардан ўн киши ўлдирилганлиги маълум бўлди.⁴

Ҳарбий губернатор Гродеков ва С. Путинцев бозорга киришиб, кўнчилик растасида тўхтадилар. Бу ерда ҳеч ким йўқ эди, лекин узокроқда одамлар тўпла-

¹ ЎзР МДА. ФИ-723, 1-рўйхат, 3-иш, 21-бет.

² Ўша жойда, 28-бет.

³ ЎзР МДА. ФИ-1, 31-рўйхат, 30-иш, 42-бет.

⁴ Ўша жойда, 261-бет.

шиб турарди. Бу ерга қелган С. Путинцев оломонга «тарқалинглар» деб буюрганда, «бир одам, мулла бұлса керак, үртага чиқиб: шаҳарда ҳар куни юзлаб одам үлмокда ва маъмурият кимлар вабодан үлаётганинги аниқлашға ултурмаётірлар. Шу боис мурдаларни тұхтатмай күмишга рухсат берилишини сұраты».¹ С. Путинцев бунга жавобан бир ҳафтада борпығи бир неча кишиларгина үлаётганинги айтған. Уининг буйруғи билан сұзлаган одам ва бир неча оломон қатнашчилари ушланди. Пичоқчи маҳалласыда яшөвчи ва гувоҳ сифатыда сұрок қилинган үнбоши Қосымхұжа Алибоев сүзича шаҳар маҳкамасыдан кеңин оломон Үрда күпргидан үтиб, күчаларда турған. Уининг күрсатишича Үрданинг Эски Жұва бозори билан боғловчи катта күчада жойлашған Сайдикарим Азимбоевнинг ҳовлисида касалхона жойлашған эди. Бунинг атрофида әрталаб соат 10да оломон түпланиб, Мирзабойвачча Мирсалимбоев, Усмон қассоб, Азиз Касабов ва ямоқчи Искандар Шукурбековлар «Биз Мұхаммад Яқубни үлдірдік, уйини таладік, үглини құлға олдик, агар сизлар чиндан ҳам мусулмон бұлсаларингиз, дүконларни ёпинглар ва Шайхонтаұрга борнинглар»² деб бақырганлар.

Шу пайтда шаҳар бошлиғи С. Путинцев ва ҳарбий губернатор солдатлар билан биргаликда келишиб, касалхона атрофида турған оломонға қарата мурожаат қилиб, тарқалишни талаб этған. Губернатор агар ақоли шаҳар бошлиғидан ёки оқсоқоллардан норози бұлсалар, у вақтда шикоят ёзсинлар, уларнинг үрнига бошқасини тайинлаймиз, — деган. Шундан кейин губернатор ва бошқалар йүлни давом эттирдилар. Аммо, «оломон — дейди Хұжа Алибоев, — тарқалмай аксинача губернатор ва солдатларнинг орқасыдан бордилар. Мен Жомеъ масжидининг яқинидаги болохонага үрнашиб олғанлигим учун ҳамма нарса күриниб ва сұзлар әшитилиб турди. Искандарбек ва Азимбойвачча яна пайдо бўлиб, губернаторнинг шаҳар бошлиғини ва оқсоқолларини алмаштириш ҳақидаги ваядасига «кулоқ солманлар, ишонманлар, ахир бундай ваядалар кўп бўлган-ку», — деб бақырганлар. Калхұжа оломон орасыдан отилиб чиқиб, шаҳар бошлиғининг

¹ Үша жойда, 262-бет.

² Үша жойда, үша бетда.

отининг жиловидан тортди. С. Путинцев эса уни қамчи билан урди. Искандарбек ва Азимбайвачча «шаҳар бошлигини ушланглар» — деб оломонга мурожаат қилганда, қўзголончилардан бир нечтаси унинг отига ёпишдилар ва тошлар отилди. Шунда, ўқ узилсин, деган буйруқ эшитилганда, Азимбайвачча халқقا: — «Қўрқманглар, милтиқларга қуруқ порох ва пахта солинглар», деб бақирган. Ўқлар отилгандан кейин оломон тарқалди, Азимбайвачча ва Искандарбек отда қочиб кетдилар.¹

Демак, қўзголончиларнинг бир қисми шаҳар маҳкамасидан чиқиб, Ўрда билан Эски Жўва ўртасидаги кўчада (ҳозирги Навоий) вилоят ҳарбий губернатори ва солдатларга дуч келган. Афтидан, бу учрашув қўзголончиларни Мухаммад Яқубнинг шаҳардаги ҳовлисини талагандан кейин қайтаётганда содир бўлган. Эски шаҳар бозорида солдатлар томонидан бир неча кишиларнинг ўлдирилиши ва жароҳатланиши билан қўзголон ниҳоясига етди. Вилоят ҳарбий губернатори Гродеков солдатларни турли жойларга юбориб, қўзголончилардан 60 кишини ҳибсга олдиртирди. Уларнинг орасида нуфузли кишилардан ҳам бор эди. Чор маъмурияти қўзголонни сабабларини биринчи навбатда бир гурӯҳ юқори табақа вакилларига агдаришга ҳаракат қилдилар. Шу нуқтаи назардан қўйидаги нуфузли кишилар ҳибсга олинди²:

1. Собиқ катта оқсоқол Иногомхўжаев.
2. Собиқ қози Шарифхўжа почча Хўжаев.
3. Катта миршаб Аҳмадхўжа Абдурашидов.
4. Оқсоқол Шермуҳаммад Қулмуҳамедов.
5. Боқижон Дадажонбоев.
6. Усмонхўжа Иноятхўжаев.
7. Орифхон Шарифхўжаев.
8. Ҳасанхон Шарифхўжаев.
9. Маъруфхон Шарифхўжаев.
10. Ашрабхон Шарифхўжаев.
11. Сайд Аҳмадхўжа Иногомхўжаев.
12. Турсунхўжа Иногомхўжаев.

Кейинроқ Бадалмуҳаммад Дадамуҳамедов ва унинг ўғли Ҳолмуҳаммад сингари нуфузли кишилар ҳам қамоқца ташланди.

¹ Ўша жойда, ўша бетда.

² Ўша жойда, ФИ-723, 1-рўйхат, 4-иш, 58-бет.

Ҳарбий губернатор Гродековнинг фикрича, ўша ҳибсга олинган бир гурӯҳ нуфузли кишилар яқинда ўз лавозимидан четлатилган Иногомхўжа билан биргаликда қўзғолоннинг айборлари ҳисобланган. Иногомхўжа мансабини тиклаш мақсадида шахсан ўзи ва яқин одамлари орқали халқнинг вабо касалига қарши қаратилган чоралар ҳақида турли миш-мишларни тарқатишига даъват этган.¹

Шунингдек, ҳарбий губернатор эшон Азизлар Хужани ўзининг 30 кишидан иборат отлиқ муридлари билан шахсан қўзғолонга бошчилик қилганлигини уқдириб ўтган.²

Айни пайтда Туркистон генерал-губернатори шаҳар бошлигини, катта ва бошқа даҳаларнинг барча оқсоқолларни ҳамда, қозиларнинг ҳаммасини лавозимдан четлатди. Шунингдек, миршаблар руслардан ёки бошқа шаҳарлarda яшовчи туб аҳоли вакилларидан тайинланадиган бўлди. Бу хусусда генерал-губернатор Вревскийнинг Россия ҳарбий вазири П. С. Ванновскийга 1892 йил 30 июнда юборган телеграммасида шундай дейилган: — Сиз Олий ҳазратларга маълум қиласманки, Тошкент уездининг бошлиги полковник Терентьев катта оқсоқол Муҳаммад Яқуб ўрнига тайинланди. Шаҳарнинг барча оқсоқоллари ва қозилари, полиция хизматидаги маҳаллий миллат вакиллари аста-секин рус ёки Тошкентлик бўлмаган маҳаллий аҳоли вакиллари билан алмаштирилади.³

Гродяков ўзининг Туркистон генерал-губернаторига йуллаган хатида қўзғолон учун бутун шаҳар аҳолисини жазолаш мақсадида Ўрдадан Эски Жувага ва Жомъе масжидигача уланадиган иккита катта кўчани улар ҳисобига кенгайтиришга дарҳол киришишни сўради. Унинг фикрича, бундай йўл русларни бўлажак хавфлардан сақлар эмиш.⁴ Афтидан Гродеков тор ва қийшиқ кўчаларда ҳарбий ҳаракат қилиш ва воқеани кузатиш оғирлигини даф этмоқчи бўлган, албатта. Шаҳар даҳаларининг оқсоқолларини, қозиларни ва миршабларни ёпласига мансабларидан бўшатишнинг ташаббусчиси ҳам Гродековнинг ўзи эди.

¹ ЦГВИА России.Ф-400, ОП-1, д-1569, л.10.

² Уз Р МДА. ФИ-1, 31-рўйхат, 80-иш, 40-бет.

³ ЦГВИА России.Ф-400, ОП-1, д-1569, л.14.

⁴ Уз Р МДА.ФИ-1, 31-рўйхат, 80-иш, 22-бет.

Шу тарзда, құзголон баҳонасида Эски шаҳарни бошқариш бевосита рус амалдорларининг күлига ўтка-зилди. Эндиликда катта оқсоқол лавозимида туб аҳоли вакили қўйилмайдиган бўлди. Гродеков имкони борича қўзголоннинг сабабини маҳаллий юқори та-бақа вакилларига йўниш ва имкони борича уларни кўп қамаш ва жазолаш учун ҳеч нарсадан тоймайди. Аммо Сирдарё вилоят прокурори И. Е. Рейенбат Гродековни қонунни бузишда айблаб, унинг ўзига ва генерал-губернаторга тушунтириш хатларини бир неча маротаба ёзди. У қўзголонга дахлдор бўлмаган киши-ларни ҳибсга ололмаслигини ёки ушлаб туролмаслиги-ни баён этиб, ўз фикрида қаттиқ туриб олди. Аммо Гродеков буйруғи билан шаҳарнинг бир нечта савдо-гарлари ва нуфузли кишилари, хусусан олдинги саҳифада кўрсатилган Боқижон Ҳолмуҳаммад ва Бадалмуҳаммад қамалдилар.¹ Прокурор тергов натижаси-да далиллар бўлмаганлиги учун уларни озод қилиди. Гродеков эса бунга қаршилик қилиб, «агар исён бўйи-ча бир неча ўн кишини, икки-уч эшон ва Иногомхўжа жазолансалар, бутун жаҳон олдида шармандагарчилик бўлади»² деган.

Бу сўзларнинг маъноси шундан иборатки, қанча-лик кўп юқори табақа вакиллари жазоланса, шунча-лик қўзголоннинг сабабларини уларга йўниш ва Россия шаънини сақлашга эришилади. Гродековнинг курилаётган масалага шунчалик берилиб кетдики, ге-нерал-губернатор Верёвкинни ҳам норозилигини чақирди. Чунки, қўзголонга алоқаси бўлмаган киши-ларни ҳибсга олиниши қизиб турган вазиятни кескин-лашишига олиб келиши аён бўлиб қолди. Шу боис, Верёвкин Гродековга йўллаган хатида ўз фикрини қўйидагича баён этган: «Рус маъмурияти томонидан қўйилган хатолар ва меъеридан ортиқ қаттиқ қўллик ўлкада бизнинг мавқеимизни мустаҳкамламайди, ак-синча, келажакда русларнинг туб аҳоли билан алоқаларига зиён келтиради. Мен жазолашга қаттиқ адолат юзасидан қараашнинг тарафдориман. Фақат по-лиция ва прокурор аниқлаган 24 июнь воқеасига бево-сита дахлдор ва айблари исботланган кишиларгина жазоланишлари лозим».¹

¹ Ўша жойда, 31-бет.

² Ўша жойда, 11-бет.

Чор ҳукуматининг вакиллари қандай бўлмасин, кўзголонни маҳаллий юқори табақа вакилларнинг ўртасидаги катта оқсоқоллик лавозимини эгаллашга қаратилган курашнинг маҳсули эканлигини намойиш этишга ҳаракат қилди. Улар айниқса Иноғомхўжа бошлиқ бир гурӯҳ кишиларни айбладилар. Бирок, ишончли далилларни топишни иложи бўлмади. Тошкент шаҳар бошлигини ёрдамчиси Лыкошиннинг олиб борган терговига тегиши мәълумотларга кура, Иноғомхўжанинг айбини топиш учун бир неча маҳаллий кишилар сўроқ қилинганд. Масалан, Шайхонтоҳур даҳасидан: Муҳаммад Ражаб Аширбоев, Ҳайитбой Бадалбоев, Олимжон Раҳимжонов, Тоҳирхўжа Эшон, Абдуҳамидхўжа Эшон, Исломжон Бойвачча, Алимуҳаммад Эсонов, элликбоши Шомуҳаммад, Турсунхўжа, Довудхўжа Эшон, Мулла Маҳмуд, Юсуфхон, Абдураим оқсоқол, Муҳаммад Раимхўжа, Мирза Муҳаммад Паравончи, Миравзалбой, Юсуфбек Мулламуҳамедов; Кўкча даҳасидан: Нурмуҳаммад Мирсолиҳбоев, Муллаҳамид Муллаҳамедов; Бешёғоч даҳасидан: Мирёкуб йигит оқсоқол, Ортиқбой, Душонбой, Каримқори, Сайдиқ Боқиҳон Эшон; Себзор даҳасидан: Мулла Содик Охун, Абдуҳамидхўжа сингари шахслар шулар жумласидандир.² Кўрсатилган кишилар Иноғомхўжа билан Муҳаммад Яқуб бир-бирларига душманлигини қайд қилган бўлсаларда, лекин Иноғомхўжа ва Шарифхўжани кўзголонга даҳлдорлигини тасдиқловчи фикрларни айтмаганлар.³ Бошқачароқ изоҳлагандა, Лыкошин сўроқ қилингандардан Иноғомхўжани «жинояти»ни кўрсатувчи далилларни ололмаган.

Аммо шуларга қарамай чор маймурияти ва прокурор Иноғомхўжага кўзголоннинг кутарилишини бош айбори сифатида қаттиқ ёпишиб олади. Чунончи, Сирдарё вилоят прокурорининг П. Е. Рейенбат ўзининг айбномасида шундай ёзади: «Иноғомхўжа ўз мансабини, яъни катта оқсоқоллик лавозимини тиклаш мақсадида мана шу мансабга тайинланган Муҳаммад Яқуб Каримбердиевга қарши маҳаллий аҳолининг кўзголонини уюштиришга аҳд қилди. У ўзига қараш-

¹ Ўша жойда, 138-бет.

² ЎзР МДА.ФИ-723, 1-рўйхат, 4-иш, 64-бет.

³ Ўша жойда, ўша бетда.

ли яқин одамлари орқали Каримбердиев ҳақида турли миш-мишларни тарқатиб бир неча юздан иборат кишиларни қўзголон кутаришга чақирди. Маълумки, бу қўзголон зуравонлик ва тартибсизликларни юзага келтирди».¹

Шунингдек, Иногомхўжанинг Аҳмадхўжа Абдурашидов, Ҳасанхўжа, Яқубхўжа Юсуфхожиев сингари қариндошлари қўзголонни кутарилишига таъсир кўрсатган кишилар сифатида қораланди.

Прокурорнинг сўзича Иногомхўжа Умархўжаев 57 ёнда бўлиб, 1868 йилдан буен Сирдарё вилояти ҳарбий-граждан бошқармасида хизмат қилган. 1884 йилда Тошкент шаҳар бошлигининг кичик ёрдамчилигига, 1887 йилда шаҳарнинг катта оқсоқоллик лавозимига тайинланган. Умумлаштирганда, у чор маъмурияти қўл остида 20 йил хизмат қилган. Намунали хизматлари учун Станислав лентали кумуш медали, иккита олтин медаль ва биринчи даражали «Фахрий түн» билан тақдирланган.² Унинг энг яқин дўсти ва ўз вақтида чор маъмуриятига сидқидиллик билан хизмат қилган Шайхонтохур даҳасининг қозиси Шарифхўжа Поччахўжаев ҳам қўзголоннинг асосий сабабчиларидан бири сифатида айбланди. У ҳам яхши хизматлари эвазига иккита катта олтин медаль, битта кичик кумуш медаллар билан мукофотланган эди.

Чор маъмурияти қўзголонни кенг қулоч ёйган акс садосидан чўчиб, унинг аҳамиятини ва сабабларини ниқоблашга кўп ҳаракат қилди. Зеро, шаҳар катталарининг бири гурухи 80 ёшли Шайх Абдулқосим Эшон бошлилигига шаҳар аҳолиси номидан ўзларича хат уюштириб, Туркистон генерал-губернатори А. Б. Вревский хузурига кечирим сўраб кирганлар. Бу хат ва учрашув чор маъмуриятининг ташабbusи билан қилинган эди. Чунки ўша бир гурух шаҳар вакилларини Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернатори Гродеков бошлаб кирган. «Бу ўлкани, — дейилган хатда, — Рус давлатига буйсундирилганлигига 20 йил бўлди. Бундан олдин, Тошкент қипчоқ ва қиргизларни қўл остида кўп тартибсизлик ва галаёнларни бошидан кечирган. Улка Россияга киритилгандан кейин эса кўчалар тузатилиб, бозор ва уйлар кўркам-

¹ Ўша жойда, ФИ-1, 31-рўйхат, 30-иш, 180-бет.

² Ўша жойда, ФИ-723, 1-рўйхат, 2-иш, 58-бет.

лаштирилиб, шаҳар ободонлаштирилди. Ҳамда, дәхқончилик ва савдо ўсиб, тинчлик ўрнатилишидан қувонган эдик. Бироқ, 24 июнда бир қанча бошлари айланган туб аҳоли ёки ҳокимиятни эгаллаш учун бузукчилик қилаётгандарга эргашган одамлар қўзғолон кутардилар. Ҳатто улар шаҳар маҳкамасига боришиб, тўс-тўполон қилдилар».¹

Бунга жавобан А. Б. Вревский шундай деган: «Мен ўзимнинг уч йиллик раҳбарлигим мобайнида, меҳнатсевар ва тартибларга садоқатли ўзбекларни яхши куриб қолдим. Ишончим комилки, юз берган тартибсизликларда (қўзғолонда) аҳолининг кўпчилиги қатнашмади ва хайриҳоҳлик билдирамади. Қўзғолонда нуфузли ва ҳатто эшонлар қатнашдилар. Бундай шум ниятли кишилар қўзғолоннинг бош айбдорларидир».²

Шундай қилиб, учрашувда ҳар икки томон бир-бирларига ёқадиган фикрларни билдириб, ҳақиқий аҳволни ошкора этишга журъат этолмадилар. Ҳатда «Эски шаҳар»ни ободонлаштирганлиги ҳақида сўзлар шунчаки хушомадгўйлик учун айтилган эди. Амалда ўша вақтда ва кейин ҳам ўзбеклар яшайдиган жойлар ва уйларни ободонлаштиришга маблаг ажратилмаган.

1892 йил 15 декабрда ҳарбий суд ҳукми эълон қилинди. У генерал-майор Мордвинов раислигига иш юритган эди. 4-Туркистон ўқчи батальоннинг командири полковник Эверт, 10-Туркистон линия батальоннинг командири полковник Кривоблацкий, 2-Туркистон бригадасининг командири полковник Чаплин, 2-Туркистон ўқчи батальоннинг командири подполковник Тончевьский ва бошқа кишилар суд аъзолари эди.

Судда Сирдарё вилоятининг прокурори П. Е. Рейенбатнинг қўзғолон қатнашчилари устидан тузилган айбномаси маълум қилинди. Унда шундай дейилган: 7—24 июнда 120 минг кишилик шаҳарда вабо касали аста-секин ривожланиб борди. Вилоят ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Гродековнинг вабога қарши кўрган чораларига маҳаллий ҳалқ ишончсизлик билан қаради.

1892 йил 18 июнда Сирдарё вилоят бошқармасига

¹ «Туркестанские ведомости», 1892, 7 июля.

² Ўша жойда, ўша бетда.

келган пудратчи Мирза Ражаб Мұхамедов Чиноздаги доктор суриштиirmай касалларға дори бериб, одамларни дархол үлдираётган эмиш, деган миш-мишлар Тошкентда тарқатилғанлыги ҳақида гапирған. Шунингдек, у мурдаларни ювмасдан, кафан кийдирмасдан ва диний маросимларни жорий этмасдан күмиш ҳақидаги гапларни маълум қылған. «Халқ, — деган у, — ниҳоятда газабланған ва ҳукумат сенатига умумхалқ шикоятини юбормоқчи бўлиб турибдилар».

Айбномада Себзор даҳасидаги Хоноқа масчитида ва Шайхонтоҳур даҳасидаги Таллақ масчитида аҳоли йиғилиб, вабога қарши қаратилған чораларга қаттиқ норозилик билдирганлыги қайд қилингандан.

Умуман айбномада қўзголоннинг бошланиши ва ривожланиши тарифланиб, унинг олдинги сафларида «камбагал ёшлар» турганлиги қўрсатилған. Унда кўп мардикорлар ҳам қатнашган. «Маҳкама ва хизматчи-ларнинг уйларининг, — дейилган унда, — барча деразалари бузилған, жиҳозлар синдирилған, қоғозлар, китоблар йўқ қилиниб, ҳамма ёққа сиёҳлар сочилигандан... Полковник Путинцев маҳкамада турганда очиқ ойнадан унга қарши тошлар отилған, улардан бири унинг кўкрагига теккан».

Айбномада қўрсатилишича, қассоб Усмон, адвокат Азимбойвачча ва ямоқчи Искандарбек кўчаларда от чоптириб, аҳолини қўзголон кутаришга чақирған. Иногомхўжа Умархожиев эса ўзининг катта оқсоқоллик лавозимини тиклаш мақсадида ҳалқни қўзгатишида айбланди. У ўзининг энг яқин кишилари орқали турли миш-мишларни тарқатиб, ҳалқни Мұхаммад Яқубга қарши нафратини уйғоттан ва қўзголон кутарилишига сабаб бўлган.

Иногомхўжа билан бир қаторда Эшон Азизлар (Зайниддинхон) ва Абдулқосим, бозор оқсоқоли Зиёмуҳаммад Исамуҳаммедов, Азиз Водаванг, Мир Аҳмад Мир Маҳамадов, Мир Умар Мир Азизов, Мұхаммаджон Файниддинов ва Муса Қассобоевлар айбдор деб топилди. Миршаб Аҳмадхўжа Абдурашидов ва унинг укаси Ҳасанхўжа, миршаб Юсуфхожиев ва бошқалар ҳам қораланди. Уларнинг орасида қози Мұхаммад Шариф Мулла Абдухалилов бор эди. Жами терговга 93 киши жалб қилиниб, улардан 57 киши қамоқда сакланди.¹

¹ ЎзР МДА.ФИ-1, 31-рўйхат, 30-иши, 165—181-бетлар.

1892 йил 15 декабрда суд раиси генерал-майор Мордвинов ҳукмни эълон қилиди. Унга кўра Аҳмадхўжа Абдурашидхўжаев, Зиёмуҳаммад Исамуҳаммедов, Азимбойвачча Мирсалимбоев, Искандарбек Ишкурбоев, Усмон қассоб Азиз Қассобов, Муҳаммаджон Файниддинов, Муса Қорақасобов ва Тошмуҳаммад Тўйчиев осиб ўлдиришга, мол-мулкини мусодара этишга ҳукм қилинди.¹

Иногомхужа Умархўжаев 4 йилга Иркутскийга сургун қилинди. Бу муддатдан кейин у Сибирь ва бошқа губернияларда 12 йил яшashi керак эди. Умумлаштирганда сургун 16 йилни ўз ичига олади. Айни пайтда у чор ҳукумати томонидан берилган кичик кумуш, иккита катта олтин медаллардан ва бошқа мукофотлардан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилинадиган булди.

Шаҳарнинг иккинчи энг нуфузли кишиларидан бири Муҳаммад Шариф Мулла Абдулҳалилов эса 4 йил муддат билан Астрахан губерниясига сургун этилди. Унинг катта кумуш, иккита катта ва бир кичик олтин медаллари ва бошқа мукофотлари бекор қилинди. Ҳамда мол-мулки мусодара этилди.

Қўйидаги қўзғолон қатнашчилари турли муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинди:

1. Нурмуҳаммад Шоазимбоев.
2. Яқубхўжа Юсуфхўжаев.
3. Кожар Ниязов.
4. Исломхўжа Султонхўжаев.
5. Нормаҳаммад Ҳолмаҳамедов.
6. Шоислом Шорахимов.
7. Қўримбек Шояхев.
8. Нигмаджон Исмоилжонов.
9. Мирза Раимхўжа Хонхўжаев.
10. Мулла Ражаб Муҳаммад Абдурозиқов.
11. Шоаҳаммад Шомаҳмудов.
12. Тошмаҳаммад Юсупалиев.
13. Мурод Тогаев.
14. Эрназар Файниддинов.
15. Ашир Махаммад Отажанов.
16. Усмонхўжа Иноятхўжаев.
17. Эшон Абдулла Мулла Саримсоқов.
18. Азимбой Ниёзмаҳамедов (Водован).
19. Раҳмон Қўлсалимбоев.

¹ Ўша жойда, ФИ-723, 1-рўйхат, 2-иши, 59-бет.

20. Уста Толиб Мұхаммад Собиров.
21. Асомиддинхұја Бақовиддинхұја.
22. Искандархұја Шодихұјаев.
23. Усмонхұја Иноятхұјаев.
24. Яқуб Азимбоев.
25. Мирсултон Миржалилов.
26. Раим Нишонбоев.

Прокурор айбланиш ва суд ҳукмида құзғолоннинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий сабабларини никоблашга қаттық ҳаракат қилиниб, уни юқори табақа вакилларининг мансаб учун олиб борилган курашининг натижаси деб бағоланды. Шу боис Иногомхұжа Мұхаммад Шарифхұја ва бошқа нуфузли кишилар ишончли далиллар бүлмаса, асосий айбдор деб күрсатилди. Ҳатто, прокурор П. Е. Рейенбат үз айбномасида, гувоҳлардан бирортаси Иногомхұжаның құзғолонни уюштиришга қаратилған ҳаракатини күрсатувчи далилларни көлтиргемаганлығы қайд қылған. Бундай далиллар бошқа нуфузли кишиларга нисбатан ҳам айтилмаган. Аммо шуларга қарамай, чор маъмурияти онгли равищда ҳақиқатдан күз юмдилар. Чунки бундай қилишликни сиёсат талаб қылған эди.

1893 йил 16 марта шахсан императорнинг розилиги асосида құзғолоннинг олдини ололмаганликлари учун Гродеков ва Путинцевлар лавозимларидан олинди.¹ Путинцев үрнига Тошкент уезді бошлиғи полковник Тверитинов тайинланды.²

Умумлаштирилғанда, чор маъмурияти гарчанд вабоға қарши чораларни күрган бұлса-да, лекин амалда уни даф этишга етарли эътибор бермади. Натижада, Тошкент шаҳрида юзлаб кишилар унинг курбони бўлди. Чунончи, 1892 йил 7 июнь — 9 август ойининг орасида үзбеклардан — 1428 киши касалланиб, 1389 киши ўлган, руслардан эса 407 киши оғриб, 213 киши вафот этган. Жами 1835 касалдан 1602 одам ўлган эди.³

1891 йилда шаҳарда 58 та эски мозорлардан 33 таси ёпилиб, 25 таси қолдирилди.⁴

Вабо касали Фаргонада ҳам юзага келиб, ундан 10.277 киши вафот этган. Ўлка бўйича ҳисобланганда, ўлганларнинг сони 11.879 кишига боради. Бу үз

¹ ЦГВИА Ф-400, сп. I, д. 1569, л. 59.

² Уша жойда, Ф-, Л. 14.

³ «Туркестанские ведомости», 1892, 11 август.

⁴ Уша жойда, 10 ноябрь.

даври учун катта фожеа эди. Агар чор ҳукумати етарли маблаг ажратиб, чораларни билимдонлик ва изчилик билан амалга оширганда бунчалик катта йўқотиш бўлмаслиги турган ган эди.

Қўзголоннинг акс-садоси бутун ўлкага, хусусан Фаргона водийсига ҳам таралиб вазият кескинлашган. Шу боис фақат Тошкентда эмас, балки, Фаргона вилоятида ҳам «ҳарбий ҳолат» жорий этилиб, назорат ва таъқиб авжига минди.¹

Гарчанд қўзголон бостирилган бўлса-да, лекин у мазлум халқнинг мустамлакачилик сиёсатига ва миллий зулмига қарши қаратилган кураш сифатида ўчмас из қолдирди. Шунинг учун ҳам чор маъмурияти мамлакатда ва чет давлатларда унинг моҳияти ва йўналишини бошқачароқ тарзда тушунтиришга ҳаракат қилди. Масалан, ҳукуматнинг расмий газетаси бўлмиш «Туркестанские ведомости»да шундай ёзилган эди: «Ватандошларимизга ва хорижий мамлакатлардаги дўстларимизга шуни маълум қилишимиз мумкинки, қўзголон кўтарганликлари учун жазолангандар том маънодаги сиёсий ва давлат жиноятлари сифатида эмас, балки маъмуриятнинг айрим ҳолларда қўллаган тартибларига қарши бош кўтарган кишилардир. Бу оломон томонидан тасодифан содир қилинган жиноят сиёсий тусга эга бўлмай, туб аҳолининг партиявий курашининг маҳсулидир. Унинг юзага келиши қисмангина вабога қарши қаратилган чораларга боғлиқдир. Шуни такрор айтамиз-ки, қўзголонда Ўрта Осиёдан ташқарисида ўйлангандек ҳеч қандай сиёсий йўналиш йўқ!»¹

Хўш, шундай экан чор ҳукумати нима учун қўзголончиларга қарши ўқ узди ёки бўлмаса кўп кишиларни ўлимга ва узоқ муддатли қамоқ жазоларига ҳукм қилди?

Жавоб шуки, бунга қўзголоннинг худди сиёсий йўналишга эгалиги сабаб бўлган. Вилоят прокурори П. Э. Рейенбатнинг айбномасида ва суд ҳукмида қўзголон «Рус ҳокимиютига қарши қаратилган» эди дейиши ҳам фикримизнинг далилларидан биридир.² Шу боис у ўлгадаги кейинги миллий-озодлик курашларининг юзага келишига ҳам таъсир кўрсатди.

¹ УзР МДА. ФИ-1, 3-рўйхат, 33-иш, 15-бет.

² УзР МДА. ФИ-1, 31-рўйхат, 30-иш, 165-бет.

XIX АСРНИНГ 80—90-ЙИЛЛАРИДА КҮТАРИЛГАН ҚҰЗГОЛОНЛАР

1876 йилда чор ҳукумати Құқон хонлигини ваҳшнийларча тугатиб, Фаргона вилоятини ташкил этгандан сүнг ҳам озодлик курашлари тұхтамади. Улар ҳозирги ибора билан айтганда, күпроқ партизан ҳаракатларига үшшаб кетади. Чунончи, водийнинг у ёки бу жойларидан 1878 йилда Мамир ва бошқа шахслар бошлигидан хонликни, яъни мустақилликни тиклаш учун кураш олиб борилди. Мамир ҳарбий қысмлар билан тұқнашды, лекин ушланиб Андіжонда дорға осилди. Бирок құзғолончиларнинг алоҳида гурухлари курашни тұхтатмадилар. Бу гурухнинг сардорлари үзларни хон деб, эълон қылдилар. Аммо улар аслида хон сулоласига тегишли бұлмаганликлари учун «Етим хонлар», яъни қалбаки хонлар номи билан аталғанлар. Шу туфайли «Етимхонлар» құзғолони ибораси иштадиган бўлди. 1882 йилда құзғолончиларнинг 50 бошликлари қўлга туширилиб, улардан бештаси осилди. Шунга қарамай озодлик курашлар бирин-кетин кутарилиб, акс-садоси бутун Фаргона водийсини қоплади. Шунинг учун ҳам Туркистон генерал-губернатори Н. О. Розенбах Россия ҳарбий вазирига юборган ахборотида Марғилон, Андіжон ва Ўш уездларидан құзғолон күтариш кайфияти ҳукм сурәттәнлигини уқдириб ўтган.¹

1885 йил 16 августда Марғилон, Андіжон ва Құқон билан боғловчи телеграф линиясига шикаст етказилди. Уша куни Дарвишхон эшонхон Тұра Асакада Муллахұжа Назар додхо хонадонида Маҳамадназар Мирза Искандар, Ҳушвақт Мирза Искандар, Азимбай Умарохун, Холмуҳаммд боққол, Умрзоқ калта ва жами 20 кишидан иборат нуфузли кишилар билан йигин ўтказган. Бу ерда у мустақилликни тикловчи «янги хон» деб бир оғиздан тасдиқланды. Шундан кейин, улар Асакадан унча узоқ бўлмаган Қизил-оёқ қишлоғи томонга йўл олдилар.

Дарвишхон бу қишлоққа яқинлашганда, сафдоши Ҳушвақт Маҳамадназаровга 13 киши билан Асакага қайтишни ва волост бошлиғи Маҳмудхон Бобохоновни ушлаб келишни буюрди. Аммо бу киши уйида

¹ Ўша жода, 31-рүйхат, 9-иш, 12-бет.

йүқлиги учун қулға туширишни иложи бұлмади. Марғилон уездининг бошлиғи Ивановнинг ҳарбий қисми қаттық қаршилик күрсатғанлығи орқасыда чекинганлар. Бу вақтда Дарвишхон ўз одамлари билан Шарихонсой томонга жунаган эди. Унинг озодлик учун олиб бораётган кураши қыргизларни ҳам рухлантирди. Чунончы, Науқат волостида яшовчи Нурмуҳаммад Мұллахасанов (Бола понсад), Құргонтеңа волостидан Мұмін понсад Бутунбеков биргалиқда 100 қишидан иборат құзғолончиларни тұплаб, 1885 йил 17 аугустда Қорасув волостиның бошлиғи Исмоилхұжа Мұлла Юсуповни хонадонига ҳужум қилиб, мол-мұлкini таладилар. Аммо, волост бошлиғи қочиб кетганды туфайли жазодан омон қолди. Шундан кейин, улар Дарвишхонга құшилиш учун Қатортол қишлоғига кетдилар. Құзғолончилар бу ерга яқинашып, сабық Құқон хонлигининг лашкарбошиси Абдурахман Офтобачининг ўғли Абдумүмин Тешиктошда турғанлығы ҳақида хабар оладилар. Бу ерга юборилған құзғолончиларнинг бир гурұхи Абдумүминни ушлашиб үлдирадилар. Уларға Қатортолда, Құқон хонлиги даврида хизмат қылған нұғузли амалдор 93 ёшли Ҳолиқул Пармончи Бозорботиров ва унинг ўғли Худойқул, қариндошлари Тұрақул Алиқулов, Султон Бердиқулов, Азимқул Алиқулов ва бошқа кишилар құшилади. Шундан кейин улар Сұфи қишлоққа келишиб, халқни бош күтаришга чақырганлар. Ниҳоят, құзғолончилар Шарихонсойда Дарвишхонни учратишиб, унга хон сифатыда әхтиром құрсағадилар.¹ Бу ерда Қорасув волостиның бошлиғи Исмоилхұжа Мұлла Юсупов «босқинчиларга хизмат қилаётғанлығы» учун құлға олинди. Шундан кейин Мұмін понсад 30 киши билан оммавий құзғолонни ташкил қилиш учун Ұшға, Дарвишхон ва Бола пансод Андижон уездига қарашли Қорасув ва Султонобод қишлоқтарға бориб, сафларини анча мустақамлади. Сұнgra, улар Дардонак қишлоғига келиб, ақолини құзғолон күтаришга даъват этдилар. Бу ердан Бола пансод Ойим қишлоғига бориб, волост бошлиғи Нуридинхұжа Улусхұжаевни хонадонига ҳужум уюштирди. Дарвишхон катта гурұх одамлари билан Бўр-Тау деган жойға келиб, оммавий құзғолон күтаришга

¹ Үша жойда, 14-бет.

чақи्रувчи хатни Сузакка юборди. Аммо, бу ердагилар Андижон уезд бошлиги капитан Брянов ҳарбий қисм билан келаётганлиги туфайли қўзголонга қўшила ол-масликларини билдирганлар. Дарвишхон Янги бօғга келиб, Бола понсад одамлари билан бирлашди. Бу ерда улар маслаҳатлашиб, Қўқон қишлоққа ҳужум қилишга аҳд қилинди. Бироқ, капитан Бряновнинг ҳарбий қисми кириб келганлиги туфайли режа амалга ошмади. Дарвишхон Наманган тогларига ўрнашиб, атрофига қўзголончилардан 800 кишини тўплади. Аммо улар озиқ-овқатни етишмаслиги орқасида тарқалиб кетадилар. Буларнинг бир қисми Ичкилин волости атрофларида ҳарбий қисм билан кичик тўқнашувдан кейин чекинишга мажбур бўлганлар.

1885 йил 7—9 сентябрда Норин волостида Муллашерхўжа Назаров ва Мўминбой Жабборқулбоев бошлигидаги янги қўзголончилар гурухлари пайдо бўлди. Улар солдатлар томонидан ўқса тутилиб, 3 киши ўлдирилди ва 12 киши асирикка олинди. Хуллас, Дарвишхон ва бошқа мустақилликни тиклашга жонини тиккан сардорларнинг Фарғона водийсида оммавий қўзголон кўтаришга қаратилган курашлари кутилган натижани бермади. Бунга чор маъмуриятининг ўз вақтида кўрган чоралари, 1876 йилда Қўқон хонлигини тор-мор этиши жараёнидаги қирғин-баротлар ва вайронагарчиликлар халқнинг тинкасини қуритган ва ҳолдан тойдирган эди. Аммо озодлик гоялари мазлум халқни курашга отлантирди. Улар биринчи навбатда, зур бериб босқинчиларга хизмат қилаётган маҳаллий маъмурият вакиларини «коғирларга ён босаётган» лигига айблаб, жазолаганлар.¹

Фарғона вилоят прокурори В. М. Базилевский қўзголоннинг қатнашчилари бўйича ёзилган айбномасида дейди: «Улар ўлқада рус ҳукуматининг ҳукмронлигига қарши қўзголон кўтариб, мусулмон давлатини тиклаш учун курашдилар».²

Мазкур айбнома асосида 19 киши каторгага сургун қилинди. Хусусан, 6 киши умрбод ва 13 киши 18 йилга кесилди. 3 киши оқланди ва 2 киши вафот этганлиги учун иш тўхтатилди.³

¹ Ўша жойда, 16-бет.

² Ўша жойда, 17-бет.

³ Ўша жойда, ўша бетда.

Дарвишхон қўзголон мағлубиятга учратилгандан кейин Зарафшон округида яширинали. 1886 йил февралда бундан хабар топган чор маъмурияти Миркомил Миршамсиев исмли айгоқчини уни тутиш учун юборади. Бу киши маҳаллий маъмуриятнинг ёрдами билан Дарвишхонни қўлга олади. Бироқ йўлда, Жиззах яқинида, Дарвишхон қочишга муваффақ бўлади. Шундан кейин, Дарвишхонни Ҳисорда пайдо бўлганлиги, сўнгра Афғонистонда вафот этганлиги ҳақида маълумот олинади.

Юқорида шарҳланган қўзголонлар мағлубиятга учратилган бўлса-да, лекин озодлик кураши турли кўринишларда давом этди. Масалан, солиқларни тўлашдан бош тортиш ёки оқсоқолларни «сайлашга» доир масалалар бўйича галаён кўтарилиши шулар жумласидандир. Чунончи, 1890 йил 21 мартда Балиқчи волости нинг аҳолиси тўс-тўполон билан Андижон уездининг идорасига тўпланиб, волост бошлиги лавозимига дарҳол сайлов ўtkазилишини талаб қилишган. Ҳатто оломон шикоят қилиш учун Андижон шаҳарига боришларини маълум қилган. Андижон уездининг бошлиги Брянов оломоннинг бу сиёсий талабини рад этиб, ўз сўзида қаттиқ туриши норозиликни янада кучайтириб юборди. Галаёнда волостга қарашли бир нечта қишлоқларнинг аҳолиси қатнашди: Мингбулоқдан: оқсоқол Рузимад Мансидбоев, Арслонбой Уйшунбоев; Балиқчидан: Абдуллаҳўжа Юсуфалибоев, Ҳушмад Оқёров, Баҳовуддин Қурбонбоев, Хотамберди Райитбердиев, Аширбақдол Яқуббоев, Мирза Яқуббойвачча, Райимқулбой Каримқулбоев, Ҳидирхўжа Мадиёров, Зафарбой Мадиёров, Мадмурод Тўрабоев, Сусимқул элликбоши Тойрбой, Ортиқбой Тошбоев, Мирза Абдулла Холиқбоев, Бобомамад Тўхтаназаров; Усмонбек жамоасидан — Эршодхўжа Юсуфалибоев, Сайд Аҳмадбой Сайдалиев, Қўлдошбой Асилов, Умарали Миралибоев, Абдурашидбой, Давлатбой, Мулла Юнус Юсупов, Қорабой Исмоилов; Чинободдан: Шодмон Кенжабоев, Умрзок Фозилбоев, Нурмат полвон Мирсайдбоев, Тўхтасин Кенжабоев, Нурали Дониёров, Тошмирза Сойиббоев, Асилик, Кенжабой Жияналиев, Ҳасанбой Кенжабоев; Қўштепадан: Юсуфбой Охунов, Тошмирза Лутфуллаев, Абдукарим Лутфуллаев ва Қосимхўжа Чаноқбоевлар олдинги сафларида туриб, капитан Бряновдан ҳозироқ сайлов

ҳақида буйруқ беришини қатъяян талаб қиласылар.¹ Бунга кунмаган капитан Брянов халойиқ томонидан қуршаб олинди ва унинг ҳаёти хавф остида қолди. Шунинг учун у маҳкаманинг хонасига кириб жон сақлашга мажбур бўлди. Шу онда солдатлар келишиб, Мадқосим Жонибой Суфи ўғли, Ҳайитназар Ҳолмуҳаммад ўғли, Сайд Аҳмад Холмаҳамад ўғли, Тошмирза Лутфулла ўғли, Шодмон Кенжабой ўғли ва бошқа галаённинг бошлиқларини ҳисбга олди.²

Чор маъмурияти вакилларининг расмий ахборотида вилоятнинг у ёки бу жойларида кўтарилиган галаёнлар «повстанческие отряды», яъни қўзғолон гурухлари номи остида баён этилган. Мана шундайлардан бири 1891 йил 22 декабрда Марғилон уезди Найкау қишлоғида пайдо бўлди. Унга Қўқон шаҳарида яшовчи Собирхон Тўра Азизхўжа ўғли бошчилик қилган. У аҳолини чор ҳукуматининг ҳукмронлигига қарши қўзгатган. Унинг қўл остидаги гуруҳ Бўстон ва Қоратепа қишлоқларида ҳам курашган. Бу вақтда вилоятда Сибирга сургун қилинган, лекин у ердан қочган кишилар пайдо бўлиб, халқни қўзғатишга ҳаракат қилгандар. Масалан, Қўқон шаҳарида Мадқосим уста Раимқулов исмли кишининг уйида тинтуб ўтказилганда Сибирдан қочиб, яшириниб юрган Мирзажон Шермуҳаммедов қўлга туширилди. Бу кишининг ёнидан «аҳолини чор ҳукуматининг ҳукмронлигига қарши курашга» даъват этувчи прокламация (чақириқ ва рақаси) топилди.³

Мазмунан Мирзажон Шермуҳаммедов Сибирда сиёсий маҳбусларни орасида яшаб, онги ва кураши анча кучайганки «сиёсий варақа»ни тайёрлаган. Унинг мустақилликни тиклашга қаратилган фаолияти аҳолининг хоҳиши-иродасини ифода этиши турган гап эди. Бу хусусда Сибирдан қочиб келган Раимқул Тогайназаровнинг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Чор маъмурияти вакиллари уни қўлга тушириб олиб кетаётгандарига Қўқон уездига қарашли Тудак қишлоғининг аҳолиси бош кўтариб «волост бошлиғи ва миршабларни сўйиши» керак деб бақиришиб, уни озод этишга эришишган. Ҳамда Раимқул Тогайназа-

¹ ЎзР МДА, ФИ-504, 4-рўйхат, 521-иш, 8—9-бет.

² Ўша жойда, 4—7-бетлар.

³ Ўша жойда, ФИ-1, 32-рўйхат, 171-иш, 10-бет.

ровни яширишган. Бу воқеанинг фаол қатнашчилари бир неча киши галаён күтаришда айбланиб, ҳисбса олинган. Суд ҳукми бўйича Раҳмонберди Ҳудойназарбоев ва Тўйчибой Исматуллаевнинг ҳар бири 20 йил муддат билан каторга қилинди. Мулла Алимуса Бегиев ва Мадумар Суфи Мадбобо Суфиев 15 йилга, Абдуқаюм Маҳаммад Юсуфбоев, Тошмамад Қаландаров ва Раҳматилла Бўтаев ҳар бири 12 йиллик каторгага ҳукм қилинди. Баҳромқул Үмарқулов, Холиқназар Ҳудойназаров, Йўлчибой Раҳмонқулов, Мирзакарим Ҳудойназаровлар 6 ой муддат билан қамоқقا ташланди.¹

Шундай қилиб, кўрилаётган даврда Фарғона вилоятида партизанлар ҳаракати ҳолидаги озодлик курашлари сиёсий тусга эга бўлиб, она-юрг мустақиллигини тиклашга қаратилган эди.

1898 ЙИЛ ҚЎЗГОЛОНИ

Қўзголон қатнашчилари ва унга тайёргарлик. Гарчанд олдинги йилларда кўтарилган катта-кичик қўзголонлар тор-мор этилган бўлса-да, лекин озодлик гоялари вақти соати келганда яна ўз куч-кудратини намойиш этаверди. Улар 90-йилларни ўрталарига келиб, мазлум халқни янги курашларга отлантириди. Қўзголоннинг асосий йўналтирувчи кучи мустақиллик ва миллий зулм исканжасидаги дехқонлар, ҳунармандлар, мардикорлар, чорикорлар ва умуман қашшоқлашган халқ ҳисобланган. Аммо, қўзголонда юқори табақанинг илгор вакиллари ҳам фаол қатнашди. Мустақилликни тиклаш учун кураш уларни ҳам онги ва қалбини чулғаб олган эди. Миллий давлатни йўқ қилиниши, бойликларнинг таланиши ва шафқатсиз зулм маҳаллий табақа доираларининг норозилигини чақирмасдан кўймас эди. Бундан, чор ҳукуматига зўр бериб хизмат қилаётган бир гурӯҳ туб аҳоли вакиллари мустаснодир. Хуллас, чор ҳукумати даврида олий ва ўрта ҳокимият лавозимлардан маҳрум этилган ва бошқа ўз ватанига содик кишилар чет эл ҳукмронлигига қарши курашларда фаол қатнашдилар.

Фарғона вилоят ҳарбий губернатори Чайковский водийдаги вазиятни шундай таърифлаган: «Бўйсунди-

¹ Ўша жойда, ФИ-723, 1-рўйхат, 5-иши, 69-бет.

рилганга қадар Фаргона мустақил давлат ҳисобланиб, ўзининг тарихига, ҳукмрон синфига ва бошқарув тизимга эга эди. Буларнинг йўқолганига ҳали чорак аср ва янги шароитга мосланишга бир кишининг умри ўтганича йўқ. Илгари ҳукмронлик қилган, нуфузли табақаларни оддий бир кишиларга айланиш жараёни жуда қийин ва аламли кечмоқда. Шунинг учун, тасодифий ҳодисаларни юзага келишини назарда тутган ҳолда туб аҳолини қаттиқ назорат остида ушлаб туриш ҳали узоқ давом этади.

Айниқса, мусулмон руҳонийларини ва мусулмон ўкув юртларининг вакилларини алоҳида назорат остида ушлаб туриш зарур. Чунки улар қонуний ташкилотлардан четда ўз ҳолича ташлаб қўйилганлиги учун доимий назорат қилиш имконини бермайди. Янги тартиб-қонунлар орқасида улар фақат жамиятдаги мавқеига эмас, балки вақф ерларидан олинадиган даромадларни қисқартирилиши туфайли иқтисодий манфаатларига путур етказилди».¹

Бинобарин, юқори табақа вакилларига сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан зарба берилганлиги, шу боис уларни ҳамиша назорат остида ушлаш зарурлиги уқдириб ўтилган. Умуман чор маъмурияти айниқса, дин пешволарини энг хавфли душман сифатида ҳисоблаб, уларни имкони борича «бурчакка сиқиб» қўйишга ҳаракат қилди. Шунингдек, у қозилик ва оқсоқоллик мансабларида хизмат қилаётган кишиларни ҳам «гаҳ деса қўлга қунадиган» тарзда ушлаш учун арзимаган баҳоналар билан жазолаб туради. Масалан, вабо касали муносабати билан 25 қози ва муфтийлар эски қабристонларни ёпмасликни сўраб, маъмуриятга ариза ёздилар. Унга қўйидаги кишилар имзо чекканлар:

1. Қози Мансурхўжа Хўжакамолов.
2. Қози мулла Махсум Мирюсупов.
3. Қози мулла Ашир Муҳаммад Ниёзмуҳамедов.
4. Мавлоно мулла Абдумўмин Раҳмонбердиев.
5. Аълам мулла Азизхон Раҳмонбердиев.
6. Муфтий мулла Мирубайдулла Мирюсупов.
7. Аълам Муҳаммадюсуп Муҳаммадбобохонов.
8. Муфтий хожи Камолиддин Шамсиддинов.

¹ Центральный Государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге.Ф-1282, ОП.3,0.д, 442, л.27.

9. Аълам Мұхаммадқодир мулла Мұхаммадқосимов.
10. Аълам Турсун Мұхаммад мулла Ниәзбадалов.
11. Аълам Мұхаммад Обидмаҳсим Мұхаммад Со-диккомолов.
12. Аълам Сайидхұжа Мирбурхонов.
13. Муфтий мулла Мұхаммад Иброҳим Миролим Сүфиев.
14. Муфтий Мұхаммадали.
15. Аълам мулла Хұжақули Гойиб Назар Сүфиев.
16. Аълам Мавлонқұл Нормұхаммад Сүфиев.
17. Аълам мулла Абдумүмин Аштурмұхаммад Сүфиев.
18. Муфтий мулла Мұхаммад Назар Соҳибаев.
19. Муфтий Сойид Аъзамхұжа Орифхұжа Эшонов.
20. Муфтий Азиз Умархұжа Исахұжаев.
21. Муфтий мулла Абдураҳмон Жумабай Сүфиев.
22. Муфтий Фахриддин Хұжа Дониәрхұжаев.
23. Муфтий Мұхаммаджон Мұхаммад Раимов.
24. Муфтий Исомиддинхұжа Содиқ Хұжа Аъламов.
25. Аълам мулла Эшонхон Миралимов.
26. Қози мулла Абдураззоқ мулла Сотиболдиев.

Улар оддий бир ариза ёзиб хукуматнинг қарорига норозилик билдирганликлари учун лавозимларидан четлатилди ва ҳибсга олинди. Ҳатто уларни оқлашни сұраб ариза ёзған бир гурұқ әлликбошилар ҳам қамоққа ташланды.

Шундан кейин бир гурұқ нұфузли кишилар норози бўлиб шикоят хатини ёздилар: «Хонлар вақтида, — дейилган унда, — қозилар шариат қонунларини билганиклари учун мукофотланғанлар. Аммо халойиқ қозиларни бекордан-бекорга лавозимларидан бушатилғанлигини билмайди. Чунки улар ҳеч қачон шариатга зид ишларни қилмаганлар».¹

Ҳарбий губернатор А. А. Абрамов кўзголон кутарилишидан қўрқиб, агар тартибсизликлар рўй берса у вақтда қозилар Сибирга сургун қилинишини очиқданочиқ маълум қилди.² Айни бир пайтда Қўқон уездининг бошлиги агар дин пешволари бирор тартибсизликларда қатнашсалар мадрасаларни йўқ қилиниши ва вакф ерлари тамоман давлат ихтиёрига ўтказилишини эълон қилди.³

¹ ЎзР МДА, ФИ-19, 1-рўйхат, 332-иш, 43-бет.

² Ўша жойда, 22-бет.

³ Ўша жойда, 27-бет.

Хатто уларга хайрихоҳлик билдирган элликбошиларни ҳибсга олади. Булар қуидагилардир:

1. Муллабута Шоназбаев.
2. Мирмуҳаммад Муҳаммад Иброҳимов.
3. Уста Эрназар Холиқназаров.
4. Мўмин Хўжа Салимхўжаев.
5. Охунбой Муҳаммад Собиров.
6. Маҳаммад Ражаб Эркабоев.
7. Мулла Абдулқосимхўжа Нигматуллаев.
8. Мирусмон Мирнасирбаев.

Қозилар ва элликбошиларни қамоққа ташланиши мустамлакачилик сиёсатидан «қони қайнаб» турган халқнинг ғазаби ва нафратини қизитиб қўзғолон кўтарилиши хавфи туғилди. Шу боис улар озод этилди. Бироқ айрим кишилар, хусусан Абу Наби Абдураҳмонов, Иса Мирзабоши Мирбаратов, Мулла Абдуқаюм Алиев, Мулла Қурбон Ислом Хужаевлар қисқа муддатли қамоқ жазосига тортилди. Рўзи Маҳаммад Назармуҳаммадов, Муллаҳошим Мирза Қосимовлар «анча ишончсиз ва хавфли» кишилар сифатида Кўжон уездидан чиқариб юбориш ҳақида буйруқ берилди.

Қози мулла Ашур шикоят хатини ташаббусчиси сифатида Сибирга сургун қилинмоқчи эди, лекин вазиятни кескинлашиши туфайли ҳукм бекор қилинди.¹ Чор маъмуриятининг маҳаллий амалдорларига нисбатан зўравонлиги туфайли уларни орасидан халқ галаёнларига хайрихоҳлик билдирувчилар чиқсан эди. Чунончи, уларнинг айрими вакиллари 80-йилларда мустақилликни тиклаш учун курашаётган гурӯҳларнинг қатнашчиларига меҳрибонлик қилганлар. Масалан, 1885 йилда Науқат волостиning бошлиғи Содик Қулматов ва Бозор қўргон волостини катта оқсоқоли мулла Калон Отанаев «қўзғолон қатнашчиларини бекитганликлари» учун ўз вазифаларидан олинган.² Маҳаллий маъмурият вакилларини қўзғлончиларга хайрихоҳлигини вилоят ҳарбий губернатори ҳам таъкидлаган: «Бизнинг (қўзғолон бошлиғи Дарвишхонни) кўлга тушира олмаганимизга аҳолини ва маҳаллий маъмурият вакилларини ёрдам қилмаётгандарни сабаб бўлмоқда. Маҳаллий амалдорлар узла-

¹ Ўша жойда, 53-бет.

² Ўша жойда, ФИ-1, 31-рўйхат, 3-иш, 9-бет.

рини хайрихоҳликларини ниқоблаш учун турли асоссиз сўзларни тарқатиш билан шугулланмоқдалар».

Айниқса, хонлик вақтида мансабларга ва имтиёзларга эга бўлган, лекин «руслар келгандан кейин улардан маҳрум этилган» кишилар чор ҳукуматига қарши турғанлар.

Үлка генерал-губернатори А. Вревский сўзига қараганда улар осойишталик кунларда жим юрганлар, лекин янги солиқлар солинаётгандан ёки қандайдир мушкүл вазият юзага келганда аҳолини қўзголон кутаришга даъват қилганлар.¹ Шундай қилиб мустамлакачилик сиёсати бир томондан ҳалқни ҳаётини оғирлашишига, иккинчидан маҳаллий юқори табақа вакилларини манфаатларига зарба беришга олиб келган. Бу ҳолат ҳалқقا ҳам, юқори табақа вакилларининг илгор қисмига ҳам умум душман — чоризмга қарши бирлашишга замин ҳозирлади. Бу ерда мустақиллик ва озодлик учун кураш туйғулари муҳим ўрин эгаллади. Ҳамда ҳалқнинг барча тоифаларини бир ёқадан бошчиқаришни таъминлади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, жамият маънавий ҳаётнинг асосий йўналтирувчи кучи бўлмиш Ислом динининг камситилиши ва унинг моддий асосларини чегаралаб қўйилиши дин пешволарини ҳам бош кутаришга олиб келди. Асрлар мобайнида ҳукм суриб келган Ислом динининг файри диннинг «асирига» айланиб қолиши қўзголоннинг энг муҳим омилларидан бири бўлди. Айниқса номоз вақтида рус императори номига хутбани мажбурий суратда ўқитилиши ачинарли ҳол эди. Шу боис, «газот» шиорини юзага келиши табиий ҳолдир. Бу хусусда Андижон қўзғолоннинг жонли гувоҳи Фозилбек Отабек ўғли шундай ёзади: «Мадраса вақфларини бони, вақф қилувчи вақфларнинг авлодларига буйруқ бериб, сотиб емоқларига фармойиш қилиб ва мусулмонларнинг жума номозларида (хутбаларида) подшоҳ (император)нинг номини қўйиб ўқимоқ, Қуръоннинг «вал мушриқин» деган жойларидан «мушриқни» иборатларини чиқармоқ каби бехуда ишларни амр қилдилар.

Шаҳар ҳокимлари, қози ва амалдорлар ҳам мактабдорларни чақириб оқ подшоҳнинг номини жамиси

¹ Ўша жойда, ўша бет.

одамларга билдириб, масжидлардан, номозларда дуо қилдилар...

Мусулмонларни ниҳоят эзib, қисиб, ҳатто күчадан ё пристуф үтиб қолса, ё беихтиёр кўрмай қолғон ва ўрнидан турмаган мусулмонлар бўлса, қайтиб келиб уриб, қамар эдилар.

Андижонда бир неча мўътабар одамларни кўчада, халқ қошида «манга салом қилмадинг» деб ҳақорат қилиб, қамаб қўядиган бўлди...

Ариза берилса, кимга берилар эди? Яна шу золимларга берилур эди. Булар бўлса, ҳеч вақт камбағалларнинг арз-додига қулоқ солмас эди. Мана шундай қаттиқлик кунларда қолгандан кейин халқ орасида бу зулмларга қарши қўзголончилик руҳи пайдо бўлиб қолди».¹

Демак, чор маъмурияти томонидан оширилган шафқатсиз зулм, туб аҳолининг қадри-қимматини ерга уриш ва уни хўрлаш, адолатсизлик ва зўравонликлар Андижон қўзголонини юзага келтирган эди. Айни пайтда иқтисодий ҳаёт чуқур инқирозга учраб қашшоқлик таборо кенг қулоч ёймоқда эди. Шуни айтиш лозимки, қўзголонда Андижон атрофида яшовчи қиргизлар ҳам фаол қатнашганлар. Чунки, чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати уларни ҳам оғир аҳволга солиб қўйган. Улар чор маъмурияти томонидан яйловлар ва экин майдонларининг талай қисмидан маҳрум этилди. «Тоғ-саҳроларда эса, — дейди Фозилбек Отабек ўғли, — камбагал қора қиргизларнинг тоғлардаги мулкларини тортиб олиб, ичкари руссиядан бир неча минг рус дәҳқонларини кўчириб келиб, бўлиб бериб, охирида Элатия қиргизларни ўз молмулкларига ҳам эга қилмай, бечораларни Фарғонанинг кенг тоғларига тарқатди. Шаҳар халқи золим ҳокимлар зулмидан безор бўлиб кўчага чиқолмай қолганлариdek, шунча кенг тоғлардаги қиргизлар ҳам ўзларининг ота-боболаридан буён ёқиб келган, қуриган ўтиналаридан ёқолмай қолдилар, балки тикони қолмади. От, мол, қуй, эчкиларни бемалол боқолмай, бир тарафдан: чўп, оғиз пули деб жарима солиб, пулларини олса, иккинчи тарафдан «туёқ пули» деб

¹ Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи эшон воқеаси. Т., «Чўлпон», 1992.20—21-бетлар. Нашрга тайёрловчилар Сирожиддин Аҳмад, Улуғбек Долимов, Шухрат Ризаев.

қўйларини ҳисоблаб олди. Учинчи тарафдан, ўрис музиклари «маним экинимга кирди» деб молларини «штраф» («жарима») қилиб олиб қўяр эди.¹ Шу рашидда Кетмонтепа, Кузарт ва Андижоннинг бошқа атроф жойларида истиқомат қилувчи қиргизлар мустамлакачилик сиёсатининг аёвсиз азоб-уқубатларини бошлидан кечирмоқда эдилар.

Фаргона водийсининг ўзбек ва қиргизлардан ташкил топган, ўтрок, ярим кўчманчи ва кўчманчи аҳолиси баббаробар ниҳоятда ачинарли аҳволга тушиб қолган эди. Мана шундай оғир шароит ҳукм сураётганда Муҳаммад Али халфа Собир ўғли сиёсий майдонда пайдо бўлди. У 1856 йилда Маргилон шаҳарига қарашли Шоҳидон қишлоғида ўрта ҳол оиласда туғилган. Уни Фаргона шаҳридан 25 чақирим жануби-гарбдаги Чимён қишлоғида туғилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Унинг отаси бешик, беланчак, пахтанинг чигитидан ажратадиган чигириқ ва йик (ёки дук) тайёрлаш билан шугулланган. Муҳаммад Али ёшлигиданоқ ақл-идрокли, меҳнатсевар ва адолатли шахс сифатида танилиб, отасининг касбини давом эттирган. Айни пайтда деҳқончилик ва пахсачилик билан шугулланган. У 1866 йилда ота-онаси билан Мингтепага келиб ўрнашадилар. Бу ерда Султонхон Тўра Эшонга мурид бўлиб, унинг хизматини ўташ билан бирга таълим-тарбиясини ҳам олади. Пировардида Султонхон Тўранинг муҳри босилган хати — иршади, яъни ҳужжати бўйича Муҳаммад Али Эшон мақомига сазовар бўлади. Бу табаррук зот Мингтепада халқ манфаатларини кўзлаб, кўп фойдали ишларни қилган. У асли касби бўйича Дукчи Эшон ибораси билан ҳам аталган. Уни ўзбек, тожик, қиргизлардан иборат кўп муридлари бўлиб, катта шуҳрат қозонди. Бу хусусида Асака бўлимининг пристави Чанишев бошлигига ёзган ахборотида шундай дейди: Асакага қарашли Мингтепа қишлоғига бундан 25 йил аввал келиб ўрнашган, асли мингтепалик «Муҳаммадали Эшон» деган бир киши эшонлик қилиб турган бўлсада, бу кунларда ниҳоят кучайиб, бутун тоғлардаги қиргизларни ўзига тобе қилди: «Маним маҳфий олган ахборотимга қараганда, муридлари ўн мингдан ошган бўлса керак, ҳаммалари эшонга шундай тобедирларки, агар

¹ Ўша жойда, 21-бет.

амир қылса бир кунда жам бұлади. Агар шундай бора-верса, әхтимол Эрон эшонларидек Россия давлатига исөн чиқарса, лоқал ҳукumat бошлиқлари амр фармона ниге инқиёд құлмаса, чунки хонақосига бир катта мактаб қилиб, тахминан 250 га яқин болаларни учта муаллим солиб, доимо үқитиб турадыр. Булар оз кунда үқиб чиқсалар, күпларини «Истанбул»га юбориб үқитмоқчи эмиш. Буларнинг ҳар нечик бұлсада, маңы қилмоги зарур әди».¹

Куриниб турибдики, Мұхаммад Али Эшоннинг таъсири доираси шу даражада кенг қулоч ёйганки, узбек, тохик, қирғиз ва бошқа туб ахоли вакилларини ўз ичига олган муридларининг сони үн минг кишига борган. Уни Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона водийсида муридлари бор бұлған.



12-расм. Құзғолончилар сардори Мұхаммад Али халфа Собир Үғли.

Мұхаммад Али Эшон халқнинг саводини чиқа-риш ва билимини оширишга ҳаракат қилиб, Мингтепада мактаб, мадра-са ва иккита масжид қурған. Мингтепага яқин жойда «Эшончек» номида янги қишлоқни бунёд этди. У құзғолондан олдинөк озодлик жарчиси сифатида ҳам танилғанлығи учун чор маъмуриятини ташвишлантирган. Шу боис унинг фалиятини текшириш учун комиссия тузилған. Бу комиссия Мингтепага келиб, Мұхаммад Али Эшонга қуидаги саволларни берған:

— Ёшингиз нечада?
— 51 ёшдаман.

- Исли-шарифингиз?
- Ислым Мұхаммад Али, отамнинг номи Мулла Исмоил.
- Қайси дин ва мазҳабдансиз?
- Мусулмон, «ханафий» мазҳабиданман.
- Қаерда үқигансиз, қайси ерларда бўлгансиз?

¹ Уша жойда, 15—16-бетлар.

— Күпроқ Бухоро ва Каррухда, Шаҳрисабзда ўқиб, сўнгра ҳажга бордим. Бу ерда икки йил яшадим. Ҳиндистонга ўтиб, Кашмирга бир йил турдим.

— Неча йилдан буён эшонлик қиласиз?

— 26 йилдан буён.

— Муридларингиз қаерларда яшайди?

— Муридларим куп, қанча эканини билмайман. Улар қирғизлар орасида ҳам бор.

— Подшоҳ аъзамга қарашли қайси шаҳарларни кўргансиз?

— Ўз қишлоғимдан тортиб, то Севастополь, Одесса, Қрим, Кафа, Ашхобод, Узунота, Тошкентни кўрдим.

— Бу бойлик ва иморатлар отангиздан қолғанми ёки ўзингиз топғанмисиз? Эшон бўлмасдан олдин ерсувларингиз бормиди?

— Отамдан бир кичкина ҳовли қолган. Бошқа бойлик йўқ эди. Ҳозирги мол-мулкларни ҳаждан келганимдан кейин 26 йил мобайнида орттирдим. Ҳали ҳам катта бойлигим йўқ. Чунки уни бева-бечоралар ва камбагалларга сарфламоқдаман.

— Муридларингизнинг ҳаммаси камбагалларми ёки бойлардан ташкил топғанми, қайсиси кўт?

— Бой ҳам бор, камбагаллар ҳам куп. Уларни барчаси бизга бирдек биродарлардир.

— Муридларингиздан ҳадияларни сураб оласизми ёки ўзларининг ихтиёлари билан берадиларми? Бу ердаги одамлар илгари бойими迪 ёки камбагалми迪? Улардан сизга нима фойда бор?

— Биз ҳеч кимга «бир нарса олиб кел», деб айтмаймиз. Одамлар Худойим қунглига солган нарсаларни келтирадилар. Буларни дарҳол қозонга солиб ва пишириб камбагалларга тарқатамиз. Муридлар аввалдан камбагал кишиларни ўз ичига олади.

— Сизга қайси кишилар яқин, бойларми ёки камбагалларми? Қайсисининг тарафдорисиз?

— Албатта, манга шу ерда хизмат қилаётган камбагаллар яхшидир. Узоқлардаги бойларни бизга фойдаси тегмайди.¹

Мазкур сатрлардан аёнки, Муҳаммад Али Эшон табиатан камбагалпарвар, мурувватли ва ҳайр-эҳсонли киши ҳисобланган. У оддий бир ойлада туғилиб, зўр

¹ Уша жойда, 17—18-бетлар.

истеъдоди, меҳнатсеварлиги ва камтарлиги туфайли юксак эшонлик унвонига сазовор бўлган. Шу боис у нафақат ўз халқи, балки қирғизлар орасида ҳам катта обрўй ва хурмат қозонди.

Аввалом бор, Мұхаммад Али халфа Эшон ўзи истиқомат қилаётган Мингтепа, Тожик ва Қашқар сингари қишлоқларнинг пири, фахри ва гурури эди. Айрим маълумотларни қўрсатишича, ўша қишлоқлар анча салоҳиятли ҳисобланған. Масалан, Қашқар қишлоғида — 340 хонадон ва 2102 киши, Мингтепада — 64 хонадон ва 450 киши яшаган.¹

Қирғизларнинг юқори табақа вакиллари Мұхаммад Али халфа Собир ўғли билан ҳамиша маслаҳатлашиб ва дардлашиб турганлар. Чунончи, «Кетмонтепа, Кугарт тарафларидағи қирғизия катталари, «манноф» ва «маннофзода»лари унинг ҳузурига бориб, безор қылган мужиклардан диққат бўлиб, уларнинг подшоҳини орқа қилиб берган дашномларига чидайолмай, 1896 йилда кўп одам жам бўлиб, Кугартга тўпланиб, Йиқчи Эшон (Дукчи Эшон) ҳузурига кетиб, қуйидаги ёзиладирғон маслаҳат ва аризаларини қўлмоқчи бўлдилар. Лекин, қирғизларнинг бу йигин ва жамиятлари фақатгина мужиклар зулмига қарши бўлиб, бунга машҳур Шодҳон Ботур деганнинг набираси бошчиллик қилган. Тахминан 25 киши Йиқчи Эшонни зиёфат қилиш муддаосида келиб, эшонни зиёфат қилиб, кейин мусоҳаба ўртасида мужиклардан шикоят этиб, айтдиларки: агар бизга ижозат берсангиз, ҳамма қирғизлар йигилиб, мужиклар устига ҳужум қилиб, ҳаммаларини от оёғида бостириб юборамиз. Шундай жонимиздан тўйдик. Биз қирғизларни ниҳоят бесаранжом қилдилар. Бу юрганимиздан ҳаммамизни ўлгонимиз яхшироқдир. Газотга ижозат беринг, деганларида Эшон: «Биродарлар! Ҳали вақт эмас, андак фурсат бор, ҳаммамиз бирдан ҳужум қиласиз, охири бу Николай зулми остида қолмаймиз, бир оз фурсат бор. Тафаккур қилиб туринглар! Ман ўзим бош бўлиб ҳамма биродарларни, балки тамом шаҳар халқини ўзимизга ер қилиб, кейин ишни бир йула бошлаймиз», деб буларга таскин берган эди. Бу сабабдан қирғизлар андиша қилиб: «Эшонимизнинг ўзи бир нарсани биладилар. То ишимиздан хабар бўлгунча таваккуф

¹ ЎзР МДА, ФИ-19, 1-рўйхат, 5579-иш, 216-бет.

қилайлик» деб қайтиб кетган эдилар. Мана шу 1896 йилдан бошлаб мужиклар тепасига ҳужум қилиш ва миллий құзғалиш ҳаракати күринган».¹

Демак Мұхаммад Али Эшон қыргизларнинг ҳам шири сифатида гавдаланиб, уларнинг миллий зулмга қарши курашининг тарафдори бўлган. У «Николай үлми остида қолмаймиз» ва «мени ўзим бош бўлиб» биргаликда курашамиз деб ватанпарварлик туйгуларини изҳор этган. 1897 йилда ҳам Кетмонтепа ва Кугартда 1000 кишидан иборат қыргизлар тўпланиб, қўзголон кўтаришга рухсат берилишини сўраб, Мұхаммад Али Эшонга киши юборганлар.² Аммо у дарҳол улар ҳузурига етиб келиб бош кўтармасликка кўндиран. Бунга сабаб шу эдики, Мұхаммад Али Эшон қўзголон кўтаришга ҳали шароит етилмаганлигини яхши биларди. Унинг мақсади айрим жойларда тарқоқ ҳолда эмас, балки вилоят ва шаҳарларининг аҳолиси ҳам жалб қиласан ҳолда озодлик курашини бошлашдан иборат эди. У бунга эришмоқ учун зимдан тайёргарлик кўрмоқда эди. 1897 йилда Мұхаммад Али Эшон Фарғона вилоятидаги нуфузли кишиларга, хусусан Андижон шаҳридаги Жомеъ мадрасани кураётган Мұхаммад Алибой Холмирзабой ўғлига, Саъмий Охун ва Холиқберди Охун сингари муддарисларга, Ўш шаҳридаги Қурбонжон доддоҳ ва Қамчинбекнинг фарзандлари, Яқуб Охун аъламга, Марғилондаги Мұхаммад Юсуфжон Эшон ва Сайд Аҳмадхўжаларга, Намангандаги Яҳёхон Тўра ва Қодирхўжа ва бошқа кимсаларга махфий хатлар юбориб, босқинчиларга қарши курашишга даъват этди. Масалан, Мұхаммад Алибой Холмирза ўғлига ёзилган хатнинг мазмунни қуидагича бўлган: «...ҳар хил фитна ва фасад кўпайиб, оламни куфр зулмати босиб, аҳли ислом ниҳоят ҳор бўлғандир. Бу фасод вақтларини даф қилмоқ бизнинг зиммамизга фарз бўлғондир. Чунки, фақирга бу хусусида ғойибдан ҳам ижозат бўлган эди. Кўп замондан буён фурсат пойлаб, шу вақтга етдик. Энди вақт яқин бўлиб, қараб турмоқقا фурсат қолмади, ҳаммани исломга жаҳд фарз бўлиб қолди, энди фурсат ганимат, шу золим ҳукumatдан қутулишга саъй қилмоғимиз ва жиҳад қилувчиларга ёрдам бермоғимиз зарур, балки

¹ Фозилбек Отабек ўғли. Ўша иш, 21—22-бетлар.

² Ўша жойда, 22-бет.

фарз бўлди. Бинобарин, марҳамат қилиб, Мингтепага, бизнинг фақрхонамизга шавол (---) ойининг ўн бешинчисигача ташриф қилсалар, шу хусусда маслаҳат қилсақ, деб, қадамларига мунтазирмиз».¹

Шу мазмундаги «чақириқ қофоз»лари юқорида қайд қилинган кишиларга Мұҳаммад Али Эшоннинг муҳри босилган ҳолда тарқатилган. Бу хатни олганлардан бири Андижонлик Маҳмудалибай шундай жавоб берган: «...юборган хатлари келиб тегди. Мазмунидан вақф булиб, шу ҳолда арз қиласиз, ким бу рус подшоҳи — катта подшоҳдир, бунга муқобил бўлмоқ ниҳоят мушкул ишдир. Биздек фақирлар қўлидан келмай қолиб, охири кўп бесаранжомликларга боис бўлурмикин. Хусусан, бу кунларда ҳамма шаҳарларга поездлар келиб қолган, йўл яқин бўлган. Жанобингизни ман қилмоққа бизда қудрат йўқ. Ўзлари соҳиб ихтиёрдирлар. Лекин, ҳар ишда маслаҳат ва мушоварат лозимдир. Ниҳоят, ўйлаб иш қилинса, яхши бўладир. Ва Оллоҳ, ҳеч мусулмон киши бу золимлар қўлида қолмоққа розилиги йўқдир. Шаҳарлар ўзбекларга тор бўлгандек, тоглар қирғиз, элатияларга тор бўлди, балки Туркистон мусулмонларга торлик қилди. Нима қилайлик, ноиложмиз. Қўлимизда ҳеч нарса йўқ. Етарлик асбоб ва хазина йўқ. Ҳар нечик бўлсада, ишнинг оқибатини ўйлаб, бева-бечораларнинг фикрини қилмоқларини илтижо қиласиз, деб ёзувчи мискин ва гариб Маҳмудали».²

Гарчанд Маҳмудалибай ўзининг ушбу жавоб хатини чор ҳукуматининг ҳукмронлиги ва зулмiga қарши курашиш тарафдорлигини изҳор этган бўлса-да, лекин Россиядек катта давлат билан тўқнашишга етарли куч ва маблағ йўқлигини уқдириб ўтади. Бу билан қўзголонга қўшилишга розилик билдиримай фожиали оқибатларни инобатга олишликни баён этади. Кейинги воқеалар шуни кўрсатадики, хатларни олган кишиларнинг кўпчилиги галабага ишонмай розилик билдиримаган бўлса керак. Чунки, қўзголон пайтида уларни қатнашганликлари қайд қилинмаган. Мұҳаммад Али Халфа Эшон, Курманбой Умарбоев ва Қўрbonқул Сатторов сингари энг яқин одамлари орқали 100 та «чақириқ қогози»ни қирғиз элатига тарқатган.

¹ Ўша жойда, 24-бет.

² Ўша жойда, 25—26-бетлар.

Улар асосан Норин ва Қорадарे оралигидаги қирғиз волостларига улашилган.¹

Бундан ташқари қуидаги мазмунда аҳднома тушилди: «Аллоҳ йүқ жойдан үн саккиз минг оламни яратиб, инсонга мукаммал бир қиёфа баҳш этиб, уни барча жонзотларнинг соҳиби, Одаматони эса Ҳалиф қилиб кутарди. Бутун оламни Аллоҳ пайғамбаримиз учун яратиб, уни энг яқин кишисига айлантириди ва ул Ҳазратни таҳтга ўтказди-да, шундай деб мурожаат қилди: «Эй, найғамбар! Гайридинлар ва имом-эътиқоддан қайтганлар билан жанг бўлғусидир». Бунда ўзига содиқ қолган ва энг яқин бўлғанларга жаннат ваъда қилди. Чорёрлар халқа панду-насиҳат қилиб ледиларки: «Кимки газоват йўлида ўз мулки ва ҳаётини Аллоҳ ва Пайғамбар учун қурбон қилса, бундайлар биз сингари бўлғусидир». Улар номуносиб бандаларни тийиш учун китоб битдилар ва бизга эсталик сифатида қолдирдилар. Шундай экан, ўзимизни Аллоҳнинг қуллари ва Пайғамбаримизнинг умматлари ҳисоблайдиган бизлар, албатта газоват эълон қилишимиз жоизлир. Биринчидан, Аллоҳ ва Пайғамбар йўлидаги бу муқаддас урущда биз голиб чиқишимиз, иккинчидан, ҳаётимизни қурбон қилишимиз лозим.

Биз қуида ўз муҳримизни босғанлар, олдимизга Каломуллони қўйиб, Аллоҳ ва Пайғамбарга қасамёд қилиб Халифамиз (Муҳаммад Али Эшон) билан шартнома туздик. Шундан кейин, агар ўзимизга бино қўйганимиздан шайтоннинг васвасасига учиб ёки ширин жонимизни ўйлаб кўркиб, ваъдамиздан қайтиб, уни бажармасак дўзахга тушайлик, икки дунёда юзимиз қора бўлсин, қиёмат куни шармандаю-шармсар бўлайлик. Бу сўзларнинг тасдиги учун муҳрларимизни босдик».²

1. Мулла Аҳмад Ноиб — Марғилон уезди. Ички Лин волостидан. Қозиликка номзод.

2. Мулла Қосим Араббой ўғли — Марғилон уезди Кулин волостининг Қора-Қурғон қишлоғидан.

3. Ҳайитбой понсад Эрназаров ўғли — Яккатут волостининг Ермозор қишлоғидан.

4. Орзиқулбой понсад — Хонобод қишлоғидан.

¹ ЎзР МДА, ФИ-17, 1-рўйхат, 31137-иш, 30-бет.

² ЎзР МДА, ФИ-17, 1-рўйхат, 3117-иш, 27-бет. Эгамназаров А. Сиз бийтган Дукчи Эшон. Тошкент, 1994, 30—31-бетлар.

5. Мұхаммад Иброҳим Тұқсоба.
6. Мулла Фойибназар Ортиқ Сұфи үғли — Құва волостининг бошлиги.
7. Алибек доддо Жаббор үғли — Андижон уездининг Жалолқудук волостининг собиқ бошлиғи. Құқон хонлиги вақтида лашкарбошилик қылған..
8. Гойибхұжа Мұхаммад Мурод үғли — Марғилон уезді Шаҳрихон волостидан.
9. Мұхаммад Зиёвуддин Маҳсум домла Шариф үғли — Кулин волостидан.
10. Умар доддо — Үшдан, Құқон хонлиги вақтида лашкарбошилик қылған.
11. Соттибай Мирза.
12. Отақул понсад — Ичкилин волостидан.
13. Рустамбек Соттиболдиев — Андижон шаҳаридан.
14. Маллабой Абдураим үғли — Андижон шаҳаридан, савдогар.
15. Иноятхон Тұра үғли — Марғилон уезді, Ёзвон волости Хонобод қишлоғидан.
16. Мулла Мадамин Азимхұжа үғли — Марғилон уезді, Мингтепа волостининг оқсоқоли.
17. Яқубназар Махрам — Марғилон уезді, Кулин волостининг собиқ раҳбари.
18. Мулла Исқандар Азим — Марғилон уезді, Кулин волостидағи Бешқатчи қишлоқ жамоасининг оқсоқоли.
19. Мулла Нұрмуҳаммад Мулла әлликбоши.
20. Эрназар Араббой әлликбоши.
21. Охун Хұжа.
22. Мулла Маҳмудхұжа Қозихұжа үғли — Марғилон уезді, Кулин волостидан, қозиликка номзод.
23. Мулла Имомқұл Парпи Амин үғли — Кулин волостидан халқ суди.
24. Хұжажон — Мингтепа волостидағи Бобохұжа қишлоқ жамоасининг оқсоқоли.
25. Эрназар Тиллабой — Мингтепа волостидағи Кутчин қишлоқ жамоасининг оқсоқоли.
26. Қайм Мирмұслим — Мингтепа волостидағи Найман қишлоқ жамоасининг оқсоқоли.
27. Аюб Қурбон үғли — Мингтепа волостидағи Тожик жамоасининг оқсоқоли.

Ушбу рўйхатда кўрсатилганларни кейинги 11 таси

Мұхаммад Али Халфа Эшоннинг Мингтепадаги хонадонида тинтувда тошилган алоҳида ахдномага имзо чекканлар.¹

Гарчанд юқорида баён этилган ахднома диний рухда изҳор этилган бўлсада, лекин аслида унинг заминида озодлик учун кураш гояси ётибди. Бу ерда шуни этиб олиш лозимки, ўтмишда дин маънавиятнинг йўналтирувчи кучи булғанлиги учун озодлик курашига диний тус берилган. «Ғазот» шиори худди шунинг акс садоси эди, халос.

Қўзғолон галаба қилган тақдирда, Мұхаммад Али Халфа Эшоннинг 17 ёшли жияни Мусулмонқул хонлик тахтини эгаллаши лозим эди.

Эшоннинг атрофидаги нуғузли сафдошлари Туркиянинг ёрдами ва номидан фойдаланиш учун унинг ҳукмдори номига хат юборганлар.² Аммо Туркиядан жавоб хати олингандигини тасдиқловчи далиллар йўқ. Лекин Эшонга Туркия султони номидан қалбаки хат ва совғани келтириб, уларни асллигига ишонтирилган.³ Амалда Туркия билан алоҳа ўрнатилмаган ва бунга имконият ҳам йўқ эди. 1898 йилда «Рус инвалиди» газетасида ёзилишича Абдужалил деган кимса Қашқардан келиб, Мұхаммад Али халфа Эшонга «Туркия султони томонидан юборилган хат ва тўнни топширган» эмиш, лекин уларни асллиги тасдиқланмаган.⁴ Ўша йили 14 июнда Туркистон ҳарбий округининг штаб бошлиги Н. Белявскийнинг билдирилишича «Туркия султонидан ҳеч нарса олинмаган».⁵



13-расм. Орзиқул понсад.
Мұхаммад Али халфа Собир
үглиниң сафдоши.

¹ ЎзР МДА, ФИ-723, 1-рўйхат, 20-иш, 477—478-бетлар.

² Ўша жойда, ФИ-723, 1-рўйхат, 18-иш, 2-бет.

³ «Русский инвалид», 1898, № 27.

⁴ Ўша жойда, 184-бет.

⁵ ЎзР МДА.ФИ-19, 1-рўйхат, 5579-иш, 109-бет.

Абдужалилни Қашқарга борганлиги ҳақидаги маълумот ҳам тасдиқланмади. 1899 йилда Россиянинг Қашқардаги бош консули Н. Петровский уни Қашқарда топилмаганлигини Туркистон генерал-губернаторига билдириди.

Бундан ташқари уни Туркистон ҳарбий округининг штаби бошлиғига юборган хатида шундай дейилган: «Муҳаммад Али Эшонга юборилган хат «Султон фармони эмас, балки хати-иршоддир, яъни сўфизм таълимоти бўйича, ўзини қутқаришнинг тўгри йўли кимга мерос бўлиб қолганлиги ҳақидаги гувоҳномадир. Ҳужжат шубҳасиз сохта, сабаби Султон Пайғамбар нойиби сифатида сўфизмда бўла олмайди, чунки сўфизм билан муроса қилинади, лекин тан олинмайди. Султоннинг ҳеч кимдан, ҳеч қандай эшондан (мушриддан) хатти-иршод олган бўлиши мумкин эмас».¹ Шу тариқа Туркия Султонининг хати ва совғаси асл нусхалиги исботланмади. Бу масала билан шугулланган бир муаллиф ҳам «қўзголонда мусулмон давлатларининг вакилларини қатнашганликлари исботланмади» — деб ёзган.²

1898 йилда генерал-лейтенант Корольков ўзининг ҳисоботида қўзголоннинг сабабларига тўхтаб, Муҳаммад Али Эшонни Туркия билан алоқада бўлганлигини исботланмаганлигини уқдириб ўтди. У Туркияниң ўлкадаги ҳалққа таъсир этувчи кучини шундай изохлаган: «Кейинги вақтларда ўлкада бир мақсадга ва ҳужжатга эга бўлмаган Туркия фуқаролари пайдо бўлди. Шунингдек, Туркиядан туркларнинг греклар устидан қозонган галабасини улугловчи Константинополь китоблари келтирилди. Ниҳоят кўриниб турибдики, Дукчи Эшонни исён кўтаришга Константинополни таъсири тўппа-тўгри бўлмаган бўлсада, лекин унга яқин доирадан бўлган».³

Бинобарин қўзголонни Туркияниң бевосита таъсирида кўтарилганлиги ҳақидаги фикрлар тахминлардан иборат эди, холос. Аслида олдинги саҳифаларда кўрсатилганлигидек, қўзголон оғир шароитни маҳсули ҳисобланиши билан бир қаторда асрлар оша давом этиб келаётган ахлоқ-одобни издан чиқиб бориши ҳам сабаб бўлган. Бу хусусда И. И. Корольковнинг ҳисо-

¹ Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи Эшон. Тошкент, 1992, 59-бет.

² «Исторический вестник», 1908, № 5.

³ ЎзР МДА, ФЦ-17, 1-рўйхат, 33 117-иш, 2-бет.

богида келтирилган Мұхаммад Али Эшоннинг терговда айтган сұzlари диққаттағаса орнады. «Мадали Эшоннинг сұзicha, — дейилгандай ҳисоботда, — уни халқнинг ахлоқ-одобини бузилаётгандығын ҳамиша тиңчсизлантириб келген. Гарчанд, бундай ҳолат Құқон хонлигининг кейинги йилларида бошланған бұлсада, лекин бунинг учун у худонинг амри билан ҳалқоқатта учради. Рұслар үлкани урушыбынан олғандан кейин эса ақвол анча ёмонлашты. Одоб-ахлоқны бузилиши, фоқишишалик, ичкіликбозлық, қиморвозлық ва ойлани заифлашишини кучайишида үз ифодасини тоғди. Умуман, одамлар орасыда шариат талабларига үнд иш қилиш зўраймоқда. Гарчанд рус маъмурияті халқ билан хушмуомала қилаётганды, лекин зақотни ва вақф ташкилотларини йўқ қылди ва Маккарға, ҳажга боришини таъқиқлади. Айни бир пайтда у халқ таълим-тарбиясига эътибор бермади. Эшон бу но маъқулчиликни гүе Туркия сultonига ёзиб ундан ўргатга тушишни ва ҳаётни шариат асосыда юргизишликни Рус давлатидан сұрашини илтимос қылған эмиш. Бу билан эшон Рус давлатини худонинг қаҳр-газабидан ҳоли этмоқчи бўлған эмиш».¹

Афтидан, терговчи рус маъмурияти вакилларини Марказий ҳукумат олдида қўзголон учун жавобгарлигидан ҳоли қилиш ва уни сиёсий йўналишини хаспушлаш мақсадида Мұхаммад Али Эшоннинг сұzlарига маъмуриятнинг мақтовчи баъзи сұzlарини киритганды. Буни унинг рус тилини билмаслиги туфайли қилиш ҳеч гап эмас эди. Тергов ҳужжатларини ўзида ҳам Мұхаммад Али Эшоннинг «халқ рус ҳукумати томонидан ҳеч қандай сиқувларни кўрмади, норозиликни танҳо сабаби вақф ерларини давлатни қулига ўтишида»² деган кўрсатма мавжуд. Ваҳоланки, қўзголончилар унинг бошчилигидаги босқинчилар ҳукмронлигини ағдариш маъносини англатувчи «газот» шиори билан ҳаракат қылған эдилар. Бу ҳақда ҳарбий прокурор Долинский фикри ҳам далолат беради: — «Дукчи Эшон ўлқада рус ҳукмронлигини ағдариш мақсадида қишлоқ ва шаҳар аҳолисини қурол билан бош кўташишга отлантириди».³

¹ Уша жойда, ФЦ-723, 1-рўйхат, 18-иш, 52-бет.

² Уша жойда, уша бетда.

³ Уша жойда, 13-иш, 15-бет.

1898 йили 17 майда Мингтепада кечқурун минг киши қатнашувида кенгаш ўтказилиб, Мұҳаммад Али Эшон халққа қарата мурожаат қилған: «Эй, муҳтарам мусулмонлар! Эй биродарлар! Ҳаммангизга маълумки, юртимиз мусулмон юрти, эл мусулмон, халқ мусулмон, шариатнинг ҳукми жорий, амри нафиз эди. Ҳукumatни Аллоҳ таоло ўзи биладур, коғирларни мусаллат қилди, юртимизга ўрус келди. Худоёрхон ўрнига Кауфман, Умархон таҳтига Черняев ўлтириди. Фарғона хонлиги ерида Москов хонлиги — оқ подшо ҳукмрон бўлди. Ўрис ватанимизни истило этди. Сунгра тилимизга истило қилди. Секин-аста динимизга истило қилмоқга бошлиди, биласизларки, мусулмонларни ахлоқи бузилди. Ўриснинг келгонига ўттиз йил тўлмай, мусулмонлар рибога айланди, ҳалолҳаромни фарқ қилмас бўлди. Қозиларимиз буйнига бут тақадиган бўлди. Хулоса (шулки) шариатимиз хор, мусулмончилик гариб бўлди. Ҳурриятимиз гойиб бўлди, истиқлолимиз маҳс бўлди, ўзимиз ўтмас, сўзимиз кесмас бўлдик.

Эй воҳ...

Оқ подшонинг номидан янги фармон келди, Николайни, яъни бир ўриснинг номини жума намоз хутбасида ҳутбага қўшиб ўқилсин деб ва яна кўчирма сиёсати ила ватанимизга мужиклар (руслар)ни ерлаштириди, ҳар тарафни тўнғиззор қилди. Кубони — Федченко, Маргилонни — Гурчакоф, (Горчаков), Сими — Искобилиф, (Скобелев), Боғододни — Серова, Конибодомни — Милников, (Мельников) деб ҳамма шаҳарларимизга бирор ўрус генералларнинг исмини тақди. Ҳар шаҳарда, ҳар қишлоқда бутхоналарнинг қўнғирогини жаранг-журунг овози кўпайди. Банка деган бир рибохона қурилди, динимизда йўқ судхўрлик, ҳаромлик ривож топди. Ҳамманинг халқуми бўлғонди, ҳар шаҳарда янги шаҳар деган фисқхона қилди, фисқнинг ҳамма нави ҳозирланди. Мусулмонларни йўлдан оздирди. Аскар мусулмонлар янги шаҳардаги ичкилик дўконларига, ошхоналарига, қиморхоналарига муштарий бўлди, фоҳишахоналарига ўрганди, мусулмонларнинг ахлоқи бузилди».¹

Мазкур ватанга содиқлик туйгулари билан сугорилган сатрлар шу даражада асосли ва ёрқин равишда

¹ Мусо Туркистоний. «Улуғ Туркистон фожиаси», Мадина, 1979, 107-бет.

ифода этилганки, изохлашга ҳожат йўқ. Улардан қўзголонда асосий мақсад ватан ва дин озодлигини таъминлашдан иборатлиги яққол кўрсатиб турибди. Уларда барчага тушунарли оддий сўзлар билан Туркистон улкасини бошига тушган миллий зулм, адолатсизлик ва умуман мисли кўрилмаган фожиалар ўз ифодасини топган.

«Эй мусулмонлар, — деб сўзини давом этдиран Мұхаммад Али Эшон, — буларга сабаб ўзимиз бўлдик. Бу ҳолимизга Аллоҳ таоло ҳам рози эмас, Расул ҳам рози эмас. Бу асорат ва маҳкумига ҳеч ким рози эмас, инс ҳам, жинс ҳам рози эмас. Эй биродарлар, тек тураверсак бу кофир яна баттар қилур! Вой бизнинг ҳолимизга!

Тарихда ўтган муazzам бир салтанат кўрган қаҳрамон паҳлавонлар авлодимиз — бу зиллатга ҳеч қандай зирух чидамас. Қани биздаги шижаот, қани аждодларимиздаги басолат, сизларга нима бўлди? Динда мадфун 400 олимимиз бордир, ҳаммаси мусулмон, ҳаммаси туркий, ҳаммасининг исми Мұхаммад. Ҳаммаси ханафий мазҳабидур. Бир исмда, бир мазҳабда, бир қабристонда бу қадар олимлари тўплланган Туркистонни дини тақдимда, дин одамларини етиширишда на дараҷада хизматлари сабкат этганлиги ўқувчилар дикбатига арз ўлиндур. Жаҳон тарихида, ер юзида, кўк юзида бу мисли кўрилмоғондур. Туркистонликлар ҳар қанча ифтихор этса арзийдур, бажодур, эй биродарлар, бизлар шундоқ аждоднинг набираларимиз».¹

Кўриниб турибдики, Мұхаммад Али Эшон ўзбеклар жаҳон тараққиётiga улкан ҳисса қўшган буюк Туркистоннинг фарзандлари эканликларини эслатиб, чор ҳукуматининг ҳукумроҳлиги ўрнатилгандан сўнг ҳар жиҳатдан орқага кетганликни ва жамиятда бузилиш содир бўлаётганлигини уқдириб ўтган. У ўз нутқини давом эттириб, яна дедики: — «Эй мусулмонлар, эй худонинг бандалари, эй пайгамбар уммати! Чин мўмин бўлсангизлар сизларга жиҳод лозимдир, жиҳод эътиқод, Аллоҳ йўлида жиҳод қиласиз, ўлсак шаҳид, ўлдирсак гозий бўламиз. Жиҳод қилмагунча елкамизга минган бу рўдапо босқинчидан қутулиш йўқ.

¹ Ўша жойда, ўша бетда.

— Эй мүмінлар, күзингизни очинг! Faflatdan бедор булинг! Коғирлардан ҳуқуқимизни олайлик.

— Эй биродарлар, ҳурriятимизни олайлик, үз ватанимиз, үз юртимизда үзимиз ҳукумат қурайлик. Бунинг учун биздан ғайрат истайдур, жиҳод истайдур, фисабиллоҳ жиҳод вақти келди».¹

Демак, Мұхаммад Али Эшон ҳақ-ҳуқуқларни, яньни озодликни ва мустақилликни тиклаб милиций давлатни тиклаш учун курашишга даъват этди. Мазкур сұзлар ҳазрати Эшон овозларидан жаранглаганда кенгашдаги халойиқ ватан ва дин учун жонларини ҳам, молларини ҳам фидо этажакларини бир оғиздан изҳор этдилар.

Унинг она-юрт озодлигига курашга отлантирувчи жұшқын ва жанговар сұзлари жамоа ақолини оёққа турғизди. Чунки, унинг сұзлари эзилиб ва ҳұрланиб ётган халқынинг юрагидаги дардини ва фикри-зикрини тұла ифода этган эди.

Мұхаммад Али Эшон ва унинг сафдошларининг режаси бүйіча құзғолон бир вақтда Андіжон, Марғилон, Үшда күтарилиб, у ердаги ҳарбий горнizonларга зарба берилиши лозим эди. Сунгра Тошкент, Чимкент, Семарқанд ва бошқа жойларда ҳам чор ҳукуматининг ҳукмронлиги құпориб ташланиши назарда тутилган. Нихоят, құзғолонни бошлашга киришилди. Бу воқеани Фозилбек Отабек үгли шундай таърифлайди: «Эшоннинг Мингтепадаги Хонақоҳи уч-тұрт күн ичида одам билан тұлиб қолди. Кетмөнтепа ва Кугарт тарафидан келадиган одамлар майдаларини юбориб, катталари одам тұплаб турғонлар ва чоршанба куни келишгә тайёрлана-дилар. Шу уртада сешанба куни бұлиб, эшон нихоятда шошиб қолған ҳолда, Хонақоҳида 500 дан ошиқроқ үзбек, қыргыз йигилғон эди. Энди бу гап шойи бұлиб кетди. Ушбу кундан қолмай жұнасак бұлади. Андіжон-ликлар ҳам тайёр, мунтазир. Агар ҳукуматлар хабардор бўлиб қолсалар, ишимиз йўқдир, деб Кугарт довонига икки кишини чақиртириб, қыргыз катталарига «бизлар ушбу номоз шомни ўқиб отланамиз, бизга қарашилар тездан одамларни тұплаб, йулға чиқсунлар! Асака йўлида топишамиз».²

Бу хат қыргызларнинг Чибел волостины бошлиғига етказилди. Аммо, қыргыз бийлари, аввал Мұхаммад Али

¹ Үша жойда, үша бетда.

² Фозилбек Отабек ўғли. Үша иш, 27-78 бетлар.

халфа Эшон ҳазратлари биз томонга келсингилар, бу ерда-
ги мужикларни тор-мор этиб, сүнгра биргаликда Анди-
жон шаҳарига юрамиз, деб жавоб хатини юборди.

«Улардан хабар келгунча, деб ёзади, — Фозилбек
Отабек ўғли, — эшоннинг Хонақоҳида тўпланган беш
юзга яқин одам тўполон қилиб, эшонни олиб чиқиб,
оқ кигизга солиб, кутариб, такбир айтишиб, галва
қилиб юбордилар.

Ниҳоят, тўполон кучайиб кетди, асло таваккуф-
нинг иложи бўлмай қолди. Бирдан сўфилар эшонни
ҳол-жонига қўймай, Дулдул номли бўз отига миндир-
дилар. Хонақоҳни айлантириб, зикри-само қилиб
юбордилар. Мингтепада қиёмат барпо бўлиб, ҳамма
хотин-ҳалаж, эркак кўчага чиқиб, «Эшонхон кўтарили-
ди!» деб шойи қилдилар. Хуфтон вақти эди, бирдан
ҳар ким қўлига тушган нарсани олиб, кимдир пичоқ,
кимдир шоп, кимдир туппонча, қайсилари милтиқ,
хулоса ҳар ким топган нарсасини олиб, тахминан ол-
ти юз чамаси бўлган киши шаҳарга (Андижон)га
жўнаб қолдилар».¹

Қўзголончиларни кўрсатилган тарзда Андижон
шаҳарига юриш қилганлигини архив маълумоти ҳам
тасдиқлайди.² Унда кўрсатилишича қўзголончилар оқ
от мингдан Муҳаммад Али Эшон бошчилигида Кутчи,
Баргон, Қора-Қўргон, Оқчи, Кулла, Чекаул, Хо-
нақанд, Робот, Дархон, Сарикуй, Найдин, Кўкча ва
Донга сингари қишлоқларни босиб утган.³ Улар Анди-
жон шаҳрига яқинлашганларида Марғilonдан Иноят-
хон Тўра бошчилигидаги бир гурӯҳ кишилар келишиб
қўшилдилар. Чунки етарли даражада куч тўпланмасли-
ги орқасида Иноятхон Тўра Марғilonда қўзголон
кўтаришга эриша олмади.

Қўзголончилар йўлда айрим золим маҳаллий амал-
дорларни жазолашга ҳаракат қилдилар. Фаргона вило-
яти ҳарбий прокурорининг кўрсатишича, қўзголончи-
лар Кулла волостининг қозиси Мулла Юлдашни ўлди-
риш учун: уйга бостириб кирдилар, лекин у қочишга
ултурган эди. Шундан кейин, оломон қозини уйини
талон-тарож қилдилар.⁴

¹ Фозилбек Отабек ўғли. Ўша иши, 27—28-бетлар.

² ЎзР МДА, ФЦ-17, 1-рўйхат, 731137-иш, 17-бет.

³ Ўша жойда, ФИ-19, 1-рўйхат, 5579-иш, 109-бет.

⁴ «Красный архив», Т.3, С.166.

Қўзголонда Мингтепа, Кулин, Асака, Қоратепа, Қува, Шаҳрихон, Наукат, Оқбурун, Булоқбоши, Араван, Сегазин, Ичкилин, Язёвон, Яккатут, Когорт, Сусамир, Кенгқул-Қорагир ва Ҳақан сингари жойларнинг аҳолиси қатнашди. Қўзголонга Кулин волостидағи Қорақўргон қишлогини аҳолиси Мулла Қосим Мулла Сойибов бошчилигига қушилган. Қўзголончилар Андижонга яқинлашганда шаҳардан бой савдогар Алибой бойвачча томонидан юборилган 200 киши келиб қўшилишган.¹

Қўзголончилар учун ҳар бири 400 кишини ўз остига оладиган 8 та байроқ тайёрланган эди. Уларнинг бештаси Андижонга борадиган қўзголончиларга берилди, қолганлари эса Ўш, Марғилон ва Қирғиз ерларида кўтариладиган қўзголончиларга берилиши лозим эди.²

Улар Кутчи, Қора-Қўргон, Оқчи, Кулла, Чекаул, Ҳақанд, Робот, Дарҳон, Сарикўй, Найдин, Кўкча ва Донга сингари қишлоқларни босиб ўтганлар.³

Улар Андижон шаҳрига яқинлашгандарда Марғилондан Иноятхон Тўра бошчилигидаги бир гурӯҳ кишилар келишиб қўшилдилар. Чунки етарли дараҷада одамларни тўпланмаслиги орқасида Иноятхонтўра Марғилонда қўзголон кўтаришга эришолмади.

Қўзголонда Мингтепа, Кулин, Асака, Қоратепа, Қува, Шаҳрихон, Наукат, Оқбурун, Булақбоши, Араван, Сегазин, Ичкилин, Язёвон, Яккатут, Кочорт, Сусамир, Кенгқул-Қорагир ва Ҳақан сингари жойларнинг аҳолиси фаол қатнашганлар.

Қўзголончилар Андижонга яқинлашганида шаҳардан бой савдогар Алимбойвачча томонидан уюштирилган 200 киши келиб уларга қўшилган.⁴

1000 пиёда ва 1000 отлиқ кишиларни ўз ичига олган қўзголончилар тун буйи юриб Андижон шаҳрининг Чоканд деган жойига келадилар. Бундан кейинги воқеалар ҳақида маҳаллий ва архив маълумотларидан иборат хужжатлар мавжуд. Улардан бири Фозилбек Отабек ўғли ёзади: «Қўзголончилар Чокандда бир

¹ ЦГВИА России.Ф-400, оп.1, д. 2178, л. 30.

² Ўша жойда, ўша бетда.

³ Ўша жойда.ФИ-19, 1-рўйхат, 5579-иш, 109-бет.

⁴ ЦГВИА России.Ф-400, ОП.1., д 2178, л. 30.

оз тұхтаб, кейин янги шаҳарнинг шимол тарафи билан юриб, алқол вайронға исми билан машхур жойлар әди, аввал ҳаммаси иморатлы маҳаллалар булиб, янги (rûs) шаҳаридаги солдаттарнинг турадиган жойларига бир чақирим ҳам қолмас әди, шу ерга келиб, күчада турған бир қоравулни ушлаб олиб: «Бизни солдаттар ётадигон жойға олиб борасан!» деб турған вақтда, орқаларида қолғанлари «Ағфон бағи» деган Имтихон богига кириб, ичидағи Имтихончи Тұраны үлдириб, туғларини қонға бұяб етиб келдилар.

Бечора қоравул солдаттарнинг ётадиган жойларига бошлаб кириб, үзи қочадир. Улар бирдан отдан тушиб қатор-қатор ухлаб ётган солдаттар устига үзларини ташлаб, қайсилари бұғиб, қайсилари ничоқлаб, құлудаги шоп билан чопиб, баъзилари калтак билан уриб овора булиб турғанда, иккінчи қаторда, ичкарида ётганлар үйгөниб қоладилар ва ҳодисани күриб, қайсилари туриб қочадилар ва баъзилари мильтиқларини олиб, бирдан ота бошлайдилар. Мильтиқлар отила бошлагандан сұнг булар тоқат қила олмай, тұполон қилишиб, орқаларига қайтадилар. Андижон эски шаҳарига тонг оттан вақтда кириб, бозор ичида: шаҳарни олдик, ҳозир карнайчи топиб, шаҳар Мұхаммад Али Эшонники, деб әйлон қилдірамиз деб туриб, яна тоқат ва бардош қила олмай, бирдан қочадилар ва эрта билан соат олти, номоз вақтида эски шаҳар, Қорабура тарафи биланчуволиб чиқиб кетдилар»¹.

Құзғолончилар пичоқ, болта, сүйил ва бошқа оддий нарсалар билан замонавий қуролланған ҳарбий горнizonға хужум қилиб, қаҳрамонлик намуналарини намойиш этдилар. Уларни бундай жасорати юраги ва қалбіда қайнаб турған озодлик гояларининг маҳсули әди, албатта.

Ҳарбий қысм юзма-юз жангларда құзғолончиларни шафқатсизларча отиб таштай берди. Улар ёмғир каби ёғдирилиб турилған душман үқларига охиригача бардош бера олмай түрли томонларға қочдилар. Шу жумладан, Мұхаммад Али Эшон ҳам қочишиға мувофиқ бўлди.

«Агар Эшон, — деб ёзади Фозилбек Отабек ўғли, — эски шаҳарда тұхтаб, соат саккиз-үнларгача

¹ Фозилбек Отабек ўғли. Ыша иш, 28—29-бетлар.

турса эди, ов бос түполон булиб, эҳтимол халқ түпланиб кетиб, «Миллий муҳорабаси» бошланса эди. Чунки, у вақтларда умумий халқ Россия ҳукуматининг зулмидан ниҳоят безор булиб, қўзғалишга фурсат тополмай юрар эди».¹ Дарҳақиқат, қўзғолончилар эски шаҳарда зулмдан сабр косаси тўлиб тошган халқни уларга қўшилиши турган гап эди. Қўзғолоннинг бошланиши ва ривожланиши хусусида унинг фаол қатнашчиларидан бири Матмусанинг терговда берган маълумотлари ҳам қимматлидир. Унинг айтищича, май кечаси Мингтепада Фаргона вилоятининг барча уездларидан келган кишилар билан кенгаш ўтказилган. Жумладан, Ўш уездидан қирғиз Умарбек додҳо ҳам қатнашган.²

Кенгашда Мұхаммад Али Эшон она юрти босқинчилардан тозалаш ҳақида гапирган. Унинг ўзини бошчилигида Андижонда, Умарбек додҳо раҳбарлигига эса Ўшда қўзғолон кўтаришга келишилди. Марғилонда Иноят додҳо қўзғолонга бошчилик қилиши керак эди.

Мұхаммад Али халфа Эшон кенгаш охирида одамларга тўн кийгизиб Маҳмуд девон Тошқаевга Науқатдаги барча муридларига Умарбек додҳо бўйсинишлари лозимлигини билдириш топширилди. 16 майда Мұхаммад Али халфа Эшон ҳовлисида 1000 киши тўпланди. Уларни орасида Курчат оқсоқоли, 1873 йилда қўзғолонга бошчилик қилган Пўлатхоннинг айрим сафдошлари бор эди. Масалан, Пўлатхон қўлида хазиначи булиб ишлаган Отакул понсад шулар жумласидандир. «17 майда, — дейди Матмуса, — кечқурин соат 8 да бирданига «газот» эълон қилиниб, оломон Андижон томонга йўл олди. Мулла Аҳмад бошчилигидаги бир груҳ қирғизлар олдин жунатилиб, уларга телеграф симини узиш топширилди. Байроқлар кўтарилгач, қўзғолончиларнинг олдинги сафида Мұхаммад Али халфа Эшон билан борган оломон орасида кўп болалар ва эшоннинг муридлари бор эди.»

Мұхаммад Али халфа Эшон ҳаво ранг халат ва оқсалла билан от устида бўлган. Қўзғолончилар Кутчи, Қора-Қўргон, Кўл, Охчи қишлоқларидан ўтаётганла-

¹ Ўша жойда, 29-бет.

² ЎзР МДА Ф.И.- 17, 1-рўйхат, 31137-иши, 29-бет.

рида уларга кўп одамлар қўшилишган. Шунингдек, волост оқсоқоллари Фойиб Назар қўшилиб, ўзининг кўл остида мирзалик қилаётган Бычковнинг калласини келтирган. Муҳаммад Али халфа Эшон йўлда кета туриб, золим қози Мулла Йўлдош Мулла Холматовни топиб, калласини олиб келишликни буюрган. Аммо, у қочишга улгурган, лекин унинг хонадони таланганд. Қўзғолончилар ҳарбий горнizonга ҳужумга ўтдилар. Бу ердаги жангларнинг тафсилоти Андижон ҳарбий горнizonининг бошлиғи Михайловнинг рапортида баён этилган: «Дўнг қишлоғи томонидан маҳаллий аҳолининг бир ярим-икки мингга яқин оломон тўла сокинлик вазиятда лагерга кириб келди, олдинда отлиқлар, улар ортидан пиёдалар ҳаракат қилди. Улар 20-Туркистон асосий-мунтазам батальони 4-ротасининг 42-взводи жангчилари эгаллаған барак ёнига келиб, уни дарҳол қамал қилишди. Ичкарига ҳар томондан бостириб киришиб, ухлаб ётган оддий ҳарбийларни «ур» деб калтаклаб, сўя бошлади. Маҳаллий кишиларни биринчи бўлиб баракнинг ўнг қанотида турган дневальний, ротанинг оддий аскари Тютин кўрди. У бениҳоя қаттиқ овоз билан бақирди ва ўша заҳоти ўлдирилди. Нариги қанотида дневальний оддий аскар Масленников шунингдек, 4-рота навбатчиси Жернов ва икки рота бўйича навбатчи бу воқеа содир бўлишидан аввал 3-взводда лампа ёргида китоб ўқиб ўтирган унтер-офицер Степанов бақириқни эшитгач, бор овозлари билан: «Туринглар! Қуролланинглар!» дейишиди. Маҳаллий кишилар эса ҳар томондан сакраб тушиб, бир зумда бутун баракни эгаллашди. 4-рота бўйича навбатчи ва дневальний ўша заҳоти ўлдирилди, икки рота бўйича навбатчи миясидан ва елкасидан бир нечта калтак еб, орқага, 5-ротага қочди. Ўрнидан туриб қўлига қурол олишга улгурган оддий аскарлар ҳам 5-рота томонга ўтишга ҳаракат қилишди. Милтиқ найзаси ва қўндоғи билан ўзига йўл очган унтер-офицер Степанов 5-рота биносига кириб бақирди: «Петлица, одамларни уйгот, бизниklарни сўйишляпти!» Петлица оддий аскарларни уйготиб бақирди: «Қуролланинглар!» Шу пайт уйғоқ бўлган 20-Туркистон мунтазам батальони подпоручиги Марғilonга шахсий иш билан келган 5-рота командири ўрнига қолган, икки рота бараклари орасидаги алоҳида хонада ётган Карсладзэ ташқаридаги шовқинни эшитиб, ёстиги тагида-

ги түппончасини олиб, югуриб чиқди. У 4-рота отлиқ маҳаллий кишилар томонидан қуршаб олинганинг күргач, уларга қарши түрт марта ўқ узди ва 5-рота барагига югурди.

Ўқ товушини эшитгач, 3-взводда хат ёзиб ўтирган, 5-рота ефрейтори Лясковский ҳам бақира бошлади: «Туринглар! Қуролланинглар!». Рота аскарларининг ярми қўлда қурол билан барак олдига чиқдилар ва икки томондан ҳужумга ўтиб, маҳаллий кишилар йўлини тусдилар. Бу пайтда Фельдфебел ва рота навбатчиси баракнинг иккинчи ярмидаги рота идорасида сақланган бир кути патронни аскарларга тарқатишиди.

Подпоручик Карселадзе шу жангчилар билан маҳаллий кишиларга ҳужум уюштириди, улар «ура!!!» деб бақириб олга ташланиб, кетма-кет ўқ уза бошлашди. Маҳаллий кишилар қилич, ханжар, сўйил, болта билан ўзларини ҳимоя қилишиди. Маҳаллий кишилар лагердан чекинишганда, аскарлар 4-рота барагининг ёнида тўхтаб, ўқ узишни давом эттиришиди. Маҳаллий кишилар түппонча, милтиқ ва бошқа қуроллардан ота бошлашди».¹

Шундай қилиб, ҳарбий горизон ичидаги қўзғолончилар билан ҳарбий қисмлари ўртасида шиддатли жанглар бўлган. Қўзғолончилар қилич, болта ва бошқа нарсалар билан душманга қарши қаттиқ жанг қилганлар. Аммо уларни қўлида ўша горизонда қўлга туширилган милтиқ ва түппончалар ҳам бор эди. Буни жанг пайтида 31 та милтиқ йўқолганинги ҳам исботлайди. Ўша Михайловнинг қуйидаги маълумотлари ҳам жанг тафсилотини тасаввур этишда қўмматлидир. «Барак олдидаги майдон очилганда, — дейди у, — ҳарбий баракдан ўн беш қадам нарида турган муллани кўришиди. У қўлида Қуръон ушлаб, шам ёргуда кўзини кўкка тикканча, нималарни дир ўқирди. Унинг ёнида қизил ва оқ рангдаги нишон ушлаган ўнга яқин киши турар, уларнинг ҳаммаси қўлда түппонча билан аскарларга ўқ узишарди. Аскарларимиз бу кишиларни ўша заҳотиёқ отиб ўлдиришиди. Маҳаллий кишилар ўлган ва ярадор бўлган шерикларини олиб, жуда тез чекинишди. Аскарларимиз патрон этишмаётганлиги сабабли уларни таъқиб қила олмадилар. Ҳужум пайтда подпоручик Карселадзе түппончадан

¹ ЎЗР МДА.Ф.К-1, 4-рўйхат, 94-иш, 38-бет.

үқ узиб, кўк байроқ кўтарган одамни, иккинчи ўқ билан отини қулатди. Шу пайт 4-рота оддий аскари Титов ярадор ҳолида хужумга утаётган байроқдор қорнига найза санчди, подпоручик Карселадзе унинг қўлидан байрогини олди».¹

Демак қўзголончиларнинг Қуръон ўқиётган ва уни муҳофаза қилаётган бир груп кишилар чекинишни ор билишиб жанг майдонида мардонавор ҳалок бўладилар. Бу борада қўзголончилардан бирининг қилган иши ҳам кишини ҳайратлантиради. Зеро, бир яраланган ўзбек қўли билан имлаб, солдатни чақирган. Аммо солдат келавермагач у чўқинибди. Бу ҳолатни кўрган солдат ярадорни христиан деб уйлаб унга яқинлашганда, сапчиб туриб, пичоқ билан хужум қилибди. Солдат эса ҳийлани дарҳол англаб, ярадорни отиб ташлабди.²

Михайловнинг баён этилган маълумотларига ухшаган фикрларни Н. Веселовский ҳам ёзган: «Бир маҳал сарт (ўзбек)лар чекина бошлиди. Лекин байроқ атрофидан бир тудаси қимирамай турарди. Мулла кўк байроқ остида баланд овозда Қуръон ўқир, чекинишни истамас эди. Уни ёнида баланд бўйли йигит байроқ кутариб турарди. Шунда аскар отган ўқ муллани қулатди. Байроқдор уни ўлигини қўлтиқлаб олди, аммо у ҳам ўлдирилди. Аскарлар ўзбекларни найза ва қўндоқлар билан уришди. Улар эса ўз қуроллари ва бизнинг қуроллар билан ўзларини ҳимоя қилишди, аммо муваффақият қозониша олмади».³

Шиддатли жанглардан сўнг солдатлар голиб келиб, қўзголончилардан кўп киши ўлдирилди ва ярадор қилинди. Ҳарбий горнizonдаги жангда Андижон шаҳаридағи савдогар Рустамбек Сотиболдибеков жонбозлик кўрсатди. Бу ҳақда поручик Р. П. Филиппин дейди: Ҳарбий горнizonга келганимда даҳшатли манзарани курдим. Ҳамма жойларда солдатлар ва ўзбекларни ўликлари ётарди. Ҳамда жароҳатланган отлар бор эди. Мен жароҳатланган солдат Сенкадан воқеа тафсилотини сўраганимда айтдики, савдогарлар Рустамбек ва Маллабой қўлларида тўппонча билан қўзголонни олдинги сафида туриб хужумга фаол қат-

¹ Уша жойда, уша бетда.

² Уша жойда, 50-бет.

³ Уша жойда.

нашылар. Кейин улар ушланиб қамоққа ташландылар.¹

Хуллас құзголон тор-мор этилиб, унинг қатнашчилари құлға тушмаслик учун турли томонларга тарқалдилар. Құзголончилар томонидан ҳарбий горнизонда 22 солдат үлдирилди ва 24 таси жароқтлантирилди. Жанг майдонидан құзголончилардан 18 кишининг үлиги олинган.² Бирок үлдирилғанларнинг сони анча күп бўлиб, мурдалар ва ярадорларни құзголончилар олиб кетганлар.

Ҳарбий гарнизондаги жангларда қуидагича офицер ва солдатлар ҳалок этилган эди:

Горбинский А. М.

Жирнов И. Д.

Хохлов В. К.

Свиноча А. В.

Киреев И. К.

Пищулов И.

Земляпухин Г. Е.

Гробман С. Д.

Костяной Г. А.

Вяльшин И. Д.

Ксенофонтов И. М.

Улар Киев, Саратов, Петроков, Харьков, Полтава сингари губерниялардан келиб, Андижон шаҳаридан ҳарбий хизматни үтамоқда эдилар. Улар Андижон шаҳаридан дағн этилди. Үлдирилған солдатларнинг сони унчалик күп эмас эди. Бирок уни баҳонасида чор ҳукумати том маънодаги геноцид сиёсатини юргизиб, минглаб кишиларни үлдириди ва қишлоқларни вайронага айлантириди.

Олдин режалаштирилғандек, Үш ва Марғilonда бир вақтда йирик құзголонни күтаришни иложи бўлмади.

1898 йил 18 майда Мұҳаммад Али халфа Эшоннинг «чақириқ қоғозлари» Үш атрофидаги қыргизлар олгандан кейин бош күтаришга аҳд қилишган эди. Құзголончилар пичоқ, сўйил ва бошқа нарсалар, яъни нима құлға тушса, шу билан жанг қилиши лозим эди. Аммо 1898 йил 17 май куни соат бирда Үш уездининг

¹ ЎзР МДА.ФИ-73, 1-рўйхат, 28-иш, 113-бет.

² 18 кишидан тўрттаси жароқтланғандан кейин ўлганлар. ЎзР МДА.ФИ-73, 1-рўйхат, 20-иш, 12-бет.

бошлиги подполковник Зайцев ҳузурига собиқ волост оқсоқоли Қурбонжон додхонинг невараси Қорабой Ҳасанов келиб деди: — Мингтепа қишилогида яшовчи Мұхаммад Али халфа Эшон үзини обрүйини күтариш учун ҳар куни одамларни боқмокда. Бұтун әшонни катта ҳовлисида унинг сафдошлари билан кенгаş үтказилғанлиги хақидаги гаплар тарқалди.

Полковник бу хабарни олғандан кейин Наукат волост оқсоқолига ҳақиқий ахволни билишни топширди. Кечаси Қорабек Ҳасанов қайта полковник Зайцев олдига келиб, Умар додхо ва собиқ волост оқсоқоли Соттибоевлар Мұхаммад Али халфа Эшондан чақириқ қогозлари олганликларини маълум қилди. Чойхоналарда Мұхаммад Али халфа Эшонни оқ от устида чор ҳукуматига қарши жанг қылмоқчилеги ҳақидаги сұзлар тарқалди. Шу пайтда Оқ-теракдаги Наукат тоғларыда Мұхаммад Али Эшоннинг тарафдорлари түпданаётғанликлари хусусида маълумот олинди. Бу ерга бир гурух солдатлар билан келган полковник Зайцев оломонни тарқалғанлигини күриб, имом ва унда қатнашған 20 кишини олиб Масжидни бузиб ташлаши буюради. Чунки, бу ерда оломон түпланған әди. Кейин маълум бўлишича қирғизлар Мұхаммад Али Эшондан чақириқ хатларини Умар додхоҳ орқали олганларидан сўнг кўзголонга тайёргарлик қизиб кетган. Ушдан 12 чақирим масофада жойлашған Томчи-булоқ деган жой кўзголончиларни түпланадиган маркази сифатида белгиланди. 18 май кечаси бу ерга Умар додхони, ўшликлар билан бирга Соттибойни ва япалоқ жамоасини Томчи-булоққа келишлари белгиланди. Аммо бу режа амалга ошмай Умар додхони укаси Мулла Отабек Бекмуродов бошчилигида Қирқом-сой ва Оқ-Теракдан одамлар келишиб, япалоқдан кишиларни келишини кутиб турдилар. Шу пайтда полковник Зайцевни ҳарбий қисм билан келаётғанлиги эши-тилиши биланоқ, тўпланғанлар тарқалишга мажбур бўлдилар. Шу тарзда чор маъмуриятининг ўз вақтида кўрган чоралари орқасида қирғизлар орасида йирик кўзголонни уюштириш режаси амалга ошмади. Бу ишда жонбозлик курсатған Қорабек Ҳасанов чор маъмурити томонидан умрбод 300 сўм маош билан тақдирланди.

Марғилонда ҳам кўзголонни уюштиришни иложи топилмади. Бу ерда жуда оз одамлар тўпланғанлиги

учун Иноятхон ҳарбий қисмга ҳужум қилишга журъат этаолмади. Шу бойс у Андижонга яқинлашаётган Мұҳаммад Али Эшонға келиб қүшилди. У йўлда Қувада келаётганда афтидан қаршилик кўрсатган бўлса керак, Дробишов деган кишини ўлдириб калласини олиб келган. Бу каллага Мұҳаммад Али Эшон унчалик аҳамият бермай, олмаган. Мазмунан у оддий кишиларни жазолашга қарши бўлган. Буни Мингтепа атрофида яшовчи 9 рус оиласига тегилмаганлиги ҳам тасдиқлайди. Ҳатто улар қўзголон кўтарилигини сезмаганлар. Ўлкадаги чор маъмуриятининг раҳбарлари қўзголоннинг асл сабабларини ниқоблаш мақсадида кўпроқ Фаргона вилоят маъмуриятини айлашга ҳарат қўлдилар. Чунончи, Туркистон ҳарбий қўшинлари Штабининг бошлиги генерал-лейтенант Н. И. Корольков 1898 йилги қўзголон ҳақидаги ҳисоботида биринчи навбатда Фаргона вилоятининг собиқ ҳарбий губернатори Пвало-Швийковскийни жавобгар деб атаган. Унинг сўзича бу киши ўзининг қўл остидаги раҳбарларга нисбатан юритган қўпол муносабати уларни маҳаллий аҳоли кўз ўнгига обруй-эътиборини тўккан. Бу ҳақда Марғилон, Андижон, Наманган ва Андижон уездларининг бошлиқлари шикоят ёзганлар.

Бундан ташқари Пвало-Швийковскийнинг айби шундан иборат бўлганки, 17 май кечқурун соат 9 Мұҳаммад Али Эшонни қўзголон кўтариш эҳтимоли борлиги ҳақида маълумотни олган бўлса-да, лекин дарҳол Андижон уезд бошлиги полковник Коишевский хабар бермаган. Агар бу иш зудлик билан қилинганда қўзголонни олдини олиш мумкинлигини ҳисоботда уқдириб ўтилган. Асака бўлимининг пристави Еникеев эса қўзголон кўтарилишини англаб, Андижонга чопар жўнатган. Бироқ бу чопар Мұҳаммад Али Эшоннинг одамлари томонидан йўлда ўлдирилган.

Ҳисоботда Марғилон уезд бошлиги полковник Брянов қўзголонни кўтарилишидан бехабар бўлиб, олдини ололмаганлиги учун гуноҳкор деб топилди. Бироқ уни қўзголончиларни тутишда катта хизмат қилганини учун ҳайфсан (выговор) бериш таклиф этилди. Унда Ўш уездининг бошлиги подполковник Зайцев ҳам қўзголоннинг юзага келиши хавфини била туриб, губернаторга хабар бермаганлиги учун айбдор деб кўрсатилган. Уни ўз вақтида қўзголонга тайёргарлик кетаётганлигини билмай қолганлиги танқид қи-

линди. Аммо у қўзголон қатнашчиларини аниқлаш ва тутишда жонбозлик кўрсатганлиги учун огоҳлантирилиб қўйишни етарли деб таъкидланди.

«Барча маҳаллий маъмурий лавозимидағи кишилар, — дейилади унда, — ўзларининг бурчларини адо этишдан анча узоқ эканлар. Улар ўзларини жуда сустликларини кўрсатдилар. Ҳатто уларни бир қисми Муҳаммад али Эшоннинг фаол тарафдорлари ва сафдошлари бўлиб чиқди. Қўзголон кўтарилишини билган маҳаллий маъмурият вакилларидан фақат Мингтепа волост бошлигигина хабар берган. У ҳам қўзголон арафасида ўзининг бошлигини огоҳлантирган. Ваҳоланки, у 13 майда қўзголон кўтарилишини билган экан».¹

Бинобарин, чор маъмуриятининг вакиллари гўё қўзголон назоратининг сустлиги ва бошқаришда хатоларга йўл қўйилганлиги орқасида кўтарилганлигини тушибинтиришга ҳаракат қилгандар. Ваҳоланки, маъмурятнинг назорат ва таъқиби ҳаддан ошиб кетган эди. Бу ҳам зулмнинг бир куриниши сифатида қўзголонни кўтарилишига сабаб бўлган. Тошкент шаҳар бошлиғи подполковник Ладиженскийнинг маълумотига кура, Тошкентда Муҳаммад Али халфа Эшоннинг тарафдорлари бўлган. Чунончи, Муҳаммад Али халфа Эшон Тошкентда Қашқар маҳалласида истиқомат қилувчи Мулла Солиҳ Эшондан таълим олган. Қўқон хонлигининг ҳукмдори Худоёрхоннинг ўғли Сайд Умарбек қўзголон арафасида Эшон ҳузурига бориб, зиёрат қилган. Сўнгра, у тогаси Назарбек Сўфиҳонов билан биргалиқда Эшонга маҳфий хат юборишиган. Бу хатни Мулла Муҳаммад деган киши ёзган. Хатни қуш савдоси билан шугулланувчи Убайдулла Шайх Эшонга етказган. Бу киши қўзголон кўтарилганда, Эшоннинг ёнида бўлган, лекин тезлик билан Тошкентга қочиб келган. Афсуски, ўша хатнинг мазмуни архив манбаида келтирилмаган. Бироқ унда қўзголон кўтарилишига боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Бешёоч даҳасида яшовчи мударрис Мулла Абдулла ва Кўкалдош мадрасасининг мударриси Юнусхон Эшон Муҳаммад Али Эшонни зиёрат қилиб, ўз ихтиёрларини унга топширганлар. Сайд Боқиҳон деган

¹ Ўша жойда, 42-бет.

киши эса Эшонга күп газлама юборган ва эвазига оқтүн юборилган. Аҳмад Маъсум Эшоннинг невараси Қоратош маҳалласи Ильясхон Эшон ёнида бўлган, лекин қирғиз кийимини кийган ҳолда Тошкентга қочишига улгурган. Паркентлик бадавлат Кўк-кўз исмли Муҳаммад Али Эшонга моддий ёрдам бериб турган. У Андижонга бориб, Эшонга ёрдам беришга тайёрланган, лекин уни ушланганлигини эшитиб бормаган.¹

Демак, Муҳаммад али Халфа Эшоннинг озодликка қаратилган ҳаракатларига ҳамнафас кишилар Тошкентда ҳам бўлган эди.

ҚЎЗГОЛОН ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЖАЗОЛАНИШИ

Ҳарбий горнizonдаги жанг муваффақиятсизлик билан тамом бўлиши биланоқ қўзголончилардан күп одамлар ўлдирилди ва ярадор этилди. Тирик қолганлар қочишига муваффақ бўлганлар. Фаргона вилояти ҳарбий губернаторининг маълумотига кўра, қўзголон қатнашчиларидан минг киши Андижон ва Еттисув атрофидаги тогларга яширганлар. Улар Андижонликлар томонидан яширинча озиқ-овқат билан таъминланган.²

Қўзголон енгилган бўлса-да, лекин унга хайрихоҳлик билан қаровчилар ҳамон күп эди. Бундай бўлиши табиий эди албатта. Чунки қўзголончилар чор ҳукуматига қарши кураши бутун ҳалқнинг ҳоҳиш-иродасини ифода этган, шунинг учун ҳам чор маъмурияти қўзголон баҳонасида оммавий жазони шафқатсизларча амалга ошириди. Негаки, чор ҳукумати суриштирмай одамларни калтаклади, хўрлади ва ўлдириди.

Даҳшатли жазонинг илҳомчиси чор маъмуриятининг ўзлари ҳисобланди. Масалан, генерал-лейтенант Н. И. Корольковнинг фикрича Муҳаммад али Халфа Эшон бошчилигидағи қўзголончиларни Мингтепадан то Андижон шаҳаригача босиб ўтган ерларни барчасини мусодара қилиб, давлат мулкига айлантириш керак. У жойлардаги аҳолини Россиянинг бошқа ерларига сургун қилиниши лозим эди. Хусусан, Сибирга сургун қилиш ёки каторгага юборилиш кўзда тутилган. Бундай қилиниши келажак авлодларга ҳам сабоқ

¹ УзР МДА. ФИ-17, 1-рўйхат, 1685-иш, 43-бет.

² ЦГВИА России. Ф 400, ОП. 1. д, 2179, л, 41.

булиб, құзғолон үчоқларини барбод этиш мухим пәннамият касб этиши таъкидланды. Маҳаллий аҳолини курсаттан жойлардан күчириб, урнига русларни жойлаштириш сиесий жиҳатдан ҳам фойда келтирар өмиш. Зоро, бу билан Фаргона водийсида Россия мавзеи мустаҳкамланар экан. Сунъий сугоришни билдиғанларни Россияга сургун қилиниши бу ерда ҳам деңқончиликни ривожлантирилишига олиб келар өмиш. Агар күрсатилған катта ҳажмдаги чораларни — дейди генерал-лейтенант — амалга ошириш қийин бұлса, у ҳолда Мингтепадаги қышлоқларнинг ерларини мусодара қилиш лозим.¹

Түркістан генерал губернатори С. М. Духовский құзғолон күтариғанлығынинг эвазига Фаргона вилюяты ахолисига бир миллион сүм товон солишини Россия ҳарбий вазири А. Н. Курапаткинга таклиф этди.²

Бу масала императорға билдирилған бұлса керакки, Н. И. Курапаткин олий ҳазратнинг күрсатмасига биноан бир миллион сүм урнига 300 минг сүм товон олиниши ҳақида фармон берди. Шунингдек, құзғолоннинг үчоги бұлмиш Мингтепа, Тожик ва Қашқар қышлоқларини йүқ қилиб, урнига 200 хона-дондан иборат рус посёлкаларини ташкил этишга рұхсат берилди.³ Құзғолон күтариғанлығы учун тұланадиған товонни 300 минг сүмга камайтирилишига халқнинг қаҳр-ғазаби ва нафратини қайта құзғатмаслик сабаб бўлган.

Айни пайтда чор маъмурияти құзғолон қатнашчиларини тутиш ва жазолашга қаттиқ киришди. Натижада Фаргона водийси бамисоли дұзахга айланғандек булди. Оммавий равища ҳибсга олиштар шу даражада кучайдики, қамоқхонага маҳбусларни ҳаммасини жойлаштиришни имкони қолмади. 1918 йил 31 майда Түркістан ҳарбий округининг құмандони Н. И. Корольковнинг Россия ҳарбий вазири номига юборған телеграммасида деган: «Андижон шаҳридан Мұхаммад Али халфа Эшонга икки юз киши келиб құшилған. Улар Андижон бойлари томонидан уюштирилған. Бу бойлар қамоқхонада бўш ўринлар йўқлиги туфайли

¹ УзР МДА. ФИ-17, 1-рўйхат, 31—137 иш, 43-бет.

² ЦГВИА России. д. 2182, л. 15.

³ Уша жойда, 2179-иш, 170-бет.

ҳибсга олингани йўқ. Бироқ улар қаттиқ назорат остида туришибди. Қўшимча қамоқхоналар қуришга киришилди. Маҳбуслар орасида генерал Швийковский буйруги билан калтакланган касаллар кўп... Унда ҳам кўп кишилар қамоққа олинди».¹

Чор маъмурияти ҳарбий гарнizonida ҳалок этилган солдатларни хунини бутун водий аҳолисидан олишга қаратилган ваҳшиёна чораларни изчиллик билан амалга ошириб борди. Улар бу йўлда инсоний хислатларни батамом йўқотиб қуз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган ишларни қилдилар. Унда ҳатто вилоят маъмуриятининг бош раҳбари шахсан қатнашди ва на муна кўрсатди. «Қўзғолон ҳақида, — дейди Фозилбек Отабек ўғли, — Андижондан Марғилонга хабар борган он Фаргона (вилоятининг) ҳарбий бошлиғи Чайковский 250 нафар аскар билан келиб янги шаҳардан бошлаб кўринган мусулмонларни отиб қонини тўкди. Хусусан, беихтиёр бу воқеалардан бехабар ишламоққа чиққан дэҳқонлар ва меҳнаткаш камбағалларни беҳад, ҳисобсиз отиб юборди. Неча минг бола етим ва юзларча хотинлар бева қолди.



14-расм. Ҳибста олинган қўзгалон қатнашчилари.

¹ ЦГВИА России. Оп. 1, д. 2178, л. 31.

...Ўша вақтда кимлигидан қатыи назар, оқ дўппи кийган киши учраса, уни албатта Йиқчи Эшоннинг муриди гумон қилиб, тутиб, сўроқсиз қамар эди. Шунинг учун шаҳар меҳнаткашлари ва расмий фуқаролари ҳеч салласи билан бозорга чиқолмай қолди. Оқ дўппи деган нарсани уруғи қолмади. Кимда бўлса, куйдириб йўқотди. Мингбошиларнинг дунёна-растлиги қўзголиб шаҳарда кимнинг жойи бўлса ке-часи чақириб бориб: «Сени тутиб бераман, эшонни ҳовлисига борган эдинг» деб сиёsat қилиб, бор-йўғини сугуриб олдилар. Порахўрлик амалдорлар ичида ниҳоят авж олди. Бечоралар кимга арз қила-дур? Бечораларни додини сўрайдиган ҳеч киши йўқ эди».¹

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, қўзголон қат-нашчиларини жазолашга доир энг тўғри ва мукаммал маълумотлар воқеанинг жонли гувоҳи Фозилбек Отабек ўғлининг ишида ўз ифодасини топган.² Улар ҳар жиҳатдан тенги йўқ ягона манбадир. Шу боис унда имкони борича тўла фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Ўша муаллифнинг сўзича Фаргона вилоятининг ҳарбий губернатори Чайковский Андижонга ҳарбий қисм билан келиб дуч келган кишиларни отиш ҳақида кўрсатма берди. Муҳаммад Али халфа Эшонни топиши учун ҳеч нарсадан тойилмади. Биринчи навбатда мустамлакачиларга содик мингбошилар солдатларни ёнига олишиб Эшонни ушлаш ниятида турли томонларга йўл олдилар. Бу вақтда Муҳаммад Али Эшон бир неча кишилар билан Кетмон-тепадаги қирғизларнинг орасида уч-тўрт кун яшади. Сўнгра Арслонбоб тоги атро-фида юрган вақтида Қўқон қишлоқ мингбошиси Яқуб қўрбоши эшитиб ўша тогнинг яқинидаги Тошқўргон деган жойда туришади. Шу онда Муҳам-мад Али халфа Эшон келиб қолади. Дарҳол Яқуб қўрбоши: «Эй тақсир! Мен сизни кутиб турибман, ёрдам қилмоқ учун» деб отдан ўзини ташлаб кўриш-моқчи бўлиб ютурган, Эшон ҳам отдан тушиб, йиглаб қучоқлашиб кўришган вақтда, тагига босиб олган ва одамларини чақириб, бояглаб олганлар. Орқасидаги уч одамни ҳам тутиб, тўртовларини бояглаб қўйганлар.

¹ Фозилбек Отабек ўғли. Ўша иш, 30—31-бетлар.

² Ўша жойда, 30—68-бетлар.

Қодирқул мингбоши дарҳол етиб келиб, эшонни күриши билан: «Хотин талоқ! Ҳаммани хонавайрон қилдинг-ку!» деган. Эшон бунга жавобан: «Икковинг улар вақтда жинни булиб ўлгин! Бизни русга тутиб берган құлларинг билан ўзингни уриб, сұккан оғзила-ринг билан ўзингни тишлиб ўлгин!» демақдан бошқа ҳеч гап айттолмаган.

Қодирқул мингбоши, Андиконга эшонни тутган-лиги ҳақидағи хабарни юбориб Мұхаммад Али халфа Эшонни учта ҳамроҳи билан боғлаб ва аравага солиб йўлга чиқдила. Улар Қорадарёнинг лабига келганла-рида Андикондан солдатлар ҳам келишиб: «Эшон, эшон» деб милтиқ билан туртганларида у бошини күтариб: «Эшон деб чақирма! Мұхаммад Али дегин!» деб хитоб қилган.

Архив манбаларида воқеани бошқачароқ баён этилади. Избоскан бўлимнинг пристави Ч. К. Агабеков бошлигига ёзган рапортида кўрсатилишича Тошкўпприк деган жойда кечаси соат 10 дан ошганда уч отлиқ киши учраган. Буларга тўхташлари ҳақида буюрук берилганда улардан бири қилич билан Ч. К. Агабеков одамларини бирига ташланган. Бироқ у мўлжалга уролмай орқа томонга, юқорига қочган. Уни кетидан қолган икки киши ҳам қочган. Сунгра улар Чорвоқ қишлоғига йўл олганлар. Бироқ баланд тоғга дуч келишиб, юқорига кўтарила олмай Тошкўпприк томонга қайтишга мажбур бўлганлар. Шу пайтда Зокирбой бизлар наманганлик эшонлардан-миз деб алдаш йўли билан уларга яқинлашганлар. Бу вақтда Мұхаммад Али халфа Эшон ўқланган тўппон-ча билан отни устида турган. Шу онда Зокирбой яқинлашганда эшон унга ишониб ва тўппончасини чап қўлтигига яшириб кўришмоқчи булиб ўнг қулини чўзганда Яқуб қўрбоши ва унинг шериги тортишиб отдан ағдараётганда Мадмуса деган киши эшонни тўппончасини дарҳол тортиб олган. Шу равища Мұхаммад Али халфа Эшон ва унинг икки шериги ушланниб болганган ҳолда Чорвоқа олиб келинган.¹ Бу ишда Қодирқул, Мулла Қурбон ва Абдуқодир сингари кимсалар жонбозлик кўрсатганлар. Мұхам-мад Али халфа Эшоннинг ҳамроҳи Субхонқул ҳам ушланди. Маҳбуслардан 1 тўппонча, 1 пичоқ, 1

¹ ЎЗР МДА. ФИ-723, 1-рўйхат, 18-иш, 17-бет.

ҳасса, 1,70 тийин, 3 қадоқ нон, 1 қадоқ қовурилган соқ, бир неча грамм чой, 1 гугурт, 4 дастрұмол, иккита маҳси, калиш, 1 Қуръон ва от тортиб олинган. Субхонқұлдан Турк Султони номидан Мұхаммад Али Эшонга Халифлик унвонини берилғанлыги ҳақидағи қалбаки ҳужжат топылди.

Мұхаммад Али халфа Эшон 1898 йил 21 майда Андіжонга келтирілди ва қамоққа олинди.

Эшонни құлға туширилғанлардың учун капитан Агабеков «Св. Владимир» ордени, Яқуб Иброҳимов ва Муса Масадиқов «Жасорат учун» деган сүзлар өзилған кумуш медаль ва ҳар бири 100 сүм пул билан тақдирланған. Қодирқұл мингбоши эса Андіжон әски шаҳарининг оқсоқоллығы лавозимига, Яқуб құрбоши эса Құқон қишлоғига мингбоши этиб тайинланған.

Чор маъмурияты катта мингбоши Қодирқұлға әс-ки шаҳар аҳолисини императорға содиқлигини таъминлаш ва құзғолонга хайрихохлик билдирилған кишиларни ҳибсга олиш топширилди. Шунингдек чор мансабдорларыга ўрнида туриб ва әнгашиб салом қилишлари шарт деб белгиланды. Савдо ахли дүконлардан чиқиб амалдорларға таъзим қилишлари лозим әди. Мадраса ва мактабларда Мұхаммад Али халфа Эшонни қораланиши, айлам ва муфтыйлар уни ўлимга маҳкум этилишини шариат ҳам тақозо этади деб фатво берішлари таъқидланади. Ҳатто шоирларнинг Мұхаммад Али халфа Эшонни қораловчи шеърларыни өзишларини ташкил этиш күрсатылды.

Мазкур күрсатмалар амалға оширилиб борилди. Масалан, «Туркистан вилояти газетаси»нинг 1903 йил 14 март сонида андіжонлик шоир Құзи Раҳимхұжа-нинг Эшоннинг фаолиятини қораловчи шеъри эълон қи-линди.

«Қодирқұл мингбоши, — дейди Фозилбек Отабек угли, — шаҳарға катта оқсоқол бұлғани ҳамон шаҳарда зүр иморат қилиб, бечора халқни ишлатиб, бир ой ичидә тамом битирди. Ҳар куни қўй ва тортиқ ёрдам пулларнинг ҳисоби йўқ әди. Эски шаҳарни тинч сақлаб туриш ихтиёрини тамом бу кишига топширгани учун фуқароларға зулм беҳад жорий қилди. Бирор әнгашиб салом қилмаса, тутиб тұхтатмоқни бу киши чиқарди. Бундан ўрганиб рус амалдорлари ҳам халқни «рукуъ» билан салом ва «сажда» қилдираған бўлдилар. Бечора халқ шапкалик ки-

шини соясини кўрса ҳам ўрнидан туриб сажда қилишга одатланиб қолди».

Булар камдек шахсан Фарғона вилоят ҳарбий губернатори Чайковский ҳар кун 5—6 маҳбусни ташқарига олиб чиқиб ва уртага ётқизиб қўйган. Шундан сўнг уларни тўрт солдатлар босиб туриб узун қамчи билан савалай берганлар. 40—50 маротаба урилганда «дод»лаш тобора кучайиб бора берган. Провардида маҳбуснинг овози чиқмай беҳуш булиб қолгандан кейин иккинчисини ётқизиб калтаклаганлар. Шу равишида барча маҳбуслар калтакланиб, ўлганини четга суриб, тиригини яна қамоқхонага олиб кирганлар. Бундай мудҳиш воқеани Фозилбек Отабек ўғли шундай хотирлайди: «Бир куни сиёсат юзасидан ҳамма шаҳар халқини мингбошилар воситаси билан асиirlарни (маҳбусларни) калтаклаганини кўрсин деб, ҳайдаб чиқилди. Ман ҳам одамлар билан чиқсан эдим. Кейин турмадан беш кишини олиб чиқиб, уларнинг атрофига одамларни айлантириб қўйди. Бу бечора бандиларни уртага олиб келиб, бир қанча дашном билан тўн-куйлагини йиртиб, тортиб ечди. Иккитасини милитиқ қўндағи билан уриб ётқизиб, қўл-оёғини солдатлар босиб турди. Бунинг устига, мўйсафи губернатор Чайковский келди. Бандиларга қараб: «Сизлар подшоҳ аъзамнинг катталигини билмас эдингизларми? Подшоҳнинг ўғли ҳукмида бўлган аскарларига шундай муомала қилмоқни ким ўргатди?»¹ деб сиёсат қилди ва солдатларга «Ур» деб буюрди.

Солдатлар тўплаб қўйгон узун калтаклардан олиб, бирдан савалаб ургали бошлигандан, бечоралар: «Дод...» деб оламни буздилар. Бири: «Эшон билан бирга бўлмасамда, тавба қилдим!» деб қичқирди.

Урилганларнинг орқалари ёрилиб, гўштлари узилиб тушди. Ҳушидан кетган вақтда: «бас, турғаз!» деб эди, солдатлар тур деб бошига тепганда, бири турмоқقا қодир була олмади. Иккинчиси «ё пиrim», деб турмоқقا харакат қилиб эди, губернатор «нимадейди» деб, таржимондан сўради, таржимон: «эшондан ёрдам тилайдир» деганда, газаби келиб: «Ётқизиб яна ур» деб буюрди. Янадан урмоқقا бошлиди, орқасидан гўштлар узулуб тушди. Иккинчи турмоқقا

¹ Бу ерда ҳарбий гарнizonда қўзғолончилар томонидан солдатларни ўлдирилиши назарда тутилмоқда.

құдрати етмагач, солдатлар судраб чиқиб кетган ҳамон үлди».

Күрсатилған ҳолатда халқ күзи ўнгидә бошқа маҳбусларни ҳам жазолаш намойиш этилди. Улар калтакка чидай олмай жон бердилар, бошқалари эса беҳуш ҳолда қамоққа қайтарилди.

Умуман олғанда икки минг киши ҳибсга олиниб, уларни орасида ўзбеклар, тожиклар, қиргизлар, қорақалпоктар ва уйғурлар бор эди. Маҳбусларнинг талай қисми калтаклаш ва милтиқ күндақларидан уриш орқасида үлдирилди. Бундан ташқари Эшон қамалганида 9 кундан кейин судсиз 15 киши осиб үлдирилди. Архив манбаларида күрсатилишича Мұхаммад Али халфа Эшоннинг муридларидан бири Самарқанд шахрида яшовчи Қори Алим Эшон ҳалойиқни қўзгатишига ҳарарат қилғанлиги учун ҳибсга олинган.¹

Еттисув вилоятида қўзғолонда қатнашганликда гумон қилиниб 28 киши қамалган.²

«Туркистан генерал губернатори Духовскийнинг Андижонга келиши ҳам фожиага фожиа қўшиб, бутун водий қўрқув ва ваҳимага тушди. Айниқса андижонликларнинг ҳоли янада оғирлашди. Уни келишидан олдин шаҳар тозаланди ва кўчаларга байроқлар тутилди. Вилоят бошлиғи Чайковский шу жумладан мактаб болаларини вокзалга тўплади. Ҳалойиқ Духовскийни бош эгтан ҳолда қарши олишга мажбур этилди. Шундан кейин бирдан поезд кўриниб қолди ва ниҳоят ясатилган вагонлар келиб тўхтади ва солдатлар тушиб, қатор бўлғондан сўнг ярим подшо (генерал-губернатор) вагондан бир неча ясанган тўралар билан тушдилар кейин ўша генерал ниҳоят қовоғини солиб, қаттиқ газаб билан вагондан чиқиб, пастга тушган замон бечора халқ ва мактаб болалари ҳаммаси энгашиб рукуъ қилиб турди. Вагондан тушиб тўғри уездъ ҳокими олдига келиб, шаҳардан аҳвол сўради. У «ҳамма дуо қўймоқда ва тинчлик», деди. Ярим подшо ҳокимдан: «Нима учун халқ бундай энгашиб турадир», деб сўради. Ҳоким: «Жаноб император аъзамга юртимиздан чиққан бир эшон жинни бўлиб, билмасдан осийлик қилгани учун бизлар хижолат бўлуб, улуғ ва баланд даражали бош ҳокимимизнинг юзларига қайси бети-

¹ ЦГВИА России Ф. 400, ОП. 1, д. 2178, л. 122.

² ЦГВИА России Ф. 400, ОП. 1, д. 2178, л. 122.

миз билан қараймиз, бизларни марҳамат этиб, авғ қилиб, подшоҳи аъзамдан гуноҳимизни сўраб олмасалар, муборак бетларига камоли хижолатдан қарай олмаймиз, демокдалар», деб жавоб қайтарди. Ярим подшоҳ дедики: «Гуноҳни қилиб қўюб, эмдиги хижолат нимадур? Фаргона музофатидан Андижондек бир шаҳарнинг тупроғини осмонга совуриб, бармоқ билан подшоҳи аъзам мамлакатларига ҳеч нукус етмайдир!» деб газабланиб ҳокимдан сўрадики: «неча йилдан буён бу жойга ҳокимсиз?» Ҳоким шошиб қолиб: «тўрт йилдан бери» деганда: «Тўрт йилдан буён лоақал ҳар йилда биттадан бўлғонда ҳам тўртта яхши ошна қилмогон экансизда, (булар) шундай хабарни аввалдан берар эди, токи тадоруки қилиниб император аъзамнинг 23 қаҳрамон ўғли ўлмас эди. Бунинг учун сени ўрнингдан бекор қилдим», деди. (Бу генерал Павло Швийковский эди).

Кейин ярим подшо фуқарога қараб: «Сизлар ҳали осий ва гуноҳкорсизлар. Сизларнинг нон-тузингизни қабул қилиб бўлмайдир!» деди ва бир тўп ҳинд ва яҳудийлар олдига бориб, нон-тузларини қабул қилиб: «Сизлар ҳозирда манга сартлардан (ўзбеклардан) кўра яхшироқсизлар» деб аскарлар томон юрди. Биз Туземний школ талабалари, рус домла билан 150 га яқин болалар турган эдик; бизларнинг ёнимизга тұхтаб, «Сизлар яхши ўқиб туриңглар» деб чұнтағидан бир сүм пул олди-да, домла қулига бериб, «ёнғоқ олиб бўлиб беринг, ўйнасуңлар ва подшо ҳазратларини дуо қилсунлар» деб аскарлар олдига утиб кетди. Кейин халқ бечора маюс бўлуб, қўрқуб тарқалиб кетди».

Генерал-губернаторнинг кутиб олиниши зўравонлик, қўрқув ва умуман қалбакилик билан уюштирилиши вилоят ҳокими ўйлагандек яхши бўлиб чиқмади. Чунки Духовский қўзғолон муносабати билан шу дарражада газабга тўлиб тошган эдики «Андижон тупроғини осмонга совуриб ташлашга» тайёр эди. Бундан ташқари вокзалда тўпланган халқнинг чор ҳукуматига қарши нафрати унинг кўзи ва қиёфасида яққол куриниб турган эди. Шунинг учун ҳам Духовский шаҳар маъмурияти томонидан, «Халқни номидан» тайёрланган кумуш патнисдаги нон ва тузни қабул қилишга кўнгли чопмади. Ҳатто, ўзбеклардан норозилигини ҳинд ва яҳудийларга изҳор этишгача борди. Духовс-

кийнинг қаҳр-ғазаби ва Андижонни остин-устин қилиб таштайман дейиши бусиз ҳам қирилаётган ва калтакланаётган халқни янада ваҳимага солди. Шаҳарликлар бола-чақалари билан қишлоқларга қоча бошлиди. Маҳаллий маъмурият вакиллари эса ошкора халқни мол-мулкини талашни янада авжига миндирди. Зеро «Истибод амалдорлари (Элликбошидан тортиб мингбошигача мусулмон амалдорларига) «Худо бериб», қиладиргон зулм ва тавадиларига зўр баҳона тошилиб, шундай жабр-зулм қилишга турдиларки, асло қалам билан тъбирига келтириб бўлмайди». Мингбошига дучор бўлмаган ҳеч бир фуқаро қолмади. Ҳаммани кечалари бир-бир чақириб, сиёsat қилиб борйүғини қоқиб олдилар. Чунки Эшонга қарашли одамларни ҳар куни уриб, осиб, отиб турган вақти эди. Ҳатто маҳалла элликбошилари ҳам мазлум фуқарони: «Мингбошига айтаман, рапурт қиласман» деб қўрқутуб, ўзларига яраша бирор нарса олар эдилар. Кўчаларда соқчилик қилиб юрган солдатлар ҳам бир баҳона топиб одамларни калтаклашни давом эттириб турдилар.

Хуллас, мингбошилар, оқсоқоллар ва бошқа амалдорлар мустамлакачилардан ўrnак олиб ўзларининг юртдошларини таладилар ва калтакладилар. Улар том маънода виждонсиз ва имонсиз кишилар эди. Фозилбек Отабек ўғлининг қамоқхонадаги маҳбусларга қилинган азоб-уқубатларга тегишли маълумотларнинг ҳам аҳамияти бекиёс каттадир. Унинг сўзича чор маъмурияти Муҳаммад Али халфа Эшоннинг шахсини тасдиқлаш мақсадида уни танийдирган тўрт кишини қамоқхонага киритишган. Улардан бири Мирза Маъсуд деган киши кўрганларини шундай тасвирлайди: «Бизларни маҳкамама олдига олиб бориб қўйгонда, бир неча солдатлар олдимииздан ўтиб, «Сеники эшон» деб туририб кетадир. Руслар олдимииздан ўтса, ит қараши қилиб, хўмрайиб, сўкиб утадилар. Охири кўчада туролмай қўрқиб, маҳкаманинг ичига кириб ўтирдик. Бир оз фурсат ўтганда уезд ҳокими билан бир қанча тўралар чиқиб, бизларга танбеҳ қиладиларки: «Сизлар рост айтасизлар. Агар ёлғондан Эшон шу десангизлар, судъ қошида гуноҳкор бўласизлар. Рост сўзламагингиз учун аълам домла қасам берадир» деб оқсоқолга дарҳол бир катта аъламни олдириб чиқинг, деб буюрди. Оқсоқол дарров шаҳарга одам юбориб, Мулла

Мұхаммад Мусо аъламни ҳайдаб чиқди. Кейин «аълам келди» деб ичкарига келтириб, ниҳоят құрқув ўлтираңды. Ман: «құрқманг, сизни бизларга қасам ичиргани чақириди» деб таскин бердим. Бир вақт яна аввалғи тұралар чиқиб, аъламни чақириб: «Мусулмон қойида сича буларға қаттық қасам берасиз, рост сұзларни айтмоқлари учун» деб қараб турди. Күриниб турибиди. Чор маъмурияти шу даражада Мұхаммад Али Эшондан хавфсираганки уни шахсини яна бир бор аниқлашға киришди. Афтидан Мұхаммад Али Эшонни үрнига бошқа одамни келтирғанлығы хусусида ҳам фикр юритилған бұлса керакки, күрсатилған чорани күриш зарурияти туғилған. Ҳақиқатан ҳам Мұхаммад Али халфа Эшон чор ҳукуматининг күз үнгіда халқни орқасидан әргаштирувчи ва озодлик курашига отлантирувчи хавфли сардор сифатида гавдаланған эди. Ниҳоят, — деб сұзини давом эттиради уша Мирзо Маъсуд — «Бизларни тұралар (рус амалдорлари) бирга бошлаб турмага олиб бориб эди, қарасак турмада қадам босарлық жой йүк, ҳавонинг ниҳоят иссиғлигидан турмани ичи дұзах бұлуб кетибдир. Маҳбусларнинг бош-оекларида занжир бор. Қочмоқ у ёқда турсин, турорға мажоли йүқларнинг оекларига занжир солибдирлар, буларнинг ичидан оралаб үтиб, бир хонага кириб әдик, Ийқчи Эшон билан 4 киши ўлтирибдур. Ҳаммалари банд, занжир солинган. Хусусан, Эшонни ниҳоят маҳкам болғабдирлар. Оек, буйни, құли боғлиқдир. Бошида салласи бор, устида малла эски түни бор, ерга қараб үтирибдир. Салом қилиб кириб әдик, ёнимда турған мингбоши, «Салом қилма» дегандек ишорат қилиб қўйди. Кейин тұралар кириб: «Чурт Эшон!» деди. Бизларга қараб: «Эшон шуми?» деб савол қилиб әди, бизлар шу дедик. «Яна тузук күринглар галат қыманлар, рост айтинглар!» деб сиёsat қилиб әди, бизлар құрқиб: «Эшон шу, бошқа эмас» деганимизда: «Қайси бири, қўлинг билан ушлаб кўрсат!» деди. Ҳаммамиз бир-бир ишорат билан кўрсатдик. Кейин «яхши» деб чиқдилар. Эшон асло бизга қарамади. Ёнидаги одамлар ким экани билмадик. Ҳаммамиз чиқиб йўлда кетаётib, кейин бирини таниб қолдик, олдидагиларни бири кўгартлик қиргизийлар мингбошиси «Чибил» бўлус деган одам эди. Лекин улардан ва Эшондан бизларнинг олдимизда гап суролмади»

Туркистон ҳарбий округининг генерал лейтенанти Н. И. Корольков қўйидаги кишиларни Муҳаммад Али халфа Эшоннинг энг яқин сафдошлари деб ҳисоблади.

1. Мулла Аҳмад Ноиб — Марғилон уезди ички ли-
ния волостидан, қозиликка номзод, аҳдномага қўл
қўйган, янги Марғилондаги қамоқхонада.

2. Ҳайидбой Тўқсоба — Аҳдномага қўл қўйган,
қидирилмоқда.

3. Мулла Қосим Амин Араббой ўғли — Марғилон
уезди Кулин волостидан, аҳдномага имзо чеккан.
Тахмин қилинишича ҳарбий гарнizonга хужум қили-
наётганда ўлдирилган.

4. Орзиқулбой понсад — Марғилон уезди Ёзёвон
волостидан, аҳдномага имзо чеккан. Янги Марғилон-
даги қамоқхонада.

5. Мулла Гоибназар Ортиқ сўфи ўғли — Марғилон
уезди Кулин волостидан, аҳдномага имзо чеккан. Ан-
дижондаги қамоқхонада.

6. Муҳаммад Иброҳим Тўқсоба понсад — аҳднома-
га имзо чеккан, қидирилмоқда.

7. Алибек додҳо Жаббор ўғли — Андижон уезди,
Жалолқудуқ волостидан, аҳдномага имзо чеккан, Ан-
дижондаги қамоқхонада.

8. Фанихўжа Муҳаммад Мурод ўғли — Марғилон
уезди Кулин волостидан, аҳдномага имзо чеккан. Ан-
дижон қамоқхонасида.

9. Муҳаммад Зиёвиддин Махсум ўғли — Марғилон
уезди Кулин волостидан, аҳдномага имзо чеккан,
Муҳаммад Али халфа Эшоннинг ўнг қўли, ҳарбий гар-
нizonдаги жангда ҳалок бўлган.

10. Умарбек додҳо — Уш шаҳридан, аҳдномага қўл
қўйган. Уш қамоқхонасида.

11. Отакул Понсад халфа — Марғилон уезди
Ичқилин волостидан, аҳдномага имзо чеккан.

12. Маллабой Абдураим ўғли — Андижон шаҳри-
дан, шу ерда қамоқда.

13. Рустамбек Сотиболлибеков — Андижон шаҳри-
дан, шу ерда қамоқда.

14. Иноятхон Исқандар Тўра ўғли — қидирил-
моқда.¹

Муҳаммад Али Эшоннинг жияни Мусулмонқул

¹ ЎЗР МДА.ФИ 17, 1-рўйхат, 3117-иш, 35-бет.

ҳам Асака волостига қарашли Қизилоශ қишлоғида ушланди.¹ Сүнгра у Андижон қамоқхонасига ташланди. Күп қидирувлардан сүнг Мұхаммад Али халфа Эшоннинг таниқли сафдошларидан бири Иноятхон Искандар Тұра ўғли ҳам ушланди. У 18 майда Тошсуғи ва Мулла Мадраим (Наукатли қирғиз) билан Олой орқали Қоратегинга қочиб борган. Сүнгра улар Айвадж деган жойға келишганды құлға туширилиб, Самарқандға жұнатилади. Аммо, ійліда қочишиб, нима учундир хавф-хатарға қарамай Құқон томонға келишади. Бу ерда Иноятхон Күркішлөқда яширинча яшаб кейин Құқонға борғанда ушланади. Уни ўз уйида яшириңган Тұхтасин Ризакұл ўғли, Мұхаммад Алимхон ўғли ва Тониберди Ұтобосар ўғли жағобгарликка тортилдилар.² Иноятхон Искандар Тұра ўғли ҳам Мұхаммадали Халфа Эшонға үхшаш сахий ва камбагалпарвар бұлиб хонадонида муҳтоғ кишиларни овқатлантирган. Үмуман айтганда чор маъмурияти томонидан Фарғона вилояты ости-устун ва тинтүв қилиниб аҳолини бошиға мисли күрилмаган азоб-уқубаттар өғдирилди. Жами 777 киши ҳибсга олинди, күп одамлар калтакларға ва қийноқларға чидолмай күча ва қамоқхоналарда жон бердилар. Терговдан кейин 415 киши суд қилинди. Ҳатто судда ҳам маҳбуслар калтакланди. Масалан Чибил исмли қирғиз айбини бўйнига олмаганлиги учун даставвал «Суд раиси мажлисда уни ётқизиб урмоққа буюрди. Олтита солдатлар бир кўтарим калтакни олиб келиб, Чибилни ётқизиб чунон калтакладиларки орқасиинг тамом гўшти узулуб кетди. Охири «дод» демакка мажоли қолмай беҳуш бўлиб, улик суратида йиқилиб қолди. Буни кўриб турган шерилари ҳам камоли қўрқувдан кетиб, ётиб қолдилар. Охири бошиға этикларнинг пошинаси билан тепдилар».

Бундай ўта адолатсизлик ва шафқатсизлик Чор хукуматининг сиёсатига хос бўлган тадбир эди. Генерал-майор Терентьев раислигига биринчи бўлиб кўзголоннинг раҳбарлари суд қилинди. Унда Фарғона вилояти ҳарбий прокурори генерал-майор Далинский, подполковник Антуфьев, полковник Наумов, подполковник Рукин қатнашдилар.

¹ У айрим архив манбаларида Абдулазиз деб нотўғри кўрсатилган.

² Ўша жойда. ФИ-725, 1-рўйхат, 15-иш, 9–12-бетлар.

Мазкур ҳарбий суд қўйидаги кишилар ҳақидаги ҳукмини 1898 йил 11 июнь кечқурун соат 7.40 минутда эълон қилди.

1. Мұхаммад Али халфа Эшон — чор ҳукуматининг ҳукумронлигини ағдариш учун кўп қишлоқ ва шаҳарларнинг аҳолиси билан қўзголонини кўтартирди. «Газот» эълон қилиб 18 майга ўтар кечаси Андижон шаҳаридаги ҳарбий гарнизонга қилинган хужумга бошчилик қилди.

2. Фойибназар Ортиқ Суфи ўғли — Мұхаммадали Халфа Эшон билан тил бириктириб чор ҳукумати ҳукумронлигига қарши қўзголонни уюштириди. У Куллин волостининг бошлиқлигидан фойдаланиб, қўзголонга одамларни жалб қилди. Шунингдек Андижон ҳарбий гарнизонига хужумни уюштириди ҳамда Сафрон Бычковни ўлдирди.

3. Мулла Қосим Амин Араббой ўғли — Мұхаммадали Халфа эшон билан биргаликда чор ҳукумати ҳукумронлигига қарши «газот» эълон қилиб қўзголонни уюштириди. Ҳарбий гарнизонга хужум қилишда қатнашди, бир қисм оломонга бошчилик қилди.

4. Рустамбек Сотиболдибеков — Мұхаммад Али халфа Эшон бошчилигидаги ҳаракатда қатнашди. Андижон ҳарбий гарнизоннинг яқинидаги дўконидан фойдаланиб Эшонга маълумотларни олдиндан юбориб турган. Бу қўзголончиларга ҳарбий горнизонга тўсатдан бостириб кириш имконини берган. Унинг шахсан ўзи бу хужумда қатнашган ва бошчилик қилган.

5. Мирзаҳамдам Усмонов — Мұхаммад Али халфа Эшон билан ҳамкорликда Андижон ҳарбий горнизионидаги жангда қатнашган.

6. Бутабой Файнибаев — Мұхаммад Али халфа Эшон билан ҳарбий горнизонга қилинган хужумда бўлган.

Уларнинг ҳаммаси осиб ўлдиришта ҳукм қилиниб, мол-мулки мусодара этиладиган бўлди. Ҳусусан, 22 ўлдирилган ва 20 жароҳатланган солдатларнинг оиласи ларига ҳар йили 200 сўмдан товоң тўланиши лозим эди. Туркистон генерал-губернатори С. М. Духовский суд ҳукмини тасдиқлаб, «Уни дарҳол ижро этилсин» деб имзо чекди. Ҳар бирига икки кишидан ўтқазилган учта қўқон аравада маҳбуслар горнизон рўпарасидаги майдонга келтирилди. Сўнгра шу ерда осилдилар. Бу мудҳиш воқеани ўз кўзи билан кўрган Фозилбек Ота-

бек ўғли ёзади: «Чор маъмуритининг кўрсатмасига мувофиқ эски шаҳар оқсоқоли Қодирқул мингбоши каттадан кичик барча одамларни, ҳатто мактаб болаларини мажбурий суръатда ҳарбий гарнizon майдонига ҳайдаб чиқди. Айрим амалдорлар болаларни олиб чиқиш керакми? деганда, «Ёш болалар катта одамлардан кейин қоладиргон одамлар бўлгани учун, узун умр кўруб, кўп йиллар Россия подшохининг сиёсатини айтиб юрадирлар» — деб жавоб берилган.

Қодирқул мингбоши, маҳалла оқсоқоллари, имом ва мактаб муаллимларини кечаси билан югиришиб, аҳолини оммавий равищда чиқишиларига мажбур этди. «Имом ва муаллимлар қўрқуб титрар эдилар. Оқсоқол бир имомнинг рӯпорасига келиб: «Неча қавмингиз билан келдингиз» деб савол қилиб эди, «тахминан 35—40 тача киши билан келдик» деди. Бундан кейин: «Қавмингиз неча ўйлик?» деб берилган саволга сукут қилди. Маҳалла бошлиғи: «Тақсир 40 ўйликмиз», деб жавоб бериб эди, оғзига келган ҳақорат билан дашном бериб: «қирқ ўйлик бўлсанг, 35 киши келадими? Нима учун ҳамма қавмни бошлаб келмадинг!» деб ёнида бўлғон миршабга «Ур!» деб буюрди. Миршаб қамчи билан уруб турубдур, бечора маҳалла бошлиғи бошини енги билан тўсуб: — Тақсир товба қилдим, бошқалари қишлоқقا ва ҳар тарафга кетган эканлар, топмадик, деб овоз қилди».

Ўта ҳақорат ва хўрлаш билан эрталаб соат саккизда 8000 киши ҳарбий гарнizon рӯпарасига тўпланди. Уларни икки мингтасини болалар ташкил этган. Майдон ўртасида қурилган олтида дорнинг атрофини одамлар қуршаб олдилар. Болалар қўрсии ва қўрқиб умрбод эсласинлар дейилиб, дорга яқин жойга ўрнаштирилар. Соат 10 га яқин оёқ-қўллари кишсанланган олти киши дорни тагига келтирилди. Буларни олдига ногара ушлаган 4 та солдат қўйилди. Шундан кейин икки солдат Мухаммад Али халфа Эшонни етаклаб ва айлантириб, «Эшон шу одамми?» деб сўрай берди. Аммо бирор киши танийман деса айбдор бўлишидан қўрқиб овоз чиқармади. Бундан газабланган бир рус маъмурит вакили шундай деди: «Албатта, ҳаммаларинг биласизлар, бовужуд айтмайсизлар, исён бўлишини ҳам сизлар билгансизлар. Шунда хиёнат қилиб, шунча қаҳрамон аскарларнинг нобуд бўлмогига сабаб бўлдингизлар. Агарда ҳеч ким танимаса, шу йифинда-

ги бутун ҳалқни пулёмотта тутамиз. Бирор жон қолмайдир» — деб сиёсат қилиб эди, ҳар тарафдан одамлар ўзини кўрсатмай туриб «Шу киши эшон!» деб қичқиришдилар. Тўралар у ёқ-бу ёққа қараб овоз қилувчиларни тополмас эдилар».

Чор маъмуриятигининг Муҳаммад Али халфа Эшонни айлантириб юришидан мақсад, мана чор ҳукуматига қарши қўл кўтарган Эшонни ҳолини кўринглар, кимки унинг йўлидан борса шу аҳволга тушади деб намойиш этишдан иборат эди. Буни айниқса ёш болаларни онгига сингдириш назарда тутилған. Ҳақиқатан ҳам бундай ярамас сиёсат ҳалойиқни ниҳоятда қўрқув ва ваҳимага солди. Уларни орасида хушидан кетган одамлар ҳам бор эди. Аммо чор маъмурият вакиллари ҳалқни эзилаётганини кўриб кулганлар ва роҳатланганлар. Зулм ва ҳақоратни кучайтириб, қандай бўлмасин ҳалқни ўнглайнмайдиган даражада тинкасини қуритиш учун имкони борича қаттиқ ҳаракат қилинган. «Йигин ташқарисида, — дейди ўша муаллиф, — вой-войлаб дод фарёд бўлиб кетди. Қарасак, осиладурғон одамларнинг бола-чақалари, хотин-қиз, ушоқ болалари экан. Хотинлар «Тул бўлдик!» деб, болалар бўлса «етим бўлдик!» деб фарёд қиласар эдилар. Бу ҳолни кўрган ҳалқнинг кўнгли яна бузилиб, хоинлардан қўрқуб ўзларини йигидан тўхтатар эдилар...

Бир қанча хотинлар ва болалар қақшаб шовқин солиб, йиглаганларида, ногоралари билан турган солдатлар бирдан ногара чалиб юбордилар. Бу ҳолни кўрган мазлумлар дарду-хузун билан йиглай бошладилар. Ҳамманинг кўзи ёш билан тўлди. Ташқарида турган губернатор дод-фарёд қилувчиларни қамаб қўймоққа буюрди. Дарҳол беш ўн солдат чиқиб, буларни ўраб туриб, турмага олиб кирдилар. Ва эшоннинг авлодига қўшиб қўйдилар. (Эшонни авлоди тамом ушланиб, қамалган эди). Буларнинг қамалғанини кўргандан кейин ҳеч ким йигламай қўйди». Чор маъмуриятининг ўзини тан олиб ёзишича Муҳаммад Али халфа Эшон бутун Фарғона водийсида жуда катта обру ва ҳурматга сазовор бўлганлиги учун одамларни орқасидан эргаштириб қўзголонни уюштиришга эришган. У миллатпарвар ва босқинчилар зулмидан холос этувчи табаррук зот сифатида шуҳрат қозонган. Шунинг учун ҳам Эшон ва унинг сафдошларини осилиши уларда

қайғу-алам ва йигини құзғатған. Бұни яхши англаған босқинчилар уларға қарши қаттық чораларни күриб йиглаганларни Эшоннинг хайриҳохлари сифатида ҳибсга олған. Ұша йигинда аҳолига құзғолон күтарилишини «Албатта ҳаммаларинг билгансизлар, лекин бизга хабар қылмай хиәнат қылғансизлар» дейилиши бежиз бұлмаган. Маҳбусларни осиш навбати ҳам келіп уларни дорни тагига жойлаштирудилар ҳамда оёқ-құлларидаги кишанларни болға билан уриб синдирилди. Шу онда гапиришга уринган айрим маҳбуслар милтиқ құндақлари билан урилди. Фахриддин қози келтирилиб уларға иймон үқитди. Сұнгра бошларига оқ ҳалталар кийгизилди.

«Дафъатан икки солдат Эшонни дор тагига олиб келган маҳал бошқа шерикларини ҳам етоклаб турғон ҳолда иккиси яна беҳуш бўлиб йиқилди. Буларни судраб, дор тагига келтирилиб, унинг остига қўйилган икки поганалик курсига «чиқ, чиқ» деб Эшонни чиқарди. Шу ҳолда кафан ичидә бир ўзи қадам қўйиб чиқди ва баланд овоз билан: «Эй мусулмон биродарлар, гувоҳ бўлинглар, ман ноҳақ туҳмат билан кетиб турибман. Бола-чақаларим, майда-чуйда, кўп эди. Бу ҳоким ва тўралар яхшиadolat қылмади. Тўгри ҳақиқат қылмади. Дуо қилинглар, шу золимларни...» деган вақтда бир тўранинг ишорати билан сиртмоқларни солиб курсиларни тепиб юбордилар. Бу олтига кишидан иккитаси бир-икки буралиб, оёгини уруб қимиrlамай қолди. Бошқалари фириллаб айланиб, буралиб, икки томон дорнинг ёғочига ўралиб, ниҳоят, қийналиб кўп овора бўлдилар. Буларни қўруб турған ёш болаларни кўплари қўрқиб: «Дод, ота, она!» деб йиглаб юбордилар. 4—5 тасини ҳуши кетиб қолди ва йиқилди. Болалар турған тараф тўполон бўлиб кетди. Аксар болалар қочиб чиқиб кетдилар...»”

Шундай қилиб чор маъмурияти құзғолон раҳбарларини осишлиқдан ҳалқни чўчиштириш учун фойдаланиб, ўзларини ваҳшиёна сиёсатини яна бир бор намойиш этди. Улар ўйладиларки мана шундай даҳшат билан кишилар қалbidаги озодлик гояларини кўпориб ташлаш мумкин. Ҳатто Мұхаммад Али ҳалфа Эшон дорга осилаёттанды ҳалққа қаратады: «Дуо қилинглар шу золимларни...» Худо урсын демоқчи бўлганда сўзни тугаллашга йўл бермай шу онда осиб юборилди.

Чор маъмуритининг ваҳшийлиги маҳбусларни дорга осганларидан кейин ҳам давом этди. Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори Чайковский «Ҳамма фуқароларни Эшон осилиб турган дорнинг тагига тўплади ва такаббурлик билан туруб, бир тарафдаги тамом солдатларнинг милтигини ўқталиб, мусулмонларга қарши тайёр қилиб қўйиб, шу таклифни қилди: «Мусулмонлар! Сизлар кўзларингизни очинглар! Сизларнинг подшоҳи аълам қошида айб ва гуноҳларингиз кўпдир. Ичингиздаги Эшонга қўшилиб исен қилгонлар бўлса тамом тутиб кўрсатиб берасизлар. Уларни бола-чақалари билан Фарғонада уругларини қуритиб, хонумонларини мусодара қилиниб, иморатлари тўпга тутилиб, ер билан яксон қилинадир».

Шунингдек губернатор императорнинг куч-кудратини мақтаб унинг сиёсатига қарши бош кўтарган кишилар «ер юзидан йўқ қилиниши»ни уқтириб ўтди.

Шундан кейин халқа тарқалишига рухсат бердилар. Мурдалар кеч соат 11 гача дорда сақланди. Сўнгра солдатлар уларни тушириб ўша жойда қазиб кўйилган чукурга оҳак аралаштирган тупроқ билан кўмдилар. Ўша куни кечасидан бошлаб осилганларни кўрган болалар чўчиб ва босинқираб уйгониб ва додлашиб дардга чалиндилар. Уларни орасида ўлганлар ҳам бор эди. Бу вақтларда Муҳаммад Али халфа Эшоннинг оила аъзолари ҳам қўлга олинган эди. Унинг онаси Аслбиби 1898 йил 20 майда поручик Порирентьев томонидан сўроқ қилинган. Онаси айтганки, ўглим 5—6 кунда бир маротаба мендан хабар олиб турган. У менга ҳеч нарса гапирмаган. Қачонки у кетмоқчи бўлганда келиб дуо қилишимни сўради. Мени қаерга кетаяпсан деган саволимга Андижонга тўйга кетаётирман, кечқурун қайтаман деб жавоб берди, холос. Она Маъдали ва Мамад Исҳоқдан иборат иккита ўгли борлигини билдирган. Муҳаммад Али халфа Эшонни қуидагича оила аъзолари Андижон қамоқхонасига ташланган:

1. Асалбиби Ортиқбой қизи 81 ёшда — онаси.
2. Ойимча Сайд Кулава — хотини.
3. Руҳиябиби Исмоилова — хотини.
4. Тожибиби Мақсуд Ҳожи — хотини.
5. Иснарабиби Абдужалиева — хотини.
6. Абдужалил 11 ёшда — ўгли.

7. Абдураҳмон 7 ёшда — ўғли.
8. Неъмат пошша 8 ёшда — қизи.
9. Ҳамрабиби 3 ёшда — қизи.

Уларнинг ҳаммаси Пенза губерниясига сургун қилинди.¹ Бу ерда улар гоятда азоб-уқубатли ва оғир кунларни бошидан кечирадилар. Бу хусусда Мұхаммад Али Эшоннинг Неъмат Пошша исмли қизи шундай дейди: «Бизни Асакада уч кун, Марғилонда беш кун қамаб, Симда (Янги Марғилонда) ҳарбий губернаторнинг ўзи сўроқ қилди. Бир жойдан иккинчи жойга ҳайдаб боришганда орқамиздан милтиқ кўтарган беш аскар доимо кузатиб юрди.

Аввал бизни Сибирга сургун қилмоқчи бўлишди. Симдан поездга ўтириб Ашхабодга бордик. Бу ерда уч кун тургач, Сибирга эмас, Пензага жўнатадиган бўлишди.

Пензага етиб боргач, бизни бир татар эшон (Иброҳим Баишев) кўлига топширдилар. Руслар ҳар кунига 200 грамм нон ва туз беришарди. Пензадаги эшон оқ нон ва қанд берди. Пензада етти йил турдик, (сўнгра) жавоб беришди».²

Кўзголон қатнашчиларидан 777 киши ҳибсга олинди. Кўп кишилар калтаклар ва қийноқларга чидайолмай қамоқхоналарда жон бердилар. Улардан 546 киши суд қилиниб, 32 киши оқланди ва 380 кишига ўлим жазоси берилди. Уларнинг бир қисми қўйидагилардан иборат:

1. Қорабой Араббоев	40	Қора-Қўргон қишлоғи	Ўзбек
2. Саримсоқ Шербоев	68	Қора-Қўргон қишлоғи	Ўзбек
3. Ҳакимбой Ҳайдарбоев	33	Езявон волости	Ўзбек
4. Мұхаммад Розихўжаев	20	Науқат	Қирғиз
5. Қўзибой Гоибов	34	Ичқилин волости	Қирғиз
6. Бекали Абдуллаев	25	Ичқилин волости	Қирғиз
7. Холмирза Ражабов	43	Ҳоқон волости	Ўзбек
8. Қодир ўғли	26	Туплик қишлоғи	Қирғиз
9. Исҳок Тухтажонов	26	Прежвал уезди	Қирғиз
10. Мулла содик Мулла Саидов	34	Қипчоқ қўргони	Ўзбек

¹ УЗР МДА. ФИ-19, 1-рўйхат, 5578-иши, 173-бет.

² Эгамназаров А. Ўша иш, 114—120-бетлар. Аслабиби 1900 йил 4 мартда Пенза шаҳрида вафот этади. Бошқа оила аъзолари омон-эсон ватангага қайтган эдилар.

11.	Мулла Шокир Абду- гаффоров	27	Асака	Уйгур
12.	Матқосим Суфибоев	39	Марғилон уезді	Уйгур
13.	Хушназар Хужаназа- ров	43	Қайрағоч қишлоғи	Ўзбек
14.	Маҳмуджон Мирсаи- дов	44	Шаҳриҳон	Ўзбек
15.	Мұхаммаджон Ҳудой- берганов	20	Шаҳриҳон	Ўзбек
16.	Юсупхұжа Юнусов	36	Андижон шаҳри	Ўзбек
17.	Болтабой Ҳолхужаев	45	Оқ-бүри қишлоғи	Ўзбек
18.	Мирзамаҳамад Мама- юсов	33	Үч-Тепа қишлоғи	Ўзбек
19.	Оллоқұл Абдуллаев	26	Қора-Құргон қишлоғи	Ўзбек
20.	Әғамқұл Ҳудойбердиев	23	Қора-Құргон қишлоғи	Ўзбек
21.	Нурали Шодиев	33	Қора-Тепа қишлоғи	Ўзбек
22.	Мұхаммадали Ахмедов	23	Құкжар қишлоғи	Қырғиз
23.	Абдусаттор Мирза- раймов	27	Яңгибөг қишлоғи	Ўзбек
24.	Мұхаммадаминжон Ишқозоқов	36	Құргонча қишлоғи	Ўзбек
25.	Абдулла Сотиболдиев	28	Үқчи қишлоғи	Қырғиз
26.	Абдуқайм Мұхаммад- иброҳимов	31	Тепа-құргон	Ўзбек
27.	Юсуп Асронқұлов	30	Оқсоқол қишлоғи	Ўзбек
28.	Боймирза Райимбоеv	22	Кучай қишлоғи	Ўзбек
29.	Ҳудойберди Давлатов	35	Булоқбоши қишлоғи	Қырғиз
30.	Маҳкамбой Кокубаев	30	Құқон шаҳари	Ўзбек
31.	Юлдаш Жахонов	34	Шимон қишлоғи	Ўзбек
32.	Эркабой Абдурасулов	29	Құва	Ўзбек
33.	Матмуса Нордиванов	61	Шимон қишлоғи	Ўзбек
34.	Мұхаммад Муллану- ров	25	Минг-Тепа волости	Ўзбек
35.	Бобораим Шомирзаев	65	Минг-Тепа волости	Ўзбек
36.	Аҳмадқұл Маҳмад- кулов	28	Кулин волости	Ўзбек
37.	Ортиқбой Мирсаи- дов	49	Құва	Ўзбек
38.	Уста Мадазим Али- баев	49	Құва	Ўзбек
39.	Ҳайтмаҳамедов Ма- ҳаммад И	29	Кема боши қишлоғи	Қорақал.
40.	Муллаюсов Махам- мад И	23	Андижон шаҳри	Ўзбек
41.	Құлмамат Ортиқбоев			
42.	Алибек Додхο	62	Жалоқудук волости	Қырғиз

43.	Хайтбай Эрназаров Понсад	73	Ёр мазор қишлоғи	Узбек
44.	Маллабой Абдураимов			
45.	Сотиболди Мадкаримов	58	Андижон шаҳари	Узбек
46.	Муллақул Матяқубов	31	Ичкин волости	Қирғиз
47.	Маҳмуд Мирзаҳмидов	21	Шаҳриён	Тожик
48.	Низомиддин Муҳаммадбоев	50	Қўқон шаҳри	Узбек

Улар «Россия ҳукумронлиги»ни агдариш учун курашганлар сифатида қораланади. Мол-мұлкини ҳам мусодара қилиниши ҳақида ҳукм чиқарилди. Уларни орасыда битта тожик ва 10 қирғиз бўлиб қолган 37 тасини узбеклар ташкил этган. Ёш жиҳатдан кўпчилиги 20—50 ўргасида бўлиб, 60 ва 70 ёшдан ошганлар жуда оз бўлган. Маҳмуд Мирза Аҳмад 18 ёшга тўлғунча қамоқхонанинг алоҳида хонасида сақлашга қарор қилинди. Демак босқинчилар шу даражада адолатсизликка йўл қўйган эдиларки балоғатга етмаган болаларга ўлим жазосини қўллашга ҳаракат қилган. Маълумки Андижон атрофларида истиқомат қилувчи қирғизлар ҳам қўзголонда фаол қатнашган эдилар. Шу боис қўйидаги қирғизлар осиб ўлдиришга маҳкум этилди:

1.	Шодибек Халфа Шерғозиев	70	Саях уруги
2.	Уммат Багишбеков	45	Багиш уруги
3.	Тўрабой Бишкамиров	50	Тонг-торт уруги
4.	Мирзабек Нархозиев	50	Багиш уруги
5.	Эгамберди Холибеков	43	Багиш уруги
6.	Қорабош Садиров	65	Багиш уруги
7.	Сталиедил Макашев	55	Багиш уруги
8.	Қулданбай Истамбеков	40	Сартбор уруги
9.	Богишибек Алимбеков	36	Сартбор уруги
10.	Хожибек Аталбоев	43	Багиш уруги
11.	Даки Сотилганов	43	Багиш уруги
12.	Мамака Макашев	42	Багиш уруги
13.	Итбой Осмонов	25	Багиш уруги
14.	Уммат Али Бекмирзаев	47	Багиш уруги
15.	Момет Али Букиев	46	Сартбар уруги
16.	Мулла Асак Бакиев	50	Сартбар уруги

17.	Умр Али Ярашев	47	Сартбар уруги
18.	Мулла Сувонқул Буганнаев	57	Саях уруги
19.	Макм Бишкемпиров	43	Багиш уруги
20.	Умар Бишкемпиров	22	Багиш уруги
21.	Давлат Акимбеков	30	Гуркура уруги
22.	Мурод Акимбеков	28	Гуркура уруги
23.	Мулла Жоникүл Карабаев	29	Гуркура уруги
24.	Байнаркиев	45	Багиш уруги
25.	Бабабек Мирадилев	60	Багиш уруги
26.	Тохтагул Сотилганов	34	Сартбар уруги
27.	Тинали Чибилов	35	Колпач уруги
28.	Хужамберди Куйбакаров	58	Шихмамат уруги
29.	Кипчокбой Тулаганов	49	Хутчи уруги
30.	Хайдар Али Холмирзаев	27	Учинчи аул жамоси
31.	Сары Агдашев	22	Саях уруги
32.	Баратали Содиков	43	Бечет уруги
33.	Салман Исмаилов	48	Бечет уруги
34.	Хадирали Содиков	40	Бечет уруги
35.	Мамир Суранчиев	31	Кукинай уруги
36.	Курама Суранчев	26	Кукинай уруги
37.	Качка Хайдарбеков	44	Кукинай уруги
38.	Алибек Жундибаев	40	Кукинай уруги
39.	Үрмонбек Ниязбеков	47	Кукинай уруги
40.	Алике Сачинжаев	40	Кукинай уруги
41.	Ибике Үрмонбеков	22	Кукинай уруги
42.	Иброҳим Бакаев	27	Кукинай уруги
43.	Құлсасин Байсанов	47	Кукинай уруги
44.	Баргим Исмаилов	37	Бечет уруги
45.	Бақай Бекбулатов	70	Кукинай уруги
46.	Бектан Ярашев	57	Сарибагиш уруги
47.	Құлназар Яубасаров	25	Сарибагиш уруги
48.	Нусунали Мадамиров	60	Сарибагиш уруги
49.	Сауран Ярқинбаев	25	Сарибагиш уруги
50.	Қыргизбай Адиеv	17	Сарибагиш уруги
51.	Маймил Жон Узоков	30	Сарибагиш уруги
52.	Умика Ярашев	48	Сарибагиш уруги
53.	Ярқинбай Даирбеков	58	Сарибагиш уруги
54.	Шашмир Найманов	56	Сарибагиш уруги
55.	Жанузак Баишев	62	Сарибагиш уруги
56.	Мааке Ярашев	44	Сарибагиш уруги

Күрсатилған кишиларнинг ёши 30—40 атрофи ва ундан ошган кишилар ташкил этиб уларни сардори Шодибек Шерғозибеков 70 ёшда бўлган. Бу шахс Муҳаммад Али халфа Эшоннинг энг салоҳиятли муридларидан ҳисобланган. Умуман рўйхатдаги осиб

үлдиришга мақум этилган қирғизларни ҳаммаси Эшоннинг муридлари сифатида зулмга қарши курашгандар. Шунинг учун ҳам прокурор айбномаси ва суд ҳукмида улар Эшон билан биргаликда чор ҳукуматининг ҳукмронлигига қарши курашгандилари қайд этилган.

Суд ҳукмида Қирғизбой Адиевнинг ёшлиги ҳисобга олинниб 18 ёшга тўлгунча қамоқда сақлаб туриш лозимлиги кўрсатилди. Қузголонларни иккита катта гурухи устида утказилган судни олдингиси Андижонда, кейинчалик Наманганда утказилди. Умуман қўзголончилар бир нечта гуруҳларга бўлинган ҳолда суд қилинди. 1898 йил 17 августда генерал-майор Любовский раислигига суд ҳукми эълон қилиниб қўзголоннинг йирик раҳбарларидан бири Иноятхон Искандар Тўра ўғли осиб үлдириш ва мол-мулкини мусодара қилишга ҳукм қилинди. Шунингдек, уни яширганлар Тухтасин Ризакул ўғли, Мухаммад Алимхон Дивон ўғли, Таниберди Утбосар ўғлига осиб үлдириш жазоси берилди. Шу равишда жами 380 кишига осиб үлдириш жазоси белгиланди. Бундан ташқари судгача кўчаларда ва терговда юзлаб кишилар үлдирилганлиги ҳисобга олинса фожиага фожиа қўшилади. Хусусан Фозилбек Отабек ўғлининг ёзишича Мухаммад Али халфа Эшонни қамалганидан 9 кундан кейин 15 киши судсиз осилган эди. Шубҳасиз, қўзголон баҳонасида қанчадан қанча одамларни үлдирилиши халқнинг чор маъмуриятига қарши нафрати янада кучайиб кетиш хавфини тугдирган. Шунинг учун Россия ҳарбий вазири А. Н. Курапаткин Туркистон генерал-губернатори С. М. Духовскийга шундай телеграмма юборган:

«Улим жазосини ниҳоятда эҳтиётлик билан қўллаб фақат уни қўзголон бошлиқларига нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки осиб үлдиришларни кўпайтириш халқни тинчлантиришга олиб келмайди. Ҳамда бутун Осиёда Россия обрўсини тушириши мумкин». С. М. Духовский бу кўрсатма асосида улим жазосини каторга ишларига ва турли муддатли қамоқларга алмаштириди. Зоро, 380 кишидан 22 кишига берилган улим жазоси ўз кучида қолдирилди:

¹ ЦГВИА России.ФИ-400, ОП-1, д-2178, л.109-бет.

1. Мұхаммад Али халфа Собир ўғли
2. Фойибназар Ортиқ Сұфи ўғли
3. Мулла Қосим Амин Араббой ўғли
4. Рустамбек Сотиболдибек ўғли
5. Мирзаҳамдам Усмонбек ўғли
6. Иноятхон Искандар Тұра ўғли
7. Бутабой Гайнибай ўғли
8. Қорабой Араббой ўғли
9. Саримсоқ Шербой ўғли
10. Бекали Абдулла ўғли
11. Холмирза Баққол Ражаббой ўғли
12. Мирза Мұхаммад Малла Юсуф ўғли
13. Нурали Шоди ўғли
14. Маңкабой Ҳожи Қоқубой ўғли
15. Маллабой Абдураим ўғли
16. Сотиболди Мадкарим ўғли
17. Бобараим Шомирза ўғли
18. Эркабой Абдурасул хұжа ўғли
19. Субхонқұл Араббой ўғли
20. Мұхаммад Раҳим Иброҳим Раим ўғли
21. Абдураҳмон Мулла Розиқ ўғли
22. Исройлхұжа Уста Тош ўғли

Агар ушбу рүйхатдагиларга олдинги сақиfalарда күрсатылғаныдек суд ҳукмисиз 15 кишини үлдирганлар құшилса у вақтда осилғанларни сони 37 кишини ташкил этади. Бундан ташқари құзғолончиларни ушлаш вақтида күчаларда юзлаб одамларни үлдирилғанлиги ҳисобға олинса оммавий қыргын юз берганлығи аён бўлади. Умумлаштирганда суд ҳукми ниҳоятда шафқатсизлиги билан ажralиб турган:

Тергов қилинғанлар	546 киши
Терговда оқланғанлар	131 киши
Судда оқланғанлар	32 киши
Қамоққа ҳукм қилинғанлар	2 киши
Тарбиявий қамоққа ҳукм этилғанлар ¹	1 киши
Осиб үлдиришга ҳукм қилинғанлар	380 киши
Умурбод сургунга	3 киши
20 йиллик сургунга	147 киши
15 йиллик сургунга	41 киши
13 йиллик сургунга	1 киши

¹ Бу ерда 18 ёшга тұлмаган үспирин бола назарда туғилмоқда. У бу ёшга еттандан сұнг қайтадан суд қилинади.

8 йиллик сургунга	1 киши
7 йиллик сургунга	147 киши
4 йиллик сургунга	4 киши
Қамоқхонада сақлашға	3 киши
Осиб үлдиришга	18 киши ¹

Шу равищда ұлымга ҳукм этилғанлардан 18 киши осилиб қолғанлари каторгага ва турли муддат билан қамоққа ташланди. Осилғанларни сони эса 22 кишини ташкил қылади.

Чор маъмурияти құзғолончиларни жисмоний жиҳатдан қириш билан бир қаторда уларни үй-жойлағарни ҳам остин-устун қилиб ташлади. Бириңчи навбатда құзғолон бошланған жойлари Мингтепа, Тожик ва Қашқар қишлоқлари бузиб ташлашға киришилди. Аммо бу оддий бузиш бұлмай қурол ишлатилди. Бу даҳшатли манзара ҳақида Фозилбек Отабек ўғли шундай дейди: «Солдатлар Мингтепа қишлоқ фуқаролари устига кечалаб бориб, жануб томондан саҳар вақтида тұпға тутиб қолдилар. Аксар хотинлар бешікларидағи болаларни зұрга ешиб олиб қочдилар. Баъзилари шунға ҳам қодир бұлмай, жонларини олиб қочғанлар...

Мингтепага борган солдатлар уч кун муттасил құзларига күринган халқни, ҳатто «машқ» деб товуқ ва итларгача отиб юборған эди. Уч кундан сүнг Мингтепа қишлоғининг ичидә ҳеч ким қолмагандан кейин солдатлар кириб, талон-тарож қилиб, тамом күрпа-тұшакларни олиб чиқиб, кигиз ва гиламларини Мингтепанинг катта «Ийитоҳ» масжидига йиғиб, ҳатто коса ва тобоқларни шу масжидға тұплади ва ким бұлса бұлсунг, атрофдаги қишлоқлардан мингбошиларға қылғон буюруги билан мардикор чақирди. Атроф қишлоқлардан ҳар қайси мингбоши құл остидан 2000 дан мардикор ёзіб олдириб келди». Мана шундай күчгайрат билан инсон қадри-қиммати ерга урулиб 15 кун мобайнида қишлоқлар теп-текис қилинди. Ҳатто Чор маъмурияти вакиллари Мұхаммадали Халфа Эшоннинг бойликлари күмилған дейишиб ерларни бир неча кун давомида беҳудага қавлатадилар. Қишлоқлардан 680 хонадон күчирилиб халқ хору зор ва саргардон булиб қаерға боришини билмай тұзид кетди. Уларни ўрнида Россиядан күчириб келтирілған

¹ «Русский Инвалид», 1898 йил, № 217.

200 оиласдан иборат кишиларнинг «Русское село» номида посёлкалари юзага келди.¹ Аммо Мұхаммад Али Халфа Эшон кутубхонасидан 755 жилдан иборат құләзма асарлар олинди. Уларни орасида Хофизнинг шеърлари ҳам бор эди. Бинобарин у ниҳоятда үқимишли ва билимли киши булиб күп китобларни үқиган. Шунингдек унинг ерлари ва уйини тасдиқловчи 29 васиқа ҳужжати топилди. 1898 йил 26 майда үлкәдеги йирик бойлардан бири А. Пинхасов Туркестон генерал-губернаторига ариза ёзіб ундан Мұхаммад Али халфа Эшон жами 2427 сұмлик турли газламаларни қарзға олғанligини ва уни ундириб беришни сұраган. Бунга суд ҳукм чиқарып жавоб беради деб жавоб берилген.

Бу ердаги рус ақолисига давлат томонидан 28, 500 сұм берилиб уйларни тезлик билан қурилишига яқындан ёрдам күрсатылды.

1899 йил 1 сентябрига келиб қисқа вақт ичидә 704 кишидан иборат 184 ҳұжалик ташкил топди. Улардан 114 ҳұжалик уйларини битказған. Учта сув тегирмони қурилди. Уларни 271 бош йирик ва майда қорамолла-ри, 84 араваси ва 22 илучи бор эди. Бириңчи йилиәк улар ердан 2717 пуд бүгдей, 400 пуд арпа, 157 пуд сули, 350 пуд тарық, 3,500 пуддан ортиқ жұхори, 60 пуд пахта, 200 минг bog беда ва ҳашшак олғанлар. Ваҳолан-ки улар арзимаган юқ билан Россиядан күчиб келған әдилар. Ҳұкуматни ташаббуси билан черков қуриш ҳам режалаштирилди.

Чор маъмурияти Министепа ва Андижон шаҳри оралиғидаги құзғолончилар босиб үтган ва уларға хайри-хохлик билдирган 29 қишлоқни бузиб ташлаш масала-сини күттарған эди. Оқибатда Ҳақан волостидағи 5 қишлоқ бузиб ташланиб 700 хонадон йўқ қилинган. Масалан Дон қишлоғи ҳам шулар жумласидан эди.² Ҳақан қишлоғини бузилиши ҳам фожиали кечди. Унинг ақолиси узларини орасидан 15 кишилик вакиль сайлашиб арз қилиш учун Тошкентта жұнатылды. Аммо бу ерда уларни илтимоси инобатта олинмади. Улар Андижонга қайтганларидан сұнг маҳаллий чор маъмурияти «сизларми ҳали арз қиладиганлар» деб уларни ҳаммасини ҳибсга олади. Бузиладиган жойлар үлча-

¹ ЦГВИА России. Ф-400, ОП-1, Д-2698, л. 13.
² УзР МДА, ФИ-19, 1-рўйхат, 5577-иш, 5-бет.

ниб ва белги сифатида байроқлар қадалган эди. Бу ердаги уйларни әгаларини ўзлари бузиши лозим эди. «Маъмур бўлган тўралар ўз аскарлари билан чодирларни тикиб, халқ кўзида ҳар куни машқ қилиб турдилар. Бир кун тамом фуқарони чақириб, губернатор томонидан берилган фармон қоғозини ушлаб туриб халқقا шундай амр ва фармойиш қилдики: «Агар сизлар ушбу кундан бошлаб байроқ тикилган жойлардаги иморат ва боғларингизни бузиб, бир ҳафта ичида саранжом қилиб, ялангоч қилмасангизлар, биз ўзимиз бузамиз. У вақтда сизлар ҳеч нарсангизга молик бўлолмайсизлар, ҳар нарсаки қўлимизга кирса ўлган солдатларнинг фойдасига олинадир. Эртадан иш бошласангизлар хўб, то сизлар тамом очиб олиб, яланг қилиб бизга топширганларингизгача ўзимиз устида турамиз. Шунга кўнмасангизлар ўзларингизга ҳам Йиқчи эшонга (Муҳаммадалига) бериладиган жазодек жазо бериладир!» деганда халқ замоннинг қўрқинчли вақтидан хавфланиб: «Тақсир тўралар! Бизга бу йил фурсат берсангизлар, меваларимиз ва узумларимизни йигишириб сотиб олсак. Қўлимизга пул тушиб, кейин бир жойга бориб ватан қилиб ўтирсак, алҳол бузуб ол дейсиз, қандай қилиб шу мева қилиб турган дараҳтларни кесамиз?!» деб арз қилдилар. Золимлар бераҳимликни имтихонасига ётқазиб оқ подшонинг ҳукмини бажо келтиришдан бошқа чора йўқ: Эртага бузасизми ёки бузмайсизми? Шуни айтасиз, агар бузмас экансиз, бу кун биз тўп қуввати ила вайрон қилиб ер билан баробар қиламиз. Ўзингизни император аъламга қарши бўлган ва ҳукуматга қаршилик қилганлар қаторида ҳисоб қиламиз. Гап шул, ҳайд... жўна деб қувиб юборди.

Мазлумлар йиглаб-йиглаб тарқалгандан кейин отрава тарадуд қилиб, эртаси асбоб ва рўзгорларини бўшатдилар. Қишлоқнинг четидаги ҳовлиларга ташимоққа бошладилар. Фоят шошилинч суратда рўзгорларини ташиб кейин қон йиглаб иморатларни очиб ташладилар, бу йиглаб турган мазлумлар устига тўралар ва солдатлар келиб «сен эшонми!» деб масхара қилар эдилар».

Демак чор ҳукуматининг зўравонлиги ва ваҳшийлигининг чегараси бўлмай «сен эшонми?» деб таъна қилиб кўзголон учун уч олишни давом эттираберди. Бу ерда шуни бир тасаввур этайлик: Ҳар жиҳатдан хўрланган ва

қашшоқланган оддий дәхқонларни янги уй жой қуришлари осонмиди? Буни устига машақатли меңнат билан етиширилган ҳосил ва даромаддан маҳрум этилиши уйланса, нақадар даҳшат бўлганлигини яққол қуриш мумкин. Аммо дәхқонни ғам-аламга тўлиб йиглашдан бошқа чора қолмаган. Шунда ҳам дәхқонни ўз ҳолига қўйишмай жазолай берди. Чунончи солдатлар бир дәхқоннинг тинимсиз йиглаётганини кўриб: нима учун йиглайсан деб сўраганда, у жавоб берган: «Ҳоким губернаторларининг бераҳимлиги, биздек камбагал фуқароларни беҳонумон қилганича ва бола-чақаларимиз билан кўчада қолғонимизга йиглайман», деганда «Сан ҳоким губернаторни золим дединг» деб гувоҳ бўлиб ўн йиллик Сибирга ҳукм қилиб, бола-чақаларига кўрсатмай жўнатиб юборилгандир».

Бузиб ташланган уй-жойлар ва боғлар ўрнига Туркистон генерал-губернатори Духовский номида «Духовский майдони» барбод этилди. Бироқ ҳалқ орасида уни «вайрон» дейиши одат тусига кириб кетди. Юқорида кўрсатилганидек қўзголон қатнашчиларини Сибирга каторга ишларига сургун қилинган эди. Камина Сибир архивларида кўп йиллар мобайнида ишлаганимда уларга тегишли айрим ҳужжатларни топдим. Буларга кўра Тобольск қамоқхонасида 1898 йил қўзголон қатнашчиларидан бир неча киши турган:

1. Боев Масоли Исмоил — 33 ёшда.
2. Мазнаев Султонқул Уста — 27 ёшда.
3. Нематуллаев Мулла Иззатулла — 36 ёшда.
4. Полвонов Мадраим Гозий — 38 ёшда.
5. Абдуқодиров Абдусаттор — 26 ёшда.
6. Тожибоев Йулдошбой — 23 ёшда.
7. Ташматов Аҳмадали — 23 ёшда.
8. Алиев Холмирза Вали Ражабов — 43 ёшда.
9. Аббосов Қодиркул — 36 ёшда.
10. Абдураҳмонов Мулла Олимбек.
11. Каримов Маҳмадгоз — 59 ёшда.
12. Жонибеков Сотиболди.
13. Жазнаев Султонқул Уста — 27 ёшда¹.

¹ Шунингдек Тобольск қамоқхонасида Самарқандда турли сабаблар билан каторга ишларига ҳукм қилинган — Султон Сафаров, Ҳудойберди Каримов, Йулдош Расулов, Турабой Султонов, Ҳолик Умурзоқов, Турахўжа Олимхўжев, Имомхўжа Бобохўжаев, Рузимурод Яхшибоев сингари узбеклар жойлаштирган. Улардан айрим маҳбуслар Шарқий Сибир, Нерчинск, Александров каторга ишларига жўнатилган.

Қамоқхона хужжатида күрсатилган кишилар «За участие в бунте против правительства», яъни ҳукуматга қарши исёнда қатнашганликлари учун жазоланганилиги уқдириб ўтилган.

Чор ҳукумати Мингтепа, Тожик ва Қашқар қишлоқларидағи 680 оиласи «Какир» деган дашту биёбонга ҳайдади. Уларни ҳаммасини қириб ташлаш ёки ўлқадан сургун қилиш ҳақида таклифлар қилинган эди. Аммо, императорнинг «марҳамати» билан уларга ўша даштта ўрнашишга рухсат берилди. Шунинг учун улар ўрнашган жойларни «Марҳамат» дейиш одат тулага кириб кетди.

Шу равища құзғолон қатнашчилари жонидан ҳам мол-мұлқидан маҳрум этилди. «Какир»га зұрлаб күчиририлган юзлаб кишилар, — дейди гувоҳлардан бири, — 2—3 йил мобайнида жуда күп азоб-уқубатларни ва қийинчиликларни бошидан кечирдилар. Улар гоятда машақ-қатли меңнат әвазасига сунъий сугориши тармоқларини, уй-жойларни ва богларни янгидан бунёд этдилар. Эндиликда Какир чүлини таний олмайсиз, негаки у bogу-бустонга айланған. Сиртдангина тұқчилікка ушшайды. Собиқ яхши уйлар ва мұл-құлчилик йүқ, кейин ҳам бұлмайды. Айниқса, кекса кишиларга раҳминг келади. Чунки улар қадимдан ота-боболари дағы қилинган ва ўзларини туғилиб ўстап жойларни әзилиб юракларида сақладылар. Мен, уларни юзидағи ғам-ғүссаларни күрдім ҳамда бақтсиз ва хұрланған ҳолати сезилиб турибди. Мен саволларимға улар хұрсиниб ва унчалик хоҳищ бермай жавоб берардилар. Уларни ҳаммаси 732 киши ҳисобланыб ҳар бир оиласа бир десятинадан ортиқ ер вақтингчалик фойдаланиш учун берилған эди... Улар күп вақтдан буён азоб-уқубатларни тортаётгандарларини ва наҳотки буларни ниҳоясига етмаслиги ҳақида нолиб гапирдилар. Мен кексаларни құлларини күкракларига қўйиб таъзим қилғандарини ва бошларидаги оқ соchlарини титраётганини күрдим».¹

Чор ҳукумати құзғолон орқасида ҳалок бұлған солдатлар оиласига ва бошқа зиён күрган кишиларга молиявий ёрдам беришни ташкил қылди. Натижада уз даври учун катта маблаг ҳисобланған 16.095 сүм хайрия сифатида тұпланди. Бухоро хони эса 1600 сүм

¹ Салыков В. П. Марҳамат.«Ферганская областная ведомость», 1907, №105.

юборган эди. Бу маблағлар тегишли кишиларга тарқатилди. Шунингдек ёрдам пули құзголон қатнашчиларини мол-мұлқини мусодара қилиш ҳисобига ҳам тұлдирилиб борилди. Гарчанд құзголон тор-мор этилган бұлсада, лекин у үзбек, қыргыз, тожик ва бошқа туб ахоли вакилларини мустақиллик ва озодлик учун олиб борган қаҳрамонона куашларининг энг ёрқин намунаси сифатида тарих сақыфаларига битилди. Унинг энг муҳим аҳамиятларидан бири шуки құзғлончилар Чор ҳукуматининг асосий таянчи — ҳарбий гарнizonға ҳужум қилиб қаҳрамонлик намунасини нағайиш этди. Бундай воқеа озодлик куашларининг тарихида камдан-кам учрайдиган воқеадир. Одатда маъмурият вакиллари ва бошқармаларига ҳужум қилингандығы маълумдир. Масалан 1892 ва 1916 йылдардаги құзғолонлар шулар жумласидандир.

XX аср бошларида Туркистанда истиқлол учун курашлар

XX асрнинг бошларида Россияда ниҳоятда оғир шароит ва чуқур инқизор ҳукм сурди. Унинг 1904 йилда Япония билан урушда маглубиятга учраши ва катта талофат кўриши мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига катта зарба берди. Натижада ишчиларнинг ҳаёти оғирлашди ва ҳақ-ҳуқуқлари инкор этилди. Минглаб кишилар қамоқقا ташланди, сургун қилинди. Кўп йиллар ўтмай Россия 1914 йилда даҳшатли жаҳон урушига тортилди. У бу урушда ҳам бирин-кетин маглубиятга учраб катта талофатларни курди. Бутун мамлакатда очарчилик ва оммавий касалликлар кўзга ташланди.

Россиянинг мушкул аҳволи унинг мустамлакаси, хусусан Туркистон заминини ҳам қамраб олди. Чор ҳукумати ва капиталистлар уруш баҳонасида ўлкадан 41 млн. пуд пахта, 3 млн. пуд пахта ёғи, 200 минг пуд совун, 70 минг от, 12797 тую, 300 минг пуд гүшт, 474 минг пуд балиқ, 270 арава, 1344 утов, кўп миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари, куруқ меваларни Россияга олиб кетишди. Шунингдек, 1915 йилда Сирдарё ва Еттисув вилоятларидан бир миллион қўй жўнатилди. Маълумки, Чор маъмурияти ўлкада галла экинларини қисқартириш ҳисобига пахтачиликни ривожлантирган. У галлани Россия ичкарисидан келтириб катта даромадни кўлга киритмоқда эди. Аммо уруш туфайли галлани келтириш кескин камайди. Чунонча, 1916 йилдан Фаргона вилоятига келтириладиган галласи 12—14 млн. пудга камайди. Бутун ўлкада эса галла етишмовчилиги 22 млн. пудни ташкил этди. Озиқ-овқат, кийим-кечак, газлама ва қурилиш жиҳозларини нархи кун сайин ошиб борди. Масалан газламаларнинг нархи 300—400, кийим-кечакларники 200—300, қандники 250, пойафзалларники 300—400 фоизга кўтарилилди. Фаргона водийсида илгари 5 сўм турадиган отнинг нархи 100—200, 5 сўмлик қўйники — 30—35 сўмга ошди. Галла ва нонни нархлари жуда кўтарилиб кетди. Турли солиқлар ва йигинларни кўпайиши

мехнаткаш оммани аҳволини янада ёмонлаштириди. Ер солиги 1914 йилдаги 6.859.021 сүмдан 1916 йилда 14.311.771 сүмга етди. Бир пуд пахта толасига 2 сүм 50 тийиндан құшимча солиқ олиш жорий этилди. 1915 йил январдан бошлаб, туб аҳолидан ҳарбий хизматни үтамаганликлари эвазига даромадлардан құшимча 21 фоиз солиқ олиш буюрилди. Уруш туфайли пахта нарыхи күтарили. Бундан пахтакорлар бир мунча фойда куришлари мүмкін еди. Бирок чор ҳукумати тұқимачилик саноат әгаларининг талабига күра пахтанинг бозор нархини 30—31 сүмдан 24,05 сүмга тушириди. Бу деҳқонларға катта зиён келтирған бұлса, капиталистларни құнтағини тұлдирди. Масалан, биргина Твер тұқимачилик саноати 1913—1914 йилларда пахтанинг эски нархидан 1.893.000 сүм фойда олган бұлса кейинги 1915—1916 йилларда у 9.931.000 сүмга күтарили. Деҳқон оммаси банклар, фирмалар ва маҳаллий судхұрлардан олган қарзлари орқасида ҳам қашшоқлашған әдилар.

Чор ҳукуматининг Россиядан минглаб кишиларни үлкага күчириб келтириши ҳам катта талофатларни юзага келтирди. Зеро, туб аҳолининг ерларида «Рус посёлкалари» ва шаҳарлари пайдо бўлди. Давлат томонидан маҳаллий аҳолидан кўп ерлар тортиб олинди. Чунончи:

Сирдарё вилоятида	476.000	десят.
Фаргона вилоятида	75.000	десят.
Самарқанд вилоятида	3000	десят.
Каспийорти вилоятида	7000	десят.
Ж а м и :	561.000	десят.

Деҳқонлар очлиқдан үлмаслик учун банклар ва судхұрлардан қарз олишга мажбур бўлганлар. 1916 йилга тегишли маълумотта кўра деҳқонларни бўйнидаги қарзи 156.7 млн. сүм ҳисобланиб ундан 80 млн. сўми Фаргона вилоятига тўғри келган.

Туркистон генерал-губернатори А. Н. Куропаткининг тан олишича фақат Фаргона вилояти бўйича қарзларни ундириш учун судга берилган шартномаларнинг ҳажми 16 млн. сўмни ташкил этган. Қарзларни уза олмаган деҳқонларнинг ери ва умуман мол-мулки тортиб олиниб сотилган. Бунинг орқасида ерсиз деҳқонлар хўжалиги кўпайиб, мардикор ва

чорикорлар сони ошиб қетган. 1916 йил қўзголонининг қатнашчиси Тожибой Муминов дейди: «Марғилон шаҳари ва атроф жойларида мингбошлилар, элликбошилар, судхўрлар камбагалларни қаттиқ эзганлар. Айниқса, чорикорларни ҳаёти оғир бўлиб бир йилга 5 тилла (19 сўм) олардим. Оғир аҳволга тушганлигим учун судхўрдан қарз олишга мажбур бўлганмиз. Аммо қарзни узолмай қўл каби ишлаганимиз».

Бошқа қўзголон қатнашчиси Ислом Раҳимов хунармандлар оғир солиқларни солиниши орқасида жуда мушкул ҳаёт кечирганликларини уқдириб ўтади.

Маълумки, пахта тозалаш заводларида ўзбек ишчилари ҳам ишлаган. Шундай ишчилардан ва қўзголон қатнашчиси Мамажон Тошпўлатовнинг айтишича, Марғилондаги заводларда ишлайдиган ишчиларга жуда оз иш ҳақи тўланиб уларнинг турмуши гоятда ачинарли бўлган. Қишлоқларда сув масаласи бўйича ҳам тўқнашувлар бўлиб, ундан биринчи навбатда бойлар фойдаланган. Бинобарин, дехқонлар сувни етишмаслигидан ҳам жабрланганлар.

Ваҳоланки, сунъий сугориш тармоқларини қуриш ва тозалаб туриш дехқонлар томонидан хашар йўли амалга ошириларди.

Хуллас, XX аср бошларида ўлкада мисли кўрилмаган даражада оғир аҳвол юзага келиб ҳалқнинг қашшоқланиши кенг қулоч ёйди. Буни шоир Завқийнинг:

Қаҳатчилик бўлди, бу Фарғонамизда
Топилмас парча нон вайронамизда
Ўлим хавфи ўраб қишлоқларни
На қишлоқу жибол авлокларни
Кирилди қанча одамлар вабодан
Нишона қолмади меҳру вафодан, —

дэя битган сатрларидан англаб олиш мумкин.

Халқ оммасининг ўша даврдаги оғир ҳаёти ватанпарвар шоир Таваллонинг ижодида ҳам ўз ифодасини топган:

Камбағаллар бечоралар ҳолин сўрар бир кимса йўқ
Тортудур қимматчиликда кунда заҳматлар дариф.
Бойлар олди ғалла арzon ҷоғда омбор тўлдириб
Камбағаллардан чиқар чанг, қилса ҳасратлар дариф.
Ўлди бу қимматчиликдан камбағаллар ҳоли танг.

*Илтифот этмас ғанимлар, йүкмө дийнотлар дарыг.
Үйлангиз инсоф этиб, ёшу-қарилар эмди оз
Ёзаман ҳаққонасан, йүк манда тұхматлар дарыг.
Кел Тавалло, сен ҳақиқат сүзин ёз ўшурмайин
Зое ўлмас миілдата ҳар қанча хизматлар дарыг.*

Мана шундай чидаб бұлмайдиган шароитда 1916 йыл 25 июнда рус императори Николай II нинг имзоси билан «Империядаги рус бұлмаган әрқакларни ҳаракатдаги құшин районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йұлларини куриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бұлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақидағы» фармон әйлон қилинді. Бунга күра Туркестон генерал-губернаторлигидеги Сирдаре, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспийорти вилоятларидеги 19 дан 43 ёшгача бұлған кишилар олинини керак еди. Бу фармон туб ақоли орасыда «мардикорликка» олиш ибораси билан кең тарқалды. Император фармона бусиз ҳам азоб-уқубатларда ва дарду аламларда яшаёттан меңнатқаш оммани ларзага солди ва қаҳр-газабини янада кучайтириб юборди. Үн минглаб ишга яроқли кишиларни олиб кетилиши күп оиласаларни боқимандасиз қолишиларига олиб келарди. Бир умр четта чиқмаган одамларни узоқ ва совук жойларга юборилиши маҳаллий халқ учун гайритабиий бир фожиа еди. Ҳатто, «хұкумат мардикорлик ниқобида кишиларни урушға олиб кетади» — деган сүзлар халқни янада қаттиқроқ ташвишлантируди. Бундан ташқари, үн минглаб кишиларни тұплашға ва жұнатишиға мутлақо тайёргарлік бұлмай фармон тұсатдан пайдо бұлди. Ҳатто, рус маъмурияти оғир ақволға тушиб нима қилишини билмай қолди. Бунинг устига маҳаллий халқ узоқ масофаларға бориш учун ҳеч қандай имконларға эга әмас еди. Шунинг учун ҳам ҳарбий вазирнинг үринбосары П. А. Фролов өзгән: «Туб ақоли ва маъмурият бегона жойларға мардикорларни юборишиға тайёр әмас әдилар, аммо шунға қарамай бу ишға шошилинч равищда кирилиши катта тартибсизликтарни юзага келтириб, рус қонини тұкилишиға ва қурол ишлатилишиға олиб келді».¹

¹ ЦГВИА России. Ф. Штаб Туркестанского военного округа ОП-3, д. 549, л-75.

Мазкур мисраларда құзғодонни сиёсий ва ижтимои-иқтисодий заминлари эмас, балки унга турткі бұлған сабаблари хусусида фикр юритилған бұлса-да, лекин мардикорликка олишдаги тартибсизликтер ва адолатсизликтер уни тезлаштирган омиллардан бири эканлиги күриниб турибди. Маҳаллий маъмурият вакиллари император фармонидан бойлик орттиришта ҳаракат қилиб, үз вазифаларини суистеъмол қылдилар. Ҳатто, Туркистан генерал-губернатори А. Куропаткин бу адолатсизликни тан олишга мажбур бұлған эди: «Мардикорликка олиш масаласи бўйича Самарқанд, Фарғона ва Сирдарә вилоятлардан бұлған вақтимда, — деб ёзган у, — менга оғзаки ва ёзма рашишда қилинган шикоятлардан маҳаллий маъмуриятни кўп суистеъмол қылганликлари маълум бўлди.

Волост бошлиқлари, қишлоқ оқсоқоллари ва уларнинг кўрсатмаси билан иш юритувчи элликбошилар мардикорликка император олий ҳазратларининг фармони бўйича қилинаётганлигини унудишиб, уни бажарилишига ёрдам беришни ўрнига ахолидан пора олиш ва буни бермовчи кишиларга зўравонлик қилишиб қамашгача борганлар».¹

Маҳаллий маъмурият вакиллари бойларни ўғилларини мардикорликка сафарбар этишдан олиб қолиш учун пора олғанлар ва уларни ўрнига камбагалларни юборишига зўр бериб ҳаракат қылганлар. Чунки рус маъмурияти пул эвазига камбагалларни бойларнинг фарзандларини ўрнига юбориш ҳуқуқини берган эди. Бу порахўрликка ва камбагалларни қандай бўлмасин кўпроқ сафарбар этишга кенг имкониятларни яратди. Маъмурият вакилларини ҳамиша бойларни тарафида туриб иш юритиши оддий кишиларнинг қаҳргазабини уйготди. Бу хусусда ўша А. Н. Куропаткин ўзининг император Николай ІІга ёзган хатида деган: «Қарзни ундириш учун деҳқонларни ерлари ва иш куроллари, умуман, ҳамма нарсаси сотилган. Волост оқсоқоллари ва қозилари кўп ҳолларда бойлар тарафида туришиб масалани тиришқоқлик билан уларни фойдасига ҳал қылганлар. Фарғона, Сирдарә ва Самарқанд вилоятларининг камбагаллашган ҳалқ оммаси ўзларининг маҳаллий маъмурияти ва қозиларидан норози бўлишганликлари учун қўзғолон пайтида во-

¹ «Туркестанские ведомости» 1916, № 206.

лост оқсоқолларига ва котибларига қарши ҳужум қылғанлар».¹

Айни бир пайтда маҳаллий маъмуриятнинг чор ҳукуматини мустамлакачилик ва миллий зулмини амалга оширишдаги воситачилиги ҳам аҳолининг нафратини уйғотган. Бундан ташқари, маҳаллий маъмурият чор ҳукуматининг халқ ҳаракатларини бўғиб турувчи олдинги сафдаги қалқони ва кучи ҳисобланган. Шу боис қўзғолончиларга биринчи навбатда улар билан тўқнашиши табиий ҳол эди. Бундан қўзғолонга хайрихоҳлик билдирган маҳаллий юқори табақанинг илгор қисмлари мустаснодир, албатта.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ ҚЎЗҒОЛОНЛАР

Бу қўзғолон илк бор Хўжанд шаҳрида юзага келган эди. 4 июл куни халқ оммаси полиция идорасига тўпланиб мардикорликка олишни дарҳол тўхтатишни қатъий равишда талаб қилди. Маъмурият вакилларининг оломонни тинчтишга қаратилган ҳаракатлари натижада бермай бақириқ-чақириқлар давом этаберган. Полиция хизматчилари оломонни тарқатишга ҳаракат қилганда қаршилик кўрсатилди ва тошлар отилди. Сунгра оломон бир гурӯҳ аскарларни қуршаб миллиқни тортиб олишга ҳаракат қилдилар. Ҳатто, оломон томонидан ўқ отилган. Бунга жавобан солдатлар уларни ўққа тутдилар, натижада қўзғолончилардан икки киши ўлдириб, бир киши жароҳатланди.² Шундан кейин оломон дарҳол тарқалди. Аммо солдатларнинг куролсиз аҳолига ҳужуми ва кишиларнинг ўлдирилиши сабр косаси тўлиб-тошган халқни қўрқита олмади.

1916 йил 5 июлда оломон Сиёб, Маҳаллин, Ахрорхўжа ва Ангор волостларида «биз мардикорликка бормаймиз», «биз очмиз» ва шунга ўхшащ сўзлар билан қўзғолон кўтардилар. Улар учта қишлоқ оқсоқолларини ўлдирмоқчи эканликларини шовқинсурон билан изҳор этдилар. Уезд бошлиги ўша оқсоқолларни ишдан бўшатганидан кейин оломон тинчиди.³ 5 июлда Ургутда икки минг кишилик оло-

¹ «Туркестанские ведомости» 1916, № 206.

² ЦГВИА России. Ф. Главное управление Генерального штаба, оп. 2, д. 2390, л. 10.

³ ЎзР МДА. Ф. Туркестон генерал-губернаторлигининг идораси, 31-рўйхат, 1135-иш, 18-бет.

мон маъмурият идорасига бостириб кириб, мардикорлик рўйхатини йўқ қилиб ташладилар. Шунингдек, айрим элликбошилар, котиблар ва оқсоқоллар калтакланди. Оломонни талаби остида волост оқсоқоли Мулла Азим Қобилбоев ишдан олинди.¹

Қузголон бирин-кетин бир-бирларига уланиб кетаберди. 7 июлда Даҳбит қишлоғида жуда катта халқ оломони Мулла Усмон Абдурасулов бошчилигидаги волост оқсоқоли Ҳайдар Қосимжонов ва котиби Сайдмурод Мирза Қобиловлардан мардикорлик рўйхатини талаб қилдилар. Рўйхат берилмагандан кейин котиб дўппосланди ва ўлдирилди. Ҳайдар Қосимжонов эса оломондан отилган ўқ орқасида оёғидан жароҳатланади ва қочишга улгурди. Қузголонни ташкил қилишда Гадай Абдуқодиров, Холмўмин Холмуродов, Азизқул Муродов ва Мухтор Ҳафизов сингари элликбошилар ҳам фаол қатнашдилар.² Вилоятда халқ ҳаракатлари тобора қизиб борди. Шунинг учун Самарқанд вилоятининг ҳарбий губернатори С. Лыкошин ўз бошлигига юборган ахборотида «Аҳолини кўп жойларда ихтиёрий равишда мардикорликка боришлирига умид оз, сафарбарликни ҳарбий куч билан амалга оширишга тўғри келади» — деб ёзган эди.³ Шунингдек у айрим жойларда бозорларда волост бошликлари қишлоқ оқсоқоллари ва котибларини оломон томонидан калтаклаш ҳоллари юз берганлигини таъкидлаб ўтди. Оломон маҳаллий «маъмурият вакилларини ҳаддан ташқари рус ҳокимииятига берилишларидан» норози бўлган.⁴ С. Лыкошин ҳарбий кучни ишлатишни салбий оқибатларига ҳам эътиборни жалб этди. «Мардикорликка олишда, — деб ёзган у, — ҳарбий қисмни қўллаш турли кўнгилсиз ҳодисаларни юзага келтириб осойишта ҳаётни ва савдони издан чиқишига олиб келиши мумкин. Бозорларга одамлар келмаслиги, айниқса озиқ-овқат билан савдони тўхтатиш турган гап. Чунки озиқ-овқат маҳсулотлари тамомила аҳолини қўлидадир. Шу боис мардикорликка олиш билан бир қаторда кўшинни таъминлаш учун озиқ-овқат маҳсулотларини қўлга олиш даркор».⁵

¹ УзР МДА. Ф. Самарқанд вилоят бошқармаси, 2-рўйхат, 660-иш, 37-бет.

² УзР МДА. 92-бет.

³ УзР МДА. 92-бет.

⁴ УзР МДА. 31-рўйхат, 1135-иш, 21-бет.

⁵ УзР МДА. 31-рўйхат, 1135-иш, 21-бет.

С. Лыкошин мардикорликка олиш тартибларини ўз ичига 5000 нусхадан иборат ўзбек тилидаги тушунтириш қофозларини тарқатиб, масалани тинчлик йули билан ҳал этишга ҳаракат қилди. Бироқ бундай чоралар қўзголонларни тұхтата олмади. 2 июлда Жумабозор қишлоғида 4000 кишилик оломон тұпланиб мардикорликка олишни бекор қилинишини сұраб Самарқанд шаҳрига ҳарбий губернаторга арз билан боражакларини маълум қилганлар.¹ Қўзголон айниқса Жиззах шаҳрида ва уездда қызғын тус олди. Абдураҳмон Абдужабборов, Назирхұжа, Мулла Маҳамат Раим, Шарифбойвачча Худойбердиев, Бобобек Абдужабборов ва бошқалар қўзголонга бошчилик қилдилар. Улар мардикорликка Тошкентда ва Самарқандда қандай муносабатда бўлинаётганлигини билиш учун у ерларга ўз одамларини жўнатганлар. Масалан Назирхұжа Тошкентга, Қосимхұжа Асатуллаев эса Самарқандга юборилди.² 12 июлда Назирхұжа Тошкентдан қайтиб у ерда ҳалқ мардикорликка қарши қўзголон кўтарганлиги ҳақидаги хабарни тарқатди. Бу ҳалқни рухлантириб вазиятни янада кескинлаштириди. Натижада 13 июлда Жиззах шаҳрида Назирхұжа бошлиқ ҳалқ оломони оқсоқол Мирзаёр Худоёровни дүппослаб үлдирди. Бундан хабар топган уезд бошлиғи Рукин катта оқсоқол Хидир Йўлдошев ва миршаб Комил Сойиббоев билан биргаликда рус шаҳарчасидан эски шаҳарга зудлик билан йўлга чиқди. Уларни орқасидан солдатлар командаси ҳам отланди. Рукин ўз хайрихоҳлари билан эски шаҳарга яқинлашганда қўзголончиларга дуч келди. Оломондагилар қаҳргазаб билан Рукинга, полиция пристави Зотогловга, таржимон Зокиржоновга ва миршаб Комилжонга ҳужум қилдилар ва ҳаммасини үлдирдилар. Манбаларда ёзилишича «оломон таёклар, баъзилари эса қиличлар билан қуролланган бўлиб милтиқлари бўлмаган. 40—50 метрли масофада оломон билан ҳарбий команда юзма-юз турган. Уларга тарқалиш ҳақида гапирилганда кўнмай солдатлар томон босиб келабергандар ва таёклари билан урмоқчи бўлганлар. Шу онда солдатлар оломонга қаратса ўқ уздилар. Шундан кейин улар қочдилар, қолган бир қисми девордан сакраб солдат-

¹ Уша жойда, 70-бет.

² Уша жойда, 1100-иш, 243-бет.

ларни четлатиб ўтишга ҳаракат қилди. Аммо, бунга йўл берилмагандан кейин улар қочдилар. Солдатлар қўзголончиларни рус шаҳарчасига қўймаслик учун орқага юриб йўлни тўсиб турди. Ҳамда у ердаги русларга черковга кириб мудофаада туришлари ҳақида хабар юборилди. Айниқса рус шаҳаридағи милтиқ ва патронларни сақлаш буюрилди. У ерда Австрия асирлари ҳам яшарди. Барибир оломон солдатлар билан тўқнашди. Натижада туб аҳолидан 2 киши ўлдирилди.¹ Шу куни Кавказга поездда кетаётган 100 солдатлардан иборат команда Жиззахда қолдирилганлиги ва куроллантирилганлиги маълум бўлди. Улар прапорщик Григорев бошчилигига эски шаҳарга яқинлашганда йўлда уезд бошлиғи Рукинни, таржимонни, миршабни, полиция приставини, мурдаларни кўрганлар. Улар шу даражада калтакланиб жароҳатланганларки, танишни иложи бўлмаган. Фақат кийимларидан кимлиги аниқланган. Ўша 13 июлда қўзголончилар Жиззах-Милютин, Жиззах-Ломакин темир йўлларини, телеграф алоқаларни бузиб ташладилар. Куприк ва Жиззах станциясидаги нефть омбори ёндирилди.² Қўзголончилар Жиззах ва Обручев станция оралигидаги кўприкларни ёндириб телефон симларини узганлар.³ Жиззах шаҳрида қўзғолон бостирилгандан кейин ҳалқ галаёнлари бутун уездни қоплаб олди. Айниқса Богдан, Санзар ва Зомин волостлари қўзголоннинг марказига айландилар. Жиззахдаги мағлубиятидан кейин қўзғолончиларни талай қисми Богдан волости даги Курск қишлоғига бориб ўрнашдилар. Бу ерда улар Абдураҳмон Жевачи бошчилигидаги қўзғолончиларга қўшилдилар. Бу вақтда қўзғолон шу даражада кенг қулоч ёйган эдики, у Фориш, Фисталитау, Кўкте-па ва Ота-Қўргон волостларини ҳам қамраб олган эди. Абдураҳмон Жевачини ҳаракати билан қирғизлар ҳам қўзғолонга қўшилдилар.

«Абдураҳмон Жевачи, — дейилади манбаада, — уз атрофига жizzaxliklarни ва бошқа кишиларни тўплаб, 14, 15 ва 16 июль кунлари чопарларни қирғизлар яшайдиган даштларга Саурюк ва Накут тоғ ортла-

¹ Уз РМДА Фарғона вилояти ҳарбий губернатори, 1-рўйхат, 147-иш, 36-бет.

² Ўша жойда, Самарқанд вилоят бошқармаси, 2-рўйхат, 660-иш, 82-бет.

³ ЦГВИА России. Ф. Главный штаб/с Азиатская часть. ОП. З. д.40, л. 21.

рига, Фориш ва Синтоб волостларидағи тожикларига юбориб құзголон күтаришга чақырди. 18 июля келиб Синтоб волостиға қарашли Мажрум, Фориш волости-нинг Саримсоқ ва Сафорота сингари қишлоқларидағи тожиклар, Саурюк аҳолиси Нарвандаги уруглари Абдураҳмон Жевачини атрофига жипслаштылар, ҳамда шу захотиәқ Жиззах шаҳрига юриш масаласи мұхоказа-ма қилинди».¹

Бу вақтда турли волостларнинг бир гурұх нұфузли кишилари Абдураҳмон Жевачига құшилған эди. Масалан, Зулфуқор Юлдашев, Жанқобил Раҳмонқұлов, Сатторхұжа, Қаландархұжа, Навтахұжа, Исмоил Аллаев, Иброҳим Аллаев, Мулла Оллобердиев, Дауринбай Мирзабоев, Умар Имомов, Умар Абдусайидов, Қобил Каттабеклев, Саттор Ишматов, Муса Тогаев ва бошқаларни күрсатып мүмкін.

Абдураҳмон Жевачи Жиззах шаҳридаги нұфузли одамларни ҳам үз атрофига жипслаштырды. У үзининг укаси Бобобек Абдужабборовни Жиззах шаҳрига юборған. Бу киши билан шаҳар вакиллари сифатида Эшон Назир хұжа, Имом Мулла, Маҳамад Раҳим, Шарифбайвачча Худойбердиев ва бошқа кишилар ке-либ Абдураҳмон Жевачига құшилдилар. Мазкур шахс-лар қатнашувида Абдураҳмон Жевачини хонадонида үтказылған кенгашда Жиззах шаҳрига ҳужум қилиш узил-кесил ҳал этилди.² Самарқанд вилюятининг ҳар-бий губернаторининг таърифица «тұс-тұполонлар ку-чайиб борди. Гоҳ у ғоҳ бу ерда тұқнашувлар ва үлди-ришлар содир бұлаберди. Маҳаллий ҳокимиятнинг тушунтириш ва тинчлантиришга қаратылған қарапат-лари фойда бермади. Пировардида, улар чор ҳукума-тига қарши құзголонларга айланды».³

Абдураҳмон Жевачи Богдан волостиның ҳокими Мавлон Маҳмудризаевни үлемге ҳукм қилды, лекин у қочишига үлгурди. Уни томонига оқсоқоллардан (стар-шиналардан) Курск жамоасининг оқсоқоли Зулфиқор Йұлдошев, Асмонсой қишлоғининг оқсоқоли Жанқобил Раҳмонқұлов, Саримсоқ Саттор Ҳұжа, Қаландархұжа ва Каттахұжалар үтган. Бундан ташқари Богдан волостидан: Исмоил Аллаев, Иброҳим Аллаев,

¹ ҰзР МДА. Ф. Россиянинг Бухоро хонлигидаги вакили. 1-рүйхат, 444-иши, 74-бет.

² Ұша жойда, ФИ-12, 31-рүйхат, 1100-иши, 246-бет.

³ Ұша жойда, 20-бет.

Мулла Аллобердибоев, Аурунбай Мирзабоев, Синдар Давронбоев, Умар Имомов, Умар Абдусайидов, Қобил Каттабеков, Қуноқбай Каймуродов, Ямғирчи Қодиров, Саттор Эшматов, Муса Тогаев, Саунбай Эшматов, Даврон Фозилов, Эргаш Абдусатторов, Умар Ризақулов, Жура Сулаймонов, Бахтибай Сулаймонов, Мулла Шаймон, Ҳамроқул Мурод Сүфиев; Илон чомдан: Жұра Абдугафуров, Жайнок Абдурасулов; Сафар Отадан: Мулла Вакс Исқандаров; Муллачинни Юлдашев, Жанадил Жабборов, Каттабек Туров, әлликбоши Ишман, Ҳайдар Назаров; Синтаб волостидан: Хұжаниәз Ширбаев, Мулла Камолитдин, Маҳамат Юсупов, Әгамбаев, Ҳикматилла Сұннатилабаев, Ражаббеки Абдунағиев, Нұртай Ербоев ва Туруш Умаров сингари кишилар құзғолон тарғиботчилари ҳисобланған».¹

Вилоятнинг Зомин волости құзғолонининг йирик учоқларининг бири сифатида намоён булди. Ка-римқул Арзиқулов бошчилигида Ям волостиға қарашиб Қирқ қишлоқ ақолиси Кунбек ва Нарча исмли иккى элликбошини үлдирдилар. Бу вақтда үша волостдаги Оқтошда оқсоқол жароҳатлантирилди. Турдибек Худойназаров раҳбарлигидаги құзғолончилар оқсоқол Мулла Маҳкам Мулла Розикуловни үлдирдилар. Үша куни Зомин бўлим пристави Соболев соқчилар Проценко ва Царевич билан үша жойларга воқеани текшириш учун бордилар. Бу ерда 7 кишини ҳибсга олиб Зомин волост бошлиги Мулла Фозилов билан Зоминга кетаётганда орқасидан халқ оломони қувлаб кела берди. Зомин қишлоғига яқынлашғанда Қосимхұжа құл остидаги оломон уларга құшилишиб пристав Соболевга ҳужум қилдилар. Натижада волост оқсоқоли Мулла Фозилов үлдирдилди, Соболев ва соқчилар қочишга улгурдилар. Бу кишилар Зомин қишлоғини бозорида жойлашған болхонага ўрнашиб олдилар. Эшон Қосимхұжани буйруги билан уларга қарши ўқ отилди ва Соболев үлдирдилди. Икки соқчи эса қочдилар. Шундан кейин эртасига 14 июлда Зоминни бош масчитида бир кунлик рўзани бекор қилишиб катта зиёфат берди ва ўзини «Зоминбек» деб құзғолончиларга эълон қилди.²

¹ УзР МДА. Ф. Россиянинг Бухоро ҳонлигидаги вакили, 1-рўйхат, 444-иши, 73-бет.

² УзР МДА. Ф. Туркистон генерал-губернаторининг идораси, 1-рўйхат, 1100-иши, 244-бет.

16 июлда оломон Абдураҳмон Жевачи бошчилигида Богдан бўлим пристави Бариллони уйини ва идорасини остин-устун қилиб мол-мулкини таладилар. Эшик ва ойналарини синдиридилар, хужжатларни ёндиридилар. Бу ишларни амалга оширишда уни ўзи билан бирга ўғиллари Норбек ва Достон, Матлаб Кунякбоев, Саурин Ҳасанбаев, Тули Мусабаев, Муллабобо Мурод, Чалабаев Мулла, Қубай Туранбов, Турсунбой Суюндиков ва Эргаш Ризакулов деган кимсалар фаол қатнашдилар. Оломонда Ямчин, Оқбулоқ, Учминг ва бошқа жойлардан келган кишилар бор эди.¹

Айрим маълумотларга кўра 16 июлга келиб бузилган темирийўллар ва телеграф алоқалари тузатилган. Аммо бу вақтда Богдан ва бошқа волостларнинг халқ оломони Жиззахнинг эски шаҳарини эгаллаб тузатилган темирийўлларини ва кўприклиарини яна буза бошлангилар.² Бироқ 19 июлда полковник Иванов бошчилигида ҳарбий қисм қўзголончиларга хужум қилиб шаҳарни эгалладилар.

Қўзголончилар шаҳар атрофидаги қишлоқларга чекиндилар. Шундан кейин рус ҳарбий қисми Зомин томон юриб Зомин-Равот-Жиззах йўлини эгаллади.³ Шундан кейин солдатлар билан қўзголончилар уртасида бир неча бор тўқнашувлар бўлди. Бу вақтларда Санзар волостида ҳам қўзголон кенг қулоч сиди. Бу ерда Санзар қозиси Тўрақул Турадбеков ва унинг укаси Ишонқул қўзголонни уюштиришда жонбозлик курсатдилар. Хонлик даврида уларни тогаси Санзар беки лавозимида ишлаган эди. Отаси эса Қораулбек мансабини ўтаган. Шу боис Тўрақул Турадбековлар оиласи жамоа орасида «катта обўруга ва ҳурматга сазовор бўлган» кишилар ҳисобланган.⁴

13 июл куни кечқурун Жиззах шаҳридаги қўзголон таъсирида Санзардаги бир гуруҳ нуфузли кишилар Тўрақул Турадбеков маслаҳатлашиб

¹ УзР МДА. Ф. Россиянинг Бухоро хонлигидаги вакили, 1-рўйхат, 444-иш, 74-бет.

² ЦГВИА России Ф. Главный штаб 1 с Азиатская часть, оп. 4. д. 40, л. 221.

³ ЦГВИА России Ф. Главный штаб 1 с Азиатская часть, оп. 4, д. 40, л. 222.

⁴ УзР МДА. Ф. Туркестон генерал-губернаторлигининг идораси, 1-рўйхат, 1100-иш, 235-бет.

халқни бош күтаришга даъват этишди. Шу равишида құзғолон юзага келиб Тұрақул Турадбеков, Ишонқұл Жұрабоев, Мұҳаммад Уратов, ақа-укалар Ҳусаиновлар ва бошқаларнинг раҳбарлигиде 14 кишидан иборат статистика бўйича ишловчи кишилар үлдирилди. Бу вақтда Санзар волостиning бошлиғи қочиб кетган, лекин Калтай қишлоғида ушланди ва үлдирилди. Құзғолончилар Ку-жар, Теракли деган жойларда ҳам душманлардан уч олдилар.

18–19 июля Водопьянов бошчилигидаги ҳарбий қисм Работ қишлоғи томон юрди. Бундан хабар топган құзғолончилар ўша томонга йўл олдилар ва Зомин оломони билан бирлашдилар. Улар 12 кишилик рус разведкачилариға ҳужум қилдилар. Натижада душман Ломакин станциясигача чекинишга мажбур бўлди. Бу ердан улар ўз ҳарбий қисмларига бориб қўшилдилар. Шундан кейин құзғолончиларга қарши 20 тадан иборат солдатлар келиб жанг қилдилар. Бунда құзғолончилар мардонавор курашиб душманни хавф остида қолдирдилар. Шунинг учун Работга етиб келган подполковник Водопьянов құзғолончиларга қарата тўплардан ўқ отдириди. Құзғолончилар тўп ўқларидан қўрқмасдан, 21 июл куни эрталаб солдатларга қарши яна ҳужум қилдилар. Фақатгина тўплардан сурункасига ўқларни ёғдирилиши орқасида бардош бера олмаган құзғолончилар тарқалишга мажбур бўлдилар.¹

Хуллас, 25 июля Богдан, Санзар ва Зоминдаги құзғолон шафқатсизларча бостирилди. 18 июля Каттақұргон уездига қарашли «Мингариқ волостида 2000 кишилик оломон волост бошлиғига ҳужум қилиб уни жароҳатлантириди. Кечқурун у ерга подполковник Ширяков солдатлар билан келди. Құзғолончилар уларга ўқ отганлар. Каттақұргон гарнizonи тўрт пулемёт ва икки тўп билан кучайтириш лозимлигини бошлиқлардан сўралган».²

19 июля Мингтепа волостини чегарасидаги Акчураси ва Гадойтопмас қишлоқларида тўплантган 1500 кишилик оломон прaporщик Владимиров бошлиқ ҳарбий қисмга ҳужум қилди ва ўқлар отди. Аммо солдатлар құзғолончиларга қарши жавоб ҳужумини

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда, 31-рўйхат, 1135-иш, 64-бет.

уюштириб, уларни Жума ва Оқтепа қишлоқларигача қувиб борди.

Оломондан бир киши ҳалок бўлди ва унинг қатнашчилари тарқатиб юборилди.¹

20 июлда Каттақўргон шаҳар аҳолиси мардикорликка қарши чиқиб тўс-тўполон кўтарди. Бундай оғир вазиятдан қўрқсан элликбошилар ва оқсоқоллар мардикорликка сафар этиладиган кишиларнинг рўйхатини тузишдан бош тортдилар. Шунинг учун улар (9 киши) рус ҳарбий маъмурияти томонидан ҳибсга олинди. Бу ҳолат шаҳар аҳолисининг қаҳр-газабини қўзгатиб, очиқдан-очиқ қўзголон кўтарилишига олиб келди. Кўп сонли оломон эски шаҳар кўчаси бўйлаб рус шаҳарчаси томон юрдилар. Прапорщик Стеблюк солдатларни жанговар ҳолатга келтириб қўзголончиларнинг йўлини тўсди. Бироқ оломон бостириб кела берди. Тахминан, 30—40 масофа қолганда солдатлар уларга қарата ўқларни ёғдирдилар. Шунга қарамай, бошқа тарафдан ҳам иккинчи оломон тудаси босиб келаберди. Аммо қўзголончилар душманнинг ўқ үмгириларига бардош беролмай қочдилар. Қўзголончилардан 5 киши ўлдирилди ва бир неча одамлар жароҳатланди.

Қўзголонларнинг бирин-кетин мағлубиятга учрашига қарамай ҳалқ оммаси бош кўтаришдан қайтмади. Чунончи, 19 июлда Мингариқ волостиning Жумабозор қишлоқ аҳолиси масчитда номоз пайтида қўзголон кўтариб волост бошлиғи Усмон Қорабоевни ўлдириш пайига тушдилар. У киши қочиб кетгандан кейин оломон унинг Оқчурачаси қишлоғидаги уйини ва идорасини бузиб ташладилар.² Бу воқеада Ботир, Абдураиммерган, Абдуқодир Хўжа, Сафар хўжа, Уста Мұхаммадали ва Икром Мулла Доналиев ва бошқа кишилар жонбозлик кўрсатганлар. Қўзголончилар таёклар, қиличлар, ов милтиғи ва тўппонча билан қуролланган эдилар.³ Бу қўзголон ҳам тарқаб кетган эди. Маҳалла волостидаги Оқмасжидда қўзголон кўтарилиб волост бошлиғи ва қозисини ўлдиришга ҳарарат қилдилар.

¹ УзР. МДА. Ф. Фаргона вилояти ҳарбий губернаторининг идораси, 2-рўйхат, 147-иш, 34-бет.

² Уша жойда, 19-бет.

³ Уша жойда, 20-бет.

Самарқанд вилоятдаги құзғолон алангаси Фарғона вилоятига ҳам катта хавф туғдирди. Чунки мағлубиятга учратылған құзғолончиларни талай қисми Фарғона водийсига үтиш учун йұлға чиққанлар. Бу хусусда Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори А. И. Гиппуснинг ҳарбий вазирликка юборған ахборотида шундай дейилган: «Құқонга келганимда құшни Самарқанд вилоятининг Жиззах, Зомин ва Шаҳристондан одамларни Фарғона вилоятининг төглик жойларига келганилкleri ҳақидағи хабарни олдим. Улар бу жойлардаги аҳолини қаршилик күрсатышларига чақиремоқда. Бу босқинчилар яхши кайфиятдаги Фарғона вилоятининг аҳолисини талаши ва буларни ҳам қочишга олиб келиши мүмкін...»

Қуролсиз бұлсаларда аёлларни ва болаларни ҳам қамаймиз ва Құқонга жұнатамиз, қаршилик қылғанларга нисбатан қурол ишлатамиз. Айни бир вақтда солдатларни әңг катта йұлларга жойлаштириб босқинчиларни катта Самарқанд вилоятига жұнатышни режалаштирудик».¹ Хуллас, Самарқанд вилоятидаги 1916 йылғы құзғолон шу даражада кенг қулоч ёзіб қызғын тус олдики у деярли барча волостларни қамраб олди. Чунончи, Туркистан генерал-губернатори томонидан Жиззах уездіда содир бұлған құзғолонларни үрганиш ҳамда айбдорларни мол-мұлқини мусодара қилиш бүйича тузилған махсус комиссиянинг маълумотига күра қуидаги шаҳар ва волостларни құзғолон қамраб олған эди:

- | | |
|---|--|
| 1. Жиззах шаҳри
2. Үзбек волости
3. Рабат волости
4. Зомин волости
5. Қоратош волости
6. Санзар волости
7. Саурюк волости
8. Богдан волости
9. Фориш волости
10. Янгиқұргон волости
11. Күктепа волости | 12. Құрғонтепа волости
13. Синтаб волости
14. Ям волости
15. Фисталитауек волости
16. Усмат-қатортол волости
17. Чащмаб волости
18. Хұжа Муқур волости
19. Ота Құрғон волости
20. Қызылқұм волости
21. Чордора волости
22. Норут волости |
|---|--|

¹ ЦГВИА России. Ф. Главный штаб, Азиатская часть, оп. 4, Д. 40, л. 166.

Шунингдек комиссия құзғолонда Яңгиқұргон, Но-
курт, Синтаб, Ям ва Писталитау волостларини қайси
даражада қатнашғанлыгига доир қүшимча маълумот-
ларни түплаб маъмуриятға топширди.¹ Бизни их-
тиёрмизда құзғолонларни айрим волостларда қандай
тарзда содир бұлғанлыгига ва уларнинг бошлиқларига
тегишли қүйидаги маълумотлар мавжуд.² (3-жадвал)

Волостлар ва қишлоқлар	Күзғолонда қат- нашган ва қатнаш- маган кишилар	Күзғолонларни даражаси ва уларни бошлиқлари. Кимлар үлдірилди ва ни- малар ёндірилди?
1. Яңғы қишлоқ 2. Кончигай 3. Тошкескан 4. Кульба	Богдан волости Күзғолонда айрим кишилардан таш- қари қатнашды. хамма қатнашды.	Абдурахмон Жевачи ва үгиллари бошчилик қил- дилар. Полиция уйини ва идорасини остин-ус- тун қилиб үрмөнчі Би- биковни үлдірділар. Қишлоқ ёндірилиб күп маҳаллий ақоли үлди- рıldı.
5. Куджур	Күзғолон күтарди. Күрбон хұжа уруги бош күтарди.	Раҳмонбой Жевачин- нинг ўғлы бошчилик қилди. Қишлоққа тегил- мади.
6. Каси қишлоқ	Аҳолининг бир қисми құзғолон күтарди.	Бахтибой ва Журабой Сулаймоновлар бошчи- лик қилдилар. Маъмури- ят идораси бузилди. Солдатлар қишлоқни ёндірди.
7. Мехин 8. Мусабай	Күзғолон күтарди- лар.	Хотам Нурматов раҳбар- лигіда полиция идораси бузилди. Қишлоққа те- гилмади.
9. Ильянчи		Мусабай ва Юнус Тогаевлар бошчилигіда полиция идораси бузил- ди. Солдатлар қиши- лоқни ёндірди.

¹ ЦГВИА России, Ф. Канцелярия Жиззахского уездного начальника, оп. 2, д. 49, л. 20—21.

² Үша жойда, 40—42-бетлар.

10. Ямчи	Аҳолининг деярли	Жайнак Абдурасулов ва
11. Ато-Қишлоқ	барчаси қўзгалди.	Жура Абдуғаффоров бошчилигига полиция идораси бузиб ташланди. Қишлоққа тегилмади.
12. Ятан	Қўзголон кўтардилар.	Эшмат Полвонбек Муратов раҳбарлигига полиция идораси бузилди, полиция котиби ўлдирилди. Солдатлар қишлоқни ёндириди.
13. Кош-Хауч		Шаҳарбо Имомбоев бошлиқ Жиззах шаҳарига юриш қилинди, бир қисми полиция идорасини бузишда қатнашди. Солдатлар қишлоқни ёндириди.
14. Оқбулоқ		Кулбой Субхонов бошчилигига Бабин деган рус кишиси ўлдирилди. Солдатлар қишлоқни ёндириди.
15. Совуқбулук		Қишлоққа тегилмади.
16. Катта-Боғдан		
17. Богамбир		
18. Нурек		
19. Қоратош	Айрим кишилар бош кўтарди.	
20. Қораҳон	Қўзголон кўтардилар	Оқсоқол Зулфиқор Йўлдошев бошчилигига Жиззахга бордилар. Солдатлар томонидан қишлоқдаги бир неча хонаёнлар ёндирилди.
21. Қурбонхўжа		Мулла Сайфулла Мустафоқулов раҳбарлигига Жиззахга бордилар. Қишлоққа тегилмади.
22. Усмонсой		
23. Саят		
24. Анам		Абдураҳмон Жевачи угиллари бошчилик қилдилар. Қишлоққа тегилмади.
25. Қуйи Усмон		Оқсоқол Жонқобил Раҳмонқулов бошчилигига полиция идораси бузилди.
26. Назарбийл	Қурбонхўжа ургуи бош кўтарди.	Қишлоққа тегилмади.
27. Фориш		Абдураҳмон Жевачи угиллари бошчилик қилдилар. Қишлоқнинг бир қисми ёндирилди.
28. Хаят	Айрим кишилар бош кўтарди	Қишлоққа тегилмади

29. Асраф	Фориш волости	
30. Ухум		Қишлоқларга тегилмади
31. Саримсоқ	Құзғолон күтарили	
32. Ширин		Қишлоққа тегилмади
33. Қашқарча	Құзғолон күтарили	Уч ака-укалар: Катта ва Сатторхұжа Маҳамат Аминовлар бошчилигінде Жиззах шаҳрига борилған. Солдатлар қишлоқларни ёндирди.
34. Сафар-ота	Құзғолон күтарили	Қишлоқларга тегилмади.
35. Эски-Құргон		Ақа-ука Муллабай ва Аный Искандаров раҳбарлығында Жиззах шаҳрига борғанлар. Солдатлар қишлоқни ёндирди.
36. Тепа қишлоқ	Құзғолон күтарили	
37. Құруқ-күл		Қишлоқларга тегилмади.
38. Қамишли	Айрим кишилар бош күтартылар	Қишлоқ ёндирілди.
39. Учма	Құзғолон күтартылар	Жондил Жабборов, Муллачин Йұлдашев ва Каттабек Фаниев раҳбарлығында Жиззах шаҳрига борилди. Қишлоқларга тегилмади.
40. Деристон	Құзғолон күтарили	
41. Илянли	Құзғолон күтарили	
42. Болапан	Құзғолон күтарили	Қишлоққа тегилмади. Мулла Қубай Турғунбоев ва Мулла Бобомурот Чалабоев бошчилигінде Жиззах шаҳрига боришиган, қишлоққа тегилмаган.
43. Синчоб	Синчоб волости Құзғолон күтарили	Қишлоққа тегилмади.
44. Устук	Аҳолининг бир қисми бош күтарди	Хұжаниәз Шербоев ва Эшон Каттахұјаев бошчилигінде топографларга хужум қилиниб, руслар мусулмон динига киритилди. Қишлоққа тегилмади.
45. Маджарум	Құзғолон күтарили	Оқсоқол Нормурод Ҳасанбоев бошчилигінде Жиззах шаҳрига борилди. Қишлоққа тегилмади.
46. Кет ва Куркали овуллари	Құзғолон күтарили	Оқсоқол Абдурауф Эржонов бошчилигінде Жиззахга борилди. Қишлоққа тегилмади. 15 киши қатнашған, овулларға тегилмади.

Ушбу маълумотларга кўра 45 қишлоқдан ўнтаси ёндириб ташланган. Афтидан Чор маъмуриятининг вакили ваҳшийликни тўла намойиш этишини лозим топмай ёндирилган қишлоқларнинг сонини кам кўрсатган. Жиззах уездига қаравали қўзголон кутарилган шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирилганлиги манбаларда қайд этилган.

Жиззах фожиаси хусусида 1926 йилда «Ер юзи» журналида босилган маълумот жуда қимматлидир: «1916 йил июль ойида, рўза вақти, кунлар иссиқ, ҳар ерда иш, дала жонланган, пахталар чопиладур, бедалар ўриладир, қовунлар узиладир, бозорда қимматчилик бошланган, халқни очлик даҳшати қўрқитмоқда, дехқонларнинг энг яхши отлари подшоҳ ҳукумати томонидан олинган, ҳар ерда очлик аломати кўриладир.

Худди шу чогда халқнинг оғзида гивир-шивир сўзлар: 19 ёндан 40 ёшгача мусулмонларни аскарлика олар эмиш.

— Йўқ аскарликка эмас, мардикорликка олар эмиш. Газетада шундай ёзибдур: халқ орасида ҳаяжон бутун иш масала устида йўналтирилган. Баъзи кишилар ўз-ўзини оёғини синдириб аскарликка (мардикорликка) яроқсиз қўлмоқчи, баъзилари агарда ҳукумат рўйхатига олмоқ учун рўйхатчининг қорнига пичоқ солмоқчи.

Ана пристуф, мингбошилар, полициялар, маҳалла халқини рўйхат қилиш учун чиқдилар. Лекин маҳаллаларда, уйларда ёш болалар, қари хотинларгини қолғон. Ёш кишилар ҳаммаси ҳукуматга қарши курашиш учун бир жой (Жиззах)да тўплланғон. Ҳамманинг ёнида пичоқ, болта, ханжар ва бошқа ўқсиз куроллар, халқ орасида сўфилар, Зокирлар ҳам бор. Улар зикри-салом билан халқнинг диний ҳаяжонини орттиридилар:

— Сен мардикорликка бормасликка ваъда бер, биз қайтамиш!

Мана ҳозир халқقا қарши солдатлар, милитиқлар, пулемётлар келадилар, лекин халқ қўрқиши даражасидан ўтди. Ҳоким томонидан буюриқ:

— Тарқалинглар!

Халқ жавоб берди: Сени ўзинг солдатларинг ва пулемётларинг билан кет, сўнг биз тарқаламиз! Кўп ўтмади, эллик мингдан ортиқ халқقا пулемётлардан

ва милтиқлардан отиш бошланди. Халқ ўлимга қара-
масдан пулемётни құлға киришишга уриниб күришса-
да, ундан ёмғир сингари ёғилиб турған үқлар халқни
яқинигича келтирмади. Пичоқлар милтиқ билан пу-
лемётта қарши кураша олмади. Халқ енгилди. Ҳуку-
мат енгди. Солдатлар, полиссиялар уларни қувлаб бо-
риб күрган жойда отди, кесди, қирқди, нимталади.
Майдонда, күчада, йигитлар, чоллар, ўспириналар қон-
ларга бўялиб ётадир.

Иккиқат хотинларнинг қоринлари устида подшоҳ
солдатларининг найзалири санчилиб турадир. Буни та-
рих кўрмаган... Йиқилган гўдакларнинг қизил лаблари
кўкарган. Ёш қизларнинг бошларидаги қора соchlари
юзларига уралиб, уларнинг бетларини қонхўрларнинг
кўзларидан сақлайдилар. Ярадорларнинг инграган то-
вушлари яқинида оқиб турғон сувга қўшилиб оқадир.
Шаҳар қон ичида».

Мазкур сатрлар қўзголон бостирилиб, ўн йил
утгандан кейин, яъни қирғин баротларни ва вайронагар-
чиликларни ўз қўзи билан кўрган ва уларни азобла-
рини бошидан кечирган кишиларнинг тириклиги
вақтида ёзилган. Шу боис уларни ҳақиқий аҳволини
акс этдиришида ҳеч шубҳа йўқ.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ҚЎЗГОЛОНЛАР

Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати ва
миллий зулми ўзбек аёлларини ҳам нафратини уйғоти-
ши турған гап эди. Буни устига мардикорликка олиш
ҳақида императорнинг фармони уларни ошкора
қўзголон кўтаришга катта турткি бўлди. Чунончи 11
июл эрталаб соат 8 яримда Тошкент шаҳрининг кўча-
лари аёллар билан тўлиб, бақириқ-чақириқлар тобора
кучайиб борди. Уларни кетидан эркаклар ҳам эргашиб
Маҳмуд Ҳўжаев, Пўлатхўжа Иноғомхўжаев, Абду-
раҳмон Қаюмсўфиев ва Низомиддинхўжа Зайнит-
динхўжаевлар жонбозлик билан ҳаракат қилгандар.
Қўзголончилар миршабларнинг биридан тўппончани,
маҳкаманинг котибидан қилични тортиб олдилар. Те-
мир-терсак, тош ва бошқа нарсалар билан қуроллан-
ган 2000—3000 кишилик оломон бошқарма панжара-
ларини синдирдилар. Аёллар «эркакларни мардикор-
ликка бермаймиз», эркаклар эса «бормаймиз ва шу ер-
да үламиз» деб бақиришган. Полиция бошқармасини

қоровули Мираҳмад Акбаршоев маъмуриятни ёнини олгани учун оломон томонидан ўлдирилган.¹ Халойиқ бошқарманинг мирзаси Трентовецини уриб бошини жароҳатлаганлар. Тошбурон орқасида Себзор даҳасининг миршаби Сайид Исмоилжонов, Шайхонтоҳур даҳасининг миршаблари Тилла Эшмуҳамедов ва До ниёрхужа Исаҳўжаевлар ярадор қилинди. Солдатлардан уч киши жароҳатланди. Оломон бошқарма идорасини тошбурон қилиб эшик ва деразаларини синдириллар, шу пайтда аёлларни қўзғолонда қатнашаётганинги қоралаган Обид Уста Азимхўжаев калтакланди. Бу киши шаҳар касалхонасида вафот этган. Прокурор айномасида бу ҳақда шундай дейилган: «Марҳум Обид Уста Азизхўжаев укаси 11 июл куни кечкурун касалхонага борганда акаси жон беришидан олдин шундай дебди: мен полиция бошқармасининг деразасини тагида туриб эркаклар турганда хотинларга шовқин-сурон қилиш муносаб эмас, деб таъна қилдим. Шу ондаёқ эркак ва аёллар мени кўчага судрашиб, олиб чиқишиди. Бу ерда кимдир биқиним ва қорнимга пичоқ урди».

Бошқарма ҳовлисида баён этилган фожия юз бергандан кўп ўтмай Тошкент шаҳар бошлиги С. О. Коchan етиб келади. У ўз кўзи билан кўрган воқеани шундай ёзган эди: «Мен полиция бошқармасига келганимда кўчада, бошқарма атрофида ва қисман ҳовлисида эркак ва хотинлардан ташкил топган оломонга дуч келдим. Оломон бир неча минг кишидан иборат бўлиб уларни орасида ўлганлар ва ярадорлар ётарди...

Полиция бошқармасига борадиган кўчада айрим кишилар менга йиги-сиги аралаш нималарнидир тушунтиришга, кимларнингдир устидан шикоят қилишга ҳаракат қиласидилар. Бу ерда эркаклар ва хотинлар бўлиб уларнинг ҳаммаси хўрланган ва эзилган ҳолда куринди. Полиция бошқармасига кирганимда эски миршабларнинг ҳаммасини қўлларида тўппонча ушлаб турганликларини кўрдим. Бошқарма биноси ёнида телефон сими узилган ҳолда ётибди. Идоранинг ичида гишт ва тош парчаларини, эшик ва деразаларини синганини кўрдим. Ҳали ҳарбий қисмлар келмаган

¹ Ф. Туркистон генерал-губернаторлигининг идораси, 1-рўйхат, 1100-иш, 248-бет.

эди. Оломоннинг тарқалишини сўраб қилинган сўровлар инобатга олинмади ва шовқин-суронлар эшитилиб турилди. Кўп ўтмай уликларнинг ва ярадорларни олишга тиббий ёрдам кўрсатишга киришилди. Шу вақтда бошқармага ҳарбий билим юртининг отряди ва Тошкент янги шаҳарининг миршаблари келишди. Шундан кейин ҳарбий қисмлар ҳам келиб оломонни куча тарафдан үраб олди ва уларни тарқатишга муваффақ бўлинди.¹ Шундан кейин қўзголончиларни бир гуруҳи миршаб Миркомилни оиласини ўлдириш учун Бешёғоч томонга жўнаганлар.² Уни сўзича полковник Н. Колесников солдатлар билан келган. У ўз кўзи билан курганини шундай изоҳлади: менинг ёрдамчим Мочалов полиция бошқармаси биносида 2000—3000 кишилар тўпланиб бақираётганлиги, миршабларни ураётганлиги ҳақида телефон орқали хабар берди. Ҳамда Трентовиусни жароҳатланганлиги миршабларнинг отган ўқларидан ўлганлар борлиги хусусида маълумот берди. Мен дарҳол бошқармага келиб оломонни тинчтишга кўп ҳаракат қилдим, лекин ҳеч ким қулоқ солмади. Мен солдатларга оломонни қамчи билан бошқармадан сиқиб чиқаришини буюрдим. Аммо оломон бўш келмай қамчиларни тортиб олди. Бир ўзбек қилич билан менга ташланаётганини кўриб қолиб тўппончани унга ўқталдим. Бироқ у менга яқинлаша берганидан кейин отиб ўлдирдим. Оломон «Ур»—деб бақириб тош ва гиштларни отиб барча эшик ва деразаларни синдиридилар. Соат 11да прапорщикларнинг мактабидан келган рота бошқарма биносини қуршаб оломонни тарқатишга киришди. Бироқ қўзголончилар солдатларни уришди ва қуролларини тортиб ола бошладилар. Бу вақтда бошқармадаги телефон сими қўзголончилар Мирқосим Исамуҳамедов ва шериклари томонидан бузилган эди. Улар солдатларнинг қаттиқ қаршилиги туфайли тарқалганлар. Мен қўзголонда жонбозлик кўрсатган кишиларни айримларни қўрсатишм мумкин. Масалан Қоратош маҳаллали бир бақувват ва соглом, қорасоқолли ўзбек бошқарма айвончасида туриб оломонга мурожаат қилиб турди. Уни сўзига жавобан оломондан «Ур» де-

¹ Уша жойда Ф. Сирдар ё вилояти бошқармаси, 1-рўйхат, 436-иш, 14-бет.

² ЦГВИА России, Ф. Штаб Туркестанского военного округа. оп. I, д. 128, л. 257.

ган сүзлар эшпитеилди. Бир кекса одам аёлларни орасида юриб уларни курашга отлантириб турган. Муса Мирзахонов, Каттахўжа Бобохўжаев, Сайид Аҳмад Ка-римбоев мардикорликка олишга қарши эдилар, лекин улар қўзголонда кўринмадилар. Шуларга ўхшаш қўзголон арафасида халқни мардикорликка бормас-ликларини Самарқанд дарвоза маҳаллалик Дадаҳўжа Иногомхўжаев, Чорсудан оқосоқол Рауф Муҳамедов, пичоқчидан Комилжон Аҳмаджонов сингари нуғузли кишилар менга маълум қилган эдилар.¹

Мазмунан Н. Колесников бу билан кўрсатилган кишиларни қўзголонни тайёрлашда айбламоқчи бўлган шекилли. Қўзголон қатнашчиларидан ўнлаб кишилар ҳисбга олиниб терғов қилинди. Ҳарбий прокурорнинг ёрдамчиси полковник Симоновичнинг айбномасидаги маълумотлар ҳақидаги тасаввурни бир мунча бойитади. Унда 34 маҳбусларнинг фаолияти изоҳланиб, Абдураҳим Мулла Ҳакимов, Йўлчи Иброҳимов, Маҳмудхўжа Мирзахўжаев, Якуб Муроджа-паев, Абдураҳмон Қаюм Суфиев, Низомиддинхўжа Зайниддинхўжаев, Файзи Али Раҳимбаев, Пулатхўжа Иногомхўжаев, Гулом Камолов ва Муродхўжа Муҳам-мадалихўжаевлар халқни қўзголон кўтаришга даъват этган кишилар сифатида қоралангандар. Шунингдек Тожибой Юнусхўжаев, Мирқосим Исамуҳамедов, Шогиёс, Шоилёс Қориев, Турсунбой ва Абдуҳалил Абдуҳакимов, Азиз Мусабоев (лақаби «Чўлок»), Шосайд Шосолиҳов, Қобил Мирсолиҳов, Мухсин Кор-чибоеv, Гулом Юсуфжонов, Алижон Муҳаммадалиев ва Маҳсуд Мирсоатов айбдорлар рўйхатига киргизилди.²

Суд қўзголоннинг фаол қатнашчиларидан этикдўз Абдураҳмон Қаюмсўфиев ва қора ишчи Мирқосим Шомуҳамедовни осиб ўлдиришга, Тожибой Юнусхўжаев, Гулом Камолов, Йўлчи Иброҳимов, Низомиддинхўжа Зайниддинхўжаев, Муродхўжа Маҳмудалихўжаев, Якуб Муродражаббоев ва бошқалар узок муддатли сургунга ҳукм қилинди.

Тошкент шаҳридаги қўзголоннинг акс-садоси тезлик билан унинг атрофидаги жойларга тарқалди.

¹ УЗР МДА, Ф. Канцелярия Туркестанского генерал губернатора, 31-рўйхат, 1100-иш, 220-бет.

² Уша жойда, 248-бет.

1916 йил 14 июлда Хонабод қишлоғида 700 кишилик оломон Кенджигалин ва Настиннинг бошлиғи Мумин Тащҳофизов, миршаблар Боймурод Алибоев ва урядник Брауцеларга ташланиб жароҳатлантирилар. Оломон қатнашчиларидан Абу Сайид Мавлонов, Умурзоқхўжа Парниев, Турдибой Қулмуҳамедов, Юлдаш Муллаёров, Қўчкор Ҳолмуҳамедов, Йўлдош Қобилов, Ҳамро Фармонов, Мулла Сулаймон Ҳафизов, Жалол Каримов, Нодирхон Хонов, Жўра Шашиев, Жума Сойибов, Оққул Мулласултонов, Бек Қодирқулов, Мамадқул Толиббоев, Юсуф Ҳолов, Турман Юсуфов, Урмон Ширнов, Мулла Исакул Ташбивлар судга берилди.¹

13—14 июл кунлари Тўйтепада ҳам ҳалқ тўпланиб мардикорликка бормасликларини маълум қилдилар. Тўйтепада солдатлар билан тўқнашувда 4 оломон қатнашчиси ҳалок бўлди, солдатлар томонидан 8 хонадан ёндирилди. 20 июлда Келесни орқа томонидаги Булот волостида 50 минг киши йигилаётганлиги ҳақида Тошкентга хабар берилган. Тошкентдан 18 чақирим масофада жойлашган Гишткўприкда 7000—8000 кишидан иборат ҳалқ оломони тўпланган. Қибрайды эса 4000—6000 киши қўзғолон кўтарган эди.² Бироқ қўзғолон муваффақиятсизликка учраган бўлсада, лекин бошقا жойларда кўтарила берилди. Масалан, 21 июлда Кауфман станциясида (Зангиота атрофика) 3000 кишилик қўзғолончилар солдатлар билан тўқнашди. Натижада улардан учта, руслардан бир киши ўлдирилди. Ўша куни Оққўргон қишлоғида ҳалқ волост бошлиғига хужум қилди, бироқ у қочиб қолди.

Айниқса 22 июл куни Тўйтепада қўзғолончилар маъмуриятта катта хавф тутдирди. Бу ерда минг кишилик оломон волост бошқармасига ҳужум қилиб бу ердаги тўртта солдатларни қочишига мажбур этдилар. Сунгра улар волост бошлиғи Бекмуҳаммад Маллабоевнинг уйига бостириб кириб уни тилини қирқдилар, ўлдирилар, император суръатини ёндириб ташладилар. Улар солдатлар келаётганлигидан хабар топиб, тўқайлар ва четдаги боғларга яшириндилар. Равток

¹ ЎзР МДА. Ф. Туркистон генерал-губернаторининг идораси. 31-рўйхат, 1137-иш, 175-бет.

² ЦГВИА России. Ф. Штаб Туркестанского военного округа. ОП. 1. Д. 128.257.

қишлоғининг хўжалари мардикорликка эмас, балки солдатликка олиниши, бегона жойларда ўлганларни кафансиз руслар билан биргаликда дағн этилиши ҳақида ташвиқот юргузиб аҳолини бош кўтаришга чақирганлар. Ўша хўжалар Қорасув қишлоғига келишиб савдони тұхтатиш ва мардикорликдан бўйин тортиш ҳақида тарғибот юргизганлар.¹

Натижада Тўйтепа ва унинг атрофидаги қишлоқлар қўзголон домига тортилган эди. Бу озодлик курасини Тўйтепа қозиси Алмат Худойберганов, Мулла Сүфи Тошбердибоев ва Искандар Мақсидов, Ровотдан: Азизхўжа Азлярхўжаев, Аъзамхўжа Муҳаммадхўжаев ва Маҳаммадиёр Умархўжаевлар ташкил қилганлар. Кўзголоннинг таъсирида Пскент бўлимининг Усмонота, Оққўргон ва бошқа жойларда галаён кўтарилди.² Бу ерда қўзголончилар волост бошлигини ўлдириш учун уйига бостириб киришди. Бироқ у қочишга ултурган эди. Бундай воқеа Кариз волостида ҳам содир бўлиб, бошлиқ рус кийимини кийиб Пскентга қочган.

Тўйтепа ва атроф жойлардаги қўзголон қатнашчи-ларидан 76 киши ҳибсга олинди. Қўзголончиларни жазолашда Тошкент уезди бошлигининг ўринбосари А. И. Афанасьев ваҳшийларча иш юритди. Унинг буйруғи билан хонадонлар ёндирилди, мол-мулк таланди. Уни ўзини кўрсатишича, 20 киши ўлдирилган, лекин ваҳшийликни ниқоблаш учун уларнинг сонини анча камайтириб ахборот берган. Ҳатто унинг ваҳшийлиги чор маъмуриятининг бошлиқларини норозилигини чақирган эди. Улар сиёsat учун бўлса-да, А. И. Афанасьевнинг қўлмишларини қоралади. Бу хусусда Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернатори Галкин А. Н. Куропаткин номига: «Подполковник Афанасьев қўзголончиларга нисбатан жазо чораларини қўллаётгани-да уезд бошлиғи лавозимиға берилган кўрсатма ва ҳақ-хукуқлар доирасидан чиқиб кетган. Агар ўлкадаги содир бўлаётган воқеалардан келиб чиқсан ҳолда қаралса, Пскент уездидаги тартибсизлик ва волост бошлигини ўлдириш маҳаллий аҳолининг қўзголонларга хос оддий воқеадир. Шунинг учун подполковник Афа-

¹ УзР МДА. Ф. Туркестон генерал-губернаторининг идораси. 31-рўйхат, 1100-иш, 64-бет.

² Ўша жойда.

насьевнинг кўрган чораларини ўринли деб бўлмайди, — деб ёзган.¹

Сирдарё вилоятига қарашли Имбай, Перов, Казалин, Авлиёота, Марки ва бошқа жойларида қўзголонлар кутарилди.

ФАРГОНА ВИЛОЯТИДАГИ ҚЎЗГОЛОНЛАР

Бу минтаقا озодлик курашининг энг қайноқ учоқларидан ҳисобланди. 1916 йил 9 июлда қўзголон Андижон шаҳрида Жомъе масжиди майдонида кўтарилиди. Бу қўзголонга Ҳаким Оқсоқолов, А. Рўзибоев, М. Абдукаримов сингари жасоратли кишилар бошчилик қилдилар. Андижон уезд бошлиги И. А. Брежецицкийнинг маълумотига кўра 500 кишилик оломон чор ҳукуматининг мардикорликка сафарбарлик тұғрисидаги фармонига буйсунмасликларини баён этгандар. Улар уезд бошлигининг тушунтиришига қулоқ солмай, ундан фармон ҳақидаги гапни тұхтатиши ва мардикорликка сафарбар этмаслик ҳақида тиљхат берилишини қатыи равишда талаб этдилар. Акс ҳолда, элликбошилар ва бошқа амалдорларнинг ҳаммаси үлдирилиши ва уларнинг мол-мулклари талон-тарож этилишини уезд бошлигига билдирилар. Бу талабга рад жавоб олингач, қўзголончилар полиция ва ҳарбий отрядга қарши кетмон, тош ва таёклар билан ташландилар. Бу тұқнашувда ҳарбий отряд томонидан ўқ узилиб, қўзголончилардан 3 киши үлдирилган ва 10 киши яраланган, аскар ва полициячилардан бир неча киши шикастланди.²

10 июлда Олтин кўл волостига қарашли Даъварзин қишлоғида қўзголончилар волост бошлиги Ҳакимбек Рўзимбеков ва унинг иккى ҳамрохини үлдирганлар³. Бунда қишлоқнинг бутун аҳолиси қатнашди. Жазо отряди етиб келган вақтда уларнинг ҳаммаси қишлоқни ташлаб кетган эдилар.

13 июлда Андижон уездининг Майғир волостининг Чуам қишлоғида қўзголон кўтарилиб, оломон қишлоқ оқсоқоли Ю. Ҳасанбоев, элликбоши Қипчоқбой ва

¹ Уша жойда.

² Уша жойда. Ф. Фарона вилояти ҳарбий губернаторининг идораси, 2-рўйхат, 149-иш, 1-бет.

³ ЦГВИА России. Ф. Штаб Туркестанского военного округа. ОП. 3, д, 350, л. 13.

Мулла Йұлдош Султонхұжаевларни уриб үлдирғанлар. Шунингдек, улар амалдорларнинг уйларини бузиб мол-мұлқларини талаганлар. Қишлоқ оқсоқолининг отаси К. Тұрақұлбоевнинг күрсатишича, халойик үй жойларини вайрон қилишдан ташқари, 200 минг сүмлик қарздорлик ҳужжатларини ва вексилларини ёндириб ташлаганлар. Құзғолонга А. Исломов, М. Қосимов, А. Ризокұлбоев, А. Алиев, Т. Тұрақұлбоев, А. Тұхтасинбоев, Т. Маманиев, П. Абдувалиев, И. Мадраимов, Ж. Польонов, М. Охунов, М. Оқсоқолов, Д. Темирбоев ва К. Ризақұлбоев деган кишилар бошчilik қылғанлар.

Құзғолончилар жазо отрядлар томонидан шавқатсиз бостирилишига қарамай, тобора күпроқ тарқалиб борди. Бу борада Чек Офтобачи, Миробод ва бошқа қүшни қишлоқларда күтариған құзғолонларни курсатиши мүмкін, 12 июлдан 13 июлга үтар кечаси Чек Офтобачи ва Чек Гофир қишлоқларнинг 300 кишилик оломони Буваназар Ҳожиев, Ота Бойбачча, Мамосоли Ҳожиев, Құчқор Фозиқұлов ва Мамадхасан Ахмадхұжаев бошчилигіда оқсоқолнинг уйига бостириб кириб, уни топиб беришларини оила аъзоларидан талаб қылғанлар. Бу вақтда оқсоқол ва маъмуриятнинг бошқа вакиллари Андижон шаҳрида яшириниб юрган эдилар. Құзғолончилар оқсоқолнинг үглини ва бошқа қариндошларини боғлаб оқсоқолни топиб беришларини, акс ҳолда уларни үлдириш ва үй-жойларини ёндиришни маълум қиласылар. Ҳатто құзғолончилар оқсоқолни топиб жазолаш мақсадида ўз вакилларини шаҳарға юборғанлар. Чек Офтобачи құзғолонларнинг бошлиғи атроф-жойлар билан ҳамкорликда ишни давом эттириш мақсадида Хонбог, Чек Мадәр каби қишлоқларға ўз вакили мироб Сотиболдиевни юбориб құзғолон күтаришга ва амалдорларни жазолашга чақырди.

Құзғолон М. Масайдов, И. Сайдбоев ва Р. Раимбердиев бошчилигіда Дон құйма қишлоғида ҳам бұлыб үтган. Бу ерда халойик қишлоқ оқсоқоли М. Саримсоқовнинг хонадонига бостириб кириб мардикорлар рүйхатини ва бошқа ҳужжатларни күйдирдилар. Халқ құзғолони Миробод номли қишлоқда ҳам бұлғанлиги маълум. Құзғолонга Ж. Ортиқов ва М. Ҳасанбоев деган кишилар раҳбарлық қилиб зулм ва адолатсизликка қарши курашғанлар. Маъмурият ва-

киллари қўзголончиларнинг жазосидан шаҳарга қочиб қутулишга эришганлар.

Норин волостида бўлиб ўтган халқ қўзголонлари ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Бу вилоятнинг Чу жа номли қишлоғида Ю. Масодиқов, X. Хожиев, Ш. Қорабоев ва X. Маҳмудбоевлар бошчилигига оломон таёқ, кетмон ва уроқ билан қуролланган ҳолда оқсоқол М. Каримбой ўғли ва элликбоши Т. Ёрматбовларнинг хонадонларига ҳужум қилганлар. Бироқ, оқсоқол ва элликбоши олдинроқ қочиб улгурган эдилар. Ҳарбий отряд тўпланиб турган бир гуруҳ оломонга ўқ отган ва икки кишини ўлдирган.

12 июлда халқ қўзголони Норин волостининг Хўжаобод қишлоғида ҳам бўлганлиги маълум. Бу ерда 1000 кишига яқин оломон қўлга тушган нарсалар билан қуролланиб, оқсоқол Мулла Сотиболди Абдуқодирхўжаевнинг уйини ўраб олди. Бироқ қўзголон жазо отряди томонидан тарқатиб Т. Абдувоситов, Ж. Қўрбошиев, М. Мадаминов, Р. Худойбердиев, И. Диёрбоев ва Б. Одилбоев сингари кишилар қамоқка олинди.¹

Андижон уездининг Капа ва Пода қишлоғи ва Балиқчи волостида ҳам қўзголон кўтарилди, оқсоқол ва элликбошилар оломон томонидан ўлдирилди. Бундай қўзголончилар Жалолқудук, Ҳакимобод, Избоскан ва Ёрбоши волостларида бўлган. Бу ишда фаол қатнашган Мамарасулов, Ҳасанов, Суфиеv ва бошқа қўзголончилар қамоққа олинниб, судга берилган. 14 июлда қўзголончилар Қорасув станциясига ҳужум қилганлар.

Фаргона вилоятининг энг йирик қўзголонларидан бири 10 июлда Марғилон шаҳрида бўлиб ўтган эди. 20—25 минг кишидан иборат шаҳар аҳолиси Ўрда майдонида тўпланиб мардикорликка олишга қарши кўтарилдилар. Қўзголончилар мардикорликка олиш ҳақидаги фармонни тушунириш ва амалга ошириш мақсадида сўзламоқчи бўлган полковник Пехотин ва маҳаллий маъмурият вакилларини гапиришга мутлақо йўл қўймай, ҳужум қилганлар. Полковник Пехотин эса тўппончани ўқталган ҳолда зўрга тўдадан қочиб қолган. Оқсоқоллар эса оломон томонидан калтак,

¹ УзР МДА. Фаргона вилояти ҳарбий губернаторининг идораси. 2-рўйхат, 149-иш, 70-бет.

кетмөн ва тошлар билан уриб ўлдирилган. Құзғолон вақтида оломон томонидан 8 киши ўлдирилди. Шундан кейин халойиқ турли жойларга тарқаб кетди. Күп үтмай құшымча ҳарбий отряд келиб Үрда майдони ва бошқа муҳим жойларни эгаллади. Күн давомида шаҳар бўйлаб қўзғолоннинг қатнашчилари қидирилиб, улардан 63 киши қамоққа олинди. Жинлар қишилогида эса қўзғолончилар билан жазо отряди ўртасида тўқнашув бўлиб ўтди.

Ёзевон волостида ҳам қўзғолонлар бўлиб, улардан 35 киши суд жавобгарлигига тортилган. Бу қўзғолонларнинг хусусияти шундаки, унда хотинлар фаол қатнашганлар. Шунинг учун ҳам улар устидан тергов қўзғатилилган. Масалан, Ч. Мадалибоева, Я. Уринбоева, М. Мухамедова, Ч. Нурматова, М. Охунова, М. Пулатхўжаева, М. Умаралиева, М. Бойбоева, Х. Маъзумова, Ж. Хожиева, Р. Аминова, Т. Нажмитдинова, Б. Зияева ва бошқалар шулар жумласидандир. Бироқ чор маъмурияти жамоат тазиикидан чўчиб аёллар устидан олиб борилган терговни пировардида тўхтаттан.

Халқ қўзғолонлари Қўқон уездининг кўп жойларида ҳам бўлиб ўтган. Қўқон шаҳрининг Аравон волостида халойиқ адолатсизлик ва зулмга қарши кўтарилиб волост ҳокимини калтаклаб ўлдирганлар. Бу воқеанинг сабаби ҳақида Туркистан район муҳофаза қилиш бўлими бошлиги М. Н. Волков ўз рапортида: «Қўқон шаҳрида Аравон волост ҳокими Иброҳимнинг ўлдирилиши у томонидан аҳолининг қаттиқ зулм остига олиниши натижасида содир бўлди. Волост ҳокими мардикорликка олиш ҳақидаги буйруқни олибоқ бўлим мирзаси Фоғир билан маслаҳатлашиб чақириқ рўйхатларига барча кишиларни киритиш ва ким пул берса, уни ўчиришга қарор қўлдилар, бу уни ўлишга олиб келди.

Кўрсатилган бўлим мирзаси Фоғир ойига 25 сўм маош олади. Бироқ, у кейинги икки йил давомида Қўқон шаҳрида 6 минг сўмга яқин баҳода уй сотиб олди, ўзи ва укасини уйлантирди, бунга 2000 сўмдан ортиқ сарфланди. Бундан ташқари, унинг 10000 сўм нақд пули бор. Фарғона вилоят волостлари ҳокимларнинг қўпчилиги Аравон волост мирзасига ўхшаш иш юритадилар».¹

¹ ЦГВИА России. Ф. Штаб Туркестанского военного округа. ОП.1. д. 128, л. 316.

10 июл куни кечаси Янгиқўргон волостининг Шайхмир қишлоғи аҳолиси М. Азизов бошчилигида оқсоқол Н. Шоюсуғовнинг уйини ёндирган. 8 июляда қўзголончилар уезднинг Катта Авган қишлоғида элликбоши ва бошқа амалдорларни калтаклади. Жазо отряди қўзголончилардан 10 кишини қамоқча олган. Бу вақтда Қайнар волостига қарашли Наймонча қишлоғида аёллар иштирокида қўзголон кўтарилиди. 9 июль куни Аравон волостининг Розиёғлик қишлоғидаги аҳолининг қўзголони жиддий тус олди. Чор маъмуриятининг адолатсизлиги ва зулмидан сабр коғаси тўлган оломон волость ҳокими И. Ҳасанбоев ва унинг ҳамроҳларини уриб ўлдирган. Қўзголончилардан бири ҳалок бўлган. Қўзголонни бостириш учун етиб келган жазо отряди дарҳол оломонни қуршаб олиб, 316 кишини ҳисбга олган. Бу қўзголонда 2 минг кишидан ортиқ эркак ва аёл қатнашиб, улар Арвон, Калигор, Туркман, Чомошиби ва Барзанги каби қишлоқлар аҳолисидан ташкил топган эди. Қўзголончиларнинг олдинги сафида К. Рўзибоев, М. Аҳмадбоев, А. Тошматов, М. Олимбоев, М. Бошназаров ва бошқа кишилар борғанлар. Қўзголонда қатнашған аёллар, «Ўғилларимиз ва эрларимизни минг сўм берилса ҳам мардикорликка бермаймиз» — деб хитоб қилғанлар.

Бу воқеанинг эртасига Ганжиравон қишлоғи ва унинг атрофидаги жойларнинг аҳолиси биргаликда бош кўтариб, юз кишилик оломон волость ҳокимиининг уйига бостириб кириб, мардикорлик рўйхатини ва уй жиҳозларини ёндирганлар. Ҳоким эса қочиб кутилган. Солдатлар 29 кишини қамаган.

Қўзголон тарихида Найманча қишлоғидаги аҳолининг қўзголони дикқатга сазовордир. Бунда аёллар жасорат билан бош кўтариб, оломоннинг биринчи сафида турган. Шундан кейин, жазо отряди зўрлик билан аёлларни четлатиб, эркаклар билан юзма-юз турган. Оломон орасидан отряд бошлиғига қараб тошлар отилган. Бу қўзголон ҳам бостирилган. 2 июлдан 12 июлга ўтар кечаси 400—500 кишилик оломон Тудин қишлоқ оқсоқолининг кўлидан мардикорлик рўйхатини тортиб олиб, куйдирган. Бу вақтда Риштон қишлоғида М. Бобоҳонов, Ш. Ҳожиев, П. Йўлдошбоев ва бошқа кишилар раҳбарлигига қўзголон кўтарилиди. 400—600 кишилик оломон Қўқон уезд бошлиғи К. В. Мединскийнинг тушинтиришига қулоқ солмай, во-

лост ҳокими М. Жалоловга ташланиб, уни ўлдирмоқчи бўлдилар. Бироқ, ҳоким оломон орасидан кутқазиб қолинди. К. Б. Мединский қўзголончилардан бир неча кишини ушлаб олганлиги оломонни янада газаблантириди. Халойиқ ҳарбий отрядни қуршаб ола бошлади. К. Мединскийнинг ва унинг ҳамроҳлари, шу жумладан маҳаллий маъмурият қадамма-қадам куролларини ўқталган ҳолда оломоннинг сиқуви остида чекина бошлади. Бу вақтда қўзголончиларнинг бир гурухи К. Мединскийни орқа томонидан тўсиб олди, шу равишда ҳарбий отряд ва маъмурият вакиллари кетмон, тош, калтаклар билан қуролланган оломон ҳалқасида қолади. Ҳарбий отряд ўт очганида қўзголончилардан И. Мадалиев, Б. Парпиев ва С. Мадалиевлар яралангандар. Қўзголон тарқалиб, 12 киши қамоқча олинган. Халқ галаёнлари йирик қишлоқлар билан бир қаторда майда қишлоқларни ҳам ўз ичитга олди. Бундай ҳолларда 3—4 қишлоқ биргаликда ҳаракат қилгандар. Масалан, Кудош волостига қарашли Қириқкетмон, Бешкапоён ва Бешкаллаобод қишлоқларидағи халқ оммасининг қўзголони шулар жумласидандир. 500—600 кишидан иборат оломон Кудош қишлоғига тўпланиб волост ҳокимини ўлдирмоқчи бўлиб, қидирганлар. Элликбоши ва унинг ўғлини калтаклагандар, элликбошини уйини бузиб, мол-мулкини талагандар. Ҳарбий отряд томонидан қўзголон қатнашчиларидан 12 киши ҳибсга ташланди.

Қишлоқ аҳолисининг қўзголонлари темирйул ва станциялар, телефон ва телеграф симларини хавф остига қўйган. Шунинг учун ҳам, Қуқон жандармия бошлиғи темирйулга яқин жойда аҳоли тўпланиб, Горчаков станциясини эгаллаш, телефон ва телеграф тармоқларини бузишга шайланаётганликларини Фаргона область ҳарбий губернаторига маълум қилган.

Қўзголонлар бостирилган бўлсада, лекин улар чор маъмурият вакилларини мавқеига зарба бериб довдиратиб қўйди: «Кейинги кунлардаги галаёнлар, — деб ёзганлиги Қуқон уездининг бошлиғи К. Мединский, — аҳоли орасида маҳаллий маъмуриятнинг мавқеини анча қўпориб ташлади. Маҳаллий маъмурият ҳаддан ташқари асабийлашган бўлиб, ўзига ишончини йўқотмоқда. Мусулмон байрамнинг биринчи кунида (18 июль) умумий қўзголон кўтарилиши тўғрисида қатъий сўзлар эшитилмоқда. Хавфсизликни таъмин-

лаш учун Қўқон шаҳар гарнizonини тезда кучайтириш лозим». Шунингдек бу ҳужжатда темирйуллари ни ҳам хавфсизлигини дарҳол кучайтириш баён этилган. Халқ галаёни Наманган уездидаги ҳам кенг кўламда утган эди. 9 июлда эркак ва аёллар императорнинг мардикорликка олиш ҳақидағи фармонини тан олмасликларини билдирганлар. Маъмуриятнинг қўзғолонни тарқатиб юборишга қаратилган ҳаракатлар ҳеч қандай натижада бермади. Аксинча, халқ оммаси тобора кучайиб борди. Шундан кейин пулемётлар билан қуролланган ҳарбий рота чақирилиб, оломонни қўрқитиш чораси кўрилди. Бироқ, қўзғолончилар рўйхатларни берилишини қатъий туриб талаб қиласидилар. Шу тарзда эрталабдан соат 2 гача шаҳар майдонида қўзғолончилар ҳарбий рота билан тураверди. Охирида оломон орасидан «Ур!» — деган сўзлар янграб, халқ ротага ташланди. Солдатлар пулемётлардан ўқ узиб қўзғолончилардан 12 кишини ўлдирдилар, 38 кишини яраладилар.

Наманган уезди бошлиги П. Р. Крашковнинг кўрсатишича ярадор бўлган қўзғолончилар уларга «Бу ҳеч нарса эмас, барибир биз ўз мақсадимизни амалга оширамиз» — деб хитоб қиласидилар.² Қўзғолон вақтида катта ва кичик оқсоқоллар, қозилар полиция умуман маъмурият вакилларининг ҳаммаси ўлдирилиши ҳақида хитоблар эшитилиб турган. Қонли тўқнашувлардан кейин қўзғолон тарқалиб, унинг қатнашчиларидан М. Бойжонов, А. Розиқбоев, Б. Мирзаев, И. Халфаев сингари жами 19 киши қамоққа олинди..

12 июлда уезднинг Уйчи қишлоғида қўзғолон кўтарилиган. Қўзғолончилар У. Бобожонов ва А. Хаманбойхўжаевлар бошчилигига элликбошини уриб ўлдирганлар. Бу ҳаракатда М. Қаюмов, А. Мухторов, М. Абдураҳимов ва М. Абдукаримовлар фаол қатнашдилар. Бу кишиларни бари қамоққа олинди.

12 июлда Олмос қишлоғида эркак ва аёллар биргаликда бош кўтариб Нигматбой Мирза Алибоев ва унинг мирзаси қишлоқ оқсоқоли М. Абдураҳимовни қалтакладилар.³ Бу хилдаги ҳаракат Жарқўргон қишлоғида авжига чиқди. 2 июлда бу қишлоқда мингта

¹ УзР МДА. Фаргона вилоят ҳарбий губернаторининг идораси, 2-рўйхат, 145-иш, 8-бет.

² Уша жойда, 153-иш, 7-бет.

³ Уша жойда, 24-бет.

яқин одам тұпланиб, маҳаллий маъмурият йигилган болхонали уйни құршаб, рүйхатларни беришни талаб қылдилар. Қишлоқ оқсоқоли Тожибой рүйхатларни оломон үртасига ташлашға мажбур бұлды. Бу ҳужжаттар дарқол йүқ қилинди. Бирок, құзголончилар бу билан қаноатланмай болхонага бостириб кириб, волост ҳокимини пастда турған оломонга улоқтирудилар. Оломон оқсоқолни калтаклаб, ҳалок қиласы. Шундан кейин волост ҳокими уйига бориб, уни хонавайрон қилиб ташлади. Құзголон кундузги соат 3 дан кеч соат 6 гача давом этди. Құзголонни ташкил қилишда М. Миркаримбоев, А. Хұжаев, М. Маматқұлов, А. Юсупов, И. Хожиев, М. Жуманбердиев, М. Нурматов, Н. Бердибоев, Б. Хожиев, М. Назаров, П. Нахарбоев, Ю. Сайдбоев ва М. Раимбоев сингари кишилар жонбозлық күрсатғанлар.

Уезднинг Пашкаран, Уйчи, Хұжаобод, Уйгур, Тошқұргон ва Барзик қишлоқларда ақоли бош күтәриб амалдорларни уйларига ҳужум қилиб, рүйхатларни ёндирганлар. Уйчи қишлоғида 500 кишилик оломон элликбошини үлдирған эди. 14 июля уезднинг Чиндаул қишлоғида катта құзголон бұлған. 1000 кишига яқин халқ оммаси маъмуриятнинг сафарбарлық ҳақидағи тушунтириш сұзларига қулоқ солмай, норозилик билдирғанлар. Құзголончилар полиция ва унинг бошлигини құршаб, рүйхатларни тортиб олғанлар. Улардан А. Дадабоев, М. Хожиев, Г. Қаландаров, М. Усмонқұлов, М. Содиқбоев, М. Каримбоев, Р. Раззозқов, М. Мирсаидов, Т. Қиличбоев, У. Содиқов, А. Шоюсупов, Х. Үрозқұлов каби эллик нафар фаоллар судга берилди.

15 июля уезднинг Чодак қишлоғида құзголон күтәрилди. Күп сонли оломон волост ҳокими М. Худойбердининг уйига бостириб кириб, тепкилаганлар. Кетмөн, тош, таек ва болталар билан қуролланған халқ Ш. Тоирбоев, М. Каримов, М. Ашурматов, М. Маратжонов ва бошқалар амалдорларни калтаклаган. Құзголончилар орасыда айрим кишиларда тұппонча ҳам бұлған. Құзголончилар қишлоқ оқсоқоли Н. Аминовнинг уйи ва богини хонавайрон қилиб ташлаганлар. Шунингдек оқсоқолнинг 15 минг сүм пули ва 10 минг сүмлик қарздорлик тилхатлари ҳамда 10000 сүмлик уй жиҳозлари ва моллари йүқ қилинған. Оқсоқолнинг үзи Үш шаҳрига қочиб қутилған.

Құзғолоннинг фаол қатнашчиларидан 90 киши қамоққа олинди.¹ Масалан Ж. Каримбоеев, А. Абдураимов, Ю. Машарипов, Н. Хожиев, Ю. Амирматов, С. Полвонов, Б. Қориев, А. Ҳұжаев, С. Назаров, Н. Жалолов, М. Мадаєров, Ш. Тошбоев, А. Жалилов, С. Доңиәрбоев, И. Мирзабоев ва бошқа кишилар шулар жумласидандыр.

17 июлда юқори Ашт қишлоқ ахолиси солиқ ва зулмга қарши құзғалиб волост ҳокимининг уйини вайрон қилиб, өндериб юборган. Ҳокимни уриб үлдирған. Бу воқеада Б. Саримсоқов, Т. Матқұлов, М. Мансуров, М. Мұминов, И. Бойматов, И. Нигматулаев, А. Абдуқодиров, С. Химгамов, К. Фозилов ва бошқалар билан жами 27 киши катта жасорат күрсатғанлар. 25 июл куни халқ оммаси Уйчи волостиға қарашли Еркүргон қишлоғида құзғолон күтартған. Бу ерда оломон оқсоқолларидан рүйхатларни беришни талаб этиб тошбүрон қылғанлар. Бу воқеадан сұнг Т. Холиқов, Б. Мирзабоев, А. Хасанбоев, А. Толипов, Ш. Устабоев, У. Мұминов, У. Йұлдошбоев, А. Отабоев сингари 20 дан ортиқ кишилар қамоққа олинди.²

Қуйи Ашт қишлоғида құзғолон ҳам анча кучли бұлған. 1000 кишидан иборат құзғолончилар 17 июлда болта, пичоқ, таек өзінен тошлар билан волост ҳокими М. Алимбобоевнинг идорасини бузиб қаршилик күрсатған расмий кишиларни үлдирғанлар. Улар ҳокимнинг уйига бориб, хонавайрон қылған ва мол-мұлкини өндирғанлар. Бу билан бир қаторда ҳокимнинг тогаси У. Одилбоев калтакланиб, замбильда майдонға олиб чиқылды ва үлдирілди. Құзғолончилар бу билан чегараланмай ҳокимга тегишли дүкөнларни ҳам бузиб ташладилар. Ҳаммаси булып ҳокимнинг 50 минг сұмдан ортиқ мол-мұлкини талади. Құзғолон давомида К. Ҳұжаев, Ш. Турсунбоев, А. Ҳамламов, К. Мирзабоев, М. Полвонов, А. Мұллажонов, И. Назаров, М. Мараджонов, И. Абдурахмонов, М. Хожиев, Ҳ. Аминов сингари күпілаб оловқалблар олдинги сафда курашдилар. Құзғолонда аәллар ҳам әрқакларға мададкор бұлдылар. Құзғолончилардан У. Тошматова, Нури-

¹ ЦГВИА России Ф. Штат Туркестанского военного округа. ОП. 3, д.34, л. 24.

² Уша жойда, 4-бет.

нисо Турсунова ва Ҳамробиби Аминова сингари жасоратли оналар амалдорларни ўлдиришга ва уларнинг уйларини бузишга бевосита қатнашганлари учун қамоқقا олинниб судга берилган. Бу қаҳрамон аёллар билан бир қаторда қўзголонга аралашган Т. Муҳаммадсафоева, Б. Бурибоева, Ҳ. Носирова, Р. Шахёрова, И. Мадазимова, С. Шербоева, Т. Шоюсупова, Ш. Муҳаммадгозиева, В. Мадалиева номли аёллар қамоқقا олинниб, тергов қилинганлар.

Чор ҳукумати ўлкада қўзголонларни бостириш учун 14 та батальон, 33 та казак ҳарбий бўлимни, 42 та тўпни ва 69 та пулемётни жалб қилди. Жазо отрядлари ниҳоятда шавқатсизлик билан ҳаракат қилдилар. Бу ҳақда генерал-губернатор А.П. Куропаткиннинг рус императори Николай II га ёзган рапортида шундай ёзилган эди: «Сиз император олий ҳазратлари ва барчага муқаддас ватан ҳисобланган буюк Россия олдида ўз содиқлигини унугтанилиги ва жиноий ишлар қилганилиги учун Туркистон аҳолиси қаттиқ жазоланди»¹. Қўзголон қатнашчиларидан 3000дан ортиқ киши терговга тортилиб улардан 1588 суд қилинди. Булар 25 июль — 15 декабрь ойлари орасида бир неча гуруҳларга бўлинган ҳолда суд қилинди. Ҳатто маҳбусларни катта бир қисмини суд қилиш 1917 йил январ ойига қолдирилди. 1916 йил 20 декабрь ойида берилган маълумотга кўра, қўзголончиларнинг бир қисми яъни 933 киши суд қилиниб 346 киши оқланган, 587 маҳбус бўйича ҳукм чиқарилиб 201 киши осиб ўлдиришга, 104 киши қаторгага, 194 киши арестантлик бўлимига, 88 киши қамоқقا кесилди. Жиззах қўзголончиларидан 50 киши ўлим, 1 киши қаторгага ҳукм этилди. Богадан волостидаги қўзголон бўйича 50 киши осиб ўлдириладиган бўлди. Умумлаштирганда 1916 йил қатнашчиларидан 347 кишига ўлим жазоси берилди. Аммо ҳалқни қаҳр-ғазаби ва нафратини яна қўзгатмаслик учун ўлим жазосига тортилганларнинг анча қисми узоқ муддатли қаторгага алмаштирилди. Терговсиз ва судсиз минглаб қўзголончилар ва уларнинг оила аъзолари ўлдирилган эди. Аммо А.Н. Куропаткин бу ҳақда оғиз очмай қўзголон орқасида кўрилган талофатларни таърифлайди. Унинг император номига юборган ахборотига кўра 3709 руслар жабрланиб 2325 ўлдирилган,

¹ ЦГВИА России. ОП. 253/916, д. 42. част. 3, л. 2.

1384 киши дараксиз йүқолган. Чор маъмурияти вакилларидан 7 киши, маҳаллий қуи мансабдагилардан 22 киши ўлдирилган. 9000 хўжалик остин-устин қилинганди ва вайронага айлантирилган. Айни пайтда темирйуллар бузилган, кўпприклар ёндирилган, мол-мулк таланди. Айниқса, Жиззах қўзғолончиларига нисбатан ваҳшнийларча муносабатда бўлинди. Бу ҳақда қўзғолон қатнашчиларининг хотираларидан тўла тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Жиззах галаёни иштирокчиси Тўра Норбой дейди: «Жазо отрядлари тоғда қочиб, оч қолиб, қишлоқдан овқат олиб келиш учун тушган Мавло Айматовни ушладилар. У билан яна 7 кишини ушлаб дараҳтларга боғладилар. Ўн кунгача ҳар куни бир бор калтаклаб, устидан сув қўйдилар. Солдатлар қишлоқдан кетадиган бўлдилар. Кейин улар бу 7 кишини калтаклаб ўлдириб кетдилар». Қўзғолон қатнашчиларидан бири Муқим Урдушов Тошкентта қочиб сўнг Жиззахга қайтиб кўрганларини кўйидагича сўзлаган: «Тошкентдан Жиззахга келдим. Кечаси станцияга етиб, намоз вақтида шаҳарга тушиб кетдим. Йўлда кўп солдатларни кўрдим. Уларни ёнида халқдан талаб олинган қимматли рўзгор ашёлари тог-тог бўлиб ётибди. Солдатлар қимматли ипак сўзаналарни, атлас ва шоҳи кўрпаларни отларга ёпиб қўйибдилар. Ипак газламаларни, шоҳи кўрпаларни тупроққа ёзиб устида аганаб ётибдилар. Ҳовлига чиқсалар ҳам шоҳи ва атлас кўрпаларни ёпиниб чиқмоқдалар. Бунда халқдан талаб олинган мингларча от-моллар ва қўйлар турибди. Бунда оёқ остида босилиб ётган қимматли нарсаларни кўриб жуда раҳмим келди. Эски шаҳар йўлида кетаётганимда янги шаҳарга қараб қатор-қатор кетаётган хотин-қизларни кўрдим. Улар мендан «солдатлар талаб кетган нарсаларни қайтариб бераётган эмиш» деб эшитдик, шу тўғрими? — деб сўрадилар. Мен буни кўрмаганлигимни айтдим. Эски шаҳарга тушсам, энг яхши бинолар, маҳаллалар, шаҳар кўчаларидағи тимлар, дўконлар, ошхоналар ва чойхоналар куйиб ер билан теп-текис бўлган. Бунда бойўғли сайрамоқда. Халқ оч ва ялангоч, жуда оғир аҳволда. Бу аҳволни кўриб кўп ачиндим».

«Бир куни — дейди қўзғолон иштирокчиси Мамашариф Ҳусайнов, — шаҳар атрофини солдатлар ураб, ҳар ҳовлига беш-олтитадан бўлиб кираверишдилар. Одамларни уриб-сўкиб уйларидан қувиб чиқдилар. Бе-

шикдаги болаларни ечиб олишга қўймадилар. Халқни бозор майдонига тўплаб, ёш ва жинсларга қараб тўдларга ажратдилар. Атрофларига тўп ва пулемётлар ўрнатдилар. Солдатлар баъзи одамларни қулогидан бураб тўп оғзига олиб бориб кейин қўйиб юборадилар. Баъзилари одамларга қараб милтиқларини шарқ-шурқ қилиб қурқитадилар. Одамлар орасида Оқ подшо Жиззах халқини отиб юборади, энди ҳаммамизни отар экан деган гап тарқалди. Халқни ваҳима босди. Хотинлар ва болалар йиглади. Солдатлар уларни милтиқ қўндоғи билан урдилар. Бир вақт янги шаҳардан бир отлик аскар чопиб келиб: «Сиз маккор Жиззах халқи подшоҳи аъзамнинг олий фармонига итоат қилмаганиклингиз учун подшоҳи аъзам сизларни отувга буюрган эди. Генерал-губернатор Куропаткин сизларнинг гуноҳларингизни Оқ подшодан тилаб олибдилар. Сизлар энди бу шаҳарда яшашдан маҳрум бўлдингиз. Сизларни шаҳардан 25 километр нарига сургун қиласиз» деди. Солдатлар, мингбоши ва полициячилар халқни уч томонга булиб ҳайдадилар. Кун бениҳоят иссиқ, ҳамма ёқни чанг-тўзон қоплаган, эски шаҳарга келадиган сув янги шаҳарда бўгиб қўйилганлиги учун ҳеч жойда сув йўқ. Борларини солдатлар қоқиб олди. Яна югуртирди. Чополмай йиқилганларни милтиқ қўндоқлари билан урдилар. У вақтдаги дод-вой оламни тутар эди. Ёш болалар сувсизликдан юраги қуйиб, улиб қолаверди. Ҳомиладор хотинлар туғиб ётибди, солдатлар уларга қараашга йўл бермайди. Солдатлар югиришдан бош тортганларни отдилар. Югуриб кетаётган халқни яна тўхтатиб, қўлларидаги узукларини, қулоқларидаги сиргаларини юлиб олдилар. Шу равишда чўлга етиб боргунча неча жойда текшириб, то яхши кийимларгача ечинтириб олдилар. Бизларни шундай азоб-уқубатлар билан шом пайтида Қилич чўлига олиб бориб ташлаб қайтдилар. Одамларда овқат ҳам, кўрпа-ёстиқ ҳам йўқ эди. Ҳамма оч ва сувсиз қолди. Кечаси биз қишлоқларга бориб, овқат олиб келиб ҳаммага оз-оз улашиб турдик. Бир тўп одамлар оч қолиб, касалликдан ўлдилар. 10 кундан кейин бизга шаҳарга келишга рухсат тегди». Мазкур сатрларда асосан қўзғолончиларнинг ота-оналари ва фарзандларига нисбатан қилинган ваҳшийликлар ҳақида сўз юритилган. Қўзғолончиларнинг ўзларига нисбатан қўлланилган азоб-уқубатлар янада даҳшатли

булган. Бу ҳақда Коршунова исмли рус аёлининг ўз кўзи билан кўрганини далолат беради: «Тошкент қамоқхонасиning ҳовлисида очликдан ўлган фаргоналарнинг мурдалари солинган араваларни кўрдик. Сўнгра чала ўлик бўлиб ётган маҳбуслар жойлашган қамоқхона ертўласига тушдик. Бу ернинг икки томонида ниҳоятда қийноқлар орқасида ўлаётган одамлар ётишибди. Булар шу даражада зич ва қалашиб ётар эдиларки, оёқ босишга жойни топиш жуда қийин бўлди. Бизни озгин, исқирт эркакларни, соchlари ёйилиб ётган хотинларни кўриниши, қўркув ва шу билан бирга нафрат билан қараётган кўзлари ҳаяжонга солди. Ёши улгайтан бир аёл менинг оёғимга ёпишиб гич ёш ва аламга тўлган кўзлари билан боқиб нималарни дир гапирди. Бироқ мен тил билмаганим туфайли унинг ҳўнграб йиглаш билан айтган сўзларини тушунмадим. Кимdir олдинда кетаётган бир ҳамроҳим мени қўлимдан тортгандан кейин аёлдан узоклашдик. Мен аёлларни бадани бўйлаб минглаб минглаб чумолиларни ўрмалаётганини курдим. Манзара гоятда даҳшатли эди. Мен бир новча одамнинг эгнидаги чириган чопонидан бир парча паҳтани юлиб олиб чайнаётганини гувоҳи бўлдим. Кўп маҳбуслар деярли нафас олмай ётардилар. Афтидан улар азоб-уқубатларнинг охирги дақиқаларини кечирмоқда эди. Уларнинг кўпчилиги эс-хушини йўқотган, бошқалари оч кўзлари билан бизга боқар эдилар».

Баён этилган сатрлардан маълум бўладики, чор маъмурияти эркакларни орасига аёлларни жойлаштириб ва азоб бериб тарихда мисли кўрилмаган даҳшатга қўл урган.

Жиззахда қўзғолон кутарилганлигини рўкач қилиб 2000 гектар унумли ер давлат фойдасига мусодара қилинди. Шу равищдан деҳқонлар ҳаётининг асосий манбаи ҳисобланган ердан маҳрум этилган. Бу билан бир қаторда қўзғолончиларнинг ташаббусчилари осиб ўлдирилди. Генерал-губернатор А. Н. Куропаткин баён этилган жазо чораларини қўйидагича таърифлаган эди: «Туб аҳоли шуни яхши билсинки, рус қони түкилган тақдирда айбдорларни осиб ўлдирилиши билан бир қаторда уларни ерлари Андижон (Дукчи Эшон) қўзғолони иштирокчиларига нисбатан қилингандек тортиб олинади. Бу ҳар бир галаёндан кейин қатъи равища қилинаётган тартиб туб аҳолини рус

ҳукуматига қарши қурол күттармасликка мажбур этиши лозим!»

Бошқаларга ибрат ва хавф бўлиши учун биринчи навбатда қўзғолонни энг юқори чўққига кўтарилиган жойларидан бири Жиззах шаҳри ер билан яксон қилинди. Бундай фожия қўзғолончиларнинг эсдаликларидан ҳам ўз ифодасини топди:

*Тахта кўпrik битдими?
Николай подшоҳ ўтдими?
Жиззах шаҳрини вайрон қилиб
Муродига етдими?
Ош қади, Палов қади
Томга чиқиб дод айлади
Намозгоҳни солдат босиб
Жиззахни вайрон айлади*

Шуни айтиб ўтиш керакки, юқори табақа орасида дилида чор ҳукуматига ва мардикорликга олишга қарши бўлган кишилар йўқ эмас эди. Улар ўз мақсадларини ошкора қилишдан чўчиб пинхон равишда иш юритдилар. Масалан, Андижон шаҳридаги энг йирик миллионер Миркомил Мир Мўминбоев Қўқон мингбошиси номига махфий хат жўнатган: «Маълум бўлсинки, Қўқон аҳолиси ва бойлари мардикорликка олиш масаласи буйича қаттиқ туришларини тайинланган, мардикорликка бормасликни айтинглар, Қўрқманглар! Россияни аҳволи жуда танг. Мени ўзим бориб курдим. Қачонки одамлар мени устимдан шикоят қилгандарида 150 минг сўм бериб қутилдим. Ҳозирги вазиятда, агар рус амалдорига минг сўм берилса у вақтда хотинини ҳам, боласини ҳам беришга тайёр. Туркияning аҳволи яхши. Эндиликда биз кушфурушларни қонини ичамиз. Андижон тақдири қўлимда.

Бу хатни ўқи, тез жавоб бер ва сир тут»¹.

Шу мазмундаги хат Марғилондаги Сайид Мамад Эшонга ҳам юборилиб, унда фақат бир ёқадан бош чиқариб иш юритилса халқ қўзғолонини кўтариш осонлиги кўрсатиб ўтилган.² Миркомил Мир Мўминбоев бундай хатларни бошқа жойларга ҳам юборган. Бироқ

¹ УзР МДА. Ф. Фаргона вилоятининг ҳарбий губернаторини бошқармаси, 2-рўйхат, 148-иш, 66-бет.

² Уша жойда, уша бетда.

юқори табақа вакиллари құрқоқлик ва лоқайдлық қилиб қулай фурсатдан фойдалана олмадилар. Ҳатто миллий буржуазия ва зиёлилар заиф бұлғанлығы учун үзларини ўтга урушдан чүчидилар. Натижада халқ галаёнларига бошчилик қиласынан билімден раҳбар тоғылмади. Шунинг учун құзғолончилар тош, гишт парчаси, таек, болта, темир-терсак ва бошқа оддий нарсалар билан, мильтик, тұпшонча, қилич ва тұплар билан қоролланған империя құшинларига қарши үзләри билганича кураш олиб бордилар. Жазо отрядларининг ваҳшийлиги ўлқада жуда хатарли ва хавфли вазиятни юзага келтирди. Бундан ваҳимага тушган маҳаллий табақа вакиллари ва зиёлийлар вазиятни юмшатиши ва тинчликни таъминлаш мақсадида мардикор олишга қаратағынан фармонни амалға оширишга яқындан ёдам беришга ахд қиласынан. Ҳатто маҳаллий юқори табақасынан айрым вакиллари «Овом халқни» құзғолон күтарғанлардың учун чор маъмуриятидан кечиришни илтихо қиласынан. Чунончы, «Туркистон вилоят» рұзномасининг саҳифаларыда рус императорини күкларға күтарувчи ва мардикорликка бориши ҳар бир кишининг ватан олдидеги бурчи эканлиғи ҳақида шеър ва мақолалар чоп этилди.

Шунингдек маҳаллий маъмурият, миллий буржуазия ва жадидларининг вакилларини «Маҳаллий ёрдам комитетлари» тузилди.

Улар мардикорларни жұнатышга күмаклашиш билан бир қаторда жамоадан уларни әхтиәжи учун маблаг тұпладилар. Мазкур комитетлар Тошкент, Андижон, Қўқон, Наманган ва бошқа жойларда ташкил этилиб, унга асосан жадидлар бошчилик қиласынан. Сиртдан қараганда комитетлар гүе император фармонини қувватлагандек күринади. Бироқ аслида хукumat томонидан деярли моддий ёрдам күрсатылмаган. Мардикорларни ақволини оз бұлсада яхшилашта ҳаракат қилинган эди. Шубҳасиз, құзғолон жараённанда чор маъмурияти томонидан амалға оширилған даҳшатли чоралар халқни ниҳоятда тинкасини қуритиб ва ҳаётни остин-устун қилиб ташлаган эди. Буни устига устак мардикорликка юборнасмынан ҳеч иложи бұлмаган. Мана шундай оғир шароитда комитетларни тузилиши фойдалан холи эмас эди, албатта. Чунки уларнинг асосий вазифаси мардикорликка жұнатылаётган кишиларни ва уларнинг оила аъзоларини

эҳтиёжларини қондиришдан иборат эди.¹ Қаҳатчилик ва чор жазо отрядларининг қирғинларидан ниҳоятда толиққан халойик қайта қўзголон кутаришга ҳоли қолмади. Баён этилган қулай фурсатлардан фойдаланган чор ҳукумати императори фармонни амалга оширишга қатъий равишда киришди.

1916 йилни 23 августида А. Н. Куропаткин мардикорликка сафарбар қилиш тадбирлари ҳақида буйруқ чиқарди. Бунда мардикорликка олинадиган одамларни сони тақсимланди: Сирдарё вилоятига — 60.000, Самарқанд вилоятига — 32407, Фаргона вилоятига — 51233, Еттисув вилоятига — 4300 ва Каспий орти вилоятига — 13830 киши белгиланди. Жами 200470 кишини ташкил қилди. Сафарбарлик 1916 йилни 18 сентябрда то 1917 йилни февраль буржуа-демократик революциясининг галабасигача давом этди. Мардикорлар Москва, Петербург, Рязань, Тула, Орёл, Смоленск, Пенза, Брянск, Двинок, Нижний-Новгород, Қозон, Самара, Перм, Екатеринбург (Свердловск), Оренбург, Киев, Харьков, Екатеринослав, Одесса, Запорожье, Керч, Тифлиси, Ботуми ва бошقا жойларга ўрнаштирилди.

Чор маъмурияти белгиланган 200470 киши ўrnига 123 мингдан ортиқ мардикорларни сафарбар қилишга муваффақ булди. Улардан 101.600 киши Россиянинг Оврупо қисмига, 4000 киши Сибирга, 7405 кипи Кавказга жойлаштирилган. 10 мингдан ортиқ кишилар Туркистон үлкасида ишлатилди. Мардикорлар ҳарбий ва оддий саноат корхоналарида, конларда, темир йўллар қурилишларида, ўрмонларда ва айрим капиталистларнинг хужаликларида қаттиқ ишлатилди. Хусусан, фронт орқасидаги ҳаракатдаги армия ўрнашган жойларга — 33.687, заводларга — 17.000, темир йўлларга — 28.270, турли жамоа корхоналари ва ташкилотларда — 44.284 мардикорлар юборилган эди. Улар очликдан, хўрликдан ва маشاққатли меҳнатдан кўп азоб-уқубатларни бошларидан кечирдилар. Уларнинг орасида совуқ урушидан ва турли касаллардан ўлганлар ва ногирон бўлиб қолганлар бор эди. Ўзбек мардикорларининг ҳаёти оғзаки ижодиётда ҳам тасвирланган:

¹ «Туркестанский голос», 1916, 1 сентября.

*Поезднинг гилдираги,
Устахонаси билан дўнгалаги,
Двінскага кетишди
Мард йигитнинг бир бўлаги.
Двінскага кетмас эди
Мард йигитнинг бир бўлаги,
Двінскага кетказган,
Николай золимнинг замбараги.
Двінскага йўл бўлсин
Қарағайзоринг кул бўлсин
Йигитларни қийнаган
Николайнинг йўқ бўлсин.
Сўк ошингни ичмайман,
Этигимни ечмайман.
Қорда қарағай кессанман
Хеч ҳаққимдан кечмайман.*

Мардикорларнинг оғир ҳаёти қўйидаги мисраларда ҳам ўз ифодасини топган:

*Унда бордик, шунда келдик
Пенза деган шаҳрига.
Ярмимиз чор питида қолдик,
Ярмимиз мис конида.
Оёқларимиздан совуқлар ўтди,
Тўхтамас кўздан ёш.
Шўрпа деб лойқа сув берди,
Бир киши ичолмадик.
Қора нон аччиқ экан,
Уч кунгача ейолмадик.*

Ўзбек мардикорлари машаққатли ва оғир ҳаётнинг асири бўлиб қолмай, кураш олиб бордилар. Улар бир неча маротаба иш ташладилар ва ҳарбий отрядлар билан тўқнашган вақтлари бўлди. Улар Февраль-буржуа демократик инқилобидан кейин ўз ватанига қайтишга эришдилар.

Умумий хуоса шуки, 1916 йил қўзголони чор хукуматининг мустамлакачилик ва улугмиллатчилик сиёсати авжига минган вақтда юз берди. У миллий зулмга, ўлкани Россиянинг хом ашё манбай ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланишига қарши қаратилган эди.

Қўзголоннинг тарихий аҳамияти шундаки, у бутун

Туркистон ерларида туб аҳолининг сиёсий онги ва фамилияни ўсишига олиб келди. Унда аёлларнинг қатнашиши муҳим воқеа ҳисобланди. Бу аёлларнинг ватанпарварлиги ва жасорати ҳақида далолат беради. Қўзғолон кенг қулоч ёйиб, шаҳар камбағалларини, дехқонлар оммасини ва рус ҳукумати ҳукмронлигидан норози бўлган юқори табақа вакилларини қамраб олди. Улар биргаликда Ватан мустақиллиги ва озодлигини тиклаш учун курашдилар. Қўзғолон рус ҳукуматининг ўлқадаги куч-қудратини заифлаштириб, Россияда Февраль-буржуа демократик революциясининг галабасини таъминлаган омиллардан бири ҳисобланади.

Қўзғолоннинг ижобий томони яна шундаки, у рус императорининг мардикорликка сафарбарлик ҳақидағи фармонини ўз вақтида амалга оширишга зарба берди. Натижада мўлжалланган мардикорларнинг сонини ярмисинигина жўнатишга тўғри келди.

Қўзғолон узбек ва ўлканинг бошқа халқларининг мустақиллик, озодлик учун олиб борган курашлари тарихида учмас из қолдирди.

РОССИЯДА СИЁСИЙ КУРАШЛАРНИНГ АВЖИГА ЧИҚИШИ

Россия ҳам Туркистон ҳам бир империянинг таркибида бўлғанлиги учун у ердаги сиёсий ҳаётни ўлкага ўз таъсирини кўрсатиши турган гап эди. Шу боис Россиядаги сиёсий вазиятни маълум дараражада бўлса-да ёритмасдан Туркистондаги воқеалар ҳақида тўгри тасаввур этишни ҳеч иложи йўқ.

XX аср бошларида Россияда ҳукм сураётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизим замон талаби ва тараққиётига жавоб бера олмай қолди. Натижада бутун мамлакатда чуқур инқизороз содир бўлиб Россия Оврупонинг қолоқ мамлакати сифатида намоён бўлди. У ривожланган мамлакатларнинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозори ҳисобланди. Бундай оғир аҳволдан қутулишнинг ягона йўли монархия тизимидан воз кечиб, демократик республикасини тузишдан иборат эди. Аммо чор ҳукумати яккаҳокимликка асосланган тоталитар сиёсатни давом эттириб сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни тақиқлади. Бу ҳолат Россияни ўзида ҳам, унинг мустамлакаларида ҳам оппозицион кучларнинг фаолиятини тобора кучайтириб борди. Биринчи навбатда қашшоқлашган ишчилар ҳукуматга қарши бош кўтардилар. Чунончи 1900—1904 йилларда улар томонидан 925 маротаба иш ташланиб, 180 минг киши қатнашди. Агар 1901 йилда сиёсий иш ташлашлар 22 фойзни ташкил этган бўлса 1903 йилда — 53 фойзга кўтарилди. Бундан ташқари 1901—1904 йилларда 76 маротаба биринчи май намойишлари ўтказилди. Ишташлаш (стачка)лар ва намойишларда «Йўқолсин Чор ҳукумати», «Чор ҳукумати — халқ душмани» сингари шиорлар баён этилди. Шунингдек Россияда деҳқон галаёнлари кўтарилди.

Россиянинг 1904—1905 йиллардаги Япония билан урушда маглубиятга учраши халқ оммасининг аҳволини

янада ёмонлаштириб унинг нафрати ва газабини қайнатиб юборди. Айниқса ишчиларнинг норозилиги юқори чўққига кўтарилди. Чунончи 1905 йил 9 январ, якшанба куни Петербургдаги Қишики саройнинг майдонида 150 минг кишидан иборат ишчилар намойиш кўтардилар. Солдатлар уларга қарши ўқ узиб 1200 кишини ўлдириди ва 5 минг кишини жароҳатлантириди. Шу боис намойиш «Қонли якшанба» деб юритиладиган бўлди. Чор хукуматининг тинч намойишларга нисбатан ваҳшиёна муносабати кенг халқ оммасининг газабини янада қаттиқ қўзгатди. Мамлакат бўйлаб норозилик намойишлари кенг қулоч ёйди. Масалан, 1905 йилнинг январь ойида 450 минг ишчи бош кўтарди.

Чор хукуматининг тоталитар сиёсати ва мамлакатнинг оғир аҳволи турли сиёсий партияларни юзага келтириди.

XIX аср охири — XX аср бошларида Россияда социал-демократик тўгараклар пайдо бўлди. Улар чор хукуматига қарши курашиш, сиёсий озодликка эришиш, сўнгра социализмни қуришни мақсад қилиб қўйдилар. 1898 йилда Минскда мамлакатнинг турли жойларда тарқоқ ҳолда иш юритаётган социал-демократик тўгаракларнинг вакиллари ўзларининг биринчи съездини ўтказдилар. Ушбу съездда Россия социал-демократик ишчилар партияси (РСДРП) тузилди. Сиёсий озодлик ва социализм учун кураш партиянинг асосий вазифаси этиб белгиланди. Бу ҳақда маҳсус манифест қабул қилинди. 1903 йилда даставвал Брюссельда, сўнгра Лондонда РСДРПнинг иккинчи съезди чақирилиб партиянинг дастури қабул қилинди. Дастурда партиянинг кураши икки босқичда олиб борилиши кўрсатилди. Биринчисида чор хукуматини агдариш ва буржуа демократик республикасини ўрнатиш, иккинчи босқичда эса социалистик революцияни амалга ошириш режалаштирилди. Съездда партиянинг раҳбар органларини сайлаш ва партия аъзолигига қабул қилиш масаласи бўйича ўтказилган баҳсада Ленин тарафдорлари кўпчилик овозни олганлари учун большевиклар, Мартов бошлиқ гурухлар оз овозга эга бўлганларни туфайли менъшевиклар деб аталди.

1901—1902 йилларда «социал революционерлар» партияси тузилиб, унинг аъзолари эсерлар деб юритилди. Улар революцияда ишчиларнинг етакчилик ўрнини инкор этиб, деҳқонларни революцион куч си-

фатида баҳоладилар. Улар террор йўли билан курашиш тарафдорлари эди. Натижада Д. С. Синягин (1902) ва В. К Плеве (1904) сингари Йички ишлар вазирлари отиб ўлдирилди. Эсерлар посёлкаларда ерга нисбатан хусусий мулкчиликни йўқ қилиб, уни жамоа ерларига айлантириш ва колектив меҳнатни ташкил этиш йўли билан социализмни қуришни тарғибот қилдилар. Эсерлар сиёсат соҳасида чоризмни ағдариш, республика, демократияни ва парламентни ташкил қилиш тарафдорлари ҳисобланганлар. Шунинг учун ҳам уларни большевик ва меньшевиклар билан ҳамкорликда иш юритган вақтлари кўп бўлган.

1905 йил 9 январь воқеасидан кейинги ойларда ишчилар, деҳқонлар ва солдатларнинг бош кўтаришлари қизгин тус олиб, хавфли вазиятни юзага келтирди. Император уни юмшатиш учун 1905 йил 17 октябрда фуқароларга сўз ва матбуот эркинлигини бериш ва қонун чиқарувчи Дума (парламент)ни жорий этиш ҳақида манифест эълон қилди.

1905 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида буржуазиянинг «конституциячи-демократлар» номида сиёсий партияси тузилди. Бу партия кадет номи билан ҳам иш юритди. Унинг дастурида конституцияга асосланган монархия учун кураш асосий мақсад деб белгиланди. Юқорида қайд қилинган ҳукумат манифести эълон қилингандан кейин «17 октябрь иттифоқи» (октябрьистлар) номли буржуазия партияси тузилди. Бу партия ҳам кадетларга ўхшаш конституцияли монархиянинг тарафдорлари эди. Шунингдек демократия душмани, улуғмиллатчилик ва антисемитизм руҳи билан сугорилган «чёрносотинчи»лар партияси пайдо бўлди.

1905 йил октябрь ойида Россияда ишчи ва солдат депутатлари советлари, поселкаларда деҳқон (крестьян) комитетлари тузилди. Умумлаштирилганда ўша йили бутун мамлакатда 55 та советлар пайдо бўлди. Уларга эсер, меньшевик ва большевиклар аъзо эдилар. Советлар чоризмга қарши курашни асосий вазифа деб белгиладилар.

Чор ҳукуматининг «17 октябрь Манифести» маълум даражада жамиятни демократлаштирган бўлса-да, лекин амалда давлат бошқарувида императорнинг як-каҳокимлиги ҳукм сураверди. Бунинг устига устак меҳнаткаш омманинг ҳаёти янада огирашиб борди.

Шу боис 1911–1914 йилларда юз минглаб ишчилар ва дәхқонларнинг галаёnlари ривожланди.

Олдинги саҳифаларда Россиядаги турли сиёсий партияларни фаолиятини шарҳлашдан мақсад шуки, уларнинг бўлимлари Туркистон заминида ҳам юзага келиб сиёсий курашларни йўналтирувчи кучлари ҳисобланди. Маълумки ўлкада Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Марғилон, Андижон ва бошқа жойларда рус шаҳарлари пайдо бўлган эди. Бу жойлардаги аҳолининг ҳаёти анча оғир бўлган. Шу боис ўлқадаги темир йўл ва корхоналарнинг ишчилари иш ташлади ва на мойиш кўтардилар.

XIX аср охирида ўлкада сургун қилинган социал-демократларни учратиш мумкин эди. Кейинги асрнинг дастлабки йилларида ўлкада социал-демократларнинг сони 377 кишини ташкил этди. 1903 йилдан бошлаб Тошкентда социал-демократик гуруҳи шакланиб, улар ишчилар орасида чор ҳукуматига қарши революцион курашни уюштириш билан шуғулландилар. Ишчилар «Йўқолсин самодержание», «Яшасин халқ ҳокимияти!» деган шиорлар билан ёзилган қизил байроқларни кўтарган ҳолда бош кўтардилар. Бундай чиқишлилар Тошкентдан ташқари Самарқанд, Андижон, Қўқон ва ўлканинг бошқа жойларида кўзга ташланди. Уша 1905 йилнинг охирги ойларида айрим ҳарбий қисмларда солдатларнинг ҳам галаёни содир бўлди. Бу вақтларда Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон, Хўжанд ва бошқа шаҳарларда социал-демократик ташкилотларнинг конференцияси очилди. Бунда улар РСДРПнинг ўлка ташкилоти сифатида бирлашдилар. Аммо 1907 йилда чор ҳукумати томонидан ташкилотнинг аъзоларини кўпчилигини қамоқча ташлашини орқасида социал-демократларнинг фаолияти сўнди. Бироқ 1912 йилга келиб янги социал-демократик гуруҳлар пайдо бўла бошлади.

Россияда бўлганидек ўлкада ҳам социал-демократик ташкилотларнинг аъзолари бир тарафдан эсер ва меньшевиклар, иккинчидан большевиклардан иборат эди. Улар кўп ҳолларда чоризмга қарши курашларда биргаликда қатнашдилар. Бироқ уларнинг ўртасидаги зиддият ва келишмовчилик қанчалик вақтларнинг ўтиши билан шунчалик қизгин тус олиб борди. Умуман олганда социал-демократик ташкилотларда меньшевик ва эслерлар салмоқли ўринни эгаллаган эдилар.

1905—1906 йилларда Тошкентда, Қўқонда ва Са-марқандда кадет, октябррист ва прогрессивистлар партияларининг бўлимлари юзага келди. Кадетлар савдо-саноат вакиллари, адвокат ва инженерларни ўз ичига олди. У келажакда улканинг сиёсий ҳаётида салмоқли ўринни эгаллади.

ЖАДИДЛАР МУСТАҚИЛЛИК ВА ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШДА

XX асрнинг бошларида чоризмга қарши кураш нафақат Россияни ўзида балки унинг мустамлакалирида, жумладан Туркистонда ҳам тобора қизиб борди. Бу кураш икки йўналишда кечди. Улканинг рус аҳолиси истиқомат қилаётган жойларда олдинги саҳифаларда кўрсатилган Россияниң ўзидағи буржуазия партиялар ва социал-демократларнинг бўлимлари юзага келди. Улар улкада ҳам русларга сиёсий ва инсоний хукуқларни бериш ва давлат бошқарувини демократлаштириш учун курашдилар. Аммо улар бундай ўзгаришларни Россия империясини яхлитлиги ва мустамлакачилик сиёсатини сақлаган ҳолда амалга оширишни режалаштирган эдилар. Уларнинг дастурларида маҳаллий аҳолининг манфаатлари учун ҳам курашиш хаёлга ҳам келтирилмади. Шунга ўхшаш улкадаги ишчиларнинг революцион ҳаракатлари ҳам туб аҳолини озодлигини таъминлашга қаратилмаган эди. Туркистон заминида буржуазия сиёсий партия ва социал-демократларнинг фаолиятига қарама-қарши миллий-озодлик гоялари ўз кучини кўрсатиб борди. Зоро, узбек халқининг чор хукumatига қарши курашларининг моҳияти ва йўналиши мустақиллик ва озодликни тиклашдан иборат эди. Аммо совет даврида бу тарихий ҳақиқат инкор этилиб миллий-озодлик ҳаракатлари Умумrossия ишчиларининг чоризмга қарши революцион курашининг таркибий қисми сифатида баҳоланди. «Мустамлака чекка улкаларнинг, — дейилади Узбекистон тарихи китобида, — ишчи ва деҳқонлари ҳарбий феодал империализмга ва капиталистик эксплуатацияга қарши курашда Россия пролетариатининг иттифоқчилари бўлиб қолдилар... Россия ишчилар синфи ва деҳқонларнинг миллий районлардаги ишчилар ва қишлоқ камбағаллари билан бирлик фронтини ташкил этиб, буржуазияга маҳал-

лий эксплуататор синфларга қарши курашга йўллади».¹

Куриниб турибдики, гуё Россия ишчилар синфи миллий-озодлик курашларнинг йўлбошчиси ҳисобланган. Шуро тарихчилари бу фикрни тасдиқловчи биронта ишончли ҳужжатни кўрсатмай умумий сўзлар билан чегараландилар. Буни исботлашни иложи ҳам йўқ эди. Чунки ўлқадаги миллий-озодлик гоя ва курашлар Россия буржуазия сиёсий партия ва социал-демократларнинг мақсадларига зид ва қарши ҳолда намоён бўлди. Улар мустамлакачилик ва улугмиллатчилик сиёсатининг кушандаси сифатида гавдаланди. Бу борада жамиятнинг энг илгор вакиллари — жадидларнинг ватанпарварлик фаолияти муҳим ўрин эгаллади. Жадидчилик ҳаракати узида мазлум халқнинг озодлик гояларини акс эттириди. Унинг пайдо булиши ва ривожланиши тасодифий ва фавқулоддаги воқеа бўлмай сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий заминига эга эди.

Биринчидан. Чор ҳукумати ҳонликларни босиб олгандан кейин миллий давлат, миллий қўшин ва миллий чегарани йўқ қилиб ўлкани Россия империясининг таркибий қисмига айлантириди. Олий ва урга раҳбарлик лавозимларига рус генераллари ва офицерлари тайинланиб ҳарбий бошқарув тизими жорий этилди. Маҳаллий халқ вакиллари эса қўйи мансабларга тайинланиб, улар чор маъмуриятининг малайлари эди, холос. Сиёсий-маъмурий тизим мустамлакачилик ва миллий зулмга асосланган бўлиб сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар берилмади. Жамиятда адолатсизлик, зўравонлик, ҳақсизлик, назорат ва таъқиб ҳукм сурди. Бундай озодликни барбод этган бошқарув тизими жадидларнинг сиёсий қараши ва фаолиятини шакллантириди. Зеро, улар мустамлакачилик ва миллий зулмга қарши курашни асосий вазифа ҳисоблаб, унинг даҳшатли оқибатларини куюниб баён этдилар. Бу хусусда Фитратнинг «Темур саганаси» пьесаси алоҳида аҳамият касб этади. Унда Фитрат пьеса қаҳрамони орқали Амир Темур руҳига мурожаат этиб дейди: «Хоқоним, эзилиб таланганд, таланиб йиқилган, йиқилиб яраланганд турк элининг бир боласи сендан кўмак истарга келди. Боглари бузилган, гуллари сўлган, булбуллари учирилган Туроннинг бир қорову-

¹ Узбекистон тарихи. III жилд. Тошкент, 1971, 20—21-бетлар.

ли сенга арз этарга келди. Бағрим ёниқ, юзим қора, күнглім синиқ, бүйім букик. Сенинг зиёратингга келдім султоним. Эзилган бошим, қисилған виждоним, куйтан қоним, ўртантан жоним учун бу саганангдан даво излаб келдім, Ҳоқоним! Юз йиллардан бери жафо күриб, ғам чекиб келған туркнинг қонли күз ёшларини этакларингта тұкарға келдім. Қоронғулар ичра қолған үзбек күzlари учун тупрогингдан сурма олғани келдім. Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони золимларнинг аёғлари остида қолди.

Туркнинг юрти, улоги, учоги, Турони ёт құлларға түшди. Туркнинг белгиси, онги, үйлови, зийраклиги жаҳолат ўлжасига кетди. Сенинг қиличинг билан дуне әгаси бўлган Турк тинчгина бир ётоқ тополмай қолди».¹

Ушбу сатрларда мустамлака даврининг үзбек халқыга көлтирган фожеаси ҳаққоний равищда тасвирланған. Ҳақиқатан ҳам ўша даврда туб аҳолига оддий бир ҳақ-хуқук ҳам берилмай оёқости қилиниши, хўрланиши ва қул каби ишлатилиши авжига мингтан эди. Аммо ҳеч қандай таъқиб ва жазолар үзбекларнинг ватанпарварлиги ва курашини парчалай олмади. Аксинча озодлик учун курашни муқаддас бурч деб ҳисобладилар. Бу «Темур сагана»сининг қаҳрамони мисолида ҳам яққол кўзга ташланиб турибди. У мустақиллик ва озодлик рамзи бўлмиш буюк Амир Темурдан куч-қувват сураб руҳига сигинади. Фитрат «Темур саганаси» драмаси орқали жадидларнинг сиёсий қиёфасини ёритди дейилса, асло хато бўлмайди. Бу борада унинг қуидаги шеъри ҳам диққатни жалб этади.

Эй, улуф Тангрим,
эй, буюк Тангрим,
Турк ўғлисан, Турон элин
юксалтиргайсан.
Ярлақагайсан,
Раҳм этгайсан.
Улуф Турон, турк богида
гул кўкартиргайсан.
Эй, Тангрим! Раҳмонсан,
улуғсан, қодирсан,

¹ Каримов Н. Фитратнинг шайтонга исёни. «Ўзбекистон адабиети ва санъати», 1993, 20 август.

Турк элларин Турк боғида,
 гул кўкартиргайсан.
 Эй иигит йўқми
 томирингда қон!
 Мунча хўрлик билан ётибсан?!
 Давлатинг, иззатинг йўқ қўлингда,
 Бошқага қул бўлиб қолибсан.
 Турк эли тургин энди! Тиф, яроғ, отга
 мин, чоптирип энди,
 Синдириб ташла ёвнинг қўлини, зулмини
 истамаймиз дебон!'¹

Фитрат «Давлатинг, иззатинг қўлингда йўқ» ва «бошқага қул бўлиб қолибсан» деб мустамлакачилик искањжасида сиқилиб ётган ўзбекларни озодлик курашига даъват этган. Бу ерда мустақилликни тиклаш ва миллий давлатни ташкил этиш гояси барқ уриб турибди. Бундай гоя Чўлпоннинг шеърларида ҳам ўз аксими топган.

*Гўзал Туркистон сенга на бўлди,
 Саҳар вақтида гулларинг сўлди.
 Чаманлар барбод, кунлар ҳам фарёд,
 Билмам не учун қушлар учмас боғларингда.
 Бирлигимизнинг тебранмас тоғи
 Умидимизни сўнмас чироги.
 Бирлаш эй ҳалқим, келгандир чоғи,
 Безансин энди Туркистон боғи.
 Қўзғол ҳалқим, етар шунча жабру жафолар.
 Ол байробингни қалбинг уйғонсин,
 Куллик, асорат барчаси ёнсин.
 Қўр янги давлат, ёвлар ўртансин,
 Усив Туркистон, қаддин кўтарсин,
 Яйрат, яшнат, ўз Ватанинг гул боғларингда.²*

Жадидларнинг юқорида кўрсатилган сиёсий курашлари XX аср бошларида шаклланди. Бироқ улар асосан буржуа феврал-демократик революциясидан кейин ҳаётга татбиқ этиб борилди. Бу вақтларда

¹ Ёқубов X. Фитрат тўғрисида баъзи хотираларим. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1996, 29 октябр.

² Йулдошев Н. Чўлпон ва Фитрат. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1995, 20 январ.

Беҳбудий ва Мунаввар қори сингари жадид лидерларининг «Ҳақ олинур, берилмас», «Ҳуррият берилмас, олинур» деган хитоблари бежиз кутарилмаган эди. Жадидлар бу вақтгача биринчи галда халқни саводини чиқариш, миллий ҳис-туйғу ва онгини ошириш билан бевосита шуғулландилар. «Чор ҳукуматини йўқотиш,— деган Мунаввар қори,— жадидларнинг тилағида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки, биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошқа таъбир билан айтганда, дўконда ўтириб, насия ёзадургон ходимлар етказсан. Бу ишга ақлли одам шу баҳони беришда у ёқ, бу ёқни мулоҳаза қиласин».¹

Бу ерда Мунаввар қори мазлум халқнинг саводини чиқариш орқали онгли равишда иш юритадиган ва ўзининг фикр-мулоҳазасига эга кишиларни етиштириш зарурлигини таъкидламоқда. Бу ўз даври учун энг тўғри йўл эди.

Иккинчидан. Туркистон Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланган эди. Шу нуқтаи назардан ўлкада пахтачилик ривожлантирилиб, унинг деярли ҳаммаси Россияга жўнатиб турилди. Шунга ухшаш бошқа дехқончилик маҳсулотлари ҳам хом ашё сифатида олиб кетилди.

Мустамлакачилар ўлкадаги табиий бойликларни ҳам таладилар. Россиядан ўлкага тайёр саноат молларини узлуксиз келтирилиши ҳам тараққиётни бўгиб халқни қашшоқланишига олиб келган. Шунинг учун жадидлар моддий бойликларини бегоналарнинг қулидалиги ва уларни таланишига қарши курашни муқаддас бурч ҳисоблаганлар. Чунончи, Беҳбудий «Ҳуршид» рўзномасининг 1908 йилги сонларидан бирида чоп этилган мақоласида мустамлакачилик сиёсати туфайли Туркистон ўлкаси фақат хом ашё етказиб берувчи замин бўлиб қолганидан халқимиз қашшоқ яшамоқда, деб қайғурган. Айни пайтда у Россияни ўзимиздан хом ашёни арzonга олиб ундан ишланган молларни қимматга сотишни қоралаган. «6 миллионли туркистонликларда,— деб ёзган Беҳбудий,— уч миллионер борлиги маълум эмас. Дехқонлар эса, агарчи

¹ Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши. «Жадидчилик: Ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш». Тошкент, 1999, 33-бет.

бир вақт құли бир оз ақча күрар, яна Оврупо (Россия бойларига) бир икки-беш хом мол беріб пишиқни зұрга олур!..»¹

Хақиқатан ҳам Россиядан ўзбек пахтасидан тайёрланған газламалар, кийимлар ва бошқа буюмлар ўлқага келтирилиб құммат баҳода харид қилинганд. Шу равища ўзбек халқы пахтани хом ашे сифатида Россияга олиб кетилиши ва ундан ишлаб чиқарылған молларни келтирилиб юқори нархда сотилишидан катта талофат күрган. Бундай адолатсизлик зулмнинг жонли гувоҳи бўлган жадидлар зулмга қарши ўз фикрларини изҳор этгандар. Масалан, Фитрат шундай ёзган эди: «Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қулимиз bogланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланди. Еrimiz босилди, молимиз таланди. Шарофимиз емурилди, номусимиз гасб қилинди, инсонлигимиз аёқлар остига олинди. Тузумли турдик, сабр этилдик. Кучга таянған ҳар буйругга бўйинсиндик. Бутун борлигимизни қўлдан бердик»².

Мазкур сатрларда чор ҳукумати томонидан нафақат бойликларни таланиши балки сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар тақиқланиб кишиларнинг оғзига қулф ва оёқларига киshan солинганлиги ҳаққоний баён этилған. Ўша мудҳиш даврни Фитратта ўшаб қисқа, лўнда ва таъсирчан қилиб астар-пахтасини агдариб ташлаган муаллиф ҳали кўзга ташлангани йўқ.

Шундай қилиб Туркистан заминини Россиянинг хом аше манбай ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши жадидларнинг иқтисодий мустақилликни тиклашга қаратылған гоясини юзага келтирди.

Учинчидан. Чоризм даврида миллий тил ва маданиятни бир бурчакка сиқиб қўйилиши маънавий қашшоқликка олиб келди. У мактаб ва мадрасаларни таъминлашга маблаг ажратмай уларни қолоқликда сақлаб туришга ҳеч нарсадан тоймади. Фан ва маданият гоятда оғир аҳволга тушиб қолди. Чунки чор маъмурияти маҳаллий халқни қоронгулик ва тушкунликда ушлаб туришдан манфаатдор эди. Бу борада жадид Мирмуҳсин Шермуҳамедов шундай ёзган: «Табиий Туркистанга маориф инспектори қилиб белгилангач қари миссионер Остроумовнинг таъсири ила бизда... мунтада

¹ Алиев А. Фитрат ва маърифат. «Шарқ юлдузи», 1992, 9-сон, 22-бет.

² Қосимов Б. Фитрат (чизиқлар). «Шарқ юлдузи», 1992, 10-сон, 173-бет.

зам мактаб мадраса очира олмас эди. Қари миссионер бунга пичроқ (ифлос) бир қасд ила қарши келадир эди. Зеро, тартибли бир мактаб ва мадрасада ўқиб чиққан шогирдларда диний миллий ҳис-туйғу бұлар эди. Улар миссионерларнинг пичроқ маслагига хизмат этмасдилар»¹. Дарҳақиқат чор ҳукумати халқ маорифи-ни ривожланишига йўл қўймай маҳаллий халқнинг фарзандларини саводини чиқариш ва билимли қилишга қарши қаратилган чораларни кўрди. Ҳатто чор маъмурияти ва зиёлилари орасида агар мактаб ва мадрасаларни фаолиятини ривожлантирилса, «гафлатда ётган мусулмонлар уйгониб «нонимиз яримта» булади деган гаплар юрган. Чор ҳукумати ислом дини ва руҳонийларини хавфли душман сифатида баҳолаб, дин пешволари қаттиқ назорат ва таъқиб остига олинди. Мустамлакачилар халқнинг маънавий ҳаётини тарихий ёдгорликларини харобага айлантириш йули билан ҳам уни қашшоқлантириди.

Умуман айтганда босқинчилар маҳаллий ахолини ички ва ташқи дунё тараққиётидан маҳрум этиб, уни саводсизлик ва қоронгуликда ушлаб турди. Бундай узбекларнинг бу кун ҳаётини эмас, балки келажагини ҳам барбод этувчи миллий зулм жадидларнинг маънавий ғояси ва курашини шакллантириди. Мустақиллик ва озодликни тиклашга қаратилган сиёсий курашни амалга ошириш учун мазлум халқнинг саводини чиқариш, миллий ҳис-туйғулари ва сиёсий онгини ошириш лозим эди. Шу боис жадидлар мактабларда ислоҳотлар ўтказиб, ўкув услубларини такомиллаштиридилар. Натижада улкада жадидларнинг янги усул мактаблари очилиб, самарали натижаларни берди.

«Мусулмон халқларининг ягона қутулиш йули, — дейди Фитрат, — мусулмон жамоатчилигининг ислоҳот ясаши йўли билан оёққа тура билишидадир. Бунинг учун янги мактаблар очмоқ, янги замондош матбуот яратмоқ, илгор ғояларни халқ оммаси орасига ёймоқ, ҳаракатчанлик, гайрат ва фидокорлик биланги-на қозонмоқ мумкин булади»².

Хуллас жадидларнинг фаолияти чор ҳукуматининг назорати ва таъқиби уччига чиқиб озодлик ғояси ва

¹ «Совет Ўзбекистони», 1990, 18 сентябрь.

² Райхона. Фитрат ким эди? «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992, 18 май.

курашлари бўғиб ташланган шароитда кечди. Шунга қарамай улар ўзининг ватанини озодлиги учун мардонавор курашди. Уларнинг фаолиятини дастлабки босқичида маърифатпарварлик асосий ўринни эгаллади. Улар миллий матбуотни юзага келиши ва ривожланишида ҳам гоятда катта ишларни амалга оширдилар. Хусусан улар томонидан «Тараққий» (1906), «Хуршид» (1906), «Шуҳрат» (1907—1908), «Осиё» ва «Самарқанд» (1913), «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» (1914) ва бошقا газеталар нашр этилди.

Шубҳасиз Россияни узидағи сиёсий вазиятни кескинлашиши ва оппозицион кучларнинг фаолияти жадидларнинг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатган. «1904 йилда, — дейди Авлоний, — рус-япон уруши чиқиб, бизнинг ҳам кўзимиз очилди. 1905 йилда Россиянда бошланган инқилоб тўлқини бизга ҳам зўр таъсир қилди. Бизнинг ташкилотимиз сиёсий маслакларга тушуниб, биринчи навбатда қора халқни оқартирмоқ ва кўзини очмоқ чорасига киришди. Бу мақсадга эришмоқ учун газета чиқармоқни муносаб кўриб, уюшманинг ҳаракати билан ўзбек тилида газеталар чиқарилди».¹

Демак Россиянинг рус-япон урушида маглубиятга учраши ва инқилобий ҳаракатлар империянинг ожизлиги ва заифлигини намойиш этиб, ҳалокатга яқинлашаётганлигини англатган. Бу ҳолат ўлкадаги озодлик курашларини пировардида галабага эришишга бўлган умидни кучайишига олиб келган. Ҳамда жадидлар фаолиятини жўш уришига таъсир этган.

ЧОРИЗМНИНГ АФДАРИЛИШИ ВА БУРЖУА ФЕВРАЛ-ДЕМОКРАТИК ИНҚИЛОБИННИНГ ФАЛАБАСИ

Россиянинг биринчи жаҳон урушида бирин-кетин маглубиятга учраши уни бусиз ҳам оғир аҳволини чираб бўлмайдиган даражада ёмонлаштириди. Натижада 1917 йилларнинг бошларида рус ишчиларининг ҳаракати кучайиб, уларда 676 минг киши қатнашди. Кейинги февраль ойида ҳам ўн минглаб ишчилар бош кўтардилар. Солдатларнинг ҳам ғалаён кўтарганликла-

¹ Авлоний А. Таржимаи ҳолим. «Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари», Тошкент, 1993, 108-бет.

ри маълумдир. Чор ҳукуматига қарши кураш шу дара-жада авжига миндики, 1917 йил 28 февралда Дума томонидан тузилган вақтли комитет ҳокимиятни ўз қўлига олганлиги ҳақида қарор қабул қилди. Уша йилнинг 2 марта Мувакқат ҳукумат тузилиб, унинг аъзоларини кадет, октябррист ва прогрессивист партияларининг вакилларидан ташкил этди. 1917 йил 27 февралда Петроградда ишчи ва солдат депутатлари совети ташкил қилиниб, унда эсер ва меньшевиклар кўпчилик ўринни эгалладилар. Бу совет вақтли ҳукуматни тузишни Думанинг вақтли комитетига топшириш ҳақида қарор қабул қилди. Умуман эсер ва меньшевиклар кўпроқ буржуа демократик республикасини жорий этиш тарафдорлари эди. Император Николай II кўрдики, таҳтни ушлаб туришнинг ҳеч иложи йўқ. Шу боис у 1917 йил 3 марта ўтар кечаси таҳтдан воз кечди. Шу тариқа Россияда Буржуазия феврал-демократик инқилоби галабага эришди. Аммо ҳокимиятга ишчи ва солдатлар депутатлари Совети ҳам даъвогар эди. Шу боис бу Совет мувакқат ҳукуматта қарши курашди. 1917 йилдаги феврал воқеасини буржуазия демократик инқилоби дейилишига сабаб шуки, самодержавие, яъни императорнинг яккаҳоқимлиги тугатилиб конституция ва парламент асосида республика ташкил этилди. Ҳокимият капиталистларга ўтиб, феодал-помешчик тузумининг қолдиқларини бартараф қилиш ва капитализмни кент қўламда ривожлантиришга катта имкониятлар вужудга келди. Петроградда чор ҳукуматининг ағдарилиши ҳақидаги хабар тез орада Туркестонга ҳам аён бўлди. Айниқса бу воқеани ўзбек ва бошқа туб аҳоли зўр хурсандчилик билан қарши олдилар. Чунончи, Тошкент Эски шаҳарida умумхалқ йигинлари ўтиб кишиларда озодликка чиқиши умидлари қайнай бошлади. Улкада истиқомат қилаётган рус ишчи ва хизматчилари ҳам ўзларининг хурсандчилигини изҳор этиб митинг ва намойишларни ўтказдилар. Чоризм ҳукмдорлиги тугатилган бўлса-да, лекин генерал-губернатор Куропаткин Петрограддаги мувакқат ҳукуматнинг вакили сифатида ишни давом эттирди. Эски давлат бошқаруви ўз кучини йўқотмади. Биринчи жаҳон уруши вақтида улкада социал-демократик ташкилотлар тугатилган эди. 1917 йил март ойининг бошларида улар даставвал Тошкентда, сунг бошқа шаҳарларда қайта юзага келди. Айни пайтда

ишчи ва солдат депутатлари Советлари пайдо бўлди. Уларнинг орасида айниқса Тошкент Совети марказий орган сифатидан муҳим ўрин эгаллади. 1917 йил мартда Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Совети Куропаткинни вазифасидан маҳрум этилиши ҳақида қарор қабул қилди. Шунга биноан ва халқ оммасининг хоҳиш-иродаси асосида Куропаткин ва бошқа чор амалдорлари ишларидан буштатилди. Сўнгра 1917 йил 7 апрелда Марказдаги муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети тузилди. Дума ва кадет партиясининг аъзоси Н. Н. Шчепкин комитет раиси этиб тайинланди. Бу комитетнинг маҳаллий органлари — ижроия комитетлари Тошкент ва бошқа шаҳар, вилоятларда пайдо бўлди. Бу комитетлар тузилгандан кейин ҳам ўлкада чоризм давридаги мустамлакачилик сиёсати ўз кучида давом этаверди. Аммо ўлкада, Петроградда бўлганидек, муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети, ишчи ва солдатлар депутатлари советларидан иборат қўш ҳокимият юзага келди. Улар ҳокимият учун курашни тобора қизитиб бордилар. Ўз навбатида жадидлар ҳам сиёсий курашни авжига миндириб бордилар. «Русияда, — дейди Фитрат, — инқилоб булиб, Николай ҳукумати йиқилгандан сўнгра жадидларнинг сиёсий қиёфалари очилди». Жадидлар фурсатни бой бермай ўзларининг сиёсий партияларини туздилар. Чунончи 1917 йил мартда «Шурои Исломия», сўнгра «Шурои Уламо» каби сиёсий партиялар тузилди. «Шурои Исломия»нинг аъзолари Тошкент шаҳарининг зиёлилари, руҳонийлари ва савдо аҳлиниң илгор вакилларидан ташкил топди. 1917 йил апрель ойида у биринчи ўлка мусулмонлар съездини ўтказди. Съездда Марказий орган — Туркистон ўлка мусулмон шўроси тузилди. Марказий шуро ҳайъатига Мунаввар қори, Беҳбудий, Убайдулла Хўжаев, Заки Валидий, Тошпўлат Норбўтаев, Ислом Шоаҳмедов ва бошқалар киритилди. Биринчи съезд жамоа аҳли томонидан зўр қизиқиши ва мамнуниятлик билан қарши олинди. Зоро, «Шурои Исломия»нинг бўлимлари ўлканинг қатор шаҳарларида пайдо бўлди. Хусусан, бундай бўлим (шўъбалар)га Тошкентда — Мунаввар қори, Самарқандда — Беҳбудий, Фарғонада — Носирхон Тура бошчилик қилдилар. Шу тариқа «Шурои Исломия» партияси бутун ўлкани қамраб олган эди. Унинг бевосита қатнашувида Тошкентда — «Турон»,

Самарқандда — «Мир важул Ислом», «Клуб Исломия», Андижонда — «Озод халқ», «Хуррият», «Маърифат», Каттақўргонда — «Равноқўл Ислом», «Гулистан», Хўжандда — «Муайин ат-Толибин» каби турли тўгарак ва жамиятлар пайдо бўлди.

«Шўрои Исломия» партиясининг кўрсатилган дарражада кенг қулоч ёйиши бежиз бўлмаган, албатта. Чунки унинг мақсадлари мазлум халқнинг манфаатларини ўзида акс эттирган эди. Буни партияниң 1917 йил 28 апрелда «Нажот» газетасида чоп этилган мақсад ва вазифалари яққол гувоҳлик беради:

1. Туркистон мусулмонлари орасида сиёсий, илмий ва ижтимоий жиҳатдан замонга мувофиқ ислоҳот фикри тарқатмоқ.

2. Бутун Туркистон мусулмонларини бир фикр ва бир маслакка келтиришмоқга тадбир ва ҳаракатлар қилмоқ.

3. Мамлакатларнинг усул идоралари ҳақида маълумот йиғиб, таъсис мажлисига ҳозирламоқ.

4. Туркистоннинг ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва овулларида митинглар ясад, сиёсий, илмий ва ижтимоий хутбалар ўқитмоқ.

5. Эски маъмурларни ўрнидан тушириб, ўрнига янги маъмурлар қўймоқ йўлларини халқа кўрсатмоқ.

6. Туркистондаги турли миллатлар орасида бўлган ва бўладиргон ихтилофлар ва шубҳаларни битириб, бир-бирларига яқинлаштириб, бирлаштирумок учун тадбир ва ҳаракатда бўлмоқ.»¹

Демак, партия биринчи навбатда ўлканинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ислоҳотларни ўтказиб тараққиётга эришиш учун курашни режалаштирган. Ундаги ўлканинг барча жойларида сиёсий ташвиқот ва митингларни ташкил этиш ҳақидаги вазифалар мазлум халқни сиёсий курашга тайёрлашни назарда тутилганлигини кўрсатади. Партияниң мустамлака ва улуғ миллатчилик руҳи билан сугорилган маъмурият раҳбарларини йўқотиб, янгиларини тайёрлаш ҳақидаги фикрининг заминида катта сиёсий масала ётган. Бунга кўра туб аҳолининг сиёсий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини таъминлайдиган сиёсий маъмуриятни ташкил қилиниши лозим эди.

Жадидлар партиянинг олдига қўйилган муҳим ва-

¹ Абзамхўјжаев С. Туркистон мухторияти. Тошкент, 1966, 14—15-бетлар.

зифаларни ўлкадаги турли миллатларни биргаликда курашларсиз амалга оширишни иложи йўқлигини яхши анлаган эдилар. Шу боис миллатлараро дўстлик ва биродарликни таъминлашни муҳим вазифа деб белгиланди.

Умуман айтганда, «Шурои Исломия» партияси нинг раҳбарлари ва фаол аъзоларининг сиёсий фаолияти юқори даражага кўтарилигани кўриниб турибди. Бу ҳақда уларнинг Туркистон мухториятини ташкил этиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам далолат беради. Бу борада ўлка мусулмон шўросининг халқа қаратилган қўйидаги мурожаати диққатга сазовордир.

«Туркистон мусулмони, туркистонлик туркий миллати бундан қирқ-эллик йил муқаддам бўлиб ўтган ҳолларни асло унугани йўқ. Мусулмоннинг у вақт Бухоро, Хива, Кўқон, Қозон хонликлари каби бир-бира га душман ўлкаларга бўлинниб, ниҳоятсиз низо, ихтилоф, уруш сабабли хароб бўлганини ва бундан-да аҳамиятли бир маданиятсизлик, иқтисодий заифлик, миллат ишига қараганда ўзининг жонин қизғонмоқ душманларида албатта иттифоқлик, жон қизғонмаслик ила бўлажаги маълум.

...Хозир худога шукр, иттифоқ амалга келабошлиди. Ҳар турли шаҳарларда гарчи заиф бўлса ҳам жамиятлар ясалиб, Шуролар қурилмоқча бошлайди. Охири Тошкентда Марказий Шурои Исломия ҳам барпо бўлди. Туркистон мусулмонлари Туркистонга сиёсий мухторият (федерация) олмоқликка қарор берди».¹

Бинобарин жадидлар хонликлар даврида ҳукм сурган ўзаро чиқишимовчилик ва қонли урушларни ва даҳшатли оқибатларини эслашиб тарихдан сабоқ олган ҳолда маҳаллий халқларни бирлашиши ва умуммиллат манфаати учун курашиш лозимлигини уқдириб ўтган эдилар. Мурожаатда расмий суратда Туркистон заминига мухторият берилиши ҳақидаги қарор қабул қилинганлигини маълум қилиниши муҳим воқеа ҳисобланди. Чунки у мустамлакачилик исканжасида эзилиб ётган халқча озодлик ва тараққиётни баҳш этарди. Шу боис ўша қарор кенг меҳнаткаш омма томонидан зўр хурсандчилик билан қарши олинди. «Шурои Исломия» партияси орасида келишмовчилик-

^¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон бирлиги учун. «Ўзбекистон овози», 1996, 22 октябрь.

лар йўқ эмас эди. Чунончи улардан катта бир гурухи мухторият тарафдорлари бўлса-да, лекин ислоҳотлар ўтказишга қарши чиқдилар. Улар жамият ҳаётини ўрта аср даражасида сақлаш ва шариат асосида иш юритиш гоясини олдинга сурдилар. Бу жамиятни замонавий тараққиётдан четлатиб қўйишига олиб келарди, албатта. Шу боис эскилик тарафдорлари, яъни консерваторлар «Шурои Ислом»дан ажralиб 1917 йил ёзда «Шурои Уламо» номида алоҳида уюшмаларини туздилар. 1917 йил 12—14 июль кунлари ҳозирги Фаргона шаҳрида мусулмон ташкилотларининг съездидаги «Турк одами марказияти» партияси тузилди. Унинг вазифаси сиёсий кучларни бирлаштириб ватан мустақиллиги ва тараққиётини таъминлашдан иборат эди.

1917 йил 17—20 сентябрь кунлари Тошкентда ўтказилган Туркистон мусулмонларининг иккинчи съездида ҳам Туркистонга мухторият берилиши қайта тасдиқланиб, бўлажак мухториятнинг бошқарувини ташкил этиш масаласи муҳокама этилди. Ҳамда Туркистон мухториятини таъсис этиш, ички ишларни мустақил амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Умуман айтганда кўрилаётган йилда ўлкада миллий уйғониш ва сиёсий фаолият тобора қизгин тус олиб, жамоа аҳлини ўз бағрига тортди. Бирин-кетин турли мажлислар, съездлар ва йиғинлар ўтказилиб, қандай бўлмасин Туркистон мухториятини ташкил этиш умумий мақсад ва курашга айланиб борди.

ТУРКИСТОНДА МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТНИНГ ТОР-МОР ЭТИЛИШИ ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИЙ ЎРНАТИЛИШИ

Марказдаги мубаққат ҳукуматнинг Туркистон комитети билан ишчи ва солдатлар депутатлари совети ўртасидаги ҳокимият учун кураш тобора қизгин тус олди. У 1917 йил сентябрь ойида кескинлашиб хавфли вазиятни юзага келтирди. Бунга 1917 йил 31 августдаги РСДРП(б)нинг мажлисида Ленин бошлиқ большевиклар томонидан «Бутун ҳокимият Советларга» деган шиорни ўртага ташланиши сабаб бўлди. Үлка большевиклари Петрограддаги большевикларнинг изидан боришиб иш юритганлар. Шу боис улар ҳам ўлкада сентябрь ойида «бутун ҳокимиятни Советлар қўлига»

ұтказиши учун курашни бошлаб юбордилар. Хатто уларнинг томонига эсер ва меньшевикларнинг айримлари ўтиб, ҳамкорликда ҳокимииятни әгаллаш учун муккасидан тушиб кетдилар. Большевиклар ишчилар ва солдатларнинг йигинларида ҳокимииятни Туркистан комитети қулидан тортиб олиб Советларга топшириш лозимлиги ҳақида сүзға чиқиб, тарғибот олиб бордилар. Бунга жавобан Туркистан комитети митинг ва нағойишлар ұтказишини тақиқлаб, ҳарбий ҳолат әълон қылди. Аммо 12 сентябрдан ишчи ва солдатларнинг Тошкентнинг янги шаҳардаги Александр номидаги бөгда митинги бўлиб ўтди. Унда 700 киши қатнашиб, ҳокимииятни Советлар қулига ұтказилиши талаб қилинди. Ҳамда қуйидаги қарор қабул қилинди.

1. Капиталистлар қўлидаги моллар ва озиқ-овқатлар дарҳол тортиб олинсин, бу ишни фақат Советлар бажариши мумкин.
2. Озиқ-овқатларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш устидан назорат ташкил қилинсин.
3. Давлат аҳамиятига эга бўлган саноат ва банклар миллийлаштирилсин.
4. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги мол айирбошлиш тўғри ташкил этилсин, токи шаҳар озиқ-овқат маҳсулотларини, қишлоқ эса саноат молларини, шу жумладан деҳқончилик машиналарини ҳам олиб тураладиган бўлсин.
5. Ерларнинг ҳаммаси, ҳеч бир ҳақ олинмай меҳнаткаш деҳқонлар қулига берилсин.
6. Саноат корхоналарини Советларни ижозати бўлмасдан туриб, ёпиб қўйиш тақиқлансин.
7. Корхона хўжайнинларининг ҳисобига ишсизликдан суғурта қилиш тўғрисида дарҳол қонунлар чиқарилсин.
8. Бу тадбирларни амалга оширмоқ учун бутун ҳокимиият дарҳол Советлар қулига топширилсин.
9. Дарҳол революцион комитет сайлансин ва бу комитет ҳокимииятни ўз қўлига олсин.

Қарорга биноан революцион комитет тузилиб унга 14 киши киритилди. Улардан 5 киши эсерлар, 5 киши большевиклар, икки киши меньшевиклар ва икки киши анархистлар эди. Бинобарин, ревкомда эсер ва меньшевиклар ва анархистлар кўпчилик эди. Улар раҳбарликни ўз қулларига олиб иш юритдилар. Мувакқат ҳукуматнинг Туркистан комитети ҳарбий куч

билан рақибларининг жазосини беришга қарор қилди. Натижада ревком аъзолари қамоққа олинди. Аммо ишчи ва солдатларнинг сиқуви остида улар ҳибсдан бўштилди. Шундан кейин 27 кишидан иборат Тошкент Совети ижроия комитети тузилди. Бу Советнинг қарори билан ревком аъзоларини қамоққа олишда айбдор ҳисобланган генерал Черкес ва бошқа офицерлар ўз вазифасидан четлатилди. Шунингдек шаҳар коменданти ишдан олинди. Уларнинг ўрнига Тошкент Совети ижроия комитетининг аъзолари тайинланди. Ҳатто қизил гвардия ташкил этишга ҳаракат қилинди. Шу тариқа ҳокимият маълум даражада Тошкент Совети ва ревком қўлига ўтгандек бўлди. Бу ҳолат Туркистон комитетини хавф остига қолдирди. Шу боис у қаттиқ чораларни кўрди. Айни пайтда 1917 йил 24 октябрда Марказдан жазо отряди Тошкентга келди. Натижада Туркистон комитетининг мавқеи бир мунча яхшиланди. Ҳарбий ҳолат эса бекор қилинди. Аммо, 1917 йил октябрь ойида ўлкада сиёсий курашлар қизиб борди. Ишчи ва солдатлар орасида норозилик яна ўз кучини курсата бошлади. Чунки кундалик ҳаёт тобора ёмонлашиб борди. Ишчилар йўқчилик ва қимматчиликдан нолиб митинг ва йигилишларда муваққат ҳукумат шаънига таъналарни ёғдирдилар. Меҳнаткаш омманинг ниҳоятда оғир турмуши ва нафрати социал-демократларга Туркистон комитетига қарши курашида жуда қўл келди. Бунинг устига устак Туркистон комитети ўлкада тингчлик ва барқарорликини таъминлай олмай, сиёсий ва иқтисодий ҳаёт изидан чиқиб кетди. Тус-тўполонлар, намойиш ва митинглар, назорат ва таъқиблар ва хавф-хатарлар ҳукм сурди. Бу ҳолат муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитетини заминини емириб борди. Чидаб бўлмайдиган оғир сиёсий ва иқтисодий ҳаёт нафақат рус ишчи ва солдатларини балки туб аҳолининг ҳам норозилигини уйғотди. Айни пайтда чоризм давридаги мустамлакачилик сиёсатининг давом этиши орқасидан маҳаллий аҳоли Туркистон комитетига майиллик билдирамди. Шундай қилиб бу комитет ўлкадаги рус ва туб аҳолини мустаҳкам таянч сифатида ўзига жалб қўлолмай ҳавода осилиб қолди. Унинг ихтиёрида қўшин бўлса-да, лекин солдатларнинг орасида паронандалик ва бўйсинашдан бош тортиш кучли эди. Ҳатто уларнинг орасида ҳукуматга қарши ҳарбий

қисмлар бўлган. Мувакқат ҳукуматнинг Петрограддаги мавқеи ҳам мустаҳкам бўлмай, турли оппозицион кучларни қуршовида қолган эди. Айниқса ишчи ва солдатларнинг ҳаётини оғирлиги, нотинчлик, хавф-хатар муваққат ҳукуматга қарши норозиликни кучайтириб юборди. Социал-демократлар, хусусан большевиклар меҳнаткаш омманинг норозилиги ва нафрatiдан фойдаланиб, 1917 йил 16 октябрда ҳарбий-революцион марказ ташкил қилиб давлат тўнтаришига тайёргарликни бошлаб юборди. Натижада ўша йилнинг 25 октябрида (7 ноябрда) большевиклар давлат тўнтаришини амалга ошириб муваққат ҳукумат аъзоларини ҳисбсга олди. Ҳокимият Советлар қулига утиб Ленин бошлиқ ҳукумат тузилди. Больевикларнинг Петрограддаги галабаси бутун мамлакатда, шу жумладан ўлкада эсер ва меньшевикларнинг орасида уралашиб юрган большевикларни олдинги сафга чиқиб, дадил ҳаракат қилишларига олиб келди. Эндиликда большевиклар социал-демократларнинг орасидан отишиб чиқиб, сиёсий курашга бошчилик қилишга қаттиқ киришдилар. 1917 йил 27 октябрда большевикларнинг Петрограддаги галабаси ҳақидаги хабар Тошкентта етиб келди. Улканинг бош комиссари Коровиченко Тошкентнинг «янги шаҳари» ва ҳарбий крепостини 2 минглик қўшин билан ўз назоратида ушлаб турди. Ҳозирги Мустақиллик майдонидаги «оқуй» улка маъмуриятининг штаби ҳисобланниб шу ерда Туркистон комитети душманларига қарши курашга раҳбарлик қилди.

1917 йил 28 октябрда ишчилар ва солдатлар қўзголон кўтариб вокзални ишғол қилдилар. Унинг атрофидаги кўчаларда баррикадалар қурилди. Қўзголончиларга қарши юборилган ҳарбий қисмлар галабага эриша олмадилар. Бу вақтда темир йўл ва солдат комитетлари, партия ташкилотларининг вакилларидан иборат революцион комитет тузилди. Хуллас, ҳукумат қўшинлари 28 октябрдан 1 ноябряга қадар давом этган қўзголонни тор-мор эта олмади. Аксинча қўзголончиларни қўли баланд келиб 31 октябрда кечқурун «янги шаҳарни» эгалладилар. Шундан кейин улар ўша куни ярим кечада ҳарбий крепостни жанг билан эгалладилар. Ҳарбий бошлиқлар қамоқقا олиниб, солдатлар куролсизлантирилди. Жангда қўзголончилардан 75 киши ҳалок бўлди. 1917 йил 1 ноябряда ишчи ва солдат

депутатлари Совети, Тошкент Советининг ижроия комитети ва революцион комитети муваққат ҳукумат ағдарилиб ҳокимиятни Советлар қўлига ўтганлиги ҳақидаги мурожаатни эълон қилди. Бу воқеада большевиклар билан бир қаторда эсер ва меньшевиклар фаол қатнашдилар. Ўлканинг бошқа шаҳарларида эса Советлар ҳокимиятни жангсиз эгалладилар.

1917 йил 15—22 ноябрда Тошкентда ўтказилган ўлка советларининг 3 съездида большевик Ф. И. Колесов бошчилигига Туркистон ўлка халқ комиссарлар совети тузилди. Бу съездда «Шурои Уламо»нинг раҳбари Шерали Лапин навбатдан ташқари сўз олиб ҳокимиятни Советлар қўлига ўтишига қарши чиқди. Шунингдек у: «Мусулмонлар ҳукуматни бошқача ташкил этишда қатнашмайди. Чунки мусулмонлар йўли мустақил, у Қуръон ва шариат қоидалари томонидан кўрсатилган. Шу боис улар бирор бир рус сиёсий партияларига қўшилмайди». — деган.

Аммо съезд аъзолари ҳаққоний таклифни қабул қилмай ўлка советини ўлканинг олий ҳокимият органи деб ҳисоблаш ва уни бундан буён Туркистоннинг халқ комиссарлари совети деб аташ ҳақида қарор қабул қилди. Бундай бўлмасликни иложи ҳам йўқ эди. Чунки съезд аъзолари асосан большевик, эсер ва меньшевиклардан ташкил топган эди. Аксинча улар туб аҳоли вакилларини давлат бошқарувига қатнаштирмаслик ҳақида декларацияни қабул қилдилар. Шундан кейин чор ҳукумати ва муваққат ҳукуматнинг қонунлари, Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги думаларнинг фаолияти бекор этилди. Муваққат ҳукуматнинг мансабдорлари ишдан олинди. Бу вақтларда большевиклар, эсер ва меньшевикларни ўз қаторидан сиқиб чиқариб, деярли барча шаҳарларда советларнинг раҳбарлигини эгалладилар. Улар ўлкада яккаҳокимликни қўлга киритиш мақсадида эсер ва меньшевиклар билан бир ташкилотда иш юритишдан воз кечдилар. Натижада 1917 йилнинг охирига келиб Тошкент, Наманган, Когон, сўнгра бошқа жойларда большевикларнинг мустақил ташкилотлари юзага келди. 1918 йил июляда Туркистон большевикларининг 1 съездида Туркистон коммунистик партияси тузилди. Эсер ва меньшевиклар совет давлатининг ашаддий душманлари сифатида қораланди. Айтиш лозимки, Россия ва Туркистондаги революцион ҳаракатлар жа-

раёнида ҳамма вақт эсер ва меньшевиклар салмоқли ўринни эгаллаб күп ҳолларда сиёсий курашга раҳбарлик қилиб турғанлар. Улар Тошкентдаги революцион курашларда ҳам етакчилик қилдилар. Аммо, ҳаёт шуни кўрсатдики, улар ташкилотчилик ва қатъиятлик жиҳатдан анча заиф бўлиб чиқдилар. Большевиклар эса уддабурон, бағритош, тезкор, шафқатсиз, олгир, бир сўз билан айтганда юлдузни бенарвон урадиган бамисоли шайтонсифат кишилар бўлган. Улар мазкур хусусиятлари туфайли революция галабасида асосий ўринни эгаллаган рақибларини суриб ташлади. Ҳамда ҳокимиятни қўлга олиб, Совет давлатини барпо этдилар. Бу фавқулодда ва тасодифий ҳолатда содир бўлган воқеа сифатида намоён бўлди. Совет давлатини барпо этилишини XX аср фожеаси деб баҳоланса асло муболага бўлмайди.

Туркистон Мухториятининг ташкил топиши ва тарихий аҳамияти

Совет даврида олимлар гүё ўзбек халқи социал-демократларнинг, хусусан большевикларнинг таъсирида Совет давлатини ўрнатилишида қатнашганликларини таргибот этган эдилар. Улар бундай дейиш билан ўзбек халқи аслида Мухторият учун эмас, совет давлати учун курашганликларини исботлашга ҳаракат қилдилар. Бироқ ўз фикрларини тасдиқлайдиган ишончли ҳужжатни келтирмай умумий сўзлар билан чегараландилар, холос. Ваҳоланки большевикларнинг ўзи ўзбекларни революцион ҳаракатларида қатнашмаганликларини расмий суратда эълон қилгандар. Масалан, улар ҳокимиятни босиб олганларидан кейин 1917 йил 15—22 ноябрда Тошкентда ўлка советининг III съездини ўтказдилар. Бу съездда Шуро ҳукуматининг таркиби шакллантирилди. Бироқ унга туб аҳолининг вакиллари киритилмади. Чунки большевиклар съезд муҳокамасига қуйидаги мазмунда Декларацияни тавсия этдилар: Ҳозирда Мусулмонларни олий ҳокимият таркибига киритиш мумкин эмас. Негаки маҳаллий аҳолининг солдат, ишчи ва деҳқон (крестьян)лари нинг совети ҳукуматига муносабати томомила ноа-никдир. Маҳаллий аҳолининг ишчилар синфини йўқлиги ҳам уни давлат бошқарувида қатнашишини тақозо этмайди.

Шуро тарихчилари ушбу ҳужжатни большевикларнинг миллий масала бўйича йўл қўйган шунчаки бир хатоси дейишиб, уни хашипўшлашдан тоймадилар. Аслида уша Декларация ҳақиқий аҳволни акс эттирган эди. Унда кўрсатилганидек ҳақиқатдан ҳам уша вақтларда, ҳатто кейин ҳам ўлкада том маънодаги миллий ишчилар синфи йўқ эди. Тўгри, пахта тозалаш заводларида ва қисман бошқа корхоналарда ўзбеклар ишлаганлар. Лекин уларнинг барчаси саводсиз ва касбсиз мавсумий ишчилар бўлиб корхоналарда мунтазам ишламаганлар. Улар бу йил ишлаган корхонада кейинги йил бўлмай дуч келган ишлар билан

шүгулланиб юрганлар. Бундан ташқари пахта тозалаш заводларида иш мавсумий ҳисобланиб бир неча ойлаб тұхтаб ётган. Бу қолат ҳам мунтазам ишчилар қатла-мини шаклланишига йўл бермаган. Темир йўллар ва заводларда асосан малакали рус ишчилари мунтазам ишлаб, маҳаллий миллат вакиллари эса, қора ишларни бажарғанлар. Шунинг учун ҳам уларни «Чёрные рабочие», яъни «Қора ишчи»лар деб аташган. Шунингдек улар «Мавсумий ишчи»лар («Сезонные рабочие») деб ҳам юритилганлар.

Улар рус сиёсий партиялари ва революцион ҳара-катларда қатнашишни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Очиини айтганда узбекларни ҳокимиятдан четда қолдиришининг асосий сабаби миллий ишчилар син-фини борлиги ёки йўқлигига бўлмай большевикларнинг Мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик руҳи билан сугорилганинигда эди. Миллий ишчилар синфининг йўқлигини рўкач қилиш бир баҳона топиш учун қилинган уйин эди. Шуни ҳисобга олиш керакки социал-демократлар ва жадидларнинг сиёсий курашлари ни бир-бирларидан фарқи жуда узоқ бўлиб «бир қозон»да қайнашини ҳеч иложи бўлмаган. Зоро, социал-демократлар, шу жумладан большевиклар мустамлакачилик сиёсатини кўзладилар. Жадидлар эса Миллий гоя — Мустақиллик ва озодлик учун курашдилар. Шу боис улар 1906 йилдаёқ социал-демократларнинг фаолиятини қораладилар. Чунончи Беҳбудий ўша йили «Хуршид» газетасида шундай ёзган: Социал-демократлар хусусий мулк ва синфларни тутатиб ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштиришни мақсад қилиб қўйдилар. Бундай қилиш ўта заарли ва хаёлпрастлик бўлиб туб аҳолининг манфаатларига тамомила зиддир. Бинобарин жадидлар бу масалага умуммиллат манфаати нуқтаи назаридан ёндашиб социал-демократларнинг йўлидан юрмасликларини ошкора баён этганлар. Шуни ҳисобга олиш керакки ўлкада озодлик курашлари туб аҳолининг савдо-саноат аҳлиниг номлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Бироқ тарихчи олимлар бу масалани ёритишга эътибор бермай хатога йўл қўймоқдалар. Ваҳоланки савдо-саноат аҳлиниг илгор вакиллари жадидлар билан биргаликда она юрт манфаати учун курашга ўз ҳиссаларини күшганлар. Улар ўлкада мактаб ва мадрасаларни ривожлантиришга эътибор бериб Миллий маданиятни

қўллаб-қувватладилар. Маълумки, жадидларнинг ва-киллари ўз фаолиятида бойлардан моддий ёрдам олиб янги усул мактабларини очдилар. Шубҳасиз улар газета ва журналларни нашр этишда ҳам бойларнинг маблагидан фойдаланганлар. Ўзбек бойлари ўлканинг тури-ли-туман бойликларини чор ҳукумати ва капиталистлар томонидан аёвсиз таланаётганлигини жонли гувоҳи бўлганлар. Улар турли фирмаларнинг исканжасида азоб чекканлар. Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати маҳаллий бойларнинг манфаатларига ҳам катта зиён етказиб норозилигини қўзготган. Бундан ташқари уларнинг ўз ватани ва миллатига содиклиги жадидларга қўшилишига олиб келган. У халқнинг саводсизлик ва қолоқлик ботқофидан қутқазиши учун куч-қуввати ва маблагини аямадилар. Бу борада Фаргона жадидларининг йирик вакилларидан бири Обиджон Маҳмудовнинг фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди. Тоҳиржон Қозоқовнинг маълумотига кўра у йирик савдогар ҳисобланиб Миллий матбуот ва мазлум халқнинг миллий ҳис-туйгуларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. У 1914 йилда ўз маблағи ҳисобидан «Садои Фаргона» газетасини нашр этдирган. Чўлпоннинг кўрсатишича «Бутун Туркистон» бу газетани буюк бир шодлик ва суюнчи ила қарши олган». Ҳатто Обиджон Маҳмудов рус тилида «Ферганское эхо» газетасини ҳам чиқарди. У Петербург Университетини тамомлаган ўзбеклардан биринчи бўлиб етишиб чиқсан тог-кон муҳандиси эди. У том маънодаги ватанпарвар ва халқпарвар инсон ҳисобланиб бутун куч-қуввати ва тажрибасини озодлик учун багишлади. Шунинг учун ҳам у мухториятнинг озиқ-овқат вазири этиб тайинланган эди.

Милионер Миркомилбойни олайлик. Бу табаррук зот «Шуруи Исломия» партиясининг ташкилотчиларидан бири эди. У ўз даврининг илгор кишиларидан ҳисобланиб ўз халқини равнақи учун курашди. Зоро, «Миркомилбой», — деб ёзади ёзувчи Комил Яшин, — Урта Осиёнинг энг йирик шахсларидан бири бўлган.

У энди Андижонга трамбой олиб келмоқчи, мадрасалар, масчитлар, мусулмонлар учун поликлиникалар, маданият Маркази қурмоқчи эди. Миллат ёшлиарини

¹ Қозоқов Т. Фарғоналик жадид тақдери. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1999, 6 август.

саводли, маърифатли қилмоқчи бўлди. Аммо унга бу хайрли ишга имкон берилмади, таъқиб қилинди. Кетма-кет уч марта қамалди. Охири шуролар ҳукумати томонидан 1918 йилда отиб ташланди. Миркомилбой ҳаёти ва ишлари ҳамма замон бойлари учун ибратлидир¹

Миркомилбой 1916 йилда ҳалқни император фармонига қарши чиқишига даъват этган кимса ҳам эди. Бу ҳақда сўз кейинги саҳифаларда ўз ўрнида юритилади. Улкада Миркомилбойга ўхшаган саноат ва савдо аҳиллари оз бўлмаган. Эндиликда уларни фаолиятини ўрганиш ва қадр-қимматини ўрнига қўйиш айни муддодир. Чунки улар жадидчилик ҳаракатининг фаол қатнашчиси ва унинг моддий жиҳатдан таянчи ҳисобланган. Мени назаримда жадидларнинг ҳажга ва умуман чет элга қилган сафарлари саноат ва савдо аҳли томонидан таъминланиб турилган.

1917 йил 15 ноябрда совет ҳукуматининг «Россия ҳалқлари ҳуқуқлари декларацияси» эълон қилинди. Унда барча миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қўйидагича курсатилди.

1. Россия ҳалқларининг teng ҳуқуқлилиги ва мустақиллиги.

2. Россия ҳалқларининг ажralиб чиқиши ва мустақил давлат ташкил этишгача бўлган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи.

3. Барча миллий ва миллий-диний имтиёзлар ва чекланишни ман этиш.

4. Россияда истиқомат қилаётган кичик миллат ва этнографик груптарнинг эркин ривожланишини таъминлаш.

Бу декларация кечагина чор ҳукуматининг аёвсиз зулмида эзилиб ва хўрланиб ётган мазлум ҳалқнинг қалбини тўлқинлантириб хурсанд қилиши турган гап эди. У айниқса Россиянинг мустамлакалари, жумладан Туркистонда зўр хурсандчилик билан қарши олинди. Ҳар бир ҳалқقا ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берилиши муҳим тарихий воқеа сифатида қабул қилинди. Жадидлар фурсатдан фойдаланиб ўзларини орзуқиб кутган ният ва мақсадларини амалга оширишга қаттиқ бел боғладилар. Зоро 1917 йил 26 ноябрда Қўқон шаҳрида «Шурий Исломия» ва

¹ Олимжон Ҳайдар. Миркомилбой. Тошкент, 1997, 234-бет.

«Шурои Уламо» партияларининг 4-чи съездиде чақирилди. Бу съездда Фарғона вилоятидан — 151, Сирдарё вилоятидан — 22, Самарқанд вилоятидан — 21, Каспийорти вилоятидан — 7, Бухородан — 4 кишилардан иборат делегация аъзолари қатнашди. Асримизнинг 20—30 йиллардаги муаллифлардан бири П. Алексеенков ўзининг «Кокандская автономия» китобида мухториятни ташкил этилишини сабабларини буржуа февраль-демократик революциясидан олдинги миллий-озодлик ҳаракатларига боғлади. Унинг фикрича миллий савдо-саноат аҳли ўлкада Россия капиталнинг ҳукумронлигига қарши миллий капиталини ривожлашишига шароит яратишга ҳаракат қилган. Чунки чор ҳукумати Россия капиталини манфаатини таъминлаш мақсадида миллий капитални ривожлантиришга қарши узлуксиз курашган. Бу ҳолат ўлкада ишлаб чиқариш кучларини кенг кўламда ўсишига тўсқинлик қилиб маҳаллий бойларнинг норозилигини уйғотган. Миллий-озодлик курашида Туркистонга сиёсий ҳукуқларни берилишига доир масала ҳам ўрин эгалланган.

Уша муаллиф чор ҳукумати рус-тузем мактабларини ўлкада руслаштириш сиёсатини амалга ошириш учун очганлигини ҳаққоний равишда уқтириб ўтади. У ҳукуматнинг бу сиёсатига қарши ўлароқ янги усул мактабларини очилиши туб аҳолининг маданий ҳаётини ривожланишига таъсир кўрсатишни таъкидлайди. Янги усул мактабларини фаолияти ва аҳамиятига юқори баҳо бериб миллий-озодлик курашининг йўналишларидан бири эканлигини қайд қиласди.

Шунингдек муаллиф туб аҳолининг миллий ҳисстуйгулари ўсиб ўзини миллат сифатида англашининг ўстанлигини кўрсатиб ўтади. Унинг бу ва юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалари мухториятнинг юзага келишининг сабабларини аниқлашда маълум даражада фойдалидир.¹ Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, жадидлар томонидан уюштирилган тўртингчى съезд ўзбек, тожик, қозоқ, туркман, қирғиз ва яхудийларнинг вакилларини фаол қатнашувида иш юритди. Унда ва умуман, Туркистон Мухториятининг фаолиятида миллати ва динидан қатъий назар ҳар бир кишига қатнашиш ҳукуқи берилди. Бундай барча халқларга тенг

¹ Алексеенков П. Кокандская автономия, 1931. С. 3—4.

хуқук берилиши Туркистон Мухториятининг байналминал (интернационализм) рухи билан сугорилғанлиги ҳақида далолат беради. Бинобарин жадидлар үлкадаги барча миллатларга озодлик ва эркинлик, тинчлик ва фаровон яшашларини таъминлашни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Съездда 13 кишидан иборат ҳайъат аъзолари сайланди. Унга Мустафо Чуқаев, Убайдулла Хўжаев, М. Беҳбудий, А. Маҳмудов, Юргун-Огаев, Саломан Гердифельд, И. С. Шоҳиаҳматов, Камолқори, С. Акаев, Кишчинбаев, Абдураҳмонбек, Уразаев, Пилиев, Каримбаевлар киритилди. Съездда Туркистон Мухториятини ташкил этиш масаласи бўйича Убайдулла Хўжаевни маърузаси тингланди. Бу ўз даврининг йирик сиёсий арбоби мардларча сўзлаб деди: Ҳозирда Россияда хақиқий ҳукумат йўқ. Россиянинг ерларида истиқомат қилаётган барча миллатлар давлатни зўравонлик билан эгаллаган большевикларга қарши курашни бошлаб юбордилар. Умум Россия таъсис мажлисини чақирилишига ҳеч қандай умид йўқ. Шулардан келиб чиққан ҳолда Туркистонда большевикларга қарши курашиш лозим. Бунинг учун ўзимизни ҳукматимизни тузишимиз зарур. У Туркистон Мухториятини бошқариши керак.

Кўриниб турибдики, жадидлар большевикларни мустақиллик ва озодликнинг ашаддий душмани ҳисоблаб уларга қарши курашишга даъват этганлар. Большевиклар ҳокимиютини тан олинмай мустақилликни тиклаш асосий вазифа деб ҳисобланди. П. Алексеенков «Вақт» газетасидан олган маълумотларга асосланиб музокараларда Юсупов, Содиқбоев, Аминхон Тўра сингари кимсалар сўзлаганликларини ёзади. Хусусан, Юсупов большевикларнинг гайриқонуний ишларини қоралаб «Агар биз озодликда яшашни истасак у вақтда Туркистонни Мухторият деб эълон қилиш керак» деган.

Содиқбоев ҳам Мухториятни зарурлигини гапириб бундан Оврупаликларни чўчимасликка чақирган. Чунки Ислом демократик бошқарувга қарши эмас.

«Аминхон Тўра: — Туркистон 50 йилдан буён Россия таркибида яшамоқда. Дастлабки йилларда рус маъмурияти маҳаллий аҳолининг динига, миллий аньналари ва суд ишларига аралашмаган эдилар. Бироқ кейин ҳаётнинг барча соҳаларига аралашдилар. Фев-

рал революциясидан кейин берилган эркинликлардан хурсанд бўлган эдик. Бироқ большевиклар ҳокимиятни эгалладилар. Эндиликда зудлик билан Мухториятни эълон қилиш керак. Айтишадиларки большевиклар бизларга қарши урушни бошлайдилар, лекин шуни билсингларки, туркий-мусулмонлар дин ва миллий ҳукуқ учун қон тўкишдан кўрқмайдилар!»¹

Демак съезд мамлакатда юзага келган сиёсий вазиатни ҳисобга олган ҳолда қандай бўлмасин Туркистон Мухториятини ташкил этишни вақти келганлигига тўла ишонч билдири. Хуллас, мусулмонларнинг ўша IV съездида Туркистон Мухторияти тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Туркистон таъсис Мажлиси чақирилгунча ҳокимиятни бошқариб туриш учун 54 кишини ўз ичига олган Туркистон Миллий Мажлиси тузилди. Даставвал ҳукумат раҳбари этиб М. Танишпаев, сўнг Мустафо Чўқаев тайинланди. Ҳукумат таркибиға қўйидаги кишилар киритилди: М. Танишпаев, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Садридхон Шарифхўжаев, Кўнгирхўжа Хожинов, Исматилла Убайдуллин, Сайдносир Миржалилов, Сайджабарбой Саидов, Ислом Шоаҳмедов, Абдураҳмон Үразаев, Ҳидоятбек Юраги Агаев, Носирхонтўра Комилхонтўраев, Миродил Мирзаҳмедов, Тошхўжа Аширхўжаев, Абдулқодир Қўшбегиев, Обиджон Маҳмудов, Жамшидбой Кўрабеков, Соломон Абрамович Герцфельд, Абдусамад Абдусалимов, Убайдулла Дербисалин, Муса Акчурин, Мустафа Мансуров, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Иброҳим Долшин, Халил Ширинский, Толибжон Мусабеков, Алихонтўра Шокиржон Тўраев, Собиржон Юсупов, Одилжон Умаров.

Ҳукумат аъзолари қўйидаги кишилардан тузилди:

1. М. Танишпаев — Бош вазир, Ички ишлар вазири.
2. Ислом Султон Шоаҳмедов — Бош вазир ўринбосари.
3. Мустафо Чўқаев — Ташқи ишлар вазири.
4. Убайдулла Хўжаев — Ҳарбий вазир.
5. Юраги Агаев — Ёр ва Сув бойликлари вазири.
6. Обиджон Маҳмудов — Озиқ-овқат вазири.
7. Абдураҳмон Үразаев — Ҳукумат котиби.

¹ Уша жойда, 24-бет.

8. Соломон Абрамович Герцфельд — Молия вазири.

9. Миродил — Соғлиқни сақлаш вазири.

10. Носир Тұра — Маориф вазири.

Аслида хұкумат вазирлари 12 кишини ташкил этиши керак әди. Аммо улар 10 кишини үз ичига олди. Қолған иккита урин бошқа миллат вакиллари учун қолдирғанды. Бинобарин, жадидлар фақат туб аҳолини әмас балки бошқа миллат вакилларини ҳам хұкумат бошқарувига жалб этишни режалаштирганлар. Бундай ҳаракат үзини тамомила оқлади. Зеро, большевиклар томонидан сиёсий майдонидан суріб ташланған опозицион күчлар биргаликда уларға қарши кураш мақсадыда Мухториятни құллаб-құвватладылар. Ҳусусан кадетлар, социал революционерлар ва чор маъмуритининг айрим вакиллари Мухториятни тан олдилар. Улар имкони борича Мухториятта күмаклашиш йұлларини ахтаришга ҳаракат қылдилар.

Мухторият туб аҳоли томонидан зүр шоди-хұррамлик билан қарши олинди. Шаҳар ва қишлоқларда йиғилиш ва намойишлар үтказилиб Мухторият шанига шон-шарафлар айтилди. Айниқса 1918 йил 13 дәкабрда Тошкент Эски шаҳрида меңнаткашларнинг күп минг кишилик намойиши мисли күрилмаган даражада завқ-шавқ, ва дабдабали равищда үтказилди. Аммо намойишчиларга қарши солдатлар томонидан үқ отилиб 16 киши ҳалок этилди. Шу тариқа большевикларнинг Мухториятта ҳужуми бошланған. Мухториятнинг асл моҳияти ва йұналишини аниқлашда бир гурух ҳұкумат аъзоларининг ҳалқ оммасига қарата әзілон қылган «мурожаатнома»си мұхим урин әгаллайды: «Түркистоннинг барча фуқаролари — мусулмонлар, руслар, яхудийлар, ишчилар, аскарлар ва деңқонлар, үлкада яшаб турған барча әлатлар ва ҳалқлар, шаҳар ва земство бошқармалари, сиёсий, ижтимоий ва касаба уюшмалари, барча давлат, жамоа ва хусусий муассасалар Туркистон ҳалқ қоғимияти атрофига бирлашиб, унинг зыммасига юкланған вазифаларни ҳаётта жорий этишдә күмак беришга чақиради. Күз күриб, қулоқ әшитмаган даражада вахимали урушлар гүлдіроси остида бутун жаһонга ут кетай деб турған бир маҳалда дүнә ҳалқлари үз озодлигига замин яратдилар. Инсон қони билан түйинган ер күкларға қараб ох чекади ва ҳориган инсон күчсизланиб қонли қили-

чини қүйи солади. Одамзотнинг ақлсизлиги илоҳий онг олдида тан беради ва шундай кун яқинлашадики бутун ер юзида тинчлик барқарор бўлиб, дунё халқлари мавжуд куч ила бузилган ҳётни қайта барпо этишга киришадилар.

Мана энди, занжирлардан халос бўлган Туркистон ўз ерига ўзи хўжайин бўлиб, тарихни ўзи яратажак вақт келди. Бизларнинг олдимизга қўйилган масалаларнинг ниҳоятда масъулиятли ва улугворлигини англаган ҳолда, ўз ишимизнинг ҳақлилигига жуда ишонган ҳолда биз Аллоҳи Таоладан ўз меҳнатларимизга ривож сўраймиз ва ишга киришамиз»¹.

Демак ўша мурожаатда миллати ва динидан қатъий назар барча миллатларни бир бошга қовиштириб Мустақиллик ва озодликни таъминлаш асосий вазифа этиб белгиланди.

Мухторият раҳбарлари Миллий давлат ва Миллий қўшинни ташкил этишга қаратилган чораларни амалга ошириб бордилар. Натижада қисқа вақт ичида давлат бошқаруви шакллантирилиб 2000 кишидан иборат қўшин тайёрланди. Ҳатто ҳарбий вазир Убайдуллахўжаев бошчилигига гурур ва фахр ила ҳарбий кўрик ўtkазилиб миллий қўшин тузилганлиги намоишиш этилди. Мухторият ҳукумати 1917 йил 27 декабрда Петрограддаги большевиклар ҳукуматига маҳсус телеграммани жўнатиб Тошкентдаги совет ҳокимиятини йўқ қилишини ва Туркистон Мухториятини тан олинишни талаб этади. 1918 йил 5 декабрда Сталин бу талабга: «Тошкентдаги совет комиссариятини йўқ этиш ҳақида Петроградга мурожаат қилишнинг эҳтиёжи йўқ, агар комиссариятни истамасангиз, уни куч билан йўқотинг» деб жавоб берган.²

Мухториятни тузиш ва уни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган курашлар ниҳоятда оғир сиёсий ва иқтисодий шароитда кечди. Ўлкада турли партиялар ўртасида ҳокимият учун олиб борилаётган сиёсий найранг ва курашлар учига чиқиб қашшоқлик ва йўқчилик ҳукм сурган эди. Айниқса большевикларнинг ҳокимиятни босиб олиши халқ хўжалигини тамомила издан чиқариб харобага айлантириди. Шуларга

¹ Ўз ФА Тарих музейи ҳужжатлари. Қаранг: Абзам Ҳўжаев. Ўша иш, 40-бет.

² Тоҳир Қаҳдор. Ҳур Туркистон. Тошкент, 1994, 79-бет.

қарамай Мухториятнинг бошлиқлари тиниб-тинчимай муҳим чораларни амалга ошириб бордилар. Мазлум халқнинг унга нисбатан умиди ва ишончи тобора барқ уриб бораверди. Зоро, 1918 йил 11 январда Ҳамза Ҳакимзода бутун халқнинг фикр-зикрини ифода этиб куйидаги шеърини матбуотда эълон қиласди. Ундан парчалар келтираман.

Туркистон Мухториятига

*Тўрт юз йиллик Романов битгач давлати,
Кўтарилиди асорат, Ҳўрлик зиллати,
Насб бўлди миллатга қайтиб шавкати,
Кутлуг бўлсин Туркистон Мухторияти!
Яшасун энди бирлашиб Ислом Миллати,
Бугун қайси бир кўнгил дилишод ўлмасун,
Бугун қайси бир Миронишолар обод ўлмасун,
Гоғул қолманг, бўл фурсат барбод ўлмасун,
Кутлуг бўлсин Туркистон Мухторияти!
Яшасун энди бирлашуб, Ислом Миллати!
Бугун (... Темурдек) Шоҳлар арвоҳи,
Дунё юзини титратган аскар синоҳи
Қичқириб дер: Турк ўғли! Ўлманг сиз соҳи!
Кутлуг бўлсин Туркистон Мухторияти!
Келинг, энди бирлашинг, Ислом Миллати,
Кетсин сунний, шиалик, нифоқ иллати,
Бир санжоқса тўплансин Ислом давлати,
Кутлуг бўлсин Туркистон Мухторияти!
Яшасин энди бирлашуб, Ислом Миллати!
Келди Муборак бизга янги бир замон,
Янги давр кечирмак энди филамон,
Ёд этмоққа исмимиз тарихи жаҳон,
Кутлуг бўлсин Туркистон Мухторияти!
Яшасин энди бирлашуб Ислом Миллати!
Кутлуг бўлсин эй ёшлар тўкуб қонингиз,
Берган қурбонингизга олган шонингиз,
Мангу қолди дунёда ҳуш унвонингиз,
Кутлуг бўлсин Туркистон Мухторияти!
Яшасун энди бирлашиб Ислом Миллати!
Яшасун бу Турк ўғлининг мангу давлати!*

Шоир Мухториятни чин юракдан табриклаб халқни бирлашишга ва курашишга даъват этади. Қўлга киритилган озодликни бой бермаслик лозимли-

гини уқтириб миллий давлатнинг мангу яшашига ишонч билдиради.

Ҳақиқатдан ҳам ярим асрлик мустамлакачилик ва миллий зулм исканжасида эзилиб ётган Туркистон заминида Мухториятни юзага келиши бамисоли зулматда юлдуз порлагандек бўлди. У мазлум халқнинг жони ва тани сифатида гавдаланди. Большевиклар ўлкани қўлдан чиқиб кетишини англаб Мухториятта қарши қаратилган чораларни кўрди. Мухторият ҳукуматининг бошлиги Мустафо Чўқаевнинг сўзича большевиклар 1917 йил 8 декабрда унга қўйидаги мазмунда хат юбордилар:

1. Мухторият ҳукумати совет ҳокимиятини таниши;
2. Туркистон халқини Совет ҳокимиятига бўйсунишга чақириб баённома нашр этиш;
3. Аҳолини қуролсизлантириш, халқ қўлидаги бор куролларни большевикларга топшириш;
4. Миллий ҳукуматнинг милиция ташкилотини тарқатиш ва бошқа талаблар баён этилган.

Ушбу сатрлардан аёнки большевиклар амалда Мухториятни қўпориб ташлашни талаб қилганлар. Бундай зўравонлик ва адолатсизлик Мухторият ҳукуматининг аъзоларини газабини қўзготиши турган гап эди. Улар хатта шундай жавоб бердилар:

«Куч сиз тарафда. Бизда эса ҳозирча ўз миллий ҳуқуқимизни таниганликдан бошқа куч йўқ. Сиз бу курашда бизни енгигиб чиқишингизга ҳеч шубҳа йўқ. Шу билан бирга, сизнинг ҳокимият ҳаққингизни, Туркистонда Совет ҳокимиятини танишни рад этамиш».

Дарҳақиқат, Мухторият ҳали иқтисодий жиҳатдан анча заиф бўлиб Миллий қўшин эндиғина оёқقا турмоқда эди. Шунинг учун ҳам бу ҳолат жавоб хатида ошкора тан олинди. Бироқ Мухторият раҳбарлари кучлар нисбатини тенгсизлигини яхши англаган ҳолда Мустақиллик учун жангга киражакларини маълум қилдилар. Мухториятни қулатиш режаси Тошкентда режалаштирилди. Бу ердан Е. Перфильев бошчилигида қўшин Қўқонга жўнатилди. У 1918 йил 19 февралда Қўқоннинг эски шаҳарини тўплардан ўқса тутди. Жанг 20 февраль куни ҳам давом этди. Шаҳар 3 кун ёниб мингдан ортиқ дўконлар кулга айланди. Пахта тозалайдиган заводларни 50 та ишчиси оила-

лари билан биргалиқда үлдирилди. Афтидан улар солдаттарға қатық қаршилик күрсатған бұлса керак. Душман күчлари томонидан шаҳарни үзіде 10.000 киши ваҳшийларча ҳалок этилди. Мухториятни құллаб-құвватлаганлардың учун бутун Фарғона водийсінинг ақолиси тозаланды. Жумладан солдаттар Андижонда — 6000, Наманганда — 2000, Бузқурғон ва Қўқон қишлоғи оралиғида 4500 кишини үлдирилдилар. Умумлаштирилганда жами 180 қишлоқ ёндирилди. Солдат ва дашноқлар мол-мұлкни талаб чұнтақларини тұлдирилдилар. Большевиклар дашноқлар билан биргалиқда күрсатылған мисли күрилмаган жиноятни амалға оширилдилар. Ҳатто Наманган эски шаҳарини бир қисми ёндирилғанлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Олдинги саҳифаларда қайд қилинған муаллиф П. Алексеенковнинг күрсатишича дашноқлар, қызил гвардиячилар ва ишчилар билан биргалиқда шаҳарда тинч ақолини «оммавий равищда қирғанлар». Большевиклар дашноқлар билан ҳамкорликда қирғин-баротни уюштириб минглаб кишиларнинг ёстигини қурилдилар. Ваҳшийлик шу даражада авжига миндики одамларнинг құл-оёқлари чопилди, аәлларнинг күкраклари кесилди, болалар эса беда қирқадиган асбоб — жадудан үтказилди. Бешікдаги чақалоқларнинг қорнига милтиқ наизалари санчилди ёки құл билан икки оёқлари йириб ташланди. Фарғона водийсі бундан даҳшатли вайронагарчилик ва қирғинларни үзининг күп асрлық тарихи давомида бошидан кечирмаган эди. Фарғона фожиаси мисолида ҳам большевикларнинг асл бащараси ва мақсади намойиш этилди. Улар үзларининг улуг миллиатчилик сиёсатини қанчалик ниқоблашға ва озодлик жарчысы сифатида күрсатылға ҳаракат қилишмасын барыбир амалда ваҳшиёна сиёсати яққол күзға ташланиб турди. Фарғона водийсі бундай сиёсатнинг мисли күрилмаган даражадаги қурбони булиб ҳаробага айланди. Бундай даҳшатли фожиани Ҳамза үзининг 1919 йил 21 май куни «Иштирокион» газетасыда чоп этилған «Ким йиглар?» деган шеърида шундай изоҳлайди:

*Эй Мардуми Фарғона, ақволинга ким йиглар?
Бадбахтлинға юз тутған, иқболинга ким йиглар?
Иффат ила номусинг кимлар қўлида барбод?*

*Курбон ўлар маъсумлар, аҳволинга ким йиғлар?
Қон йиғлата афлоқни, отингни хаёлати,
Дарвоқе, шу фурсатда омоминга ким йиғлар?*

Олдинги саҳифаларида кўрсатилганидек большевиклар Петроградда ҳокимиятни эгаллагандан кейин «Россия халқларининг ҳуқуқларини декларацияси»ни эълон қилдилар. Унда мамлакатдаги барча халқларнинг эркинлиги ва тенглигини ўз тақдирини ўзи белгилаши ва мустақил давлатни ташкил этишини таъминлашни маълум қилди. 1917 йил 20 ноябрда большевиклар «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» бағишлиланган алоҳида мурожаатни ҳам эълон қилди. «Бундан буён, — дейилади унда, — сизларнинг урф-одатларингиз, сизларнинг миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётингизни эркин ва bemalol ўюштира берингиз, сизлар бунга ҳақлидирсиз. Шуни билингларки, Россиядаги ҳамма ҳуқуқлари сингари, сизларнинг ҳуқуқларингиз ҳам революциянинг бутун қуввати билан ва революция органларининг ишчи солдат ва меҳнаткашларнинг советларининг бутун қуввати билан муҳофаза қилинади. Сизлар ўз ватанингизнинг раҳбарлари бўлишингиз лозим».

Энди мазкур расмий хужжатлардаги ваъда ва кафолатларни большевикларнинг Туркистондаги ваҳшиёна сиёсатига таққосланса уларнинг икки юзламачилиги, босмачилиги ва қонхўрлиги яққол фош булади. Шунингдек уларнинг асл мақсади туб аҳолини қириш ва бойликларини талащдан иборатлиги кўзга ташланади. Бундай даҳшатли фожиаларни барчаси большевикларнинг учига чиқсан мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик сиёсатини маҳсули эди, холос. Большеvиклар Қўқонд шаҳарини ўтда ёндириб ва қонга белаганларидан кейин, туб аҳолининг вакиллари билан қўйидаги тарзда тинчлик сулҳини туздилар:

1. Совет ҳокимияти томонидан яроғ-аслаҳани ушлашга рухсати бўлмаган мусулмон ва руслар қуролсизлантирилади. Топширилган қуроллар Фаргона вилояти қўшинларининг бошлиғининг кўрсатмасига мувоғиқ тегишли жойга қўйилади.

2. Аҳоли ўлка совет халқ комиссарларининг ҳокимиятини ва барча маҳаллий совет ташкилотларини тан олади.

3. Аҳоли қонли воқеани уюштирган ва унда қатнашган раҳбарларни ва кишиларни ҳокимиятта ушлаб беради.

4. Ўлкага махфий равишда қуролларни келтириш ва тарқатиш қуролли қўзголонни кўтаришга тайёргарлик деб қаралади. Ҳамда революция қонунлари бўйича қаттиқ жазоланади.

5. Аҳоли совет ва ҳарбий ҳокимиятни талаби билан темир йўллар, телеграфларни ва умуман ҳаётни тиклаш ишларига жалб қилинади.

Шу тариқа бутун Фаргона водийсида совет давлатининг якка ҳокимлиги ўрнатилган эди.

Умумий хулоса:

Биринчидан: Туркистон Мухторияти XX аср бошида юзага келган мураккаб, оғир сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитда ташкил топди. Унинг ташаббусчилари ва меъмори зиёлилар, савдо-саноат аҳли ва диннинг илгор вакиллари бўлди. Улар мазлум халқнинг ҳоҳиши-иродаси ва эзгу ниятига таянган ҳолда Туркистон заминини империянинг чангалидан тортиб олиш учун мардонавор курашдилар. Шунинг учун ҳам Мухториятнинг довриги бутун улка бўйлаб тарашиб умумхалқ байрамига айланди. Бу бежиз бўлмаган эди, албатта. Маълумки узбек халқининг мустақиллик ва озодлик учун кураши унинг чор хукуматининг тажовузларига қарши қаҳрамонона жангларида тобланган ва юқори чўққига кўтарилган эди. Бундай курашлар чор хукуматининг хукмронлиги даврида ҳам давом этаверди. Масалан 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги миллий-озодлик курашлари шулар жумласидандир. Туркистон Мухторияти худди мана шу озодлик курашларининг мантикий давоми сифатида гавдаланди.

Иккинчидан: Туркистон Мухториятининг моҳияти ва йўналиши мустақиллик ва озодликни тиклаб парламент ва конституцияга асосланган демократик республикани ташкил этилишидан иборат бўлди. Натижада миллий давлат, миллий қўшин ва вазирликлар юзага келди. Демократик принциплар асосида давлатни бошқарув тизимини жорий этилиши ўлканинг тарихида илк бор юзага келган катта сиёсий воқеа ҳисобланди. Аммо уни ҳаётга тўла татбиқ

этишни имкони бўлмай, ўзининг дастлабки қадами-ни қўйган эди, холос. Чунки Мухториятни тор-мор этилиши демократик бошқарувни гунчалик вақтидаёқ барбод этди.

Мухториятнинг асосий вазифаларидан яна биро шундан иборат эдикси хусусий мулксиз, эркин бозорсиз ва динсиз жамиятни қуриш учун курашётган большевикларнинг ҳокимиятини ағдариш эди. Ўз навбатида большевиклар ўлкада миллий давлатни хукм суришига тиш-тирноғи билан қарши турдилар. Улар Мухториятни ўта хавфли рақиб ҳисоблаб уни йўқ қилиши учун ҳеч нарсадан тоймадилар.

Мухториятнинг миллий сиёсати том маънодаги байналминал (интернационализм) руҳи билан сугорилган эди. Унда ўлкадаги миллати ва динидан қатъи назар барча халқларнинг эркинлиги ва тенглинини, давлат бошқарувида қатнашиши ҳуқуқи ўз ифодасини топди. Бундай адолатли сиёсатни большевикларга қарши турган кучларни, ҳатто рус аҳолисининг маълум қисмини Мухториятни қўллаб-қувватлашга олиб келди.

Учинчидан: Афсуски Мухторият объектив ва субъектив сабабларга кўра узоқ яшамади. У молиявий жиҳатдан жуда заиф булиб тезликда миллий қўшиннинг маҳоратини ошириш ва етарли даражада қуроласлача билан таъминлашни иложи бўлмади. Айниқса ҳукумат аъзоларини орасидаги ўзаро кураш, маъмурий бошқаришдаги тажрибасизлик ва малакали раҳбар ходимларининг этишмаслиги ҳокимиятни мустаҳкамлашга йўл бермади. Курсатилган камчиликларни бартараф қилиш учун камида бир-икки йил ва ундан ортиқ вақт керак эди. Большевиклар буни яхши англаб Мухториятни имкони борича тезроқ йўқотишни режалаштирилар. Улар ҳарбий маҳорат ва техника бўйича мухториятчиларга нисбатан анча кучли ва уюшган эди. Улар «Дўппини ол деса, бошини олади»ган газандалар булиб ваҳшийликда ном чиқарган эдилар.

Мухторият бор-йғи 72 кун яшади, холос. Мана шу ўта қисқа вақтда нима ҳам қилиш мумкин эди. Большевиклар ҳали ўзини ўнглаб ва нафасини ростлаб олмаган Мухториятни «чақалоқ»лигидаёқ бўгиб ўлдирдилар.

Мухториятнинг 15 та раҳбари — М. Мираҳмедов, А. Уразаев, М. Чанишев, Қушбегиев ва бошқалар отиб

ташланди. Ҳукуматнинг йирик вакилларидан бири Мустафо Чўқаев қочишга эришди. Афсуски, Мухториятга четдан етарли даражада ёрдам берилмай асосан ўзининг кучига таянган ҳолда курашди. Большевиклар эса Тошкент ва бошқа жойлардан ҳарбий ёрдам олиб галабани қўлга киритдилар.

Тўртингчидан, Мухториятнинг ўзига хос хусусияти ва тарихий аҳамияти шундаки, ўлканинг кўп асрлик тарихи мобайнида илк бор демократияга асосланган миллий давлат тузилди. Одатда бўлганидек, уни қандайдир бир ҳукмдор сулоланинг вакили эмас балки, ҳалқнинг орасидан етишиб чиқсан жадидлар юзага келтирди. Шу боис Мухторият том маънодаги ҳалқ ҳокимияти сифатида шакллантирилди. Унинг моҳияти ва йўналиши мустамлакачилик ва улуг миљатчилик занжирларини парчалаб эркинлик, тенглик ва мустақилик сингари инсоний ҳуқуқларни таъминлашдан иборат эди. Шу боис совет даврида Мухториятнинг феодал-клерекал давлат сифатида қораланиши ҳақиқатга тамомила зиддир. XX аср бошларида Россия ва унинг мустамлакаларида икки маротаба давлат тўнтарилиши, хусусан чоризмни агадарилиши, Буржуа феврал-демократик республикасини большевиклар томонидан тор-мор этилишидек ниҳоятда оғир ва хавфли шароитда Мухториятнинг тузилиши ватанпарварлик, жасорат ва қаҳрамонликнинг ёрқин намунасиdir. Бу муҳим тарихий воқеа ҳеч қачон унутилмайди.

«Босмачилик» — озодлик курашининг ёрқин намунаси

ФАРГОНА ВОДИЙСИДАГИ «БОСМАЧИЛИК»

Шуролар даврида қалбаки ном билан юргизилган «босмачилик» аслида Миллий-озодлик курашининг энг шиддатли ва жанговар босқичи ҳисобланган. У та-содифий ва фавқулоддаги ҳодиса бўлмай уз даврининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг маҳсули си-фатида юзага келди. XX аср бошларида Россия импе-рияси ва уни таркибидаги Туркистонда сиёсий пар-тияларнинг кураши, ишчиларнинг революцион ҳара-катлари, Миллий-озодлик курашлари, рус-япон, сўнг-ра биринчи жаҳон уруши чор ҳукуматини ич-ичидан емириб борди. Уч юз йилдан ортиқ ҳукм сурган Рома-новлар сулоласининг тақдири қил устида туриб қол-ди. Бундай ҳолатни юз бериши табиий ҳол эди. Чунки чор ҳукумати тоталитар сиёсатини юргизиб ва та-раққиётни бўғиб, халқнинг газаби ва нафратини қўзготди. Айниқса Туркистонда мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик сиёсати авжига минди. Ленин бош-лиқ большевиклар томонидан ҳукуматни босиб оли-ниши ва совет давлатини ўрнатилиши аҳволни янада ёмонлаштиришга олиб келди. Улар Туркистонда ҳам ҳокимиятни қўлга киритгач, туб аҳолини қириш, мол-мulkини талащ билан шугулланиб сиёсий ва инсоний ҳукуқларга йўл бермади. Бу хусусда Туркистон ком-партияси Мусулмонлар бюросининг раиси Турор Рисқуловнинг қуйидаги сўзларини келтириш айни муддаодир: «Биз шўрлик мусулмонларни Николай за-монида қандай ҳайвон ўрнида кўришган бўлса, йўқсиллар (советлар) ҳукумати даврида ҳам шундай... Ҳозир ҳам зулматда яшамоқдамиз, оч, ялонгоч, итта ухшаб хор булиб ўлиб кетяпмиз. Бунинг учун ким айбдор?.. Мен бойлар тарафини олмоқчи эмасман. Бироқ бир камбагалнинг битта оти бўлгани ва шу отга арава қўшиб оиласини боқиб тургани ҳақида гапир-моқчиман. Бу бечораникига бир қизил армия жангчи-

си кириб келади, оилани боқиб турган отни текинга олиб кетади, энди оила ниманинг ҳисобига кун кечиради, буни сўраб ҳам ўтирумайди. Наҳотки шундай қилиш фирмә дастури амалида бўлса? Бойларнинг мол-мулкини булиб беряпмиз, деб аслида 84 минг кишилик бутун шаҳарни талон-тарож қилишди. Хўш, бу нима деган гап? Намангандан чиқадиган барча маҳсулот, қимматбаҳо буюмдан тортиб то қулғача рўйхатга олинди. Баъзи кишиларни қурол сақлашда гумон қилиб қамашди, қурол топиша олмагач эса, уларни шартли равишда озод қилдилар ва 5—10 минг сўм жарима тўлатдилар. Бу пуллар қаерга кетди — шўролар кассасигами ёки чўнтакками? Агар чўнтакка бўлса, бу ҳолда қандай баҳо бериш керак? Ёки ўзлари ҳукмрон бўлишлари учун бу ҳукumatни барпо қилдиларми? Улар (большевиклар) бошқаларнинг ипак-газламалари ва қимматбаҳо буюллари билан уйларини безадилар. Биз мусулмонларга нима беришди? Қорнимизни тўйгазищими? Йўқ! Агар яхши кийинтиришганда, камбағаллар ялангоёқ юришармиди? Агар қорнимизни тўйгазишганда минглаб одам очлиқдан үлармиди? Бизнинг уйда нималар қолди? Фақат жулдуру тўшаклар, холос. Бошқа ҳеч нарса».¹

Ушбу сатрларда большевикларнинг гайриинсоний сиёсати шу даражада ишончли тарзда таърифландики изоҳга ҳожат йўқ. Ҳақиқатан ҳам босқинчи большевиклар кўз кўрмаган ва қулоқ эшиитмаган жиноятга кўл урдилар. Қизил солдатларнинг зўравонлиги ва талон-тарожи үлканинг барча шаҳар ва қишлоқларида авжига минди. Хусусан мени отам шундай деган эди: «Ўғлим, бизнинг бошимизга тушган кулфат ва хавфхатарларни душманингни ҳам бошига солмасин. 1918 йилда бир гурӯҳ газанда солдатлар бостириб кириб маҳалламиздаги хонадонлардан 30 та отни тортиб олдилар. Бу камдек сули, арпа ва бошқа емларини олдилар. Қаршилик кўрсатгандарни қамчи билан бошларига урдилар. У вақтларда тошкентликларнинг шаҳар атрофида боғлари бўларди. Баҳор пайтида одамлар у жойларга от-аравасига кўрпа-ёстиқ ва бошқа нарсаларини ортиб кўчарди. От йўқлигидан кўпчилик боғларга ўз вақтида бора олмай деҳқончилик орқага сурildи. От йўқлиги орқасидан ер ҳам ҳайдалмай қолди.

¹ «Шарқ юлдузи», 1991, 3-сон, 171-бет.

Натижада қаттиқ қаҳатчиликка гирифтор бўлиниб, минглаб кишиларнинг ёстиги қуриди. Турли солиқ ва мажбуриятлар ҳам кишиларни тамомила қашшоқлаштириди.

Большевиклар Фаргона водийсида «Коммуна»лар ташкил қилиб, дәхқончилик билан хунармандчиликни издан чиқардилар. Улар ер ва саноат тармоқлари ни барчасини давлат мулкига айлантириш ҳақида декретни эълон қилдилар. 1918 йил 26 февралда «Улкадаги пахтани мусодара қилиш тўғрисида» қуйидаги декрет қабул қилинди — «Туркистонда мавжуд бўлган бутун пахта, у қандай турда бўлмасин ва ҳозирги пайтда қаерда туришидан қатъи назар, мусодара қилинади ва Туркистон ўлкаси ишчи-дехқон ҳукуматининг мулки деб эълон қилинади. Улканинг барча советлари... ва инқилобий темир йўл қўмиталари ҳозирги вақтда ўз вакилларини ажратмоқдалар, бундан мақсад мазкур декретни дарҳол амалга ошириш, бутун пахтани станцияларга ташиб келтириш ва зудлик билан «Тошкент» станциясига томон ҳаракат қилишдир... пахта эгалари қаршилик кўрсатган тақдирда, — дейилган сўнгра ҳужжатда, — отишгача барча чоралар қўлланилсин!»¹

Мазкур ҳукумат декрети халқ мулкини талашни, яъни қароқчиликни ошкора расмийлаштириш эди, холос. Большевиклар ўзларининг декретлари асосида 1918 йил баҳорида 140 дан ортиқ завод ва йирик пахтачилик фирмаларини, 400 га яқин кичик корхоналарни эгалладилар. Шунингдек 2 млн. 657 минг пуд пахта толаси, 4130900 пуд уруглик чигит, 476,8 пуд гўшт ва бошқа нарсалар қўлга олинди². Шу тариқа жиққа мойга ботган большевик ҳукумати 1918 йил 5 майда Ленинга қувонч билан тубандаги хабарни берди: «Ҳали кечагина корхона эгалари томонидан эксплуатация қилиб келинган ишчи кадрлар национализация қилиш йўлидан дадил бордилар. Кейинги воқеалар муносабати билан Туркистон ҳаётини тартибга солувчи ташкилотлар тузилмоқда. Пахтачилик саноати бутун Россия учун аҳамиятлидир, унинг бундан кейинги тараққиёти таъмин этилди... Ҳозирги вақтда биз сиз-

¹ Кулиев Ҳ. Мустабид жамиятнинг иқтисодий пойdevorини шакллантириш (1917—1924). Тошкент, 1996, 12—13-бетлар.

² Ўша жойда, ўша бет.

нинг ихтиёриңгизга 200 млн. сүмлик пахта жўнатиши имконига эга бўлдик».¹ Кўриниб турибдики большевиклар биринчи навбатда Россия манфаати ва тараққиётини таъминлаш нуқтаи назаридан иш юритганлар. Уларнинг қароқчилик сиёсати орқасидан сонсаноқсиз бойликлар Россияга жўнатилиб турилди. Буни орқасида 1917 йилда бошланган қаҳатчилик кейинги 1918—1919 йилларда ҳам даҳшатли тус олиб, камида 1 млн. дан ортиқ кишилар очлиқдан ўлдилар, минглаб оиласлар қирилиб кетмаслик учун хорижий мамлакатларга кетдилар.²

Большевиклар маънавий ҳаётни ҳам издан чиқардилар. Масжид ва мадрасалар бузилди ёки ёпилди. Қозилар, уламолар ва бошқа дин пешволари ҳибсга олинди. Марғилонда Қуръони Карим ёқилди, Андижонда Жомеъ масжидига солдатлар жойлаштирилди. Ҳатто, намоз пайтида солдатларнинг масжидларга бомба ташлаши орқасида кўп кишилар ҳалок бўлдилар.

Аввалимбор большевиклар тилда мазлум халқقا озодлик, эркинлик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқи берилишини тарғибот қилдилар. Амалда эса улугмиллатчилик ва босқинчилик сиёсатини шиддат билан юргиздилар. Улар учун миллий давлат ва миллий қўшинини ташкил этилиши тамомила ёт ҳисобланди. Унга қарши тиш-тирноги билан аёвсиз курашди. Хусусан олдинги саҳифаларда кўрсатилганидек Туркистон Мухторияти ваҳшийларча тутатилди.

Хуллас ўлкада чидаб бўлмайдиган даражадаги оғир сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт «Босмачилик» курашининг негизини ташкил этди. Бу кураш мустақиллик ва озодлик руҳи билан сугорилган умумхалқ ҳаракати эди. У даставвал Фарғона водийсида пайдо бўлди. Туркистон Мухториятида милиция бошлиғи лавозимида ишлаётган кичик Эргаш большевикларга қарши илк бор уруш очган эди. У Қўқондаги қизил армия вакиллари жойлашган ҳарбий қалъага бир неча маротаба хужум уюштириди. 1918 йил 19—21 февралда Қўқондаги жангларда Мухторият қўшинига кўмондонлик қилди. Бу ерда ватан ҳимоячилари шу даражада қаттиқ жанг қилдиларки, 2000 аскардан 200 киши тирик қолди, холос. Шундан кейин кичик Эргаш туғил-

¹ Уша жойда, 14-бет.

² Уша жойда, 14-бет.

ган қишлоғи Бачкирда 1918 йил 27 февралда ҳалок этилди. Унинг ўрнига катта Эргаш тайинланди. Унинг бошчилигига 16–18 минг кишидан иборат ватан ҳимоячилари қизил армияга 50 маротаба зарба берди. Озодлик учун кураш шу даражада аланга олдики ҳар бир қишлоқ аҳолиси ўзига қўрбоши сайлаб жангга отланди. Натижада водийда ўнлаб «босмачи» гурӯхлар шаклланиб душманларга қарши аёвсиз хужумлар уюштирилди. Истиқлол учун курашга «Шурои Исломия» ва «Шурои Уламо»ларнинг аъзолари бевосита раҳбарлик қилди ва қўллаб-қувватладилар. Водийда «босмачи»лар ҳаракати у ёки бу жойда тарқоқ ҳолда юзага келганлиги туфайли умумий раҳбар марказини тузиш зарур эди. Шу боис 1918 йил мартда барча қўрбошиларнинг биринчи қурултойи ўтказилиб, катта Эргаш истиқлол учун курашнинг раҳбари этиб тайинланди. Уша йилнинг ёзида унинг ўрнига Мадаминбек тайинланди. Бу ўз ватанига фидойи шахс қобилиятлилиги туфайли 30 минг атрофида ватан ҳимоячиларини ўз қўл остига бирлаштиришга эришди. Уларнинг орасида большевикларга қарши бош кўтарган рус ва бошқа миллат вакиллари ҳам оз эмас эди. Чунки большевиклар фақат туб аҳолини эмас, балки бошқа миллатларнинг умумий душмани эди. Масалан, Мадаминбекнинг қўл остида — 90, Эргашда — 100 га яқин рус офицерлари хизмат қилганлар. Булардан ташқари Мадаминбек Жалолобод ва Ўшда тузилган К. Монстров бошчилигидаги рус крестьянлар қўшини билан иттифоқ шартномасини тузди. Шунингдек рус генераллари ва офицерлари томонидан тузилган «Туркистон ҳарбий ташкилоти» «босмачи»ларнинг иттифоқчиси сифатида фаолият кўрсатди.

Шундай қилиб Фаргона водийсида большевикларга қарши катта куч шаклланди. Уларда яроқ-аслаҳа ва бошқа имкониятлар мавжуд эди. Шунинг учун ҳам гувоҳ Юрий Попоровнинг тан олишича «босмачи»лар бутун Фаргона водийсини ўзининг таъсир доирасига тортиб «аҳолининг барчаси курашда қатнашган» эди. «Шуни айтиш лозимки, — дейди у, — биз босмачиларни уруш ва қилич билан йўқ қиласиз, деб ўйлаган эдик. Шу мақсадда босмачиликда қатнашган катта-кичик қишлоқлар шафқатсизларча ер юзидан супуриб ташланди. Буни орқасида туб аҳоли совет давлатидан тобора узоқлашиб бораверди. Биз томондан бутун Фаргонани

эгаллашнинг ҳам фойдаси бўлмади. Фарғона водийсига 30 минг аскарларни киритдик ва барча йирик қишлоқларга қизил армия гарнizonлари ўрнаштирилди. Барибир туб аҳолининг бизга душманчилиги сақланиб, «босмачилар» енгиллик билан бизнинг ҳарбий гарнizonларимизни тор-мор этаверди. Оқибатда биз қўшинимизни қишлоқлардан олишга мажбур бўлдик».¹

Бинобарин, «босмачилик» шу даражада кенг кўламда ривожланганки, унга 30 минглик қизил армия бас келолмаган. Бу ватан ҳимоячиларининг ҳарбий маҳорати ошганлиги ҳақида далолат беради.

Эргаш бошлиқ ватан ҳимоячилари ва қизил армия ўртасида дастлабки тўқнашув 1918 йил июлда Қўқон уездидаги содир бўлди. Бу жангда ватан ҳимоячилари галабага эришдилар. Уша йилнинг охирларига келиб мустақиллик учун кураш кенг қанот ёзил Қўқон, Наманган ва Андижон уездларини қамраб олди. Сентябр ойида Горчаков темир йўл бекати ва эски Марғилонда ҳам душман қўшини билан жанг қилинди. 1919 йил баҳорда Мадаминбек ва Эргаш сингари қўрбошилар бошлиқ икки марказ шаклланди. Уларнинг биринчиси Андижон, Наманган ва Скоблев уездларида, иккинчиси асосан Қўқон уездидаги ташкил топди. Уша йили Мадаминбек, Эргаш, Шермуҳаммад, Омон Полвон раҳбарлигида ватан ҳимоячилари Жалолобод, Ўш, Наманган ва бошқа жойларда қизил армия билан жанг қилдилар. Наманганда ҳар икки томон ўртасида 7 кун мобайнида жанг кетиб душман мағлубиятга учратилди. 1919 йил 1 сентябрда ватан ҳимоячилари Ўзда қизил армияни мағлубиятга учратиб шаҳарни эгаллади. Сўнгра улар Жалолободни ҳам қўлга киритдилар. 17 сентябрда ватан ҳимоячилари Андижон шаҳрини қуршаб, душманга қарши ҳужумни бошлаб юбордилар. Большеикилар шаҳар мудофаасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бериб пахта тойларидан баррикадалар қурилди. Андижон учун жанг 6 кун давом этди. Ватан ҳимоячиларини қули баланд булиб турганда душманга ёрдамга қўшимча полк келиб, босқинчилар кучайиб 26 ва 30 сентябрда Ўш ва Жалолободни эгалладилар. Бундай муваффақиятсизликнинг сабаби қўрбошилар ҳамон бир-бирлари билан метиндек бирлашмай аксинча улар ҳаракатида

¹ Журнал «Юность», 1990, № 1. С. 84.

тарқоқлик ва келишмовчилик күзга тащланмоқда эди. Айни пайтда озодлик курашини изчиллик билан бошқарадиган ва таъминлайдиган ҳукумат йүқ эди. Шу боис 1919 йил 22 октябрда кўрбошиларнинг маҳсус мажлиси ўтказилиб Мадаминбек бошлиқ «Вақтли Фарғона ҳукумати» тузилди. 1919 йил октябр ойлари охирида Ойим қишлоғида 150 та қўрбошилар бошчилигидаги ватан ҳимоячилари бирлаштирилди. Улар Мадаминбек, Эргаш, Ҳолхўжа ва Шермуҳаммад бошлиқ тўрт қисмга киритилди. Уша йилнинг ноябр ойи охирида ватан ҳимоячилари томонидан қизил армия полки тор-мор этилди. Аммо 1920 йилнинг дастлабки ойларида Мадаминбек қўл остидаги ватан ҳимоячилари жангларда бирин-кетин маглубиятга учради. Бунинг устига устак айрим қўрбошилар иродасизлик ва тушкинликка учраб большевикларга йигитлари билан таслим бўлдилар. Аммо Мадаминбекнинг урушни давом эттириш имкони бор эди. Зеро, уни кўп отлиқ аскарлари билан бир қаторда Шермуҳаммад ва бошка кўп қўрбошиларнинг кучларига таяниши мумкин эди. Шунга қарамай у большевикларнинг тинчлик сулҳини тузиш ҳақидаги таклифга розилик биштирди. Натижада 1920 йил 20 марта қўйидаги мазмунда тинчлик сулҳи имзоланди. «Биз қўйида имзо чекувчилар: биринчи томондан ҳарбий-инқилобий кенгаш буйруғига асосан, Туркистон фронтида ҳаракат қилаётган 2-Туркистон уқчи дивизиясининг бошлиги Верёвкин-Рахальский ва дивизия ҳарбий-сиёсий комиссари Слепенко, иккинчи томондан ислом қўшинининг қўмондони Муҳаммад Аминбек Аҳмадбеков (Мадаминбек) мазкур битимни тубандагича туздик: Мен, Муҳаммад Аминбек ўз қўшиним ҳамда ўзларининг батамом розилкларини шахсан менга изҳор қилган қўрбоши ва аъзоларим билан биргаликда қасамёд қиласманки, эндиликда шўро ҳокимиятини тан оламан ҳамда унинг содиқ хизматкори бўлишга сўз бераман, унинг барча буйруқ, топшириқларига қўйидаги шарт-шароитларда амал қиласман:

1. Шўро ҳукумати Туркистон фуқаролари ҳаётини йўлга қўйища шариат асосларини сақлаб қолиб, меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя этиб, ахли исломга мавжуд шароит, яъни мусулмонларнинг маҳаллий шарт-шароити ва урф-одатларига ҳуқуқ берганида;

2. Отрядимнинг доимий қароргоҳи Наманган шаҳри этиб тайинланган.

3. Мен бошқа фронтларга чиқмасдан, вақтингча Фаргона тасарруфида, шу ҳокимиятни ҳар томонлама ҳам ички, ҳам ташқи душманлардан ҳимоя қилишга вайда бераман.

4. Отрядимда хизмат қилаётган барча руслар тұла озод этилади ва хоҳишларига биноан отрядимда хизматда қолишилари мүмкін.

5. Шу йилнинг 13 мартадан кечикмай ўз вакиларим билан Туркфронт — Ҳарбий инқилобий кенгаши ва Туркистон Марказий ҳокимиятига содиқ эканимни билдириш учун Тошкентта боришиға сұз бераман.

2-Туркистон ўқчи дивизиясининг бошлиғи Верёвкин-Рахальский ҳарбий-сиёсий комиссар Слепенко. Ислом құшинининг құмандони Мадаминбек».

Қуриниб турибдик Мадаминбек құшинини сақлаш ва унга бошчилік қилиш шарти билан совет ҳокимиятини тан олишни, уни хизматкори бўлиш, ички ва ташқи душманларига биргаликда курашишни бўйнига олди. Сирасини айтганда, бу деган сўз большевикларнинг ички ва ташқи сиёсатини тұла қувватлаб «босмачи»ларга ҳам қарши курашишта тайёрман, дейиш эди. Тўгри, Мадаминбек жамиятни шариат асосида бошқаришни талаб қилди ва бу инобатта олинди. Бироқ большевикларнинг бунга розилик билдириши Мадаминбекни жиловлаш учун қилинган уйин эди. Буни кейинги воқеалар тұла исботлайди. Шуни айтиш лозимки сұлҳ битими Фаргонада фаолият күрсатаётган ўқчи дивизиясининг бошлиғи билан тузилган эди. Аслида бундай битим Туркистон Халқ комиссарлари совети раиси билан тузилғандагина қонуний кучга киради. Аммо, жўрттага шундай қилинди. Чунки совет ҳукумати уни хоҳлаган пайтида қонунсиз битим сифатида бекор қилиши мүмкін эди. Буни Мадаминбек сиёсий жиҳатдан тажрибасизлиги орқасида яхши англамади, шекилли. 1919 йил март ойида үлкада «Босмачилик» ҳаракатининг кучайиши муносабати билан М. В. Фрунзе құмандонлигига Туркистон фронти тузилади. В. В. Куйбишев ҳарбий кенгаш аъзоси этиб тайинланди. Улканинг ҳаёти ва тақдиди мана шу иккита жаллодларнинг қўлида эди. Улар ватан ҳимоячиларига қарши аёвсиз курашдилар. Мазмунан юқорида

шархланган битим улар билан келишилмаган ҳолда тузылган бұлса керакки, А. Ҳайдаровнинг берган маълумотномасига кура В. Куйбишев Фаргона фронти раҳбарларини қоралаб шундай деган: «Битим шу ҳолда сиёсий соҳада ҳам, ҳарбий соҳада ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Биринчи банди бизни Фарғонада ва ҳатто Туркистонда фуқаролар орасида олиб боражак ишларимизни чеклаб құяды ва шуро ҳокимииятига ёд бүлган мезонларга амал қилишга мажбур этади». У битим матнида бошқа шарт-шароитлар кўрсатиб тузишни, «Мадаминни аста-секин шаштидан тушириб уни оддий бир итоат этувчи киши даражасига келтириб қўйишни таклиф қиласди. Фарғона вилояти партия комитети бу хусусда маҳсус қарор қабул қилди: «Туркистон комитетидан ва Туркфронт-ҳарбий инқолобий кенгашидан Мадамин билан тузилган Яраш битими матнининг кириш қисми ва 5-банддан бошқа ҳаммасини бекор қилиш сўралсин, чунки у вилоят комитети ва ҳарбий-инқолобий кенгашнинг баъзи аъзолари фикрича, сиёсий жиҳатдан мутлақо нотўғридир».¹

Шундай қилиб большевик раҳбарлари битимнинг жамият ҳаётини шариат асосида бошқариш ва миллӣ урф-одатларни сақлашга оид биринчи бандни қоралаганлар. Бу табиий хол эди, чунки улар большевикларнинг мустамлакачилик ва улуғмиллатчилик сиёсатига зид ҳисобланган. Шунингдек битимдаги Мадамин бошчилигидағи қўшинни сақлаш норозилик келтириб чиқарди. Масалан Фрунзе: «Собиқ босмачилардан тузылган бригадаларни тарқатиб юбориш керак» деган эди. Умуман айтганда сулҳ битими амалда қоғозда қолиб кетадиган ҳужжат эди. У большевикларнинг иккюзламачилиги ва фирибгарлигини кўрсатувчи далиллардан биридир. Бироқ айрим муаллифлар Мадаминбек ўлкани қирғинбаротдан, очлик ва оғир ҳаётда халос этиш учун сулҳ тузганлигига ургу бериб мақтайдилар. Бундай фикрни Мадаминбекни узи ҳам баён этган эди. Аммо большевикларни «босмачи»ларнинг эзгу ниятларини ҳисобга олиб иш юритишлари мумкин эмас эди. Маълумки совет ҳукумати мазлум халқларга озодлик, эркинлик ва ўз тақдирини узи бел-

¹ «Шарқ юлдузи», 1991, 3-сон, 187-бет.

гилаш ҳуқуқини бериш ҳақида икки маротаба Декларация эълон қилган эди. Жадидлар мана шуларга асосланиб Туркистон Мухториятини ташкил этдилар. Аммо большевиклар Фаргона водийсини қонга белаб ва вайрон этиб Мухториятни агдарган эди-ку? Мадаминбек бу фожеанинг жонли гувохи бўлатуриб большевик газандаларига ишонч билдиришини оқлаб бўлмайди. У ўзи чуқур англамаган ҳолда катта сиёсий хатога йўл қўйди. Чунки сулҳ битими большевикларга катта фойда келтирди. Чунончи, Мадаминбекнинг душманга таслим бўлиши большевикларни устунлиги ва галабага эришганлигини кўрсатувчи омил ҳисобланади. Больевиклар фурсатдан фойдаланиб, водийда ўзларини мавқеини анча мустаҳкамлаб, ҳарбий тайёргарликни кучайтиришга эришди. Мадаминбекнинг душманга бўйин эгиб жангни тўхтатиши ватан ҳимоячиларининг руҳига салбий таъсир этиши ва маълум вақтгача бўлса-да тушкинликка учратиши турган гап эди. Сулҳ битими ватан ҳимоячиларининг сафини заифлаштириб озодлик курашига зиён келтирди. Мадаминбек раҳбарлик қилаётган Фаргона ҳукумати туғатилиб қўрбошилар орасида тарафкашлик ва тарқоқлик ҳукм сурди. Шуниси ниҳоятда ачинарлики битим тузилгандан кейин Мадаминбек большевикларга хизмат қилишни бошлаб юборди. Уларнинг кўрсатмасига биноан у ўз шаҳидан қайтмай, курашни давом эттираётган қўрбошиларни совет давлати томонига оғдиришга ҳаракат қиласди. Чунончи, Мадаминбек полк комисари С. Л. Сухов билан биргаликда делегация сифатида Шермуҳаммадбек (Кўршерматбек), Холхужа қўрбошилар ҳузурига ташриф буюради. Бу вақтда улар уни ватан хоини деб эълон қилган эдилар. Шу боис 1920 йил 4 майда Мадаминбек шахсан Холхужа қўрбоши томонидан ўлдирилади. 1920 йил июл ойида Шермуҳаммад қўрбошиларнинг мажлисида ватан ҳимоячиларининг сардори этиб сайланди. Унинг ташкилотчилиги туфайли ватан ҳимоячиларининг сони 30 минг кишига етказилади. Уларни орасида деҳқонлар кўп эди. Шу равишда Фаргона водийсида яна озодлик курашининг алантаси порлади. Больевиклар учун катта хавф юзага келди. Туркистон Марказий ижроий комитетининг қарори билан Фаргона водийсида ҳарбий холат эълон қилинди. 1920 йил май ойининг урталарида Фрунзе водийга келиб

ватан ҳимоячиларига қарши курашга бошчилик қилди. Бу вақтларда жасоратли Шермуҳаммад бошлиқ ватан ҳимоячилари Олой тоғида үрнашган эди. Бу ерда душман кучлари билан қонли тұқнаш бўлди. Ватан ҳимоячилари Олойдан тушиб, водийнинг марказий жойларида ҳам жанг қилдилар. Хусусан бундай тұқнашувлар Фарғона, Наманган, Андижон, Уш ва Жалолободда бўлганлиги маълумдир. Шуниси диққатта сазоворки истиқлол учун курашда ўзбек аёллари ҳам қатнашиб ватанпарварлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Бу ҳақдаги А. Йбодинов ва Ю. Эминовларнинг «Аёл жангта кирса...» номли мақоласи катта қизиқиш уйготади. Унда ёзилишича Олтиариқнинг Полосон қишлоғида туғилган Шакархон табиатдан жасоратли, ватанпарвар ва жангчи аёл сифатида ном чиқарган. Отажонбойвачча деган кишига турмушга чиқиб, Қайрагоч қишлоғида яшаган. У эрининг вафтидан сўнг катта хўжаликнинг бошлиғи бўлиб ҳаёт ке-чираётганида Содик бошлиқ қароқчилар бостириб кирадилар. Шунда у хизматкорларини қуроллантириб уни қочишга мажбур қиласиди. Шу тариқа Шакархон ўз хонадони ва умуман қишлоғини ўгрилардан сақлайдиган посбонга айланади. Унинг ёлғиз ўғли Одилжон онасиға тортиб ватанпарварлиги ва жангарилиги билан ажralиб туради. Шунингдек уни уч қизи ҳам бўлган. Водийда очарчилик ва йўқчилик орқасида ўгрилик кучайиб борган. Шу туфайли Шакархон босқинчиларга қарши биргаликда курашиш мақсадида Олтиариқдан чиқсан Тўйчи Қўрбоши ҳузурига ташриф буюради. «1918 йилнинг ёзи. Тўйчи Қўрбошининг Тошқўргондаги уйига 20—30 қуролланган йигитлар ҳамроҳлигига чақмоқ телпак кийиб, ёнига қилич осган, кўкрагига патронтош тақиб олган бир баҳодир жангчи кириб келди. Саломаликдан сўнг, мен сизни танийман, — деди у киши, — Олтиариқни ўгриқароқчилардан ҳимоя қилишда катта хизмат кўрсатяпсиз. Аммо бизнинг Қайрагочга ўхшащ чекка қишлоқлар аҳолиси додига ким етади? Майда-чуйда қароқчи тўдалар кун бермаяпти. Ҳар куни талон-тарож, мусулмонларнинг мол-қўйи, жонига ҳам даҳл қилишяпти. Биз қўлимиздан келганча қаршилик кўрсатяпмиз. Аммо кучимиз кам. Ёрдам беришингизни сўраймиз.

— Сиз ким бўласиз?

— Мен Отажонбойваччанинг беваси Шакархонман....

— Ахир, сиз... Аёл бошингиз..., — дедию Тўйчи Қурбоши ҳам довдираб қолди. Чунки у Шакархон билан Содик Қурбоши ўртасида бўлган воқеаларни эщитган. Бунинг устига бу аёлнинг дадиллиги, тадбиркорлик ва жасорати ҳеч қандай эркакдан қолишмаслигини яхши биларди.

— Хўп, — деди у, сиз бугундан бошлаб Шакар Қурбошисиз. Йигитларингиз менинг йигитларим билан бирлашсин. Улар қишлоғимизда туриб Қайрагочни ҳимоя қилишади. Сизни ўша ердаги 100 йигитга бош этиб тайинладим.

Уша куни Шакар Қурбошининг йигитларига милиқлар, қиличлар, ўқдори берилди. Унинг кенг ҳовлиси бу йигитларнинг қароргоҳига айланди'.¹ Шакархон аёл бошига қарамай кўлига қурол олиб ўз қишлоғининг аҳолисини тинчлигини таъминлашни она юртга бўлган муҳаббатининг тимсолидир. Уша жасоратли аёл большевикларга қарши курашларда ҳам фол қатнашиб «босмачи»лик ҳаракатларининг энг содик вакилларидан бири бўлади. Угли Одилжон ҳам онаси сингару ватан учун жонини фидо айлайдиган йигит эди. У жангларда қатнашганлиги учун большевиклар томондан ўлдирилади. Шакархон Қурбоши учун ёлғиз ўғлидан айрилиш ўта фожеали ҳодиса бўлади. У Қизил армияга қарши курашишни муқаддас бурч ҳисоблаб уша Тўйчи Қурбошидан яна ёрдам олади. Душман билан биринчи жанг Қайрагоч қишлоғида бўлиб Шакархон Қурбоши чекинишга мажбур бўлади. Унинг қаҳрамонлиги бутун водий бўйлаб таралади. Чунки у Олтиариқда, Риштонда ва Скоблев шаҳрида қизил армия қисмларига зарба беради. Шубоис Фаргона вилоят инқилобий қўмитаси уни тутиб берувчи кишиларга катта мукофотни ваъда қиласи. Шакархон Қурбоши 1921 йилнинг охирида, жангларнинг бирида ҳалок бўлади.

1920 йил октябр-декабр ойларида ватан ҳимоячилари билан душман армия ўртасида жанглар бўлди. Натижада душман кучлари голиб келиб Шермуҳаммад бошлиқ ватан ҳимоячилари Олой тогларига чекинди. Гарчи 1920 йилни охирларига келиб Фаргона

¹ «Узбекистон овози», 1995, 24 октябрь.

вилоятида большевикларнинг тўла ҳукмронлиги ўрнатилган бўлса-да, лекин истиқлол учун кураш сўнмади. 1921 йил январ ойида Андижон уездидан, Сўхда, Булок-Бошида, Чустда қурбошилар қўл остидаги гурӯҳлар билан қизил армия отрядлари ўртасида жанглар содир бўлади. Уша йилнинг май ойида ватан ҳимоячилар Наманганга ҳужум қиласидилар. Аммо душман кучлари устун келди. 1921 ёзида Ашава қишлоғининг атрофида жойлашган Раҳмонқул Қурбоши бошлиқ 2000 кишилик ватан ҳимоячилари большевикларга катта хавф тутдирди. Улар Ашава қишлоғида 8 соатлик жангда 65 солдатларни ўлдириб галабага эришдилар. 1921 йил ноябрда большевиклар Ашавага катта қўшин ташлаб ватан ҳимоячиларига қарши ҳужум қиласди. Жанг шу даражада даҳшатли бўлдики икки томондан кўп одамлар ҳалок этилди. Хусусан ватан ҳимоячилардан 800 киши ўлдирилиб Раҳмонқул Қурбоши Чотқол томонга яширинди. 1921. йил сентябрда Шермуҳаммад бошлиқ ватан ҳимоячилари ва қизил армия ўртасида Шоҳимардонда 14 соат мобайнида жанг бўлиб у чекинишга мажбур бўлди. Шундан кейин душманлар қирғиз қурбошчиси Муэтдинга қарши ҳужум уюштириб галабага эришдилар. Бу жангда юзлаб ватан ҳимоячиларнинг қони тўкилди.

1921 йилни январидан бошлиб то сентябригача, яъни 9 ой мобайнида ватан ҳимоячиларидан 2500 киши душман ўқларидан ҳалок бўлдилар. Улар биринкетин маглубиятта учрашишига қарамай мустақиллик учун курашишни давом эттирабердилар.

Айрим маълумотларга кўра 1922 йилнинг баҳорида Фаргона водийсида Шермуҳаммад, Исломкул, Эшматбойвачча, Мирза Умар, Умарқул, Омонполвон, Боестон, Муэтдин, Шермат, Жонбек қози, Аҳмад Полвон, Исроил, Шермуҳаммаднинг укалари Нурмат ва Тошмат, Мамарўз, Қорабой ва бошқа қурбошилар истиқлол учун курашишни давом эттирдилар! Улар бошлиқ ватан ҳимоячиларининг катта-кичик бўлинмалари водийнинг у ёки бу жойларида душманга қарши жанг қиласидилар. Улар билан бир қаторда Тўхтасин, Мирза Понсад, Давронбек, Хонмирза, Каримжон, Сотволди, Трусуналиев ва бошқа ўнлаб қурбошиларни жанг қиласидилар маълум.

Фаргона водийсида истиқлол учун кураш 1923 йил-

да ҳам ўз кучини кўрсатади. Бироқ ўша йилнинг охирги ойларида «босмачи»ларнинг асосий кучлари торморм этилиб совет ҳукумати ўзини мавқеини мустаҳкамлаб олди. 1923 йилнинг бошида Шермуҳаммадбек шуролар армия томонидан зарбага учратилгандан кейин Афғонистонга кетди. Шундан кейин водийда ҳам айрим қўрбошчилар раҳбарлигига ватан ҳимоячилиари курашни давом этирдилар.

Фақат 1924 йилдагина Фаргона водийсида «Босмачилик» ҳаракати бартараф этилди. Бу ерда шуни айтиш лозимки аслида у 1918 йил феврал ойида большевикларнинг Туркистон Мухториятига қарши бошланган уруши жараёнида юзага келган эди. Мана шу вақтдан бошланган «босмачи»лик кураши кейинги салкам 7 йил (1918—1924) мобайнида давом этди. Шу йиллар орасида уларнинг сони 20—30 минг кишига етди. У бутун Туркистон улкасида большевикларга қарши илк бор кўтарилиган миллий-озодлик кураши сифатида муҳим аҳамият касб этади. Унинг таъсирида минтақанинг бошқа жойларида озодлик курашлари юзага келди.

ХИВА ХОНЛИГИДА «БОСМАЧИЛИК» КУРАШИ

XX аср бошларида хонликда оғир сиёсий ва ижтимоий-иктисодий шароит юзага келди. Айниқса сиёсий курашлар қизиб тарқоқлик ва нотинчлик ҳукм сурди. Жамият аҳли қашшоқлашди ва мисли кўрилмаган азоб-уқубатларга мубтало бўлди. Буларнинг барчаси чор маъмуриятининг мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмининг маҳсулни эди.

Узоқ йиллар мобайнида босқинчиларга қарамлиқ ва итоаткорлик, қўрқув ва эҳтиёткорлик хонларни феъл-атвори ва фаолиятига таъсир этмасдан қўймади. Зоро, уларда ожизлик, сусткашлик ва кўпроқ шахсий манфаатлар билан ўралишиб қолиш сингари иллатлар кўзга ташланди. Айниқса давлатнинг устуни бўлмиш қўшинни замонавий ҳарбий билим ва техника билан таъминланмаслиги ёмон оқибатларни келтирди. Аввалимбор хонлар душманлардан ўзини ҳимоя қилиш имконидан маҳрум бўлиб қолди. 1916 йилда Сайд Асфандиёрхон шундай деган: «Улкамизни Россия урушшиб олганига қадар, менинг ота-боболарим милтиқ ва замбараклар билан куролланган мунтазам қўшинга эга

бүлгәнлар. Бу қүшинлар шундай зүр бүлгәнларки, улар ҳатто Бухоро ва Афғонистонга қарши жант қилганида енгіб чиққанлар. Менинг отам Россияга бүйсингандан кейин, биз (хонлар) буюк Россия бизни душманларимиздан қуриқлады, деб умид қилиб, қүшинларимизни тарқатиб юбордик, шунинг учун ҳам ички душманларимиздан сақланишни лозим күрмадик. Аммо бу масалага рус ҳокимияттинг үлкәннегінде вакиллари бепарволик билан қараганликлари сабабли, хавфсизлик тұғрисидаги умидларимиз пучга чиқди. Менга үз фуқароларимдан бүлган туркманлар ҳужум қылды, улардан үзимни ҳимоя қилиш учун мендә күч йўқ».¹

Дарҳақиқат хонликдаги марказий ҳокимият ва қүшин шу даражада заифлашган эдикі, Жунайд (Қурбон Мұхаммад Сардор) бошлиқ туркман қабилалари хонликка қарши бош күтардилар. Шундан кейин Жунайд Хива хонлигининг сиёсий майдонида бир неча йиллар мобайнида салмоқлы ўринни әгаллади. Унинг фаолияттегі иккі босқичта бўлиш мумкин. Биринчи сида, яъни 1915—1920 йилларда у хонликни босиб олиб, талончилик билан шугулланади. Иккинчисида, яъни 1920 йилдан Хоразм ҳалқ республикаси тузилгандан кейин большевикларга қарши курашиб, «босмачи» номини олади. Хонликдаги бу кураш асосан Жунайд бошчилигида олиб борилади.

1915 йилнинг ёзида Жунайдхон Хива қүшинлари билан тұқнашувда галабага эришиб, тұпларни үлжага олди. Аммо унинг Хива шаҳрига қарши ҳужумига йўл берилмади. Кейинги тұқнашувлардан бирида хон аскарларидан 600 киши үлдирилиб, маглубиятта учратылди. 1916 йилдан бошлаб Жунайдхон бошлиқ ёмуд қабилалари Урганч, Шоҳбод, Қиёт, Тошовузни әгаллаб, аҳоли мол-мулкини талади. Улар февраль ойида Хива шаҳрига бостириб кириб ва Асфандиёрхонни тиз чүқдириб, катта миқдордаги бойликни олди. Жунайдхон үзини хон деб эълон қылды. Асфандиёр эса қўғирчоқ хон булиб қолди. Бу вақтда хонга ёрдам бериш мақсадида Тошкентдан юборилган рус қүшини Хивага яқинлашиши билан Жунайдхон қабилалари билан қум чўлларига қочади.

¹ Каранг: Ҳамдамов Ҳ. Хива хонлигининг ағдарилиши ва Хоразм совет ҳалқ республикасининг тузилиши. Тошкент, 1960, 37-бет.

1917 йил 29 январида Асфандиёрхон Тошкентга келиб губернатор билан учрашди. Бу ерда мұваққат ҳукуматнинг Туркистан комитети Хива хонлигини үз қўл остига олганлигини хонга маълум қилди. Хивада унинг комиссарлари, яъни вакиллари тайинланадиган бўлди. Асфандиёрхон Тошкентда давлатни бошқариш бўйича ислоҳотларни ўтказишга розилик билдири. У Хивага қайтганидан кейин баъзи ислоҳотларни амалга оширишга киришди. Бу вақтларда «Ёш хиваликлар» деб аталувчи жадидларнинг сиёсий фаолияти жўш уриб курашни бошлаб юборган эдилар. Хон ўша жадидларнинг иштирокида 1917 йил 5 апрелда Олий мажлисни таъсис этди. Маъмурият вакилларига маош тўлаш жорий этилди. Шундан кейин жадидларнинг фаолияти янада кучайиб байроқларга ўзбек ва рус тилларида «Яшасин ҳуррият, яшасин тенглик» деб шиорларни ёздилар. Бу билан улар мазлум халқни сиёсий онги ва курашини уйготишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг асл мақсади хон ҳокимиятини ағдариб халқ республикасини ташкил этишдан иборат эди. Асфандиёрхон жадидлардан чўчиб, Олий мажлисни тарқатиб юборди. У жадидларни қаттиқ назорат остига олиб, бир нечта кишиларни зинданга ташлади. Уларнинг айримлари Тошкентга қочиб кутулдилар. Бу ерда большевиклар уларни дарҳол ўз бағрига олдилар.

1917 йил декабрь ойида барча казак қисмларини үз қўшинларига, яъни уйларига қайтишга доир буйруқ Хива хонлигига етиб келди. 1918 йилнинг бошларида рус қўшинлари хонликни ташлаб ўз қароргоҳларига жўнаб кетдилар. Шундан кейин Асфандиёрхон жадидларни жазолашни ва кувгин остига олишни кучайтирди. Хонликдаги аҳвол чидаб бўлмас даражада оғирлашди. Мана шундай вазиятда Жунайдхон Хивага бостириб кириб тахтни эгаллади. 1918 йил октябрда унинг буйруги билан Асфандиёрхон ўлдирилиб, ўрнига укаси Саид Абдулла қўғирчоқ хон сифатида ўтказилди. Сарой амалдорлари ўлдирилди ва мол-мулки таланди. Тинч аҳоли ҳам бундай даҳшатли фожиалардан четда қолмади. «Ўша йилларда, — дейди жонли гувоҳлардан бири, — ўлкада даҳшатли террор ҳукм сурди. Меҳнаткаш аҳоли бошбошдоқлик ва зўравонликдан жуда кўп жабр-зулм кўрди. Жунайдхон отрядлари қишлоқларни купна-кундузи босиб, одамларни қўйдек сўйиб ташладилар,

мол-мулкни таладилар, ўзлари билан олиб кета олмаган мол-мулкка ут қўйдилар... Чимбой ва Зайр атрофидаги (Амударённинг Орол денгизига қўшилган жойида) юз эллик чақиридан ошиқ масофада жон асари кўрмадим. Талангандан куйдирилган уйлар, ҳар жойда ётган ўликлар, вайрон қилинган хонадонлар, куйиб кетган дараҳтлар, уй олдида ётган бола бешиклари, чиябўриларнинг увлаши ва сассиқ ҳид жуда оғир таассурот қолдирди».¹

1918 йилда РКП(б)нинг Тұртқұл комитети тузилиб большевиклар сиёсий курашни бошлаб юбордилар. Туркистан большевиклари бу комитет орқали Хива хонлигининг ички ишларига аралашди. 1919 йилнинг бошида «Ёш хивалик»ларнинг бошчиқларидан бири Д. Султонмуродов Тұртқұлда «Ёш хивалик»лар комитетини тузди. Бунга Амударё бўлимининг большевиклари комитети бошчилик қилиб турди. «Ёш хивалик»ларнинг бошқа аъзолари хонлик ерларида махфий гуруҳлар ташкил қилиб хон ҳокимиютига қарши тарғибот ишларини олиб бордилар. Улар хон ҳокимиютини агдариб ислоҳотлар ўтказиш йўли билан жамиятни илгорлаштириш ва республика тизимини жорий этишни мақсад қилиб қўйдилар. Умуман айтганда большевиклар ва «Ёш хивалик»ларнинг ўртасида гоявий жиҳатдан фарқ жуда катта эди. Шунга қарамай улар умумий душман хон ҳокимиютига биргаликда курашиш учун бир-бирлари билан яқинлашдилар. Айниқса «Ёш хиваликлар»нинг Тошкентта ёки Тұртқұлга қочиб борган бир гурух вакиллари большевикларнинг ёрдамига катта умид боғладилар. Улар қизил тарғиботга учиб ўладиларки, большевиклар ҳокимиютни олиб бериш учун бегараз ёрдам берадилар. Пировардида эса бундай фикр ўзини тамомила оқламади. Зоро, большевиклар «Ёш хиваликлар»га бир қўғирчоқ сифатида қараганликлари яққол намоён бўлди. Больше-виклар раҳбарлик қилаётган Тұртқұл уездининг РКП(б) комитети ишчи ва солдатлари депутати совети бутун Хоразм воҳасининг «революцион» маркази сифатида иш юритиб хон ҳокимиюти ва Жунайдхонга қарши курашни бошқарди. Бу кураш эзилган ва хўрланган Хоразм ҳалқларини феодал-клерикал тузум ва қолоқликдан озод этиш ниқоби остида олиб борилди. Больше-

¹ Уша жойда, 59-бет.

виклар Сайид Абдуллахон билан шартнома тузишга ҳаракат қилди. Шунинг учун 1919 йил 7 апрелда большевик Н. А. Христофоров бошчилигига миссия хон хузурига келиб ҳарбий юришларни тұхтатиши ва Хива хонлигининг мустақиллігини тан олинганлығы ҳақида битим тузилди. Шунга үхашаш битим Жунайдхон билан ҳам тузилди. Аммо большевиклар битимларни ҳарбий тайергарлик учун вактдан ютиши мақсадида түздилар. Улар хонлик ерларига үз одамларини юбориб тарғиботни күчтірдилар. Большеvikлар хонликда үз ҳукмронларини үрнатиши учун ҳеч нарсадан тоймади. Улар Хоразм халқининг хоҳиши-иродаси ва сұровига биноан курашыпмиз деган үйдирма гапларни рұкач қилиб хонликни ҳарбий күч билан ағдаришни режалаشتirdилар. Масалан, Тұртқұлдаги ишчи ва солдатлар депутатлари совети Ленин номига қуйидаги мурожатномани юбордилар: «Хива ақолиси Жунайдхон қароқчиларининг террори искаңжасида әзилиб ётибди. У совет құшинини келишини сабрсизлик билан күтмөқда. Шубҳасиз у Хивага үзининг қонли наңжасини құзаётган Жунайдхон ва империалистлардан озод этади. Хива ақолиси мазлум халққа озодликни бағш этувчи қизил армияга қариндошлиқ саломини йуллаб, совет Россиясига құшилишни истайди». Ваҳоланки үша вактдаги хонлик ақолисининг сиёсий онги ва фаолияти шу даражада әдіки, күрсатилған мазмұндаги мурожаатномани өзиш хаёлиға ҳам келмаган. Шу боис у большевиклар томонидан түқилған сохта ҳужжат әди. Шунга үхашаш 1919 йил ноябрь ойининг охирда Тұртқұл советининг ҳарбий ёрдам сұраб Тошкентта юборған телеграммаси аслида халқнинг сұрови билан эмас, балки большевикларнинг үzlари томонидаң түқилған әди. Бутун Россия Марказий Ижроия комитети, РСФСР халқ комиссарлари советининг Туркестон комиссияси ва Туркестон АССР ҳұкумати дархол хонликка қарши құшин юборишига киришди. 1919 йилнинг охирларыда Н. А. Шайдаков раҳбарлігіда қизил армия жаңг билан Хұжайли, Нукус, 1920 йил 7 январда Күхна Урганчни забт этди. Бу вактда Құшмамат бошчилігінде 500 туркманлар қизил армияга құшилиб, жаңгларда қатнашды. Иккінчи томондан ҳаракат қилаётган Н. М. Шербаков раҳбарлігінде армия эса Урганчни босиб олди. 14—23 январ күнлари душман күчлари Порсув, Илали, Тошовуз,

Газобод, Бадаркент ва Тахта сингари жойларни эгалладилар. Н. А. Шайдаков ва Н. М. Шчербаков қўмондонлигига қизил армиянинг тажовузи бошланишидан узбек, туркман ва бошқа туб аҳолининг мустақилликни сақлаш учун кураши юзага келди. Улар Жунайдхон атрофига жисплашиб, «босмачилар» номида ватан ҳимоясига жонини тикдилар. Аммо ҳар жиҳатдан яхши уюшган ва қуролланган қизил армия биринчидан зарба бериб борди. 1920 йил 1 февралда қизил армия хонлик пойтахти — Хивани эгаллаб, Саид Абдуллахоннинг ҳукуматини қўпориб ташлади. 1920 йил 27—30 апрелда Хивада биринчи қурултой иш юритди. Унда большевикларнинг ташаббуси ва бевосита қатнашувида революцион комитет ва ҳалқ нозирлари совети тузилди. Бунда, сиртдан қараганда, демократик ўзгаришлар кўзга ташланади, бироқ бундай ўзгаришлар заминида большевикларнинг мустамлакачилик сиёсати ётарди. 1920 йил апрель-май ойларида Хоразм коммунистик партиясини тузилиши «Ёш хиваликлар»ни бир бурчакка сиқиб, большевикларнинг сиёсий майдондаги мавқеини ошириб юборди. Шу боис уларнинг ўзаро кураши тобора қизиб борди. Бир гурӯх «Ёш хиваликлар» даставвал большевикларнинг ваъдларига ишониб, уларга таянган эдилар. Бироқ улар ҳокимиятга ўтказилгандан кейин большевикларнинг қўғирчогига айлантирилди. Ҳамда Хоразм ўз мустақиллигини йўқотди. Чор ҳукуматининг ҳукмронлиги большевикларники билан алмашилди, холос. Уша хон ҳокимияти агадарилиб биринчи ҳалқ нозирлари совети тузилгандан кейин П. Юсупов бошлиқ ҳукумат тузилди. «Ёш хиваликлар»дан ташкил этган ҳукумат большевикларнинг измидан чиқиб ва мустақил сиёсатни юргизиб қаттиқ қаршиликка учради. «Ёш хиваликлар», — дейди шўро муаллифларидан бири, — воқеаларнинг боришини ўз фойдаларига ўзгартиришга интилиб ашаддий чоралар кўришга киришиб, буни коммунистларга қарши репрессия қилишдан бошладилар. Нозирлар Шўросининг раиси П. Юсупов ҳукуматнинг марказий сайлов комиссиясини тарқатиб юбориш ва коммунистларнинг сайлов олди агитацияси олиб боришларини тақиқлаш тўғрисидаги қарорига имзо чекди; вақфларга ва Юсупов ҳукуматига қарши чиққанларнинг ҳаммаси қамоқقا олиниб, Хоразмдан сургун қилинадиган бўлди.

Лекин буржуа миллатчилар ҳукуматининг бу чоралари ўзига чоҳ қазиди, холос».¹

Ушбу сатрлардан аёнки «Ёш хиваликлар» бошлиқ ҳукумат билан большевиклар ўртасидаги кураш ошкора равишда сиёсий тус олди. Шу боис у ҳукумат йўқ қилиниб, давлат бошқаруви революцион комитетга топширилди. П. Юсупов бошлиқ ҳукумат аъзолари 1921 йил март ойида қамоқça олинди. Шу йилнинг май ойида советларнинг иккинчи Бутун Хоразм қурултойи ўтказилди. Унда Ота Маҳмуд бошчилигига янги ҳукумат тузилди. Бу иккинчи ҳукумат ҳам ўзи танлаган йўлдан бориб большевикларнинг газабига учради. Шунинг учун ҳам улар «Ёш хиваликлар»нинг устига тұхмат ва бўхтонларни ёғдирив қораладилар. Совет тарихчиларидан бири шундай ёзган: «Ёш хиваликлар»нинг раҳбарлари инглиз империалистларининг агентлари, контреволюционерлар билан алоқани тобора мустаҳкамлай бордилар. 1920 йилнинг охирида совет ҳокимиятининг ёвуз душмани, ашаддий миллатчи, собиқ контреволюционер бошқирд, буржуа ҳукуматининг бошлиғи, инглизларнинг агенти Заки Валидов Хоразмга келди.

Валидов Хивада «Ёш хиваликлар»нинг Жунайдхон ва руҳонийларнинг вакиллари билан ўтказган бир қанча маҳфий кенгашларида коммунистларга ва совет ҳокимиятига қарши, Хоразмни Буюк Британия раҳбарлигидаги буржуа республикасига айлантириш учун курашни кучайтиришга қарор қилинди».²

Аслида «Ёш хиваликлар»нинг империалистларнинг агентига айланишига ҳеч қанда зарурият йўқ эди. Бу уларни қоралаш ва жазолаш учун қилинган тұхматнинг ўзи эди. Бироқ уларни мустақил республикани тузишга қаратилган ҳаракати ҳақиқатни акс эттиради. Масаланинг худди мана шу томони большевикларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши бўлган. Шу боис Ота Маҳмуд бошчилигидаги иккинчи ҳукуматнинг аъзолари ҳам ҳибсга олинди. У бир неча сафдошлари билан қамоқдан қочиб Жунайдхонга бориб кўшилди. Шу тариқа Хоразм мустақиллигини тиклашга қаратилган кучларнинг сафлари бир мунча мустаҳкамланди. Айни пайтда савдо аҳли ва руҳонийларнинг вакиллари ҳам Жунайдхонга қўшилдилар. Ай-

¹ Узбекистон ССР тарихи. Тошкент, 1971, 3-жилд, 302-бет.

² Уша жойда. 301-бет.

ниқса ерларни мусодара қилиниши, пахта, ёг ва бошқа корхоналарни давлат ихтиёрига олиниши, молмулкларнинг таланиши қаттиқ нафрат ва норозиликни қайнатди. Бу ҳолат «босмачилик» курашини қайта кенг қулоч ёйишига олиб келди. Унинг таркиби ўзбек ва туркманлар сингари оддий кишилардан ташқари «Ёш хиваликлар», бойлар, руҳонийлар ва бошқа тоифалардан ташкил топди. Биринчи бўлиб «Ёш хиваликлар»нинг бевосита қатнашувида йирик бойлардан бири Мадраҳимбой бошчилигида ватан ҳимоячилари большевикларга қарши ҳужумни бошладилар. Улар Питнакда душман тарафдорларини жазоладилар. Хазораспда Собирбой, Матчонбек ва Шокиржонлар бошчилигидағи «босмачилар» Мадраҳимбойга қўшилиб курашдилар. Натижада ватан ҳимоячиларининг сони 10 минг кишига борди. Улар Хива томонга йул олдилар. Бундан ташқари Жунайдхон бош кўтариб 1924 йил январда Тошовуз, Питнак, Гурлан, Газобод ва бошқа жойларни қўлга кирилди. Шундан кейин у 19 январда Хива ва Урганчни куршаб олди. Бу ерда бир ҳафта давомида шиддатли жанглар бўлди. Оқибатда ватан ҳимоячилари мағлубиятга учраб чекинишга мажбур бўлдилар. Жунайдхон ҳам қум чўлларига қочиб яширинди. Аммо, бу билан «босмачилик» ҳаракати сўнмай, 1927 йилгача хонликнинг у ёки бу жойида кураш давом этди. Жумладан 1924 йил февралда Садивар, Питнак ва Хазораспда хоннинг собиқ вазири Бакалов, «Ота» қабиласининг бошлиги Оғожи эшон раҳбарлигида ватан ҳимоячилари большевикларга қарши бош кутардилар. Улар кўрсатилган жойларда ҳокимиётни қўлга олиб совет ходимларидан 200 кишини ўлдирдилар. 1925—1927 ва 1931 йилларда хонлик ерларида, хусусан Тошовуз, Кухна Урганчда «босмачилик» ҳаракати давом этди. Уларга Жунайдхон бошчилик қилди, лекин мағлубиятга учратилди. Жунайдхоннинг ўзи эса 1928 йилда Эронга ўтиб кетди. Шундан кейин Хоразмда «босмачилик» ҳаракати ниҳоясига етказилди.

Шундай қилиб курдикки, Хива хонлигига мустақиллик учун кураш ниҳоятда мураккаб шароитда кечди. У ерда большевиклар ҳокимиёти ўрнатилгандан кейин том маънодаги миллий-озодлик кураши юзага келди. Унда халқ оммаси ва жадидлар фаол қатнашдилар.

БУХОРО АМИРЛИГИДА ИСТИҚЛОЛ УЧУН КУРАШЛАР

XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги ҳам ниҳоятда азоб-үқубатли шароит юзага келиб сиёсий курашлар кескинлашди. Бунга чор ҳукуматининг агдарилиши, буржуа-февраль демократик республикасини урнатилиши, сұнгра совет ҳоқимиятини пайдо булиши үз таъсирини күрсатди. Бухоро амирлиги Россиядаги мазкур воқеалардан фойдаланиб, үз мустақиллигини тиклаш ҳаракатига тушди. Аммо ички ва ташқи кучлар бу мақсадни амалга оширишга йул бермади. Маълумки, амирликнинг ҳукмдори Саид Олимхон ҳамон Урта асрға мос руҳдаги сиёсатни давом эттириб ёшини яшаб ва ошини ошаб бўлган эски давлат тизими ва бошқарувидан воз кечмади. Аксинча у замон талаби ва тараққиётiga жавоб бера олмай сиёсатга чирмашиб олди. Тұгри, у айрим үзгаришларни ҳаётта тадбик этишга ҳаракат қилди. Бироқ улар «хўжа кўрсин» учун қилинган чоралар эди, холос. Умуман айтганда мамлакатда туб үзгаришлар содир бўлмай, саводсизлик, ноchorлик ва қолоқлик ҳукм сурди. Мана шундай ачинарли ҳолатга монанд равищда давлатнинг устуни — қўшин ҳарбий маҳорат ва техника жиҳатдан анча орқада қолиб кетди. Унинг сони бор, лекин сифати йўқ эди. Амирлик учун айниқса «Ёш бухоролик»лар номида юзага келган жадидларнинг ҳаракати катта хавф түғдирди. Улар зиёлилар, савдо-саноат аҳли ва жамиятнинг бошқа илгор вакилларидан ташкил топди. Улар хон ҳоқимиятини агдариш, конституция асосида республикани урнатиш ва тараққиётни таъминлашни мақсад қилиб қўйдилар. «Ёш бухоролик»ларнинг партияси 1917 йил охирларида тузилди. Бу ерда шуни айтиш лозимки, уларнинг фаолияти ҳали чукур оммалашмай, мустаҳкам таянчга эга эмас эди. Бунинг устига устак Саид Олимхон уларни қаттиқ назорат ва таъқиб остига олиб қўлга тушганларни калтаклади ва зиндонга ташлади. Больщевиклар «Ёш бухоролик»ларнинг ожиз томонларидан фойдаланиб уларни үз тарафига оғдиришга ва улар орқали хонликни эгаллашга қаратилган сиёсатни юргизди. Улар большевикларнинг мазлум халқларга мустақиллик, озодлик ва эркинлик берилиши ҳақидағи ваъдаларига ишониб Туркестон халқ комиссарлари советининг ради Ф. И. Колесовга ҳарбий ёрдам сўраб мурожаат

қилдилар. Бу сўровсиз ҳам хонликни босиб олиш ни-
ятида юрган большевиклар Ф. И. Колесов бошчилиги-
да 500 кишилик қўшинни Бухорога жўнатди. Унинг
харбий юришида Файзулла Хўжаев бошлиқ бир гурӯҳ
жадидлар фаол қатнашдилар. «Колесовнинг Бухорога
юриши тўгрисида, — деб ёзади Ф. Хўжаев, — бизлар
беш кун бурун билдик. Колесов Ашхабоддан Тош-
кентга ўтиб борган вақтда бизнинг вакиллар ҳайъати-
ни қабул қилди. Бу ҳайъат ичидаги ҳам бор эдим.
Бизга ҳужум учун тайёрланиб туришни айтишди. Биз-
нинг ваъда қилинган қурол тўгрисида берган саволи-
мизга қарши гарчи кўп бўлмаса ҳам узи билан бирга
олиб келишини билдириб жавоб берди. Марказий
қўмита мана шу қаноатланарли бўлмаган сўзларга ва
бошқа ноқулай ҳолларга қарамасдан воқеаларда фаол
суръатда иштирок қилишга қарор қилди. Шунга
кўнмасдан бошқа бир йўл ҳам қолмаган эди. Бухорода
ва Каркида кечаси билан ҳужум қилиш ва умуман
планни бажариш тўгрисида албатта ҳеч бир нарса
ўйлаш мумкин эмас эди. Марказий қўмита нима иш-
лашга мумкин бўлса, шударнинг ҳаммасини ишлади».¹

Бинобарин Файзулла Хўжаев Колесовдан ҳарбий
қуролни ололмаганидан ва бошқа «ноқулай ҳолатлар-
дан» норози бўлиб ёзган. Афтидан Колесов халқни
қуроллантиришдан хавфсираб, фақат ўзининг кучи
билан ҳокимиятни босиб олишни ўйлаган. Бу масала-
да ҳам большевикларнинг найранги куриниб турибди.
«Ёш бухоролик»лар ҳарбий ҳужумда қатнашиш ва уни
бошқариш учун инқилобий комитет тузилди. Унинг
таркибида Файзулла Хўжаев (раис), Фитрат, Ота
Хўжаев, Бурхонов, Оғдоров, Пулаторов, Фазлиддин
Махсум киритилди. 1920 йил 1 марта Колесов қўшин
билан Когон (янги Бухоро)га етиб келди. Бу ерда Ко-
лесов билан «Ёш бухоролик»ларнинг бошлиқлари
ўртасида маслаҳат мажлиси ўтказилди. Унда қўйидаги
масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар баён этилди:

1. «Ёш бухоролик»ларнинг амир Сайд Олимхонга
юборадиган талабларини белгилаш.
2. Амирнинг номига жўнатиладиган мурожаатнома-
нинг мазмунини муҳокама этиш.

¹ Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига оид хотиралар. Тошкент,
1997, 124-бет.

3. Бухоро қилинадиган ҳарбий юришнинг режаси-ни тузиш.

Мажлиснинг биринчи масала бўйича қарорида «Ёш бухоролик»ларнинг амир томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳотларни бирма-бир курсатиш уқдириб ўтилди.

Иккинчи масала бўйича эса хон ислоҳотларга ро-зилик билдирса, у вақтда таҳтда қолдириш ҳақида қарор қабул қилинади. Шу шарт биланки, хон «Ёш бухоролик»ларнинг вакилларидан иборат бир бўлим ташкил этиб, уларнинг қатнашувида ислоҳотларни ҳаётта тадбиқ этади».¹

Демак Сайд Олимхон амалда ҳокимиятни «Ёш бухоролик»ларнинг вакилларини қатнашувида бошқариши зиммасига олиши керак эди. Амирга юборилган та-лабноманинг мазмуни қўйидагича бўлган эди: «Биринчи: Бухоро амирлиги, шунинг баробаринда Сизга ёш бухороликларнинг талабларини юборамиз ва шу талабларни ҳеч бир кечиктирмасдан ва ўзгартирмасдан 24 соат ичida қабул қилишни сўраймиз. Иккинчи: Ёнингизда бўлган ҳукумат тарқатилиб, унинг ўрнига ёш бухороликлардан ижроия қўмитаси белгилансин ва бутун ҳокими-ят ёш бухороликлар ижроия қўмитасининг қўлида бўлур. Янгидан ташкил қилинадургон ҳукумат мазкур ижроия қўмитаси томонидан сизнинг розилигингиз ва маслаҳатингиз билан белгиланур.

Учинчи: Агар қон тўкишни хоҳламасангиз, албатта мана шу талабларни қабул қиласиз. Агар қабул қил-мас экансиз, у вақтда тўкилган қон учун сиз жавобгар бўлурсиз. Бу ҳолда бутун ва ҳар хил ҳаракат бизнинг қарамоғимиз билан бўлгусидир. Сизнинг жавобларин-гиз бизнинг талабларимизга мувофиқ бўлиши лозим-дир. Агар сизнинг қандай бўлса ҳам жавобингиз бизнинг талабларимизга қарши бўладирган бўлса, бизлар ўзимизнинг талабларимиз қабул қилинмаган деб ҳисоб қилгусимиз.

Туркистон халқ комиссарлар шуросининг раиси
Фёдор Колесов.

Ёш бухороликлар Марказий ижроия
қўмитасининг раиси
Файзулла Хўжаев.»²

¹ Уша жойда, 125-бет.

² Уша жойда, 125—126-бет.



15-расм. Маргилондаги құзғолон. 1916 йил.



16-расм. Амир Олимхон сарбозлари.

Мазкур сатрлардан күриниб турибдики, Саид Олимхон курсатилган талабларга розилик билдирганда большевикларнинг құл остидаги итоаткор хизматкор булиб, үз мустақиллигини йүқтотган бўларди. Шу боис Саид Олимхон талабни бажаришдан бош тортди.

Шунинг учун Бухоро шаҳрига ҳарбий юришга қарор қилинди. «Биринчи тўқнашиш, — дейди Файзулла Хўжаев, — Бухоро деворларидан бир чақирим узоқлиқда Фатҳободда бўлди. Амирнинг аскарлари, айниқса отлик аскарлари урушни кўпда тиламаган бўлса керак. Бир неча ярадор ва ўликларни қолдириб тезлик билан орқага қайтдилар. Лекин унинг қамрови бутун қуроллари пичоқ, болта ва калтақдан иборат бўлган эски мутаассиблар, мурид ва муллалар жуда зўр бериб уришдилар. Шулар ичидан биттасининг қулига калтак тутиб, оғзига пичоқ тишлаб тўғридан тўғри бизнинг пулемётчиларимизга қараб келиб, уларнинг устига ташланганини ўз кўзим билан кўрдим».¹ Бу икки томон ўртасидаги жангнинг жонли гувоҳининг маълумоти шу ҳақда далолат берадики, болта, пичоқ ва оддий нарсалар билан қуролланган халқ оломони мустақиллик учун қаҳрамонона жанг қилган. Натижада Колесов шаҳарга ҳужум қилишга журъат эта олмай оғир аҳволга тушиб қолди. Бу тўғрида Файзулла Хўжаев шундай дейди: «Ўзимизни кичкина кучимиз билан шаҳарга ҳужум қила олмаслигимиз, агар ҳужум қила-дирган бўлсак, бизни унда амирнинг бутун аскари ва муллаларнинг иғвоси билан кўтарилган бир неча ўн минг халқ қарши олиши ҳаммамиз учун маълум эди. Бундай аҳвол ва шароит ичida ҳужум қилиш ҳам жуда оғир ва қўрқинчли эди... Амир аскарларига қараганда биз (қизил армия)да бўлган бирдан бир ортиқлик, бизда оврупо усулидаги замбаракларнинг бўлиши эди. Бизлар мана шу ортиқликдан фойдаланишга ва эски Бухорога шу забарақлардан ўқ ота бошлашга, шунинг учун амирнинг ҳужумини тўхтатишга, шаҳарда ҳаяжон кўтариб, халқа таъсир қилишга қарор қилдик. Замбараклардан ўқ отиш бошланди ва бир ярим кунларча давом қилди. Лекин ҳеч бир натижа бермади. Кейин бизнинг отган тўпларимиздан ҳеч бириси шаҳарга бориб тушмаганлиги маълум бўлди».²

Ушбу сатрларда ҳам истиқлол учун кураш умуми халқ ҳаракатига айланганлиги ўз ифодасини топган. Уларда ўн минглаб кишиларни курашга чиқиши алоҳида уқдириб ўтилган. Пировардида қизил армия чекинишга мажбур бўлди. Ватан ҳимоячилари ғалаба-

¹ Уша жойда, 127-бет.

² Уша жойда, 132-бет.

ни шоду-хуррамлик билан нишонладилар. Саид Олимхон қўлга туширилган «Ёш бухоролик»лар ва уларга ҳайриҳоҳлик билдирган кишиларни қаттиқ жазолади. Хусусан Ҳамид Ҳужа, Мирзашоҳ, Қори Гулом, Фатхулла Ҳужаев, Гулом Ҳужа, Зубайдулла, Абдураҳмон (Мулла Икромнинг ўғли), Абдувакил Махсум, Мирза Шариф, Қори Мустақим, Маҳди Шамсиев, Қори Аҳмад, Абдулла Бахшуллахонов, Исмоил Ҳужа, Мирза Раҳматулла, Сирожиддин (Айнийнинг укаси), Низом (бутун оиласи билан 13 киши), Мирза Исломқул (Шаҳрисабз), Журакул (Карки), Мирза Сачоқ (Карки), Фаттоҳжон (Карки), Мирхон (Карки), Ҳужа Абдусаттор, Бурхонжон (Фазлиддин Махсумнинг укаси), жами 24 киши ўлдирилди.¹ Шуниси диққатга сазоворки жадидчилик ҳаракати амир Саид Олимхоннинг мансабдорларининг илгор вакилларини ҳам бағрига тортган эди. Улардан ҳам бир нечтаси ҳалок қилинди. Масалан Мирза Мустафо, Насруллабек (бутун оиласи билан 17 киши) Мирза Аҳмадбек (ўғли билан), Ҳожи Закария Азимов, Мирза Саҳбо, Ҳожи Додҳоҳ, Исломқул Тўқсанбек, Қози Абдусаттор ва Қози Саиджон шулар жумласидандир.²

Ҳаммаси бўлиб Саид Олимхон томонидан қатл этилганлар 3000 кишига борган. Натижада «Ёш бухоролик»лар жуда катта талафотга учраб, партияси бузилиб кетди. Улардан 150—200 киши Тошкент ва Самарқандга қочишга муваффақ бўлди. Бу ерларда уларни уюшмалари юзага келиб, моддий жиҳатдан жуда огирир аҳволга тушиб қолдилар. Файзула Ҳужаевнинг сўзи билан айтганда Лесов маглубиятидан, яъни «Март воқеаларидан кейин ёш бухороликларнинг кучлари тамоман тарқалган»³ эди. Маълум вақт ўтиши билан «Ёш бухоролик»лар ўзларини анча ўнглаб, 1918 йил апрелда Тошкентда Бухоро коммунистик партиясини туздилар. Бу партияга Мухтор Саиджонов, Еқубзода, Азимжон Еқубов, Ҳусайнинов, Аминов ва Акчуринлар кирдилар. Азимжон Еқубов раис этиб сайланди. Бу вақтда Файзула Ҳужаев Москвада яшамоқда эди. 1919 йил декабрда Бухоро коммунистик партиясининг марказий комитети РКП(б) билан ҳамкорли-

¹ Ҳўжаев Ф. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, 1976, 156—157-бетлар..

² Уша жойда.

³ Ҳўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига оид хотиралар. Тошкент, 1997, 137-бет.

гини тасдиқлаб партия дастурини қабул қилди. Ҳон ҳокимиятини ағдариш ва Бухоро совет халқ республикасини тузиш мақсад қилиб қўйилди.

1920 йил январ ойида ёш бухоролик инқилобчилар партияси ва унинг «Туркистон Марказий бюроси» юзага келди. Бу партияни Файзулла Хўжаев, Қори Йўлдош, Пулатов, Усмон Хўжаев, Мукаммил Бурхонов, Мўминжон Аминов ва Изатулла Аминовлар тузган эдилар. «Ёш бухоролик»ларнинг коммунистлари «Қутулиш», инқилобчилари эса «Учқун» газеталарини нашр этдилар. Большеликлар «Ёш бухоролик»ларнинг инқилобчи партиясига шубҳа билан қаради. Чунки улар коммунистик партияга аъзо бўлмай дастурини қабул қилмаганлар. Шу муносабат билан Турк комиссияси Бухоро коммунистларининг ва «Ёш бухоролик»лар партиясининг фаолиятини ҳар томонлама урганиб чиқиб, 1920 йил 3 августдаги мажлисида қўйидаги холосага келди: «Ёш бухоролик»ларнинг инқилобий ташкилоти коммунистлар программасига қарама-қарши қилиб қўйилган ўзининг мавжуд программасида ифодаланган расмий қиёфаси бўлганлиги сабабли бу ташкилотни РКП(б) қўллаб-қувватламайди, лекин унинг, биз ўзимизни коммунистик платформада турган ташкилот деб ҳисоблаймиз ва Бухорода инқилоб бўлган куннинг эртасига ёқ расмий равишда коммунистик партия сафиға киришга сўз берамиз, деган баёнотини эътиборга олиб, марказий комитет комиссияси «Ёш бухоролик»лар революцион ташкилотининг Бухоро коммунистлари билан блок тузишини ва келгусида «Ёш бухоролик»лар революцион ташкилотининг Бухоро коммунистлари билан қўшилишни таъминлайдиган шарт-шароит тайёрлаши шарти билан «Ёш бухоролик»ларнинг революцион ташкилотига мадад бериб туришни маъқул ҳисоблайди».¹

Ушбу хужжат шу ҳақда гувоҳлик берадики, Файзулла Хўжаев ва бошқа унинг тарафдорлари томонидан тузилган инқилобий ташкилот коммунистик партиясининг программасини тан олмай ўзларини мустақил дастури ва сиёсатига эга бўлганлар. Улар шуни яхши англаганларки коммунистик программа бўйича иш юритиш халқнинг нафрати ва норозилигини уйғотади. Бу айниқса Колесовнинг ҳарбий юришидан кейин

¹ Узбекистон ССР тарихи. З-жилд. Тошкент, 1971—286-бетлар.

яққол кўзга ташланди. Аслида Файзулла Хўжаев бошчилигида иш юргизаётган жадидлар шариатга риоя қилиб ва республикани ташкил этиб, мамлакатни капиталистик йўлдан ривожлантиришни мақсад қилиб қўйганлар. Шунинг учун ҳам большевиклар уларнинг гоясини коммунистик партия программасига зиддигини бекорга курсатмаган эдилар. Улар фақат ўzlарининг манфаатларини қўзлаб келажақда «Ёш бухоролик»ларни коммунистик партиясига киришлари шарти билан ҳарбий ёрдам беришга рози бўлдилар. «Ёш бухоролик»ларни бундай шартга кўнмаслигини ҳеч иложи йўқ эди. Чунки уларнинг мавқеи Колесовнинг мағлубиятидан кейин анча сусайиб руҳий ва моддий жиҳатдан катта талафот кўрган эдилар. Бундан ташқари Колесов Файзулла Хўжаевнинг сўровига биноан Бухорога қарши уруш очган эди. Шунинг учун Файзулла Хўжаевни унинг мағлубиятига бош айбдор деб қораладилар. Демак, уни большевиклар олдида «тили қисиқ» жойи бўлган. Булардан қатъи назар Файзулла Хўжаев учун ўша вақтдаги шароит тақозосига кўра фақат большевиклардангина катта ёрдам олиши мумкин эди. Шу боис уларни сиртмогига мажбуран тушиб қолди. Шундай қилиб большевиклар коммунистик партиясига кирган ва кирмаган «Ёш бухоролик»ларни бағрига тортиб, хонликка қарши курашнинг раҳбарлигини қўлга киритди. Улар М. В. Фрунзе, Бухоро коммунистлар партиясининг раиси Н. Хусаинов, «Ёш бухоролик инқилобчи»лар марказий бюросининг раиси Файзулла Хўжаев, шарқда интернационал пропаганда советининг раиси Геллер ва Туркистон компартиясининг вакили Н. Туракуловдан иборат ҳарбий революцион бюрони туздилар. Бу бюро аъзолари 1920 йилнинг 24 июнь — 25 август мобайнида хонликка қарши ҳарбий юришнинг тактика ва стратегиясини ишлаб чиқиб, қўшинни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлади. Ҳатто унга самолётларни жалб қилиш режалаштирилди. Ҳарбий юришни бевосита бошқариш ва самарадорлигини таъминлаш учун В. В. Куйбишев, Файзулла Хўжаев, Н. Хусаиновлардан иборат партия маркази тузилди. Улар 1920 йил 23 августда Қозонга келиб ўрнашдилар.¹ Айрим маълумотларга кўра бу вақтда Бухоро шахрида Сайд Олимхон 8525

¹ Уша жойда.

ниёда ва 7550 отлиқ аскар, 23 түп ва 16 пулемётни ўрнаштирган эди.¹ Аммо хон аскарлари бирмунча яхши куролланган бўлсалар-да, ўзлари ҳам, бошлиқлари ҳам ҳарбий билим ва маҳорат жиҳатдан анча орқада қолиб кетганлар.

Қизил армия сафида эса 5000 ниёда, 2000 отлиқ солдатлар бўлиб 46 та оғир ва енгил тўплар билан, 229 та пулемёт, 10 бронеавтомобиль, 5 бронепоезд ва 12 самолёт билан куроллантирилган эди.²

«М. В. Фрунзе тузган Бухоро операция плани тусатдан ва шиддатли зарба беришни назарда туттан эди. Операцияда қатнашувчи қўшинлар 5 группага бўлиб қўйилди: Янги Бухоро (Когон) группаси 29 август тонг отарда шиддатли зарба билан ҳужум бошлаб, эски Бухорони эгаллаши, амир ва унинг ҳукуматини қўлга тушириши керак эди; Чоржуй группаси 28 августда эски Чоржуйни эгаллаб, революцион комитет тузиши, революцион комитет эса революция бошланганинига ва революцион ҳокимият барпо этилганлиги тўғрисида манифест эълон қилиши лозим эди. Қарши группасидаги қўшинлар амирликнинг иккинчи пойтахти Қаршини эгаллаши лозим эди. Китоб, Шахрисабз, Гузорга ҳужум қилибbekларнинг йигитларидан иборат отрядларни тор-мор этиш ва шарқий Бухорога ўтадиган йўлларнинг ҳаммасини эгаллаб олиш Самарқанд группасига юклangan эди. Каттақўргон группасидаги қўшинлар Хатирчи, Зиёвуддин, Кармана шаҳарларини эгаллашлари лозим эди».³

Демак, босқинчиларнинг ҳарбий режаси жуда пухта тузилиб қўшинларнинг фаолияти аниқ белгилangan. Бундай яхши тайёргарлик ўзини самарасини берди. 1920 йил август ойининг охирларида қизил армия Чоржуй, Нарозим, Бирдалик, Қарши, Китоб, Шахрисабз, Чироқчи, Яккабог, Хатирчи, Кармана ва бошқа жойларни босиб олди. Жангларда қаттиқ қаршилик кўрсатган ватан ҳимоячиларидан кўп кишилар ҳалок бўлдилар. Шахсан М. В. Фрунзе бошчилигида Бухоро шаҳрига ҳужум бошланди. Бу воқеада бевосита қатнашган Г. Омелюстый деган кимса шундай ёзади: «Роса соат тўртда, белгилangan дақиқанинг худди ўзида

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда, 289—290-бетлар.

гумбурлаб тұп отилди ва эрта саҳарда дала тұпидан отилған биринчи үқнинг садоси ҳавода янгради. Бухоро революцияси үзининг етиб келгандыдан дарап берди. Чинқириб ҳавони ёриб үтган тұп үқи шаҳар үстидан учиб бориб, амир сарбозлари жойлашған ҳовлиниң пахса деворига бориб урилди.

Кейин шаҳарнинг шимолий чеккасида тош йүлнинг иккала томонида пулемётлар тириллаши бошланди, милтиқларнинг тарсилаган овозлари эши-тилди. Шу ондағү қызыл отрядлар «хуқуқсизлик ва ёвойи үзбошимчалик» режимига штурм қилиш учун йулға түшдилар. Ҳужум құққисдан бошланди. Амирнинг ёлланған солдатлари зарбага бардош беролмадилар, от-араваларини ташлаб, курол ва үқларни йүқотиб, шошғанларича эски Бухорога тартибсиз чекина бошладилар, фақат баъзи жойлардагина сал-пал қаршилик күрсатардилар холос.

Бир неча тұп, ағдарилиб ётган замбарак яшиклари, ташлаб кетилған аравалар, милтиқлар, үқлар бизнинг биринчи үлжаларимиз бўлди.

Янги Бухоро (Когон) билан эски Бухоро ўртасида 12 километрли масофа тез босиб үтилди. Туш пайтида бизнинг қисмларимиз эски Бухорога туташған қишлоқларда жанг қымкоқда эди. Олдинда амир пойтахтининг деворлари теварак-атрофдаги бинолардан баланд булиб куринмоқда эди... Бу деворларни олиш қийин бўлди».¹

Демак қызыл армия урушни Когонда туриб бошланған. Сунгра Бухоро шаҳрига бориладиган 12 километрлик масофадаги йўлда жанг қилиниб қишлоқлар эгалланган. Бу ерларда истиқомат қилаётган дехқонлар қаттиқ қаршилик күрсатгандар. «Шаҳар деворларининг, — деб сўзини давом эттирид үша кимса, — ёнида қизғин жанг бошланди. Жуда катта жанг бўлди. Қабристон бир неча марта қўлдан-қўлга үтди. Қызыл аскарлар бир неча марта дарвоза олдига бордилар, лекин дўл каби ёғиб турган үқлар, тошлар уларни катта талафотлар бериб, орқага қайтишга мажбур қилди. Улар деворга бир неча марта штурм қилиб бордилар. Лекин мувафақият қозонмадилар. Шаҳар дарвозалари бир неча марта очилди, муллалар ва амалдорларнинг ташвиқоти билан жазаваси тутган ва улар бош-

¹ Қаранг: Ҳўжаев Ф. Таңланған асарлар. 1-жилд. Тошкент, 1976, 199—200-бетлар.

лаб келаётган даргазаб оломон «Оллоҳ, Оллоҳ» деб бақириб бизнинг тұхтовсиз отилиб турған пулемётларимиз томон келабердилар. Уларга деворлардан отилиб турған үқлар мадад бериб турди. Аммо улар пулемётларимиз олдига етиб келиб құл билан жанг қилишга киришиб кетдилар».¹

Куриниб турибиди, Арк майдонида душманлар билан ватан ҳимоячилари үртасида шиддатли жанглар бұлиб, хон құшынлари ва халқ биргалиқда истиқтол учун қаҳрамонона курашганлар. Оддий халқ вакиилари шу даражада жасорат күрсатғанки, пулемётларга үзларини отғанлар ҳамда құл жангидә мардонавор қатнашғанлар. Ҳатто ватан ҳимоячиларини құли баланд келган. Қызыл армиянинг «сүл колоннаси икки маротаба Қоракұл дарвозасидан эски шаҳарға кириб борди, лекин амирнинг сон жиҳатдан жуда күп кучларига дүч келиб, шаҳарнинг тор күчаларыда иргитилаётган гранаталарга учраб, катта талафотлар бериб чекиниші га мажбур бўлди.

Кечаси ҳам кундузи ҳам жанглар бир дақиқа бўлсада тұхтамай давом этди. Отилган тұпларнинг шуыласи пулемётларнинг тириллаши, қичқириқлар, мана шуларнинг ҳаммаси аралашып, туннинг даҳшатли манзарасини ташкил этмоқда эди. (Қызыл армия) жангчиларининг сафлари анча сийраклашиб қолди. Кўпгина үртоқлар үзларининг қонлари ва улимлари билан революцияга содиқликларини исботладилар».²

Шу тариқа қаттиқ жанглар жараёнида душман аскарлари катта талафот кўриб, сон жиҳатдан анча озайиб қолған эдилар. Бироқ шаҳар мудофаасига билимдөнлик билан бошчилик қиласынан кимса йўқлиги орқасидан ватан ҳимоячиларининг дастлабки устунлиги узокқа чўзилмади. Айниқса Саид Олимхоннинг шаҳардан чиқиб кетиши катта зиён келтирди. «Замбараклардан, — дейди у, — ўқقا тутиш кучаяётгани, қурбонлар сони ортаётганинини куриб, бундан кейинги вайронагарчилик ва одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш мақсадида пойтахтни тарқ этишга қарор қилдим. Менинг Бухорои Шарифдан жўнаб кетишим урушга чек қўйиши мумкин деб уйладим».³

¹ Үша жойда.

² Үша жойда.

³ «Фан ва турмуш», 1991, 4-сон, 15-бет.

Амирнинг ушбу сўзларидан маълум бўладики, тутуриқсиз баҳона билан қочишини ниқоблашга ҳаракат қилган. У биринчи навбатда ўзининг жонини сақлашини ўйлаган, албатта. Уни «жунаб кетишм урушга чек қўяди» дейиши, душманга таслим бўлишликни бўйнига олганлигини кўрсатади. Шундай қилиб амир Сайд Олимхон биринчидан бўлиб маглубиятни тан олган эди. Амирни шаҳар мудофаасини ташлаб қочиши ватан ҳимоячиларини руҳсизлантириш ва ишончсизлантиришга олиб келиши турган гап эди. Шунга қарамай улар жангни давом эттиравердилар. Ўша кимса дейди: «Учинчи кун — иккинчи сентябрь. Бошланди. Кечаси бир оз сусайиб турган жанг янги куч билан бошланиб, бутун жабҳа бўйлаб қизиб кетди. Битта фикр — шу куннинг ҳал қилувчи аҳамияти бор, деган фикр ҳамманинг онгига гужгон ўйнарди. Агар бу ерда бардош беролмай, шу деворлар олдида чекинсак, Бухоро революцияси масаласи, эҳтимолки, узоқ йилларга кечиктирилган бўлур эди.

Охирги ҳужум бошланди. Душманга озми-қўпми зарар бериши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммаси жангта солинади. Энг ботир ўртоқларнинг ҳаётини қурбон қилиб бўлса ҳам, шаҳар деворининг бир жойидан кичикроқ туйнук очишга муваффақ бўлдик. Яқин келтириб қўйилган тўплар, Қарши дарвозасининг арчадан ясалган табақаларини ниҳоят ёриб ўтди. Мардимайдонларнинг биринчи гурухи тантана хитоблари билан шаҳар ичига бостириб кирдилар. Бу муваффақиятга қолган жангчилар ҳам кўшилди. Кўча жангни бошланди. Устларига ҳамма томондан ўқ ёғдириб турилган, қўл гранаталари иргитилаётган, ҳатто томлардан, деразалардан қайнок сув қуийлиб турган Бухоронинг революцион отрядлари, қизил гвардиячилар, қизил аскарлар гуруҳлари шаҳар алансини ёриб утиб, олга боравердилар.

Қингир-қийшиқ тор кўчалар, қалин пахса деворлар ҳар бир қадамда тўсиқлик түғдирмоқда эди. Ҳар бир уй, ҳар бир маҳалла жанг билан қўлга киритилди.

Арк олди ва атрофи ловуллаб ёнмоқда эди.»¹

Шаҳарда мана шундай даҳшатли манзара вақтида жанг тұхтамади. Аммо, амир қочгандан кейин бебош қолган ватан ҳимоячилари имкони борича ҳар бир хо-

¹ Қаранг: Ҳўжаев Ф. Ўша асар, 201-бет.

надон, ҳар бир маҳалла учун жанг қилдилар. Охирида ягона раҳбарлик марказини йўқлиги орқасида ватан ҳимоячиларининг курашини маглубиятга учратди. Айниқса, шаҳарни самолётлардан ўққа тутилиши ватан ҳимоячиларининг курашига салбий таъсир курсатди. М. В. Фрунзе Туркистон шаҳарларидағи күпроқ кӯчаларда санғиб ва бир бурда нон излаб юрган кишилардан 1-Шарқ мусулмон полкини ташкил этиб, Бухоро урушига жалб қилди. Жангда мана шундай кишиларнинг күпчилиги ҳалок бўлди. Айниқса шаҳарга самолётлардан бомбаларнинг ёғдирилиши катта талофат келтирди. Кўп уй-жойлар ва ҳашаматли биноларга ўт тушди. Минг ёшли Минораи Калон қаттиқ шикастлантирилди. Шаҳар аҳолисининг кўп қисми ўлдирилди ва ярадор бўлди. М. В. Фрунзе ва бошқа ҳарбий саркардалар, ҳатто солдатлар «жиққа мой»га ботиб ҳазинани таладилар. Олтин ва кумуш қўймалари, тақинчоқлар, жавоҳирлар ва бошқа қимматли нарсалар 18 вагонга ортилиб Московга жўнатилди. Булардан иккι вагони олтин билан тўлдирилган эди. Офицер ва солдатлар хон саройи ва бойларнинг хонадонларига бостириб кириб бойликларини таладилар. Хуллас, 1920 йил 2 сентябрда Бухоро шаҳри ҳаробага айлантирилиб ва минглаб кишиларни ёстиғи қуритилиб қизил армия томонидан урушиб олинди. Уша йилнинг 2 сентябрда Фиждувон, 4 сентябрда — Вобкент ва Фузор, 15 сентябрда — Шеробод кўлга киритилди. Бундай ҳарбий юришларнинг барчаси тамомила большевикларнинг ташаббуси ва кучи билан амалга оширилди. Тажовузга қарши амирликнинг ҳалқи мардонавор жанг қилди. Аммо совет давридаги тарихчилар ҳалқ оммаси қўзғолон кутариб, амир ҳокимиятини агдаришда муҳим ўрин эгаллаганилиги ҳақидаги сохта фикрларни таргибот қилдилар. Аслида эса Бухоро шаҳрида қўзғолон ёки революцион ҳаракат юзага келмай, ҳалқ она юрт мустақиллиги учун қон тўккан эди. Шуро адабиётида Бухоро амирлигига революцион ҳаракатлар кутарилганилиги ва маҳаллий аҳоли орасида коммунистларнинг сони бир неча минг кишига боргандилиги ҳақидаги маълумотлар уйдирмадан бошқа ҳеч нарса эмас. Чунки большевикларнинг доҳийси В. И. Лениннинг сўзи билан айтганда Туркистон заминида, шу жумладан Хоразм ва Бухорода маҳаллий ишчилар синфи йўқ эди. Узбек ва бошқа туб аҳоли коммунистик

гоя ва революцион ҳаракатларни ўз онгига сингдириши учун ҳали тайёр эмас эди. Тұғри, бу йүлга кирган айрим оддий кишилар бұлған. Бирок улар большевикларга күр-күрона әргашған кимсалар эди, холос. Малымки хонликни ақолисининг асосий қисмини деңқонлар ташкил этиб, деярлик ҳаммаси саводсиз кишилар эди. Файзулла Хұжаевнинг тұғри ёзишча «ўзининг ҳуқуқсизлиги, ўз елкасига тушадиган иқтисодий оғирликларга қарамасдан ялпи деңқон оммасида ўша вақтда инқилобий рух йүқ эди. ... Улар холис ва ҳаракатсиз (пассив) бир омма эди».¹ Демек деңқон оммасининг большевикларга ишониб ва таяниб революцион ҳаракатни күттарғанларни ҳақидаги фикрларга құшилиб бұлмайды. Бирок деңқонларнинг қалби ва онгіда босқынчиларга қарши курашиб, мустақилликни сақлаш гояси ҳамиша қайнаб турған. Революцион йүл билан ҳаётни ўзгартириш масаласи хаёлларига ҳам келмаган. Шундай қилиб Бухоро амирлиги большевиклар томонидан құпорилиб ҳоқимият Саид Олимхондан «Ёш бухоролик»ларнинг құлиға үтказилди. 1920 йыл 9 сентябрда шошилинч равища Файзулла Хұжаев бошлиқ «Ёш бухоролик инқилобчилар»ни «Ёш бухоролик коммунистлар»ға құшиш ҳақида қарор қабул қилинди. Шу тариқа ҳар икки жадид партияларининг аъзоларининг барчаси коммунистлар сафидан үрин олди. Шу равища большевиклар собиқ амирлик ҳоқимиятини ўз панжасида ушлаб туришга әришган әдилар. Унинг мустақиллігини тан олинишини ва уни англатувчи нишонларини жорий этилиши «хұжа күрсін»ға қилинған иш эди, холос. Бухоро революцион комитети ва большевиклар 1920 йыл 14 сентябрда ҳалқ нозирлар советини тузиб унга Файзулла Хұжаев раислик лавозимига үтказилди. 8—9 октябрда бириңчи Умумбухоро қурутойи ҷақирилиб, Бухоро Ҳалқ совет республикаси ташкил қилинғанлығы эълон этилди. Бухоро шаҳрида 3 минг кишидан иборат милиция хизмати жорий қилиниб, унинг барча күчаларига қизил байроқлар осилди. Бундан олдинроқ шаҳарда галабага бағишенған ҳарбий парад үтказилиб М. В. Фрунзе нутқ сұздади. У уялмай-нетмай «қизил армия босқынч әмас, аксинча бутун жағонға озодлик гояларини тарқатувчи күч» деб гапирди. «Ёш бухоролик»-

¹ Хұжаев Ф. Ўша асар 72-бет.

ларнинг коммунистлари номидан Нажиб Ҳусанов ва «Ёш бухоролик инқилобчилар»дан Бадриддин Шарипов сўзга чиқдилар.

Бухоро революцион комитети галабани таъминлашда катта хизмат қилганлари учун М. В. Фрунзе ва Ю. Ибрагимовларни олтин қилич билан мукофотлади. Большевикларнинг раҳбарлари юқорида курсатилган чораларини янада чукурлаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида В. В. Куйбишевни Бухорога юборди. Бу ерда у 1920 йил 14 сентябрда Бухоро коммунистик партияси Марказий комитети, революцион комитет ва ҳалқ нозирлари советининг қўшма мажлисини ўтказди. Бу йигилишда айрим раҳбарларнинг, хусусан Бухоро компартияси марказий комитетининг бошлиғи Н. Ҳусаинов чизилган чизиқдан чиққанлиги учун вазифасидан четлатилди. Олий қонун чиқарувчи ва контролъ қилувчи орган — бутун Бухоро революцион комитетига 9 коммунистдан иборат кишилар киритилди. Абдуқодир Муҳиддинов раҳбар этиб тайинланди. Файзулла Ҳужаев бошчилигига 11 кишини ўз ичига олган ҳалқ нозирлар совети шакллантирилди. Шунга ухшаш Бухоро компартияси марказий комитетининг аъзолари ҳам ўзgartирилди. Бу вақтларда хонликнинг барча ерлари ҳали қўлга киритилмаган эди. Шунинг учун қизил армия 1921 йил феврал ойида Бойсун, Денов, Юрчи, Сариосиё ва Регарни эгаллади. Большевик раҳбарлари Бухоронинг Урта Осиёдаги тутган муҳим ўрни ва салоҳиятини ҳисобга олиб уни доимо дикқат марказида ушлаб турди. У ерда ўзининг сиёсатининг самарадорлигини таъминлаш учун партиянинг энг ишончли кишиларини турли топшириқлар билан Бухорога юбориб турдилар. Улар М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, А. А. Иоффе, А. Гусев, Я. Х. Петерс, Я. Рудзутак, Г. К. Орджоникидзе, С. С. Каменев ва бошқа кишиларни ўз ичига олган эди. Қизил армия куч ишлатиб, Бухоро ерларини вайронага айлантириб ва минглаб кишиларни ўлдириб, бойликларини талаб ҳукмдорлигини ўнатди. Аммо ҳалқнинг онги ва қалбидаги мустақиллик ва озодлик учун кураш гоясини қўпориб ташлай олмади. Аксинча, у кун сайин қайнаб, «босмачилик» номида ўзининг куч-кудратини на мойиш этди. Файзулла Ҳужаев «босмачи»ларни ўз тарафига агдариш мақсадида уларнинг номига хатларни жўнатди. Бунга қўрбошилар шундай жавобни юбор-

ган: «Беъмани хатингизни олдик. Сизнинг бизга нисбатан галати илтифотингиздан жуда таажжубландик. Сиз хатингизда бундай деб ёзибсиз: «Сизлар Бухоро инқилоби бошлангандан бери кўп ишладингиз, лекин сизни ҳарбий ишлар вазиридек жуда муҳим мансабга кўтармоқчи булиб турганимида баъзи инсофсиз кишиларнинг гапига алданиб биздан кетиб қолдингиз, келаверинг, гуноҳингиз кечирилади». Бизга бундай илтифот қилганингизга шунинг учун яна бир марта таажжубланаётирмизки, сиз ўз биродарларингиз бўлган рус большевиклари билан Бухоро тупроғига кириб миллат қонини тўқдингиз, унинг мулки бўлган олтин ва галлани йўқ қилиб ташладингиз, хуллас, ҳалқнинг барча зарур мулкини йўқ қилдингиз. Фавқулодда комиссия орқали камбагал аҳолининг мол-мулкини ва ҳаётини тортиб олдингиз, уларга оқсоқоллар, аксилинқилобчилар, бойлар ва буржуйлар деб ном қўйиб шундай қилдингиз. Большевизм ва коммунизм гояларини амалга оширишга киришдингиз. Ўз динингизни, имонингизни, виждонингизни бир парча нон эвазига лаънати (большевикларга) сотдингиз. Большевиклар жабр ва зулмни авж олдириб юбордилар. Бухоронинг мустақиллиги қуруқ сўз булиб қолди. Ҳақиқатда ундан дарак йўқ». Ушбу хатда ўша вақтларда Бухородаги сиёсий ҳаётнинг қандай кечачётганлиги ҳаққоний равишда ўз ифодасини топган. У чинакам ватанга содиқлик руҳи билан ёзилиб «босмачилик» курашининг моҳияти ва йўналишини белгилаб берган. Бунга кўра «босмачилар» умуммиллат манфаатидан келиб чиқсан ҳолда мустақиллик ва озодликни тиклаш асосий вазифа ҳисобланган. Бунга ўша хатни давомини ҳам ўқиган ҳар бир киши тўла ишонч ҳосил қиласди. «Бухоро инқилобчилари»дан бўлган қаҳрамон Усмон Хужа Бухоро жамиятининг раиси булишига қарамай, рус консулига ва Сизларга қарши вижданан уруш зълон қилди. У мана шу жабр-зулмларга тоқат қилолмайди. Ватанимизнинг фарзандларидан бири бўлган мен ҳам мамлакатимизнинг баҳт-саодати ва тараққиёти йўлида қаҳрамонларча жанг қилдим ва бундан буён ҳам большевикларга... қарши қаҳрамонларча жанг қиласвераман. Бухоро фарзандларидан, миллатимизнинг ҳақиқий қаҳрамонларидан бирортаси ҳам сизларнинг қабиҳ гояларингизга асло қўшилмайди, ўзининг ор-номусини асло сотмайди.

Бир ярим миллион кишидан иборат бўлган Бухоро аҳолиси чўл ва тоғларда ўзининг иссиқ қонини тўкиб, қўлига қилич олиб миллат хоинлари билан жанг қилаётганинг ҳозирги кунда кўриб турибмиз. Биз ҳам ватанимизнинг ҳақиқий фарзандлари билан бирга мамлакатимиз мустақиллиги ва равнақи учун сиз коммунистларга қарши курашаверамиз. Бизлар босмачилар эмасмиз, балки миллатимизнинг ҳақиқий ва итотали ходимларимиз, душманларимиз бўлган (большевикларни) ватанимиздан ҳайдаб чиқарамиз ва уларни абадий йўқотамиз».¹ Бу ноёб ҳужжатта бош қўмондон Фози, Бухоро инқилобчиси Қора Абдулла, Норкул ботир ва Дониёрбек элликбоши сингари «босмачи»ларнинг сардорлари имзо чеккан. Буларни орасида жадидларнинг вакиллари ҳам бор. Умуман Бухоро ҳалқ республикаси ўрнатилгандан кейин большевикларнинг мустамлакачилик сиёсатини кўриб, «босмачи»лар тарафига ўтиб кетган «Ёш бухоролик»ларни учратиши мумкин. Ҳатто Бухоро Марказий ижроия комитетининг раиси Усмонхўжаев 700 кишидан иборат милиция билан 1921 йил 8 декабрда Душанбага бориб ватан ҳимоячиларига қўшилди. Шахсан унинг ташаббуси ва иштирокида Душанбедаги совет ҳарбий гарнизонининг 2 ротаси ва пулемётлар командаси қуролсизлантирилган². Кейинчалик Афғонистонга ўтган Усмонхўжаев умрининг охиригача чинакам инсон ва ватанпарвар шахс сифатида она юрт дардида ҳаёт кечирди. Бухоро ҳалқ совет республикасининг ҳарбий вазири Абдулхай Орипов ҳам «босмачи»ларнинг тарафдори бўлиб чиқди. Бухоро ҳалқ совет республикаси ва большевикларнинг ҳукмронлигига қарши «босмачилик» кураши бутун 1921 йил давомида ривожланниб борди. Ўша йилнинг феврал ойида Бойсунга чекинган амирнинг 2000 кишилик аскарлари билан қизил армия ўртасида қаттиқ жанг бўлиб душман галабага эришди. Шунингдек «босмачи»лар — ватан ҳимоячилари Деновда, Юрчида, Сариосиёда, Сарижойда ва Регарда қизил армияга қарши жанг қилдилар. Бундай жанг Душанбеда ҳам бўлди. 1921 йил апрелда Кулоб, Болжувон ва Дарвазнда ҳам жанглар содир бўлганлиги маълумдир.

¹ Ўша жойда, 249—250-бет.

² Ўзбекистон ССР тарихи. Тошкент, 1973, 319-бет.

Демак, озодлик кураши амирикнинг кўп жойла-
рини қамраб олган эди. Уларда, гарчанд душман куч-
лари голиб келган бўлсалар-да, лекин у ёки бу жанг-
да «босмачи»ларни тамомила қириб ташлашни имко-
ни бўлмади. Зеро, улар чекинсаларда, таслим бўлмай
урушни давом эттиравердилар. Миллий-озодлик кура-
шининг акс-садоси қариндош Туркияга ҳам бориб ет-
ди. Бу ердан ота юрт Туркистонга ёрдам бериш
мақсадида офицерлар ва бошқа нуфузли кишилар ке-
либ ватан ҳимоячиларига қўшилдилар. Уларнинг ора-
сида Туркиянинг собиқ ҳарбий вазири Анвар Пош-
шо алоҳида ўрин эгаллайди. У 1921 йил ноябрь ойи-
нинг охирларида келиб «босмачи»лик курашининг
йирик раҳбарларидан бири сифатида иш юритди. Ду-
шанбеда фаолият кўрсатаётган машҳур ватанпарвар
қўрбоши Иброҳимбек билан биргаликда муҳим ҳар-
бий ишларни амалга оширди. Иброҳимбек Душанбе-
даги совет ҳарбий гарнizonини яксон қилиб мав-
қеини мустаҳкамлаб олди. Бундан руҳланган ватан
ҳимоячиларининг галабага умиди ва ишончи янада
ортди. Бухоро коммунистик партия марказий коми-
тети 1922 йил 12 январда ўзининг маҳсус йигилиши-
да фавқулодда комиссияни тузиб унга ватан ҳимоя-
чиларига қарши курашга раҳбарлик қилиш вазифаси-
ни топширди. Комиссия аъзоларига диктаторлик, яъ-
ни хуқуқи чекланмаган ваколати берилди. Улар айб-
дор деб ҳисоблаганларни жойида отиб ташлаш
хуқуқига эга эдилар. Шундай қарор 1922 йил 17
марта ҳам қабул қилинди. Айрим маълумотларга
кура Бухоро ҳукумати «йирик қўрбошиларнинг оила-
ларини асирикка олган. Агар қўрбошилар қўл ости-
даги йигитлари билан 15 кун мобайнида ихтиёрий
равишида таслим бўлмасалар, у вақтда оиласларини
отилишини эълон қилган».¹

Қўрбоши Иброҳимбек бошлиқ ватан ҳимоячилари
1922 йил март ойининг охирларида Бойсун-Шеробод
йўлига ўрнашиб олдилар. Бу ерга бошқа қўрбошилар-
нинг йигитлари ҳам олиб келинди. Бу вақтда Анвар
Пошшо тарқоқ ҳолдаги қўрбошиларни ўз қўл остига
бирлаштириб, ҳарбий қўмондонликни зиммасига ол-
ди. У Денов туманидан туриб жангларга бошчилик

¹ История Бухарской Народной Советской Республики. Сб. документов. Ташкент, 1976. С.256

қилди. Умуман айтганда ватан ҳимоячилари шарқий Бухорода ҳокимиятни кўлга киритиб бўлажак жангларга тайёргарликни кучайтиридилар. Уларнинг сони ўн минг кишини ташкил этди. Уларнинг асосий қисмини дехқонлар ва бошқа оддий кишилар ташкил этди. 1922 йил баҳорида Бухоро шаҳрининг атроф жойларида ҳам «босмачи»лар ҳаракати кучайди. Вобкент ва Гиждувонда қизил армия билан ватан ҳимоячилари ўртасида жанг бўлиб душман кучлари галабага эришдилар. 1922 йил 15 июнда Кафлон, Пулихакия ва Сарикамиш номли қишлоқларда ҳам жанг бўлиб душманлар томонидан эгалланди. Уша йилнинг 22 майида Каркида ва Бойсунда, 28 майда Нуротада ватан ҳимоячилари қаттиқ жанг қилдилар. Кейин ҳам шарқий Бухоронинг у ёки бу жойида жанглар давом этди. 2 августда Ҳаволинг ва Болжувон туманидаги жангда Анвар Пошшо қаҳрамонларча халок бўлиб, қўл остидаги йигитлари қаттиқ зарбага учратилди. Унинг ўрнига Туркиядан келган ҳарбий қўмондон Салим Пошшо утириди. У Иброҳимбек ва бошқа қўрбошилар билан биргаликда қизил армияга қарши курашни давом эттириди. Аммо 1923 йилда қизил армия шарқий Бухорони «босмачи»лардан ҳоли этиб, совет ҳокимиятини ўрнатди. Бироқ бу билан ватан ҳимоячилари нинг истиқлол учун кураши тўхтамади. Хусусан гарбий Бухорода қизил армияга қарши жангларда ўнлаб кишилар ўлдирилди ёки жароҳатлантирилди. Иброҳимбек эса шарқий Бухорода урушни давом эттириди. Хуллас у 7 йил мобайнида (1920—1926) ватан мустақиллиги ва озодлиги учун курашга бошчилик қилган кишилардан бири сифатида тарихда ўчмас из қолдирди. Иброҳимбек ва бошқа қўрбошилар Афғонистонга кетишга мажбур бўлдилар.

Хулоса қилиб айтганда биринчидан, Хива ва Бухоро хонликлари агдарилгандан кейин кенг қуламда қанот ёзган «босмачи»ликнинг асосий йұналтирувчи кучи ҳалқ оммаси ҳисобланди. Унда дехқонлар, хунармандлар, зиёлилар, руҳонийлар, савдо аҳлиниң ва кивлари фаол қатнашди. Қулига қурол олиб жанг майдонларида юрган кўп мингли ватан ҳимоячилари нинг ҳаётини жуда машаққатли ва азоб-уқубатли кечди. Уларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа нарсалар билан таъминлаш ҳам ҳалқнинг зиммасига тушди. Бу иш ихтиёрий равишида амалга оширилди. Чунки ҳар

бир ўз ватанига содиқ, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин ба-
рибир миллат озодлиги учун жонини ҳам, молини ҳам
тиккан эди. Айниқса ўзбек аёллари орасидан ҳам
қўрбоши чиқиши катта аҳамият касб этди. Бу улар-
нинг ўз ватанига содиқлиги ва жасорати ҳақида дало-
лат беради. Хива ва Бухорода жадидларнинг талай
қисми большевикларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш
ва эркинлик ҳақидағи ваъдаларига учиб, уларнинг ҳар-
бий ёрдамидан фойдаланишга аҳд қилдилар. Уларни
ўзларининг олий мақсадларини рӯёбга чиқаришда тая-
надиган бошқа кучи йўқ эди. Амир Сайд Олимхон ва
Сайд Абдуллахон жадидларни ўз тарафига оғдириш ва
ислоҳотларга рози бўлиш ўрнига уларни ашаддий
душманларига айлантириб қўйди. Айни пайтда у боль-
шевикларга қарши курашди. Шу тариқа Сайд Абдул-
лахон ва Сайд Олимхон большевиклар билан жадид-
ларни, яъни икки оловнинг ўртасида қолди. Шунга
қарамай амир Сайд Олимхон жангларда галабага эри-
шиши мумкин эди. Чунки унинг хазинасида бойликлар
шу даражада кўп эдики, унинг ҳисобига анча ол-
дин кучли ва жанговар қўшинни ташкил қилиш ҳеч
гап эмас эди. Бунинг ўрнига амир бойликларни тагига
босиб утириди. Охирида улар большевиклар томонидан
эгалланди. Тўгри, Бухоро хавф остида қолганда амир
қўшинни кучайтиришга қаратилган чораларни кўрди.
Аммо фурсат бой берилиб, уларнинг самараси етарли
бўлмади.

Амир Сайд Олимхон шахсан ўзи «босмачилик» ку-
рашининг раҳбарлигини тамомила қўлга олмай амал-
да томошабин булиб турди. Раҳбарлик маҳаллий ша-
роитни яхши билмайдиган туркиялик Анвар Пошшо-
га топширилиши ҳам душманга жуда қўл келди. Хива
хонлигига эса «босмачи»лик ҳаракатига туркман қаби-
ласининг бошлиги ва ўзининг ҳукмронлигини ўрна-
тиш учун курашаётган Жунайдхон бошчилик қилди.
Бу ҳолат ҳам «босмачилик» курашига салбий таъсир
қилди. Шунингдек, қўрбошилар ўртасидаги келиш-
мовчилик, ноаҳиллик ва уларнинг кўпчилигининг ҳар-
бий билимдан узоқлиги катта зиён келтирди. Ҳатто
уларнинг орасидан душманга ихтиёрий равишда тас-
лим бўлган кишиларнинг чиқиши озодлик курашига
птур етказди. Жадидларнинг орасида «босмачилик»
ҳаракатини уюштирган ва большевикларга қарши ку-
рашган кимсалар бор эди. Улар большевикларнинг

мустамлакачилик ва улугмиллатчилик сиёсатини ўз вақтида анлаган, том маънодаги озодлик жарчилари бўлган.

Иккинчидан. Большевиклар «босмачилик»ни баҳона қилиб, ўзларининг геноцид сиёсатини шафқат-сизларча амалга оширилар. Бегуноҳ 100 минглаб кишилар ўлдирилди, шаҳарлардаги уй-жойлар ва қишлоқлар вайронага айлантирилди. Кўп бойликлар таланди. Бир маълумотда, 2 млн., иккинчисида бир ярим млн. киши жангларда, очлик ва оммавий касалликлардан ўлган. Ўн минглаб кишилар хорижий мамлакатларга бош олиб кетган. Большевикларнинг бевосита ташаббуси ва иштирокида дашноқларнинг тўдалари одамларни қириш ва мол-мулкини талаща қатнашдилар. Ваҳоланки, фаргоналиклар дашноқларни мусофиirlар сифатида ҳурматини ўрнига қўйиб ўз бағрига олган эди.

Большевикларнинг тажовузи ва ҳукмронлиги вақтида ажойиб Фаргона водийси тамомила хонавайрон бўлиб, мисли кўрилмаган даражада қашшоқлашиди.

Учинчидан, «босмачилик» ҳаракати олдинги вақтларда чор ҳукуматининг тажовузи, сўнгра унинг ҳукмронлигига қарши олиб борилган озодлик курашларининг мантиқий давоми ҳисобланди. Агар 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги қўзголон қатнашчилари асосан болта, тошпичоқ, тош таёқ ва бошқа оддий нарсалар билан курашган бўлсалар, «босмачи»лар милтиқ, тўп сингари замонавий ярог-аслаҳалар билан жанг қилдилар. Буларнинг фаолияти маълум даражада ҳарбий тус олган эди. Шунинг учун ҳам душманга қарши кураш бир неча йилларга чўзилди. Афғонистон ва Англиядан қуролларни олиниши ҳам «босмачи»ликнинг ўзига хос хусусиятларидандир. Бу ерда уларнинг оқ гвардиячи ва бошқа большевикларга қарши бўлган кучлар билан ҳамкорлик қилганлигини ҳам кўrsатиш мумкин.

«Босмачи»лик ҳаракатининг моҳияти ва йўналиши ватан мустақиллигини тиклаб миллий давлат, миллий қўшин ва миллий гояни сақлашдан иборат бўлди. Унга жадидлар аралашганлиги туфайли сиёсий ва ижтиёмий-иқтисодий ҳаётни ўзгаририш ҳам мақсад қилиб қўйилди. Бунга кўра конституцияга асосланган республика тузумини ўрнатиш режаси бор эди. Шуни

ҳисобга олиш керакки, большевикларга қарши курашнинг заминида нафақат мустақилликни тиклаш, балки асрлар мобайнида ҳукм суреб келаётган хусусий мулкчиликни, эркин бозор ва ишбилармонликни дин ва миллий турмуш тарзини сақлаш урин олган. Бошқачароқ айтганда, «Босмачилик» ҳаракатининг моҳияти ва йўналиши миллий гоя билан коммунистик гоя ўртасидаги муросасиз курашдан иборат бўлган эди.

Гарчанд у ваҳшийларча тор-мор этилган бўлса-да, лекин «босмачи»ларнинг ватан ва ҳалқ олдидаги буюк хизматлари тарих саҳифаларида учмас из қолдирди.

Ўзбекистон Мустақиллигининг тикланиши ёхуд буюк инқилюбий воқеа

«СОЦИАЛИЗМ» ТУЗУМИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЙӮНАЛИШИ

XX аср жаҳон тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврда ҳаёт икки йўналишда кечди: бир томондан демократия, фан ва техника ривожланиб, тараққиёт юқори босқичга кўтарилиди. Иккинчи тарафдан даҳшатли фожеалар рўй бериб 100 миллионлаб кишиларнинг ёстиги қуриди, мисли кўрилмаган вайронагарчилик ва талафотлар кўрилди. Авваломбор биринчи жаҳон уруши, совет давлатининг ўрнатилиши ва иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига жуда катта оғат ва кулфатларни ёғдирди. Айниқса большевиклар бошлиқ «социализм» тузумини бунёд этилиши бутун жаҳон аҳлини ларзага солди. Унинг инсоният ҳаётига келтирган талофати ва азоб-уқубатларининг саноги ва чегараси йўқ.

Хўш, «социализм» тузумининг моҳияти ва йўналиши нималардан иборат?

Биринчидан, сиёсий жиҳатдан олганда Ўзбекистонда миллий давлат, миллий қўшин ва миллий бошқарув тизими ташкил этилмади. Уларнинг ўрнига мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмни таъминловчи тоталитар тизим ўрнатилиб, Ўзбекистон амалда Россиянинг таркибий қисмига айлантирилди. Тугри, Республика мақоми берилиб, парламент, конституция, байроқ, мадҳия ва герб жорий этилди. Аммо, уларнинг ҳаммаси «хўжакўрсинга» қилинган бўлиб, найрангбозликтан бошقا нарса эмас эди. Чунки республика ва унинг халқига сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар берилмай, қаттиқ назорат ва таъқиб ҳукм сурди. Гарчанд раҳбарлик лавозимларига ўзбеклар ҳам қўйилган бўлса-да, лекин улар марказнинг ўта итоаткор хизматкорлари эди, холос. Уларнинг зиммасига

коммунистик гояларнинг самарадорлигини таъминлаш, турли-туман бойлик ва даромадларни икки қўллаб марказ хазинасига топшириш юклатилган. Шуни унутмаслик керакки, Ўзбекистон раҳбарлари «занжирбанд ҳукмдорлар» бўлган эдилар. Бу ҳолат қулчиликнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

Қулчилик сиёсий қатагонларда ўз ифодасини топди. Авваламбор, ҳалқнинг бу адолатсиз қатагонларга қарши оммавий равишда бош кўтармай катта-кичик мажлисларда уни қувватлаши ва партияга миннатдор-чиликни изҳор этишининг ўзи ҳам қўл табиатликни кўрсатади. Бундай йигинлар мактабларда ҳам ўтказилиб ўқитувчилар ва пионерларнинг: «Ҳалқ душманларига ўлим!», «Яшасин жонахон партиямиз», деган сўzlари ҳамон эсимда турибди. Мана шундай йигинларнинг бирида мактабимиз директори: «Партия душманларини қириб ташлаймиз, бизнинг талабимиз шу», деб роса бақириб-чақирган эди. Чамаси, икки ҳафта ўтганидан кейин «директорнинг ўзи ҳалқ душмани экан, сири очилиб қолибди», деган сўzlар тарқалди.

Қулчиликнинг энг даҳшатлиси ва фожеалиси, қатагон воситасида миллионлаб кишиларнинг иқлим шароитлари ниҳоятда оғир жойларда мажбурий суратда ишлатилишида ҳам кўзга ташланади. Маҳбусларнинг мазкур жойлардаги лагерларда қўл меҳнати ўзининг юксак даражасига кўтарилди.

Қулчилик аломатлари ўзбек, қrim-татар, чечен, ингуш, турк месҳетилари ва бошқа миллат вакиллари-нинг сургун қилинишида ҳам кўринди. Шуни ҳисобга олиш керакки, қулдорлик тузуми оммавий равишида қатагон ва сургунларни уюштириш имконини тугдирди. Бошқа тузум шароитида уларни ташкил этиш амримаҳол эди. Коммунистик партиянинг улугмиллатчилик сиёсатининг амалга оширилиши ҳам қулдорлик тузумини бунёд этилишини тақозо этган эди. Ўзбек тилининг камситилиши ва унга давлат мақоми берилмаслиги, рус тилини иккинчи она тили деб баҳоланиши қулчиликни янада мустаҳкамлади.

Хуллас, юқорида шарҳланган омиллар қулдорлик тузумининг сиёсий асосини ташкил этган эди.

Иккинчидан, маълумки, совет даврида минг йиллар

мобайнида ҳукм суриб келаётган иқтисодий тизимни тубдан ўзгартириш вазифаси қўйилди. Бунга биноан хусусий мулкчилик, эркин бозор ва савдо-сотик, эркин ишбилармонлик ва ишлаб чиқариш тақиқланди. Халқнинг қўлидаги ер-сув, бойлик, савдо шоҳобчалиари, саноат корхоналари, қўйинг-чи, табиатдаги барча жонли ва жонсиз борлиқ совет давлатининг мулкига айлантирилди.

Шу тарзда, совет ҳукумати бир неча минг йиллар мобайнида инсон кашф этган ва ривожлантирган хусусий мулкчилик ва эркин бозорни қўпориб ташлади. Ваҳоланки, хусусий мулкчилик инсонни ёввойиликдан ҳоли этиб, оила, давлат ва тараққиётта асос солган муҳим омил ҳисобланган. У туфайли ҳайвондан фарқ этувчи инсон деган улуг зот шаклланган.

Хусусий мулксиз жамиятнинг яратилиши дарҳол мисли қўрилмаган фожеаларни юзага келтирди. Чунончи, бутун мамлакат бўйлаб очарчилик, қаҳатчилик ва оммавий касалликлар юзага келиб, миллионлаб кишиларнинг ёстиги қуриди. Бундан ташқари хусусий мулкка қарши курашлар жараёнида минглаб кишилар ўлдирилди, ҳибсга олинди ва сургун қилинди.

Хусусий мулксизлик кўп одамларнинг кўзини оч ва ташмачи қилиб қўйди. Масалан, нон заводида ишловчи нонни, ун заводида ишловчи унни, тикувчилик корхонасидагилар кийим-кечакни, гўшт комбинатидагилар гўштни, қўйинг-чи, ҳар бир корхона ва ташкилотда ишловчилар озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни бекитиб олиб чиқишга мажбур бўлганлар. Расмий суратда «ташмачи» деб ном олганлар томонидан давлат мулкини талаш оммавий тус олиб кетганлиги учун милиция ходимлари рейд ўtkазиб турганлар. Улар ишчи-хизматчиларни корхонадан чиқаётганда тинтув ўтказиб, молларини олиб қолар эдилар. Бундай моллар ҳажми миллион сўмларни ташкил этиб, тегишли маълумотлар матбуотда эълон этилиб турилган. Колхоз ва совхозларда ҳам ташмачилик кенг қулоч ёйғанигин биламиз. Ташмачилик ва юлгичлик ҳақида гапиришдан мақсад шуки, улар ҳам қул табиатликнинг таркибий қисми бўлмиш боқимандалик кайфиятидаги кишилар томонидан қилинадиган иш эди. Ташмачилик, юлгичлик ва умуман, давлат мулкини талон-та-

рож қилмасликнинг ҳеч иложи йўқ эди. Негаки, борйўғидан айрилган халқнинг давлат томонидан белгиланган оз миқдордаги маошдан ташқари даромад манбай йўқ эди. Чунки юқорида кўрсатилганидек, табиат оламдаги барча борлиқ ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ягона эгаси давлат ҳисобланиб, даромадлар унинг хазинасига дарё каби оқиб борар эди.

«Ҳаммамизга маълумки, — дейди Президентимиз Ислом Каримов, — биз сўнгти 70 йил мобайнида давлатта қарамлик ва сигиниш ҳолатида яшадик. Мамлакатдаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат деб ҳисоблаб келдик. Қайси масалани олмайлик, давлат манфаати биринчи ўринда, фуқаро, шахс манфаати эса деярли ҳисобга олинмаслиги эски конституцияларнинг ҳар қайси моддасида яққол кўзга ташланар эди».¹

Дарҳақиқат, мамлакатда ягона давлат мулк эгалиги ҳукм суриб, ҳатто одамларнинг ҳаёти ва тақдири ҳам давлатнинг қўлида бўлган.

Шундай қилиб кўрдикки, хусусий мулкчилик ва унга bogлиқ турли соҳаларнинг тақиқланиши, шахсий ташаббус ва манбаатдорликнинг бўғилиши, мажбурий меҳнат, ишга яраша ҳақ тўламаслик, боқимандалик ва «қорин тўйса бас» деган туйгулар қўлчиликнинг иқтисодий заминини яратди.

Учинчидан, қўлчилик маънавий ҳаётда ҳам ўз ифодасини топди. Чунончи, миллий ҳис-туйгулар, ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик, гуурланиш, фахрланиш ва бошқа олий инсоний фазилатлар ҳибсга олинди. Ўз она юртига содиқ кишилар «миллатчи, халқ душмани» ва «империализм айгоқчилари» сингари қалбаки айбномалар билан отилди ва узоқ муддатли қамоқца ҳукм қилинди. Ҳатто, уларнинг оила аъзолари ҳам қамалди ёки таъқиб остига олинди. Уларнинг орасида узоқ жойларга сургун қилингандари ҳам бор эди. Шу равишда, миллий гоя ва маънавиятга зарба берилиб, улугмиллатчилик сувлари билан сугорилган коммунистик гоялар кишилар онгига зўравонлик билан сингдерилиб борилди. Уни амалга оширишда тарих,

¹ Каримов И. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд. Тошкент, 1996, 94-бет.

фалсафа, КПСС тарихи, илмий коммунизм, атеизм, адабиёт, иқтисод ва хуқуқшунослик соҳалари жалб қилинди. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ва санъат тармоқлари ҳам коммунистик гояларни зур бериб тарғибот қилганлар. Натижада маънавиятда миллийлик йўқолиб, у коммунистик гояларнинг асирига айланди. Айниқса, ислом динининг тақиқланиши, масжид ва мадрасаларнинг ёпилиши ва тарихий ёдгорликларнинг вайрон қилиниши, тарих фанининг соҳлаштирилиши маънавий ҳаётни янада қаттиқ қашшоқлаштириди. Айни пайтда, ўзбек халқининг ўтмиш замонларда фан ва маданият соҳаларида қўлга киритган ютуклари инкор этилди.

Умуман айтганда, ўзбек халқининг миллий гоя ва маънавиятига зарба берилиб, ўрнига коммунистик гоянинг киритилиши қулчиликнинг муҳим аломатлари ҳисобланади. Чунки, бу гоя улугмиллатчилик ва қулчиликни ўзида акс эттирган эди.

Тўртингчидан, совет даврида шаклланган қулчиликнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эди. Чунончи, биз бошимиздан кечирган бу қулчилик билан қадимги Юнон, Рим ва бошқа давлатлардаги қулчилик ўртасида асосий негизи буйича фарқ йўқ. Чунки, бу ҳар иккала даврда қуллар хусусий мулкчилик, ишлаб чиқариш қуроллари, сиёсий ва инсоний хуқуқлардан маҳрум этилиб, «темир қафас»да ушлаб турилди. Ўтмиш замонларда қуллар асосан урушларда асир олинган ёки бўйсундирилган кишилардан ташкил топган. Шунга ухшаш большевиклар ҳам Туркистонни урушиб олиб, халқини қуллик балосига мубтало этди. Совет даврида қулчиликнинг маъноси анча кенгайиб, ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради. Қадимги замонларда натурал хўжалик хукмронлик қилганлиги учун қуллар озиқ-овқат, кийим-бош ва турар жой билан таъминланган. Совет даврида эса пул муносабатларининг кенг кўламда ривожланганлиги учун қулларнинг иш ҳақи маош тариқасида тўланди. Хусусий мулки ва бойлиги бўлмаган халқ фақат маошга тикилиб қолди! У маошсиз қолмаслик учун давлат кўрсатган чизигидан чиқмасликка ва унга сажда қилишга ҳаракат қилган. Давлат шу тариқа маош воситасида халқни ўзига ипсиз bogлаб, хоҳлаган куйига ўйната

берди. Қадимги вактларда бұлганидек, совет хукумати қулларни турар жойлар билан таъминлаб турди. Аммо ҳаммани бирданига турар жой билан таъминлашнинг иложи бұлмаганлигидан, хусусий уй қуришга рухсат берилди. Лекин келажақда бундай үйларнинг аста-секин тамомила йўқ қилиниши турган гап эди. Уларнинг ўринини давлат томонидан қурилган үйлар билан алмаштириш жараёни кетмоқда эди. Совет даврида қулларни сотиш ва сотиб олишга эҳтиёж қолмади. Чунки мамлакат ичида ҳам, хорижда ҳам қул бозорлари бўлмаган. Давлат қулларнинг ягона эгаси бўлганлиги учун унга харидор йўқ эди.

Қадимги қулдорлик давлатларда аҳоли озод ва қуллардан иборат икки қисмга бўлинган эди. Давлатнинг ҳам, озод яшаётган кишиларнинг ҳам қуллари булиб, улар қул савдоси билан шугулланганлар. Совет даврида эса фуқаролар озод кишилар ва қулларга бўлинмай уларнинг барчаси қуллик шароитида яшаганлар. Шуро давлати миллионлаб кишиларни қуллик ҳолатида ушлаб турган. Шунинг учун ҳам қулларнинг давлатта тегишилигини англатувчи «биз партияниң солдатларимиз», «бизлар давлат одамларимиз», каби иборалар юзага келган.

ХХ асрда фан ва техника шу даражада юксалди, усиз у ёки бу давлатнинг ривожланиши мумкин эмас эди. Коммунистик партия буни яхши англаған ҳолда маориф, олий ва урта таълим тармоқларини, фан ва маданиятни ривожлантириб, саводсизликни тутатди. Мутахассис ва олимларни етиштириди.

Бу ерда савол туғилади. Наҳотки, шуро даврида етиштирилган ўқитувчилар, врачлар, агрономлар, мухандис-техник ходимлар, олимлар ва бошқа соҳа эгалари қул бўлган бўлсалар?

Бунга, «Ҳа, росмана қуллар бўлишган, лекин саводли ва билимли қуллар эдилар, холос», деб жавоб бериш мумкин. Чунки, улар юўрида кўрсатилганидек, сиёсий ва инсоний ҳуқуқ, хусусий мулкчилик, миллий маънавият ва диндан маҳрум этилган «партияниң солдатлари» ҳисобланган. Шунингдек, улар мустақиллик ва озодликни барбод этган коммунистик гоялар билан заҳарланган. Шу муносабат билан:

— Домла, айтинг-чи, шуролар даврида сиз ҳам

ўзингизни малакали қул деб ҳис этганмисиз? — деган савол туғилади.

— Ҳа, мен ва бошқа олимлар юқори малакали ва тажрибали қуллар бўлганимиз, — деб жавоб бераман. Чунки, бизлар олдинги сафда туриб коммунистик гоя ва «социализм»нинг энг адолатли ва афзал тузум сифатида кўкларга кўтарғанмиз. Ваҳоланки, мустамлакачилик, зулм, бебаҳо бойликларимизнинг таланиши кўз ўнгимида содир бўлаётган эди. Аммо бирортамиз отилиб чиқиб партияниң сиёсатига қарши чиқмадик. Аксинча, партияни олқишиладик. Бунга ўта эҳтиёткорлик ва жасоратсизликни тұғдирған қул табиатлигимиз сабаб бўлган. Агар бизлар том маънодаги озод кишилар бўлганимизда босқинчилар зулмига қарши курашишимизга шубҳа йўқ эди. Чунки, онги ва қалби озодлик гоялари билан сугорилган кишиларнинг миллатпарварлиги жўш уриб мардонавор курашади. Буни яхши англаған совет давлати ҳалқни қуллик кишанлари билан боғлаб қўйди. Бу ўз самарасини бериб, 20-йиллардан то қизил империя йиқилгунга қадар бўлган даврда зулмга қарши қўзғолон кўтарилемади. Аксинча, коммунистик партия ва давлат сиёсатига кўр-кўронна эргашиш ва улуғлаш авжига миниб бораверди. Бундай ҳолат қишлоқ аҳолиси орасида ҳам содир булиб, қул меҳнати мисли қўрилмаган даражада азоб-уқубат ва талофатларни келтирди. Давлат томорқа ер бериб, дехқонларни ўзига ипсиз боғлаб қўйди. Бордию улар ишлашдан бош тортсалар, томорқа тортиб олиниб, ўzlари ҳайдалган. Пахта яккаҳокимлигининг ҳукм суриши дехқонларни қулчилик ботқогига қулогигача ботириб юборди. Совет даврида онгли равишда кимёвий ўғитлари билан ер, сув, ҳаво ва озиқ-овқат маҳсулотларининг заҳарлантирилганлигининг, оммавий касаллик ва ўлим кучайганлигини унутиб бўлмайди. Узбек аёлларининг умри совет даврида ёқ меҳнат фронтида чириғанлигини инсоният тарихи билмайди, дейсизми?! Улар, асосан давлат учун ишлашга мажбур қилинди. Улар аёлларга хос нозик фазилатларни йўқотиб «дағаллашдилар». Бу хусусда совет даврида бир дехқон йигит билан сухбатимни келтириш масалани янада ойдинлаштиради.

— Фарғонанинг Водил деган жойидаги чойхонада

ўтирганимизда шогирдим Исмоилжоннинг таниши, урта ёшлардаги деҳқон бир коса ош билан ёнимизга келиб ўтиреди. Салом-аликдан сўнг деди: «Бир йилда бир маротаба шу ерга ёки Шоҳимардонга хотиним ва болаларим билан келиб бир оз дам олгандек бўламиз. Мен Россияда армияда хизмат қилиб юрган вақтимда рус аёлларининг кўриниши тоза ва ёқимлилиги ҳамда қўллари юмшоқлигини кўриб ҳавасим келган. Шунда қишлоғимиздаги аёлларнинг ниҳоятда оғир меҳнати, қўллари ва оёқлари ёрилиб ҳамда дағаллашиб кетганлиги кўз ўнгимда гавдаланиб хафа бўлганман. Хуванави менинг хотинимга кўз ташланг, домла, қовжираб ётган «котчённий балиқ»قا ухшаб қолган. Унга раҳмим келади, негаки, бир кечакундузда 20 соат меҳнат қилиб, дам олиш ва ҳаммомни, пардоз ва яхши кийинишни унутиб юборган. Ҳатто, хотиним пахтазорда ишлаётганда дард тутиб қолибди. Уни тугуруқхонага олиб кетаётганда, машинада кўзи ёриб, бир ўлимдан қолган эди». Шуни Исмоилжон у ёқ-бу ёққа аланглаб: «Ука, секинроқ гапир, бирорвлар эшилса, сиёсий тус бериб галвага қоламиз», деб қўйди. Бу оддий деҳқоннинг сўzlари фақат унинг хотинининг эмас, балки қишлоқлардаги ҳамма аёлларнинг ачинарли ҳолатини ифода этган эди.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, Шуро даврида Ўзбекистонда қулдорлик тузумининг сиёсий асослари қўйидагича бўлган. Авваламбор миллий давлат ва қўшинни ташкил этишга йўл берилмай, мустамлақачилик ва улугмиллатчилик сиёсати амалга оширилди. Республика раҳбарлари мустақил равишда ички ва ташқи сиёсатни юргизишдан маҳрум этилиб, улар амалда марказнинг итоаткор хизматкорлари эди, холос. Ўзбек тилига давлат мақоми берилмади, миллий пул жорий этилмади. Халқ оммасига сиёсий ва инсоний ҳукуқлар берилмай бутун мамлакат «темир панжара» билан ўраб олинди. Унинг сиёсий фаолияти бўғилди ва ташқи дунё билан алоқа қилишга йўл берилмади. Республика мисли кўрилмаган сиёсий қатагонни қаттиқ назорат ва таъқибларни бошидан кечирди.

Иккинчидан, қулдорлик тузумининг иқтисодий замини қўйидагича кечган: хусусий мулкчилик, эркин

бозор ва савдо-сотиқ, эркин ишбилармонлик ва ишлаб чиқариш тақиқланди. Табиатдаги барча жонли ва жонсиз борлиқлар, ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва бошқа турли-туман бойликлар давлат мулкига айлантирилди. Натижада якка давлат мулк әгалиги юзага келиб, халқ бамисоли илдизи қирқиб ташланган дарахтга ўхшатиб қўйилди. Мехнаткаш омма маош воситасида давлатга чамбарчас бояглаб қўйилиши ва бошқа даромад манбаи қолмаганлиги уларни давлатга сифиниш ва итоат этишга мажбур қилди. Ўзбекистондан пахта, ипак ва ноз-неъматлар, олтин, газ, вольфрам ва бошқа ноёб бойликлар тинимсиз олиб чиқиб кетилди. Салоҳиятли саноат тармоқлари Иттилоқ вазирлигига бўйсундирилиб, даромадлар марказ чўнгтагига тушди. Республикага тайёр саноат маҳсулотлари кўплаб келтирилиб, халқ янада қаттиқроқ шилинди. Натижада Ўзбекистон Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланниши ҳам қулчилик тузумининг асосини яратди.

Учинчидан. Қулчиликнинг белгилари маънавий ҳаётда ҳам намоён бўлди. Дин тақиқланиб, масжид ва мадрасалар ёпилди. Дин пешволари оммавий равища отилди, диний китоблар ёқилди ҳамда тарихий обидаларнинг талайгина қисми бузиб ташланди. Миллий ҳис-туйғулар, ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик, гуурланиш ва фахрланиш сингари олий фазилатларга зарба берилди. Оламшумул аҳамиятта молик бой тарихимиз соҳталаштирилди. Уни холис ўрганиш ва тарғиб қилишга йўл қўйилмади. Миллий турмуш тарзига қарши ӯлароқ, «совет турмуш тарзи» тадбиқ этилди.

Шу равища милий гоя ва маънавият ҳисбсга олиниб, ўрнига коммунистик гоя зўравонлик билан киритилди. Бу гоя халқнинг онги ва дунёқарашини қоронғилаштириб чегаралаб қўйди. У қулчилик тузумининг йўналтирувчи кучи ҳисобланди.

Тўртингидан. Юқорида шарҳланган фикрлар шу ҳақда гувоҳлик берадики, совет даврида «социализм» эмас, балки «қулдорлик» тузуми ташкил топган. Мамлакатда ягона давлат мулк әгалиги ҳукм суриб, фуқаролар унинг жонли мулкига айлантирилди. Шунга монанд равища қуллар ҳам ўз-ўзидан давлатники бўлиб қолди. Шу боис, совет даврида қулдорлик дав-

лати шаклланган дейилса, асло хато бўлмайди. Шунинг айтиш лозимки, тарихда бунга ўхшаш жуда катта қулдорлик давлати бўлган эмас. Чунки унинг қўл остидаги барча ҳалқлар қулга айлантирилди. Шунинг учун ҳам қулчилик мисли кўрилмаган даражада ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилиди. Аммо, қулчилик вақтларнинг ўтиши билан қизил империяни ичидан чиритиб бораверди. Чунки, қулчилик аллақачонлар ошини ошаб, ёшини яшаб, тарих ёдгорлигига айланган эди.

Эндилиқда қадимги даврлар ўтиб, бутун жаҳон бўйлаб озодлик гоялари ҳукм суриб, фан ва маданият тараққиёти гуркирамоқда. Мана шундай янги замон шароитида қулчиликнинг пайдо бўлиши гайритабиий ҳол эди.

Хўш, шундай экан, нима учун совет даврида қулчилик юзага келди? Бунинг асосий сабаби, бутун мамлакатда социализм тузумини қуриш учун шарт-шароит мутлақо етишмаган эди. Ахир, коммунистларнинг доҳийси К. Маркс социализмни фақат бутун дунёда ялписига тараққиётга эришгандан кейингина бунёд этиш мумкин, деган эди-ку? Бунга эришиш учун яна юз йиллар керак бўлади-ку. Россия Оврупо мамлакатлари орасида ҳар жиҳатдан энг қолоқ мамлакат сифатида донг чиқарганди. Унинг қўл остидаги мустамлакалар ундан ҳам қолоқ мамлакатлар бўлганди. Масалан, Туркистон үлкаси шулар жумласидандир. Бироқ В. И. Ленин бошлиқ большевиклар шароит етилмаганилиги билан ҳисоблашмай, бир мамлакат доирасида ҳам социализм қурамиз, деб жар солдилар. Улар шароит етилмаганилиги боис социализмни қиргинбарот ва қул меҳнати билан бунёд этишга қаттиқ киришдилар. Шу тарзда коммунистик партия бир мамлакатда социализмни қурамиз, деб биринчи хатога ва уни зўравонлик билан амалга оширамиз деб, иккинчи хатога йўл қўйди. Бу хатолар партия ўйлаганидек, социализмни эмас, балки қулдорлик давлатини юзага келтирди. Бу билан тарих гилдираги олдинга эмас, балки бир неча юз йилларга — орқага юргизилди. Шунинг учун ҳам бу давлат янги замон тараққиётига мос тушмай, гайритабиий воқеа деб баҳоланди. Уни тиш-тирногигача ядро ва бошқа даҳшатли қуроллар билан

куролланишига қарамай, урушсиз ағдарилишига худди шу қулчиликнинг ўзи сабаб бўлди.

Борди-ю, ушбу фикрларга қўшилмайдиган олимлар топилса, совет даврида қандай тузум бўлганлигини ўзлари айтишсин. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, 70 йилдан ортиқ даврда хусусий мулкчилик, эркин бозор ва савдо-сотиқ, диннинг тақиқланиши, феодализм ёки капитализм тузуми ҳақида гапиришга йўл берилмади. «Социализм»нинг қурилмаганлиги «отнинг қашқасидек» ҳаммага маълумдир.

Шундай қилиб совет даврида том маънодаги қулдорлик тузуми ташкил топган эди. Бунга Россия матбуот саҳифаларини ҳам ўқиб тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жумладан, «Аргументы и факты» газетасида (2000 й., 45-сон) Максим Оришак ва Сергей Осипов деган муаллифлар совет даврида қулчилик тузуми хукм сургандигини уқдириб утганлар. Уша газетада бошқа муаллиф Компартия томонидан мамлакат бўйича 40 млн. кишилар қириб ташланганлигини ёзган. Хуллас, уша даҳшатли ва мудҳиш даврда қулдорлик давлати юзага келганлигини ҳеч инкор этиб бўлмайди. «Қуллик ва мутеълиқ исканжасидан, — дейди юртбошимиз Ислом Каримов, — озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлишдан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда».¹

Бу foятда мураккаб ва масъулиятли вазифани ҳал этишга қаратилган ҳаракат 1989 йил июнь ойидан кейин, яъни Ислом Каримов республика раҳбарлигига тайинлангандан сўнг бошланди.

1989—1991 ЙИЛЛАРДА МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШ

Маълумки «қайта қуриш» йилларида республика аҳолисининг асосий қисмини ташкил этган деҳқонларнинг ҳаёти янада ёмонлашди. Натижада қишлоқларда ва бунга монанд равишда шаҳарларда ҳаёт жуда оғирлашиб кетди. Бундан ҳоли бўлишнинг ягона

¹ Каримов И. Буюк мақсад йўлидан оғишмаймиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 7–8-бетлар.

йули ерга нисбатан бўлган сиёсатни ўзгартиришдан иборат эди. Шу боис Ислом Каримов партиянинг агарар сиёсатига қарши улароқ дехқонларни ер билан таъминлашни бошлаб юборди. Ваҳоланки барча ер ва сувлар давлатники ҳисобланиб фақат марказнинг рухсати илига муносабатни ўзгартириш мумкин эди.

«Аввало, — деб ёзади Ислом Каримов фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш борасида аниқ ишлар қилиш лозим. Биз 1989 йилни июлидан бери таъминлаб келаётган барқарорлик эса унинг кафолатидир. Ушанда, 1989 йилда даҳшатли давр эди. Уша пайтда биз қилган биринчи иш шу бўлдики, одамларга ер бера бошладик. Мен жаноб Горбачевнинг давлат кенгаши мажлисидаги сўзларни эслайман... Унга тан бериш керак, гапиришни билади, аммо бошлаган нутқини нима билан тугатишни ҳамиша ҳам тушуниб булмайди. Мана бунга қаранглар, деган эди у мени курсатиб, ҳозир уни боши шуҳратга чулганиб турибди, у ер бера бошлади, энди уни илоҳийлаштиришади... Биз қатъий туриб тартиб ўрнатдик — ерга муҳтож бўлган ва, албатта, дехқончилик қўлидан келадиган, ердан мўл ҳосил ола биладиган ҳар бир кишига чорак гектар ер бердик. Колхоз-совхоз шароитида бу жараён енгил кўчмади».¹

Куриниб турибдики, Ислом Каримов марказнинг норозилигига қарамай мустақил иқтисодий сиёсатга қаратилган дастлабки қадамни ташлаган. Ҳеч кимга сир эмаски, пахта ўзбек халқининг қундалик ҳаёти ва тақдирини ҳал этувчи муҳим омииллардан биридир. Тинимсиз ва маشاқкатли меҳнат эвазига етиштирилган пахта жуда арzon нархда мажбуран давлатга топширилган. Меҳнатига яраша ҳақ ололмаган дехқонлар ҳамиша етишмовчилик ва муҳтожликда ҳаёт кечирган. Ислом Каримов буни яхши англаған ҳолда пахта нархини ошириш масаласини очикдан-очиқ талаб қилди. Хусусан, у республика компартияси Марказий қўмитасининг 1989 йил 19 августда бўлиб ўтган XVI пленумида шундай деган: «Биз 1990 йил плани лойиҳаси билан Иттифоқ органларига икки марта учрашдик.

¹ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Тошкент, 1996, 232—233-бетлар.

КПСС Марказий Комитети, мамлакат министрлар Совети ва Госплани раҳбарияти билан учрашдик. Бутун масъулиятни зиммамга олиб, шуни айта оламанки, пахта нархи масаласи яқин ойлар ичида куриб чиқилади. Бу муаммони ҳал қилишимиз учун ҳисоб-китобларга кура, камида бир ярим миллиард сўм талаб қилинади...

Хозир, очигини айтиш керак... Москвада ўртага қўйган масалаларни ҳал қилиш қийин бўляпти. Биз раҳбарлар бу масалаларни қатъият билан, билимдонлик билан ўртага қўйишимиз, уларнинг ҳал этилишига изчиллик билан эришишимиз ҳар қандай ҳолда ҳам айбни бирорларга тўнкамай ва бирорларнинг орқасига яширинмай, масъулиятни ўз зиммамизга олишимиз керак».

Сиртдан қараганда пахтани нархини ошириш шунчаки бир оддий иқтисодий масала бўлиб кўриниши мумкин. Аммо, унинг заминида жуда муҳим сиёсий масала ётибди. Чунончи пахтани арzon нархда давлатга топширилиши нафақат кундалик турмушга, балки республиканинг ижтимоий ва маданий жиҳатдан ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда эди. Нархни оширишга эришиш совет давлатининг мустамлакачилик сиёсатига зарба берилишига олиб келарди. Шубҳасиз, очкўзлик ва тўймасликда ном чиқарган совет давлатининг пахта нархини оширишга розилик билдириши жуда қийин эди. Шунга қарамай Ислом Каримовнинг ҳукуматнинг сиёсатига қарши бош кутариши ватанпарварликнинг ёрқин намуналаридан биридир.

1989 йил 29 октябрда ўзбек тилини Давлат тили сифатида қонунлаштирилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу тарихий ҳужжатнинг аҳамияти шу даражада каттаки, таърифлашга қалам ожизлик қилади. Шуни унутмаслик керакки, она тилининг Давлат тили бўлиши халқнинг миллийлиги ва тақдирини кафолатлади ҳамда у мустақилликнинг энг муҳим белгилариданdir.

Мустақиллик учун кураш ҳаракати ҳаётнинг барча соҳаларида кўзга ташланди. Зоро, Ислом Каримов биринчилардан бўлиб ҳар бир республикага суворенитет ва иқтисодий мустақиллик бошқарувини берилиши лозимлигини ошкора ўртага ташлади. Бу муҳим сиёсий масала 1989 йил 29 ноябрда партиянинг XVIII

пленумида кўрилди ва тасдиқланди. Бунда федератив асосда Ўзбекистоннинг суверенитетини таъминлаш ер ва умуман барча табиий бойликларни, маданий ва тарихий меросни умумхалқ мулкига айлантириш кўрсатилди. Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий соҳада мустақил равишда иш юритиш, миллний ва тарихий анъаналарни тиклаш қайд этилди. Шунингдек республиканинг марказ билан тенг ҳуқуқлик ва икки томонлама манфаатдорлик асосида алоқани олиб бориши уқдириб ўтилди. Бошқарувни демократлаштириш масаласи ҳам ўз ифодасини топди. 1990 йил 24 марта республика Олий Кенгашининг президентлик лавозимини таъсис этиш ҳақидаги қонуни муҳим тарихий воқеа ҳисобланди. Қонунда шундай дейилган: «Демократия жараёнларининг янада чуқурлаштириш ҳам, сиёсий ўзгаришларни такомиллаштириш ва конституциявий тизимни мустаҳкамлаш ҳам мантиқан том маънодаги мустақилликни талаб этиди ва унинг замирида марказга бўйсинмаслик, ўз тақдирини ўзи белгилаш тамоили ётади. Зотан, қайсиdir даражада бўлмасин, энг кичик масалалар бўйича ҳам кимгadir тобеъ бўлинса, юқорида қўйилган талабларнинг биронтасига ҳам эришиб бўлмайди».

Демак президентлик лавозими олий раҳбарликнинг кўринишларидан бири бўлиши билан бирга чукур сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий маънони англатади. У мустақилликка даъват этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланиб, озодликнинг даракчиси ва рамзи сифатида намоён бўлди. Президентлик лавозимини совет давлати ҳали пишқириб турган бир вақтда бутун Ўрта Осиёда биринчи, Иттифоқ бўйича эса иккинчи бўлиб таъсис этилиши зулматда чақнаган нурга ухшаб кетди. Шунинг учун ҳам у кишиларни ҳаяжонлантириб юборди, унинг акс-садоси барча республикалар бўйлаб таралди. Пировардида Ўзбекистоннинг таъсирида уларда ҳам президентлик лавозими жорий этилди. Маълумки, ер, сув, табиатдаги барча борлиқнинг танҳо эгаси совет давлати ҳисобланиб, хусусий мулксиз жамият шакллантирилди. Бундай фожеани бартараф қилиш мақсадида 1990 йил 20 июнда ерлар республика ва халқ мулкига айлантирилганлиги ҳақида қонун қабул қилинди. Бу республика иқтисо-

дий мустақиллигини таъминлайдиган дастлабки мухим чора бўлди.

Айниқса, 1990 йил 20 июнда Ўзбекистонда «Мустақиллик декларацияси» ёълон қилиниши катта аҳамият касб этди. У қизил империяни қаттиқ ларзага ва ташвишга солди. Чунки демократияда Ўзбекистон Иттифоқ таркибида суверен ва тенг ҳуқуқли мамлакат деб ёълон қилиниб, ўз давлат белгилари (герб, байроқ ва мадҳия)ни таъсис этиш ва янги конституцияни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Республикада мустақил иқтисодий сиёсатни таъминлашга қаратилган чораларни кўриш давом этди. Чунончи, 1990 йил 30 октябрда Ўзбекистон мулкчиликнинг ҳамма шакллари учун тенг шароитни таъминлашга қаратилган қонун қабул қилинди. Республика Олий Кенгаши 1991 йил 14 июнда «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар» тўғрисидаги қонуни маънавий ҳаётда туб ўзгаришларни ясади. Маълумки юз йиллар давомида кишиларнинг эътиқоди, хурматини қозониб келган ислом дини тақиқланиб «динсиз жамият» бунёд этилди. Бу маънавий қашшоқликни юзага келтириб тараққиётга салбий таъсир этди. Шу боис ўша қонуннинг қабул қилиниши халқ томонидан зўр хурсандчилик ва мамнуният билан қабул қилинди. «Ушбу қонун, — дейилади унда, — фуқароларнинг динга ўз муносабатини ихтиёрий равишда белгилаш ва ифодалаш, ҳеч қандай тўсқинликсиз, динга эътиқод қилиш ва диний расм-руссумларни бажариш ҳуқуқларини таъминлайди». Шу тариқа совет даврида оёқости қилинган ва қувгинга солинган диннинг барча хилларига жон киргизилди. 1991 йил 22 июнда саноат корхоналарини, ташкилотларни ва муассасаларни Ўзбекистон ихтиёрига ўтказиш хусусида қонун чиқарилди. Асримизнинг 80-йилларида қизил империя ич-ичидан чириб, инқирозни бошидан кечирмоқда эди. Унинг белгилари 60-йилларда ёқ бошланиб қанчалик вақтларнинг ўтиши билан шунчалик кўп чуқурлашиб борди. «80-йилларда, — деб ёзади Ислом Каримов, — иқтисодий инқирознинг кучайиб бориш сабабларини очиш, уни бартараф этиш йўлларини тошиш борасидаги уринишлар ҳам муваффақиятсизликка учради.

Ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши сабаблари ривожланишнинг экстенсив омиллари тутаганлигидадир, деб юзаки тушунилганлиги устувор тармоқларни алоҳида ажратмасдан, ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларини бир вақтнинг ўзида ривожлантириш тўгрисида нотўғри қарор қабул қилинишига сабаб булди. Бу ҳол, пировард натижада, чекланган маблагларнинг пароканда бўлиб кетишига, молия ва таъминот тизимининг батамом издан чиқишига олиб келди, инқирозни чуқурлаштириди, қайта қуриш сиёсати даврида иқтисодиётда жуда кучли бузилишлар рўй берди».¹ Шу тариқа «социализм» тузуми ўзининг гайритабиийлиги ва самарасизлигини намойиш этиб, мамлакатни ҳалокат ёқасига келтирди. Одатдагидек компартия қатагонлар ўтказиш йўли билан четдан «айбдорлар»ни топиб ва ҳалқни ҷалгитиб инқирозни хас-пўшлаш ва ниқоблашга ўтди. Маълумки 30-йиллардаги очарчилик ва умуман инқирознинг сабаблари «ҳалқ душман»лари ва «империалистларнинг айгоқчилари»га тўнкалиб, оммавий қатагонлар ваҳшийларча ўтказилган. Қайта қуриш йилларида ҳам худди мана шундай сиёsat қайтарилди, чунончи Узбекистонда «пахта иши» ёки «ўзбек иши» номида қатағон ўтказилди. Бу ерда ўзун ҳисобга олиш керакки, «ўзбек иши» аслида ниқобланган сиёсий кураш бўлиб, мақсад мустамлакачилик ва улугмиллатчилик сиёсатини янада авжига миндириш, ҳалқни оғир аҳволдан ҷалгитишдан иборат эди. Бу сиёсий найрангнинг иқтисодий томони ҳам бор эди. Марказга Узбекистондан дарё каби оқиб бораётган турли-туман бойликларни янада кўпайтириш ва уларни заррачасини ҳам туб аҳолига юқтирилмаслик кўзланган. Бундан ташқари, «ўзбек иши» воситасида мамлакатда Узбекистонни ишончни йўқотган хавфли зона сифатида гавдалантириб Россиядан кадрларни — ўз одамларини келтиришни ва республика ҳокимият тармоқларини тамомила эгаллашни мақсад қилиб қўйилди. Айни пайтда бир чемодан билан келадиган ўша «устоз»ларнинг катта бойлик тўплашлари учун шароит яратиш назарда тутилди.

¹ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд. Тошкент, 1996, 280-бет.



17-расм. Мустақил ўзбек давлатининг асосчиси И. А. Каримов.

Бу республика бойликларини навбатдаги ўзлаштиришнинг бир тури эди. Умр бўйи даҳшатли фожеаларни уюштиришга, қирғин-баротларга ва тўс-тўполонларга тўймаган марказ «ўзбек иши» бўйича 4,5 минг кишини қамоқقا ташлади, хўрлади ва мол-мулкини талади. Бундан ташқари минглаб кишилар «гувоҳ» сифатида қаттиқ қийноқлар остига олиниб, қип-қизил туҳматдан иборат айбномаларни тўқиди. Ҳатто «ўзбек иши»дан кейин зиёлиларнинг ва раҳбарларнинг илгор вакиллари ҳам оммавий равишда қатагон қилинар эмиш деган овозлар эшитилиб турди.

Бутун миллат бошига даҳшатли офат келиб турган пайтда, унга қарши қалқон бўладиган бирорта раҳбар чиқмади. Аксинча, улар сотқинлик қилиб оловга керосин қуйиб турдилар.

Ислом Каримов давлат тепасига келиши арафасида аҳволни қўйидагича таърифлаган эди: «Бор гапни айтадиган бўлсан, куз ўнгимда даҳшатли, қўрқинчли манзаралар пайдо бўлди». Ислом Каримов бу гоятда оғир аҳволдан чўчимай ва тисланмай, мазлум халқ манфаати учун курашди. У «ўзбек иши»нинг сохталигини фош этиб, миллатни офат ва навбатдаги оммавий қатагондан қутқарди. У бу хусусдаги марказнинг кўрсатмасини бажаришдан очикдан-очиқ бош тортиб, мустақил сиёsat юргизди.

Умумий хулоса шуки, 1989 йилнинг иккинчи ярмидан то 1991 йил 31 августгача бўлган даврда шахсан Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси ва иштирокида мустақилликни тамомила тиклашнинг замини ҳозирланди. Шу боис унинг раҳбарлик маҳоратини ёритиш айни муддаодир.

Гарчанд қизил империя чуқур инқизозни бошидан кечираётган бўлса-да, лекин куч ва имкон нисбатига келганда, унинг мавқеи баланд бўлиб, қудратли қўшинга ва маҳфий кучга эга эди. Шу боис империянинг сиртмогидан осонлик билан қутулишнинг иложи йўқ эди. Шунга қарамай Россияни ўзида ҳам, республикаларда ҳам ички зиддият ва курашлар қизгин тус олиб, ниҳоятда масъулиятли ва мураккаб вазият юзага келди.

Хўш, тақдирни узил-кесил ҳал қилувчи бундай шароитда Ўзбекистонда қандай сиёsat юргизилди. Унда Президент Ислом Каримовнинг тутган ўрни қандай

бўлди? Авваламбор юртбошимиз ўз халқининг хоҳиш-иродасини ифода этиб атрофига ўз ватанига ва озодликка содик кишиларни жипслаштириб, амалда «умумий фронт»ни шакллантириди. Айни пайтда мустақилликни қурбонсиз ва талофатсиз тиклашга қаратилган чораларни кўрди. Бордию бебошлиқ, тартибсизлик ва дангалчиликка йўл қўйилса, у вақтда бундай ҳолат империя тарафдорларига қўл келган бўларди.

Шунингдек, шароит шунчалик мураккаб эдики, марказ билан вақтингчалик «умумий тил» топишни тақозо этарди. Акс ҳолда унинг газаби ёмон оқибатларга олиб келиши турган гап эди. Масалан, марказнинг кўрсатмасига мувофиқ айрим, республикаларда қонли тўқнашувлар бўлган. Шу боис республикада юритилган тўғри сиёсат халқнинг бундай фожеалардан ҳоли бўлишини таъминлади. Айниқса республикада фаолият кўрсатаётган «чала демократ»ларнинг тұстұполонлари ва намойишларини бартараф қилиб туриш барқарорликни сақлашда муҳим ўрин эгаллади. Шуни инобатта олиш керакки, совет даврида Узбекистон раҳбарларининг барчаси марказнинг ўта итоаткор хизматкорлари ҳисобланиб партиянинг чизигидан чиқиши хаёлларига ҳам келтирмаган. Ислом Каримов эса ўзини тамомила бошқача тутиб мардонавор мустақил сиёсатни изчиллик билан олиб борди. У ўзининг мустақил фикри ва иши билан ажралиб турди. Унинг бундай том маънодаги сиёсий арбобларда буладиган фазилатлари, моҳир ташкилотчилиги ва уддабуронлиги республика ҳаётининг барча соҳаларида олиб борган ишларида намоён бўлди. Пировардида мустақилликни тиклаш заминини пухта тайёрлаганлиги курашни зафар билан тугаллашни тўла таъминлади. Зоро, Президент Ислом Каримов 1991 йил 31 августда Республика Олий Кенгашида тантанали равишда ватан мустақиллигини эълон қиласди. Шу асосда Олий Кенгаш қарор қиласди:

1. Республиkaning давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти тасдиқлансан ва республика бундан буён Узбекистон Республикаси деб аталсан.

2. 1 сентябрь Узбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсан.

3. Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раёсати республика Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрласин ҳамда уларни Олий Кенгашнинг муҳока-масига киритсин.

4. Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати ва Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси республиканинг мустақиллигини хуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонунлар лойиҳалари устидаги ишларни тезлаштиурсин.

5. Узбекистон Республикасининг Олий Кенгashi Иттифоқнинг ва унинг таркибига кирадиган барча мустақил давлатларнинг олий қонун чиқарувчи идораларига мурожаат қилиб, уларнинг республиканинг давлат мустақиллиги эълон қилинган ҳужжатини тан олишга даъват этади.

Бир вақтда Узбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти қабул қилинди. Унда миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъий назар, ҳар бир кишининг ҳаётини, шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган демократик хуқуқий давлат барпо этилиши қайд этилди. Узбекистон Республикасининг тұла давлат ҳокимиyyатiga эга эканлиги, миллий давлат ва маъмурий-худудий тузилиши ва раҳбарликни мустақил равищда олиб борилиши кўрсатилди. Ички ишлар вазирлиги, давлат хавфсизлиги қўмитасининг идоралари, ички қўшинлар республика ихтиёрига ўтганлиги маълум қилинди. Халқаро алоқаларда Узбекистоннинг мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашиши, конституция ва қонунларни устуворлиги изҳор этилди. Умуман айтганда Узбекистонда ички ва ташқи сиёсатнинг барча соҳаларида мустақиллик тикланганлиги ошкора эълон қилинди.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА БУЮК ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Биринчидан. Мустақилликни тиклаш учун кураш 1989—1991 йилларда намоён булиб сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда босқичма-босқич муҳим чоралар амалга оширилиб борилди.

Мустақиллик шарофати ила миллий давлат, миллий бошқарув тизими ва миллий қўшин тузилди. Буларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, тарихимиизда биринчи маротаба жаҳон андозалари асосида ташкил этилди. Бошқарув тизимининг юқори босқичига кўтарилди. Давлатни Конституцияга риоя қилган ҳолда бошқариш, қонун устуворлиги ва жамиятни демократлаштиришга қаратилган чоралар ҳам мустақилликнинг хусусиятларини англатади. Бу борада парламентни, байроқни, герб ва мадҳияни жорий этиши алоҳида аҳамият касб этади. Тарихимиизда ҳеч қачон ҳозиргидек ташқи алоқалар ривожланган эмас. Эндиликда Ўзбекистонда ўнлаб хорижий мамлакатларнинг элчихоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистон элчихоналари кўп чет эл мамлакатларда очилди. Ўтмиш замонларда ўзбек дипломатияси ҳозиргидек юқори босқичга кўтарилимаган эди.

Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо қилиниши бутун тарихимиз давомида биринчи ҳодисадир.

Иккинчидан. Ўзбекистонда 70 йилдан ортиқ узилишдан сўнг хусусий мулкчиликка, эркин бозор ва ишбилармонликка асосланган тамомила янги жамият тизими бунёд этилди. У ўз ҳудудидаги ерлар, сувлар, турли-туман бойликлар ва умуман табиатдаги барча мавжудотнинг чинакам эгаси бўлиб қолди. Бу иқтисодиётдаги туб ўзгаришлардан бири ҳисобланди. Эндиликда ер ва бойликлар республика ва халқнинг мулки бўлди. Иқтисодиётдаги энг муҳим яна бир туб ўзгаришлардан бири иқтисодиётни мафкурадан батамом ҳоли қилинишида ўз аксини топди. Кейинги туб ўзгариш мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириб саноатни, савдони, маиший хизмат корхоналарини ва уй-жойларни хусусийлаштиришдан ва давлат тасарруфидан чиқаришдан иборат бўлди.

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар «пахта васвасаси» йўқ қилинишида ҳам намоён бўлди. Маълумки совет даврида авжига миндирилган «пахта яккаҳокимлиги» мустамлакачилик сиёсати, зулм, турли-туман оғат ва азоб-уқубатларнинг уяси ҳисобланган. Ҳозирда иқтисодиётни согломлаштиришда пахтчиликнинг қисқар-

тирилаётганлиги, галлачилик, боғдорчилик ва сабзавотчиликнинг ўсаётганлиги муҳим ўрин эгалламоқда. Саноат соҳасида ҳам салмоқли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Чунончи, уларда жаҳон андозасига мос тушидиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг вакиллари билан қўшима корхоналарни ташкил қилиниши ҳам янгиликдир. Республикада қўшима корхоналарнинг сони 4 мингта яқинлашиб бормоқда. Автомобилсозлик, олтин, нефть ва бошқа саноат тармоқлари қурилиши республика саноатини катта янгиликлар билан бойитди ва такомиллаштириди. Фалла, нефть мустақиллигини тиклаш бўйича олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Қишлоқларни саноатлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим янгиликларидан биридир. Улар деҳқонларни иш билан таъминлашга ва турмуш даражасини кўтаришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирда хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар республиканинг қўлида. Иқтисодий ва дипломатик алоқалар эркинлаштирилиши ва ҳуқуқий негизлар яратилиши орқасида Узбекистоннинг жаҳон бозоридаги мавқеи ўсмоқда.

Мустақиллик йилларида шакллантирилган янги иқтисодий тизимнинг моҳияти ва йўналиши Узбекистонни хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозори бўлиб қолишидан тамомила ҳоли этишдан иборатdir.

Учинчидан, маънавий ҳаётда ҳам туб ўзгаришлар кўзга ташланди. Мен бу масала бўйича сўз юритилганида биринчи галда коммунистик гоялардан дарҳол воз кечилганини назарда тутмоқдаман. Ҳақиқатан ҳам бу гоянинг улоқтириб ташланиши маънавий ҳаётдаги муҳим инқилобий ўзгаришдир. Тарихан шаклланган, лекин илгари оёқости қилинган миллий анъаналарга, удумларга, қадриятларга ва маданий меросларга жон киргизилди.

Узбеклар ўтмиш тарихи, буюк олиму-фозиллари, давлат арбобларию дин пешволари билан гуурланиш ва фахрланиш имконига эга бўлдилар. Миллий одобахлоқ, инсонпарварлик, ватанга содиқлик сингари фазилатлар ўз куч-қудратини кўрсатмоқда.

Республикада виждон ва дин эркинлигининг тикланиши, кўплаб масжид ва мадрасаларнинг қурилиши ҳамда «зиёраттоҳ» жойларнинг таъмирланиши ҳам маънавий ҳаётда муҳим янгиликларни юзага келтириди. Совет давридаги динсиз жамият ўрнига динли жамият ташкил топиши маънавий ҳаётнинг туб ўзгаришларидан бири бўлди. Ижтимоий фанлар соҳасида, жумладан, тарих, адабиёт ва санъатда миллий ҳистойгуларнинг, озодлик ва ватанга содиқликни мадҳэтувчи, тарихий шахсларни фаолиятини курсатувчи асарлар чоп этилмоқда. Совет даврида бундай қилиш тақиқланган бўлиб, озодлик жарчилари «миллатчилар» ва «халқ душманлари» деб қораланган ва жазоланган.

Матбуот, радио ва телевидение миллий руҳ ва умуммиллий манфаатлар асосида ривож топмоқда.

Умуман олганда, 1991 йил 31 августдаги тарихий воқеа қўйидаги ўзига хос ва мос хусусиятларга эгадир.

Биринчидан, юқорида шарҳланган совет даври ва мустақиллик йилларидағи икки хилдаги сиёсий ва ижтимоий-иктисодий тузумлар бир-бирларига солиштирилса, ер билан осмончалик кескин фарқи мавжуд. Уларнинг биринчиси қонларга ва азобу уқубатларга белангандан бўлиб хусусий мулксиз ва динсиз жамият ҳамда мустамлакачилик ва миллий зулмни ташкил этган, иккинчиси эса қуллик ва манқуртлик занжирларини парчалаб, мустақиллик ва озодликни тиклаб, хусусий мулкчилик эркин бозор ва ишбилармонликни, динни ва миллий маънавиятни ривожлантираётган ҳаётни ташкил этмоқда. Шунингдек совет қулдорлик давлатининг ўрнига тамомила янги сиёсий миллий бошқарув тизими, яъни мустақил ўзбек давлати бунёд қилинди. Шуро тузуми бамисоли борлиқни ёндириб кулга айлантирган бўлса, миллий тузум ва давлат сувкаби ҳаёт чашмаси бўлмоқда.

Шундай қилиб, мустақиллик ўрнатилган кундан Узбекистонда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Шу боис мен ўша кунни исми жисмига монанд равища «31 август инқилоби» деб баҳоладим. Чунки инқилоб (революция)нинг асл маъноси туб ўзгариш демакдир. Унинг бу хусусиятини кундалик ҳаётимизда яққол кўриб турибмиз.

Шуролар даврида инқилобий ҳаракат ва ўзгариш маъносида кўпроқ қуролли тўнтириш, сунгра хусусий мулкчиликни йўқ қилиш асосида жамиятни остин-устин қилиш ва тоталитар сиёсатни юргизиш тушунилган. Бундай синфий зиддиятлар ва шавқатсиз курашларга асосланган инқилобнинг гайритабиий, яъни ваҳший хилидир, холос. Пировардида империя қулашининг сабаби ҳам худди шунда бўлганлигини унутмаслик керак. Аслида инқилобий ўзгаришларнинг энг тўғри ва самарали йўли ислоҳотларни эволюцион тарзда изчилилк билан амалга оширишдан иборат булиб чиқди. Бунинг қанчалик тўғрилигини илгор жаҳон давлатлари, шу кунларда эса Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин.

Иккинчидан, 31 август воқеаси дабдабали намойишлар ва тўс-тўполонлар билан эмас, балки мазлум халқнинг мақсадлари маҳсули сифатида Ислом Каримовнинг ташабbusи ва амалий чоралари туфайли юқоридан пастга йўналтирилди. Борди-ю озодлик кураши ҳукм сураётган мустабид давлат билан тўқнашиб, ҳокимиётни эгалласа, у вақтда кураш пастдан бошланиб, юқорига йўналтирилган бўларди... Агар ҳокимиёт вакилларининг ташабbusи билан иш юритилса, у вақтда кураш юқоридан пастга йўналтирилади. Худди мана шундай тарзда Ўзбекистон мустақиллиги тикланди. Бунда халқнинг ҳам, Ислом Каримовнинг ҳам қалбидаги озодлик гоялари бир-бирлари билан қоришиб ва чатишиб кетиб, умуммиллат манфаатларини ифода этувчи қудратли тўлқин ва кучга айланди. Демак, 31 август инқилобининг хусусиятларидан бири уни юқоридан пастга йўналтирилишида ўз ифодасини топди. Унинг яна бир хусусияти «бир томчи қонсиз» амалга оширилишида намоён бўлди. Инқилобнинг бундай қурбонсиз ва талофатларсиз содир булишида Президент Ислом Каримов ҳал қилувчи ўринни эгаллади. Агар у мустақилликни хоҳламаганда, унга қарши ҳарбий кучни ишлатиб, қонли тўқнашувларни ўюнтириш имконига эга эди. Аксинча, бунга йўл қўймаслик чораларини кўриш билан бирга, шахсан Ислом Каримов мустақиллик учун курашнинг бошида турди. Маълумки, Тошкент шаҳри Ўрта Осиёнинг сиёсий жиҳатдан энг қайноқ учоги ҳисобла-

ниб келган. Бу ерда қизил империянинг тарафдорларининг кучлари етарли даражада бўлиб, ўйламай бо силган ҳар бир қадам тўқнашувларга сабаб бўлиши мумкин эди. Аммо Президент Ислом Каримов шу даражада усталик билан ҳаракат қилдики, мустақиллик бамисоли «хамирдан қил сугургандек» тикланди. Бунга эришиш катта қийинчилклар ва тўсиқларни енгишни, курашни талаб қилган, албаттга.

Учинчидан, 31 август инқилобининг муҳим хусусиятларига унинг бутун иттифоқдош республикалар орасида биринчилардан бўлиб содир бўлганлигини киритиш мумкин. Бу мисли кўрилмаган жасорат, мардлик, эркесварлик ва мустақиллик намуналари республикаларни ҳайратлантиргани ва руҳлантиргани ҳамон ёдимиздадир. 31 август инқилоби кўп республикаларни бош кўтаришга ва мустақилликни тиклашга даъват этган муҳим воқеа ҳисобланди.

Шунингдек, 31 август инқилобининг маҳсулни бўлмиш тамомила янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузумнинг моҳияти ва йўналиши бўйича ҳам бошқа республикаларга ибрат бўлди. Хусусан, Ўзбекистонда биринчи бўлиб янги конституцияни, байроқни, гербни, мадхияни ва миллий пулни жорий этилишининг таъсирини она тилига давлат мақомини беришда, миллий қўшин ташкил этишда, сиёсий иқтисодий ва маънавий ислоҳотларни амалга оширишда олдинги сафда борилди.

Булар билан мен Ўзбекистонни улуғламоқчи ёки кўкларга кўтармоқчи эмасман. Аммо, тарихий ҳаракатни англатмоқчиман, холос.

Тўртинчидан, 31 август воқеаси фавқулоддаги бир ҳодиса бўлмай, ўзбек халқининг ўтмишдаги чор хукумати ва совет давлатига қарши олиб борган курашларнинг яқунловчи босқичи ҳисобланди. Ниҳоят, ота-боболаримизнинг озодлик курашларда дарё каби оқсан қонлари ва мислсиз талофатлари беҳудага кетмай, ўз самарасини берди. Вақти-соати келиб халқнинг юраги ва қалbidаги озодлик гоялари вулқон каби отилиб чиқиб, асрий орзулар ушалди. Шу равишда 31 август инқилобининг хусусиятлари ҳақида фикр юритилганда, унинг тарихан шаклланган замини яъни илдизлари мавжудлигини инобатга олиш лозим. Маълумки,

Ўзбекистонда хусусий мулкчиликка асосланган жамият илк бор салкам уч минг йил бурун ибтидоий жамиятдан сўнг пайдо бўлган эди. Ўша қадим замондан то совет давригача кечган вақтда ичида хусусий мулкчилик, эркин бозор ва ишбилармонлик ривожланиб бораверди. 1991 йил 31 августда мустақиллик тиклангач эса ўзбек халқи тарихида 70 йиллик узилишдан сўнг иккинчи бор бозор муносабатлари ва хусусий мулкчиликка асосланган жамият барпо этиш жараёни бошланди. Бу туб инқилобий ўзгариш ҳам 31 август воқеасининг хусусиятини ифода этади.

31 августда шундай буюк воқеа содир бўлдики, унинг аҳамияти бекиёс каттадир. Бу улуг кунда ва айни пайтда жуда хавф-хатарли кезларда юргашимиз жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб ўзватани ва халқига чексиз хизмат қилди.

Президент Ислом Каримов мустақил ўзбек давлатининг асосчиси ва буюк давлат арбоби сифатида тарихи саҳифаларига битилди.

Хуш, бизга мустақиллик нималарни берди? Биз ким эдик ва ким бўлдик? Совет даврида миллий давлат, миллий гоя, сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар, хусусий мулкчилик, моддий ва маънавий бойлик ҳамда миллий турмуш тарзидан маҳрум этилган қуллар бўлганмиз. Бизлар давлатнинг жонли мулки ҳисобланниб, унга сифиниш, сажда қилиш ва барадла олқишлишга мажбур бўлганмиз. Қадри-қимматимиз хўрланган, ҳақ-ҳуқуқсиз ва динсиз жамиятда яшаган эдик. Мисли кўрилмаган қонли қатагонларни, қамоқ ва сургунларни, назорат ва таъқибларни бошдан кечирган одамлар эдик. Тащқи дунёдан маҳрум этилиб, «темир панжара» ичида яшаган кишилар бўлганмиз.

Энди ким бўлдик?

Мустақиллик шарофати или қулдорлик тузумининг илдизига болта урилиб, миллий давлат, миллий қўшин, миллий гоя, сиёсий ва инсоний ҳуқуқларнинг чинакам эгаси бўлдик. «Оғзимиздаги қулф» ва «оғимиздаги кишанлар» улоқтирилиб, озодлик ва эркинлик юзини кўрдик. Ҳозирда биз бошини эгиб ва қаддини букиб хавотирлик ва ваҳимада яшаётган одамлар эмасмиз. Аксинча, миллий ҳис-туйгулари, сиёсий онги ва сиёсий фаолияти жўш ураётган инсон-

лармиз. Тарихан қисқа вақт ичида хусусий мулкчилик ва эркин бозорга асосланган тамомила янги тузумни бунёд эттан одамлармиз. Миллий турмуш тарзи ва ис-лом динини тиклаган ва ривожлантирган, тараққиёт ва фаровон ҳаёт учун курашаётган кимсалармиз. Ҳозирда бизлар буюк ўтмиш тарихимизни қадрлаб ва жаҳон узра таратиб, оламшумул аҳамиятга молик кўп асрли маданиятимизга жон багишлаган кишилармиз. Ота-боболар ва аждодларимизнинг номларини абадий-лаштираётган зотлармиз. Асрлар мобайнида кўрмаган ва билмаган демократияни турмушга татбиқ этиб, ҳуқуқий давлатни бунёд эттан халқмиз. Ўзбек исми-миз жисмимиизга мослашиб, унинг ўзига ўзи бек маъ-носи озодликнинг рамзи сифатида жаранглаб турибди. Ниҳоят бизлар жаҳон даврасида муносиб ўринни эгаллаб, ватанимиз байроби ер куррасида хилпиллаб турибди. Герб ва мадҳиямиз ҳам дунё аҳлига танилди. Ўзбек дипломатияси шакллантирилиб кўп хорижий мамлакатлар билан алоқалар ривожланиб кетди. Шун-дай қилиб ўзбеклар мустақиллик ва озодликнинг гаш-тини суриб, баҳтли-саодатли ҳаётга эришди.

ИЛОВА

Фарғона водийсида 1916 йил кўзғолони қатнашчиларининг хотиралари.¹ (1956 йилда Ҳамид Зиёев томонидан ёзиб олинган)

ТОЖИБОЙ МАДАЛИЕВ



Туғилган йили — 1892
Туғилған жойи — *Марғилон шаҳри, Машад даҳаси,*
Чуқуркӯча маҳалласи
Миллати — ўзбек
Отасининг машгулоти —
Камбағал дехқон
Ўзининг машгулоти — *Дехқон*
Хозирги вақтдаги манзили —
Марғилон шаҳри, Янги ариқ кӯча, 40-үй, 15-хона
Хозирги вақтдаги машгулоти —
Ногирон

Марғилон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда мингбошилар, эллиқбошилар, судхўрлар, руҳонийлар ва бойлар камбагалларга қаттиқ зулм ўтказган. Бойларнинг ерларидага ишловчи чорикорларни аҳволи айниқса ёмон эди. Чунончи, бир чорикорнинг йиллик иш ҳақи пул билан ҳисоблагандага 5 тилладан ошмас эди. Бунинг натижасида чоракор оғир ҳаёт кечириб, ер эгаси бўлмиш бойдан ёки судхўрлардан қарз олишга мажбур бўлган. Бундай чоракорлар ўз қарзларини бера олмасдан, умрбод қарздорлик кишанида қул каби ишлаганлар. Ўзининг кафтдаккина томорқасига эга бўлган майдадеҳқонларнинг аҳволи ҳам ҳаддан ташқари мушкул бўлган.

¹ Мазкур хотиралар Шўролар даврида ёзилганлиги учун кўзғолон қатнашчиларининг Россиядан ахралиб мустақилликни тиклаш учун курашганларни ҳақидаги сўзлари тушириб қолдирилган эди. Чунки ўша даврдаги шароит йўл бермаган. Буни ўрнига кўпроқ маҳаллий амалдорлар ва бойларга қарши бўлган ҳаракатларни ёритиш одат тусига айланди. Аммо, бу ҳолат кўзғолоннинг асосий мақсади — Ватан мустақиллигини тиклашга қаратилганлигини йўқقا чиқара олмайди.

Мен ва отам кичкинагина еримизда эрта-кеч ишлаб, олган ҳосилимизнинг кўп қисмини турли солиқларни тұлаш ва қарзларимиз учун сарфлардик. Айниқса, қишининг охирларида ва баҳорда менга ўхша什 камбагал дәхқонларнинг аҳволи шу даражада ёмонлашар эдики, ҳатто ейишга нон тополмай қолар эдик. Ана шундай вақтларда камбагал дәхқонлар ҳар қандай оғир шартларга рози бўлиб, бойлардан қарз олишга мажбур бўлардилар. Масалан, мен очдан ўлиб қолмаслик учун Аҳмаджон бойваччадан 200 сўм пулни қарзга олиб, бир йилда қайтариб бериш шарти билан 300 сўмлик векселга бармоқ босдим. Аммо бу пулни бир йил давомида қайтариб беролмай, икки йил дегандагина бошқа кишилардан қарз олиб, бойдан қутулдим. Лекин бундай кейин ҳам қарздорликдан қутула олмадим.

Бизлар таноб пули, тугун пули, қоровул пули, сув пули, назир пули ва бошқа шунга ўхша什 турли хилдаги солиқларни тұлашга мажбур эдик. Бойлар ва бошқа текинхўрлар камбагал дәхқонларни хўрлар ва «ҳашакпурушлар» деб камситар эдилар. Шунинг учун ҳам камбагаллар билан бойлар ўртасида бир-бирини кўролмаслик ва ўзаро зиддият кучли эди. Камбагалларнинг бойларга бўлган нафрат ва газаби мардикорликка олиш тўгрисидаги хабар муносабати билан очиқ курашга айланди. Шаҳарнинг деярли ҳамма аҳолиси — хунармандлар, косиблар, камбагал дәхқонлар ва кўчаларда ишсиз сарсон бўлиб юрганлар 1916 йилнинг рўза ойида Ўрдатагига эрта тонгда тўпландилар. Мен ҳам ўз маҳалламдаги камбагал ҳамроҳларим билан бир тўда бўлиб, Ўрдатагига келдик. Бу ерда тахминан 15 мингдан ортиқ киши тўпланган эди. Соат 9—10 ларда шаҳарнинг чор ва маҳаллий амалдорлари ҳам Ўрдатагига етиб келдилар. Уларнинг орасида мингбошилар, полиция ходимлари ва бир неча беклар бор эди. Уларнинг келиши золимларга қарши курашга тўпланган камбагалларнинг нафратини авж олдирди. Мен ва менга ўхша什, жабр-зулмдан азоб чеккан кишилар, «Мардикорликка бормаймиз!», «Мардикорликка бойлар борсин!» — деб норозилик билдира бошладик. Бундай овозлар майдоннинг ҳамма ёғидан эшитилиб, шовқин-сурон бўлиб кетди. Шу вақт қандайдир

«Ур!»— деган даъват эшитилди. Мен ва бошқа қўп сонли «эски чопонлилар», «хашакпурушлар» амалдорларга ҳужум бошладик. Мавлонбек ва Маҳмудбек мингбошилар оломон орасида қолиб кетди. Шу хилда бир ўзбек миршаби ва полиция старшийси ҳам ўлдирилди. Шундан кейин мен ўз ҳамроҳларим билан Ўрдатагига жойлашган кино биносига бир полицияни қувлаб бордик. Бу ерда мен деворда осилиб турган подшоҳ Николайнинг суратини олиб йиртиб ташладим ва оёқ остига олиб тепкиладик. Шундан сўнг Ўрдатагига тўплangan қўзғолончилар ўз маҳаллаларида курашни давом эттириш учун тарқалдилар. Мен ҳам ўз ўртоқларим билан маҳалламизга қайтдик.

Шу куни оқшомда Фарғонадан казак солдатлари етиб келиб, қўзғолончиларни калтак остига олиб, уларнинг кўпларини қамадилар. Ҳибсга олинганлар орасида мен ҳам бор эдим. Қўзғолончиларнинг уйлари тинтуб қилинди ва оиласлари оёқ ости қилинди. Бизларни Марғилон шаҳридаги Янгибог маҳкамасига қамаб, казак солдатлари ҳушимиизни йўқотгунча йўғон таёклар билан калтакладилар. Казак солдатлари мени милтиқнинг қўндоғи билан урган эди. Бизларни Янгибог маҳкамасидан Фарғона турмасига олиб кетдилар. Қамоқдагилар бир-бирларига ўз қилган ишлари ҳақида сўзлаб беришди. Чунончи, косиб Малла Қосимов бир тўда камбағаллар билан Ўрдатагидан қайтиб, ўз маҳалласида Ҳусанхўжа эшоннинг ўйига бориб, уни ўлдирганликлари ва мол-мулкларини талаганликларини сўзлаб берди. Шунингдек, косиб Аҳмадали эса, Мавлонбек мингбошини биринчи бўлиб йиқитганлиги ҳақида ҳикоя қилди.

Биз Фарғона турмасида жуда оғир шароитда яшадик. Тахминан 2—3 ойлардан сўнг бизларни суд қилиб, 13 кишини осишга хукм қилишди. Хукм қилинганлар орасида Мукаррамхон Юсуфалихўжаев, Малла Қосимов, Охунжон Бобоев, Мўмин Абдумуталов ва мен бор эдик. Шундан кейин бизларнинг оёқларимизни кишанлаб, ҳаммамиизни алоҳида бир хонага қамадилар.

84 нафар қўзғолончи турли муддатдаги каторгага хукм этилди. Суд давомида Марғилондан шаҳар полицмейстери Пахотин, Саидаҳмад эшон, полиция хо-

димлари ва бошқа бой кишилар даъвогар булиб бизларни қораладилар. Орадан 15—16 кун ўтгач, ҳаммамизни турма йұлагига олиб чиқиб, орамиздан құзголонда фаол қатнашган Нурмат ва шаҳар қозиси-нинг укаси Мукаррамхонни ажратиб олиб, бизни яна ёттан хонамизга қайтардилар. Шу куни тунда Нурмат ва Мукаррамхонни турма ҳовлисида осиб үлдирған-ликларини эшитдик.

Бир неча кунлардан кейин бизга берилған ўлим жазосини узок муддатли Сибирга сурғун қилиш билан алмаштирганликларини бизга хабар қилдилар. Аммо биз инқиlob туфайли озод бўлдик.

МАВЛОН ЛАЙЛАЕВ

Туғилған йили — 1884

Туғилған жойи — Марғилон

шахри, Тошмозор маҳалласи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машғулоти —

Қассоб

Ўзининг машғулоти — Чорикор,

мардикор, гишт терувчи

Ҳозирги вақтдаги манзили —

Фарғона шахри, Садовая

кӯчаси, 11-үй



Лайлак исмли отам қас-
собчилик билан шуғулла-
ниб, мен гудаклик вақт-
даёқ үлиб кетган экан. З

бала билан бева қолған шүрлик онам бойларнинг
эшигигида чўри бўлиб, кўп мاشаққатларни бошидан ке-
чирган. Отамнинг вафотидан 7—8 йил ўтгандан сўнг
онамни бир чоракор хотинликка олди. Мен ёшлигим-
га қарамасдан ўтай отам билан биргаликда Матмуса-
бойнинг ерида чоракорлик қилдим. Ҳаётимиз жуда
огир бўлғанлигидан ҳаммавақт йўқчиликда ва азоб-
уқубатда яшадик. Мингбошилар, судхўрлар ва бошқа
кишилар бизларни ҳайвон каби ишлатиб, ҳаддан
ташқари зулм ўтказардилар. Кўпинча мен чоракорлик-
дан бош тортиб, шаҳарда ҳаммолчилик, гишт қуиши,

күча супуришни ва бошқа шунга үхшаш ишлар билан шүгүлланар әдим. Лекни, ҳар қандай ҳаракатларимда ва тинмай ишлашимга қарамасдан қорним нонга, устим кийимга ёлчимас әди. Гоҳ қишлоқда үтгай отамникида, гоҳ шаҳарда үзимга үхшаш ўртоқларимницида яшаб сарсонликда умр кечирдим.

1916 йил рамазон кунларидан бирида қишлоқдан шаҳарга тушганимда бойлар камбағалларни мардикорликка олар эмиш деб эшиптим. Бу хабар фақат мени эмас, балки ҳамманинг газабига газаб қўшди. Бунинг натижасида, золимларга қарши бош кутариш ва мардикорликка бормаслик учун курашиш камбағалларнинг бирдан-бир тилаги бўлиб қолди. Уша куни эрталаб Ўрдатагига чамаси 20 мингта яқин халойиқ йигилди. Бу ерга тез орада чор ҳукуматининг амалдорлари ва маҳаллий бойлар ҳам қўлларида қоғоз ушлаган ҳолда етиб келдилар. Улар чойхонанинг баланд супасига чиқдилар. Маҳмудбек мингбоши у ердан туриб халқقا қараб, «Осмон баланд, ер қаттиқ, шунинг учун ҳеч қаёққа биздан қочиб қутуломмайсизлар, биз сизларни нима қилсак қилаверамиз, мардикорликка боришларингиз шарт!» — деганда бизлар унга қараб, «Сен золим, ўзинг бор!», «Тўнғиз мингбоши йўқолсин!», «Биз бормаймиз!» — дея бақирдик. Шундан кейин тўполон бошланиб кетди. Мен ҳам золим мингбошилардан аламимни олиш пайти келди деб уларга ташландим. Биринчи бўлиб Маҳмудбек мингбошини ерга йиқитиб, «қўлга тушдингку» деб икки қўлим билан томогидан бўғандим, хириллаб, овози чиқмай қолди. Шу ондаёқ оломон қўлида тутган нарса билан мингбошини уриб ўлдирдилар. Шундан кейин мен бир туда ҳамроҳларим билан Маҳмудбекнинг уйини куйдириш ва мол-мулкини талаш учун кетдик. Қўзголончилар сағининг олдидা кетаётган эканман, йўлда учраган Ҳамид исмли миршаб менга ўқ узди, аммо ўқ менга тегмади. Шу заҳоти ҳамроҳларим билан бирга миршабни отдан йиқитдик. Оломон Ҳамид миршабни ҳам тош ва гиштлар билан уриб пачақлаб ташлади. Бошқа бир казак миршаби қайдандир келиб қолиб, менга қилич солди. Гарданимдан қоп-қора қон қуилиб кетди. Дустларим тезда ярамни белбог билан boglab қўйдилар. Казак миршаби эса қочиб қутулди.

Биз Маҳмудбек мингбошининг уйига бориб, бутун мол-мулкини таладик. Мен ўз ўртоқларимга мингбоши уйидаги чиройли қилиб ишланган узун дорпечларни ҳам олишларини буюрдим. Маҳмудбекнинг уйида ҳеч нарса қолмади деса бўлади. Шундан кейин мен Ақшоқ қишлоғига — ўтай отамникига қочиб кетдим. Эртасига шаҳарга қовун сотишга тушган бир дехқон, шаҳарда миршаблар мени ахтараётганликларини, агар мени топиб беришмаса кўпчиликни жазолашларини хабар қилди. Бу хабарни эшитиб, ихтиёрий равиша шаҳарга тушдим ва қамоқقا олиндим.

Мени Янгибогдаги маҳкамада оёқ-қўлларимни боғлаб, казак солдатлари калтаклашди. Ҳушимдан кетиб қолдим. Бошқа қўзголончилар ҳам — мен сингари раҳмсиз жазоландилар. Янгибогдаги маҳкамада 3 та ўзбек аёли қўзголонга фаол қатнашганликлари учун қамалган эди. Бу ерда қиличдан жароҳатланган яра оғриғи зўрайиб кетди. Бир қанча вақт ўтгандан сўнг суд қилиниб, 15 йиллик сургунга бадарга қилдилар. Сибирдан 1917 йилдан кейингина она шаҳрим Маргилонга қайтиб келдим.

РАҲМОН РАЗЗОҚОВ

Туғилган йили — 1890

Туғилган жойи — *Марғилон шаҳри, Яккатут маҳалласи*

Миллати — Ўзбек

Отасининг машғулоти —

Арава устаси

Ўзининг машғулоти —

Отасига ёрдамлашган, шогирд

Ҳозирги вақтдаги манзили —

Фарғона шаҳри, Тошлиқ

тумани, Бирлик қишлоқ

кенгаши.

1916 йилга қадар мен туғилиб ўсан Яккатут қишлоғидаги экин майдонлари нинг анча қисми Мансурхўжа мингбоши, Саидаҳ-



мадхұжа ва Мамажон каби бойларнинг құлида эди. Бу бойларнинг ерларида дәхқонлар чоракор сифатида ишлаганлар. Чоракорлар тинмай ишлашларига қарамай ҳеч вақт үз турмушларидан мамнун бұлмаганлар. Чunksi, ер әгаси бұлған бой чоракор мәхнат қилиб етиштирған ҳосилнинг күп қисмини үзиге олиб, қолган оз қисмини чоракорга берар әди. Чоракорлар муҳтожлик на-тижасида бойлардан қарз олишга мажбур бұлғанлар. Аммо, чоракор үз қарзини тұлолмай, бойнинг қарздор-лик кишанига тушиб, бойнинг ерида худди қул каби ишлашга мажбур бұлған. Якка хұжаликка әга бұлған майды дәхқонларнинг ақволи ҳам жуда оғир бұлған. Оғир со-лиқлар ва ҳосилнинг күпинча унумсиз булиши натижа-сида майды дәхқонлар ҳам қарздор булып қолар, улар ҳам қарзларини беролмай, хонавайрон бұлғанлар. Чу-ноңчи, бойлар қарз олган дәхқонларнинг ерларини ва мол-мулкларини үзларига мажбурий равища тортиб олиш йули билан берган қарзларини ундирганлар. Ма-салан, қишлоқдаги Хошимбек Фозибеков номли бой камбагал дәхқон Қирғиз Исматуллаевнинг ерини үз қарзини бера олмаганлиги учун тортиб олган. Шундай йул билан Мансурхұжа мингбоши ҳам камбагал дәхқон Холмирза Ҳайитовнинг ерини үзиге қаратиб олган. Қишлоқда камбагалларга тутун пули, сув пули, таноб пули ва бошқа бир қатор солиқлар солинган. Умуман айттанда, 1916 йилги құзғолон араfasида қишлоқ ва шаҳар ақолисининг турмуши жуда оғирлашиб, мәхнат-каш омма зулмга қарши курашиши учун етилиб турған әди.

Ана шундай бир пайтда чор ҳукуматининг подшо-си үзбеклардан мардикорликка олмоқчи булып фар-мон чиқарди. Бу фармон камбагалларни шу даражада газаблантириди, ҳатто хотин-қызлар ва ёш болалар ҳам үз оталари, акаларига мададкор бұлдилар. Мен яшайдиган қариндошларимнинг маҳалласида туни би-лан шовқин-суронлар булып, «Чор ҳукумати ва минг-бошиларнинг уйи күйсин!», «Мардикорликнинг зул-мини ҳам биз камбагаллар тортамизми?!» — дейишиб золимларга қарши очиқдан-очиқ бош күтаришга қарор қылдилар. Мен ҳам буларнинг ҳаракатига құши-либ, құзғолонда иштирок этдім. Чunksi, мингбоши-ларга ва бойларга, бошқалар билан бир қаторда ме-

нинг ҳам аламим бор эди. Чунки, отам бир қатор солиқларни тұлаши билан биргаликда, мингбоши ва бошқа бойларга тегишли араваларни тузаттанды, улар отамға иш ҳақи бермас әдилар. Отам индамай, алами-ни ичига ютиб юрарди. Мардикорликка олиш тұғри-сидаги хабар тарқалған күннинг әртасига әрталаб шаҳарнинг Үрдатагига 20 мингта яқын одам тұпланды. Буларнинг құлида ойболта, пичоқ, йүнилған таекларни күриш мүмкін эди. Үрдатагига халқнинг тұплан-ғанligini әшиттган чор ҳукумати ва маҳаллий амал-дорлар халқни юпатмоқчи бўлиб, мардикорликка олишнинг гүё камбагалларга фойдали иш эканligini тушунтиришга интилдилар. Аммо, халойиқ учига рўмол боғлаган таекларини осмонга кутариб, «Мардикорликка бормаймиз!», «Золимлар борсин!» ва «Ур!»— деган овозлар кутарилди. Қузголончилар амалдорларга ҳужум қилиб, Маҳмудбек ва Мавлонбек мингбоши-ларни оломон қилиб үлдирилар. Мен Маҳмудбек мингбошининг ўлигини хотинлар томонидан тошбурон қилинишини ўз кўзим билан кўрдим. Мингбошиларни үлдиришда ўзим ҳам бевосита қат-нашдим. Одамлар мингбошиларнинг мурдалари тепа-сида туриб, «худога шукур, золимлардан қутулдик» деб шукrona қилардилар.

Қузголон вақтида чор ва маҳаллий миршаблардан ҳам кишилар үлдирилди. Шу воқеалардан кейин мен ўз қишлоғим Яккатутга қочиб кетдим ва шаҳарда қузголон бўлғанligini хабар қилдим. Бу хушхабардан руҳланған яккатутлик дехқонлар ҳам оёққа турдилар. Яккатут ва унинг атрофидан келган чоракорлар, хона-вайрон бўлган майда дехқонлар ва бошқа камбагаллар биргаликда қузголон кутариб, золимларга ва чор ҳуку-матига қарши курашдилар. Қузголончилар Мансурхўжа мингбошини уйидан олиб чиқиб, «Бизни устимиздаги зулм озми?», «Мардикорликка бойлар бор-син!» — деб унга ҳамла қилдилар. Мингбоши қочиб қутулди. Қузголончилар унинг уйига бостириб кириб, мол-мулкини талон-тарож қилдилар. Новвойчилик билан шуғулланған камбагал М. Солиев Мансурхўжа мингбошининг уйидаги шкафини очиб, бутун қарз векселларини олди ва қузголончиларга қараб, «Энди ҳаммангиз қарздорликдан қутулдингиз», — деб вексел-

ларни ёқиб юборди. Бу орада элликбоши Мирзарайим қўзғолончилар томонидан ҳушидан кетгунча калтакланди. Пешиндан кейин қочиб кетган Мансурхўжа казак солдатлари билан келиб, уч кишини отдириб ташлади. Кўп кишилар калтакланди ва қамоқقا олинди. Қўзғолончиларнинг фаол қатнашчиларидан 58 кишини, жумладан, мени ҳам тутиб, Фаргона турмасига қамадилар. Бу ерда ҳаммамиз суд томонидан турли муддатлар билан ҳукм қилинди. Марғилон шаҳридағи Үрдатаги қўзғолонида мингбошиларни ўлдиришга ташаббус кўрсатган камбагал Нурмат билан қўзғолоннинг актив қатнашчиси Мукаррамхон осиб ўлдирилди. Мени эса 4 йил каторга жазосига ҳукм қилдилар.

1917 йилда Марғилонга қайтиб келдим.

МУЗАФФАР ФОФУРОВ

Түғилган йили — 1889

Түғилган жойи — Марғилон шаҳри, Машад даҳаси, иккинчи Қорахўжа маҳалласи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машгулоти — Дәхқончилик, кўнчи

Ўзининг машгулоти — Отасига ёрдамлашган

Ҳозирги вактдаги манзили — Марғилон шаҳри, 98-мавзе, 19-уй.



Үрдатаги қўзғолонидан икки кун олдин Сайд-аҳмадхўжа Фиёсхўжаевнинг уйида чор ҳукуматининг

чиновниклари, тўрт мингбоши, тўрт депутат ва бошқа ҳукумат катталари йиғилишиб, мардикорликка олиш тўгрисидаги фармонни амалга ошириш масаласи бўйича муҳокама ўtkazilganligi шаҳарга маълум булиб қолди. Мингбошилар ва бошқа амалдорлар бой болаларини мардикорликдан олиб қолиш шарти билан пора олдилар ва мардикорлик рўйхатига камбагалларни кирғиздилар. Бу хабарларни кенг тарқалишига

Қосимхұжа қозининг кичик укаси Мукаррамхон сабабчи бүлган зди. Мукаррамхон ҳар даҳага одам юбориб мардикорликка фақат камбагаллардан олинмоқчы эканлигини хабар қилди. Шундан кейин камбагаллар ҳар жойларда тұпланыб, золимларга қарши құзғолон қилишта ахдлашдилар. Ұша куни әрталаб Үрдатагидағи майдонға бир неча минг киши тұпланди.

...Чор ва маҳаллий амалдорларга ҳужум бошланиши билан Маҳмудбек ва Мавлонбек мінгбоши, Аҳмад ва Суязов деган миршаблар оломон қилиниб үлдирилди. Қолған золимлар отта миниб ҳар томонға қочдилар. Шу воқеа юз берәёттән вактда Костя Марков исмли полиция старшийсі яқын уртадаги телефон будкасига кириб кетди. Мен ва Кимсан Иброҳимов миршаб телефон орқали аскарларни чақиришини англаб, дархол телефон симини узишга киришдик. Кимсаннинг ёрдами билан будка устига чиқиб, телефон симини узиб ташладим. Буни күрган миршаб қилич билан менға ҳамла қилди-да, отта миниб қочиб кетди. Ұша куни кечқурун Фарғонадан келган солдаттар қулиға тушмаслик мақсадида, аввал Құқон ва Андижон, сұнгра Тошкентта қочғанligim бефойда бўлиб, қўлга тушдим.

КИМСАН ИБРОҲИМОВ

Туғилған йили — 1889

Туғилған жойи — Марғилон

шахри, Төглиқ маҳалласи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машгулоти —

Кавушдўз косиб

Ўзининг машгулоти —

Марғилон шахар почта-
телеграф ишчиси

Хозирги вактдаги манзили —

Марғилон шахри, Пушкин
күчаси, 125-мавзе, 36-үй.

Менинг отам Марғилон шаҳрида ямоқчилік ва қавуш тикиш билан шугулланған. Ёлғиз отам оила-



мизни таъминлай олмаганлиги сабабли ёшлигимданоқ бойларнинг эшигига малайлик қилдим. Шунингдек, қоровулчилик, мешкобчилик, новвойларга югурдак ва извошлилик ишларини ҳам қилганман. 1915 йилда телефон тузатиш хунарини ўрганишга шогирд тушдим. Бу иш ҳам мени қашшоқликдан қутқара олмади. ...Қузголон кунидан бир кун аввал, кечаси маҳалларда, кӯчаларда ва уйларда кишиларнинг йигилишиб, «Бир ёқадан бош чиқарайлик!», «Золимларга қарши курашайлик», «Золимларнинг дастидан қачон қутуламиз» дейишиб, рўза саҳаридан кейин Үрдатагига тўпланишга келишишди. Мардикорликка олишга қарши курашаётганлар сафида бадавлат оилалардан ҳам йигитлар бор эди. Қаландархона даҳасининг қозиси Қосимхонхўжа ва унинг укалари Умархон ва Мукаррамхонлар шулар жумласидан эдилар. Айниқса Мукаррамхон мардикорликка қарши курашда фаол қатнашди. У қўзголондан бир кун аввал тунда маҳаллама-маҳалла от юргутириб, мардикорликка камбагалларгина олинмоқчи эканлигини хабар қилди. Рўза саҳаридан кейин Янгибогда жойлашган полиция маҳкамаси олдига кўп одамлар тўпланиб, чор ҳукумати амалдорларининг чиқишини талаб қилди. Аммо, улар қўрқиб, халқ қўзига куринмадилар. Шундан кейин халойиқ аzonга яқин Қаландархона даҳасидаги Жармачитга келди. Бу ерда ҳам кўп одамлар тўпланиб турган эканлар. Ҳаммамиз Қосимхўжа қозидан, «Сиз қози бўла туриб, нима учун адолатсизликка қарши чиқмайсиз!» — деб ҳақиқат талаб қилганимизга чидолмай, у бизнинг томонимизга ўтди ва бизлар билан бирга Саидаҳмадхўжа заводчиникига борди. Заводчи бой шаҳарнинг энг катта бойларидан бири бўлиб, мардикорликка олишнинг тарафдорларидан эди. Саидаҳмадхўжа ўзининг бу фаолияти билан чор ҳукуматига хизмат кўрсатмоқчи эди. У 4—5 мингдан ортиқ одамларни ўзига қарши келаётганларидан хабар топиб, Фарғонага қочиб кетган экан. Шуни айтиш керакки, Саидаҳмадхўжага қарши юрганларнинг орасида унинг ихтиёрида ишловчи ишчилар ҳам кўп эди.

Биз Саидаҳмадхўжани уйидан тополмай Үрдатагига келдик. Сафимиздагилар сони тинмай ошиб борарди. Биз Үрдатагига келганда у ерда ҳам жуда кўп сон-

даги кишилар йигилганини күрдик. Орадан кўп ўтмай чор ҳукуматининг мансабдорларидан бири мардикорликка олиш тўғрисидаги фармонни ўқиб тамомламасданоқ, эски йиртиқ чопон кийган бир камбагал турганларнинг елкасидан-елкасига эмаклаб ўтиб, фармонни ўқиётган мансабдорга ташланди ва уни қўлидаги қоғозни юлиб олди. Мансабдор эса унга қаратада ўқотишга чоғланди-ю, улгуролмади.

Қўзголончилар маҳаллий амалдорларга ҳужум қилиб, уларни оломон қила бошладилар. Мен эса Үрдатагидаги полиция будкасидан телефон орқали Фаргонадан аскар чақиришга интилаётган миршабни куриб, МузаффарFaфуров билан телефон симини уздиқ. Қўзголон вақтида мингбошилардан Мавлонбек ва Маҳмудбек ўлдирилди. Ҳатто, Маҳмудбек мингбошининг мурдаси тошлар билан пачоқлаб ташланди. Маҳмудбек мингбошининг қиличини Мавлон Лайлаев тақиб олиб, «золимларни қирамиз» деб бир туда қўзголончиларга бош бўлиб кетаётганлигини кўрдим. Иккинчи мингбоши Мавлонбек капоннинг жувор бозорида ўлдирилди. Бу ерда чойхона қуриш учун келтирилган гишт уюми Мавлонбек бошига ёғилди ва у гишт тагида қолиб кетди. Қўзголончиларнинг бир қисми чор ҳукуматининг Суязов номли полиция старшийсини қувлаб бориб, ҳозирги электр станциясининг рўпарасида оломон қилиб ўлдириди. Үртадагидаги Қодиржон носфурушнинг дўконига беркинган иккинчи бир миршаб ҳам ўлдирилди. Қўзголончиларнинг бошқа бир қисми Аҳмад миршабни ўлдирилар. Қўзголончиларнинг катта бир қисми амалдорларнинг уйларига бостириб бориш учун ҳар маҳаллага тўдатуда бўлиб кетдилар. Чунончи, Мавлон Лайлаев билан биргаликда Үрдатагидан кетган қўзголончилар Ҳусанхўжа бойни ўлдирилар ва унинг мол-мулкини талон-торож қилдилар.

Үрдатагидаги қўзголон казак солдатларининг куч билан бостириши, қўзголончиларнинг қамоқча олиниши билан тутади.

мизни таъминлай олмаганлиги сабабли ёшлигимданоқ бойларнинг эшигига малайлик қилдим. Шунингдек, қоровулчилик, мешкобчилик, новвойларга югурдак ва извошчилик ишларини ҳам қилганман. 1915 йилда телефон тузатиш хунарини ўрганишга шогирд тушдим. Бу иш ҳам мени қашшоқликдан қутқара олмади. ...Қузголон кунидан бир кун аввал, кечаси маҳалларда, кучаларда ва уйларда кишиларнинг йигилишиб, «Бир ёқадан бош чиқарайлик!», «Золимларга қарши курашайлик», «Золимларнинг дастидан қачон кутуламиз» дейишиб, рўза саҳаридан кейин Ўрдатагига тўпланишга келишишди. Мардикорликка олишга қарши курашаётганлар сафида бадавлат оиласардан ҳам йигитлар бор эди. Қаландархона даҳасининг қозиси Қосимхонхўжа ва унинг укалари Умархон ва Мукаррамхонлар шулар жумласидан эдилар. Айниқса Мукаррамхон мардикорликка қарши курашда фаол қатнашди. У қузголондан бир кун аввал тунда маҳаллама-маҳалла от югуртириб, мардикорликка камбағалларгина олинмоқчи эканлигини хабар қилди. Рўза саҳаридан кейин Янгибогда жойлашган полиция маҳкамаси олдига кўп одамлар тўпланиб, чор ҳукумати амалдорларининг чиқишини талаб қилди. Аммо, улар қўрқиб, халқ қўзига кўринмадилар. Шундан кейин халойиқ аzonга яқин Қаландархона даҳасидаги Жармачитга келди. Бу ерда ҳам кўп одамлар тўпланиб турган эканлар. Ҳаммамиз Қосимхўжа қозидан, «Сиз қози була туриб, нима учун адолатсизликка қарши чиқмайсиз!» — деб ҳақиқат талаб қилганимизга чидоммай, у бизнинг томонимизга ўтди ва бизлар билан бирга Саидаҳмадхўжа заводчиникига борди. Заводчи бой шаҳарнинг энг катта бойларидан бири бўлиб, мардикорликка олишнинг тарафдорларидан эди. Саидаҳмадхўжа ўзининг бу фаолияти билан чор ҳукуматига хизмат кўрсатмоқчи эди. У 4—5 мингдан ортиқ одамларни ўзига қарши келаётганларидан хабар топиб, Фаргонага қочиб кетган экан. Шуни айтиш керакки, Саидаҳмадхўжага қарши юрганларнинг орасида унинг ихтиёрида ишловчи ишчилар ҳам кўп эди.

Биз Саидаҳмадхўжани уйидан тополмай Ўрдатагига келдик. Сафимиздагилар сони тинмай ошиб борарди. Биз Ўрдатагига келганда у ерда ҳам жуда кўп сон-

даги кишилар йигилганини күрдик. Орадан күп үтмай чор ҳукуматининг мансабдорларидан бири мардикорликка олиш тұғрисидаги фармонни үқиб тамомламасданық, эски йиртиқ чопон кийган бир камбағал турғанларнинг елқасидан-елқасига әмаклаб үтиб, фармонни үқиёттан мансабдорга ташланди ва уни қулидаги қозозни юлиб олди. Мансабдор эса унга қаратада үқ отишига өзгөләнді-ю, улгуролмади.

Құзғолончилар маҳаллий амалдорларга хужум қилиб, уларни оломон қила бошладилар. Мен эса Үрдатагидаги полиция будкасидан телефон орқали Фарғонадан аскар чақиришга интилаёттан миңшабни куриб, Музaffer Faфurov билан телефон симини уздик. Құзғолон вақтида мингбошилардан Мавлонбек ва Маҳмудбек үлдірилди. Ҳатто, Маҳмудбек мингбошининг мурдаси тошлар билан пачоқлаб ташланди. Маҳмудбек мингбошининг қиличини Мавлон Лайлаев тақиб олиб, «золимларни қирамиз» деб бир тұда құзғолончиларга бош бўлиб кетаётгандыгини күрдим. Иккинчи мингбоши Мавлонбек капоннинг жувор бозорида үлдірилди. Бу ерда чойхона қуриш учун келтирілген гишт уюми Мавлонбек бошига ёғилди ва у гишт тагида қолиб кетди. Құзғолончиларнинг бир қисми чор ҳукуматининг Суязов номли полиция старшийини құвлаб бориб, ҳозирғи электр станцияснинг рұпарасида оломон қилиб үлдірди. Үртадагидаги Қодиржон носфурушнинг дүконига беркинган иккичи бир миршаб ҳам үлдірилди. Құзғолончиларнинг бошқа бир қисми Аҳмад миршабни үлдірдилар. Құзғолончиларнинг катта бир қисми амалдорларнинг үйларига бостириб бориш учун ҳар маҳаллага тұда-тұда бўлиб кетдилар. Чунончи, Мавлон Лайлаев билан биргаликда Үрдатагидан кеттеган құзғолончилар Хусанхұжа бойни үлдірдилар ва унинг мол-мұлкини талон-торож қилдилар.

Үрдатагидаги құзғолон казак солдатларининг күч билан бостириши, құзғолончиларнинг қамоққа олиниши билан тугади.

УМАРХОН ЮСУФАЛИХҮЖАЕВ



Туғилган йили — 1866

Туғилган жойи — Марғилон шаҳри, Қаландархона даҳаси
Миллати — Ўзбек

Отасининг машгулоти — Қози
Ўзининг машгулоти — Қози
Ҳозирги вақтдаги манзили —
Марғилон шаҳри, Тельман кӯчаси, 122-мавзе, 135-үй.

1916 йилнинг 11 июлида Марғилон шаҳрининг ҳукумат бошлиқлари, жумладан, полиция бошлиқлари ва мингбошилар ўзбеклардан мардикорликка олиш тўғрисидаги императорнинг фармонини олган-

ликлари маълум бўлди. Ушбу хабар шаҳар аҳолисини газаблантириб, уларнинг қўзголон кутаришига олиб келди. 11 июлдан кейинги кунга ўтар кечаси ҳар маҳаллада камбагалларнинг йигилишлари бўлиб, қўзголон қилиб, норозилик билдиришга келишиб олинди.

12 июлнинг эрта азонида Үрдатагига шаҳарнинг ҳар томонидан одамлар келиб тўплана бошладилар. Шаҳар амалдорлари шу ерда мардикорликка олиш фармонини расмий суратда эълон қилдилар. Фармон ўқиб эшитдирилаётган вақтда халойик шовқин-сурон кутариб, «Жон берсак ҳам, мардикор бермаймиз!» — деб бақиришди. Қисқаси, қўзголон Маҳмудбек ва Мавлонбек мингбошиларнинг ўлдирилиши ва мингбошилар уйларининг таланиши билан тугади. Уша куни кечқурун қўзголонда иштирок этган акам Қосимхўжа (Қаландархонанинг биринчи қозиси), укам Мукаррамхон ва мен қамоқقا олиндик. Укамни биздан кейинроқ ушлаб келишди.

1916 йилнинг октябрь ойида бизларни суд қилиб, мени ва акамни 15 йил қамоқ жазосига, укам Мукаррамхонни эса осиб ўлдиришга ҳукм қилдилар.

Шунга биноан укамни Фарғона турмасида осдилар. Мени ва акамни Самарқандга юбордилар. Бу ердан биз чор ҳукумати агдарилгандан кейин озод қилиндиқ.

НАЗИР АБДУЛЛАЕВ

Туғилган йили — 1897

Туғилган жойи — *Марғилон шаҳри, Қаландархона даҳаси*

Маҳаллабеклар майдони

Миллати — Узбек

Отасининг машгулоти —

Чоракор

Ўзининг машгулоти —

Бойларнинг хизматкори,

извошчиси

Ҳозирги вақтдаги манзили —

Марғилон шаҳри, Водопянов

кӯчаси, 71-йй, 55-хона.

Ҳозирги вақтдаги

машгулоти — Ногирон

1914—1916 йилларда


мен бойларнинг эшигига

хизматкорлик қилдим,

Мирзакарим Саримсоқов

деган бойнинг извошини ҳайдадим. Шартимиз бўйича, бой менга ойига б сўм бериши керак бўлса ҳам, аслида бу пулнинг оз микдорини берар ёки бутунлай бермас эди. Отам эса гоҳ чоракор, гоҳ хизматкор булиб, бир бурда нон учун сарсон бўлган. Бизнинг оиласадек ночор оиласалар маҳалламиизда кўпчиликни ташкил этарди. Марғилон шаҳридаги Саидаҳмадхўжа, Маҳмудбек мингбоши, Мавлонбек мингбоши, Ҳусанхўжа эшон, Мўминжон ва бошقا бойлар, шунингдек, чор ҳукуматининг амалдорлари инсофисзликда учига чиққан эдилар. Уз жойимиздаги галвалар етмагандек, энди бизларни бошқа юртларга олиб бориб, мардикор сифатида ишлатмоқчи бўлди.

Үрдатагига тўплангандилар орасида қўйинларига тош солиб келган ва қўлларига таёқ ушлаган камбағаллар



күпчилликни ташкил этарди. Мен ҳам чұнтағимга ва қүйнімға тош солиб, шайланиб туардым. Құзғолонда Маҳмудбек ва Мавлонбек мінгбошилардан ташқари маҳаллий ва чор ҳукумати амалдорларидан яна 7—8 киши оломон остида үлдирилди. Құзғолончиларнинг орасыда Нурмат билан Мавлон Лайлаев айниқса катта жасорат күрсатиб, мінгбошиларни үлдиришда ва уларнинг мол-мұлкларини талашда жонбозлик күрсатдилар.

Кече яқын казак солдатлари шаҳарға келиб күп одамларни Яңгибөндеги маҳкамага қамадилар ва аёвсиз жазоладилар.

Құзғолон қатнашчиларининг устидан олиб борилған суд ҳам гайри қонуний тарзда кечган. Улар рус тилини билмасликларига қарамай «жиной иш» үша тилде олиб борилған. Умуман суд номигагина үтказилиб күплаб бегуноқ кишилар суд ҳукми билан жазога тортила берган. Чор маъмуриятининг бу сиёсати туфайли қамалғанларнинг оиласлари бокұвсиз қолиб хонавайрон бўлдилар.

МУҲАММАДРАСУЛ МУҲАММАДИБРОҲИМОВ



Түғилған йили — 1890

Түғилған жойи — *Марғилон шаҳри, Машад даҳаси, иккінчи Оталик маҳалласи*

Миллати — Үзбек

Отасининг машгулоти —

Тұнғурууш

Үзининг машгулоти —

Тұнғурууш

Хозирғи вақтдаги мәнзили —

Марғилон шаҳри, 66-мавзе, 50-үй.

Чор ҳукумати даврида Марғилон шаҳрида бойлар ва камбағаллар ўртасыда зиддият янада чуқур илдиз отди. Маҳаллий бойлар ва чор ҳукумати фуқароларни

ҳар вақтдагидан күра қаттиқроқ хұрладилар ва әздилар. Маҳмудбек ва Мавлонбек мингбошилар оддий халқ құзига азроилдек күринарди. Улар бегуноқ камбағалларни оёқ остига олиб тепар ёки қамчи билан урап әдилар. Мингбошилар ва бошқа бойлар үzlарининг қылған адолатсизликлари учун мутлақо жазога тортилmas, чунки чор ҳукуматининг амалдорлари ва бошқа давлат кишилари бойларнинг тарафида туриб, бегуноқ камбағалларни қоралар әдилар. Қарздорларнинг ақволи жуда аянчли әди. Бундай вақтда камбағал янада хонавайрон бұлар әди. Масалан, Маҳмудбек мингбоши этикдұз Охунжон Мирзакаримовни қарзини бера олмаганligи важидан ери ва мол-мұлқини зүрлик билан тортиб олиб, унга берган қарзини бир неча мартаба ортиги билан ундириб олган әди. Ана шундай шароитлар қобиғидаги зиддиятлар етилиб, ниҳоят 1916 йилда құзғолон күтарилди. Құзғолоннинг булишига мардикорликка олиш тұғрисидаги ҳаракат турткі бўлди.

Құзғолондан бир-икки кун олдин Маҳмудбек мингбоши катта ўтиришларда, «энди пахтамиз очилди», «энди пахтамизни терамиз» деб мақтаниб жаврабди. Дастлаб, бу гапларга ҳеч ким тушунмабди. Фақат құзғолон бўладиган куни кечаси Маҳмудбек мингбошининг «пахтамизни терамиз»ининг маъноси аён бўлиб қолди. Чунончи, камбағалларни ва бошқа унчалик бой бўлмаган кишиларни мардикорликка олиш тұғрисида рус подшосининг хабари келган экан. Ана шу мардикорликка олиннишидан Маҳмудбек ва Мавлонбек мингбошилар фойдаланиб, пахтадан олинадиган даромадга ўхшаш катта даромадга эга бўлмоқчи эканлар. Уларнинг ўрнига мингбошилар фақат камбағалларни мардикорлик рўйхатига ёзиб, бойлардан катта пора олганликлари маълум бўлди.

Үрдатагидаги құзғолончилар орасида отам билан мен ҳам бор әдик. Чор ҳукумати фармонининг ярми үқилмасданоқ, халқ орасида камбағалларнинг норозилиги бошланди. Натижада Мавлонбек ва Маҳмудбек мингбошилар ўлдирилди. Құзғолончиларнинг бир қисми камбағал Йўлдош аттор бошчилигиде Үртадагидаги томошахонага полицияни қувиб боришли. Бу құзғолонда отам Мұхаммадиброҳим Мирсаидов, укам

Ҳошимжон Муҳаммадиброҳимов ҳам қатнашиши. Ўша куни кечқурун отамни, мени ва укамни Янгибог маҳкамасига олиб бориб, қамадилар. Бу ерда казак аскарлари оёқ-қулларимизни боглаб, калтакладилар.

Мен 40 кун давомида, отам 80 кун давомида бироз ўзимизга келдик. 82 кишини, жумладан, бизларни ҳам Фаргонага олиб бориб суд қилдилар. Судда гувоҳ ва даъвогар сифатида Марғilonning мингбошилари, бойлари ва амалдорлари қатнашдилар. Қўзғолоннинг фаол иштирокчиларидан Нурмат ва Мукаррамхон суд ҳукми билан осилдилар. 75 ёшли отам 15 йилга, мен бир йилга, 20 ёшли укам 3 йилга ҳукм қилинди.

Кўп одамларнинг ушланганлиги туфайли қамоқхонада оёқ босишига жой қолмаган эди. Бундан ташқари ҳавонинг иссиқ бўлиши нафас олишни қийинлаштиради. Кўплаб кишилар дардга чалингандилар. Менинг кўз ўнгимда бир неча бегуноҳ кишилар дунёдан кўз юмдилар.

РАҲМАТИЛЛА МАҚСУДОВ



Туғилган ўили — 1886

Туғилган жойи — *Марғилон* уезди, Тошлоқ волости, Тоҷик қишилоги

Миллати — Ӯзбек

Отасининг машгулоти —

Камбағал дэҳқон

Ўзининг машгулоти —

Камбағал дэҳқон

Ҳозирги вақтдаги манзили —

Марғилон шаҳри, 45-мавзе,
22-үй

Езёвон волостига қарашли қишлоқлардан ва, шунингдек, бизнинг қишилогимиздан кўп сонли камбағаллар Марғилон шаҳрининг чеккасидаги Намангана борадиган йўлда,

Чиганоқ деган жойда тұпландилар. Бу ерда хукumat идораси жойлашган эди. Газабланған халойиқ «Мардикорликка бормаймиз!» — деб амалдорларға қараб тош оттилар. Полиция ва мингбошилар эса халойиққа қараб үқ уздилар ва одамларни қалтаклай бошладилар. Шундан кейин құзғолончилар тұsatдан ҳужумга үтиб, золимлардан бир нечтасини үлдирдилар. Аммо, құзғолон бостирилди ва күп кишилар қамоққа олинди ва қаттиқ жазоланди. Чиганоқдаги құзғолонда бевосита қатнашғанлыгым учун мен ҳам яшириндим. Лекин, маълум вақтдан сұнг мени мажбурий суратда мардикорликка юбордилар. Ёзёвон волостидан жами 100 киши мардикорликка олинди. Булар билан мени Тошкент орқали Тамбов губерниясига қарашли Либиский шаҳридаги чүян заводига олиб бордилар. Бу ерда биз назоратчиларнинг қалтаклари ва хұрлашлари остида кунига 12 соатдан ишлаб, заводға руда ташидик. Очликдан ва совукдан бир неча ҳамроҳларимиз ҳалок бўлдилар.

Чор хукумати ағдарилғандан кейингина бизлар ўз Ватанимизга қайтишга муваффақ бўлдик.

ИСЛОМ РАҲИМОВ

Түғилған йили — 1875

Түғилған жойи — Марғилон

шахри, Сопилтұда даҳаси,

Сопилтұда маҳалласи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машгулоти —

Темирчилик

Ўзининг машгулоти —

Темирчилик

Хозирги вақтдаги манзили —

Марғилон шахри, 163-мавзе,

15-үй

Отам ва мен кетмон, уроқ ва омоч тиги ясар эдик. Отам вафот этгач, бир ўзимга темирчилик билан шугулланиш оғирлик



қилди. Шундан кейин турли ишлар билан шугулландим. Отам тириклик вақтида ҳовлимизнинг ичкариси ни Алиёрбой қўлига утиб кетиши бизни анча хонавайрон қилган эди. Бечора отам муҳтоҷлик натижасида Алиёрбойдан олиб, вақтида қайтара олмаган 40 тилла туфайли ичкари ҳовлимизни унга бериб, қарздан қутулган эдик.

Шаҳардаги ипак газлама тикувчи косиблар устакорларнинг қўлида ишлаб, тайёрланган газламанинг ўндан бирини ёки саккиздан бирини олар эдилар. Косиблар кўпинча устакорлардан қарз бўлғанлигидан ўша арзимас газламани ҳам ололмас эдилар. Бойлар камбагалларни турли қийинчиликларга мубтало қилиб, бойлик орттирадилар. Масалан, Кунжак маҳалласидаги Усмончабой бир камбагал деҳқоннинг ерини ўзи ерига қўшиб олиш мақсадида маҳалла катталарини зиёфат қилиб, улардан камбагал деҳқоннинг ерини олиб беришларини талаб этади. Оғзи мойланган маҳалла катталари камбагал деҳқоннинг курпаёстикларини мажбурий равишда кўчага олиб чиқиб ташлаб, унинг ерини бойга зуравонлик билан олиб бердилар.

Ана шулар натижасида ва мардикорликка олиш хабари камбагалларни 1916 йилда қўзғалишга ундади. Қўзғолондан бир кун илгари кечқурун Мукаррамхон қўлимга 4 булак хат бериб, тўрт даҳага тарқатишим кераклигини айтди. Бу ерда шуни айтиш керакки, Мукаррамхон қозилар оиласидан бўлишига қарамасдан, камбагалларга хайриҳоҳ эди. Мукаррамхоннинг топшируви билан 4 дона хатни тарқатиб қайтгач, чойхонага киришим билан орқамдан Маҳмудбек мингбоши Шоюсуф ва Азим миршаблар билан келиб мени тутдилар. Улар хат тарқатганлигимни сезиб қолишган экан. Миршаблар Маҳмудбек мингбоши бошчилигида мени боғлашиб, оёқ болдиrimни тилиб орасига туз сепдилар. Шу онда Мукаррамхон келиб Маҳмудбек мингбошига, «Эрталик умринг борми ёки йўқми, ҳадеб ваҳшийлик қиласерасанми?!» — деб унга дўқ қилди. Мен шундан кейин хушимдан кетиб қолибман. Эрта билан аzonда қўзимни очсан уйимда ётибман. Шу вақт кўчадан шовқин-суронлар эшитилди. Мажолим йўқлигига

қарамай, базур Үрдатагига чиқдим. Құзголон авж олған экан. Бұлаёттан воқеаларни бир чеккадан күзатиб турар эканман, үзим үз ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилаёттан камбагаллар сингари ўч ололмаёттанлигидан афсусланардим. Ўша куни, чамаси соат 5—6 ларда казак солдатлари келгандыгини эшитиб, Тошкентта қочиб кетдим.

Бу шаҳарда турли жойларда яшириниб юрдим. Сұнг мардикорлик ва бошқа улгуржи ишлар билан шүгүлланиб рўзгорни зўрга тебратиб турдим. Кийимларим шу даражада эскириб ва йиртилиб кетган эдики одамлар менга ҳайратланиб қараптилар. Турли хил кишиларнинг эшигига ишлашга тўгри келди. Айримлари менга раҳми келиб озиқ-овқатдан ташқари кийим-кечак ҳам берардилар. Бир куни кўчадан шовқин-сурон эшитилиб қолди. Одамлардан суриштириб билсан золим подшоҳ тахтдан агдарилган экан. Шундан сўнг уйимга қайтдим.

ОРИФЖОН АБДУҒАФУРОВ

Туғилган йили — 1875

Туғилган жойи — Марғилон шаҳри, Сегаза кўчаси, Ўрта Қадим қишлоғи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машгулоти —

Камбағал дәҳқон

Ўзининг машгулоти — Мирза

Хозирги вақтдаги манзили —

Марғилон шаҳри, Навоий кўчаси, 20-мавзе, 144-йи

Марғилон шаҳрининг Үрдатагида құзголон бўлган куни тахминан соат 11—12 ларда Кўқондан етиб келдим. Чиндан ҳам бундай катта құзголонни кўрмагандим.

Үрдатагига келганимда құзголончилар Маҳмудбек ва Мавлонбек мингбошиларни ва бошқа амалдорлар-



ни ўлдириб қўйғанликлари менга маълум бўлди. Бир неча соат ўтгандан кейин шаҳарга солдатлар келиб ва уйма-уй юриб, қўзголончи камбагалларни қамоққа олдилар. Қулга олингандарнинг ҳаммаси Фаргона турмасига юборилиб, суд қилиндилар ва турли муддатларга қамалдилар. Улардан бир нечтаси эса осишга ҳукм этилган эди. Буларнинг оиласи мени вакил сифатида Тошкентта, генерал-губернатор Куропаткинга суд ҳукмини енгиллаштиришни талаб этиш учун юбордилар. Чор ҳукумати ва унинг амалдорлари жалқ оммасининг суд ҳукмидан жуда қаттиқ норози бўлганликларидан чучиб, ўлим жазоси берилган ҳукмни узоқ муддатли қамоқ жазоси билан алмаштириди. Қўзголончиларнинг энг фаолларидан бўлган Нурмат ва Мукаррамхон осилдилар.

Бу икки киши ўз ватани ва халқи учун жонини фидо қилган қаҳрамонлардан эди. Шаҳар аҳолиси уларнинг ўлимидан қаттиқ қайғуга ботиб, золимларни лаънатлаганлари ҳамон эсимда.

МАМАЖОН ТОШПЎЛАТОВ



Туғилган йили — 1896
Туғилган жойи — Марғилон шаҳри, Қаландархона даҳаси
Миллати — Ўзбек
Отасининг машғулоти — 1914 йилгача Файзиобод волости-нинг оқсоқоли, ўртаҳол дәҳқон
Ўзининг машғулоти —
Фарғона шаҳри билим юртинг ўқувчиси
Хозирги вақтдаги манзили —
Марғилон шаҳри, 27-мавзе,
91-үй

Марғилон шаҳрининг Урдатагидаги майдонида бўлган қўзголонда чора-корлар, ҳунармандлардан ташқари завод ишчилари ҳам фаол қатнашган эдилар. Чунончи, 1914—1916 йилларда Марғилонда бир нечта

пахта заводи бўлиб, буларда асосан маҳаллий ишчилар ишлар эдилар. Завод эгалари Саидаҳмадхўжа Фиёсхўжаев, Мадрайимқори Саримсоқов, Муллақора-бек Ботирбеков, Мирзаолим Мирдовидов ва бошқалар ишчиларга жуда қаттиқ зулм ўтказардилар. Пахта заводи ишчилари 12 соат, ҳатто ундан кўп вақт ишлаб, жуда оз иш ҳақи олганлар. Уларнинг турар жойлари ва турмуш кечиришлари оғир бўлиб, ишчилар орасида турли касалликлар билан оғриганлар оз эмас эди. Шунинг учун ҳам ишчиларни шаҳарнинг бошқа камбағаллари билан бирғалиқда Үрдатагидаги қўзғолонда фаол қатнашаётганликларини ўз кўзим билан кўрдим. Мен бу вақтда ўқишдан таътилга Марғилон шаҳрига келганлигим туфайли Үрдатагидаги қўзғолоннинг гувоҳи бўлдим..

Хуллас, қўзғолонда завод ва темир йўл ишчилари ҳам темир-терсак ва бошқа нарсалар билан қуролланиб мингбошиларни ҳамда чор амалдорларни ўлдиришда фаол қатнашиб, озодлик курашига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар.

ТУРСУН МИРЗАБОЕВ

Туғилган йили — 1888

Туғилган жойи — Марғилон шаҳри, Журмон маҳалласи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машғулоти —

Чоракор

Ўзининг машғулоти —

Чоракор, мардикор, хизматкор

**Ҳозирги вақтдаги манзили —
Марғилон шаҳри, Навоий қўчаси, 1-мавзе, 8-үй**

Бизнинг ўз ҳовли-жойимиз йўқ эди. Отам чоракор, онам оқсочлик қилар эдилар. Бизларга ўхшаш камбағаллар Марғилон шаҳрининг аҳолисини кўпчилик қисмини ташкил



этган. Шунинг учун ҳам 1916 йилги халқ қўзғолонида камбагаллар актив қатнашиб, золимларга қарши бош кўтарган эдилар. Мен ҳам бошқа камбагаллар билан бир қаторда Урдатагидаги қўзғолонда қатнашгандар.

Қўзғолондан бир неча кундан кейин мажбурий суратда мардикорликка олиндим. Мени ва бошқа ҳамроҳларимни Пенза-Сизран орқали Минский губерния-сига олиб бориб, қаттиқ зулм остига олдилар.

Бизларни айниқса бегона юртнинг совуқ ва ёмғирли иқлими қаттиқ қийнади. Ётадиган жойимиз ниҳоятда ёмон эди. Овқатлари фақат картошка ва карам бўларди. Берадиган бир бурда нонига ҳеч ҳам қорнимиз тўймасди. Мардикорлар орасида кўплари бу шароитга чидамасдан ўлиб кетишарди. Золим подшоҳ тахтдан агдарилгандан кейин она шаҳримга қайтиб келдим.

ЖАЛОЛИДДИН КАМОЛИДДИНОВ



Рўза кунларидан бирида эрта билан Урдатагига кетаётган отам Камолиддин Ҳожихолиев билан мен ва кичик синглим ҳам бордик. У ерда бизга ўхшаш ёш болалар жуда кўп экан. Улар бир чеккада туриб, катталарнинг шовқин-суронини томоша қилишарди. Оломон мингбошиларни ўлдиргандан сўнг мен синглим билан уйга кетдик. Шундан биринки соат ўтгач, эшигимиз олдида отамни полициялар олиб кетди. Мен отамнинг аҳволини кўриб ҳайрон бўлдим ва йиглаб юбордим. Бир неча кунлардан

кейин отамни Фаргона турмасида эканлигини билиб, онам билан бир неча маротаба бордик. Биз отамни суд қилинган куни ҳам ўша ерда эдик. Золимлар отам-

ни ва бошқа Урдатагида бўлган қўзғолонда қатнашгандарнинг бир гурухини осишга ҳукм қилдилар. Шундан кейин онам билан Тошкентга Куропаткин олдига ариза кўтариб бордик. Тошкентта борган куни мизнинг эртасига, бизларга отамни осишни 10 йил муддат билан Сибирга бадарга қилишга алмаштирилганини айтдилар. Бу жавобни олиб, Фаргонага қайтдик. Бу ерда отамни ўлим жазосига ҳукм қилингандарни ва қўл-оёғига кишан солинганини кўрдим. Мен бу даҳшатли фожиани кўриб бехуш булиб йиқилибман. Анча вақт касал бўлиб ётдим. Афтидан суд томонидан отамга берилган ўлим жазоси узоқ муддатли Сибирга сургун билан алмаштирилган бўлса керакки, отам 1917 йилда чор ҳукумати агдарилгандан кейин багримизга кайтиб келди. Мен халқ озодлиги учун курашган отам билан фаҳрланаман.

Отам 1917 йилги Февраль воқеасидан кейин озод бўлди. Бундан кейинги вақтларда отам давлатнинг сиёсий органларида хизмат қилиб, эл-юрг тинчлиги йўлида кўпгина яхши ишларни амалга оширди.

БЎТАБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ

Тугилган йили — 1875

Тугилган жойи — Марғилон,

Яққатут қишлоғи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машгулоти —

Чоракор


Ўзининг машгулоти — Чоракор

Ҳозирги вақтдаги манзили —

Тошлоқ райони, Яққатут

Бирлик қишлоқ кенгаши

Марғилон шаҳрининг Урдатагида бизга ўхшаш камбағалларнинг золимларга қарши бош кўтариб, улардан бир нечтасини ўлдиргандари тўғрисидаги хабар бизларни ҳам қўзғолон кўтаришга рухлан-




тирди. Үрдатагидаги құзғолондан кейин үз кучимизга бұлган ишончимиз ортди. Шундан кейин мен ва бошқа ҳамроҳларим чоракорликдан озод булиш учун құзғолон күтаришга келишдик.

Мен ва отам күп йиллар давомида бойларнинг кенг далаларида бошқа камбагал деҳқонлар сингари етиштирган ҳосилимиздан тұртдан бир, ёки бешдан бир қисмини олиш шарты билан кечаю-кундуз меңнат қиласр әдик. Шунинг учун ҳам мен Яккатутда бұлган құзғолонда чоракорликка қарши бош күтардим. Худди шу мақсад билан менинг чоракор ўртоқларим ҳам құзғолонда фаол қатнашған әдилар. Бизларнинг чоракорликка қарши нафратимизни ва норозилигимизни мардикорликка олиш тұғрисидаги буйруқ очиқ құзғолон күтаришимизга йұналтирган әди. Қишлоғимиздаги камбагаллар, «Бундай ҳаётдан күра үлганимиз яхшироқ!», «Мардикорликка бормаймиз!» — деган сұзлар билан әрталаб Яккатутдаги мачит олдига тұпландылар. Бу ердан улар Мансурхұжа мингбошининг уйига борган әдилар. Аммо, Мансурхұжа чоракорларнинг жазосидан құрқиб, қочиб кетишта эришди. Шундан кейин құзғолончилар Мансурхұжаның бутун мол-мұлкини таладылар. Құзғолончилар Мансурхұжага тегишли молларни, жумладан, құрпа-әстикәларни, гиламларни, құйларни, самоварни, кийим-кечакларини ва ҳатто қозонигача талон-тарож қилдилар. Шунингдек, құзғолончилардан бири Мансурхұжаның камбагалларга қарз берган пулларини күрсатувчи векселларини ёндриб ташлади.

Құзғолончилар әлликбоши Мирзарайимни ҳуши кетгүнча оломон қилдилар. Шунингдек, улар Мансурхұжа мингбошининг яқын кишиларидан бири бұлган Муллаисхөқ Ҳамроевни ҳам қаттиқ жазоладылар. Құзғолон бостирилгач, мени бошқалар қатори қамоққа олиб, суд қилдилар ва 4 йил муддат билан қаторгага ҳукм қилдилар. Чор ҳукумати ағдарилғандан кейин турмадан қутулдым.

ЗУЛФИҲОР МУСАХӮЖАЕВ



Туғилган йили -- 1890

Туғилган жойи — Марғилон шаҳри, Қаландархона даҳаси,
Ботирбоши маҳалласи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машғулоти — Гишт төрөвчи

Ўзининг машғулоти — Косиб

Хозирги вақтдаги машғулоти —
Ногирон

Хозирги вақтдаги манзили —
Марғилон шаҳри, Пушкин кўчаси, 124-үй, 4-хона

Биринчи жаҳон уруши туфайли Марғилон шаҳрида турли хилдаги солиқлар

янада ошиб, меҳнаткашларнинг аҳволи жуда мушкуллашди. Шундай вақтда чор ҳукумати мардикорликка олиш тўгрисида буйруқ чиқарди. Бу буйруқ камбағал аҳолининг сабр-косасини тулдириб юборди ва 1916 йилги Урдатагидаги қўзғолонга туртки бўлди. Қўзғолон кутарган камбағаллар маҳаллий бойларга ва чор ҳукуматига қарши очиқдан-очиқ курашдилар. Чунончи, Урдатагига тўпланган эркаклар, хотинлар ва ҳатто болалар золимларга хужум қилиб, мингбошилардан Мавлонбек ва Маҳмудбекни, шунингдек чор амалдорларидан бир нечтасини ўлдирдилар. Золимларга қарши курашда Урдатагига тўпланган кишилар шунчалик кўп эдики, улар бир-икки маротаба бўлса ҳам, гишт ёки тош отиб қолишга интилардилар.

Ўша куни кечки пайт чор ҳукуматининг жазо отрядлари келиб, ҳалқقا нисбатан шундай адолатсизликларни ва хўрлашларни қилдики, буни сўз билан тасвиrlашга ожизлик қиласман. Бошқа кишилар билан бир қаторда мени ҳам жазо отрядлари қидириб юрганилигини билиб, қочдим ва охирида Шоҳимардонга бордим. Бу ерда қўзғолон вақтида телефон симини узган Музаффар Faфуровни ҳам кўрдим. У ҳам яшириниб юрган экан. Шундай қилиб, бир неча вақт да-

вомида яширин равища қочиб юрганлигим учун чор хукумати қафасига тушмадим. 1917 йил февраль воқеасидан кейин очиқ равища юриш имконига эга бўлдим.

АБДУМУМИН АБДУМУТАЛИЕВ

Туғилган йили — 1899

Туғилган жойи — Марғилон

шаҳри, Тешиоғз даҳаси,

Тахталик маҳалласи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машгулоти —

Дурадгор


Ўзининг машгулоти —

Дурадгор, чорикор, хизматкор

Ҳозирги вақтдаги манзили —

Фарғона шаҳри, Оқариқ

кўчаси, 21-үй.



Маҳаллий бойлар ва чор амалдорларининг жабр-зулми жон-жонимиздан ўтиб кетганди. Отам, шунингдек, ёшгина бўлсамда мен, бойларнинг ва бошқа золимларнинг қулида тинмасдан ишлаганмиз. Аммо, қорнимиз нонга, устимиз кийим-кечакка ёлчи-маган. Очликдан ўлиб қолмаслик учун отам оғир шартга рози булиб, Неъматбойдан қарз олишга мажбур бўлган эди. Аммо, отам олган 400 сўм қарзини 15 йил давомида қайтаролмасдан хароб бўлиб, ўлиб кетди. 15 йил давомида 400 сўм қарз бир неча маротаба кўпайиб, менга ота мероси булиб қолди. Бу қарзни узиш учун бойнинг ихтиёрида чоракор, хизматкор ва дурадгор сифатида 4 йил хизмат қилсан ҳам, уни узолмадим. Охирида уй-жойимни сотиб, Неъматбойдан зўрга қутулдим. Шу равища, бойнинг узоқ йиллар давомида зулмини чекиб хонавайрон бўлдим. Шундан кейин хаёлимда бойлардан уч олиш фикри уйгона бошлади. Бойларнинг зулмидан хонавайрон бўлган менга ўхшаш камбагалларнинг сони кўп эди. Ана шундан газабланиб юрган вақтимда мардикорликка

олмоқчи бўлдилар. Шундан кейин мен ва ҳамроҳларим бойларга ва уларнинг таянчи бўлган чор ҳукуматига қарши қўзғолон кўтаришга маслаҳатлашиб, Ўрдатагига тўпландик. Бу ерга мен бойлардан, жумладан Нематбойдан қасдимни олай деб келдим.

У ерда мингбошиларга ва чор ҳукумати амалдорларига қарши биринчи ҳужум бошланиши билан золимлардан бир нечтаси ўлдирилди. Афсуски, Ўрдатагида Нематбойни тополмадим.

Ўрдатагидаги воқеадан кейин мен қамоқча олиндим ва Фаргонада суд қилиниб, осиб ўлдиришга ҳукм қилиндим. Бизларнинг орамиздагилардан қўзғолонда катта ташабbus кўрсатган камбагал Нурмат осилди. Мени ва бошқа ўртоқларимни осиш ҳукми бекор қилиниб, узоқ муддатли қамоқ жазосига алмаштирилди. Қамоқхонада бизларга ваҳшийларча муносабатда бўлишарди. Шахсан мен ўзимни қамоқхона бошлиги «сенмисан ҳали подшоҳи азамга қарши чиқадиган», деб ҳар куни калтакларди. Кун иссиқ, аммо жўртага сув беришмасдан қийналганлигимизни куриб бизни мазах қилишарди. Кўплаб бегуноҳ кишиларни тунда олиб чиқиб кетишиб калтаклашарди. Бу азобларга чидай олмай улар ўлиб кетишарди. Мен 1917 йилдан кейин озод бўлдим.

УСМОНЖОН РАҲИМОВ

Туғилган йили — 1900

Туғилган жойи — Андижон шаҳри, Ўлик даҳа, Қорамулла маҳалласи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машгулоти —

Новвойчилик

Ўзининг машгулоти —

Новвойчилик

Ҳозирги вақтдаги манзили —
Андижон шаҳри, Иккинчи бўлим.

Отам аслида камбагал оиласидан бўлиб, новвой-




чилик билан кун ўтказарди. Бу ишда мен отамга ёрдамчи эдим. Новвойчиликдан келадиган даромад шу даражада оз булиб, турмушимиз доимо йўқчилик ва муҳтоҷлиқда ўтарди. Бизга ўхшаш новвойларни ва бошқа кўп камбагалларни аҳволи жуда ачинарли эди. Бойларни, чор ҳукуматининг адолатсизликлари ва жабр-зулми менга ўхшаш қашшоқларни қўзголон кўтаришга мажбур қилган эди. Қўзголонни айнан 1916 йилда кўтарилишига сабаб, камбагалларни мардикорликка олиш воқеаси бўлди. Чунончи, камбагаллар Андижон шаҳрининг маркази ҳисобланган Жомига тўпландилар. Бу ерда шаҳар амалдорлари мардикорликка олиш тўғрисида оғиз очганларида халқ орасидан, «Мардикорликка бормаймиз!», «Мардикорлик зулмини тортмаймиз!», «Бойларнинг ўзлари мардикорликка борсин!» — деган овозалар кўтарилди. Золимларга қарши ана шундай хитобларга қарамасдан мингбошилар халқа қараб дўқ қила бошладилар. Халойиқ шу ондаёқ, «Золимларни ўлдириш пайти келди!» — деб улардан бирини мажақлаб ташладилар. Буни кўрган чор ҳукуматининг амалдорлари ва маҳаллий бойлар янги шаҳарга қараб қоча бошладилар. Уларнинг кетидан камбагаллар қулларида таёқ, кетмон, пичоқ, тош ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар билан қувиб кетдилар ва тахминан бир чақирим йўл босилгандан кейин золимларнинг аскарлари билан қонли тўқнашув бошланди. Ўша ерда мен қочиб кетаётган чор ҳукуматининг шаҳар ҳокими ўтирган извошини тўхтатмоқчи бўлиб отнинг жиловини тортиб қолдим. Қўзголончилар эса ҳокимга ёпишдилар. Бир аскар извошини тўхтатганимда менга қилич солиб, қўлимни тирсагидан чопиб ташлади, энгагим ҳам яраланганди эди. Шундан кейин ҳушимдан кетдим ва касалхонадагина ўзимга келдим. Бу ерда мен билан бирга ярадор бўлган қўзголончилардан 20 киши олиб келтирилган экан. Бизлар қаттиқ назорат остида касалхонада ётдик. Бизнинг орамизда қаттиқ яралангандардан оғзидан ўқ еган Шарифбой гузарлик камбагал Сайдидаҳор, маҳалла қоровули Хожибой, бошидан яраланганди Мақсадали қори ва бошқа бир неча яралангандар касалхонада кўз юмдилар.

Бу ҳодисалар ҳозирги Андижон вилоят касалхона-

си биносида юз берган эди. Құзғолоннинг фаол қатнашчиларидан ва катта ташаббус күрсатгандардан 20 кишини ва мени суд қилиб, турли муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилдилар. Суд Андижон шаҳрида бўлиб ўтди. Мени қулимдан айрилганим ва ёшлигимни ҳисобга олиб, шартли равишда бўшатдилар.

ЙЎЛДОШ МИРЗАЕВ



Тугилган йили — 1879

Тугилган жойи — Андижон шаҳри, Бештош даҳаси, Аълам домла маҳалласи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машгулоти — Чоракор

Ўзининг машгулоти — Рўзиохунбой пахта заводида юк ташувчи, бойларнинг эшигида хизматкор

Хозирги вақтдаги манзили — Андижон шаҳрида.

Бойларга чоракорлик қилган ота ўғли савод чиқариш баҳтидан маҳрум эди. Ўша серазият дунёда

куп яшамай, отадан ҳам жудо бўлдим. Куним бойларни эшигида малай бўлишга қолди. Балогатта етгач, Рўзиохунбойнинг пахта заводида юк ташидим. Бу билан ҳаётим яхшиланмади. Чунки завод эгаси бўлган бой бизни эртаю-кеч ишлатиб жуда оз иш ҳақи берар эди. Шунинг учун менга ўхшаш завод ишчиларининг турмуши жуда танг бўлган. Оғир шароит ва хўрлик натижасида мен заводдан чиқиб кетдим. Аммо, ҳеч қаердан қорнимни нонга тўйғазадиган ишни тополмадим ва бойларнинг уйида хизматкорликда эзилдим.

Бойлар ва чор ҳукуматининг зулмидан азоб чеккан камбағаллар сони жуда кўп эди.

Қорнимиз оч ва яланг оёқ эдик. Бу бизни тикинхўрларга қарши курашишга ундади. Шу равишда биз Андижон шаҳрида бўлиб ўтган қўзғолонга кириб

келган эдик. Құзголонда мардикорликка юборишиликка қарши ҳам чиққанмиз. Құзголондан бир күн илгари шаҳарда мардикорликка фақат камбагаллар олинар әмиш деган сұzlар тарқалғандан кейин ҳар жойда йигин булиб, бунда камбагаллар, «Ұлиш ёки қолиш!», «Золимларга бүш келмаймиз!» — деган сұzlар билан шовқин-сурон қылдилар. Бу йигинлардан хабардор бұлған чор ҳукумати амалдорлари ва бойлар бир қанча камбагалларни калтакладилар, қамоққа олдилар. Шундан кейин халқнинг норозилиги жуда кучайди ва бутун кечаси билан маҳаллаларда ҳаракат тұхтамади. Эртасига бир неча минг киши шаҳарнинг Жоми майдонига тұпландилар. Құзголончилар үтін бозордаги саксовулларни ва бозордаги катта соявонларнинг узун-узун ёғочларини олиб ва осмонга күтариб шовқин-сурон солдилар. Одамларнинг күлида тош ва гиштлар ҳам бор эди.

Оломон орасыда хотин-қызылар ва болалар ҳам күринардилар. Жоми майдонига чор ҳукуматининг аскарлари билан биргаликда шаҳар ҳокими, амалдорлари ва бошқа бойлар келиши биланоқ уларга ҳужум бошланди. Улар қочишига түшдилар, биз эса таъқибга олдик. Шундан кейин чор ҳукумати аскарлари бизга қарши үқ үздилар ва бир чолни үлдирдилар. Бир ёш йигит оғидан яраланди. Ҳозирги «Меҳнат гули» артелининг олдидә ҳам чор ҳукумати үқидан бир камбагал ва құзголончи ҳалок бұлды. Құзголон қатнашчиларидан бир нечтаси жазоланды ва қамоққа олинди.

Мен 1917 йилги февраль воқеасига қадар, ҳар жойларда яшириниб юрдим.

МУҲАММАД ДАРВИШЕВ

Туғилган йили — 1900

Туғилган жойи — Андижон шаҳри, Қиялик даҳаси, Омонжӯра маҳалласи

Миълати — Ўзбек

Отасининг машгулоти —

Чоракор

Ўзининг машгулоти —

Чоракор

Ҳозирги вақтдаги манзили —

Андижон шаҳри, Байналминал қўчаси, 10-уй



Жомидаги қўзголонда отам ва мен ҳам қатнашдик. Қўзголондан олдин отам Дарвиш Қосимов Сувонбойҳожи ва Раҳматуллаҳожи бойларнинг ерида етиширилган ҳосилини бешдан бир қисмини олиш шарти билан меҳнат қиласр эди. Мен ёшлигимданоқ отам билан биргаликда ишлаб чоракор бўлганман. Кузда ҳосил йигиб олинаётган вақтда бой ёки бойнинг яқин кишиларидан бири шартлашилган ҳосилнинг бешдан бир қисмини кўпинча бермас эди. Чунки отам шу даражада камбагал эдики, доимо қарздорликдан қутулмас эди. Ана шу олинган қарз ўрнига бизга берилиши лозим бўлган ҳосилнинг бир қисмини бой олиб қоларди. Натижада биз қарздорлик зулмига янада чуқурроқ ботиб қолганимиз. Масалан, отам Мамажон бойдан 100 сўм пулни 130 сўм қилиб бериш шарти билан олди. Аммо отамни чоракорликдан топган пули ҳатто кундалик овқатга етмаслиги натижасида ўз қарзини вақтида беролмади. Шунинг учун бизнинг олган 100 сўм қарзимиз йил давомида 390 сўмга етди. Бу пулни отам ва мен жуда қаттиқ мاشаққат ва меҳнатлар туфайли зўрга узган эдик. Қарздан узилган бўлсак ҳам, хонавайронликка учраб жуда қашшоқлашидик. Бунинг устига бизга үхшаш камбагалларни мар-

дикорликка олмоқчи бўлдилар. Шунинг учун мен ва отам маҳалламиздаги камбагаллар билан биргаликда бош кутариб Жомига келдик.


Мингбошилар, амалдорлар ва бошқа бой кишилар халққа қараб мардикорликка юбориш тўғрисида гапирган вақтда халойик «Бойларга боқиб қўйга боламиз йўқ!», «Бормаймиз» — дейишиб ҳужум бошлишди. Золимлар қочдилар. Уларни қувиб бораётуб, Қатортеракда чор ҳукумати аскарлари билан тўқнашдик.

Камбагал новвой Усмонжон Мұхаммадраҳимхожиев ўз кетидан бир тўда камбагалларни эргаштиргани ҳолда извошда қочиб кетаётган шаҳар ҳокимини (чор ҳукумати амалдорларини) ёқасидан тортиб йиқитмоқчи бўлганида бир аскар уни қўлига қилич урди. Натижада Усмонжоннинг бутун қўли тирсагигача кесилиб тушди.

Кўзголончилар бўш келмагандан сўнг чор ҳукумати аскарлари Янги шаҳарга қочдилар. Орадан бир-икки соат ўтгандан кейин кўп сондаги аскарлар бир қанча кишиларни қамоққа олдилар.

Мен 1917 йилгача, яъни чор ҳукумати ағдарилгунча қочиб юрдим.

МУҲИТДИН НАЖМИТДИНОВ



Туғилган йили — 1888
Туғилган жойи — Андижон шаҳри, Қиллиқ даҳаси, Бақа куршилак маҳалласи
Миллати — Ўзбек
Отасининг машғулоти —
Деҳқон
Ўзининг машғулоти —
Эгар-жабдиқ устаси
Хозирги вақтдаги манзили —
Андижон шаҳри, Жумҳурият кўча, 32-уй.

Маҳалламиздаги аҳолининг кўпчилиги турли ҳунарманд кишилардан иборат бўлиб, ҳаммамиз

бойларни сиқуви ва жабр-зулми остида ҳаёт кечирап эдик. Шунинг учун шаҳарнинг бошқа камбагаллари билан бир қаторда бизнинг маҳалламиз камбагаллари ҳам 1916 йили Жомида бўлган қўзголонда қатнашди.

Қўзголон вақтида Қосим Иноқ бойнинг ўғли Хошимжон ҳожини ўтакетган золим бўлганлиги учун ҳалойиқ тошбурон қилиб үлдирди. Шундан кейин ҳам камбагаллар курашни давом эттириб, қочиб кетаётган амалдорларни ва бойларни қувдилар. Аммо, йўлда аскарлар ҳоким тушган извошга ҳужум қилаётган камбагалларга қарата ўқ уздилар. Бу ҳужумда катта ташаббус кўрсатаётган камбагал бир чол ва йигит ҳалок бўлди.

Қўзголон вақтида камбагал Аҳмадали Қийизги маҳалласидаги камбагалларга бошчилик қилиб, катта иш кўрсатди.

АБДУЛАЗИЗ АСҚАРҲОЖИЕВ

Туғилган йили — 1890

Туғилган жойи — Андижон шаҳри, Анайлий даҳаси,


Кийизчи маҳалласи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машғулоти — Баққол

Ўзининг машғулоти — Баққол

Ҳозирги вақтдаги манзили — Андижон шаҳри, Собир Рахимов кўчаси, 20-уй.



Отам Андижон шаҳрининг катта бозорида баққоллик билан шугулланган. Мен отамга кўп ёрдамлашардим. Шунинг учун бозорда у ёқ-бу ёққа тентиб юрган ва ўз ерларидан ажralган деҳқонларнинг, гадойларнинг ва бошқа камбагалларнинг аҳволини жуда оғир эканлигини яқиндан билар эдим. Уй-жойсиз ва ялангоч ҳолда сарсон бўлиб юрган камбагалларнинг сони қўзголон арафасида жуда кўпайиб кетган эди. Худди ана шундай

камбагалларни биринчи гаlda мардикорликка мажбурий суратда юборишга қарор қилингани маълум бўлиб қолди.

Шундан кейин камбагалларнинг золимиларга қарши нафратлари жуда зўрайди. Шаҳарнинг ҳар маҳаллаларида камбагаллар ва ўртаҳол кишилар пешинга яқин жомега келдилар. Бу ерда бойлар ва чор ҳукуматининг вакиллари мардикорликка олишмоқчи эканликларини билдирилар. Халойик, «Бермаймиз!», «Бормаймиз!» — деган сўзлар билан бақирдилар ва оломон бошлиб, халқقا кўп зулм қилган Мансур Иноқнинг ўғлини ўлдирилар. Чор ҳукумати амалдорлари ва аскарлари қочдилар, қўзголончилар уларни тош ва гиштлар отиб қувлаб бордилар. Қатортерак жойгача келганларида казак аскарлари қўзголончиларни ҳужумини қайтариш учун ўқ отдиilar. Бунинг натижасида қўзголончилардан 2 киши ўлди. Қуролсиз қўзголончилар ҳар томонга қочдилар. Чор ҳукумати фаол қўзголончиларни, жумладан, камбағал Муҳаммадали Абдукаримовни осдилар.

ОХУНБУВА ХОЛБОБОЕВ



Туғилган йили — 1888

Туғилган жойи — Андижон шаҳри, Сои даҳаси, Яканшиқ маҳалласи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машғулоти — Ямоқчи косиб

Ўзининг машғулоти — Бойларнинг эшигига хизматкор

Ҳозирги вақтдаги манзили — Андижон шаҳри, Ўзгариши маҳалласи, Обод кўчаси, 23-үй.

Бойлар эшигига хизматкор сифатида турли ишларни бажариб, бир кунимни утказиб юрган вақтимда мени мажбурий суръатда мардикорликка олдилар.

Андижонда мардикорликка олиш Жомидаги құзғолондан кейин бошланған зди. Бу құзғолон вақтида Сегаза деган қишлоқда бұлғанлигим учун камбагаларнинг золимларга қарши курашида иштирок этиш менга насиб этмаганидан жуда афсусланған здим. Андижондан мардикорликка жүнатилаётган 1000 га яқын киши түшган поездга яқынлашиб, «хайрлашмоқчи» бұлған мингбошилар камбагалларнинг нафрат тұла сұzlари остида қолиши. Мардикорликка кетаётгандарнинг тұsatдан ҳужумға ўтиб қолиши хавфи бұлғанлигидан чучиган бойлар чор ҳукумати аскарларининг ҳимоясида үзларини четлатиб қолишиға эришдилар.

Аммо мардикорликка олинған камбагалларни бойларға қарши ва чор ҳукуматига қарши ҳаракати зұрайб борди. Бундан хавф сезган чор ҳукумати амалдорлари Абдужаббор мингбошини ўз амалидан бекор қылғанларини вокзалда эълон қылдилар. Шундан кейин бизларни Одесса томонға юбөриб қаттық ишлатдилар ва күп зулм ўтказдилар.

1917 йилда ўз ватанимизга қайтиш имконига эга бўлдик.

ЙЎЛДОШ МАДАЗИМОВ

Холмурод құргонча қишлоғида асосан қорақалпоқ ва ўзбеклар яшаб, улар деҳқончилік билан шуғулланғанлар. Эсонали Раҳимқұлов ва уни ёрдамчиси Йўлдош Эркүзиев каби элликбошилар қишлоқни бошлиғи ва золимлари булиб ҳисобланған. Булар ўз хоҳишиларича хеч қандай қонунга бўйсунмасдан амалдорлик қиласа ва халқни эзар әдилар. Кунларнинг бирида шундай воқеа рўй берди.

Деҳқон Маматқұлов деган камбагалнинг уйига Йўлдош Эркүзиевнинг или кириб товоқдаги унни исказди. Буни кўрган Маматқұлов итга кесак отиб, кучага ҳайдаб чиқсан. Шунда у Эсонали элликбошига дуч келиб қолади. Шундан сўнг мингбоши, менинг ёрдамчимнинг итини камбагал урадими деб, унга 80 сўм жарима солади. Бу пулни бериш учун деҳқон Маматқұлов бутун мол-мулкини сотиб хонавайрон бўлади.

Бунга ўхшаш воқеалар қишлоғимизда тез-тез бўлар, бизларни золимларга қарши, жумладан, Эсон-

али элликбошига қарши газабимиз ва нафратимиз тулиб-тошиб борарди. Бу газаб ва нафратлар мардикорликка олмоқчи бўлганликларини эшитганимиздан кейин қўзголонга айланди. Қишлоғимизда Эсонали мингбоши бизларни чор ҳукуматини хизмати учун мардикорликка юбормоқчи эканлиги билиниб қолди. Шундан кейин, бизлар — камбағал Тожибой Муродов ва Орзиқул Матисов бошчилигида элликбошига қарши ҳужум қилдик ва оломон остида Эсоналини ўлдирдик.

Йўлдош элликбоши эса қочиб қутулди. 2 кундан кейин қишлоғимизга солдатлар келди ва 60 га яқин киши қамоқقا олинди. Солдатлар қишлоқ аҳолисини, ҳатто аёлларни ҳам калтакладилар ва мол-мулкларимизни таладилар. Мен тўқайларда яшириниб юрган эдим, аммо кампир онамни ўглингни топиб берасан деб қамаб қўйғанларини эшитиб ихтиёрий равишда ўзимни солдатлар ихтиёрига топширдим. Мени Андижон қамоқхонасига ташладилар. Бу ердан кейинчалик қутулиб қишлоғимга қайтдим.

МЎМИНБОЙ БОБОРАҲИМОВ

Урмонбек қишлоғи Андижон уездининг чекка қишлоқларидан бири эди. Бу ерда дехқонларнинг сувга бўлган муҳтоҷликларидан бойлар ўзлари учун фойдаланарадилар. Чунончи, камбағал дехқонлар сувдан фойдаланиш учун қишлоқ бойларига ва амалдорларига пул тўлашлари ёки ишлаб беришлари лозим эди. Сувнинг бойлар ва амалдор қўл остида бўлиши туфайли дехқонларнинг ихтиёри ҳам бойларда қолган эди.

Сув туфайли бойлар ва дехқонлар уртасида кўпинча жанжаллар ва тўқнашувлар ҳам бўлиб турар эди. Сув ташвишидан бошқа турли хилдаги оғир солиқлар ҳам қийнарди. Қишлоғимиздаги Бовудқул Ёрчибоев деган элликбоши ўтакетган золим бўлган. Бу элликбоши бизларни мардикорлик рўйхатига ёзив янада қаттикроқ зулм кишанига боғламоқчи бўлди.

Бизлар жабр-зулмга ва буни қўллаб-қувватлаётган чор ҳукуматига қарши қўзголон кўтардик. Бутун қишлоқ аҳолиси кетмон, таёқ ва пичоқлар билан

қуролланиб бойларни ўлдириш ва озодликка чиқиши учун курашдик. Чунончи, бизлар Довудкул элликбонининг уйига бостириб бордик ва уни ўлдиримоқчи бўлдик, аммо бизнинг бу мақсадимиздан хабардор бўлган Довудбек элликбоши ва бошқа бойлар қочиб кетган эканлар. Уларни бир неча соат ахтариб тополмадик.

Урмонбек қишлоғида чор ҳукуматининг солдатлари қўзголончиларни қўлга туширмоқ учун кўп ҳаракат қилдилар, аммо фаол қўзголончилар ҳар томонга тарқаб кетган эдилар. Мен ҳам яширган эдим.

АБДУЛЛАҲАСАН ҲАСАНОВ

Туғилган йили — 1892

Туғилган жойи — Андижон

шаҳри, Олтинқўл волости,

Далварзин қишлоғи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машгулоти —

Камбағал дэҳқон

Ўзининг машгулоти —

Камбағал дэҳқон

Ҳозирги вақтдаги манзили —

Андижон шаҳри, Олтинқўл тумана,

Тельман колхози, Далварзин қишлоғи.

Бизнинг оиласиз ҳам бойларнинг ва чор ҳукуматининг зулмидан азоб чеккан оиласардан бири эди. Ўзимизга қарашли кичкина ердан олган ҳосил турли хилдаги солиқларни тўлашдан ортмас эди.

Бойларнинг зулмига ва адолатсизлигига қарши сўз айтувчилар ёки уларга буйсунишдан бош тортгандар қаттиқ жазога тортилар эди. Масалан, кунлардан бирида қишлоқнинг амалдорларидан Мансурқўл Амин бизнинг уйимизга келиб ўлпонни тезда тўлашимизни талаб этди. Аммо унинг талабини қондиришга бизнинг имконимиз йўқ эди. Шунинг учун Мансурқўл Амин менинг отамни олиб чиқиб кетиб



қаттиқ хафа қилибди. Буни отам қайтиб келгандан кейин ғазабланиб менга гапириб берган. Бойлар чор хукуматига таянган ҳолда катта ерларни ўзларига олган ва күп майда дәхқонларни чоракорга айлантириб ишлатардилар. Яквалхожибой камбагал дәхқон Шокир Қувватовнинг ерини мажбурий суратда ўз ерига күшиб олди. Чунки Шокир ундан олган қарзини беролмаган эди.

Қийналиб, азоб чекиб турганимизда бизларни мардикорликка олмоқчи ва бошқа шаҳарларга юбормоқчи бўлдилар. Бойларнинг ва чор хукуматининг бу мақсади Далварзин қишлоғидаги аҳолини зулмга қарши чиқишиларига турткি бўлди.

Қўзғолондан олдин қишлоқнинг ҳар жойида тўпланишлар бўлиб, бунда камбагал дәхқонлар ва чоракорлар, «Бойларнинг таъзирини бериш вақти келди!», «Чор хукуматига қаршимиз!» — деган сўзлар билан кечаси қўзғолон кўтаришга аҳд қилдилар.

Шундан кейин бойларнинг зулми остида жуда қашшоқлашган ва нафратга тўлиб-тошган камбагаллар, жумладан, Маҳаммадзим Умурзоқов, Шодмонали Сайдалиев ва бошқалар — ўз атрофларига қишлоқ камбагалларини уюштириб, қишлоқдаги амалдорлар турадиган жойга бордилар. Булар билан бир қаторда отам ва мен ҳам бориб, қўзғолонда қатнашдик. Ҳаммамизнинг мақсадимиз зулмдан ва мардикорликка борищдан қутулиш эди. Шунинг учун бизларга қараб қишлоқ мингбошиси Ҳакимбек ва унинг миршаблари ўқ узишга ҳаракат қилдилар. Шу ондаёқ қўзғолончилар уларга тош, таёқ, болта ва пичоқлар билан ҳужум қилиб Ҳакимбек мингбошини ва иккита миршабни ўлдирдилар. Мингбошига пичоқни биринчи бўлиб камбагал Маҳаммадзим Умурзоқов урди.

Қишлоқ мингбошиси ва миршабларни ўлдиришда камбагал дәхқон Шодмонали Сайдалиев катта жасорат кўрсатди.

Тонг отгандан сўнг солдатлар келиб, қўзғолон қатнашчиларининг оиласарини, жумладан, хотин-қизларни, ҳатто кампирларни ҳам саваладилар. Ўйларидаги мол-мулк ва мевалар солдатлар томонидан таланди.

Солдатлар хотинларни ва оналарни азоблаб, қочиб

кетган эрлари ёки ўғилларини топиб беришни талаб қилдилар. Буни эшитган құзғолончилар ўз оиласари-ни сақлаб қолиши мақсадида ихтиёрий равища қишлоққа қайтиб келабошладилар. Отам ва мен ҳам қишлоққа қайтишга мажбур бўлдик. Қишлоққа бир нечта кишиларни, жумладан, отам Ҳасан Қувватов, мен, Маҳамадазим Умурзоқов, Шодмонали Сайдалиев, Корабой Исмоилов ва бошқалар қамоққа олинди. Отамни қамоқда олиб қолиб, мени ёшлигим учун чиқарип юбордилар. Отам суд қилиниб, 15 йилга ҳукм этилди.

Маҳамадазим Умурзоқов, Шодмонали Сайдалиев осиб ўлдиришга ҳукм этилди. Бироқ, Маҳамадазим осилиб, қолганлар 15 йил қамоқ жазосига ўтказилди.

Қишлоғимиздан яна бир неча киши турли муддатга қамалди. Отам 1917 йилдан кейин қишлоғимизга қайтди.

АБУЛҚОСИМ ЙЎЛДОШЕВ

Туғилган йили — 1891

Туғилган жойи — Андижон уезди, Жалақудук волости,
Сүфи қишлоғи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машгулоти — Новвой

Ўзининг машгулоти — Новвой

Ҳозирги вақтдаги манзили — Андижон вилояти,
Жалолқудук тумани, Охунбобоев кӯчаси.

Бизнинг турар жойимиз Сүфи қишлоқнинг құзғолон бўлиб ўтган кўчасида жойлашган эди. Шунинг учун мен құзғолонни қай ҳолда бўлганлигини ўз қўзим билан кўрганман. Мен кўчадан шовқин-суронни эшитиб чиққанимда, бир тўда камбагалларни акам Исмоил Мадазимов (угай акам) бошчилигида Сүфи қишлоғининг амалдорларидан бири бўлган Корабой Эминни қувлаб кетаётганликларини кўрдим. Мен ҳам уларга қўшилдим ва кейинги воқеаларда қатнашдим. Бизлар амалдорларга қарши курашаётган камбагалларнинг тўдасига қўшилдик. Биз келгунимизча құзғолончилар бойлардан бир нечтасини тош, таёклар билан оломон қилиб, ўлдириб қўйган эканлар.

Бойларнинг кўпчилиги камбагалларнинг жабрзулмга қарши кўтариғанликларини англаб қочиб кетган эканлар. Қўзголончилар бойларга қарши нафрат сўзларини бақириб гапирғанлари ҳолда, бойларни ахтариб топишга ҳаракат қилдилар. Аммо бойлар яширинишига эришган эканлар. Бир неча соатлардан кейин чор ҳукуматининг аскарлари қишлоғимизни остин-устин қилиб, кўп қишиларни қалтакладилар ва қамоқقا олдилар. Тахминан 50 қишига яқин қўзголончилар қамоқقا олинган эди. Менинг акам бойларнинг қонли панжасига тушмаслик учун қочди ва революциядан кейингина ўз уйига қайтди.

Суфи қишлоғида бўлган 1916 йилги қўзголонда атроф-теваракдаги қишлоқлардан ҳам кўп камбагаллар келган эдилар. Қўзголонда қишлоқ дәҳқонлари ва чоракорлар бойларнинг зулмидан ва чор ҳукуматининг оғир солиқларидан қутулиш учун бош кўтарган эдилар.

Мен бошқалар билан бир қаторда қўзголонда худди ана шу мақсад билан қатнашган эдим.

УСМОНАЛИ ТЎХТАСИНОВ

Түғилган йили — 1885

Түғилган жойи — Андижон уезди, Жалолқудук волости,

Жалолқудук қишлоғи

Миллати — Ўзбек

Отасининг машгулоти — Ямоқчи косиб

Ўзининг машгулоти — Чоракор

Ҳозирги вақтдаги манзили — Андижон вилояти,

Жалолқудук маҳалласи кенгаши

Суфи қишлоғида бўлиб ўтган халқ қўзголонида бир нечта атроф қишлоқларнинг, жумладан, Жалолқудук қишлоғининг аҳолиси қатнашганлигини гувоҳиман. Бизning қишлоғимиздаги аҳолининг турмуши бошқа қишлоқларга ўхшаш жуда оғир бўлган эди. Бойларнинг катта ерларида чоракорлар пахта эксалар бешдан бир қисмини, дон эксалар учдан бир қисмини олиш шарти билан ишлар эдилар. Аммо чоракорлар ҳосил етиштиргунча қарздор бўлиб қолишлари натижасида олиш лозим бўлган ҳосилнинг маълум қисми-

ни бойдан ололмас әдилар. Худди шу тарзда мен ҳам Мадкарим бойнинг ерида чоракорлик қилганман.

Қишлоғимиз аҳолиси чор ҳукуматининг амалдорларига оғир ва турли хилдаги солиқларни тұлғанлар. Юқоридаги сабаблар ва мардикорликка олиш тұғрисидеги хабар камбагалларни Сүфи қишлоғида құзголон күтаришига олиб келган әди. Бу ердаги құзголонда бизнинг қишлоғимиздеги камбагаллар қашшоқлашған ва хонавайрон бұлған Ёқуб Қаландаров бошчилігіда фаол қатнашғанликларидан менинг хабарим бор әди. Сүфи қишлоғида құзголончилар бойлардан бир нечтасини оломон қилиб үлдирғанлар тез орада бизнинг қишлоғимизга ҳам етиб келди.

Құзголондан кейин қишлоғимиздан камбагал дәхқон Холмат Худойбердиев, чоракорлардан Хужамберди Эгамбердиев ва Ёқуб Қаландаровларни солдаттар қаттық қалтаклаб, қамоққа олганликларини үз күзим билан құрган әдим. Булардан, камбагалларнинг йулбошчиси сифатида Ёқуб Қаландаров осиб үлдірилди.

Қаландаров жуда ҳам камбагал бўлиб ўзининг унумсиз ва жуда кичик ериға эга әди. У маҳаллий бойларни жабр-зулми остида күп машаққатларни тортган, шунинг учун ҳам бизнинг қишлоғимиздеги камбагалларга бош бўлиб Сүфи қишлоғидеги құзголонда золимларга қарши курашда жасорат қўрсатғанди.

ТҮХТАМУРОД ТҮХТАСИНОВ



Түғилган йили — 1886

Түғилган жойи — Ўш уездси, Булоқбоши, Хўжаобод қишлоғи
Миллати — Ўзбек

Отасининг машгулоти —
Деҳқон

Ўзининг машгулоти — Деҳқон
Ҳозирги вақтдаги манзили —
Андижон вилояти, Олтинкўл
тумани, Хўжаобод қишлоқ
кенгаши.

Ўш уездининг Хўжаобод қишлоғида 1916 йилда қашшоқлаштан деҳқонларнинг қўзголони бўлиб, бунда мен ҳам қатнашган

эдим. Қўзголон қўйидаги сабаблар натижасида пайдо бўлган эди: бизнинг қишлоғимизда бойлар ўз қўллари га катта ерларни тўплаб, меҳнаткаш аҳолини ҳаддан ташқари эзганлар. Улар ўз ерларида чоракорларни ишлатиб ва камбагал деҳқонларни оёқ ости қилиб, катта бойликларга эга бўлганлар. Бунинг натижасида қишлоғимизда хонавайрон ва қашшоқ булган камбагалларнинг сони жуда ҳам кўпайиб кетди, шу туфайли бойларга қарши нафрат ниҳоятда авж олди.

Хўжаобод қишлоғида Муҳаммад Соликхўжабой, Эмин Охунбой, Рахимбой ва мингбошилар камбагалларнинг энг ашаддий эзувчиси ҳисобланганлар. Бу бойлар чор ҳукуматининг олдида тиз чўкиб ва ўзининг манфаатини кўзлаб, камбагалларни мардикорлик зулмига мубтало қилиши тўғрисида бир қатор чораларни кўра бошладилар. Улар камбагалларни мажбурий суратда Россиянинг узоқ шаҳарларига юбормоқчи бўлдилар. Халқнинг бошига тушган бу мусибат бойларга ва чор ҳукуматига қарши нафрат-газаби ошибтошиб кетган қашшоқларни очиқдан-очиқ золимларга қарши кўтарилишларига олиб келди.

Юқоридагилардан ташқари турли хилдаги солиқлар ва мажбуриятларни катта бойларнинг ва чор

ҳукуматининг фойдасига тўлар ва тинимсиз ишлар эдик. Шундай қилиб, мени ва бошқа менга ўхшаш кишиларнинг қўзголонда қатнашишларига сабаб бойларнинг ва чор ҳукуматининг зулми ҳисобланган эди.

Қўзголон кўтариш ҳақида Хўжаобод қишлоғининг ҳамма жойида кундуз куни тўпланишлар бўлиб, тайёргарлик кўрилди. Кечаси тош, кетмон, таёқ ва пи-чоқлар билан қуролланиб бойларни тутиш ва уларга жазо бериш мақсад билиб қўйилди. Бунга биноан кечаси қишлоғимизнинг аҳолиси тўпланиб бойларни қидира бошладилар. Биринчи галда қўзголон кўтарган кишилар, жумладан, мен ҳам қишлоғимизнинг энг катта бойи ва золими ҳисобланган Эмин Охунбойни ва унинг акасининг ўғли, мингбоши Маҳаммаджон Солиевни тутиб олиш учун уйига бостириб бордик. Аммо, бойларнинг бирортаси ҳам қўлимизга тушмади. Чунки бизнинг қўзголонни кечаси кўтармоқчи эканлигимизни ўз айгоқчилари орқали билган бойлар қочиб кетган эдилар.

Қўзголончилар Эмин Охунбойнинг уйига боришиб, унинг дарвозасини ва ойналарини тош, таёклар ва болталар билан буздилар ва синдиридилар. Эртасига Хўжаобод бойлари ҳарбий жазо отрядини олиб келиб, қишлоқдаги қўзголонда бойларга ва чор ҳукуматига қарши бош кўтарган кишиларни савалатдилар. Шундан сўнг Усмон Маҳамматов, Иброҳимхон Усмонов, Салоҳиддин Холиқов, Тилаболди Шералиев сингари ўнга яқин қўзголон иштирокчилари қамоқقا олиндилар.

Деҳқон Усмон Маҳамматов қўзголонни уюштиришда ва бойларга қарши курашда катта иш кўрсатган эди. Шунингдек, камбагал деҳқон Сатим Янгибов ҳам камбагалларга бошчилик қилганлардан бири бўлган. Улар сафида мен ҳам бор эдим.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	5
Милоддан аввалги асрларда мустақиллик ва озодлик учун олиб борилган курашлар	
Аҳамонийлар давлатининг босқинига қарши кураш	10
Македониялик Александр тажовузига қарши жанглар	17
Араб халифалигига қарши олиб борилган жанглар	
Халифаликнинг ҳарбий юришлари	23
Сомонийлар давлатининг ташкил топиши	32
Мўгуллар тажовузи ва ҳукмронлигига қарши курашлар	
Хоразмшоҳлар империясининг аҳволи	36
Мўгуллар босқинининг бошланиши	40
Темур Малик бошчилигидаги жанг	46
Бухоро, Самарқанд ва Кўхна Урганчдаги жанглар	49
Ватан учун жонини тиккан Жалолиддин	59
Махмуд Таробий — озодлик курашчиси	68
Мўгуллар ҳукмронлигининг тутатилиши	
Амир Темур — халқ ҳалоскори	72
Ё озодлик, ё улим!	77
Амир Темур томонидан Ватан мустақиллигининг тикланиши	83
Чор Россияси ҳарбий юришларининг бошланиши ва ривожланиши	
Олтин Ўрда ва Рус давлати	96
Амир Темурнинг Олтин Ўрдага зарбаси	100
1717 йилда Чор Россиясининг Хива хонлигига қарши ҳарбий юриши	104
Қозогистонда Рус давлати ҳукмронлигининг үрнатилиши	121
1839 йилда Хива хонлигига қилинган тажовуз	124
Хива хонлигига қарши қайта ҳарбий юришни уюштириш ҳаракати	127
Ўзбек хонликларининг Чор Россияси томонидан забт этилиши	
Оқмасжиддаги жанг	131
Авлиёота, Туркестон ва Чимкентнинг босиб олиниши	134
Тошкентнинг урушиб олиниши	137
Бухоро хонлигининг бўйсундирилиши	147

Хива хонлигининг забт этилиши	152
Құқон хонлигининг тутатилиши	153
Чор Россиясининг ҳукмронлигига қарни куашлар	
Мустамлакачилик ва миллдій зулм сиёсати	157
1892 йил құзғолони	158
XIX асрнинг 80—90 йилларида күтариlgан құзғолонлар	184
1898 йил құзғолони	189
Құзғолон қатнашчиларининг жазоланиши	220
XX аср бошларыда Туркистанда истиқтол учун куашлар	
Самарқанд вилоятидаги құзғолонлар	255
Сирдарә вилоятидаги құзғолонлар	269
Фарғона вилоятидаги құзғолонлар	275
Россия ва Туркистанда сиёсий шартиялар ва ишчилар ҳаракатининг юзага келиши	
Россияда сиёсий куашларнинг авжига чиқиши	293
Жадидлар мустақиллік ва озодлік учун курашда	297
Чоризмнинг ағдарилиши ва буржуа феврал-демократик инқилобининг галабаси	304
Туркистанда мувакқат ҳукуматнинг тор-мор этилиши ва совет давлатининг ўрнатилиши	309
Туркистан Мухториятининг ташкил тошиши ва тарихий аҳамияти	
«Босмачилик» — озодлік куашининг ёрқин намунаси	
Фарғона водийсидеги «босмачилик»	331
Хива хонлигіда «босмачилик» кураши	344
Бухоро амирлигіда истиқтол учун куашлар	352
Ўзбекистон Мустақиллігининг тикланиши ёхуд буюк тарихий воқеа	
«Социализм» тузумининг мөхияти ва йұналиши	374
1989—1991 йилларда Мустақиллік учун кураш	384
Мустақиллікнинг ўзига хос хусусиятлари ва буюк тарихий ўзгаришлар	393
Илова	401

ҲАМИД ЗИЁЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН
КУРАШЛАРНИНГ ТАРИХИ**

*(Милоддан олдинги асрлардан то
1991 йил 31 августгача)*

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2001

Мұхаррір Азимбай Бобониёзов
Рассом Қайрат Ақчулаков
Бадий мұхаррір Михаил Самойлов
Техник мұхаррір Диана Габдрахманова
Компьютерда сақиғаловчы Татьяна Огай
Мусаҳидлар Нозима Мухамедиева, Юлдуз Бизаатова

Теришга берилди 17.04.2001. Чоп этишга рухсат берилди
25.06.2001. Биғими 84x108 1/32. Таймс гарнитураси. Шартли босма
табоги 23,52. Нашриёт-хисоб табоги 24,1. Адади 5000 дона. Буюрга
№1917. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41.

